			<i>Eumenes dubius</i> (Saussure, 1852)
			<i>Eumenes mediterraneus</i> (Kriechbaumer, 1879)
		Syneuodynerus (Blüthgen, 1951)	<i>Syneuodynerus egregius</i> (Schäffer, 1839)
		Polistinae (Bequaert, 1918)	Polistes (Latreille, 1802)
	<i>Polistes wattii</i> (Cameron, 1900)		
	<i>Polistes dominula</i> (Christ, 1791)		
	Vespinae (Latreille, 1802)	Dolichovespula (Rohwer, 1916)	<i>Dolichovespula sylvestris</i> (Scopoli, 1763)
		Vespula (Thomson, 1869)	<i>Vespula germanica</i> (Fabricius, 1793)
			<i>Vespula rufa</i> (Linnaeus, 1758)
		Vespa (Fabricius, 1807)	<i>Vespa orientalis</i> (Linnaeus, 1771)
	<i>Vespa crabro</i> (Linnaeus, 1758)		
Жами:	3	8	14

Ўрганилаётган ҳашаротлар ҳақиқий арилар оиласининг асосий гуруҳларидан бири бўлиб, биоценозлардаги аҳамияти бўйича алоҳида ўринга эга. Хоразм воҳасида муаллифлар томонидан минтақага хос бўлган бир нечта биотопларни ўрганилди. Дала тадқиқотлар давомида ушбу биотоплардаги ҳақиқий ариларнинг тур таркиби аниқланди. Худуд 3 биотопга чўл, тўқай, кўл ва битта антропоген ландшафтга ажратилди. 2019-2020 йилларнинг май ойидан сентябр ойларигача барча худудларда ҳақиқий арилар тур таркиби ва уларнинг нисбати аниқланди (3-жадвал).

3 - Жадвал

Ҳақиқий арилар (Vespidae) оиласи вакиллариининг биотоплар бўйича тақсимланиши

№	Тур номи	Тўқай	Чўл	Кўл	Агроландшафт
1	<i>Antepipona nigricornis</i>	+	-	-	+
2	<i>Odynerus simillimus</i>	+	-	-	+
3	<i>Eumenes crimensis</i>	+	-	-	+
4	<i>Eumenes dubius</i>	+	-	+	+
5	<i>Eumenes mediterraneus</i>	-	-	-	+
6	<i>Syneuodynerus egregius</i>	+	-	+	+
7	<i>Polistes gallicus</i>	+	+	-	+
8	<i>Polistes wattii</i>	+	+	+	+
9	<i>Polistes dominula</i>	+	+	+	+
10	<i>Dolichovespula sylvestris</i>	+	-	+	-
11	<i>Vespula germanica</i>	+	+	+	+
12	<i>Vespula rufa</i>	+	-	+	-
13	<i>Vespa orientalis</i>	+	+	+	+
14	<i>Vespa crabro</i>	+	+	+	+
Жами:		13	6	9	12

Ўрганилаётган биотоплар (тўқай, чўл, кўл, антропоген) фаунасининг ўхшашлиги даражаси билан таққослашда Сьеренсен индексида фойдаланилди [16]:

$$L_{\text{клас}} = \frac{2A}{2A+B+C},$$

Бунда: 2A – биринчи (B) ва иккинчи (C) биотопдаги ўхшаш турлар сони йиғиндиси ва кўпайтмаси, B – биринчи биотопдаги турлар сони, C – иккинчи биотопдаги турлар сони [16].

Хоразм воҳаси биотопларида тарқалган Vespidae оиласи арилари фаунасининг ўхшашлик даражалари ўрганилганда ва таққосланганида куйидаги натижалар олинди (4-жадвал).

Хоразм воҳаси ҳудудларида тарқалган Vespidae оиласи турларнинг ўхшашлиги
(Сьеренсен индекси бўйича)


биотоп	Тўқай	Чўл	Кўл	Антропоген
Тўқай	X	0,56	0,62	0,64
Чўл	0,56	X	0,57	0,57
Кўл	0,62	0,57	X	0,57
Антропоген	0,64	0,57	0,57	X

Бу жадвалда турларнинг тарқалиши бўйича кўл бўйи ва тўқай, тўқай ва антропоген биотопларида ўхшашлик кўп эканлиги қайд қилинди.

Турли хил биотопларда (тўқай, чўл, кўл, антропоген) олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра турлар биохилма-хиллиги ва миқдори билан фарқ қилиши қайд этилди. Жумладан веспидия оиласи вакилларида энг кўп тарқалган веспула авлодига мансуб турлар бўлиб (*Vespula germanica*, *Polistes dominula*, *Vespula germanica*) умумий турларнинг ўртача 21% ни, кейинги ўринда *Vespa orientalis* 14.4% ни, кам тарқалган турлар *Antepipona nigricornis*, *Odynerus simillimus*, *Eumenes dubius* турлар ўртача 1,12%, энг кам тур *E.mediterraneus* 0,53% ни ташкил этиши қайд этилди (5-жадвал).

Хоразм воҳаси тўқай биотопи ҳақиқий арилар тур таркиби

№	Турлар	тўқай	чўл	кўл	антропоген	жами
1	<i>Antepipona nigricornis</i>	21	-	-	9	30
2	<i>Odynerus simillimus</i>	16	-	-	7	23
3	<i>Eumenes crimensis</i>	48	-	-	8	56
4	<i>Eumenes dubius</i>	9	-	8	6	23
5	<i>S.egregius</i>	59	-	21	8	88
6	<i>Polistes dominula</i>	124	34	139	156	453
7	<i>Polistes gallicus</i>	24	13	-	52	89
8	<i>Polistes wattii</i>	117	74	94	189	474
9	<i>Vespula germanica</i>	148	39	117	178	482
10	<i>Vespula rufa</i>	41	-	53	-	94
11	<i>Vespa orientalis</i>	102	87	87	49	325
12	<i>Vespa crabro</i>	12	9	13	11	45
13	<i>D.sylvestris</i>	8	-	48	-	56
14	<i>E.mediterraneus</i>	-	-	-	12	12
Жами		729	256	580	685	2250



3 - расм. Хоразм воҳаси биотопларидаги ҳақиқий арилар миқдори

Тадқиқот натижаларига кўра, ҳақиқий ариларнинг сон жиҳатдан энг кўпи тўқай биотопида 729 тани, чўл биотопида 256 тани, кўл биотопида 580 тани, антропоген ҳудудда эса 685 тани ташкил қилиши аниқланди (3-расм).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Абашеев Р.Ю., Буянжаргал Б., Холбоева С.А. Новые данные о распространении и особенностях экологии малоизученной осы *Eumenes transbaicalicus* // Вестник Бурятского государственного университета. – 2015 а. – Вып. 4. – С. 99 – 103.
- Абашеев Р.Ю., Буянжаргал Б. К фауне одиночных складчатокрылых ос (Vespidae, Eumeninae: *Eumenes* Latreille, 1802; *Katamenes* Meado-Waldo, 1910) Монголии // Чтения памяти Алексея Ивановича Куренцова. – 2015б. – Вып. 16. – С. 277 – 283.
- Буянжаргал Б. Фауна и экология складчатокрылых ос (Hymenoptera, Vespidae) Орхон – Селенгинской впадины Монголии // диссерт. кан. биол.наук. Иркутск-2016. С-196.

4. Голуб В.Б. Коллекции насекомых: сбор, обработка и хранение материала / Голуб В.Б., Цуриков М.Н., Прокин А.А. М.: Товарищество научных изданий КМК, 2012. 339 с.
5. Костылев Ю.А. Новые и малоизвестные среднеазиатские виды сем. Vespidae (Hym.) // Сб. тр. гос. Зоомузея МГУ. – 1935а. – № 1. – С. 117 – 146.
6. Костылев Ю.А. Несколько новых и малоизвестных видов сем. Vespidae (Hym.) // Сб. тр. гос. Зоомузея МГУ. – 1937. – № 3. – С. 221–226.
7. Курзенко Н.В. Одиночные складчатокрылые осы (Hymenoptera, Eumenidae) Монгольской Народной Республики и сопредельных территорий Китая и Южной Сибири // Насекомые Монголии. – Вып. 5. – Ленинград : Наука. Ленинградское отделение, 1977б. – С. 537 – 582.
8. Курзенко Н.В. Семейство Vespidae – складчатокрылые осы // Определитель насекомых Дальнего Востока России / под ред. Лера П.А. – Т. IV. Сетчатокрылообразные, скорпионницы, перепончатокрылые. – Ч. 1. – Санкт-Петербург: Наука, 1995. – С. 264–324.
9. Курзенко Н.В., Семейство Vespidae – складчатокрылые осы / Курзенко Н.В.; под ред. Лелея А.С. // Аннотированный каталог насекомых Дальнего Востока России. – Т. I. Перепончатокрылые. – Владивосток: Дальнаука, 2012. – С. 415–423 с.
10. Antropov A.V., Fateryga A.V. (2017). Superfamily Vespoidea // Annotated catalogue of the Hymenoptera of Russia. Volume I. Symphyta and Apocrita: Aculeata. Proceedings of the Zoological Institute RAS. Supplement 6. SPb.
11. Archer M.E. Key to the world species of the Vespinae (Hymenoptera): Part I. Keys, checklist and distribution // Academic Board Research Committee of the University College of Ripon & York St. John, 1989. – 41 p.
12. Buyanjargal B., Abashev R.Yu., Haulanbek A. Distribution of potter wasps (Vespidae, Eumeninae) in Mongolia // Vestnik Buryatskogo gosudarstvennogo universiteta. – 2013b. – V. 4. – P. 84–90.
13. Carpenter J.M. The phylogenetic relationships and natural classification of the Vespoidea (Hymenoptera) // Systematic Entomology. – 1981. – V. 7. – P. 11–38.
14. Castro L., Dvorak L. New and noteworthy records of vespid wasps (Hymenoptera: Vespidae) from Palearctic region (II) // Boletín Sociedad Entomológica Aragonesa. – 2009. – V. 44. – P. 295–304.
15. Castro, L. Dvorak L. New and noteworthy records of vespid wasps (Hymenoptera: Vespidae) from Palearctic region (III) // Acta Musei Moraviae, Scientiae biologicae (Brno). – 2010. – V. 95, № 2. – P. 37 – 53.
16. Chao A., Chazdon R.L., Colwell R.K., Shen T.J. New statistical approach for assessing similarity of species composition with incidence and abundance data // Ecology Letters – 2005. – V. 8. – P. 148 – 159.
17. Dvorak L., Castro L. New and noteworthy records of vespid wasps (Hymenoptera: Vespidae) from the Palearctic region // Acta Entomologica Musei Nationalis Pragae. – 2007. – V. 47. – P. 229–236.
18. Eck R. Vespinae (Insecta: Hymenoptera) aus der Mongolei (Ergebnisse der Mongolisch-Deutschen Biologischen Expedition seit 1962, Nr. 125) // Erforsch. biol. Ress. MVR, Halie (Saale). – 1984. – V. 4. – P. 71–73.
19. Jurzitza G. Rasterelektronenmikroskopische Untersuchungen an den appendices und den laminae mesostigmalen einiger Enallagma – Arten (Odonata, Zygoptera) II Forma et Functio. 1975. – V 8. – P. 33–48. 127; 33-48-6.]
20. Gusenleitner J. Vespoidea (Hymenoptera) aus der Mongolei und der Sowjetunion // Linzer biol. Beitr. – 1991. – V. 23, № 2. – P. 631–641.
21. Giordani Soika, A. Ergebnisse der zoologischen Forschungen // Annales historic-naturales musei nationalis hungarici. — 1970. — V. 62. — P. 325–333.
22. Giordani Soika, A. Vespidae ed Eumenidae (Hymenoptera) raccolti in Mongolia dal Dr. Z. Kaszab // Acta zoologica Academiae scientiarum hungaricae. — 1976. — V. 22, № 3–4. — P. 271–276.
23. Kostylev G. Espèces nouvelles et peu connues de Vespides, d' Eumenides et de Masarides palearctiques (Hymenoptera) // Bull. Soc. Nat. Moscou. S. Biol. – 1940a. – V. 49, № 3 – 4. – P. 137 – 154.
24. Moericke V. Eine Farbfalle zur Kontrolle des Fluges von Blattläusen, insbesondere der Pfirsichblattlaus, *Myzodespersicae* (Sulz.) // Nachrichtenblatt des Deutschen Pflanzenschutzdienstes. – 1951. – V. 3. – P. 23–24.
25. Prezoto F., & Sabino J. Giannotti E. & Nascimento F.S. (2007). Entre mandíbulas e ferrões: O estudo do comportamento de vespas. // As distintas faces do comportamento animal (pp. 43- 45). Campo Grande: UNIDERP.
26. Temreshev I.I. On the expansion of the areas of *Vespa orientalis* and *Polistes wattii* (Hymenoptera: Vespidae) on the territory of the Republic of Kazakhstan // Acta Biologica Sibirica, 2018, 4(1), 38–4
27. Townes H. A Light-weight Malaise trap // Ent. News. – 1972. – V. 83. – P. 239 – 247.
28. Yamane S.A. new species and new synonymy in the subgenus *Polistes* of Eastern Asia (Hymenoptera, Vespidae) // Kontyu. – 1987. – V. 55, № 2. – P. 215 – 219.

УЎК: 581

ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИДА ТАРҚАЛГАН *ELWENDIA* BOISS. (APIACEAE) ТУРКУМИ ТУРЛАРИ

О.С. Абдураимов, PhD, кат.и.х, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

А.В. Махмудов, PhD, кат.и.х, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

И.Э. Маматкулова, ўқитувчи, Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали, Жиззах

Ш. Эрдонов, кичик илмий ходим, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Миллий гербарий фондида сақланаётган ва дала тадқиқотлари давомида йиғилган материаллар асосида Туркистон тоғ тизмасида тарқалган туркум турлари ўрганилган. Таҳлил

натижалари шуни кўрсатадики, тадқиқот ҳудудида туркумнинг 5 тури учраши (*E. capusii*, *E. chaerophylloides*, *E. intermedia*, *E. persica*, *E. seravschanica*) қайд этилди. Мазкур тадқиқотлар юзасидан олинган натижалар муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган турлар устида узоқ йиллар давомида мониторинг олиб бориши, уларнинг табиий захираларини аниқлаши ҳамда истиқболли турлардан кенг миқёсда фойдаланиши имконини беради.

Калит сўзлар. *Elwendia Boiss.*, *Bunium L.*, *Apiaceae*, Миллий гербарий (TASH), Туркистон тоғ тизмаси, флора, ареал

Аннотация. В статье на основе хранящихся в фонде Национального гербария (TASH) и собранных в ходе полевых исследований материалов изучены виды рода *Elwendia Boiss.*, распространенные в Туркестанском горном хребте. Результаты анализов показали, что в районе исследования произрастают 5 видов данного рода (*E. capusii*, *E. chaerophylloides*, *E. intermedia*, *E. persica*, *E. seravschanica*). Результаты данных исследований используются в долгосрочном мониторинге по хозяйственно-ценным видам, определении их естественных ресурсов и в широко масштабном применении перспективных видов.

Ключевые слова: *Elwendia Boiss.*, *Bunium L.*, *Apiaceae*, Национальный гербарий (TASH), Туркестанский хребет, флора, ареал

Abstract. In the article studied *Elwendia Boiss.*, who is kept in the National Herbarium fund (TASH) and spread in the mountain system of Turkestan on the basis of materials collected during field research. The results of the analysis show that on the territory of the study there are 5 species of genus (*E. capusii*, *E. chaerophylloides*, *E. intermedia*, *E. persica*, *E. seravschanica*) was recorded. The results of these studies will be used to carry out long-term monitoring on species of significant economic importance, determine their natural reserves and widely use prospective species.

Key words: *Elwendia Boiss.*, *Bunium L.*, *Apiaceae*, National herbarium (TASH), Turkestan ridge, flora, areal

Кириш. Ҳозирги кунда дунё миқёсида доривор ҳамда муҳим хўжалик аҳамиятига молик бўлган турларни тадқиқ этиш ва уларнинг табиий флорадаги ўрнини аниқлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айнан шундай ўсимликлар қаторига *Elwendia Boiss.* туркуми вакиллари киритишимиз мумкин. *Elwendia* туркуми - *Apiaceae* оиласи таркибига кириб, дунё бўйича туркумнинг 27 тури тарқалган [1]. Туркум вакиллари тарқалиш чегараси шарқий Туркиядан то ғарбий Хитой ва Ҳимолой тоғларининг шарқий қисмларигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Уларнинг келиб чиқишининг асосий маркази сифатида Ўрта Осиё – Ғарбий Тиён-Шон ва Помир-Олой ҳудудлари эътироф этилади [2]. Марказий Осиё туркум вакиллари хилма хиллиги юқори бўлган минтақалардан ҳисобланиб, мазкур ҳудудда уларнинг 17 тури тарқалган.

Ўзбекистон флорасида туркумнинг қуйидаги 12 тури тарқалган: *Elwendia angreni*, *E. capusii*, *E. kuhitangi*, *E. hissarica*, *E. chaerophylloides*, *E. intermedia*, *E. latiloba*, *E. persica*, *E. salsa*, *E. seravschanica*, *E. setacea*, *E. vaginata* [2]. Коровин (1959) маълумотларига кўра, мазкур турларнинг 7 таси *Bunium* туркуми таркибига келтирилган [3].

Систематик жиҳатдан туркум вакиллари *Bunium* туркумига яқин ҳисобланади. *Elwendia* туркуми ўзининг анатомик-морфологик тузилиши, ботаник-географик тарқалиши ва кариологияси орқали [4, 5] ҳамда молекуляр натижаларнинг [6,7] таҳлили асосида *Bunium L.* туркуми таркибидан мустақил туркум сифатида ажратилган. *Bunium* вакиллари мевасининг йириклиги, икки паллали майсаларининг бўлиши, географик тарқалиши ва хромосомаларининг сони билан фарқланади.

Elwendia вакиллари ҳам *Apiaceae* оиласининг бошқа туркумлари сингари замонавий фармацевтиканинг айрим соҳалари ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан кенг миқёсда фойдаланиб келинади [8]. Мавжуд адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг тарқалиши асосан адирликлар ва тоғ ён бағирларига тўғри келади [2, 3]. Туркум вакиллари фаол вегетация даври асосан баҳор ойлари ҳамда ёз фаслининг ўрталарига тўғри келади. Ўрта Осиё флорасида тарқалган туркум вакиллари асосан табиий шароитда июнь-июль ойларида гуллайди. Йиллик ёгин миқдори ҳамда ҳаво ҳарорати туркум вакиллари вегетациясига ўз таъсирини кўрсатади. Инсонлар томонидан туркум вакиллари асосан уруғлари фойдаланилади. Уруғлари майда, чўзиқ, қорамтир-жигарранг, сирти тарам-тарам, жуда хушбўй бўлади. Туркум вакиллари кимёвий таркиби борасида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Таркибидан 3—7 % эфир мойидан, 12—22% ёғли мойдан, шунингдек, кверцетин ва кемпферол деб номланувчи флавоноидлар, кумаринлар, умбеллиферон, скополетин ва бошқа моддалардан иборат. Бундан ташқари унда оксил 10—23% ва хушбўй моддалар ҳам борлиги аниқланган.

Материал ва методлар. Тадқиқотлар Туркистон тоғ тизмасининг Ўзбекистон қисмида ҳамда ЎзР ФА Ботаника институти Миллий гербарий (TASH) фондида олиб борилди. Тадқиқотлар давомида *Elwendia* туркумининг Туркистон тоғ тизмасида аниқланган ҳамда ЎзР ФА Ботаника институти Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналари таҳлил қилинди. Дала тадқиқотлари Туркистон тоғ тизмасида олиб борилди. Мазкур тизма таркибига Молғузар ҳамда Шимолий Туркистон ботаник-географик райони [9] қиради (1-расм).

Туркистон тизмаси – Ҳисор Олой тоғ системасига қирувчи тоғлардан иборат бўлиб, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган. Шарқдан Ғарбга Мастчоҳ тоғ тугунидан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимигача 350 км га чўзилган, эни 60 км дан зиёд. Шарқда, Сўх дарёсининг бошланиш қисмида, Олой тоғларидан Мастчоҳ тоғ тугуни орқали ажралади, Ғарбда Пармонтепа қаласи яқинида тугайди. Туркистон

тизмаси шарқда Фарғона водийсини, Ғарбда Мирзачўлни ўраб туради. Шарқий қисми баланд (5000–5400 м), қор ва музликлар билан қопланган. Ғарбий қисми (Чумқартов) паст (2600–3400 м). Энг баланд жойи шарқда 5680 м (Пирамида чўққиси), ғарбда Бозорхоним чўққиси (3405 м), шимоли-ғарбий қисми Молғузар тоғларидан иборат. Булар бир-биридан Сангзор дарёси водийси билан ажралган. Нурота тоғларини ҳам Туркистон тизмасининг давоми деб ҳисоблайдилар. У Молғузардан Илонўтти тоғ йўлаги орқали ажралган [10].



1-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудуд харитаси

Туркум вакилларининг дориворлик хусусиятлари ва қатор хўжалик аҳамиятига молик жиҳатлари борасида қатор тадқиқотлар олиб борилган [11, 12, 13].

Кейинги ўн йиллик давомида Туркистон тизмаси ва унга чегарадош бўлган ҳудудларнинг флораси ва ўсимликлар қопламини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар сезиларли даражада ортди. Туркум вакилларининг Туркистон тоғ тизмаси ва унга ёндош бўлган ҳудудларда тарқалиши борасидаги айрим маълумотлар Н.О. Сулаймонов [14], Л. Ботирова [15], М.Б.Тиркашева [16], А.С. Эсанкулов [17], Д.Э.Азимовалар [18], Н.С. Абдуллаева [19] томонидан келтирилган рўйхатларда қайд этилган. Мазкур туркумнинг флора таркибида учраши борасидаги маълумотлар кўп қайд этилган бўлиб, уларнинг ўсимлик жамоаларидаги мўллиги ҳамда қай даражада иштирок этиши борасида маълумотлар етарлича эмас.

Мазкур ҳудудда қатор тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, олинган натижалар Туркистон тоғ тизмасида тарқалган *Elwendia* Boiss. туркуми турларининг тарқалиши ва уларнинг ҳолатини баҳолаш имконини бермайди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. TASH фондида сақланаётган намуналар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур фондда туркумнинг 13 турига мансуб 451 та гербарий намуналари сақланаётганлиги қайд этилди. Сақланаётган турлардан фақатгина *Elwendia longipes* (Freun) Pimenov & Kljuykov Ўзбекистон флораси таркибида учрамайди. Мазкур тур 1937 йилда З.Королева томондан Копетдоғ (Туркменистон) ҳудудидан терилган.

Гербарий намуналари таҳлиliga кўра, энг кўп терилган гербарийлар *E.chaerophylloides* (155 та), *E. persica* (102 та) ва *E.capusii* (96 та) турлари иштирокида қайд этилиб, бу бевосита мазкур турларнинг тарқалиш ареалларининг кенглиги билан ҳам боғлиқ. Энг куйи кўрсаткичлар, *E.seravschanica* (2 та), *E. longipes* (1 та) ва *E. vaginata* (1та) турлари иштирокида кузатилди. *Elwendia angreni* гербарий намуналарининг сони камлиги, мазкур тур Ўзбекистоннинг эндем ўсимликлари қаторига кириши билан изоҳланади.

Тадқиқотлар давомида туркум турларининг фоиз кесимидаги таҳлили амалга оширилди. Терилган намуналарнинг асосий қисми *E.chaerophylloides*, *E. persica* ва *E.capusii* турлари ҳисобига тўғри келиб, бу умумий намуналарнинг 78.25% улушига тўғри келиши аниқланди. Ўз навбатида, қолган 10 тур умумий гербарий намуналарининг 21.75% ни ташкил қилади (1-жадвал).

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, *Elwendia* Boiss. туркуми турлари бир неча асрлардан бери ботаник тадқиқотчилар ва маҳаллий аҳоли томонидан катта қизиқиш уйғотиб келган.


Бунинг яққол ифодасини тур терилган гербарий намуналари орқали ҳам кўришимиз мумкин. Тадқиқотлар давомида TASH фондида сақланаётган *Elwendia* Boiss. туркуми турларининг гербарий намуналари йиллар кесимида таҳлил қилинди (2-расм).

Туркистон тоғ тизмаси ҳудудидан туркум турлари иштирокида илк гербарийлар 1926 йилда Попов ва Андросовлар томонидан терилган. Асосий гербарий намуналари ўтган асрнинг 50-йилларига қадар терилган бўлиб, бу ҳолат туркум вакиллари устида кўпроқ тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Энг кўп гербарий намуналари 1921-1940 (187 та) ва 1941-1960 (138 та) йиллар оралиғида терилганлиги қайд этилди.

TASH фондида сақланаётган гербарий намуналари

№	Тур номи	Гербарий намуналари сони	Турлар улуши, %	Ареали
1	<i>Elwendia angreni</i>	3	0.66	Ғарбий Тиён-Шон (Ўзбекистон)
2	<i>E.capusii</i>	96	21.28	Ўрта Осиё, Афғонистон,
3	<i>E.chaerophylloides</i>	155	34.36	Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон
4	<i>E.hissarica</i>	21	4.65	Шимолий Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон)
5	<i>E.intermedia</i>	32	7.09	Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон)
6	<i>E.kuhitangi</i>	7	1.55	Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Туркменистон)
7	<i>E.latiloba</i>	6	1.33	Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон)
8	<i>E.longipes</i>	1	0.22	Туркменистон
9	<i>E.persica</i>	102	22.61	Хитой, Покистон, Афғонистон, Эрон, Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон)
10	<i>E.salsa</i>	19	4.21	Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон)
11	<i>E.seravschanica</i>	2	0.44	Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон)
12	<i>E.setacea</i>	6	1.3	Хитой, Мўғилистон, Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон)
13	<i>E.vaginata</i>	1	0.22	Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Қозоғистон)
Жами намуналар		451	100 %	

Мавжуд адабиётлардаги маълумотлар ҳамда гербарий намуналари таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йиллар давомида туркум вакиллари тарқалиши ва уларнинг популяцияларини ўрганиш борасида етарли тадқиқотлар олиб борилмаган. Туркистон тоғ тизмасида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, мазкур ҳудудда *Elwendia* Boiss. туркумининг 5 тури (*E.capusii*, *E.chaerophylloides*, *E.intermedia*, *E.persica*, *E.seravschanica*) учраши қайд этилган.



2-расм. Гербарий намуналарининг йиллар кесимида тақсимланиши

Қайд этилган турларнинг деярли барчаси Ўрта Осиё флорасида кенг тарқалган турлардан ҳисобланади. Фақатгина *E.seravschanica* турининг тарқалиш чегараси Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларини ўз ичига олади.

Elwendia capusii (Капо зираси) – Илдизтуганакли, туганакпояли, туганаксимон йўғонлашган поликарп ўт ҳисобланади. Ҳудуднинг адир, гилли ва майин тупроқларида тарқалган. Мазкур тур, хўжалик аҳамиятига кўра фойдаланилмайдиган турлар қаторига киритилган. Бу эса, мазкур тур устида янги тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

E.chaerophylloides (ниҳол зираси) - Илдизтуганакли, туганакпояли, туганаксимон йўғонлашган поликарп ўт. Ҳудуднинг адир ва куйи тоғ, майин тупроқли, шағалли ва тош-шағалли тупроқларда, сой бўйларида тарқалган. Хўжалик аҳамиятига кўра доривор, озикабоп (хушбўй-хидли), эфир-мойли ўсимлик ҳисобланади.

E.intermedia (оралиқ зира) - Илдизтуганакли, туганакпояли, туганаксимон йўғонлашган поликарп ўт бўлиб, Туркистон тоғ тизмасининг ўрта тоғ, майин тупроқли, сернам серсоя жойларида тарқалган. Мазкур тур озикабоп турлар қаторига киритилган бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилинади.

E.persica (форс зираси) - Илдизтуганакли, туганакпояли, туганаксимон йўғонлашган поликарп ўт бўлиб, тизманинг адир, куйи ва ўрта тоғ, майин тупроқли, шағалли ва тошли ҳудудларида кенг тарқалган. Хўжалик аҳамиятига кўра, доривор, озикабоп (хушбўй-хидли), эфир-мойли ҳисобланади.

E.seravschanica (Зарафшон зираси) – Зомин кўриқхонасида тарқалганлиги тўғрисидаги маълумотлар

А.С.Эсонкулов [17] томонидан қайд этилган. Мазкур тур илдизтуганакли ҳисобланади.

Ботаник тадқиқотларда турларнинг ўсимликлар жамоасида иштирок этиши ҳамда уларнинг ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали турларнинг экологик оптимуми тўғрисидаги саволларга ечим топиш мумкин. Тадқиқотлар давомида Туркистон тоғ тизмасида тарқалган *Elwendia туркуми вакиллари*нинг турли ўсимлик жамоаларида турлича мўлликда учраши қайд этилди. Хусусан, *E.chaerophylloides* эфемероидли-тоғ райхонли-бута ва дарахт аралаш бугдойикзор, ҳар хил ўтли арчазор, *Elwendia capusii* бугдойикли – рангли – шувокли – кўзикулоқзор, эфемерли-аралаш ўтли-ингичка баргли шувокзор, бугдойикли-ингичкабаргли шувокзор, бутали-бугдойикли-ингичкабаргли шувокзор, баланд ва бошқоқ ўтли-бутали-ингичкабаргли шувокзор ва *E. persica* ҳар хил ўтли бодомзор, эфемерли-аралаш ўтли Фарғона шувокзори, ширачли-мавракли- Фарғона шувокзори ва бошқа жамоаларда учраши қайд этилди. Қайд этилган ўсимлик жамоаларида турларнинг мўллиги асосан *sol-sp* мўллиги доирасида эканлиги кузатилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қайд этилган ценопопуляцияларда туркум вакиллари доминант ва субдоминант сифатида иштирок этмади.

Хулоса. Юқорида қайд этилган маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда тарқалган *Elwendia* Boiss. туркуми турларининг ценопопуляциялари ва уларнинг ҳолати борасида аниқ мақсадга йўнатилтирилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Турларнинг тарқалиши, уларнинг турли ўсимлик жамоаларидаги тутган ўрни, популяцияларининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш, уларнинг истикболли турларидан кенг миқёсда фойдаланиш ҳамда улар устида узок йиллик мониторинг ишларини олиб боришда фойдаланилади. Шу билан бирга турларнинг тарқалишини ақс этгивчи ҳамда уларнинг популяциялари ҳолатини кўрсатувчи замонавий ГАТ хариталарни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур олинган натижалар турларнинг ценопопуляцияларини баҳолаш учун бирламчи материаллар сифатида хизмат қилади. Турнинг интродукциясини амалга оширишда, мазкур ҳудудлар ва улардан олинадиган намуналар бирламчи материаллар сифатида фойдаланиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <http://www.plantsoftheworldonline.org/>
2. Ключиков Е.В., Тожибаев К.Ш., Лысков Д.Ф. Род *Elwendia* Boiss. (Ariaceae) во флоре Узбекистана. *Turczaninowia* 21 (2): 210–220 (2018)
3. Коровин Е. П. Umbelliferae // Флора Узбекистана. Т. 4. Ташкент: Изд-во Академии наук УзССР, 1959. С. 257–470).
4. Vasil'eva M. G., Kljuykov E. V., Pimenov M. G. 1985. Karyotaxonomic analysis of the genus *Bunium* (Umbelliferae). *Plant Syst. Evol.* 149: 71–88
5. Ключиков Е. В. Обзор рода *Bunium* L. Ревизия системы рода // Бюл. МОИП. Отд. биол., 1988. Т. 93, вып. 1. С. 76–88.
6. Degtjareva G. V., Kljuykov E. V., Samigullin T. H., Valiejo-Roman C. M., Pimenov M. G. 2009. Molecular appraisal of *Bunium* L. and some related arid and subarid geophilic Apiaceae-Apioideae taxa of the Ancient Mediterranean. *Bot. J. Linn. Soc.* 160: 149–170.
7. Degtjareva G. V., Kljuykov E. V., Samigullin T. H., Valiejo-Roman C. M., Pimenov M. G. 2013. ITS phylogeny of Middle Asian geophilic Umbelliferae-Apioideae genera with comments on their morphology and utility of psbA-trnH sequences. *Plant Syst. Evol.* 299(5): 985–1010.
8. Курбанов А.Р. Зонтичные (Umbelliferae) Северного Таджикистана (Кураминский хребет, Моголтау, долина Сырдарьи): дис. ...канд.биол. наук. – Душанбе: 2017. – 255 б.
9. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географического районирование Узбекистана // Ботанические журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). – С. 1105-1130.
10. G'ulomov P., Hasanov I., Qayumov A. O'zbekiston tabiiy geografiyasi. 2-qism. Toshkent. 2009.
11. Садыков Ю.Д., Курбанов К., Хафиров Х., Беговатов Ю.М. Состав эфирного масла из плодов *Bunium persicum* (Boiss.) Fedtsch. // Докл. АН ТаджССР, 1978. Т. 21, № 5. С. 33 – 36.
12. Прокопенко А.П. Химическое изучение растений семейства зонтичных и разработка способов получения из них лекарственных препаратов // Автореф. дис. . д-ра фармац. наук. – Тбилиси, 1974. – 48 с.
13. Брежнев Д.Д., Коровина О.Н. Дикие сородичи культурных растений флоры СССР. // Л.: 1981. — 376 с.
14. Сулайманов Н.О. Флора бассейна реки Аксу (Туркестанский хребет): дис. ...канд.биол. наук. – Тошкент: 2008. – 238 б.
15. Ботирова Л.А. Зоминсув хавзасининг ўсимликлар коплами: Автореф. дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент: 2012. – 24 с.
16. Тиркашева М.Б. Сангзор дарёси хавзасининг ўсимликлар коплами: дис. ...канд.биол. наук. – Тошкент: 2011. – 198 б.
17. Эсанкулов А.С. Флора Зааминского государственного заповедника: дис. ...канд.биол. наук. – Тошкент: 2012. – 145 б.
18. Азимова Д.Э. Молгузар флораси: Биол. фан. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент, 2018. – 44 б
19. Абдуллаева Н.С. Ўзбекистонда тарқалган *Dracocephalum* L. туркуми турларининг географияси, экологияси ва аҳамияти. Биология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Гулистон, 2020. 44 б.

ХОРАЗМ ВОҲАСИДА УЧРАТИЛГАН ORTHETRUM (NEWMAN, 1833) (ODONATA:
ANISOPTERA: LIBELLULIDAE) АВЛОДИГА МАНСУБ ТУРЛАРИНИНГ
МОРФОБИОЛОГИЯСИ ВА АРЕАЛЛАРИ

М.Ш. Ахмедова, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива
М.Ж. Медетов, б.ф.д., ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада *Orthetrum* авлодига мансуб *Orthetrum a. albistylum*, *O. sabina* ва *O. brunneum* турларининг тарқалиши ва морфобиологияси ўрганилган. 2020 йил баҳор-ёз-куз мавсумларида олиб борилган изланишларда Хоразм воҳасида *Orthetrum* авлодига мансуб 3 тур учратилди.

Калим сўзлар: термал, личинка, тергит, птеростигма, континентал

Аннотация. В этой статье изучены распространённость и морфобиология видов *Orthetrum a. albistylum*, *O. sabina* и *O. brunneum*, принадлежащих к роду *Orthetrum*. В ходе исследований весна-лето-осень 2020 года в Хорезмском оазисе обнаружено 3 вида, относящихся к роду *Orthetrum*.

Ключевые слова: термал, личинка, тергит, птеростигма, континентальный

Abstract. In this article, the species belonging to the genus *Orthetrum* have studied the abundance and morphology of *Orthetrum a. albistylum*, *O. sabina* and *O. brunneum*. During the spring-summer-autumn 2020 research, 3 species belonging to the genus *Orthetrum* were found in the Khorezm oasis.

Key words. thermal, larva, tergite, pterostigma, continent

Кириш

Orthetrum (Anisoptera: Libellulidae) авлодига мансуб турлар дунё бўйича кенг тарқалган ҳисобланиб, ўз ичига 133 та авлод ва деярли 1000 га яқин турни қамраб олади. *Orthetrum* (Newman, 1833) - Libellulidae оиласининг йирик авлоди ҳисобланади. Ўз ичига 60 та турни қамраб олади. Маълумотларга кўра *Orthetrum sabina*, *Or. albistylum albistylum*, барча минтақаларда кенг тарқалганлиги қайд этилган (Asmaa Hassan ва бошқ., 2018). Ўзбекистонда *Orthetrum* (Newman, 1833) авлодига мансуб турлардан 20 тур тарқалганлиги айтиб ўтилган (Азимов ва бошқ., 1993).

Orthetrum albistylum albistylum (Selys, 1848). Морфобиологик тавсиф: Танасининг узунлиги 45-50 мм, қоринчаси 30-37 мм, орқа қанотлари ўлчами 33-38 мм, қанотларини ёйилган вақтидаги ўлчамлари 76 мм, қоринчасининг учигаги ўсимтаси тергит оқ рангда. Асосан бошқа тур вакилларида тергитнинг оқ рангда бўлиши билан фарқланади. Қоринчаси ҳаворанг ва 7- сегментдан бошлаб қоринчаси охиригача қорамтир рангда. Урғочи тур ниначиларда қоринчасининг сегментлари тўрсимон нақшли ва сариқ рангда. Птеростигма жигаррангда бўлади. Личинкалари сувда икки йил давомида ривожланади. Учиб чиқиш вақти июнь ойи. Туркум ўз ичига битта кенжа тур *Orthetrum a. Speciosum* ни олади. Улар Японияда (Asahina, 1949, 1961) ва Россиянинг ғарбий қисмида тарқалган. *Orthetrum albistylum* нинг Тожикистон, Туркменистоннинг жанубий қисми ва Шарқий Сибирнинг Байкал кўли атрофидаги гидротермал шароитларда личинкаларидан сув қуриб қолишига вақтинчалик чидаши мумкин (Бельшев Б. Ф-1960). Ареали: *Orthetrum albistylum* Ғарбий Европадан Япониягача, Ўрта Осиёнинг илиқ ва мўтадил қисмларини эгаллаган (Gliwa В. 2013.). Транспалеаркт-суббореал тур. Марказий, Жанубий ва Шарқий Европа, Ғарбий, Ўрта, Марказий Осиё. Охириги ўн йилликда шарқий ареали кенгайиб бормоқда (Маликова Е. И.2008). Украинанинг жанубий қисмларида кенг тарқалган. Шимолий қисмларида кам учрайдиган тур ҳисобланади (Горб С. Н. ва бошқ., 2000).

Orthetrum brunneum (Fonscolombe, 1837). Морфобиологик тавсиф: танасининг умумий узунлиги 40–48 мм, қоринчаси 25–32 мм, орқа қанотлари узунлиги 33–37 мм. Қанотлари рангсиз, шаффоф. Птеростигмаси сариқ ёки оч жигаррангда. Танаси оч ҳаворангда. ♂ ёш даврда жигаррангда товланади. Танаси жигаррангда. ♂ кичик кўлларда, саёз сув ҳавзаларида учрайди. Учиш вақти. Июнь ойининг ўртасидан бошлаб сентябрь ойигача. Ареали. Ғарбий-палеарктик тур, Ўртаер денгизининг барча жойларида тарқалган ва шарқда Кашмир ва Монголиягача тарқалган. Пиреней ярим оролидан Хитойгача тарқалган (Jodicke R.1998, Asahina S.1960). Шимолий ареали Польша ҳисобланади. Шунингдек Ўрта Осиёда энг кенг тарқалган тур. Жанубий ареали Африка палеоарктикага тўғри келади (Heidari Н.,2002).

Жанубий шарқий ареали Эрон ва Афғонистон (Schmidt Er.1961). Сардиния ва Корсик оролларида ушбу турнинг кенжа тури *Orthetrum brunneum* суснос тарқалганлиги қайд этилган (Selys,1848) (Кетенчиев Х.А.1999).

Orthetrum Sabina (Drury, 1770). Морфобиологик тавсиф: Жанубий Осиё тўғри қоринли ниначиси. Эрак ва урғочилари ташқи кўринишидан жуда ўхшаш бўладилар. Танасининг қанотлари билан узунлиги 30-36 мм ни ташкил этади. Боши катта фасеткали кўзи билан яшил-сарғиш рангда. Кўкрак қисми яшил-сарғиш бўлиб қора чизиклардан иборат. Қанотлари шаффоф (Subramanian К.А., 2005). Оёқлари қора рангда. Учиш вақти: июнь ойининг ўрталаридан бошлаб сентябрь охиригача учратилди. Ареали. Транспалеаркт –суббореал тур ҳисобланади. Ўрта Осиёда текислик ва тоғ олди зоналарида учрайди (Борисов С.Н. 2002, 2007). Ҳиндистоннинг барча жойларида кўп сонда учратилган, шунингдек денгиз сатҳидан 2000 м. баландликда учраши қайд этилган (Mitra А. 2013).

Материал йиғилган жой ва тадқиқот услублари. Хоразм вилояти чўл зонасида жойлашган. Иқлими континентал, ўртача совуқ киш ва қуруқ иссиқ ёз бўлади. Энг паст ҳарорат -32°C , энг юқори ҳарорат $+47^{\circ}\text{C}$ га тенг. Воҳада Амударё барча каналлар, экин майдонларини сув билан таъминлаб туради. Вилоятда шунингдек йирик шўр қўл ва майда қўллар ва сунъий балиқчилик хўжаликлари мавжуд. Биоматериаллар сув ҳавзалари атрофидан йиғилди. Ниначиларнинг личинкалик даври сувда ўтади. Имаго босқичида озикланиши, кўпайиши ҳавода, сув ҳавзалари яқинида сойлар, қўллар, ирригация тармоқлари (зовур, ариқ, каналлар ва бошқ.). Хоразм вилоятининг сув ҳавзаларига яқин жойларида материаллар йиғилди. Ниначиларни йиғиш умум қабул қилинган усуллар асосида олиб борилди (Казенас, 2014, Дедюхин С.В., 2011, Subramanian, 2005, Голуб, 2012) ушлаш жараёнида анъанавий усул энтомологик тутқич тўр ва энтомологик матрасдан фойдаланилди. Йиғилган материалларни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти, энтомология лабораторияси ҳашаротлар коллекцияси намуналари билан солиштириш, аниқлагич жадваллардан фойдаланган ҳолда ҳамда мутахассис олимлар ёрдамидан фойдаланилди.

Турлар	Йиғилган жой	Координата
<i>Orthetrum albistylum</i>	Хива шаҳри, Ғовук қўл дам олиш зонаси; 15.06.2020; 6♂, 8♀., 23.06.2020; 4♂, 7♀., 03.07.2020; 5♂, 8♀.,	N 41.413156 E 60.382551
	Кўшқўпир тумани, Ҳайрабод қишлоғи, агроландшафт. 6.07.2020; 10♂, 6♀.,	N41.501428 E 60.243739
	Урганч шаҳри маркази, “Ёшлар қўли” атрофи 2♂, 1♀.,	N41.552859 E 60.613591
<i>Orthetrum brunneum</i>	Хоразм вилоят, Хива шаҳри, Ғовук қўл дам олиш зонаси; 15.06.2020; 1♀.	N41.413156 E60.382551
	Кўшқўпир тумани, Ҳайрабод қишлоғи, агроландшафт. 6.07.2020; 1♀.	N41.501428 E 60.243739
<i>Orthetrum sabina</i>	Ғовук қўл дам олиш зонаси; 15.06.2020; 6♂, 8♀., 23.06.2020; 4♂, 7♀. 03.07.2020; 4♂, 5♀.,	N41.413156 E60.382551
	Кўшқўпир тумани, Ҳайрабод қишлоғи, агроландшафт. 6.07.2020; 10♂, 6♀.,	N41.501428 E 60.243739
	Урганч шаҳри маркази, “Ёшлар қўли” атрофи 3♂, 2♀.	N41.552859 E 60.613591
	Урганч тумани, Ғайбу – туркманлик, агроландшафт 26.07.2020 8♂♀.	N41.501142 E 60.564329

Хулосалар. *Orthetrum* авлодига мансуб 3 та тур қайд этилди, шулардан *Orthetrum Sabina* энг кўп сонда учратилди. Ниначилар турларининг фаунистик маълумотлари ва уларнинг ҳудудлар бўйлаб тарқалишини батафсил текшириш - минтақанинг экологик ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Атроф муҳитда ва ўсимликларда учрайдиган ўзгаришлар натижасида табиатда мавжуд турлар вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетишига ёки турли ҳудудларга кўчишини келтириб чиқариши мумкин. Буларнинг барчаси фаунистик маълумотлардан кенг ва батафсил фойдаланиш мажбуриятини келтириб чиқаради. Ушбу ҳудудларда янада кенг камровли тадқиқотлар олиб бориш муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов ва бошқ. “Насекомые Узбекистана” монография, Ташкент, 1993.- 19-380.
2. Бельшев Б.Ф. Условия существования личинок реликтовой стрекозы *Orthetrum albistylum* Selys в горячем ключе Северо-Восточного Прибайкалья / Б.Ф. Бельшев // Зоол. журн. - 1960. -Т.39.-№ 9.-С.1432-1433
3. Борисов С.Н. Численность некоторых видов стрекоз в долинах юго-западного Таджикистана.//Экология-1984. Институт Зоология и паразитология. Е.Н. Павловского АН Тадж.
4. Борисов С.Н., Хаританов К. Изучению стрекоз заповедников Центральной Азии. Бельшевик – том 1. 2001 2-4 стр. Институт систематики и экологии животных СоРАН.
5. Борисов С.Н., Харитонов А.Ю. Стрекозы (Odonata) Средней Азии. Часть 1. Caloptera, Zygoptera. *Евразийский энтомолог. журнал* 6(4): 343–360 © Euroasian entomological journal, 2007
6. Дедюхин С.В. Принципы и методы эколого-фаунистических исследований наземных насекомых: Учебно-методическое пособие. Ижевск: Издательство «Удмуртский университет», 2011. 87-88 с.
7. Горб С.Н., Павлюк Р.С., Спурис З.Д. Стрекозы (Odonata) Украины: фаунистический обзор = Бабки (Odonata) України: фауністичний огляд // Вестник зоологии. - К., 2000. - Т. Отдельный выпуск 15. - С. 1-155.
8. Казенас В.Л., Маликова Е.И., Борисов С.Н. Стрекозы (тип Членистоногие, класс Насекомые). Серия «Животные Казахстана в фотографиях». - Алматы, 2014. - 176 с.
9. Летняя полевая практика по зоологии беспозвоночных: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр “Академия”, 2000. - 256 с.
10. Кетенчиев Х.А., Харитонов А.Ю. Стрекозы Средиземноморья. - Нальчик, 1999.-116 с.)
11. Маликова Е.И. 2008. Фауна стрекоз (Insecta, Odonata) Приморского края / Е. И. Маликова, П. Ю. Иванов // Чтения памяти В. Я. Леванидова. — Владивосток: Дальнаука, 2001. — Вып. 1. — С. 131—143
12. Asmaa Hassan Al-Hashmi* Hana H. Al-Saffar and Razzaq Shalan Augul Key to the species of the *orthetrum newman*, 1833 (Odonata, Libellulidae) with a new record species in iraq
13. Asahina S. The larval stage of the three species of the *Stylurus-gmiip* of the Japanese Gomphus (Gomphidae/ S. Ashanina // Tombo. - 1960. - V.3. - P. 18-22.)
14. Dragonflies: Behaviour and Ecology of Odonata P. S. Corbet (1999). Harley Books, Colchester, UK. Pp. 882.
15. Gliwa B. 2013. First record of *Orthetrum albistylum* (Odonata:Libellulidae) in Lithuania // New and Rare for Lithuania Insect Species. Records and Descriptions. Vol.25. P.5–6.

16. Heidari H., Dumont H.J. An annotated check-list of the Odonata of Iran / H. Heidari, H.J. Dumont // Zoology in Middle East. 2002. - №.26. - P. 133-150
17. Mitra A. *Orthetrum sabina*. IUCN Red List of Threatened Species. Version 2013.2. IUCN (2013).
18. Subramanian K. A. Dragonflies (Anisoptera) // Dragonflies and Damselflies of Peninsular India — A Field Guide. E-Book of Project Lifescape / Madhav Gadgil. — Bangalore, India: Centre for Ecological Sciences, Indian Institute of Science and Indian Academy of Sciences, 2005. — P. 59. — 118 p
19. Jodicke R. 1998 Die Binsenjungfern und Winterlibellen Europas: Lestidae (Die Neue Brehm-Bucherei; Bd.631)
20. Schmidt Er. Ergebnisse der Deutschen Afganistan- Expedition 1956 der Landessammlungen für Naturkunde Karlsruhe sowie der Expeditionen J.Klapperich, Bonn 1952-53 und Dr. K.Lindberg, Lund (Schweden) 1957-60 // Beitr. naturk. Forsch. SWDeutschl. -Karlsruhe, 1961. -Bd. 19. -N 3. -S. 399- 435

УДК: 581.4+8+44+45. 582.572.2

СТРУКТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВЕГЕТАТИВНЫХ ОРГАНОВ ЭНДЕМИЧНОГО ВИДА *ALLIUM PRAEMIXTUM* VVED., ПРОИЗРАСТАЮЩЕГО В ЕСТЕСТВЕННЫХ УСЛОВИЯХ ОБИТАНИЯ

Г.М. Дусчанова, д.б.н., *Ташкентский Педагогический Университет, Ташкент*
 М.Х. Рашианова, *Навоийский Государственный университет, Навоий*

Annotatsiya. *Ilk bor tabiiy sharoitda o'suvchi Allium praemixtum turi vegetativ organlarning anatomik tuzilishi o'rganildi. Mazkur turga xos diagnostik va kseromorf belgilar aniqlandi. Vegetativ organlarning biometrik ko'rsatkichlari asosida kseromorf belgilar ustunlik qilishi, ushbu turning tabiiy sharoitga yaxshi moslashganligidan dalolat beradi.*

Kalit so'zlar: *anatomiya, vegetativ organlar, Navoiy viloyati, Allium praemixtum*

Аннотация. *Впервые было изучено анатомическое строение вегетативных органов вида Allium praemixtum, произрастающего в естественных условиях. Выявлены специфические диагностические и ксероморфные признаки данного вида. Преобладание ксероморфных признаков по биометрическим показателям вегетативных органов указывает на приспособленность данного вида к естественным условиям обитания.*

Ключевые слова: *анатомия, вегетативные органы, Навоийская область, Allium praemixtum*

Abstract. *For the first time, the anatomical structure of the vegetative organs of the species Allium praemixtum, growing in natural conditions, was studied. Revealed specific diagnostic and xeromorphic characters of this species. The predominance of xeromorphic characters in terms of biometric indicators of vegetative organs indicates the adaptability of this species to natural habitat conditions.*

Key words: *anatomy, vegetative organs, Navoi region, Allium praemixtum*

Цель исследования: выявление структурных особенностей анатомическое строения вегетативных органов *Allium praemixtum*, произрастающего в естественных условиях обитания.

Allium L. — широко распространенный род, состоящий из более 800 видов, встречающихся в основном в сезонно засушливые регионы Северного полушария, включая Европу, Азию и Северную Америку, а также Южную Африку [1,2,3,4]. Центральная Азия является главным центром распространения и разнообразия этого рода, и богата видами *Allium* [3, 5].



Рис. 1. Внешний вид *Allium praemixtum*, произрастающих в естественных условиях обитания

Нами изучены анатомическое строение вегетативных органов *Allium praemixtum* рода *Allium* из подрода *Melanocrommyum*, (систематическая принадлежность приводится по Ф.О. Хасанову [6]. Морфологические описания, экология и ареал приведены из «Флоры Узбекистана» Ф.О. Хасановым [7] (рисунок 1).

Объектом исследования является *Allium praemixtum* Vved. – Лук смешанный. Луковицы по 1-3 прикреплены к корневищу, яйцевидные, диаметром 2,5-4 см, с красно-бурыми кожистыми цельными оболочками. Стрелка (цветонос) мощная, 45-100 см высоты, полая, ниже половины вздутая, при основании одетая расставленными гладкими влагалищами листьев. Листья в числе 4-7, цилиндрические, к верхушке суженные, дудчатые, сизоватые, прямые, 15-40 мм ширины, в 3 раза короче стрелки. Чехол приблизительно равен зонтику, растрескивающийся одной полоской. Зонтик шаровидный, густой, многоцветковый. Цветоножки равные, в 3-4 раза длиннее околоцветника, при основании с прицветниками. Околоцветник звездчатый; листочки белые с зеленой жилкой, 4-5 мм длины, равные, линейно-продолговатые или продолговато-ланцетные, тупые. Нити тычинок на 1/4 длиннее околоцветника, в основании между собой и с околоцветником сросшиеся, наружные шиловидные, внутренние при основании в 2 раза шире наружных и немного шире листочков околоцветника, из широкояйцевидного тупо 2-зубчатого основания шиловидные. Столбик короче коробочки. Коробочка шаровидно-трехгранная, 5 мм в диаметре. **Экология:** в трещинах скал и на каменистых склонах на высоте 800-1300 м. **Ареал:** Средняя Азия (Зап. Тянь-Шань, Памиро-Алай): Таджикистан, Узбекистан [7].




Рис. 2. Анатомическое строение вздутой части цветоноса (дудка) *Allium praemixtum* на поперечном срезе:

а – схема и деталь; б – эпидерма; коровая паренхима и млечник;
в – проводящий пучок и склеренхима; г – сердцевина.

Условные обозначения: ГД – гидроцитные клетки, КП – коровая паренхима, Кс – ксилема, Мл – млечники, ПП – проводящий пучок, Пх – паренхима, СК – склеренхима, Ф – флоэма, Э – эпидерма.

Материал собран из естественных мест произрастания – Навоийской области, Нуратинского хребта. Для анатомических исследований фиксировали цветонос и цветоножку в 70%-м этаноле. Поперечные срезы цветоноса и цветоножки – сделаны через середину. Описания основных тканей и клеток приведены по К. Эсау [8]. Препараты, приготовленные ручным способом, окрашивали метиленовой синью

последующим заклеиванием в глицерин-желатину [9]. Измерения проводили в зависимости от органа, тканей и клеток в 30 – кратной повторности окуляр-микрометром с последующим переводом в микроны. Микрофотографии сделаны компьютерной микрофотонасадкой с цифровым фотоаппаратом марки A123 фирмы Canon под микроскопом Motic B1-220A-3. Статистическая обработка количественных данных проведена по общепринятым критериям [10] при помощи персонального компьютера (программа MS-Excel).

Строение вздутой части цветоноса (дудка). На поперечном срезе цветонос округлой формы. Строение паренхимно-пучкового типа. Эпидерма состоит из одного ряда клеток, вытянутой и овальной формы, с $54,9 \pm 0,37$ мкм высоты. Наружные стенки эпидермальных клеток толстостенные – $23,1 \pm 0,18$ мкм. Устьица многочисленные и слабо погруженные – $19,2 \pm 0,09$ мкм.

Под эпидермой расположена 6-7 рядная округло-овальная, крупноклеточная коровая паренхима с диаметром – $126,3 \pm 1,13$ мкм, под ними расположены однорядные, немногочисленные крупные млечники с диаметром – $35,1 \pm 0,21$ мкм, чередующиеся 2-3 коровой паренхимы. Вокруг млечников имеются крупные удлинённые клетки обкладки.

Под коровой паренхимой и над склеренхимой расположены проводящие пучки кольцеобразной формы, сосуды проводящих пучков крупные и мелкие включают флоэму и ксилему.




Рисунок – 3. Анатомическое строение цветоноса (а-г) и цветоножки (д-е) *A. praemixtum* на поперечном срезе: а – схема; б – деталь; в – сердцевина; г – проводящий пучок; д – общий вид цветоножки; е – деталь.

Условные обозначения: ГД – гидроцитные клетки, КП – коровая паренхима, Кс – ксилема, ПП – проводящий пучок, Пх – паренхима, СК – склеренхима, Ф – флоэма, Э – эпидерма.

В проводящих пучках имеются 2 крупных и 7-8 мелких сосудов с диаметром $31,2 \pm 0,28$ мкм. Сердцевина обширная, паренхимные клетки тонкостенные, округло-овальные, включающие гидроцитные клетки (рисунок 2).

Из-за разрушения паренхимных клеток в центральной части сердцевины образована большая полость, которая занимает внутреннюю часть дудки (рисунок 2).

Строение цветоноса. На поперечном срезе цветонос округлой формы, паренхимно-пучкового типа строения.

Эпидерма однорядная, клетки округлые, с высотой $54,9 \pm 0,37$ мкм. Кутикула слегка волнистая, утолщенная до $18,6 \pm 0,13$ мкм. Коровая паренхима 5-6 рядная, со средним диаметром $57,5 \pm 0,61$ мкм.

Под коровой паренхимой расположены немногочисленные млечники, диаметром $24,3 \pm 0,17$ мкм, неплотно локализованы. Вокруг млечников расположены клетки с коричневым содержимым.

Под коровой паренхимой и над склеренхимой расположены кольцеобразные проводящие пучки, включающие крупные (2) и мелкие 3-4 сосуда, флоэму и ксилему. Большую часть цветоноса занимает паренхимные клетки (рисунок 3).

Строение цветоножки. Цветоножка на поперечном срезе ребристая. Строение паренхимно-пучкового типа. Эпидерма состоит из одного ряда клеток, овальной формы, с диаметром $18,6 \pm 0,09$ мкм. Стенки наружной эпидермы тонкостенные – $5,1 \pm 0,04$ мкм.

Под эпидермой расположена 4-5 рядная округло-овальная, мелкоклеточная ($25,5 \pm 0,31$ мкм) и толстостенная коровая паренхима. Коровая паренхима отделена от центрального цилиндра кольцом тонкостенной склеренхимы.

В центральном цилиндре развиты 3 проводящие пучки несклерифицированные, состоящие из флоэмы и ксилемы. Сосуды мелкие, толстостенные 5-6. Большую часть цветоножки занимает паренхимные и склеренхимные клетки (рисунок 3).

Таким образом, при изучении анатомическое строение вегетативных органов *A. praemixtum* в естественных экологических условиях определены характерные диагностические признаки, также выявлены следующие ксероморфные признаки: утолщенная наружная стенка эпидермы; мелкие, многочисленные эпидермальные и паренхимные клетки; мелкие, многочисленные, погруженные устьица; толстостенные склеренхимные клетки; мелкие и многочисленные сосуды в проводящих пучках. Соотношение ксероморфных и мезоморфных признаков отмечено во вздутой части цветоноса и цветоножки у *A. praemixtum*, что свидетельствует о редкости данного вида. Выявленные структурные диагностические признаки вегетативных органов являются видоспецифичными и могут быть использованы в систематике.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Stearn W.T. Genus *Allium* L. Flora Europaea.–Cambridge:Cambridge University Press,1980.–Vol.5.–P.49-69.
2. Xu J.M. and R. V. Kamelin Genus *Allium* L. Flora of China. – Beijing: Missouri Botanical Garden Press, 2000. – Vol. 24. – P. 165-202.
3. Friesen, N., R.M. Fritsch and F.R. Blattner Phylogeny and new intrageneric classification of *Allium* (Alliaceae) based on nuclear ribosomal DNA ITS sequences // Aliso. – 2006. – Vol. 22. – P. 372-395.
4. Fritsch, R.M., F.R. Blattner and M. Gurushidze New classification of *Allium* L. subg. *Melanocrommyum* (Webb & Berthel) Rouy (Alliaceae) based on molecular and morphological characters // Phytom. – 2010. – Vol. 49. – P. 145-220.
5. Fritsch, R.M. and N. Friesen Evolution, Domestication and Taxonomy / *Allium Crop Science: Recent Advances*. – Wallingford: CABI Publishing, – 2002. – P. 5-30.
6. Хасанов Ф.О. Род *Allium* L. во флоре Средней Азии: Автореф. дисс. ... докт. биол. наук. – Ташкент. – 2008. – 35 с.
7. Хасанов Ф. О. *Allium* L. – Лук. В кн. Флора Узбекистана. – Ташкент.– 2016. - С. 6-119.
8. Эсау К. Анатомия растений. – Москва: Изд. Мир, 1969. – С. 138-416.
9. Барыкина Р. П., Веселова Т. Д., Девятов А. Г. и др., Справочник по ботанической микротехнике (основы и методы). – Москва: Изд. МГУ. 2004. – С. 6-68.
10. Зайцев Г.Н. Математика в экспериментальной ботанике. – Москва: Наука, 1991. 296 с.

УЎК: 581.9

СУЛТАН УВАЙС ТОҒ ТИЗМАСИДА ТАРҚАЛГАН LAMIACEAE MARTINOV ОИЛАСИ

Р.Х. Есемуратова, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент.

Аннотация. Ушбу мақолада Султан Увайс тоғи флорасида тарқалган *Lamiaceae* Martinov оиласининг туркум турлари ҳақида келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида мазкур оиллага мансуб 4 туркумнинг 4 тур тарқалганлиги аниқланди. Мазкур ҳудудда ҳозирга қадар амалга оширилган геоботаник ва флористик тадқиқотлар, турларнинг хўжаликдаги аҳамияти нуқтаи назаридан олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: *Lamiaceae* Martinov, TASH, флора, таксономия, систематика, Султан Увайс, Қорақалпоғистон

Аннотация. В данной статье изучен ряд видов семейства *Lamiaceae* Martinov, распространенных во флоре горы Султан Увайс. В результате проведенных исследований было выявлено 4 вида, относящихся к 4 семействам. Были проанализированы геоботанические и флористические исследования, проведенные

на данной территории, а также исследования, проведенные с точки зрения хозяйственного значения видов.

Ключевые слова: *Lamiaceae Martinov*, TASH, флора, таксономия, систематика, Султан Увайс, Каракалпакстан

Abstract. this article examines a number of species of the *Lamiaceae Martinov* family that are common in the flora of mount Sultan Uvays. As a result of the research, 4 species belonging to 4 families were identified. Geobotanical and floristic studies conducted in this area, as well as studies conducted from the point of view of the economic significance of species, were analyzed.

Keywords: *Lamiaceae Martinov*, TASH, flora, taxonomy, systematics, Sultan Uvays, Karakalpakstan

Кириш

Султан Увайс тоғи тизмасы Шимолий ғарбий Қизилқумнинг жанубий шарқий қисмида Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Султан Увайс табиий-географик райони шу ном билан аталувчи қолдиқ тоғнинг ва унга туташ бўлган тоғолди пролювиал текисликларни қамраб олган бўлиб, унинг атрофидаги ҳудудларни ҳам ўз ичига олади. У ҳудудий жиҳатдан Қизилқум табиий географик округининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади [1,3]. Султан Увайс тоғи кенглик бўйлаб 45 км масофага чўзилган, ўртача кенлиги 10-15 км ни ташкил этади. Энг баланд чўққиси Ачитоғ (Карачингиль) бўлиб, у денгиз сатҳидан 485 м га етади. Унинг умумий ер майдони 700 км² ташкил этади [10].

Султан Увайс тоғи тизмасы Тожибаев ва бошқ. (2016) маълумотлари бўйича Турон провинциясининг Қизилқум округи Қизилқум қолдиқ тоғлари ботаник-географик райони таркибига қиради [7]. Султан Увайс тоғи ўсимлик қоплами ўзига хос бўлиб, Қизилқумнинг бошқа қолдиқ тоғларидан анча кескин фарқ қилади. Закировнинг (1971) сўзларига кўра, бу қолдиқ тоғнинг ўсимлик қоплами бутунлай чўлда ўсувчи ўсимлик типларидан иборат [4].

Султон Увайс тизмасининг ўсимликлар қоплами ва флораси дастлаб М.Г. Поповнинг (1915) «Ботанический очерк Султануиздага» мақоласида Султан Увайс тоғи флораси учун 121 тур учраши ва дастлабки ўсимликлар рўйхати келтирган. Илк бор мазкур тоғ флорасида тарқалган янги тур – *Asparagus turkestanicus* Роров ни фанга киритади [6].

Тадқиқот ҳудуди Қизилқумнинг қолдиқ тоғлари қаторида ўрганилиб келинган (Закиров 1971, Р. Абдурахманов 1969, Шербаев 1973). Р. Абдурахманов (1969) маълумотига кўра Султан Увайс флораси учун 32 оила 132 туркум 240 турни, Б. Шербаев (1978) эса 51 оила, 226 туркум 444 турни келтирган [2,4,9]. Б. Шербаев (1978) томонидан Қорақалпоғистоннинг қолдиқ ва паст тоғлари ҳудудларида кенг қўламли флористик тадқиқотлар олиб борилган. Изланишлар натижаси бўлган илмий асарларида ўрганилган ҳудудларнинг табиий-географик хусусиятлари, ўсимликлар қоплами ва уларнинг тарқалиши ҳамда ҳўжаликдаги аҳамияти ҳақидаги қимматли маълумотлар келтирилган [9].

Материал ва методлар. Тадқиқот материаллари Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фонди Султан Увайс тоғи флорасида терилган ва сақланаётган *Lamiaceae Martinov* оиласига мансуб туркум турларининг гербарий намуналари ҳамда 2009-2020 йилларда олиб борилган ҳудуд флорасини ўрганишга қаратилган мақсадли дала тадқиқотларида йиғилган гербарий намуналари. Туркум ва турларнинг номлари International Plants Names Index (www.ipni.org), халқаро электрон маълумотлар базалари асосида, таксонларнинг муаллифлари R.K.Brummit, C.E.Powell (1992) бўйича, мавжуд гербарий намуналарининг ботаник-географик таҳлили К.Ш.Тожибаев ва бошқ. (2016) томонидан ишлаб чиқилган схема асосида келтирилди [5,11,12].


Дунё бўйича *Lamiaceae Martinov* оиласи 245 дан ортик туркум ва 7886 га яқин турларни ўз ичига олиб [12], улар асосан ўт, чала бута ва бута ўсимликларидир. Ўрта Осиё флорасида 53 туркум ва 461 тур тарқалган. Ўзбекистон флорасида эса 38 туркумнинг 214 тури мавжуд [5,8].

1915 йили таниқли рус ботаниги М.Г. Попов Султан Увайс тоғи флораси ҳақидаги асарида Султан Увайс тоғи учун *Lamiaceae Martinov* оиласига мансуб *Chamaesphacos ilicifolius* Schrenk., *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth. турларини киритган [6], П.К. Закиров (1971) “Ботаническая география низкогорий Кызылкума и Хребта Нуратау” номли асарида *Chamaesphacos ilicifolius* Schrenk., *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth., *Thuspeinanta persica* (Boiss.) Briq. [4], Б.Шербаев (1978) томонидан “Флора останцовых возвышенностей и низкогорий Каракалпакии” номли асарида мазкур ҳудуд учун 3 та тур келтирилган *Thuspeinanta persica* (Boiss.) Briq., *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth., *Chamaesphacos ilicifolius* Schrenk. [9].

Намуна (MW). TASH фондида сақланаётган гербарий намуналаридан ташқари Москва давлат университети (MW) да сақланаётган гербарий намуналари таҳлили натижасида *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth., Султануиздаг гора Казан-тау, на лесовидном щебнистом склоне. № 110, 14.05.1934г. Арсеньева. Томонидан терилган. *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth., Султануиздаг гора Казан-тау, западный склон на щебнистой глинистой почве № 152, 21.05.1934. Арсеньева.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида Султан Увайс тоғ тизмасида *Lamiaceae* оиласига мансуб 4 туркумнинг 4 тури тарқалганлиги аниқланди (*Thuspeinantha persica* (Boiss.) Briq., *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth., *Chamaesphacos ilicifolius* Schrenk, *Ziziphora tenuior* L.). *Ziziphora tenuior* L туру мазкур ҳудуд флораси учун илк бор келтирилди. (1-расм). Намуналарининг муаллифлари ва йиллари кавслар ичида кўрсатилган.



1-расм. Султан Увайс тоғ тизмасида тарқалган Lamiales оиласи туркум турлари

1. *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth. A.P.de Candolle, Prodr. 12: 404 (1848). Намуна (TASH); (Султан Уиз Дагский хребт. 3 км от пос. Каратау (на севере) горы Шейд. На дне водостеках. Почва супесчанная. 26.04.1953, Т. Адылов 49; Республика Каракалпакстан. Берунийский район. Хребет Султануиздаг. род. Узынбулак. 12.05.2009, Р.Х. Есемуратова, 74 (N 60,710847; E 42,039143); Республика Каракалпакстан. Берунийский район. Хребет Султануиздаг. № 11.07.2010, Г.Ж. Абдиниязова 41 (N 60,651772; E 42,066079); Республика Каракалпакстан. Трасса Нукус, юго-западный часть. Бадай-тугай. Буферная зона. 03.05.2015, М.Х. Усманов 268 (N 60,374891; E 41,989052); Каракалпакстан. Султан Увайс. Каменистые склоны сухого сая, начинающегося от мазара Султан Увайс. 19.05.2015, Н.Ю. Бешко 384 (N 60,633192; E 42,073572)).



2-расм. *Ziziphora tenuior* L. Султан Увайс тоғи флораси учун янги тур.

2. *Thuspeiantha persica* (Boiss.) Briq. H.G.A.Engler & K.A.E.Prantl, Nat. Pflanzenfam. 4(3a): 229

(1896). – форс туспенантаси. Терофит. Эрон. Текислик, тоғ олди, чинк, тақир, гипсли. Эфирмойли ўсимлик. *Намуна (TASH)*; (*Хр. Султануиздаг. № 235 М.Г. Попов. 03.05.1913. (N 60,341994 E 42,115518).*; *Горы Султануиздаг. В окр. пос. Каратау. Почва супесчаная. № 4, Адълов. 12.04.1953. (N 60,675127 E 42,079704).* Республика Каракалпакстан. Берунийский район. Вокр. Пост. Каратау. № 149. Есемуратова Р.Х. 12.05.2009. (N 60,286118 E 42,093294. Республика Каракалпакстан. Берунийский район. Предгорья Султануиздаг. Ю-В часть трасс. Нукус-Ташкент. № 206. Усманов М.Х. 11.05.2015. (N 60,61606 E 41,991916). Республика Каракалпакстан. Берунийский район. Хребет Султануиздаг. Казантау. № 149. Есемуратова Р.Х., 15.05.2010. (N 60,629322 E 42,048885)).

3. *Chamaesphacos ilicifolius Schrenk*, Enum. Pl. Nov. i. 27 (1841)., эманбаргли мармарак, бир йиллик ўсимлик, кумли майин тупроқларда баъзида эса қолдик тоғнинг ўрта қисмларида учрайди. *Намуна (TASH)*; (*Берунийский район. Хребет Султануиздаг. Бесапан. 219, Есемуратова Р.Х. 13.05.2010. (N 60,765924; E 42,01585).*, *Хребет Султануиздаг. Междугорная равнина на водостеках Казантау. 219, Есемуратова Р.Х. 13.05.2010. (N в.д. 60,629322; E с.ш. 42,048885).* *Хр. Султануиздаг. Предгорья. № 219, Есемуратова Р.Х. 12.05.2009. (N 60,669506. E 42,089307).*)

4. *Ziziphora tenuior L. Labiat.* Persic.: 39 (1873). – нафис кийикўт. Терофит. Узун вегетацияли бир йиллик ўт. Евро – Сибир-Ўртаосиё. Текислик ва Ўрта тоғ, гилли ва майин тупроқли. Доривор, эфир-мойли, озикабоп (хушбўй-хидли), асал-ширли. Эфемеретум ўсимлик. *Намуна (TASH)*; (*Каракалпакстан. Султан Увайс. Каменистые склоны сухого сая, начинающегося от мазара Султан Увайс. (N 60°39'30" в.д.60°39'30" в.д.42°03'12" с.ш.), 19.05.2015. Бешико Н.Ю.; Республика Каракалпакстан. Берунийский район. Хребет Султануиздаг. Казантау. 13.05.2010, Р.Х. Есемуратова № 98. (N 60,320967; E 42,032091).*)(2-расм).

Хулоса

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида Султан Увайс тоғ тизмасида Lamiaceae Martinov оиласига мансуб 4 туркумнинг 4 тур тарқалганлиги аниқланди. Булар: *Thuspeinanta persica* (Boiss.) Briq., *Lallemantia royleana* (Benth.) Benth., *Chamaesphacos ilicifolius* Schrenk, *Ziziphora tenuior* L. *Ziziphora tenuior* L. ўсимлиги мазкур худуд учун янги ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аббасов С.Б. Қизилкум ландшафтлари ва уларнинг геоэкологик жиҳатлари: Автореф. дис. докт. геогр. наук. – Самарқанд, 2007. – 46 б.
2. Абдурахманов Р.А. Материалы о флоре Султануиздага // Доклады АН РУз ССР. – Ташкент, 1969. – № 7. – С. 50-51.
3. Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 440 б.
4. Закиров П.К. Ботаническая география низкогорий Кызылкума и хребта Нуратау. – Ташкент: Фан, 1971. – 201 с.
5. Определитель растений Средней Азии. – Ташкент, 1987. -Т. IX. –С. 6-175.
6. Попов М.Г. Ботанико-географической очерк гор Султануиздаг. Избранные сочинения. – Ашхабад, 1958. – 489 с.
7. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал. –Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). –С. 1105-1130.
8. Флора Узбекистана. –Ташкент, 1961.-Т. V. –С. 266-410.
9. Шербаев Б.Ш. Флора останцовых возвышенностей и низкогорий Каракалпакии.–Ташкент, 1978.–112 с.
10. Шилин Л.Л. Перматиты Султануиздага. Тр. Каракалпакской комплексной экспедиции 1931-1932 гг., Т. IV, Вып. 5. М. –Л., Изд-во АН СССР, 1935.
11. Brummitt R.K., Powel C.E. Authors of plants names. Royal Botanic Gardens. –Kew, 1992. –P. 15–686.
12. International Plant Names Index [Электронный ресурс].–URL: www.ipni.org (Accessed 22 January 2020).

УЎК 578.262: 579.61:615.038.

САЛЬМОНЕЛЛА ПОЛИВАЛЕНТ БАКТЕРИОФАГИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Б. Жуманиязова, муст. изланувчи, ЎЗР ФА Микробиология институти, Тошкент
К. Давранов, б.ф.д., проф., ЎЗР ФА Микробиология институти, Тошкент

Аннотация. Ўтқир ичак инфекцияларини келтириб чиқарувчи микроорганизмлардан бири-*Salmonella*лар бўлиб, уларни организмдан бартараф қилиш мақсадида антибиотиклардан фойдаланиш, уларнинг антибиотикларга чидамли бўлган турларини пайдо бўлишига ҳамда ичак нормал микрофлорасининг зарарланишига олиб келмоқда. Бактериялар томонидан келтириб чиқариладиган касалликларни даволашнинг янги услуби сифатида бактериофаглардан фойдаланиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган тажрибаларга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Ушбу тадқиқот ишида маҳаллий штаммлар асосида ишлаб чиқилган Сальмонелла поливалент бактериофагининг айрим хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: антибиотикларга чидамлик, бактериофаг, бактериофаг барқарорлиги, литик фаоллик, Сальмонелла поливалент бактериофаги, *Salmonella*

Аннотация. Одним из микроорганизмов, вызывающих острые кишечные инфекции, является *Salmonella*, и использование антибиотиков для их устранения из организма приводит к появлению устойчивых к антибиотикам видов и нарушению нормальной микрофлоры кишечника. Растет интерес к экспериментам с использованием бактериофагов как новому методу лечения заболеваний, вызываемых бактериями, и изучения их свойств. В этом исследовании мы также сочли уместным указать на некоторые особенности бактериофага сальмонеллезный поливалентного, созданного на основе местных штаммов.

Ключевые слова: устойчивость к антибиотикам, бактериофаг, стабильность бактериофага, литическая активность, бактериофаг сальмонеллезный поливалентный, сальмонелла

Abstract. One of the microorganisms that cause acute intestinal infections is *Salmonella*, and the use of antibiotics to eliminate them from the body with the help of antibiotics leads to the emergence of antibiotic-resistant species and damage to the normal intestinal microflora. There is a growing interest in experiments involving the use of bacteriophages as a new method of treatment of diseases caused by bacteria and the study of their properties. In this study, we also found it appropriate to cite some features of Bacteriophage salmonella polyvalent developed on the basis of local strains.

Keywords: Antibiotic resistance, bacteriophage, bacteriophage stability, lytic activity, Bacteriophage salmonella polyvalent, *Salmonella*.

Кириш. Сальмонеллалар бутун дунё бўйлаб озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юкадиган [1] ва ўткир ичак инфекцияларини келтириб чиқарадиган кўзгатувчилардан биридир [2]. 2008-2017-йилларда Республикамизда олиб борилган мониторинг натижалари асосида *Salmonella enteritidis* ва *Salmonella typhimurium* аҳоли ўртасида кенг тарқалиши бўйича етакчи ўринларни эгаллаганлиги қайд қилинган [3-5]. Кейинги йилларда ажратиб олинган сальмонелаларнинг антибиотикларга нисбатан чидамлилиги сезиларли даражада ортганлиги деярли барча адабиётларда келтириб ўтилган [6-11].

Антибиотикларга чидамли бактериялар одамларга ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали юкади [11]. Бактерияларнинг антибиотикларга чидамлилигини бартараф қилиш ва олдини олиш учун ЖССТ (WHO)нинг Глобал ҳаракат режаси [12] ва ОКТ (FAO)нинг микробларнинг чидамлилиги бўйича ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, [13] ушбу режага кўра бактериал инфекцияларни даволаш учун янги антибиотиклар ёки антибактериал воситалар ишлаб чиқиш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

Мана шундай бир вазиятда бактерияларга специфик таъсир қиладиган бактериофагларга яна қайта мурожаат қилинди. Улар антибиотиклардан фарқли равишда инсон нормал микробиомига зарар етказмасдан [14, 15], касалликларнинг олдини олади. Шу мақсад туфайли Республикамизда учрайдиган сальмонелла штаммлари: *S. enteritidis* №7, *S. yava*, *S. moscow* N 14, *S. paratyphi B*, *S. typhimurium* №1, *S. newport* №33, *S. agama* асосида Сальмонелла поливалент бактериофаги ишлаб чиқилди ва унинг хусусиятларини ўрганиш бўйича лаборатория тажрибалари ўтказилди.

Материаллар ва услублар:

Бактериофагнинг литик фаоллигини аниқлаш. Маълумки, бактериофагларнинг асосий хусусияти – бу уларнинг литик фаоллигидир. Ушбу тажрибаларда ажратиб олинган бактериофагларнинг спецификлиги, литик фаоллигининг диапазони ва даражаси, фаг заррачаларининг концентрацияси Отто, Аппельман, Грация методлари ёрдамида аниқланди [16, 17].

Бактериофаглар дастлаб ажратиб олинган вақтида тегишли бактерияларга спецификлиги Отто методи ёрдамида аниқланди. Бунда агарли (Nutrient agar, *HiMedia*) Петри идишларига бактерияларнинг культурал суюқликларидан газон қилиб экилади ва белгиланган фагдан олиниб томчи томизилади. Ушбу томчи Петри идиши бир томонга 45 градусга кўтарилиб, қарама-қарши томонга оқизилади. Шундан сўнг Петри идиши термостатда 16-18 соат инкубация қилинди. Агар фаг микроорганизм билан гомологик ва биологик фаол бўлса, у ҳолда фаг томизилган жой тиниқ бўлади [16].


Бактериофагнинг литик фаоллиги диапазони ва даражаси ўндан бир марта суюлтириш 10^{-1} дан 10^{-10} гача кетма-кет тайёрлаш орқали Аппельман усули бўйича аниқланди [17].

Фаг заррачаларининг концентрациясини аниқлашда Грация усулидан фойдаланилди [17]. Бунда термостатда қуритилган 1,5% агар юзасига тегишли бактерияларнинг суткалик культуралари 0,7% агар ва тегишли даражагача суюлтирилган бактериофаг билан аралаштирилиб қуйилади ва кейин 18-24 соат термостатда инкубация қилиш учун қолдирилади. Петри идишидаги тиниқ лизис берган колониялар сони ҳисобланиб, фагнинг титри белгиланади.

Бактериофаг литик фаоллигининг ҳароратга чидамлилигини аниқлаш. Бактериофагнинг ҳароратга чидамлилигини ўрганишда пробиркаларга 5 млдан фаг филтратидан солиниб, сув ҳаммомида 30°C дан 60°C гача алоҳида ярим соатдан ушлаб турилди [18]. Назорат варианты сифатида музлаткичда $5-10^{\circ}\text{C}$ оралиғида сақланган бактериофагдан фойдаланилди. Барча пробиркалардаги фагларнинг титрини таққослаш учун Грация усулидан фойдаланилди.

Бактериофаг литик фаоллиги ўзгаришини маҳсус шароитда кузатиш. Бунда бактериофагни 20 мл флаконларда суюқ консервантли фаголизат ҳолатида музлаткичда $5-10^{\circ}\text{C}$ да сақланди. Унинг литик фаоллиги Грация усули ёрдамида 24 ой давомида [19] ҳар 2 ойда бир марта текшириб борилди, жами ўн бир марта тажрибалар олиб борилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили:



1-расм. *S.enteritidis* № 7, *S.moscow* № 14, *S.yava*, *S.paratyphi* B, *S.typhimurium* № 1, *S.newport* № 33 ва *S.agama* штаммларига Сальмонелла поливалент бактериофагининг таъсири. А- *S.enteritidis* № 7 у *S.moscow* № 14; Б- *S.yava* и *S.paratyphi* B; В- *S.typhimurium* № 1 ва *S.agama*; Д- *S.newport*

Бактериофагнинг литик фаоллигини аниқлаш. Дастлаб ажратиб олинган фаг заррачалари тегишли штаммлар билан адаптация қилиниши натижасида уларнинг литик фаоллигига тегишли бўлган барча хусусиятлар кутилган натижадан анча яхшиланишига эришилди.

1-жадвал

Сальмонелла поливалент бактериофаги литик фаоллиги хусусиятлари

№	Бактерия штаммлари номи	Отто методи бўйича фагнинг сезувчанлиги	Апфельман методи бўйича фагнинг литик фаоллиги	Грация методи бўйича фагнинг литик фаоллиги (КОЭ/мл)
1.	<i>S.enteritidis</i> №7	++++	10^{-8}	$7,56 \times 10^8$
2.	<i>S.moscow</i> №14	++++	10^{-6}	$5,30 \times 10^8$
3.	<i>S.yava</i>	+++	10^{-4}	$1,98 \times 10^9$
4.	<i>S.paratyphi</i> B	+++	10^{-4}	$2,166 \times 10^9$
5.	<i>S.typhimurium</i> №1	+++	10^{-8}	$7,28 \times 10^8$
6.	<i>S.newport</i> №33	++++	10^{-8}	$1,78 \times 10^9$
7.	<i>S.agama</i>	++++	10^{-6}	$2,6 \times 10^7$

Сальмонелла поливалент бактериофаги *S.enteritidis* №7, *S.moscow* №14, *S.newport* №33, *S.agama* штаммлари билан спецификлиги - (++++) гача; *S.yava*, *S.paratyphi* B, *S.typhimurium* №1 штаммлари билан - (+++)

гача кўтарилишига эришилди (1-жадвал, 1-расм). Бактериофагнинг литик фаоллиги диапазони ва даражасини аниқлаш тажрибаларига кўра бактериофаг *S.enteritidis* №7, *S.typhimurium* №1, *S.newport* №33 штаммларини 10^{-8} , *S.yava*, *S.paratyphi* B штаммларини 10^{-4} да, *S.agama* ни эса, 10^{-6} да лизис қила олиши аниқланди (1-жадвал).

Фаг заррачаларининг концентрацияси Грация методи бўйича аниқланганда *S.newport* № 33, *S.yava*, *S.paratyphi* B штаммлари билан Сальмонелла поливалент бактериофаги энг юқори 10^9 та КОЭ/мл ни, қолган барча штаммлар билан 10^8 та КОЭ/мл ни намоен қилди (1-жадвал).

2-жадвал

Сальмонелла поливалент бактериофаги литик фаоллигининг ҳароратга чидамлилиги

Ҳарорат ўзгариши	Сальмонелла штаммлари номи							Фагнинг ўртача титри
	<i>S.enteritidis</i> № 7	<i>S.yava</i>	<i>S.moscow</i> № 14	<i>S.paratyphi</i> B	<i>S.typhimurium</i> № 1	<i>S.newport</i> № 33	<i>S. agama</i>	
30°C	$1,6 \times 10^8$	$1,0 \times 10^9$	$7,9 \times 10^8$	$1,5 \times 10^9$	$1,8 \times 10^8$	$1,2 \times 10^9$	$2,3 \times 10^8$	$7,2 \times 10^9 \pm 0,3 \times 10^9$
40°C	$2,0 \times 10^8$	$9,2 \times 10^8$	$5,0 \times 10^8$	$2,1 \times 10^9$	$1,5 \times 10^8$	$1,4 \times 10^9$	$1,1 \times 10^8$	$7,6 \times 10^9 \pm 0,8 \times 10^9$
50°C	$1,1 \times 10^8$	$1,0 \times 10^9$	$4,5 \times 10^8$	$1,0 \times 10^9$	$1,1 \times 10^8$	$7,5 \times 10^8$	$1,2 \times 10^8$	$5,0 \times 10^9 \pm 0,7 \times 10^9$
60°C	$1,8 \times 10^8$	$9,8 \times 10^8$	$1,5 \times 10^8$	$9,7 \times 10^8$	$1,3 \times 10^8$	$1,0 \times 10^9$	$9,1 \times 10^7$	$4,8 \times 10^9 \pm 0,8 \times 10^9$

Бактериофагнинг литик фаоллигининг ҳароратга чидамлилигини аниқлаш. Сальмонелла поливалент бактериофаги литик фаоллигининг ҳароратга чидамлилигини ўрганиш давомида улар литик фаоллигининг ўртача миқдори $7,2 \times 10^9 \pm 0,3 \times 10^9$ дан $4,8 \times 10^9 \pm 0,8 \times 10^9$ га ўзгарганлиги аниқланди. 2-жадвалда келтирилган натижаларга кўра бу миқдор Сальмонелла поливалент бактериофаги барқарорлигини ҳарорат кўтарилиши билан камая боришини исботлади.

Бактериофагнинг литик фаоллиги ўзгаришини махсус шароитда кузатиш. Шу кунгача олиб борилган тадқиқот ишларида бактериофаглар литик фаоллиги ўзгариши махсус шароитларда кузатишган. Бунга асосий сабаб, уларнинг дори воситаси сифатида ишлатилиб инфекция касалликларни келтириб чиқарувчи бактерияларни лизис қилиш қобилиятининг барқарорлигини ўрганишдан иборат бўлган. Сальмонелла поливалент бактериофаги музлатгичда 5-10°C атрофида 24 ой сақлаш давомида текширилганда унинг литик фаоллиги ўртача $1,2 \times 10^9 \pm 0,6 \times 10^9$ дан $4,6 \times 10^8 \pm 0,6 \times 10^8$ камайганлиги аниқланди. Бунда бактериофаг 20 мл флаконларда суюқ консервантли фаголизат ҳолатида сақланди. Ҳар икки ойда бир мартаба жами 11 марта тажриба олиб борилган бўлишига қарамай, ҳар бир тажрибада белгиланган *Salmonella* штаммлари асосида текшириб, жадвалларда натижалар ўртача миқдорда келтирилди.

Сальмонелла поливалент бактериофагининг 2 йил махсус шароитда сақланганда титрининг ўзгариши

№	Текширилган Salmonella штаммлари номи	Тажрибалар ошиб боришган саналар											
		16.11.17	18.01.18	1.03.18	4.05.18	4.07.18	2.10.18	6.11.18	31.01.19	25.05.19	23.09.19	19.11.19	
1.	Salmonella enteritidis №7	1,5*10 ⁹	2,6*10 ⁹	2,1*10 ⁹	1*10 ⁹	1,6*10 ⁹	1,3*10 ⁹	6,2*10 ⁸	5,7*10 ⁸	9,5*10 ⁸	2,4*10 ⁹	5,6*10 ⁸	
2.	Salmonella moscow №14	5,3*10 ⁸	1,4*10 ⁹	1,7*10 ⁹	5,1*10 ⁸	3,6*10 ⁸	3,9*10 ⁸	1,9*10 ⁹	5,1*10 ⁸	2,5*10 ⁸	7,5*10 ⁸	2,3*10 ⁸	
3.	Salmonella yava	2,5*10 ⁹	2,7*10 ⁹	7,6*10 ⁹	2,5*10 ⁹	1,6*10 ⁹	2,2*10 ⁹	4,7*10 ⁸	2,1*10 ⁹	1*10 ⁹	1,3*10 ⁹	1*10 ⁷	
4.	Salmonella paratyphi B	2,5*10 ⁹	1,8*10 ⁹	7,3*10 ⁹	1,4*10 ⁹	1,	2,2*10 ⁹	1,3*10 ⁸	2,1*10 ⁹	9,3*10 ⁸	1,4*10 ⁹	1,4*10 ⁹	
5.	Salmonella typhimurium №1	4,5*10 ⁸	6,6*10 ⁸	1,7*10 ⁹	8,2*10 ⁸	1,7*10 ⁹	7*10 ⁹	2,7*10 ⁹	6,4*10 ⁸	2,3*10 ⁹	1*10 ⁹	6,8*10 ⁸	9*10 ⁷
6.	Salmonella newport №33	1,2*10 ⁹	1,9*10 ⁹	7*10 ⁹	3,8*10 ⁹	1,8*10 ⁹	3,6*10 ⁹	2,6*10 ⁸	1,3*10 ⁸	1,5*10 ⁹	2,5*10 ⁹	9,2*10 ⁸	
7.	Salmonella agama	1,3*10 ⁸	2,7*10 ⁸	6,7*10 ⁸	4,4*10 ⁸	1,1*10 ⁸	1,3*10 ⁸	1,7*10 ⁸	1,5*10 ⁸	2*10 ⁸	4,1*10 ⁸	6*10 ⁷	
8.	Фагининг ўртача титри	1,2*10 ⁹ ± 0,6*10 ⁹	1,6*10 ⁹ ± ±0,18*10 ⁹	2,9*10 ⁹ ± ±0,6*10 ⁹	1,4*10 ⁹ ± ±0,9*10 ⁹	1,2*10 ⁹ ± ±0,7*10 ⁹	1,8*10 ⁹ ± ±0,9*10 ⁹	1,1*10 ⁹ ± ±0,3*10 ⁹	1,1*10 ⁹ ± ±0,3*10 ⁹	8,3*10 ⁸ ± ±0,3*10 ⁸	1,3*10 ⁹ ± ±0,5*10 ⁹	4,6*10 ⁸ ± 0,6*10 ⁸	

Демак, ушбу микдор (3-жадвал) Сальмонелла поливалент бактериофаги учун ишлаб чиқилган фармакологик хужжат талабларига тўлиқ жавоб беради [20].

Хулосалар:

1. Дастлаб Сальмонелла штаммлари билан ажратиб олинган фаг заррачалари тегишли штаммлар билан адаптация қилиниши натижасида уларнинг литик фаоллигига тегишли бўлган барча хусусиятлар Отто методи ёрдамида текшириш натижасида фаг (+++) дан фаг (++++) ҳолатигача яхшиланишига эришилди.

2. Бактериофагининг литик фаоллиги диапазони ва даражасини аниқлаш тажрибаларига кўра “AZIYA IMMUNOPREPARAT” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган «Сальмонеллэз поливалент бактериофаги» тегишли Сальмонелла культуралари билан 10⁻⁴ дан 10⁻⁸ гача лизис қила олиши аниқланди.

3. Фаг заррачаларининг концентрацияси Грация методи бўйича аниқланганда, 10⁸ та КОЭ/млдан 10⁹ та КОЭ/млгача литик фаолликни намоён қилиши аниқланди.

4. Сальмонелла поливалент бактериофаги барқарорлигига ҳарорат таъсири ўрганилганида фагининг ушбу хусусияти ҳарорат кўтарилиши билан камай бориши аниқланди.

5. Сальмонелла поливалент бактериофаги музлатгичда 5-10°C атрофида 24 ой сақлаш давомида текширилганида, унинг литик фаоллиги бактериофаг учун ишлаб чиқилган махсус норматив хужжатлар талабларига жавоб бера олиши аниқланди.

ФОЙДАЛанилган адабиётлар рўйхати:

1. Holmes A. H., Moore L. S., Sundsfjord A., Steinbakk M., Regmi S., Karley A., et al. (2016). Understanding the mechanisms and drivers of antimicrobial resistance. *Lancet* 387, 176–187. doi: 10.1016/S0140-6736(15)00473-0

2. Nami Y, Haghshenas B, Abdullah N, Barzegari A, Radiah D et al. Probiotics or antibiotics: future challenges in medicine. *J Med Microbiol* 2015;64:137–146

3. Алматов Б.И., Исхакова Х.И., Маматкулов И.Х., Абдулаев А.О., Ли Л.Т. Острые кишечные инфекции в Узбекистане. Динамика выявляемости основных сероваров сальмонелл и их резистентность к антибиотикам. *Бактериология*, 2018, том 3, №3, с. 14–18 DOI: 10.20953/2500-1027-2018-3-14-18

4. Роль эпидемиологии в сохранении здоровья нации//Инфекция и иммунитет 2012, Т. 2, № 1–2.

5. Международная научно-методическая конференция приложение Том 6, № 1, 2014 журнал инфектологии.

6. Гончар Н.В., Лазарева И.В., Рычкова С.В., Кветная А.С., Альшаник Л.П., Фомичева Ю.В., Ныркова О.И., Кириленко Л.А. Заболеваемость детей сальмонеллезом и уровень резистентности клинических штаммов сальмонелл к антибактериальным препаратам в Санкт-Петербурге//Журнал инфектологии Том 7, № 1, 2015;

7. Дронина А.М. Эпидемический процесс и этиологическая структура сальмонеллезов в Республике Беларусь // Медицинская панорама. – 2015. - № 9. – С. 37-42.

8. Кафтырева Л.А., Егорова С.А., Абдухалилова Г., Бектимиров А.М., Ахмедов И.Ф. Сравнительный анализ чувствительности к антибиотикам штаммов *salmonella*, выделенных в Санкт-Петербурге и Ташкенте в 2014–2015 гг./Материалы II Национального конгресса бактериологов Т. 6, № 3, 2016.

9. Соловьева А.С., Шубин Ф.Н., Кузнецова Н.А. Антибиотикорезистентность штаммов *Salmonella enteritidis*, выделенных в Дальневосточном и Сибирском федеральном округах НИИ эпидемиологии и микробиологии им. Г.П. Сомова, г. Владивосток © Коллектив авторов, 2017г. doi:10.5281/zenodo.1115444.

10. Luria Leslie Founou, Raspail Carrel Founou, Sabiha Yusuf Essack Antibiotic Resistance in the Food Chain: A Developing Country-Perspective. doi: 10.3389/fmicb.2016.01881.

11. Chang, Q., Wang, W., Regev-Yochay, G., Lipsitch, M., and Hanage, W. P. (2015). Antibiotics in agriculture and the risk to human health: how worried should we be? *Evol. Appl.* 8, 240–245. doi: 10.1111/eva.12185

12. World Health Organization (WHO) (2015a). *Global Action Plan on Antimicrobial Resistance*. Geneva: World Health Organization.

13. Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO) (2016). *The FAO Action Plan on Antimicrobial Resistance 2016-2020*. Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations.

14. Bruttin A, Brüßow H. Human volunteers receiving *Escherichia coli* phage T4 orally: a safety test of phage therapy. *Antimicrob Agents Chemother* 2005; 49:2874-8; PMID:15980363; http://dx.doi.org/10.1128/AAC.49.7.2874-2878.2005

15. Abedon ST, Kuhl SJ, Blasdel BG, Kutter EM. Phage treatment of human infections. *Bacteriophage* 2011; 1:66-85; PMID:22334863; http://dx.doi.org/10.4161/bact.1.2.15845

16. https://studfile.net/preview/4666837/page:9/

17. Иконникова Н.В. «Бактериофаги – вирусы бактерий».- Минск: ИВЦ Минфина, 2017.-31-34 с.

18. Насибулин И.Р., Васильев Д.А., Швиденко И.Г. Влияние физических, химических факторов и режимов хранения на литическую активность аэромонадных бактериофагов. *Вестник*, 2014(3).- С.73-76.

19. Васильев Д.А., Барт Н.Г., Золотухин С.Н., Акимов Д.Ю. Изменение литической активности бактериофагов рода *Providencia* при хранении. Актуальные вопросы микробиологии, вирусологии, эпизоотологии и биотехнологии, 2010. Том 3.- С.4-5.

20. Фармакопейная статья предприятия ООО “Aziya immunopreparat” ФСП 42 Уз–24515246–3701–2019.

УЎК 595.1.597.8.

**HAEMATOLOECHUS (PNEUMONOECES) VARIEGATUS (Rud., 1819) (HAEMATOLOECHIDAE)
ТРЕМАТОДАНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОЛЕКУЛЯР ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ**

Э.Э. Икромов, ЎЗР ФА Зоология институти, Тошкент
Э.Ф. Икромов, Наманган давлат университети, Наманган
О.О. Амиров, ЎЗР ФА Зоология институти, Тошкент
А.Э. Кучбоев, ЎЗР ФА Зоология институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада қўл бақасининг ўпкасидан ажратиб олинган *H. (P)variegatus* трематодасининг морфологик ва молекуляр-генетик таҳлили ўтказилган.

Калим сўзлар: *Haematoloechus*, трематода, *Rana ridibunda*, ПЗР, ДНК, агароза гели, электрофорез, сиквенс, ITS-1-5,8S соҳа

Аннотация. В данной статье проведен морфологический и молекулярно-генетический анализ трематоды *H. (P)variegatus*, выделенного из легких озерной лягушки.

Ключевые слова: *Haematoloechus*, трематода, *Rana ridibunda*, ПЦР, ДНК, гель агароза, электрофорез, сиквенс, раздел ITS-1-5,8S

Abstract. This article presents a morphological and molecular genetic analysis of the trematoda *H. (P)variegatus* isolated from the lungs of a marsh frog.

Key words: *Haematoloechus*, trematoda, *Rana ridibunda*, PCR, DNA, agarose gel, electrophoresis, sequence, section ITS-1-5,8S

Қириш. Дунё бўйича трематодаларнинг *Haematoloechus* (Looss, 1899) авлодига тегишли 50 ортик турлар қайд қилинган бўлиб, бу трематодалар амфибиялар ўпкасида паразитлик қилиб, биринчи марта XIX асрнинг бошларида аниқланган. Бу авлодга мансуб турлар ўртасидаги таксономияси бўйича ҳали аниқ бир тўхтамага келинган фикрлар мавжуд эмас [4, 6, 7, 11].

Ушбу авлод вакиллари келиб чиқиши ва морфологик белгиларини хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда уларни морфологик кўриниши сезиларли даражада бир-биридан ажралиб туради, аммо бу морфологик белгилардаги ўлчамларни ўзгариши турларни аниқлашда қийинчиликлар келтириб чиқаради [1-3, 5].

Ҳозирги вақтда *Haematoloechus* авлоди вакиллари таксономиясига аниқликлар киритиш ва уларни филогенетик алоқаларини аниқлаш мақсадида рибосомал ДНК (рДНК) сидаги нуклеотидлардаги ўзгаришларга қараб аниқликлар киритилмоқда [9].

Ўзбекистонда ушбу авлодга мансуб 2 тур трематодалар қайд қилинган бўлиб, бу турларни биоэкологиясига доир бир нечта тадқиқотлар ўтказилган [12-15]. Бу трематода думсиз амфибияларнинг специфик паразити бўлиб, оралик ва кўшимча хужайинлари сифатида гастроподлар (қориноёкли моллюскалар), ниначилар ва уларнинг личинкалари ҳисобланади [16, 18].

Трематода *H. (P)variegatus* турли географик ва экологик шароитларда тарқалганлиги ва унинг морфометрик кўрсаткичларидаги хилма-хиллик (полиморфизм) трематодани ДНК сини идентификациялаш нуктаи назардан ўрганиш билан турни эволюцион ҳолатини баҳолаш, кўплаб назарий ва амалий муаммоларни ҳал этишда хизмат қилиши мумкин.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади, Фарғона водийси қўл бақаси ўпкасидан ажратиб олинган трематода *H. (P)variegatus* турини морфологик хилма-хиллиги ва геносистематик таҳлилини ўтказишдан иборат.

Материал ва методика


Мазкур иш учун материал 2018-2021 йиллар мобайнида Фарғона водийсида тарқалган қўл бақаси *Rana ridibunda* (Pallas, 1771) ни гельминтологик ёриш усули (Скрябин, 1928) билан ҳайвон ўпкасидан ажратиб олинган трематода *H. (P)variegatus* ҳисобланади. Йиғилган материаллар 70% ли этанол эритмасида фиксация қилинди, морфологик тадқиқотлар доимий ва вақтинчилик препаратлар тайёрлаш билан амалга оширилди.

Тайёрланган препаратларни ўрганишда ЎЗР ФА Зоология институти Молекуляр зоология лабораториясида мавжуд бўлган ёруғлик микроскопидан ML 2000 (Meiji) (рақамли камераси билан) фойдаланилди.

Трематодаларни таксономик мансублигини аниқлаш К.М. Ръжиков ва бошқалар (1980) ишларида кўрсатилган морфоанатомик белгиларга асосан амалга оширилди.

Трематоданинг геносистематик таҳлили учун 70% этанол эритмасида сақланаётган 3 нусха *H. (P)variegatus* ни ДНКси ажратиб олинди ва ҳар бир намунага 20 мкл NaOH (0,25M) солиб, 12 соат хона температурасида сақланди. Кейин термостатда (95°C гача ҳарорат шароитида) 3 минут давомида сақланиб, намуналар устига 10 мкл трис-НСI солиб, вортекс ва 2 минут центрифуга қилинди. Центрифугадан олиниб, 4 мкл дан НСI (1:15) солинди яна қайтадан вортекс ва центрифуга қилиниб, кейин 5 мкл тритон (2%)

солинди. Сўнгра термостатда 95°C гача ҳарорат шароитида 3 минут сақланиб, музлатгичда (-20°C ҳароратда) сақланди.



1-расм. ос - оғиз сўрғичи, и - ичак, уй - уруғ йўли, с - сариғдон, кс - қорин сўрғичи, у - уруғдонлар, ол.у – олдинги уруғдон, ор.у – орқа уруғдон.

Амплификаторда полимераза занжир реакцияси (ПЦР) куйидаги схема бўйича амалга оширилди: 1 - босқич - 3 минут давомида ДНК 95°C шароитда денатурацияланди, 2 – босқич – ДНК 93°C шароитда 20 секунд давомида денатурацияланди, 3 – босқич – ДНКда 55°C шароитда 30 секунд давомида праймерларнинг юмшатилиши, 4 – босқич – 72°C шароитда 2 минут давомида элонгация қилинди, 5 – босқич – 72°C шароитда 10 минут давомида занжир элонгацияланди. Иккинчидан тўртинчи босқичгача жараён цикл кўринишида 30 мартагача такрорланди.

ПЦР маҳсулотларида ДНКнинг мавжудлиги 1,5% ли агароза гелида 130 V кучланиш билан электрофорез қилиш усулида аниқланди. ПЦР маҳсулоти намунасини рДНК (ITS-1-5,8S- ITS-2) гени соҳасини секвенс қилиш ABI PRISM® BigDye™ Terminator v. 3.1 реактивлар тўплами ёрдамида амалга оширилиб, реакция маҳсулотлари SeqStudio Genetic Analyzer. Appliedbiosystems, Thermo Fisher Scientific секвенланди.

Трематода *H. (P)variegatus* нинг ДНК таксономияси учун рДНКси (ITS-1-5,8S- ITS-2) фрагментларини ажратиб олиш учун (TW81: GTT TCC GTA GGT GAA CCT GC, AB28 ATA TGC TTA AGT TCA GCG GGT) праймерларидан фойдаланилди. Олинган нуклеотидлар кетма – кетлигининг таҳлили Bioedit, Clustal W ва DNASTAR™, PAUP4 маҳсус компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

1-жадвал

H. variegatus нинг морфологик ўлчамлари, n=10

Ўлчамлар	<i>lim</i>	<i>M±m</i>	<i>Cv</i>	Рыжиков К. М., ва б. 1980.
Тана узунлиги	7,231-15,234	9,3±0.3	14,1	10,0
Тана эни	1,483-2,012	1,165±0.006	14,07	1,0 - 1,7
Оғиз сўрғичи айланаси	0,361-0.478	0,079±0.002	9,1	0,438 - 0,478
Қорин сўрғичи айланаси	0,200-0.301	0,255±0.02	17,8	0,340 - 0,335
Фаринкс айланаси	0,153-0.221	0,208±0.01	17,07	-
Олд уруғдонлари айланаси	0,535-0,576	0,542±0.03	10,04	0,388 - 1,180
Орқа уруғдонлари айланаси	0,538-0,592	0,540±0.003	12,7	0,582 - 1,130
Тухумдон овал шаклда, айланаси	0,354-0,431	0,395±0.01	21,1	0,61 - 0,95
Уруғ қабул қилгич катта, айланаси	0,522-0,585	0,5369±0.01	28,4	-
Тухум	0,025-0,036	0,029±0.001	11,08	0,025 - 0,028

Изоҳ: *n*–текширилган намуналар сони, *lim*–белгининг ўзгарувчанлик чегараси, *M*–ўртача арифметик қиймат, *m*–ўртача арифметик хато, *Cv*– вариации коэффициент. Ишончлилиқ даражаси $P>0.04$.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Олиб борилган гельминтологик тадқиқотлар натижасига кўра, Фарғона водийсининг Наманган вилоятида 87, Фарғона вилоятида 115 ва Андижон вилоятида 62 дон қўл бақасини тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик усули ёрдамида ёриб кўриш натижасида, жами йиғилган 264 та қўл бақасидан (55,3%) 146 донаси *H. (P)variegatus* (Rudolphi, 1819) тури билан зарарланганлиги аниқланди. Жумладан Наманган вилоятидаги қўл бақалар (26) 29,8%, Фарғонада (17) 14,7%, Андижонда (7) 11,2% қўл бақалари *H. (P)variegatus* (Rudolphi, 1819) тури билан зарарланганлиги маълум бўлди.

Аниқланган *H. (p)variegatus* турини мофологик ўлчамларига аниқлик киритиш мақсадида доимий ва вақтинчалик препаратлар тайёрланиб, ушбу турнинг ўзига хос бўлган органларини ўлчамлари олинди (1-жадвал).

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, танасини узунлиги ўртача 9,3 мм, эни 1,16 мм, оғиз сўрғичи айланаси 0,079 мм ва қорин сўрғичи айланаси 0.255 мм эканлиги аниқланди. Фаринкс айланаси

0,208 мм, олд уруғдонлар айланаси 0,542 мм, орқа уруғдонлар айланаси 0,540 мм бўлиб, тухумдонлар овал шаклида, айланаси 0,395 мм, уруғ қабул қилғич 0,522-0,585 мм, тухум 0,025-0,036 мм эканлиги қайд қилинган. Тадқиқот натижалари Рыжиков К.М. ва бошқалар томонидан олинган натижаларга мос келганлигини айтишимиз мумкин [3].

Таққослаш учун *H. (p)variegatus* (AF316158) ва *H. abbreviatus* (AF316157.1) нематодасини нуклеотидлар кетма-кетлиги маълумотлари Генбанк базаси маълумотлари билан солиштирган ҳолда амалга оширилди.

Сиквенсдан (ITS-1-5,8S-ITS-2) соҳасига тегишли 800 жуфт нуклеотидлар олиниб асосий ўзгаришлар айнан ITS-1-5,8S соҳаларидаги нуклеотидлар ўртасида бўлганлиги сабабли ишимизда шу соҳага тегишли нуклеотидлар кетма-кетлиги келтирилди (2-расм).

```

      10      20      30      40      50      60
Haematoloechus_variegatus_Uz  CCAGGTTGCAATACCTGGATGCGCTCGCAGAAATGGCCTGCCCTACGGTGGAGCGCTTCTAGT
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

      70      80      90      100     110     120
Haematoloechus_variegatus_Uz  TCCGCCAATTTGGCTGTACCTGGTGCATTGCGTGTGCCTACGTACAGTCCCTTTTGACAGG
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

      130     140     150     160     170     180
Haematoloechus_variegatus_Uz  GTGCCTACTCGTCTGATGCTCGTGGGGTGTAGCAATCTTGCATTGTGAGTCCACCTTGT
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

      190     200     210     220     230     240
Haematoloechus_variegatus_Uz  GGGTGACGAGTTGTGCTGTCGTTTCGCGGCAGTGC TAGGCTTAAAGAGTGGTTGATTTGCTA
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

      250     260     270     280     290     300
Haematoloechus_variegatus_Uz  CGGCTAGATCACCGCCCTGTTTGTGTTGTTTTCACAACCGTTTACACTGTTCAAGTGGTTTC
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

      310     320     330     340     350     360
Haematoloechus_variegatus_Uz  AAATCAGCCTCGGTTGGTTGGGTCATTTGCCCCAGCATGTATCCGGCGTGAGCTGGTTA
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

      370     380     390     400     410     420
Haematoloechus_variegatus_Uz  ACATGTTTCAGTTCGCTGGCGGTTGCCTTATCCAGGTTAGGACTGTTAAACTTTCGTTTCATT
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

Haematoloechus_variegatus_Uz  TG
H_variegatus_AF316158
H_abbreviatus_AF316156

```

2-расм. Трематодалар *H. (P)variegatus*, *H. abbreviatus* ва Генбанк базасидаги *H. variegatus* ларнинг нуклеотидлар кетма-кетлигининг таққослаш

Олиб борилган молекуляр - генетик тадқиқотлар натижасига кўра, *H. (p)variegatus* трематода турининг нуклеотидлар кетма-кетлиги Генбанк маълумотлари базаси билан солиштирилиб ўрганилганда, нуклеотидлар ўртасида ўхшашлик 100% эканлиги ва *H. abbreviatus* тури билан 7 та нуклеотидлар ўртасидаги фарқланиш аниқланиб, фарқлар 1,6% ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, тадқиқотларни кўрсатишича *H. variegatus* нинг турли популяцияларида уларнинг асосий морфоанатомик тузилиш кўрсаткичларидаги полиморфизмни юқори бўлишига қарамай, айтиш мумкинки, молекуляр генетик жиҳатдан Генбанк базаси билан таққосланганда мазкур турга мансублигини кўрсатади.

Демак, *H. (P)variegatus* космополит тур сифатида асосий морфо-анатомик ва генетик хусусиятлари билан кенг даражадаги полиморфлик хусусиятларини намоён этиб, авлод доирасидаги бошқа турлардан алоҳида ажралиб туриши билан фарқланади.

Ушбу тадқиқот ишини бажаришда (секвенирлаш) кўрсатган амалий ёрдамлари учун Инновацион вазирлик қошидаги Илғор технологиялар маркази Биотехнология лабораторияси ходимларига ўзимизни самимий миннатдорлигимизни билдираимиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kennedy, M. J. 1980a. Host-induced variations in *Haematoloechus buttensis* (Trematoda: Haematoloechidae). Canadian Journal of Zoology 58: 427–442.
2. Kennedy, M. J. 1981. A revision of species of the genus *Haematoloechus* Looss, 1899 (Trematoda: Haematoloechidae) from Canada and the United States. Canadian Journal of Zoology 59: 1836–1846.
3. Kennedy, M. J.. 1980b. Geographical variation in some representatives of *Haematoloechus*, Looss, 1899 (Trematoda: Haematoloechidae) from Canada and the United States. Canadian Journal of Zoology 58: 1151–1167.

4. Odening, K. Plagiorchiidae III. (Haematoloechinae) und Omphalometrinae. In Das Tierreich. Eine Zusammenstellung und Kennzeichnung der rezenten Tierformen, R. Mertens and W. Hen. 1960.
5. Prokopic, J., and K. Krivanek. 1974. Trematodes of the genus *Haematoloechus* Looss, and their variability. *Helminthologia* 15: 779–802.
6. Prudhoe, S., and R. A. Bray. 1982. Platyhelminth parasites of the Amphibia. Oxford University Press, Oxford, U.K., 217 p.
7. Skrjabin, K. I., and D. N. Antipin. 1962. The superfamily Plagiorchioidea Dollfus, 1930. In Trematodes of animals and man, vol. 20, K. I. Skrjabin (ed.). Academy Nauk, CCCR, Moscow, Russia, p. 47–163. [In Russian.]
8. Skrjabin, K.I. & Antipin, D.N. (1962) The superfamily Plagiorchioidea Dollfus, 1930. In: Skrjabin, K.I. (Ed.), Trematodes of animals and man. Vol. 20. Academy Nauk, CCCR, Moscow, pp. 47–163. [in Russian]
9. Snyder, S., and V. Tkach. 2001. Phylogenetic and biogeographical relationships among some holarctic frog lung flukes (Digenea: Haematoloechidae). *Journal of Parasitology* 87: 1433–1440.
10. Virginia Leon-Regagnon. Taxonomic revision of species of *Haematoloechus* Looss, 1899 (Digenea: Plagiorchioidea), with molecular phylogenetic analysis and the description of three new species from Mexico. *Zootaxa* 4526 (3): PP. 251-302.
11. Yamaguti, S. 1971. Synopsis of digenetic trematodes of vertebrates. Keigaku Publishing Co., Tokyo, Japan, 1074 p.
12. Икромов Э.Ф., Икромов Э.Э. Гельминтофауна озерной лягушки – *Rana ridibunda* (Pallas, 1771) Наманганской области // Естественные науки и также некоторые проблемы экологии. Наманган. (11–часть). Наманган. Изд НамГУ, 2016. С.334–337.
13. Икромов Э.Ф., Азимов Д.А. Гельминты амфибий Ферганской долины Узбекистана // Паразитология.- Санкт-Петербург, 2004. -№1(38). -С.81-86.
14. Икромов Э.Ф. Возрастная особенность заражения амфибий гельминтами // В мире научных открытий. - Красноярск.- 2010. - №3 (09).-ч.1.-с.33-36.
15. Икромов Э.Ф. Трематоды амфибий фауны Узбекистана // Вестник ККО АН РУз.- 2006.- №3.- Нукус.-С.28-29.
16. Рыжиков К.М., Шарпило В.П., Шевченко Н.Н. Гельминты амфибий фауны СССР.— М: Наука, 1980. 279 с.
17. Скрыбин К.И. Метод полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. 1928. М.: Изд-во МГУ. 45 с.
18. Чихляев И.В., Кириллов А.А., Кириллова Н. Ю. Трематоды (Trematoda) земноводных (Amphibia) Среднего Поволжья. Сообщение 2. Отряд Plagiorchiida // Паразитология. 2012.С 290–313.

УЎК: 597.554.3

ЧИРЧИҚ ВА ОҲАНГАРОН ДАРЁЛАРИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ТАРҚАЛГАН *SCHIZOTHORAX EURYSTOMUS* (CYPRINIFORMES: CYPRINIDAE) ТУРИНИНГ СОЛИШТИРМА МОРФОМЕТРИЯСИ

А.Қ. Қуватов, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент
 М.Ш. Атамуратова, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент
 Ш.Ф. Ирисова, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада Чирчиқ ва Оҳангарон дарёсида кенг тарқалган *Schizothorax eurystomus* Kessler, 1872 турининг ўзаро солиштирилган морфометрик таҳлил натижалари келтирилган. Чирчиқ дарёсидан 101-308 мм 14 та, Оҳангарон дарёсидан 82-255 мм 40 та балиқ намуналаридан фойдаланилди. Пластик ва меристик белгиларнинг солиштирилган таҳлиллари олинган. Гуруҳлар ўртасидаги фарқнинг (T_{st}) ишончлилиги 5% ($P \leq 0,05$) даражадаги аҳамиятлилик қўйиматлари келтирилган.

Калит сўзлар: Чирчиқ дарёси, Оҳангарон дарёси, *Schizothorax eurystomus*, морфометрик ўзгарувчанлик, меристик ва пластик белгилар

Аннотация. В статье представлены результаты сравнительно-морфометрического анализа *Schizothorax eurystomus* Kessler, 1872 широко распространенных в реках Чирчик и Ахангаран. В работе использованы 14 экз. рыб размерами 101-308 мм выловленных из реки Чирчик, и 40 экз., размерами 82-255 мм из реки Ахангаран. Проанализированы меристические и пластические признаки. Определены достоверность различия (T_{st}) между группами при уровне 5% ($P \leq 0,05$) значимости.

Ключевые слова: река Чирчик, река Ахангаран, *Schizothorax eurystomus*, морфометрическая изменчивость, меристические и пластические признаки

Abstract. The article presents the results of a comparative morphometric analysis of *Schizothorax eurystomus* Kessler, 1872 widespread in the Chirchik and Akhangaran rivers. Were used 14 fish specimens from the Chirchik River, 101-308 mm in size, and from the Akhangaran River, 40 fish specimens, 82-255 mm in size. Plastic and meristic features were compared. The values of the significance of the difference between the groups (T_{st}) are given at the 5% confidence level ($P \leq 0.05$).

Key words: Chirchik rivers, Akhangaran rivers, *Schizothorax eurystomus*, morphometric variability, meristic and plastic characters

Кириш: Қорабалиқ (*Schizothorax eurystomus* Kessler, 1872) Сирдарё дарёси сув ҳавзаларида кенг тарқалган [1-3]. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг юқорисидан куйи қисмигача, шунингдек Чорвоқ ва Туябўғиз сув омборларида ҳам учрайди. Адабиётларда қорабалиқнинг морфологик хусусиятлари бўйича маълумотлар етарли даражада ёритилмаган [1,4]. Мақолада Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари сув ҳавзаларида тарқалган қорабалиқнинг морфометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлил натижалари келтирилган.

Материал ва методика: Материаллар 2018-2019 йиллар давомида Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг юқори ва ўрта оқимларидан (40°58'1.79"С, 69°19'20.67"В; 40°57'46.28"С, 70° 1'27.93"В) 40 та намуна ҳамда 2019-2020 йилларда Чирчиқ дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларидан (41°23'22.33"С, 69°32'15.66"В) 14 та намунадан иборат.

Морфометрик белгиларни ишлатишда қуйидаги умум қабул қилинган қисқартмалардан фойдаланилган: l – балиқ танасининг узунлиги, мм; c – бош узунлиги; ao – тумшук узунлиги; o – кўз диаметри; po – кўз орти қисми; hc – бош баландлиги; io – пешона кенлиги; H – тананинг баландлиги; h – дум ўқининг баландлиги; aD – антедорсаль масофа; pD – постдорсаль масофа; lca – дум ўқининг узунлиги; ID – елка сузгичи асосининг узунлиги; hD – елка сузгичи баландлиги; lA – аналь сузгичи асосининг узунлиги; hA – аналь сузгичи баландлиги; lP – кўкрак сузгичи узунлиги; lV – қорин сузгичи узунлиги; PV – кўкрак ва қорин сузгичи оралиғидаги масофа; VA – қорин ва аналь сузгичи оралиғидаги масофа [5].

Барча таҳлиллар Г.Ф.Лакин (1990) бўйича Statistika 10.0 (Statsoft, USA) дастуридан фойдаланган ҳолда келтирилган [6].

1-жадвал

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган қорабалиқнинг пластик белгилари кўрсаткичлари
($n = 14$)

Белгилар	Мин-Макс	$M \pm m$	σ	$C_v, \%$
$l, \text{мм}$	101-308	199,5±13,2	49,5	24,8
Тана узунлигига нисбатан фоиз ҳисобида (l)				
c	20,1-24,8	21,9±0,4	1,5	6,9
ao	7,6-9,3	8,4±0,1	0,5	6,0
o	3,0-5,1	4,2±0,2	0,7	16,3
po	10,5-13,2	11,5±0,2	0,8	7,2
hc	13,8-16,3	14,9±0,2	0,6	4,3
io	7,1-9,1	8,2±0,1	0,5	6,0
H	20,6-24,2	22,1±0,3	1,2	5,7
h	10,2-13,2	11,6±0,2	0,8	7,2
aD	46,7-50,3	48,3±0,3	1,1	2,2
pD	32,0-45,3	40,2±1,1	4,2	10,4
lca	20,2-22,3	21,1±0,1	0,5	2,6
ID	11,5-15,2	13,7±0,2	0,9	6,7
hD	15,0-20,1	18,5±0,5	1,9	10,4
lA	6,5-9,2	7,6±0,2	0,7	9,1
hA	14,0-19,1	17,3±0,4	1,6	9,1
lP	4,0-20,2	16,4±1,4	5,4	32,6
lV	5,0-17,9	15,2±1,2	4,4	29,1
PV	26,1-51,2	29,7±1,7	6,2	20,8
VA	20,9-26,1	23,3±0,4	1,5	6,5
Бош узунлигига нисбатан фоиз ҳисобида (c)				
ao/c	30,6-45,3	38,6±1,1	4,1	10,7
o/c	14,3-23,5	19,0±0,8	2,9	15,2
po/c	42,3-65,2	53,1±1,5	5,7	10,8
hc/c	59,3-76,8	68,5±1,5	5,5	8,1
io/c	33,8-42,4	37,7±0,7	2,5	6,5

Изоҳ: Шу ва бундан кейинги жадвалларда, M – белгиларнинг ўртачаси кўрсаткичи, m – ўртача хатолик, σ – ўртача квадратик чекланиш, C_v – вариация коэффициенти

Олинган натижалар: Қорабалиқнинг меристик белгилари адабиёт маълумотлари (Берг, 1949) бўйича, қуйидагича тавсифланади: елка сузгич қанотидаги шуълалари сони IV 7-9 та (одатда 8), аналь сузгич қанотидаги шуълалари сони III 5 та, ён чизиғидаги тангачалари сони 90-105 та, ташқи (биринчи) жабра устунчаларининг сони 10-17 (ичкисида 15-21) та [1].

Бизнинг маълумотлар бўйича, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидаги қорабалиқнинг меристик белгилари қуйидагича: елка сузгич қанотидаги шуълалари сони II-III 8-10 та, аналь сузгич қанотидаги шуълалари сони II-III 5-6 та, кўкрак сузгич қанотидаги шуълалари сони I 16-19 та, қорин сузгич қанотидаги шуълалари сони I-II 7-9 та, ён чизиғидаги тангачалари сони 88-102 та, жабра устунчалари сони (ташқи биринчи қатор) 14-18 та, елка (биринчи шохланмаган қаттиқ) сузгич қанотидаги тишчалари сони 14-23 (жуфт) та, бел умуртқалари сони 24-25 та, дум умуртқалари сони 18-19 тани ташкил этиши аниқланди.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёси ҳавзаларидаги қорабалиқнинг морфометрик тавсифи 1-2 жадвалларда келтирилган.

Қуйидаги жадвалларда кўриниб турибдики, Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган қорабалиқнинг вариация коэффициенти 2,6% дан 32,6% гача (ўртача 24,8) тебраниб туради. Шулардан: lP , lV , PV белгилар юқори; o , pD , hD , ao/c , o/c , po/c белгилар ўрта; қолган белгилар эса кам ўзгарувчанликка эга эканлиги, Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларида (Туябўғиз сув омбори) 3,2% дан 17,8% гача (ўртача 31,0) тебраниб туриши, o , hD , hA , o/c белгилар ўртача, қолган белгилар эса кам ўзгарувчанликка эга эканлиги аниқланди.

2-жадвал

Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларида тарқалган қорабалиқнинг пластик белгилари кўрсаткичлари (n = 40)

Белгилар	Мин-Макс	M±m	σ	Cv, %
<i>l, мм</i>	82-255	161,0±7,9	49,9	31,0
Тана узунлигига нисбатан фоиз ҳисобида (l)				
<i>c</i>	21,6-25,6	23,4±0,2	1,0	4,3
<i>ao</i>	6,3-10,1	8,4±0,1	0,8	9,4
<i>o</i>	2,5-6,1	3,9±0,1	0,7	17,8
<i>po</i>	10,6-12,8	11,9±0,1	0,5	4,3
<i>hc</i>	12,5-17,0	14,3±0,2	1,0	7,3
<i>io</i>	6,8-10,8	8,2±0,1	0,7	9,1
<i>H</i>	18,0-25,9	22,4±0,3	2,1	9,4
<i>h</i>	9,0-11,7	10,6±0,1	0,6	5,8
<i>aD</i>	45,5-52,7	50,2±0,3	1,6	3,2
<i>pD</i>	28,0-39,7	33,2±0,4	2,4	7,1
<i>lca</i>	17,2-23,2	20,1±0,2	1,5	7,3
<i>lD</i>	9,9-14,4	12,3±0,1	0,9	7,6
<i>hD</i>	10,6-19,5	16,2±0,3	1,7	10,7
<i>lA</i>	6,1-8,1	7,2±0,1	0,5	6,6
<i>hA</i>	4,7-19,8	16,1±0,4	2,6	15,9
<i>lP</i>	3,5-20,8	16,1±0,4	0,3	7,2
<i>lV</i>	4,0-17,5	15,7±0,4	0,4	8,3
<i>PV</i>	25,9-32,9	29,4±0,2	1,5	5,1
<i>VA</i>	20,9-25,9	23,6±0,2	1,2	5,2
Бош узунлигига нисбатан фоиз ҳисобида (c)				
<i>ao/c</i>	27,9-40,1	35,9±0,5	2,9	8,1
<i>o/c</i>	10,9-23,8	16,5±0,4	2,6	15,6
<i>po/c</i>	47,5-54,8	51,1±0,3	1,9	3,7
<i>hc/c</i>	57,1-70,4	61,3±0,5	3,0	4,9
<i>io/c</i>	28,6-46,3	34,2±0,5	3,3	9,6

3-жадвал

Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаларидаги қорабалиқнинг солиштирма таҳлили

Белгилар	Чирчиқ дарёси (I) M±m	Оҳангарон дарёси (II) M±m	Туябўғиз сув омбори (III) M±m	T_{st}		
				I-III	I-II	II-III
<i>SL, мм</i>	199,5±13,2	132,1±7,3	209,1±6,7	0,659	*4,841	*7,111
<i>c</i>	21,9±0,4	23,6±0,2	23,0±0,2	*2,387	*4,303	*2,091
<i>ao</i>	8,4±0,1	8,4±0,2	8,4±0,1	0,348	0,014	0,250
<i>o</i>	4,2±0,2	4,2±0,1	3,4±0,1	*4,070	0,002	*4,309
<i>po</i>	11,5±0,2	12,2±0,1	11,5±0,1	0,117	*3,364	*4,926
<i>hc</i>	14,9±0,2	14,7±0,2	13,7±0,1	*5,391	0,528	*3,333
<i>io</i>	8,2±0,1	7,8±0,1	8,3±0,2	0,486	*2,452	*2,539
<i>H</i>	22,1±0,3	23,5±0,3	20,5±0,3	*3,323	*2,634	*5,697
<i>h</i>	11,6±0,2	10,7±0,1	10,3±0,1	*4,973	*3,761	*2,305
<i>aD</i>	48,3±0,3	50,6±0,3	49,6±0,4	*2,549	*5,003	1,796
<i>pD</i>	40,2±1,1	33,3±0,6	33,0±0,4	*6,285	*6,182	0,380
<i>lca</i>	21,1±0,1	19,5±0,3	20,8±0,2	1,164	*3,895	*3,000
<i>lD</i>	13,7±0,2	12,2±0,2	12,3±0,1	*5,172	*4,158	0,374
<i>hD</i>	18,5±0,5	16,0±0,4	15,9±0,4	*3,938	*3,893	0,179
<i>lA</i>	7,6±0,2	7,2±0,1	7,1±0,1	1,855	*2,118	0,110
<i>hA</i>	17,3±0,4	15,2±0,5	17,7±0,3	0,733	*2,758	*3,445
<i>lP</i>	16,4±1,4	17,6±0,5	17,7±0,5	*4,012	*5,015	0,855
<i>lV</i>	15,2±1,2	16,1±0,4	15,8±0,3	*3,314	*4,124	*2,466
<i>PV</i>	29,7±1,7	29,5±0,3	29,1±0,3	0,416	0,155	0,955
<i>VA</i>	23,3±0,4	23,2±0,2	24,2±0,3	1,813	0,220	*2,577
<i>ao/c</i>	38,6±1,1	35,4±0,7	36,6±0,4	1,663	*2,574	1,325
<i>o/c</i>	19,0±0,8	17,6±0,5	14,7±0,3	*5,261	1,577	*4,157
<i>po/c</i>	53,1±1,5	51,5±0,4	50,1±0,5	1,939	1,311	*2,420
<i>hc/c</i>	68,5±1,5	62,2±0,7	59,7±0,3	*6,012	*4,399	*2,818
<i>io/c</i>	37,7±0,7	32,9±0,5	36,3±0,9	1,342	*5,630	*3,560

Изоҳ: * гуруҳлар ўртасидаги фарқнинг (T_{st}) ишончлилиги 5% ($P \leq 0,05$) даражада аҳамиятли

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳамда Туябўғиз сув омборларидаги қорабалиқнинг морфометрик солиштирма таҳлили 3-жадвалда келтирилган.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёси ҳамда Туябўғиз сув омборларидаги қорабалиқнинг морфометрик белгилари ўзаро солиштирилганда, Чирчиқ дарёси ва Туябўғиз сув омборидаги қорабалиқларда *c, o, hc, H, h, aD, pD, lD, hD, lP, lV, o/c, hc/c* белгилар; Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидаги қорабалиқларда *c, po, io, H,*

h, aD, pD, lca, lD, hD, lA, hA, lP, lV, ao/c, hc/c, io/c белгилар; Туябўғиз сув омбори ва Оҳангарон дарёсидаги қорабалиқларда *c, o, po, hc, io, H, h, lca, hA, lV, VA, o/c, po/c, hc/c, io/c* белгилар ўзаро фарқ қилиши аниқланди.

Хулоса: Чирчиқ дарёсидаги қорабалиқда *lP, lV, lV* белгилар юкори; *o, pD, hD, ao/c, o/c, po/c* белгилар ўртача; қолган белгилар эса кам ўзгарувчанликка эга эканлиги, Оҳангарон дарёсидаги (Туябўғиз сув омбори билан бирга) қорабалиқларда *o, hD, hA, o/c* белгилар ўртача, қолганлари эса кам ўзгарувчанликка эга эканлиги аниқланди.

Чирчиқ дарёсидаги қорабалиқларнинг Оҳангарон дарёси, шу жумладан Туябўғиз сув омборидаги қорабалиқлардан танасининг чўзинчоқлиги, бошининг кичиклиги, дум ўкиннинг баланд ва узунлиги, ток сузгичларининг катта ва жуфт сузгичларининг кичиклиги билан фарқ қилиши намён бўлди. Бунинг сабаби, бизнингча сув ҳавзаларининг гидрологик ҳолати билан изоҳланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР и сопредельных стран.–Москва,1949.Часть-2.–С. 712-713.
2. Камиллов Г.К. Рыбы и биологические основы рыбохозяйственного освоения водохранилищ Узбекистана. – Ташкент, 1973. – 234 с.
3. Салихов Т.В. Ихтиофауна бассейна р. Сырдарья в условиях антропогенного воздействия: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1990. – 22 с.
4. Аманов А.А. Экология рыб водоемов юга Узбекистана и сопредельных республик.–Ташкент,1985.160
5. Правдин И.Ф. Руководство по изучению рыб. 4-е изд. – М.: Пищевая промышленность, 1966. – 376 стр.
6. Лакин Г.Ф. Биометрия: Учебное пособие для биол. спец. вузов. 4-е изд. – М.: Высш.шк., 1990.–352 стр.

УЎК 598.294.1:574.1

МАЙНА (ACRIDOTHERES TRISTIS) НИНГ БИОЗАРАРЛАНИШДАГИ ИШТИРОКИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

А.Р. Райимов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро
М.А. Рустамова, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Майна (*Acridotheres tristis*) Ўзбекистонда кенг тарқалган, жуда кўп сонда учровчи, экологик мослашувчан ва рақобатбардош қуш бўлиб, табиатда ва халқ хўжалигидаги аҳамиятининг ҳар хил баҳоланиши сабабли турли мунозараларга ва сонини чеклаш йўналишида тадбирларни амалга оширишга сабаб бўлган тур саналади. Майна атроф-муҳитни ифлослантирувчи омил сифатида шовқин ва антисанитария ҳолатининг шаклланиши, қилиқ хўжалик экинларига зиён етказиши, учувчи объектларни шикастлаш, бошқа турлар билан рақобат шаклидаги муносабатларда бўлиши ва шу каби инсон эҳтиёжларига мос келмайдиган бошқа биозарарланишларда иштироки масалалари таҳлили берилган.

Калим сўзлар: симбиоз, биоценоз, агроценоз, майна, тухум, уя, жўжа, қуш, экология, биология, антропоген, биотоп

Аннотация. Майна (*Acridotheres tristis*) - широко распространенная, экологически гибкая и конкурентоспособная птица в Узбекистане, что привело к различным спорам и мерам по ограничению ее численности из-за различных оценок ее важности для природы и для национальной экономики. Представлен анализ шума и антисанитарных условий как фактора загрязнения, повреждения сельскохозяйственных культур, повреждения летучих объектов, конкуренции с другими видами и участия в других биологических опасностях, не отвечающих потребностям человека.

Ключевые слова: симбиоз, биоценоз, агроценоз, яицирица, яйцо, гнездо, птенец, птица, экология, биология, антропогенный, биотоп

Abstract. Maina (*Acridotheres tristis*) is a widespread, ecologically flexible and competitive bird in Uzbekistan, which has led to various disputes and measures to limit its numbers due to different assessments of its importance to nature and to the national economy. An analysis of noise and unsanitary conditions as a factor of pollution, damage to crops, damage to volatile objects, competition with other species and participation in other biological hazards that do not meet human needs is presented.

Key words: symbiosis, biocenosis, agrocenosis myna, egg, nest, chick, bird, ecology, biology, anthropogenic, biotope

Тадқиқот объекти сифатида турли яшаш муҳитларида учровчи майналар ва уларнинг популяциялари олинган.

Тадқиқот предмети. *Acridotheres tristis* нинг турли яшаш муҳитларидаги сонини аниқлаш, табиатдаги ва хўжаликдаги аҳамияти, биозарарланишдаги иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш ҳисобланади.

Материал ва методика: Майналар кўп йиғиладиган жойларда (узумзорлар, қорамолларнинг озикланиш жойлари, майнанинг тунаш учун йиғиладиган жойлар, маиший чикиндихоналар) уларни чўчитиш орқали бундай жойлардан ҳайдаш мақсадида трансляциялар кўринишидаги тажрибалар ўтказилди. Бунда турли жойлардан ушланган майналарнинг (n=10) бошларини пастга қаратган ҳолда канотларини тортиш орқали уларнинг “офат сигналлари” акустик репеллент сифатида TASCAM DR-05

диктофонга ёзиб олинди ва улардан трансляция мақсадида фойдаланилди [1;3;4;5;6;7]. Майнанинг овозини ёзиб олиш ва трансляция қилишда замонавий А8-7 MODEL: F600 ва TASCAM DR-05 аппаратуралари қўлланилди.

Маълумотларга қараганда, дунё микёсида 100 турга мансуб (тахминан 1%), Ўзбекистонда учрайдиган 24 турдаги қушлар (5%) биозарарланишда иштирок этади. Ҳозирги вақтда биозарарланишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада эмас [2].

Майнанинг аҳамиятига тегишли материалларнинг юқоридаги таҳлили шуни кўрсатадики, унинг биозарарланишларни келтириб чиқаришдаги иштирокини камайтириш йўналишидаги илмий асосланган амалий чора-тадбирларни бажариш масаласи бугунги кунда долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқот жараёнида адабиётларда қушларга тўғридан-тўғри таъсир қилиш орқали уларнинг сонини камайтириш йўналишида амалга оширилган бошқа тадбирлар моҳияти майна мисолида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Аниқланишича, синантроп ва кўп сонда учровчи турларнинг сонини бошқариш мақсадида уларга турли усулларда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш (отиш, захарлаш) қутилган натижани бермаган ёки аксинча, сонининг кўпайишига олиб келган. Бу ҳолатни турларнинг биоэкологик хусусиятларининг локал ҳудудлар кесимида етарли даражада ўрганилмаганлиги, отиш орқали сонини бошқаришга нисбатан бир томонлама ёндашув, сонини камайтиришда билвосита усулларнинг қўлланилмаганлиги билан тушунтириш мумкин.

Адабиётларда Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида майна ва шу каби бошқа турларнинг биозарарланишдаги иштироки, унинг олдини олишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилгани, уларнинг аксарияти қушларнинг боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларига етказадиган зарари ҳамда унинг олдини олиш, қушларни чўчитишда турли репеллентларнинг самарадорлиги масалаларига бағишланган [8]. Мазкур тадқиқотлар республиканинг табиати ва хўжалик юритиш усуллари билан фарқ қилувчи хилма-хил экотизимларида майнанинг биозарарланишдаги иштирокини тўлиқ очиб бериш, унинг хатти-ҳаракатини бошқариш ва аҳамиятини баҳолаш учун етарли эмас. Охириги йилларда Ўзбекистонда майна билан бирга *Corvus frugilegus* ва *Corvus cornix* каби турлар сонининг ошиб бораётганлиги, бундай турларнинг инсон хўжалиги турли тармоқларида биозарарланишдаги иштироки кенгаётганлиги намоён бўлмоқда. Шунинг учун уларнинг биозарарланишдаги иштирокини камайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш муҳим ва долзарб масалалардан саналади. Инсон қушларнинг хатти-ҳаракатларини бошқариш, жумладан, уларнинг қишлоқ хўжалигига етказадиган зарарли таъсирларининг олдини олиш, ов жараёнида қушлардан фойдаланиш билан жуда қадимдан шуғулланган. Бугунги кунда қушларнинг биозарарланишдаги иштирокининг кенгайиши уларни инсон манфаатларига мос равишда бошқариш масаласининг устуворлигига ва амалий орнитологиянинг муҳим йўналиши сифатида шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Е.Н.Лановенкова ва бошқаларнинг таъкидлашича, майналар тухум босиш, жўжаларни озиклантириш даврида кўп энергия сарфламаслик ва уяни қўриқлаш мақсадида озуқа излаб узоқ масофага учиб бормайди. Майнанинг турли меваларни зарарлаши унинг уяси жойлашган жойига боғлиқ бўлиб, уларнинг боғга яқин жойлашуви боғдаги меваларнинг кўпроқ зарарланишига сабаб бўлади [9;10].

Юқорида қайд этилганидек, Қизилқум регионида уя қуриш жойларининг етишмаслиги сабабли вояга етган майналар популяциясининг бир қисми кўпайишда иштирок эта олмайди ва бу даврда ҳам уларнинг баъзан жамоа ҳолида озикланиши кузатилади. Майнанинг кўпайиш стацияларидан узоқда жойлашган ва унинг кўпайиш даврида етиладиган мевалар нисбатан кам зарарланади. Шу асосда бундай боғларни имкон даражасида майнанинг кўпайиш стацияларидан узоқроқ бўлган жойларда барпо этиш, майнанинг уя қуриши мумкин бўлган боғлар атрофидаги жойларда турли ноқулай вазиятларни шакллантириш (турли ёриқлар ва тешикларни беркитиш, зағизғон ва гўнғарғаларнинг эски уяларини бузиш) мақсадга мувофиқ бўлади. Қушлар зиён етказиши мумкин бўлган иншоотларни ва боғларни химоялаш йўналишидаги махсус чора-тадбирларни амалга оширишда индивидуал ёндашув зарур [11].

Майнанинг турар жой ва маъмурий биноларга, саноат корхоналарига бўладиган биозарарланишини камайтиришда, энг аввало, меъморчиликда қушларни экологик омил сифатида ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш зарур. Жумладан, Бухоро давлат университети ўқув биносининг жануб томонига қуёшни қайтариш учун қурилган кронштейнларда майна ва бошқа қушларнинг тунаши бино ва унинг атрофида антисанитария ҳолатининг келиб чиқишига олиб келган. Ушбу иншоотда 2014 йилдаги таъмирлаш ишлари вақтида кронштейнларнинг олиб ташланиши бу ерда қушлар тунашининг олдини олишга сабаб бўлган. Худди шундай ҳолатлар шаҳарлардаги бошқа биноларда ва улардаги турли мосламаларда (конденционер, реклама устуни каби) қайд этилади. Мазкур биозарарланишлар бино ҳамда иншоотларни лойиҳалаштиришда майна ва бошқа қушларнинг тунаши, уя қуриши учун ноқулай вазиятлар яратиш, умуман, бунёдкорлик ишларида қушларни экологик омил сифатида ҳисобга олиш орқали ўз ечимини топиши мумкин.

Маълумки, қушлар томонидан самолётлар ва бошқа учувчи объектларнинг биозарарланиши ўта хавфли, молиявий жиҳатдан кўп маблағ талаб этади. А.В.Забашта маълумотларига кўра, Ростов аэродромида 1999 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда қушлар самолётлар билан 320 марта (жумладан, гўнғарғалар билан 49 марта, қишлоқ қалдирғочлари 36, микқий 35, қора жарқалдирғоч 21 марта ва ҳоказо) тўқнашган. Бу тўқнашувларнинг асосий қисми аэродромга қўниш ва кўтарилиш майдонларида юз берган. Шу каби биозарарланишлар бошқа объектларда ҳам кўплаб кузатилган [12,13].

Бухоро аэродромида олиб борилган тадқиқотлар натижасида майналарнинг бу ерда учраши ва улар учун айрим қулайликларнинг мавжудлиги аниқланди.

Қуйидаги омиллар майналарнинг аэропорт ҳудудида учрашини таъминлайди:

- ҳашарот ва улар билан озиқланувчи қушларни жалб этувчи ўт қоплами;
- учиб ва қўниш даврида юзага келадиган шамол таъсирида ҳашаротларнинг ҳаракатланиши;
- атрофдаги бино ва иншоотларда уя қуриш жойларининг мавжудлиги;
- аэропорт атрофида агроценозларнинг жойлашганлиги ва бошқалар.

Майна ва бошқа турларнинг аэродромларда учрашини таъминловчи ушбу қулайликларни бартараф этиш ҳамда репеллентлардан самарали фойдаланиш орқали қушларнинг бу ердаги биозарарланишдаги иштирокини камайтириш мумкин.

Маълумки, инсоннинг хўжалик фаолияти айрим турлар учун салбий, майна каби урбофил турлар учун эса ижобий хусусият касб этади. Юқорида қайд этилганидек, майналар парранда ва чорва молларининг озиқланиши жараёнида иштирок этиш орқали ҳам турли биозарарланишларга сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун парранда ва чорва моллари озиқландиган бино ичига майна ва бошқа қушларнинг кириш йўллари беркитиш ҳамда бундай иншоотлар ва уларнинг атрофида майналарнинг уя қуришига тўсқинлик қилиш зарур.

Қушларнинг сонини бошқариш мақсадида уларга тўғридан-тўғри таъсир қилиш, яъни уларни отиш, махсус тўрларда ушлаш, кимёвий препаратлар орқали заҳарлаш, оптик ва акустик репеллентлардан фойдаланиш каби усуллар ҳар доим ҳам қўлланган натижани бермайди. Мазкур усулларнинг ҳар бири қуш тури, унинг ҳаётий цикли, яшаш муҳитидаги ва атрофидаги шарт-шароитлар, йил мавсуми ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда турлича самара беради [14]. Иккинчидан, қушларни отиш, уларни заҳарлаш, тўр билан ушлаш, айниқса, ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир қилади.

Амалиётда кўп ҳолларда акустик воситалар қушларнинг хатти-ҳаракатини бошқаришда асосий ва ишончли репеллент сифатида тавсифланади. “Ўзбекистонда мева ва резавор мевалар ҳосилини майнанинг (*Acridotheres tristis*) зарарли таъсиридан ҳимоялашнинг биологик асослари” лойиҳаси бўйича олиб борилган тадқиқотда биоакустик репеллентлардан фойдаланилган. Бунда майнага “офат сигнали”нинг трансляция қилиниши оқ туг, гилос ва узум плантацияларидан уни чўчитиб ҳайдашда яхши натижа берган [15,16].

Бизнинг ушбу йўналишдаги тажрибаларимизда турли мавсумларда ушланган майналардан ёзиб олинган “офат сигнали” акустик репеллент сифатида фойдаланилди. Майналар кўп йиғиладиган жойларда, жумладан, 2015 йилнинг 30 ноябрда Қорақўл туманидаги молхонада, 2016 йил 9 январда Бухоро шаҳридаги истироҳат боғида шаклланган майналарнинг тунаш жойларида, 2017 йил 27 августда Ғиждувон туманидаги узумзорда, 2018 йил 15 декабрда Бухоро шаҳридаги маиший чиқиндилар йиғиладиган полигонда “офат сигнали” трансляция қилинди. Трансляциялар жойининг ўзига ҳослиги, тунаш учун йиғиладиган жойларнинг майдони ва улардаги қушлар сони, майналар жамоасининг йиғилиш характерига (озиқланиш, тунаш) кўра турлича самара берди. Тунаш учун йиғиладиган жойларда кечкурун соат 17.00 да амалга оширилган биринчи 10 секундлик трансляция таъсирида майналарнинг шовқини тўхтади, аммо улар тунаш жойларидан учиб кетишмади. Кейинги иккинчи 30 секунд давом этган трансляция майналарнинг бир қисми учиб кетишига сабаб бўлди ва тунаш учун йиғиладиган жойларда уларнинг қарийб 40% қолди. Учинчи трансляция 1 минут давом этди ва бунинг натижасида тунаш жойларининг чеккаларида майналарнинг 10% қолди, қолганлари учиб кетишди. Барча трансляциялар орасидаги вақт 5 минутни ташкил этди. 30 минутдан сўнг майналарнинг бу жойларга яна қайта йиғилиши кузатилди ва бу 3 та трансляция кўринишида амалга оширилган “офат сигнали”нинг деярли самара бермаганлигини кўрсатди.

Узумзорда худди шундай усул ва тартибда ўтказилган трансляция ҳам самарасиз тугади. Бу тажриба ўтказилган вақтда трансляция марказидан атиги 10-20 метр атрофдаги майналарнинг бир қисми учиб кетди, бир қисми эса қалин барглар орасига беркиниб олишди. Майналар 10-20 минутдан сўнг яна аввалгидек узум мевалари билан озиқланишда давом этди.

Тадқиқот ўтказилган жойларда майнанинг, асосан, узумга зиён етказиши сабабли аҳоли унга қарши турли усулларни қўллайди. Айрим хонадонларда тирик ўлдирилган майналарнинг узум ишқомларига боғлаб қўйилганлиги қайд этилди. Майналар тирик ҳолда боғлаб қўйилганда бошқа майналарнинг бу ерга умуман келмаслиги ёки атрофда кузатиб туриши қайд этилди. Улар табиий “офат сигнали” сифатида бир вақтнинг ўзига ҳам акустик, ҳам оптик репеллент вазифасини ўтайди. Бундай майна ўлгандан сўнг, унинг акустик функцияси тўлиқ тугайди, ҳаракатланмаганлиги сабабли оптик функцияси кескин сусаяди ва натижада майналар яна қайта бу ерда пайдо бўлиши кузатилади. Мазкур ҳолатларнинг ҳар иккаласида ҳам майналарнинг чўчиб қочиш фоизи ва масофаси усул қўлланилган жой атрофидаги шароитларга (шовқин, тунаш жойи ва узумзор майдонининг ҳажми, улардаги майналар сони, репеллентнинг сифати каби) боғлиқ.

Ҳар бир алоҳида олинган биоценозда майнанинг биозарарланишдаги иштирокини ва унинг сонини камайтириш мақсадида отиш ёки турли репеллентлардан фойдаланиш орқали миқдорини камайтириш тадбирлари етарли эмас. Бу самарасизликни шундай тадбирлар олиб борилмайдиган бошқа жойдаги популяция вакиллариининг бу ердаги қулай, “эгасиз” қолган жойни қайта эгаллаши билан тушунтириш мумкин.

Тахлилларнинг кўрсатишича, майнанинг биозарарланишдаги иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар орасида уларнинг ҳаётига билвосита таъсир кўрсатувчи усуллардан фойдаланиш самарали саналади. Хўжалик юретишда майна ва у каби бошқа турларни экологик омил сифатида ҳисобга олиш, шу асосда фаолият юритиш биозарарланишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, келажакда шаҳарлар, туман марказлари каби аҳоли турар жойлари эгаллаган майдоннинг кенгайиши, қайта замонавий таъмирлаш ҳисобига бу ерлардаги айрим стацияларда айна вақтда юқори зичликка эга бўлган майнанинг концентрациялашуви нисбатан пасайиши кутилади. Шаҳарсозликда ва умуман бунёдкорлик фаолиятида (меъморчилик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш) кушларни, шу жумладан, майнани экологик омил сифатида ҳисобга олиш унинг салбий таъсирларининг камайишига сабаб бўлиши мумкин. Охириги йилларда чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва утилизация қилиш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар майнанинг асосий озуқа манбаси бўлган майний чиқиндиларнинг камайишига, оқибатда эса шаҳар ҳамда туман марказларида майналар сонининг камайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Никольский И.Д. и др. Методические рекомендации по использованию акустических и зрительных репеллентов для отпугивания чайковых птиц от хозяйственных объектов. – Вильнюс: АН.Лит.ССР, 1982. – 11с.
2. Жабборов А.Р. Ўзбекистонда кушлар келтириб чиқарадиган биошикастланишларнинг назарий ва амалий жиҳатлари // Ҳайвонлар экологияси ва морфологияси. – Самарқанд, 2008. – Б. 38-44.
3. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // International Journal of Genetic Engineering. – 2019.–№7 (1). – P. 15-18. <http://doi:10.5923/j.ijge.20190701.03>
4. Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // Nature of inner asia 2019. – № 2 (11). – P. 65-68. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-65-68>
5. Rayimov A.R. Rustamova M.A., Analysis of Summer Nutrient Content In The South- West Kyzylkum Region of Acridotheres Tristis // Solid State Technology 2020. – № 5. – P. 6145-6151. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/5946>
6. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. - The role of Acridotheres Tristis in Biotic Connection // International Journal of Virology and Molecular Biology -2019. – № 8 (1). P 1-3. <http://doi:10.5923/j.ivmb.20190801.01>
7. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. The distribution and number of Acridotheres tristis in different habitats in the Kyzylkum // Nature of inner asia, 2019. – № 2 (11). – P. 60-64. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-60-64>
8. Шерназаров Э.Ш. Опыт отпугивания майны с мест ночевок // Узбекский биологический журнал. – Ташкент, 1980. – № 2. – С. 45-47.
9. Лановенко Е.Н. и др. Роль майны (*Acridotheres tristis*) в составе фитокомплексов садов и виноградников в Узбекистане // Selevinia: Зоологический ежегодник Казахстана и Центральной Азии. – Алматы, 2007. – С. 143-151.
10. Лановенко Е.Н. и др. Защита урожая плодово – ягодных культур от птиц с помощью биоакустических репеллентов в Узбекистане // Актуальные вопросы зоологии и гистологии – Ташкент, 2008. – С.54-55.
11. Холбоев Ф.Р., Азимов Ж.А., Бақоев С.Б., Тўраев М.М., Эсанов Х. Шаҳар экосистемаларида кушларнинг биозарарланишдаги иштироки ва унинг олдини олишга доир тавсиялар. – Тошкент, 2012. – 20 б.
12. Джаббаров А. Орнитологическая обстановка Бухарского аэропорта // Экология и поведение птиц. – Москва, 1988. – С. 172-179.
13. Забашта А.В. Птицы, создающие опасность для воздушных судов на аэродроме города Ростов-на-Дону // XIV Международная орнитологическая конференция Северной Евразии. – Алматы, 2015. – С.193-195.
14. Жабборов А.Р. Ҳинд чумчуғи ёки майна этологияси ва репеллент сигналларнинг интерспецифик таъсири // Ўзбекистон биология журналы. – Тошкент, 1998. – № 2. – Б. 61-65.
15. Лановенко Е.Н. и др. К вопросу о роли майны *Acridotheres tristis* в повреждении урожая плодово – ягодных культур // Экология и морфология животных. – Самарқанд, 2008. – С. 71-79.
16. Лановенко Е.Н. и др. Современное состояние майны *Acridotheres tristis* в Узбекистане // Русский орнитологический журнал. – Том 27. Экспресс-выпуск. – № 1576. – Москва, 2018. – С. 1070-1078.

УДК:579.61

ПОДБОР ОПТИМАЛЬНЫХ УСЛОВИЙ ДЛЯ УВЕЛИЧЕНИЯ ПРОДУКЦИИ БАКТЕРИОЦИНА ЛАКТОБАКТЕРИЯМИ

Х.А. Сохибназарова, Центр передовых технологий Министерства инновационного развития Республики Узбекистан, Ташкент

Аннотация. Мақолада харорат, вақт ва озуқа муҳитинининг оптимизация қилиши орқали маҳаллий лактобактерия штаммларининг бактериоцин ҳосил қилиши 2,5% ортиришига эришилган.

Калим сўзлар: лактобактериялар, бактериоцин

Аннотация. В статье достигнуто увеличение продукции бактериоцина местными штаммами лактобацилл на 2,5% за счет оптимизации температуры, времени и питательной среды.

Ключевые слова: лактобактерий, бактериоцин

Abstract. In the article achieved an increase in the production of bacteriocin by local strains of lactobacilli by 2.5% due to optimization of temperature, time and nutrient medium

Keywords: lactobacilli, bacteriocin

Введение. Известно, что пробиотики блокируют патогены, нарушая экспрессию вирулентных генов, прикрепление и межклеточную коммуникацию [1]. Пробиотические бактерии также могут конкурировать с патогенами за доступное пространство и питательные вещества на поверхности хозяина [2, 3]. Многие штаммы пробиотиков продуцируют противомикробные препараты, такие как литические ферменты, хелатирующие железо соединения, антибиотики, перекись водорода, органические кислоты и бактериоцины [4, 5]. Бактериоцины - это небольшие пептиды, нарушающие целостность мембран бактериальных клеток [6, 7]. Они представляют собой кодируемые рибосомами белковые молекулы, способные контролировать рост патогенных и вызывающих порчу бактерий, а те, которые синтезируются молочнокислыми бактериями (МКБ), имеют большой потенциал в качестве биоконсервирующих агентов в пищевых продуктах. Молочнокислые бактерии (МКБ) являются одним из основных безопасных источников биосинтеза бактериоцина [10].

Материалы и методы

Влияние температуры на образование бактериоцина

Культуры выращивали при разных температурах 10°C, 20°C, 30°C, 37°C, 40°C и отделяли от супернатанта. Затем проверяли наличие биологической (антимикробной) активности [8].

Динамика роста и зависимость бактериоциногенной активности от роста

Клетки лактобактерии выращивали в 10 мл питательной среды MRS (pH 6,5) и инкубировали в течение 24 часов при 37°C. Антимикробную активность в отношении разных штаммов изучали через 18, 24, 38, 48, 64, 72 и 96 часов культивирования. Оценивали антимикробную активность путем измерения диаметра зоны ингибирования роста тест-культуры в мм [9].

Влияние состава питательной среды для синтеза бактериоцина. Штаммы лактобактерий выращивали в 10 мл МРС бульона в течение 18 часов при 37°C, клетки собирали при центрифугировании (8000g, 10 мин, 4°C) и осадок ресуспендировали в 10 мл стерильной пептонной воды. 4 мл этой суспензии клеток использовали для инокуляции 200 мл сред. Состав каждой из 9 использованных сред показан в таблице (табл.13). Активность бактериоцина определяли описанным ранее методом [9].

Результаты

Определение эффекта единицы времени образования бактериоцина важно для последующего изучения разделения бактериоцина. В течение 6 часов роста (изменения мутности) не наблюдалось. Единицы времени были изучены для производства бактериоцина от 18 до 96 часов. Среди изученных штаммов только штамм *L.plantarum* ТМ-5 проявил бактериоциногенную активность через 24 часа. Бактериоциногенная активность у всех штаммов была высокой через 48 часов. Бактериоциногенная активность штамма *L.plantarum* P-1 не наблюдалась через 96 часов. У остальных штаммов бактериоциногенная активность не изменилась через 48 часов [табл 1].

Таблица 1

Влияние времени на образование бактериоцина

№	МКБ	Условно патогенные бактерий	Время изучения (диаметри зоне мм)						
			18	24	38	48	64	72	96
1	<i>L.plantarum</i> Mal	<i>L.monocytogenes</i>	10	10	15	30*	25	25	25
2	<i>L.plantarum</i> Val	<i>Ps. aureginosa</i>	10	10	12	18*	12	12	12
3	<i>L.plantarum</i> P-1	<i>L.monocytogenes</i>	12	12	12	25*	20	19	0
4	<i>L.plantarum</i> ТМ-5	<i>K. pneumonia</i>	0	12	15	16*	16	12	12

Результаты показали, что время культивирования влияет на образование бактериоцина.

Влияние температуры на рост лактобацилл и образование бактериоцинов очень важно. Исследуемые культуры подвергались температурным воздействиям от 10°C до 40°C. Бактериоциногенная активность у штамма *L. plantarum* ТМ-5 наблюдалась после 30°C. Снижение бактериоциногенной активности штаммов лактобацилл наблюдалось при температуре 40°C. Видно, что низкие температуры не влияют на образование бактериоцина [табл 2].

После культивирования испытуемых штаммов на разных средах в течение 48 часов при 37°C, изучали их антимикробную активность по отношению к чувствительным к бактериоцину штаммам условно-патогенных бактерий методом лунок в агаре.

Таблица 2

Влияние температуры на образование бактериоцина

№	МКБ	Условно патогенные бактерий	Температура, °C (диаметр в зоне /мм)				
			10	20	30	37	40
1	<i>L.plantarum</i> Mal	<i>L. monocytogenes</i>	8	12	19	25*	25
2	<i>L.plantarum</i> Val	<i>Ps. aureginosa</i>	10	12	18	20*	15
3	<i>L.plantarum</i> P-1	<i>L. monocytogenes</i>	11	15	20	25*	25
4	<i>L.plantarum</i> ТМ-5	<i>K. pneumonia</i>	0	0	15	18*	16
5	<i>L.plantarum</i> K-2	<i>L. monocytogenes</i>	10	15	18	25*	22

Оптимизация питательной среды для синтеза бактериоцина

Для оптимизации продукции бактериоцина использовали 9 питательных сред, которые отличались по количеству и источникам углерода и азота. Изучали антимикробное действие молочнокислых бактерий на чувствительные к бактериоцину условно-патогенные микроорганизмы в зависимости от среды культивирования. Наибольшая зона подавления наблюдалась у культур при выращивании на среде МРС

без твина (№2). Результаты показали, что у штамма *L. plantarum* П-1 диаметр зоны подавления *Lis. monocytogenes* увеличивался на 4 мм при выращивании на среде MPC без твина по сравнению со средой MPC (№8); для штамма *L. plantarum* Mal– на 2 мм; для штамма *L. plantarum* Val увеличение зоны подавления было незначительным – всего на 1 мм; для *L. plantarum* TM-5 зона подавления на среде №2 увеличилась на 3 мм [табл. 3].

Таблица 3

Антимикробная активность бактериоциногенных лактобацилл при выращивании на модифицированных средах

№	МКБ	Условно патогенные бактерий	Диаметр в зоне /мм								
			1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	<i>L. plantarum</i> P-1	<i>L.monocytogenes</i>	14	21*	17	15	15	15	17	17	16
2	<i>L. plantarum</i> Mal	<i>St. aureus</i>	13	19*	16	16	15	17	16	17	16
3	<i>L. plantarum</i> Val	<i>Ps. aureg</i>	10	11*	10	9	10	7	8	10	10
4	<i>L. plantarum</i> TM-5	<i>K. pneumoniae</i>	8	12*	0	0	9	8	10	9	8
5	<i>L. plantarum</i> K-2	<i>L.monocytogenes</i>	14	25*	17	15	15	15	17	17	16

Примечание: 1. Триптон + мясной экстракт + дрожжевой экстракт 2. TW- 3. K₂HPO₄ 4. Мальтоза 5. Триптон 6. Триптон + дрожжи 7. Триптон + мясо 8. MRS 9. Манноза

Таким образом, на среде MPC без твина наблюдалась самая высокая активность культур, которая обусловлена продукцией бактериоцина. Другие среды не повышали активность бактериоцина, поэтому изменение изученных источников углеводов и азота и их количества не влияет на продукцию бактериоцина.

Выводы

В заключение можем говорить, что количество бактериоцинов, продуцируемых лактобациллами увеличивается. У всех лактобацилл продукция бактериоцина увеличивалась одновременно при температуре 37°C и 48 часов в единицу времени. Хотя состав среды был изменен в нескольких модифицированных средах, она была приготовлена без добавления Твина 80.

Эти параметры важны для оптимизации роста и производства бактериоцинов, необходимых для использования этого штамма или его бактериоцинов в качестве биоконсервантов для промышленного использования.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Medellin-Peña MJ, Wang H, Johnson R, Anand S, Griffiths MW: Probiotics affect virulence-related gene expression in *Escherichia coli* O157:H7. *Appl Environ Microbiol.* 2007, 73 (13): 4259-4267. 10.1128/AEM.00159-07.
2. Ravi AV, Musthafa KS, Jegathambal G, Kathiresan K, Pandian SK: Screening and evaluation of probiotics as a biocontrol agent against pathogenic Vibrios in marine aquaculture. *Let Appl Microbiol.* 2007, 45: 219-223. 10.1111/j.1472-765X.2007.02180.x.
3. Balcazar JL, Rojas-Luna T, Cunningham DP: Effect of the addition of four potential probiotic strains on the survival of pacific white shrimp (*Litopenaeus vannamei*) following immersion challenge with *Vibrio parahaemolyticus*. *J Inverte Pathol.* 2007, 96: 147-150. 10.1016/j.jip.2007.04.008.
4. Verschuere L, Rombaut G, Sorgeloos P, Verstraete W: Probiotic bacteria as biological control agents in aquaculture. *Microbiol Mol Biol Rev.* 2000, 64: 655-671. 10.1128/MMBR.64.4.655-671.2000.
5. De Vrese D, Schrezenmeir M: A comprehensive review that critically evaluates modes of actions and medicinal applications of prebiotics and synbiotics. *J. Adv Biochem Eng Biotechnol.* 2008, 111: 1-66.
6. Renye JA, Somkuti GA, Paul M, Van Hekken DL: Characterization of antilisterial bacteriocins produced by *Enterococcus faecium* and *Enterococcus durans* isolates from Hispanic-style cheeses. *J Ind Microbiol Biotech.* 2008, 36 (2): 261-268.
7. Lubelski J, Rink R, Khusainov R, Moll GN, Kuipers OP: Biosynthesis, immunity, regulation, mode of action and engineering of the model lantibiotic nisin. *Cell Mol Life Sci.* 2008, 65: 455-476. 10.1007/s00018-007-7171-2.
8. Sharma G. · Dang S. · Gupta S. · Gabrani R. Antibacterial Activity, Cytotoxicity, and the Mechanism of Action of Bacteriocin from *Bacillus subtilis* GAS101 *Med Princ Pract* 2018;27:186–192
9. Malheiros P. S., Sant’Anna V, Todorov S. D.,Bernadette D.G, Franco M. Optimization of growth and bacteriocin production by *Lactobacillus sakei* subsp. *Sakei* 2a Braz *J Microbiol.* 2015 46(3): 825–834.
10. Cotter PD, Hill C, Ross P. Bacteriocins: developing innate immunity for food. *Nat Rev Microbiol.* 2005; 3: 777–788.

УЎТ: 575.11+575.17+575.857

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИДА АУТОСОМ ДНК НИНГ D1S1656, D2S441, SE33 ЛОКУСЛАРИ АЛЛЕЛЬ ЧАСТОТАЛАРИНИ СУД-ГЕНЕТИК БАҲОЛАШ

Д.М.Тошова, мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент
А.Э.Норматов, лаборатория мудири, Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси маркази, Тошкент
Х.Ф.Махаматхужаев, эксперт, Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси маркази, Тошкент

Аннотация. Мазкур илмий тадқиқот ишида Ўзбекистон популяциясида аутосом ДНК нинг текширилган ҚТТ локусларидаги аллел частоталари таҳлил қилинди ва Афро-Америка, Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларининг кўрсаткичлари билан ўзаро қиёсий солиштирилди. Хусусан, тасодифий танлов

асосида олинган Ўзбекистон популяциясидаги текширилган локуслар ичида баъзи бир аллелларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди (DIS1656 локусида 16.1, 20.3, 21 аллелари, SE33 локусида 5.2, 6.3, 11.2, 12.1, 23.3 аллеларининг кузатилмаганлиги). Шунингдек, тасодифий танлов асосида олинган Ўзбекистон популяциясидаги текширилган D2S441 локусида (10.1) интераллели, SE33 локусида (14.1, 15.3, 16.1, 20.3, 21.1) интераллеллари ва (25, 27, 28, 29, 30) аллеллари кузатилди.

Калит сўзлар: КТП локуслар, популяция, аллель, частота, микросателлит

Аннотация. В данном исследовании были проанализированы частоты аллелей аутосомной ДНК в тестируемых локусах КТП в популяции Узбекистана и сопоставлены с показателями Африканской, Азиатской, Кавказской и Испанской популяций. В частности, было обнаружено, что некоторые аллели не присутствовали в рандомизированных выборках в популяции Узбекистана (отсутствие аллелей 16.1, 20.3, 21 в локусе DIS1656, отсутствие аллелей 5.2, 6.3, 11.2, 12.1, 23.3 в локусе SE33, отсутствие аллелей 7, 10). А также, среди популяционной выборки Узбекистана наблюдали интераллельные номера для локуса D2S441 (10.1), SE33 (14.1, 15.3, 16.1, 20.3, 21.1) интераллелей и (25, 27, 28, 29, 30) аллелей.

Ключевые слова: КТП локусы, популяция, аллель, частота, микросателлит

Abstract. In this study, the frequencies of the alleles of autosomal DNA in the tested STR loci in the population of Uzbekistan were analyzed and compared with the indicators of the African American, Asian, Caucasian and Spanish populations. In particular, it was found that some alleles were not present in randomized samples in the Uzbekistan population (absence of alleles 16.1, 20.3, 21 in locus DIS1656, absence of alleles 5.2, 6.3, 11.2, 12.1, 23.3 in locus SE33). And also, among the population sample of Uzbekistan, interallelic numbers were observed for the locus D2S441 (10.1), SE33 (14.1, 15.3, 16.1, 20.3, 21.1) interalleles and (25, 27, 28, 29, 30) alleles.

Key words: STR locuses, population, allele, frequency, microsatellite

Кириш. Суд генетик экспертиза тадқиқотларида биологик материални ўрганишнинг далилларга асосланган усуллардан бири бу ДНКнинг амплификацияланган фрагмент узунликлари феномени асосидаги молекуляр-генетик идентификацион таҳлил усулидир. Одам геномини ўрганишда маркер элементлари сифатида, хусусан, суд генетик экспертиза амалиётида шахс идентификацияси ва биологик қариндошликни аниқлашда микросателлит табиатида эга бўлган генетик локуслардан фойдаланилади, улар одам геномида юқори даражадаги полиморфизм узунликларига эга ҳисобланади [1,2]. Аниқланган геномик профилнинг индивидуаллаштирувчи қийматини аниқлаш учун унинг популяцияда тарқалишини аниқлаш керак. Натижаларнинг якуний талқини ва эксперт хулосасини шакллантириш ҳар бир индивидуал аллелнинг частота хусусиятларига боғлиқ бўлади [3,4]. Амалиётда олинган натижаларни баҳолаш учун тадқиқотларда қўлланиладиган реагентларни ишлаб чиқарувчи фирма томонидан тақдим этилган базавий маълумотлар ёки ишлаб чиқарувчи фирмаларни нашрларидаги тавсияларидан фойдаланилади [5]. Бироқ, маълумки у ёки бу локусдаги аллелларни ва генотипларни маҳаллий ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолидаги учраш частоталарини инобатга олган ҳолда аниқланса, олинган натижалар имкониятларидан самарали ва ҳар томонлама тўлиқ фойдаланилган бўлади [6,7]. Бунда суд генетик лаборатория томонидан бериладиган популяцион маълумотларни маҳаллий ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли геномидаги аллеллар частоталарини тарқалишига мувофиқ бўлиши генетик тадқиқотлар натижаларини шунчалик юқори даражада ишончли бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда одам популяцияси эволюцияси, унинг келиб чиқиши ва тарихий ривожланишини ўрганиш популяцион генетиканинг олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу каби муаммоларни ҳал этиш учун популяцияда кўп микдордаги полиморф белгиларни ва этнотерриториал гуруҳларни тадқиқ қилиш масаласи қўйилади. Популяцион генетиканинг асосий масаласи геном полиморфизмининг ўзига хосликларини ва аҳоли популяцион тизимининг турли даражаларидаги геном хилма-хиллигини алоҳида алоҳида популяциялар, этнослар, этнотерриториал гуруҳлар мисолида ўрганиш ҳисобланади. Одам геномини ўқишда аниқланган кўплаб полиморф маркерлар генофонд таҳлили, динамикаси, тарихи ва географияси учун кучли қурол бўлиб ҳисобланади.

Популяцион генетикада одам ДНК полиморфизми кўпгина мамлакатлар популяциясида ўрганилиб, аксарият тадқиқотлар ядровий геном ДНКнинг гипервариабел ўзига хос кетма кетликларига ўтказилади. Кўпгина полиморф тизимлар учун аллеллар частотасининг тақсимланишида популяцион хилма-хиллик кузатилади. ДНКнинг гипервариабел локуслари популяциядаги ўзининг гетерозиготлиги ҳисобига популяция структурасини ўрганишда катта ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бир неча юз йиллар давомида узлуксиз ва зич этномаданий алоқалар содир бўлган, келиб чиқиши бўйича турли хил бўлган этник гуруҳлар ва халқлар яшаган Ўзбекистон ҳудуди биологлар, этнографлар, тарихчилар, археологлар ва бошқа тадқиқотчилар учун катта илмий амалий қизиқиш уйғотиб келган. Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги аҳоли сони жиҳатидан энг зич жойлашган давлатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон аҳолисининг сони 34 686 166 дан ошмоқда (2021 йил 25 март ҳолатига кўра) [8]. Ўзбекистон аҳолиси морфологик жиҳатдан турли даражадаги европоид ва монголоид антропологик белгиларининг мавжуд бўлиши билан характерланади. Этник таркиби жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли бўлиб, аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар (82,9%), қолган қисмини тожиклар (4,8%), руслар (2,7%), қирғизлар (1,4%), татарлар (0,7%), корейслар (0,6%), козоқ, қорақалпоқ, туркман, украин, арман, азарбайджон, белорус, уйғур, қрим татар, грек, Ўрта Осиё худудийлари, турк, араб, славян ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади [9].

Бугунги кунга қадар мазкур худуднинг генетик популяцияси бир қатор биокимёвий маркерлар билан текширилган, бироқ минтақа аҳолисининг генетик структураси ҳалигача тўлиқ тавсифланмаган. Адабиётларда халқаро базада Ўрта Осиё халқлари, хусусан турли миллат вакиллари ўз ичига олган Ўзбекистон аҳолиси ядровий аутосом ДНКсининг STR локуслари аллелларини тақсимланиши бўйича популяцион генетик маълумотлар жуда кам. Осиё ва Европа ўртасида жойлашган, Хитой, Ҳиндистон ва Эрон маданий ўчоқлари билан чегараланган Ўзбекистон минтақасининг аҳоли қонида бир неча асрлардан буён иккита йирик - европоид ва монголоид ирқларининг аралашуви мавжуд. Эҳтимол, мазкур худуд популяцияси мураккаб генетик структурага эга бўлиб, тарихий шаклланиши, узоқ вақт мобайнидаги никоҳ алоқаларининг ўзига хосликлари, ижтимоий йўналишдаги фарқлар, аҳолининг маданий, хўжалик ҳаёт тарзи ва бошқа омилларига боғлиқ бўлган.

Инсон турли тарихий даврларда этномаданий меъроснинг объектив ташувчиси бўлган. Аммо уни табиатининг биологик томони ҳам борки, у одамларнинг табиий-тарихий бирлашмасининг бир қисми бўлиб, генетик жиҳатдан турли қариндошлик даражалари билан боғлиқ. Одам геномида унинг ички ва ташқи ўзига хосликлари мужассамлашган бўлиб, одамларнинг қариндошлик гуруҳи бу ўзига хосликлар комплексига эга бўлади. Маълум бўлишича, генографик ва тарихий сабабларга кўра, алоҳида этник гуруҳларда меърос бўлиб ўтадиган хусусиятларнинг намоён бўлиш частотаси ҳар хил бўлади [10-12]. Айна маълум бир жамият вакиллари орасида у ёки бу генларнинг тақсимланиш характери халқнинг этник тарихи, унинг миграцияси, алоқалари ва турли даврлардаги изоляцияси ҳақида кўп нарсаларни айтиб бериши мумкин [13].

Шунга кўра, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари геномида D1S1656, D2S441, SE33 локусларидаги аллелларнинг популяцион учраш частоталарини ўрганиш популяцион генетика ва суд генетик экспертиза соҳасида шахс идентификацияси ва диагностикасини ўтказишда долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон худудида яшайдиган турли миллат вакилларида ядровий аутосом ДНКсининг КТТ (қисқа тандемли такрорланиш) полиморф локусларини популяцион генетик жиҳатдан ўрганиш ва уларни эксперт амалиётига татбиқ этиш, хусусан, суд генетик экспертиза соҳасида жиноятларнинг тезкор қидирувини таъминлаш ҳамда биологик қариндошлик масалаларини аниқлаш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи бир-бирига қариндош бўлмаган эркак ва аёл генетик жинсидаги узбек, тожик, рус, қирғиз, козоқ, татар, корейс, қорақалпоқ, туркман, араб, уйғур, армани, азарбайжон, турк ва б. миллат вакилларига мансуб аҳолидан йиғилган 1380 та биологик намуналар тадқиқот объектлари бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси маркази “Одам ДНКси суд биологик экспертизаси” лабораториясининг базасида амалга оширилди.


Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи турли миллат вакилларида йиғилган биологик намуналарда аутосом ДНКнинг D1S1656, D2S441, SE33 локусларидаги аллеллар учраш частоталарининг ўзига хосликлари ўрганиб чиқилди. D1S1656, D2S441, SE33 локуслари 4 ж.н. (bp) бирликларида такрорланувчи узунликдаги тетрамер микросателлит локусларидир. D1S1656, D2S441, SE33 локусларининг амплификация маҳсулотлари 78 ж.н. (bp) дан то 349 ж.н. (bp) гача бўлиши мумкин, бу эса суд генетик экспертиза амалиётида тез-тез учраб турадиган жуда кам миқдордаги ва кучли деградацияга учраган ДНК молекулаларини ҳам текшириш имконини беради (1-жадвал). Шундай қилиб, D1S1656, D2S441, SE33 локусларидаги аллелларнинг учраш частоталарини ўрганиш мақсадида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллатга мансуб 1380 та одамнинг ДНК генотиплари аниқлаб олинди.

ДНК намуналарини типирлаш полилокусли форматда олиб борилди. Тадқиқотларда суд генетик экспертиза амалиётида қўллаш тавсия этилган сертификатланган реактив ва тўпламлардан фойдаланилди. Жумладан, йиғилган биологик сўлак намуналари *Swab Solution™ Kit (Promega, АКШ)* лизати билан экспресс усулда экстракция қилинди [14]. Ажратилган ДНК намуналари *Quantifiler™ Trio DNA Quantification Kit (Thermo Fisher Scientific)* тўпламидан фойдаланиб миқдорий ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинди [15]. Геном ДНК STR локусларининг амплификацияси, яъни Полимеразали Занжир Реакцияси “*Global filer™ PCR Amplification Kit*” (*Applied Biosystems, США*) энзиматик тўпламидан фойдаланиб ўтказилди [16]. Полимеразали занжир реакцияси маҳсулотлари автоматлаштирилган комплекс–3130x1 Genetic Analyser (*Applied Biosystems, АКШ*) аппаратида фрагментлаш асосида таҳлил қилинди [17]. Амплификация қилинган геном ДНКсининг фрагмент ўлчамлари *Applied Biosystems (АКШ)* фирмасининг махсус реагентлари тўпламидан ҳамда «Data Collection Software 2.0» махсус компьютер дастуридан фойдаланиб аниқланди. *GeneMapper ID–X (Applied Biosystems, АКШ)* (version 1.4) махсус компьютер дастуридан фойдаланиб текширилган барча объектларнинг ДНК локус аллелларига сон кўрсаткичлари тақдим қилинган спектр тасвирлари олинди (1-расм).

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Аллел частоталарининг учраши бўйича олинган натижалар 2-4-жадвалларда ва диаграммаларда кўрсатилган (2-4-расмлар).

Тадқиқот натижасида текширилган Ўзбекистон популяциясида аутосом ДНКнинг D1S1656 локуси бўйича учраши мумкин бўлган 20 хил аллел вариантлари мавжудлиги кузатилди. D1S1656 локусида Афро-Америка, Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларида кузатилмаган 8 аллели аниқланди. Афро-Америка, Осиё,

Кавказ, Испан ва Ўзбекистон популяцияларидаги 9, 10, 12, 13, 14, 14.3, 15, 15.3, 16, 16.1, 16.3, 17, 17.1, 17.3, 18.3, 19.3 аллел частоталари ўртасида катта фарқ аниқланмади. 11 аллели Ўзбекистон популяциясида юқорида кўрсатилган популяцияларга нисбатан деярли 2 баравар, 18 ва 19 аллеллари деярли 3 баравар кўп учраганлиги аниқланди, шунингдек, кам учрайдиган 16.1, 20.3, 21 аллеллари тасодифий танловдаги Ўзбекистон популяциясида кузатилмади [18] (2-жадвал, 2-расм).



1-расм. D1S1656, D2S441, SE33 локуслардаги аллелларни ўз ичига олган шахс генетик паспорти-спектрограммаси

1-жадвал


CODIS тизимига киритилган микросателлит локуслар характеристикаси

Локуслар	Хромосомадаги локализацияси	Нуклеотид фрагмент узунликлари ж.н. (bp)	Маркернинг иккинчи номи	GenBank Accession	Такрорланувчи структураси
D1S1656	1q42 Chr 1; 228.972 Mb	121-169	UniSTS: 58809	G07820	[TAGA] <i>n</i>
D2S441	2p14 chr 2: 68,213,613 bp	78-114	D2S1778 CHLC.GATA72A05 UniSTS:71306	AC079112 has 12 repeats	[TCWA] <i>n</i>
SE33	6q14; β-actin related pseudogene chr 6; 89.043 Mb	197-343	ACTBP2 UniSTS: none reported	V00481; has 26.2 repeats	[AAAG] <i>n</i>

2-жадвал

D1S1656 локус аллелларининг популяциядаги учраш частоталари

Аллель	Аллель узунлиги ж.н. (bp)	Ўзбекистон (n=1380)	Учраш частоталари			
			Ишлаб чиқарувчи фирма томонидан тавсия этилган частоталар			
			Афро-Америка (n=330)	Осиё (n=153)	Кавказ (n=343)	Испан (n=368)
8	117	0,4367	0	0	0	0
9	121	0,182	0,15	0	0	0,14
10	125	0,2911	1,36	0	0,29	0,41
11	129	8,4061	5,3	3,59	6,27	3,94
12	133	8,2969	8,48	4,25	15,74	9,38
13	137	8,115	11,06	13,73	7	7,07
14	141	9,3159	25	6,21	6,27	11,28
14,3	144	0,1092	0,91	0	0,29	0,27
15	145	22,0888	16,97	20,26	15,31	15,49
15,3	148	1,7831	1,82	0	8,75	2,99
16	149	17,8675	10	31,05	9,33	15,08
16,1	150	0	0	0	0	0,27
16,3	152	2,984	7,27	0,65	4,96	5,16
17	153	7,278	2,73	14,05	4,96	6,79
17,1	154	0,0728	0	0	0,29	0
17,3	156	6,3319	5,76	3,59	12,68	15,76
18	157	1,1281	0,45	0,33	0,29	0,82
18,3	160	3,4934	1,82	1,63	5,98	4,48
19	161	0,5822	0,15	0	0	0
19,3	164	1,2009	0,61	0,33	1,6	0,68
20	165	0,0364	0	0,33	0	0
20,3	168	0	0,15	0	0	0
21	169	0	0	0	0	0




2-расм. D1S1656 локус аллел частоталарининг популяцияларда тақсимланиш диаграммаси

3-жадвал

D2S441 локус аллелларининг популяциядаги учраш частоталари

Аллель	Аллель узунлиги ж.н. (bp)	Учраш частоталари				
		Ўзбекистон (n=1380)	Ишлаб чиқарувчи фирма томонидан тавсия этилган частоталар			
			Афро-Америка (n=330)	Осиё (n=153)	Кавказ (n=343)	Испан (n=368)
8	78	0,0364	0,15	0	0	0
9	82	0,5095	0	0	0,58	0,14
9,1	83	0,1456	0	2,94	0	0
10	86	21,7613	9,09	20,59	19,83	30,3
10,1	87	0,1092	0	0	0	0
11	90	40,9389	35,61	36,27	33,09	31,93
11,3	93	3,2751	2,88	2,61	5,1	4,62
12	94	7,2052	20,45	20,92	4,08	3,8
12,3	97	0,2547	0,15	0	0,29	0,41
13	98	3,5298	3,48	6,21	3,35	1,9
14	102	19,4323	26,21	9,8	28,86	23,1
15	106	2,2198	1,97	0,65	4,37	3,4
16	110	0,5459	0	0	0,44	0,41
17	114	0,0363	0	0	0	0




3-расм. D2S441 локус аллел частоталарининг популяцияларда тақсимланиш диаграммаси

D2S441 локуси бўйича учраши мумкин бўлган барча 14 хил аллел вариантлари мавжудлиги кузатилди. D2S441 локусида Афро-Америка, D2S441 локусида Осиё, Кавказ, Испан ва Ўзбекистон популяцияларидаги 10, 11 ва 14 аллел частоталари ўртасида катта фарқ аниқланмади. Мазкур аллеллар

популяцияларда энг кўп учрайдиган аллеллар эканлиги аниқланди, хусусан, Ўзбекистон аҳолисида 11 аллели энг кўп учради. Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларида учрамаган 8 аллели, Афро-Америка ва Осиё популяцияларида учрамаган 9 ва 16 аллеллари тасодифий танловдаги Ўзбекистон популяциясида кам частотада кузатилди. 11 ва 16 аллеллари Ўзбекистон популяциясида Афро-Америка, Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларига нисбатан кўпроқ, Афро-Америка, Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларида кузатилмаган 10.1 ва 17 аллеллари эса тасодифий танловдаги Ўзбекистон популяциясида учраганлиги аниқланди [19] (3-жадвал, 3-расм).

Маълумки, SE33 локуси *Global flier™ PCR Amplification Kit (Applied Biosystems, США)* энзиматик тўпламидаги ўрганилган локуслар ичида энг кўп аллелларга эга бўлган Қисқа тандем такрорланишли микросателлит локуси бўлиб ҳисобланади. SE33 локуси бўйича 62 хил аллел вариантлари мавжудлиги кузатилди. Ўзбекистон аҳолисида 20, 21, 22.2, 23.2, 24 аллеллари Афро-Америка, Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларига нисбатан бир неча баробар кам частоталарда учраши кузатилди. Ўзбекистон аҳолисида 19.3 аллели энг кўп учрайдиган аллел эканлиги аниқланди.



4-расм. SE33 локус аллел частоталарининг популяцияларда тақсимланиш диаграммаси

23 ва 31.2 аллеллари Ўзбекистон популяциясида Афро-Америка, Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларига нисбатан кўпроқ, Афро-Америка, Осиё, Кавказ ва Испан популяцияларида кузатилмаган 8, 9, 11, 14.1, 15.3, 16.1, 20.3, 21.1, 25, 27, 28, 29 ва 30 аллеллари эса танловдаги (выборкадаги) Ўзбекистон популяциясида учраганлиги аниқланди. Кам учрайдиган 5.2, 6.3, 11.2, 12.1, 23.3 аллеллари тасодифий танловдаги Ўзбекистон популяциясида кузатилмади. Популяциялардаги рўйхатда келтирилган бошқа аллел частоталари ўртасида катта фарқ мавжудлиги аниқланмади [20] (4-жадвал, 4-расм).

4-жадвал

SE33 локус аллелларининг популяциядаги учраш частоталари

Аллель	Аллель узунлиги ж.н. (bp)	Учраш частоталари				
		Ўзбекистон (n=1380)	Ишлаб чиқарувчи фирма томонидан тавсия этилган частоталар			
			Афро-Америка (n=330)	Осиё (n=153)	Кавказ (n=343)	Испан (n=368)
4,2	203	0	0	0	0	
5,2	207	0	0,15	0	0	
6,3	212	0	0	0,15	0	
8	217	0,182	0	0	0	
9	221	0,1456	0	0	0	
11	229	0,182	0	0	0	
11,2	231	0	0,76	0	0,14	
12	233	0,2911	0,15	0,33	0,44	
12,1	234	0	0	0,15	0	
12,2	235	0,1456	0,30	0	0,15	
13	237	1,2009	1,36	0	0,87	
13,2	239	0,1092	0,45	0	0,14	
14	241	1,6012	3,33	0	3,64	
14,1	242	0,0364	0	0	0	
14,2	243	0,0364	0,15	0	0,82	
14,3	244	0,0728	0	0	0,15	
15	245	2,802	4,24	1,31	3,64	
15,2	247	0,0364	0,15	0	0,15	
15,3	248	0,182	0	0	0	
16	249	4,6215	6,97	3,59	5,39	
16,1	250	0,0364	0	0	0	
16,2	251	0,0728	0,30	0	0,27	
16,3	252	0,2183	0	0	0,14	
17	253	6,7686	7,73	5,23	6,56	

17,2	255	0,182	0,15	0	0	0
17,3	256	0,0728	0	0	0,15	0
18	257	7,9694	10,76	4,9	7,87	10,05
18,2	259	0,0728	0,15	0	0	0,27
19	261	9,3886	15	9,48	8,31	8,15
19,2	263	0,1456	0,30	0	0,29	0
19,3	264	6,4774	0	0	0,29	0
20	265	1,0917	9,55	6,86	5,25	4,48
20,2	267	0,0364	0,91	0,33	0,87	0,82
20,3	268	4,0029	0	0	0	0
21	269	0,0364	5,76	6,21	2,04	3,12
21,1	270	1,3828	0	0	0	0
21,2	271	1,2737	0,91	1,63	1,17	1,09
22	273	2,0015	1,97	2,61	0,580	1,09
22,2	275	0,2547	1,36	2,29	3,35	2,31
23	277	2,2562	0,30	0	0	0
23,2	279	0,0364	0,61	2,61	2,62	2,85
23,3	280	0	0	0	0	0,14
24	281	0,0728	0,30	0,33	0,15	0,14
24,2	283	4,3668	1,67	6,54	4,52	2,31
25	285	0,0364	0	0	0	0
25,2	287	4,1485	2,42	7,19	3,79	3,12
26	289	0,0728	0,15	0	0	0,27
26,2	291	4,3304	5,61	7,52	4,52	6,39
27	293	0,1092	0	0	0	0
27,2	295	5,4585	5,91	3,59	6,85	7,07
27,3	296	0	0	0	0	0,14
28	297	0,182	0	0	0	0
28,2	299	6,6594	5,91	3,59	6,85	7,07
29	301	0,0364	0	0	0	0
29,2	303	6,623	2,58	8,5	7,87	5,84
30	305	0,0364	0	0	0	0
30,2	307	5,7496	1,21	7,52	4,66	3,8
31	309	0,0728	0	0	0	0,14
31,2	311	3,5298	1,06	1,63	2,77	2,31
32	313	0,0364	0	0	0,44	0
32,2	315	1,492	0,76	1,31	1,6	2,04
33	317	0,2547	0	0	0,29	0,41
33,2	319	0,4731	0,45	0,33	0,15	0,54
34	321	0,182	0	0	0,29	0,41
34,2	323	0,3639	0,15	0	0	0,27
35	325	0,0728	0	0	0,15	0
35,2	327	0,182	0	0,33	0	0
36	329	0,0364	0	0	0,15	0
37	333	0,0364	0	0	0	0,14
38	337	0	0	0	0	0

Хулоса. Шундай қилиб, олинган аллел частоталарини солиштирма қиёсий таҳлил қилиш натижасида деярли барча ҳолатларда аллел частоталаридаги ўзаро фарқ мавжудлиги кузатилди.

Таким образом, к настоящему времени сложилась самостоятельная научная дисциплина – ГИС технологии в данном направлении, объектом исследования которой является изучение проблем окружающей среды на основе современных ГИС технологий, а также вопросы геосистемы– природно-хозяйственной парагенетической системы, выделяемой на основе однотипности и одно направленности функционирования различных процессов.

Предметом исследований выступает как сам процесс, происходящий в окружающей среде, закономерности его формирования и протекания, так и факторы его определяющие [1,8]. Такое определение предмета исследования одновременно отражает и междисциплинарную, и интегративную суть предмета.

Для принятия обоснованных решений борьбы с проблемой деградации и последующего улучшения состояния почв необходима детальная информация о фактическом состоянии земель. Сравнение нормативных и фактических характеристик выделенных земель дает возможность объективно оценить современное состояние возделываемых земель, что позволит более максимально определить границы процесса деградации, засоления, сгруппировать ареалы по степени интенсивности проявления деградации и засоления, установить на этой основе оптимальный режим использования земельных ресурсов и создать базу для принятия обоснованных решений. На основе сравнительного анализа фактических характеристик исследуемой территории будет дана подробная информация по современному состоянию природных сред: переделены зоны экологического риска и очаги деградации и их дифференциация по факторам возникновения и общие тенденции процесса деградации почв на прилегающих территориях. На основе полученных данных и комплекса ландшафтно-растительных карт будет предлагаться научно-

обосновательная рекомендация по устойчивому использованию исследуемых земель, а также будут предложены меры по предотвращению процессов деградации и засоления почв.

Использование ГИС технологий позволит разработать агроэкологическое районирование деградационных и засоленных земель исследуемой территории и даст сведения о фактическом состоянии земель, что является научной основой устойчивого использования земельно-водных ресурсов путем борьбы с негативными явлениями региона, создания баз данных, автоматизации в картографии, географического моделирования, внедрения новых инновационных технологий, внедрения почвоохранных мероприятий, восстановления, сохранения и повышения плодородия почв [9].

Полученные материалы дают сведения о фактическом состоянии земель региона, о почвенном покрове, об деградационноопасности и засолённости земель, что позволяет сделать алгоритмы анализа пригодности земель под сельскохозяйственное использование, алгоритмы оценки деградационных рисков, разработать технологии оптимизации результатов выявления и оценки в виде серии оптимальных экологически и экономически обоснованных сценариев размещения угодий и посевов сельскохозяйственных культур, проведения почвоохранных мероприятий.

ГИС технологии могут быть использованы при мониторинге деградации почв, для выявления и оценки деградационных процессов, для составления электронной версии карт, в основе которых лежит создание банка данных ландшафтного метода дешифрирования материалов дистанционного зондирования, определения точных границ в различной степени деградированных почв. Также данная технология позволит точнее изучить формы рельефа, учесть экспозиции склонов, более правильно понять почвообразовательный процесс и дать обобщенную характеристику условий возникновения деградационных процессов с учетом ландшафтно-экологических условий.

Практическая значимость выполняющих исследований будет заключаться в том, что реализация их результатов позволяет:

- сбор наземной информации и составление агроландшафтной и агроэкологической карт для выяснения плодородия земель и применения систем земледелия в агромаассивах;
- накопление и хранение данных, что позволяет отслеживать динамику процессов, а электронный формат обеспечивает наглядность их представления;
- многофакторный анализ и визуализация собранных данных, разрешающий легко и быстро их интерпретировать;
- наблюдение за исполнением принятых решений;
- более полно раскрыть особенности процесса экологизации землепользования, а также повысить обоснованность научных рекомендаций в области охраны и рационального использования земельных ресурсов с позиции сбалансированности экономических и экологических интересов;
- разработать и реализовать региональные программы оздоровления окружающей природной среды, экологизации землеустройства и обоснованного расходования средств областных фондов охраны окружающей среды.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Гафурова Л.А., Алябина И.О., Набиева Г.М., Джалилова Г.Т., Мамбетназаров М.С. ГИС технологии в почвоведении. Учебник, МАКС Пресс Москва, ISBN 978-5-317-06097-8, 184 с.
2. Коновалова Н.В., Капралов Е.Г. Введение в ГИС //Учебное пособие. Изд-во Петрозаводского университета, 1995. – 148 с.
3. Кошкаров А.В. Геоинформатика //Учебник. - М.: Картгеоцентр: Геоиздат, 1993. – 213 с.
4. Савин И.Ю. Анализ почвенных ресурсов на основе геоинформационных технологий // автореф. докт. дисс. с.-х. наук, М., 2004.
5. Светличный А.А., Черный С.Г., Лисецкий Ф.Н. Проблема эрозии почв в научном наследии Г.И. Швобса и основные направления его развития //Вестник Харьковского национального университета им. В. Н. Каразина.– 2009– №849. – С. 8-13.
6. Смирнова Л.Г., Нарожняя А.Г., Кривоконь Ю.Л., Петрякова А.А. Применение геоинформационных систем для агроэкологической оценки земель при проектировании адаптивно-ландшафтных систем земледелия //Достижения науки и техники АПК. – 2011. – №11. – С. 11-14.
7. Шаповалов Д.А., Белорусцева Е.В. Оценка динамики и прогноз развития негативных процессов на землях сельскохозяйственного назначения Калужской области с применением ГИС-технологий// Землеустройство, кадастр и мониторинг земель. № 9. – Москва, 2009. –С. 34–43.
8. Gafurova L.A., Djalilova G.T., Ergasheva O.X., Kadirova D.A.. Measures on erosion-preventive forest melioration in mountain areas of Uzbekistan //Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 2, 2020, -p.283-287. <http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/> DOI:
9. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.02.52>
10. Rattan Lal. Restoring Soil Quality to Mitigate Soil Degradation. Sustainability 2015, 7, 5875-5895; doi:10.3390/su7055875.

СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ш.Ш. Курбонов, ассистент, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
 Б.Э. Бозоров, магистрант, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
 С.С. Қаюмова, магистрант, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Мақолада суғориш каналларида содир бўладиган буғланиш ва канал ўзанидаги фильтрациялар натижасидаги сув исрофи ўрганилган. Дала кузатув натижалари асосида канал фойдали иш коэффициенти ҳисобланган. Катта миқдордаги фильтрация каналдан фойдаланиш ишончилигини камайтиради, ерларни шўрланишига ва ботқоқланишига олиб келади, канал қирғоқларини ўпирилишини келтириб чиқаради, ушбу муаммоларни инобатга олган ҳолда ечим усуллари келтирилган.

Калим сўзлар: суғориш канали, буғланиш, фильтрация, канал эни, фойдали иш коэффициенти, канал қопламалари

Аннотация. В статье исследуется испарение, происходящее в оросительных каналах, и потеря воды в результате фильтрации в русле канала. По результатам полевого мониторинга рассчитана эффективность канала. Чрезмерная фильтрация снижает надежность использования канала, приводит к засолению и заболачиванию почв, вызывает эрозию берегов каналов, и были предложены решения этих проблем.

Ключевые слова: оросительный канал, испарение, фильтрация, ширина канала, эффективность, покрытие канала

Abstract. The article examines the evaporation that occurs in irrigation canals and water loss as a result of filtration in the canal bed. Based on the results of field monitoring, the channel efficiency was calculated. Excessive filtration reduces the reliability of canal use, leads to salinization and waterlogging of soils, causes erosion of canal banks, and solutions have been proposed to solve these problems.


Key words: irrigation channel, evaporation, filtration, channel width, efficiency, channel coverage

Маълумки, Республикамиз бўйича жами суғориш каналлари 28 458 км ни ташкил қилиб, шундан тупроқ ўзанли каналлар 18 718 км, бетон қопламали каналлар 9 203 км, лоток тармоқли каналлар 536 км дан иборат. Суғориш каналлардаги жами гидротехник иншоотлар сони 54 432 тани ташкил қилади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, мавжуд суғориш каналларининг 70% дан ортиғи тупроқ ўзанли каналлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса ўз навбатида ўзанда юз берадиган фильтрация микдори ва буғланиш натижасида каналларда сув исрофини вужудга келтиради.

Каналдаги сув исрофи- буғланиш ва ўзанида юз берадиган фильтрация микдорининг йиғиндисидан иборат бўлади. Буғланиш микдори канал қурилган жойнинг иклим шароитига, каналнинг кўндаланг кесимининг геометрик ўлчамларига боғлиқ. Республикамизнинг жанубий ҳудудларида эксплуатация қилинаётган каналларда олиб борилган тажрибалар буғланиш натижасида бўладиган сув йўқолиши каналнинг 1,0 м² юзасига ўртача йилига 0,3...0,8 м ни ташкил этишини кўрсатган. Канал тармоғида бўладиган асосий сув исрофи фильтрация ҳисобига бўлади. Дала шароитида ўтказилган тажрибалар натижаси сув манбасидан то далагача бўлган каналлар тизимининг фойдали иш коэффициенти 0,62...0,65 га тенг эканлигини кўрсатган. Каналдан исътемошчиларга сув тақсимлашда фильтрация ҳисобига бўладиган йўқолишларни ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқари, катта миқдордаги фильтрация каналдан фойдаланиш ишончилигини камайтиради, ерларни шўрланишига ва ботқоқланишига олиб келади, канал қирғоқларини ўпирилишини келтириб чиқаради [1,2].

Каналлардаги фильтрация эркин ва эркин бўлмаган турларга бўлинади (1-расм).



1 - расм. Каналлардаги фильтрация сувлари схемаси:

а - эркин; б - эркин бўлмаган

Сувнинг фильтрация ҳисобига йўқолиши (суғориш каналининг 1 км узунлиги учун) А.А. Костяков [2] ифодаси ёрдамида аниқланади:

тез сув ўтказувчан грунтлар учун (кумлоқ, енгил соғ грунт)

$$\sigma = 3,4 / Q_n^{3,4} \quad (1)$$

ўртача сув ўтказувчан грунтлар учун (енгил соғ тупрок, соғ грунт)

$$\sigma = 1,9 / Q_n^{0,4} \quad (2)$$

кам сув ўтказувчан грунтлар учун

$$\sigma = 0,7 / Q_n^{0,3} \quad (3)$$

бунда Q_n – каналдан оқиб ўтадиган нетто сув сарфи

Канал узунлиги бўйича фильтрацияга абсолют йўқолиши:

$$S = \sigma Q_n \cdot l / 100 \quad (4)$$

Бунда l – канал трассаси узунлиги

Фильтрация миқдори вақт бўйича доимий бўлмайди ва у грунт бўшлиқларида майда зарралар ўтириб қолиши натижасида камаяди.

Канал ўзанини мустаҳкамлаш: Каналда юз берадиган фильтрацияни камайтириш учун канал ўзанига қопламалар ўрнатилади. Ўрнатиладиган қопламанинг сув ўтказувчанлик хусусияти канал ўзанидаги грунтнинг хусусиятидан паст бўлиши шарт.

Ўзандаги грунтнинг сув ўтказмаслик қобилиятини қуйидаги усулларни қўллаб ошириш мумкин:

1) уни сунъий зичлаш, шибаллаш;

2) табиий ёки сунъий лойка чўктириб грунт бўшлиқларини майда заррачалар билан тўлдириш.

Табиий лойка чўктиришда бу заррачалар каналга сув билан бирга келади. Сунъий лойка чўктириш сувга лой ёки ил зарраларни кўшиб, улар механик усулда аралаштирилади ёки каналга лойка юборилади. Лойка юбориш бир жинсли бўлмаган кум ва кумоқ грунтлар учун қўлланилади [3].

Канал қопламалари. Қопламалар химояловчи ва фильтрацияга қарши турларга бўлинади. Химояловчи қопламалар канал ўзанини ювилишдан сақлайди, сувда оқиб келувчи жисмлар ва муз таъсирларидан ҳосил бўладиган бузилишларини олдини олади. Фильтрацияга қарши қопламалар каналлардан фильтрация туфайли сув йўқолишларини камайтиради. Улар лойли, грунтли, полимерли, асфальтбетонли битумли, бетон ва темир бетонли турларга бўлинади. Ҳар бир ҳолат учун қоплама тури вариантларни техник – иқтисодий таққослаш асосида танланади [3,4].

Грунтли қопламалар (экранлар) грунтли тўғон экранларига ўхшаш бўлиб, лекин уларнинг калинлиги кичик бўлади ва каналдаги сув чуқурлигига ҳамда қиялик қийматига боғлиқдир.

Агар канал трассаси сув ўтказмаслиги кам лойли грунтлардан ўтган бўлса, унда грунтли қоплама ўша лойдан барпо этилади. Бунда фақат грунтнинг структураси ўзгартирилади: ёриқлар ва ғовакликлар камайтирилади; тупроқ ўювчи жониворлар йўллари беркитилади. Бунинг учун канал туби ва қияликларининг юқори қатлами 40 см чуқурликкача юмшатилади ёки ағдарилади ва катоклар билан зичланади ва шиббланади. Агар канал боғланмаган грунтларда қуриладиган бўлса қияликлари ва туби юқори қатлами боғланган (ёпишқоқ) яхши зичланган сув ўтказмайдиган лойли ёки соғ грунтлар билан алмаштирилади.

Полимер қопламалар (плёнкали экранлар) грунтнинг химоя қатлами тагида жойлаштирилади. Улар полиэтилен ёки бошқа турдаги полимер пленкалар бўлиши мумкин. Канал ўзанидаги ер ишларини йилнинг ҳар қандай вақтида бажарса ҳам бўлади, аммо пленка ва тушама қатлами совуқ ва шамол бўлмаган даврларда тўшалади. Каналдан фойдаланиш даврида пленкали экран ўсиб чиқаётган ўсимлик илдизлари ва пояларидан шикастланмаслиги учун грунт заминига гербицидлар сеппиб ишлов берилади ва химоя қатлами калинлиги 0,5 м дан кам қабул қилинмайди. Пленка қалинлиги 0,2 мм дан кичик, кумли тушамаларда эса 0,1 м дан кам бўлмаслиги керак.

Асфальтбетон қопламалар қалинлиги 5-8 см ли асфальт-бетон канал жонли кесим периметри бўйича шағал тушама устига ўрнатилади. Каналга сув беришдан олдин асфальтбетон юзаси асбест кўшимча кўшилган иссиқ битум билан қопланади. Қияликлар учун асфальтбетон қоришмаси 160-180°C га қизитилади. Канал тубига уни баъзи бир ҳолларда қуйилмайди. Бундай қопламалар мустаҳкам, эгилувчан, атмосфера таъсирлари бетонга кўра чидамли, сув ўтказмаслик каби ютуқларга эга.

Тошли ва шағалли қопламалар. Тўкма ёки терилган тош, ҳамда металл ичига тош тўлдирилган қути кўринишида барпо этилади. Тошли тўкма учун сараланмаган тош ишлатилади. Қоплама остига калинлиги 10-20 см ли шебень, шағал ёки қатта заррали кумли тўшама, баъзи бир ҳолларда тошли тўкма тўқилган катаклар ичига тўкилади. Катаклар тўғри бурчакли ёки ромбли бўлиб, унинг томонлари узунлиги 0,5-0,7 м га тенг бўлади.

Бетон ва темир-бетонли қопламалар нисбатан силлиқ юзага эга бўлиб, бу ўз навбатида каналнинг сув ўтказиш қобилиятини оширади, қияликлари ва тубини ювилишдан сақлайди, каналдан фильтрация туфайли йўқолишини кескин камайтиради, каналдаги сув сифатини яхшилашга имкон беради. Унинг асосий камчиликларидан бири жуда кўп миқдорда чокларни ўрнатишдир. Бетон ва темир-бетонли қопламалар монолит ва йиғма бўлиши мумкин (2-расм) [5,6].



2 - расм. Канал ўзанини бетонлашга тайёрлаш:

а) канал ўзанини профилини ҳосил қилиш; б) канал ўзанига полиэтилен плёнка ётқизиш; 1 – каналнинг грунтли ўзани; 2 – канал қазғич; 3 – каналнинг плёнка билан қопланган ўзани.

Монолит бетонли қопламалар қалинлиги 10-20 см ли яхши текисланган шағал, шағал қум аралашма устига ётқизилади. Агар канал лойли грунтларда ўтган бўлса, тушамга қалинлиги 30-50 см гача ошади. Бундай қопламаларда ён бағирлар, қияликлар қиймати 1:1,5 дан тик бўлмаслиги керак. Уларни ётқизиш замонавий комплекс бетон ётқизувчи машиналар билан бажарилади. Монолит темир-бетонли қопламалар бетон қопламаларга нисбатан бетон қалинлиги ва пўлат арматуранинг қалинлиги билан фарқ қилади. Арматуранинг ишлатилиши унинг мустаҳкамлиги ёриқлар ҳосил бўлишига қаршилигини оширади, деформацияланиши ва чўкиши олдини олади. Уларни кучли деформацияланадиган ва устуворлиги кам бўлган грунтларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. [7]

Каналлардаги филтрацион жараёнлар нобарқарор бўлганлиги сабабли уларни тадқиқ қилиш мураккаб ҳисоб ишларини талаб қилади. Каналдаги сув исрофини камайтириш учун канал ўзанида юқорида келтирилган усуллар орқали қопламалар ҳосил қилиш каналнинг фойдали иш ҳажмини оширади ва лойихавий ҳисобий сув сарфига эга бўлишимиз учун замин яратади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. М.Р. Бакиев, А.А. Янгиев, Н. Рахматов. “Гидротехника иншоотлари” ўқув қўлланма. Тошкент, 2018.–247 б.
2. Bakiyev M.R., Kaveshnikov N., Tursunov T., Gidrotexnika inshootlaridan foydalanish. Toshkent, 2011 y.
3. Бакиев М.Р., Кириллова Е.И., Талипов Ш.Г., Эрناзаров Н.Ш. «Эксплуатационная надежность и безопасность гидротехнических сооружений». Методическое пособие. Ташкент, ТИИМ, 2012 г.
4. Рахматов Н. Правовые вопросы обеспечения безопасности ГТС на трансграничных водных объектах бассейна Сырдарьи//Irrigatsiya va melioratsiya, Тошкент, № 4 (10) 2017 й. 31 – 32 б.
5. Рахматов Н. Маълумотлар базасини яратиш йўлидаги Сирдарё ҳавзаси сув хўжалик бирлашмасининг тажрибаси.//Irrigatsiya va melioratsiya, Тошкент, № 2 (12) 2018 й. 31 – 33 б.
6. Бакиев М.Р., Кириллова Е.И., Янгиев А.А., Рахматов Н., Машарифов У.Х. Разработка критериев безопасности речных водозаборных гидроузлов. Монография, Ташкент 2017 г. 200 с.
7. Бакиев М.Р., Рахматов Н., Ибраймов А. Каналдаги гидротехника иншоотларидан фойдаланиш. Тошкент, 2018 йил, ФАН нашриёти, 277 б.

УЎТ:635.61+611

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИНИНГ ҚАДИМИЙ НАВЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ, ИСТИҚБОЛЛИ ВА ЭКСПОРТБОП НАВ НАМУНАЛАРИНИ АЖРАТИШ

Р.А. Низомов, к/х.ф.д., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ, Тошкент

С.М. Садуллаев, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмур академияси, Хива

Ш. Бўриев, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Кибрай

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм қовунларининг қадимий навларини қайта тиклаш, генофондини сақлаш ва экспортбоп қовун навларини ажратилиш мақсадида Хоразм воҳасининг маҳаллий 36 та қовун навуналари ўрганилди. Бунда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти генофондида сақланаётган, 2016 йили экиб уруғлари олинган қовун навуналари коллекцияси уруғларидан фойдаланилди. Олинган натижаларга асосан юқори кўрсаткичга эга бўлган навлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзи: қовуннинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларини уруғларни униб чиқиши, гуллаши ва меваларни пишиб етилиши, навларини ер устки қисмини ўсиб ривожланишига турли хил тупроқ аралашмаларнинг таъсирини ўрганиши.

Аннотация. В данной статье изучено 36 местных сортов дынь Хорезмского оазиса с целью восстановления древних сортов хорезмских дынь, сохранения генофонда и выделения экспортно-ориентированных сортов дынь. В данном случае были использованы семена коллекции образцов сортов

дыни, посеянные в 2016 году, хранящиеся в генофонде НИИ овощей, дынь и картофеля. По полученным результатам были показаны сорта с высокими показателями.

Ключевые слова: изучить влияние различных почвенных смесей на всхожесть, цветение и созревание плодов раннеспелых, среднеспелых и позднеспелых сортов дынь, рост и развитие надземной части сортов

Abstract. In this article: 36 local melon varieties of Khorezm oasis were studied in order to restore the ancient varieties of Khorezm melons, preserve the gene pool and separate export-oriented melon varieties. In this case, the seeds of the collection of samples of melon varieties, sown in 2016, stored in the gene pool of the Research Institute of Vegetables, Melons and Potatoes, were used. Based on the results obtained, varieties with high performance were shown.

Keywords: to study the effect of different soil mixtures on seed germination, flowering and fruit ripening of early, middle and late ripening varieties of melons, the growth and development of the surface part of the varieties.

Кириш: Тадқиқотлар 2018-2020 йиллар давомида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий тажриба станциясига худудиди олиб борилди. Қовун коллекцияси нав намуналари уруғлари 2018-2020 йиллар давомида ерга май ойининг биринчи декадасида, умумий майдони 1,5 га майдонига экилди. Қабул қилинган агротехнология асосида, тажриба услубияти ва қайтариқлари бўйича тадқиқот олиб борилди.

Тажрибада фенологик кузатувлар олиб борилди. Бунда уруғларни 10 ва 75%га униб чиқиши, дала унвчанлиги, ўсимлик чин барглари пайдо бўлиши, оталик ва оналик гулларини 10 ва 75%га гуллаши ҳамда меваларини пишиб етилиши аниқланди (3.4-жадвал, 4-иловага қаранг).

1-жадвал

Қовун коллекциясининг фенологик кузатув натижалари (2018-2020 йй.)

т/р	Нав намуналари	Каталог рақами	Уруғларни униб чиқиши, кун	Дала унвчанлиги, %	Гулларини очилиши, кун		Мева етилиш даври, кун
					оталик	оналик	
Эргапишар навлар							
1	Тўқ сарик Хандалак	3	16	22	30	32	65
2	Хандалак	4	15	84	34	42	74
3	Тарнак	9	16	83	35	41	89
4	Хон қизи	10	16	90	35	41	95
5	Нон гўшт Хоразм	17	16	95	35	43	95
6	Қўлёзи Гурвак	18	16	90	35	44	97
7	Шерози қовун (қизил мағиз)	21	16	77	34	41	87
8	Хитойи (қизил мағиз)	22	16	83	33	40	90
9	Жида япроқ	24	16	80	36	42	94
10	Оқ сут	28	16	77	32	41	90
11	Ширин печак (қизил м)	29	16	79	34	42	94
12	Жида гули	32	16	89	35	45	96
Ургапишар навлар							
13	Бижир	33	16	91	35	48	114
14	Қиличбой бешак	53А	16	96	36	45	113
15	Бешак V форма қўтир бош	55	16	92	36	46	113
16	Кара кош (тилич)	55А	16	88	36	46	115
17	Бешак V-а форма	56	16	84	35	46	117
18	Ола хамма беша к	5VI a	16	84	37	50	134
19	Бешак V форма	57	16	85	36	46	120
20	Кизил қўтир бош	57А	16	87	36	46	117
21	Бешак V форма	58	16	92	36	46	118
22	Қари киз	10IVa	16	72	44	54	141
23	Бешак ёз бешак	61	16	95	35	46	100
24	Заргулоби		16	94	35	45	99
Кечпишар навлар							
25	Бешак IX форма шарсимон	73	16	95	36	45	108
26	Олмурт гулоби II форма	85	16	82	44	54	129
27	Наврўзбой	86	16	81	34	44	97
28	Олмурт гулоби	87	16	83	44	54	130
29	Кўк гулоби	97	16	84	38	50	124
30	Туя қовун	98	16	80	35	45	119
31	Ола хамма шарсимон	10VI a	16	88	35	45	124
32	Бешак VIII форма	71	16	95	35	41	100
33	Шойи қовун	108	16	89	33	42	113
34	Туя қовун II форма	109	16	88	34	45	121
35	Кўк Гулоби	100	16	78	35	45	126
36	Тўёна		16	81	34	45	104

Ўрганиш натижаларига кўра, қовун нав намуналари уруғларнинг 10 ва 75% га униб чиқиши бўйича навлараро бир-биридан кескин фарқланиш кузатилмади. Уруғларни 10% га униб чиқиши навлараро 12-13 кунда кузатилган бўлса, 75% га униб чиқиши эса 15-16 чи кунда намоён бўлди.

Қовун навлари ичида Замча гурвак, Замча (катта хомлали) ва Хандалак навлари уруғлари 75% нисбатан эртарок, экилгандан 15 кун ўтгач униб чиқди. Қолган барча намуналар эса 16 кунда униб чиққан. Тажрибада қовун коллекцияси уруғларнинг дала унвчанлиги аниқланди. Бунда тўқ сариқ Хандалак - нави энг паст даражада, яъни 22% дала унвчанликка эга бўлди. Қолган барча навлар 72-96% оралиғида униб чиққанлиги аниқланди.

Энг юқори дала унвчанликка (90-96%) эга бўлган навлар Оқ каллапош, Оқ босволди, Хон кизи, Оқ гурвак, Нон гўшт Хоразм, Қўлэзи Гурвак, Жийда япроқ II форма, Жийда япроқ III форма (мазали), Эрмак каун Хоразмск, Бижир-33, Бижир-33А, Ёз бешак I форма, Кара кош бешак, Бешак II форма-39, Бешак II форма -39А, Бешак II форма -40, Бешак II форма -41, Бешак IV форма, Бешак IV форма (с/мсун), Ёз бешак IVа форма, Бешак IVа форма, Бешак (узунчок), Қиличбой бешак, Бешак қора кош, Бешак V форма қўтир бош, Заргулоби, Бешак V форма, Бешак V форма узун, Бешак VI а форма, Бешак ёз бешак, Кўк ёз бешак - 65, Бешак VII в форма-67, Бешак VII в форма-67А, Кўк бешак VII в форма -68, Кўк бешак VII в форма -69, Кўк бешак VIII форма -70, Бешак VIII форма, Бешак IX форма шарсимон-72, Бешак IX форма шарсимон-73, Бешак IX форма шарсимон-74, Шойи қовун -107, Шойи қовун -107А ва Шойи қовун -107Б навлари бўлди.

Нисбатан кам дала унвчанликка эга бўлган (75% дан кам бўлган) Хандалак оранживый краси, Барги (чизиқсиз), Бешак форма, Қари киз, Қўтир қовунбешак Ола Хамма, Оқ кош бешак, Говрок бешак ва Қари киз (мазали) навларида кузатилди. Қолган навларда эса 76-89% ни ташкил этди.

Тажрибада қовун нав намуналарининг ниҳоллари пайдо бўлгандан сўнг 1-3 чинбаргларнинг пайдо бўлиши ҳам кузатилди. Бунда уруғлар униб чиққандан 5-6 кун ўтиб, навлараро биринчи чинбаргларнинг пайдо бўлиши ва 9-10 кун ўтгач эса иккинчи чинбарглар пайдо бўлиши кузатилди. Ўсимлик чинбаргларини пайдо бўлишида навлараро кескин фарқланиш кузатилмади.

Фенологик кузатувлар натижасида Хоразм воҳасида қовун навларининг оталик ва оналик гулларини 10 ва 75% га очилиш муддати аниқланди.

Бунда оталик гулларни 75% га гуллаши навлараро 30-45 кунни ташкил этиб, нисбатан эрта 30-33 кундан сўнг Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўқ сариқ Хандалак, Барги (чизиқсиз), Хитойи (қизил мағиз), Оқ сут, Шойи қовун – 107Б ва Шойи қовун -108 навларида оталик гуллари очилган.

Тажрибада нисбатан кеч (40 кундан ортиқ) Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Кўк Гулоби, Бешак форма, Бешак, Гурваксимон бешак, Қора гулоби I форма-80, Қора гулоби I форма-81, Қора гулоби I форма-82, Олмурт гулоби II форма, Олмурт гулоби, Олмурт гулоби (типич), Қора гулоби II форма, Кўк Гулоби 1402, Кечпишар Қари киз, Қари киз (мазали) ва Қари киз навларида оталик гуллари очилган. Қолган намуналарда эса 34-40 кунни ташкил этган.

Оналик гулларни 75% га пайдо бўлишида нисбатан эртарок гуллаган намуналар Замча гурвак, Замча (катта хомлали) ва Тўқ сариқ Хандалак навлари уруғлари униб чиққандан 32-40 кун ўтгач оналик гуллари пайдо бўлган.

Нисбатан кеч гуллаган Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Олахаққа, Кўк Гулоби, Бешак форма, Бешак, Гурваксимон бешак, Қора гулоби I форма-80, Қора гулоби I форма -81, Қора гулоби I форма -82, Қора гулоби III форма, Олмурт гулоби II форма, Олмурт гулоби, Олмурт гулоби (типич), Қора гулоби II форма, Кўк Гулоби 1402, Қора гулоби, Қора гулоби (серҳосил), Кўк гулоби (серҳосил), Кўк гулоби, Кечпишар Қари киз, Қари киз (мазали) ва Қари киз навлари 50-57 кунда гуллаган. Қолган намуналар ўсимликларида эса оналик гулларининг гуллаши 41-49 кунни ташкил этган.

Ушбу кўрсаткич нисбатан кам, яъни 600 см дан кам бўлган Жийда япроқ, Жийда япроқ II форма, Ёз бешак ранний, Ёз бешак ранний, Бешак I форма-35, Бешак I форма -37, Ёз бешак I форма, Бешак II форма-39, Бешак II форма-41, Бешак VIII форма (мазали), Бешак III форма - 46, Бешак III форма -47, Бешак IV форма, Бешак IVа форма, Бешак V форма, Қиличбой бешак, Бешак V форма қўтир бош ва Бешак V-а форма нав намуналарида кузатилди.

Биометрик ўлчовда яна бир асосий кўрсаткичлардан бири бу, ўсимликнинг ён шохларнинг сонини аниқлаш. Бунда бир туп палакда ён шохлар сони 4 донадан юқори бўлган Бешак форма, Қора гулоби I форма-80, Қора гулоби I форма-82, Қора гулоби II форма, Олмурт гулоби II форма, Наврўзбой, Олмурт гулоби (кичик), Олмурт гулоби (типич), Нон гўшт (тиғизли мағз), Қора гулоби II форма, Қора гулоби, Кўк гулоби (серҳосил), Туя қовун, Қари киз ранная, Қари киз (сершохла), Қари киз (сершохла)-104, Қари киз, Ола хамма шарсимон, Шойи қовун-107, Шойи қовун-107А, Шойи қовун-107Б, Шойи қовун-108, Туя қовун II форма, Қўтир қовун II форма ва Тўёна навлари аниқланди. Уларда ён шох сони 4,0-4,3 донани ташкил этди.

Ён шохларнинг сони нисбатан кам, яъни 3,2-3,3 донани ташкил этган Замча (катта хомлали), Оқ босволди, Чизиқли тарнак, Оқ гурвак, Қўлэзи Гурвак ва Шерози қовун (қизил мағиз) навлари бўлди. Қолган навлар эса бу кўрсаткич 3,4-3,9 дона оралиғини ташкил этган.

Тажрибада қовунни эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари ўсимликнинг ер устки қисми морфологик белгилари ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Хоразм воҳасида қовун коллекциясини ўрганишда биометрик ўлчов натижалари ва касалланиш даражаси кўрсаткичлари (2018-2020 йй.)

т/р	Нав намуналари	Каталог рақами	Асосий поя узунлиги, см	Умумий узунлиги, см	Ён шоҳлар сони, дона	Ун шудринг билан касалланиши, %
Эртапишар навлар						
1	Тўқ сариқ Хандалак	3	179,8	721,0	3,6	0
2	Хандалак	4	165,9	707,4	3,8	0
3	Тарнак	9	169,4	733,8	3,6	0
4	Хон қизи	10	176,1	713,5	3,5	2,5
5	Нон гўшт Хоразм	17	172,2	697,0	3,6	0
6	Кўлэзи Гурвак	18	151,2	681,4	3,2	2,5
7	Шерози қовун (қизил мағиз)	21	137,9	660,4	3,3	5,0
8	Хитойи (қизил мағиз)	22	148,1	650,4	3,8	5,0
9	Жида япроқ	24	117,7	536,5	3,6	0
10	Оқ сут	28	134,3	640,7	3,4	0
11	Ширин печак (қизил м)	29	158,6	706,0	3,7	2,5
12	Жида гули	32	123,3	594,6	3,6	0
Ўртапишар навлар						
13	Бижир	33	148,8	652,9	3,6	0
14	Қиличбой бешак	53А	118,4	590,9	3,5	0
15	Бешак V форма қўтир бош	55	136,5	543,4	3,6	0
16	Кара кош (тилич)	55А	135,3	611,1	3,4	5,0
17	Бешак V-а форма	56	138,2	571,8	3,6	2,5
18	Ола ҳамма беша к	5VI а	131,5	631,5	3,5	0
19	Бешак V форма	57	130,4	630,9	3,9	0
20	Кизил қўтир бош	57А	135,8	693,3	3,9	0
21	Бешак V форма	58	137,9	672,9	3,8	2,5
22	Қари киз	10IVa	144,9	790,3	4,0	0
23	Бешак ёз бешак	61	123,5	612,5	3,6	5,0
24	Заргулоби		136,4	607,5	3,5	0
Кечпишар навлар						
25	Бешак IX форма шарсимон	73	147,8	702,9	3,6	2,5
26	Олмурт гулоби 2 фор.	85	154,0	782,3	4,0	3,0
27	Наврўзбой	86	150,2	683,6	4,2	0
28	Олмурт гулоби	87	179,4	835,9	3,8	0
29	Кўк гулоби	97	189,3	883,1	3,6	10
30	Туя қовун	98	168,7	811,7	4,2	0
31	Ола ҳамма шарсимон	10VI а	146,8	796,3	4,0	10
32	Бешак VIII форма	71	135,8	713,6	3,8	4,5
33	Шойи қовун	108	142,2	737,3	4,0	15
34	Туя қовун II форма	109	161,5	740,3	4,0	10,5
35	Кўк Гулоби	100	163,0	739,7	3,6	15
36	Тўёна		179,3	676,7	4,0	2,5

Бунда эртапишар навларда ўсимликнинг асосий поя узунлиги билан ён шоҳлар сони ўртасида ($r = 0,97 \pm 0,46, t - 10,5$), асосий поя узунлиги билан қуруқ модда миқдори ўртасида ($r = 0,90 \pm 0,22, t - 11,6$), асосий поя узунлиги билан меванинг вазни ўртасида ($r = 0,72 \pm 0,34, t - 12,9$), ўртапишар навларда асосий поя узунлиги билан ён шоҳлар сони ўртасида ($r = 0,95 \pm 0,17, t - 18,5$), асосий поя узунлиги билан меванинг вазни ўртасида ($r = 0,74 \pm 0,16, t - 8,0$), кечпишар навларда асосий поя узунлиги билан ён шоҳлари узунлиги ўртасида ($r = 0,81 \pm 0,14, t - 9,6$), асосий поя узунлиги билан қуруқ модда миқдори ўртасида ($r = 0,69 \pm 0,17, t - 10,1$) ни ташкил қилди.

Таҷрибада қовун коллекциясини касалликларга, айниқса ун шудринг касаллиги билан касалланиш даражасини, ўсимликларни ўсув даври давомида икки марта кузатувларда аниқланди. Уруғлар униб чиққандан 40 ва 100 кун ўтгач (визуал) оддий фонда кўз билан аниқланди. Жадалда иккинчи кузатув натижалари келтирилган бўлиб, ун шудринг касаллиги билан касалланмаган, нисбатан чидамли нав намуналари кузатилди.

Қовунни ун шудринг касаллиги билан касалланмаган навлари: Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Ола бўрикалла, Чизикли тарнак, Тарнак, Ола гурвак, Ола

гурвак кўк мағиз, Олахаққа, Нон гўшт Хоразм, Барги (чизиксиз), Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут, Ёз бешак ранний, Жида гули, Бижир, Бешак I форма, Бешак I форма, Бешак I форма, Ёз бешак I форма, Кара кош бешак, Бешак II форма, Бешак II форма, Ёз бешак II форма, Ёз бешак II форма, Бешак VIII форма (мазали), Бешак, Бешак (узунчоқ), Қиличбой бешак, Бешак қора кош, Бешак V форма қўтир бош, Ола хамма беша к, Бешак V форма, Кизил қўтир бош, Заргулоби, Бешак ёз бешак, Оқ кош бешак, Ёз бешак 7 форма, Кўк ёз бешак, Бешак VII в форма, Бешак VII в форма, Кўк бешак VII в форма, Кўк бешак VII в форма, Бешак форма, Бешак, Қари киз, Қора гулоби I форма, Наврўзбой, Олмурт гулоби, Туя қовун ва Сары гуляби навлари.

Ҳар бир ўсимликда 1-2 дона уруғлик учун чангланган мевалар қолдирилди ва уларни парваришлаш ишлари олиб борилди. Уруғлик мевалар ёрлик орқали назоратга олинди, ҳосил пишгандан сўнг ҳар бир навларнинг меваларидан уруғлар олинди.

Тажрибада ҳар бир ўсимликдаги мевалар сони, мева вазни, меваси этини қалинлиги, меванинг кимёвий таркиби, яъни нитратлар миқдори ва куруқ модда миқдори аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм воҳасида қовун коллекциясини ўрганишда мевасининг сони, вазни ва биокимёвий таркиби кўрсаткичлари (2018-2020 йй.)

т/р	Нав намуналари	Каталог рақами	Мева сони	Мева-нинг вазни, кг	Этининг қалинлиги, см	Нитрат-лар, мг/кг	Куруқ модда миқдори, %
Эртапишар навлар							
1	Тўк сариқ Хандалак	3	4	2,8	3,6	0	10,0
2	Хандалак	4	3	2,5	4,1	19,1	11,7
3	Тарнак	9	3	2,9	4,8	20,0	10,0
4	Хон кизи	10	4	3,1	4,5	20,5	12,0
5	Нон гўшт Хоразм	17	4	3,4	4,8	22,3	11,5
6	Кўлэзи Гурвак	18	4	3,0	4,8	22,4	12,1
7	Шерози қовун (қизил мағиз)	21	3	4,2	4,5	21,9	11,8
8	Хитойи (қизил мағиз)	22	3	5,5	5,1	21,5	13,1
9	Жида япроқ	24	4	2,4	3,7	24,1	13,6
10	Оқ сут	28	4	2,5	3,8	23,0	16,3
11	Ширин печак (қизил м)	29	4	4,4	4,8	23,1	12,0
12	Жида гули	32	3	5,4	4,7	23,1	13,5
Ўртапишар навлар							
13	Бижир	33	5	5,8	6,7	24,1	12,0
14	Қиличбой бешак	53А	4	6,1	5,5	25,3	12,3
15	Бешак V форма қўтир бош	55	4	5,4	5,8	27,1	11,9
16	Кара кош (тилич)	55А	4	6,9	6,2	27,2	10,2
17	Бешак V-а форма	56	4	5,9	5,7	23,7	10,1
18	Ола хамма беша к	5VI а	3	5,7	5,1	26,1	11,6
19	Бешак V форма	57	3	4,3	4,6	27,1	10,8
20	Кизил қўтир бош	57А	3	9,7	7,1	27,1	8,9
21	Бешак V форма	58	3	5,7	5,8	28,1	10,8
22	Қари киз	10IVа	3	8,5	6,7	30,0	10,9
23	Бешак ёз бешак	61	3	3,8	5,1	26,1	13,7
24	Заргулоби		3	5,0	5,6	25,1	15,2
Кечпишар навлар							
25	Бешак IX форма шарсимон	73	4	4,0	5,8	23,1	14,7
26	Олмурт гулоби II форма	85	3	6,9	5,2	29,8	13,0
27	Наврўзбой	86	3	9,3	7,1	31,2	10,2
28	Олмурт гулоби	87	3	6,1	4,8	31,2	11,9
29	Кўк гулоби	97	4	9,4	7,0	30,1	13,2
30	Туя қовун	98	4	6,0	5,8	32,3	12,8
31	Ола хамма шарсимон	10VI а	3	7,4	6,7	31,1	10,7
32	Бешак VIII форма	71	4	6,4	6,0	28,5	12,1
33	Шойи қовун	108	4	7,2	6,3	32,3	12,2
34	Туя қовун II форма	109	4	7,9	6,5	32,1	12,0
35	Кўк Гулоби	100	4	6,0	5,5	29,1	12,2
36	Тўёна		4	5,7	5,3	32,1	14,5

Қузатувларга кўра, ўсимликлардаги қовун мевалари сони навлараро катта фарқланмади, яъни 3-5 донадан мева ҳосил қилганлиги маълум бўлди. Олиб борилган ўлчов ишлар натижасига кўра, қовун коллекцияси навларининг меваси вазни бўйича 1,7-3,5 кг гача бўлган Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўк сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Бешак ёз бешак, Ола бўрикалла, Чизикли тарнак, Тарнак, Хон кизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Бешак VIII форма (мазали), Бешак, Нон гўшт Хоразм, Кўлэзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Хтои II форма (қизил мағз), Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма (мазали), Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут ва Эртапишар ёз бешак навларида

кузатилган. Ушбу навлар мевасининг вазни кичик эканлиги билан ажралиб чиқди.

Мева вазни нисбатан йирик бўлган, яъни 8,5-10,8 кг гача бўлган Бешак IVa форма, Кизил қўтир бош, Бешак, Наврўзбой, Кўк гулоби (серҳосил) -95, Кўк гулоби (серҳосил) -96, Кўк гулоби, Қари киз ва Шойи қовун-107Б навларида кузатилди. Ушбу навлар нисбатан катта, йирик мевали эканлиги аниқланди. Қолган навларнинг мевасини вазни 3,6-8,4 кг оралиғида бўлган (3-жадвал).

Тажрибада қовун навларининг биокимёвий таркиби Урганч давлат университети лабораториясида таҳлил қилинган бўлиб, унда асосан нитратлар миқдори ва куруқ модда миқдори аниқланди. Натижаларга кўра, қовунни 36 та нав намуналари мевасининг таркибидаги нитрат миқдори бўйича фарқланиш 23-34 мг/кг ни ташкил этди. Бу кўрсаткич албатта барча навларда қовун меваси таркибида нитратнинг рухсат этилган меъёрдан (ПДК-150 мг/кг) кам эканлигини тасдиқлади. Ушбу маълумот қовунни экспорт қилишда, сифатли маҳсулот ва нитратлар меъёри бўйича талабларига жавоб беради.

Қовун навларининг меваси таркибидаги куруқ модда миқдори ҳам таҳлил қилинганда улар орасидаги фарқланиш 8,9-14,5% ни ташкил этган. Таҳлил натижалари бўйича нисбатан куруқ моддаси кўп (11-14,5%) бўлган навлар ўртапишар ва кечпишар навларда кузатилди. Дунё бозорида қовун экспорти ва қайта ишлаш саноатида, унинг таркибидаги куруқ модда ва қанд миқдорининг кўплиги билан қадрланади.

Тажрибада қовунни эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари мевасининг морфологик белгилари ўртасида корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Бунда эртапишар навларнинг мева вазни билан этининг қалинлиги ўртасида ($r = 0,94 \pm 0,17, t - 2,8$), мева вазни билан ён шохлар сони ўртасида ($r = 0,51 \pm 0,43, t - 7,2$), мева вазни билан куруқ модда миқдори ($r = 0,58 \pm 0,41, t - 12,2$), ўртапишар навларда мева вазни билан этининг қалинлиги ўртасида ($r = 0,81 \pm 0,13, t - 11,8$), кечпишар навларда эса мева вазни билан мева эти қалинлиги ўртасида ($r = 0,65 \pm 0,18, t - 10,1$) ни ташкил қилди.

Қовун навлари ҳосили биологик пишиб етилгандан сўнг, ҳар бир навларнинг морфологик белгиларига эга бўлган, навга хос, инцухт қилинган мевалари йиғиб олинди. Уч йил давомида ҳар бир нав алоҳида қилиб уруғлари олинди, ювилди ва салқин жойда қуритилиб, қоғоз пакетларга солинди.

Қовун уруғларининг йиллар давомида генофондга топшириш учун уруғларни саралаш, ундириш ва униш энергиясини аниқлаш ишлари олиб борилди. 2018-2020 йиллар давомида қовун нав намуналаридан олинган уруғлари сараланиб, уларни лаборатория шароитида термостатда Петри идишида унувчанлиги ва униш энергияси аниқланди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Хоразм воҳасида ўрганилган 125 та нав намуналаридан ўсимликни оналик гулларни эртароқ гуллаган (32-40 кун) ҳамда эртапишар (65-99 кун) Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Заргулоби, Наврўзбой, Олмурт гулоби (кичик), Нон гўшт (тиғизли мағз), Оқ босволди, Ола бўриқалла, Чизикли тарнак, Тарнак, Хон кизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Олахақка, Олахақка (қизил мағз), Нон гўшт Хоразм, Қўлэзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Барги (чизиксиз), Шерози қовун (қизил мағиз), Хитойи (қизил мағиз), Хтои II форма (қизил мағз), Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма (мазали), Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут, Ширин печак (қизил м), Ширин пичек (кўк мағз), Эртапишар ёз бешак ва Жийда гули навлари аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. Тошкент. 2007. – Б. 147.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва: Агропромиздат, 1985. – С. 223-290.
3. Коринец В.В., Санникова Т.А., Самодуров В.Н. Целевая оценка качества плодов дыни (методика). Астрахань. 2006. – Б. 27.
4. Курбониязов Р. Хоразм географияси. Урганч. 1997. -Б. 45-50.
5. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. Москва. ГНУ ВНИИО. 2011. – С. 648.
6. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Выпуск IV Картофель, овощные и бахчевые культуры. – Москва Колос, 1975. – С. 36-46.
7. <http://www.sgau.ru/files/pages/14691/14327973036.pdf>,
8. <https://www.twirpx.com/file/967750/>

ЎУК: 528.7.

КАДАСТР ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ОРТОФОТОПЛАНЛАРНИ ЎРНИ

Ж.Ж. Пиримов, катта ўқитувчи, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
М.М. Махмудов, талаба, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақола кадастр ишларини юритишда ортофотопланлардан фойдаланиш ва геоахборот тизимларини (ГАТ) қўллашнинг илмий асосларини яратишга бағишланган.

Калит сўзлар: кадастр, ортофотоплан, ер ресурслари, геоахборот тизимлари, маълумотлар банки, қишлоқ хўжалик ерлари

Аннотация. Статья посвящена созданию научных основ использования ортофотопланов и использованию геоинформационных систем (ГИС) при ведении кадастровых работ.

Ключевые слова: кадастр, ортофотоплан, земельные ресурсы, геоинформационные системы, база данных, земли сельскохозяйственного назначения

Abstract. The article is devoted to the creation of scientific foundations for the use of orthophotomaps and the use of geographic information systems (GIS) in the conduct of cadastral works.

Key words: cadastre, orthophotomap, land resources, geoinformation systems, database, agricultural land

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий- худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 299-сонли қарорига мувофиқ 2018-2021 йилларда ушбу қарор низоми асосида муҳим замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда, космик суратлар ва дронлар ёрдамида юқори сифатли ортофотопланлар асосида “Ўздаверлойиха” институти ва унинг худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Жумладан,

- маъмурий худудий бирликлар чегараларини белгилаш;

- республикамиздаги барча тоифадаги ва турдаги ер ресурсларини хатловдан ўтказиш.

Ортофотопланлар асосида ер ресурсларини хатловдан ўтказиш самарадорлиги сабабли бугунги кунда мазкур тадбирни ўтказиш зарур эди.

Биринчидан. Маъмурий худудий бирликлар чегараларини белгилаш ишлари дастлаб 1924 йилда Ўзбекистон Республикаси ташкил топгандан кейин бошланиб, 1938 йилда вилоятлар ва туманлар чегараларини белгилаш бошланган эди. Шу кунга қадар чегараларни белгилаш ишлари ўзгармас элементларга боғланган ҳолда, яъни дарёлар, каналлар, йўллар, тепаликлар, сойлик ва бошқа топографик элементларга боғланиб келинган. Агарда чегарани ушбу элементларга боғлаш имкони бўлмаган тақдирда фақат худуднинг чегара тавсифи ва 1: 100 000 дан йирик масштабдаги хариталарга асосланиб чегара чизиги белгилаб келинган. Вазирлар Махкамасининг 299-сонли қарори асосида - маъмурий худудий бирликларнинг чегаралари космик суратлар асосида давлат координатлари тизимига боғланган ҳолда, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000 ва 1:100 000 масштабдаги электрон карталар яратилади. Энг асосийси ҳар бир маъмурий худудий чегаранинг бурилиши нуқталари бўйича алоҳида координаталар каталоги яратилади.

Иккинчидан. Ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ишлари ҳам маъмурий худудий бирликлар чегараларини белгилаш билан бир даврда бошланган ва дастлабки хатлов ишлари натижаси билан республикамиздаги барча тоифадаги ва турдаги ер ресурсларини акс эттирувчи ер хисоботи шакллантирилган.

Ўшандан буён ер ресурсларининг барча тоифаси ва турлари бўйича бир пайтнинг ўзида ялпи хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилмаган, фақат турли даврларда айрим ер турлари бўйича хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилиб келинган.

Энди янги тартиб асосида - республикамиз ер ресурсларининг барча тоифаси ва турлари космик суратлар асосида тўлиқ ялпи хатловдан ўтказилади. Хатлов якуни билан ер ресурсларининг барча тоифаси ва турлари мужассамлашган давлат координатлари тизимига боғланган 10 000, 25 000, 50 000 ва 100 000 масштабдаги электрон карталар яратилади.

Энг асосийси ривожланган давлатлардаги каби республикамизда ҳам “онлайн” режимида ер хисоботларини юритилишига ҳамда барча ер турларидан фойдаланиш ҳолатини ва ноқонуний ҳолатларни мунтазам назорат қилиб боришнинг ахборотлашган тизимини яратилишига эришилади [2]. Бу эса мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ортофотоплан кўпчилик ҳолларда рақамли карта ва планларни тузиш учун муҳим маълумот манбаи сифатида қаралади. У ерларни инвентаризациялаш натижаларини тасвирлашда картографик асос ва ГИС да растр сифатида ишлатилиши мумкин.

Ортофотоплан – бу ортофотосуратлардан тузилган топографик фотопландир. Ўз навбатида ортофотосурат бу – ортофототрансформирлаш, яъни топографик аэрофотосуратни марказий проекциядан ортогонал проекцияга ўтказиш натижасида олинган жойнинг фотосуратидир [3].

Шуни таъкидлаш керакки, биринчидан ортофототрансформирлашни белгилаш унчалик аниқ эмас, иккинчидан бу термин бироз эскирган ва замонавий ишлаб чиқаришда қўллашда унинг аниқлиги камроқ. Хуллас, ортофотосурат жой объектлари ва жойнинг ҳақиқий ортогонал проекцияси бўлиб ҳисобланмайди. Ортогонал проекцияда фақат ер юзаси тасвирланади (рельеф), ер юзасидаги объектлар эса тасвирланмайди.

Замонавий ишлаб чиқаришда фотографик (оптика-механик) методлар ва воситалар қўлланилмаяпти, улар ўрнига рақамли (компьютер) технологиялар ишлатилаяпти, шу сабабли “ортофототрансформирлаш” терминини “ортотрансформирлаш” термини билан алмаштириш тўғри бўлар эди.

Замонавий рақамли технологиялар жой ва унда объектлар жойлашувини ҳақиқий ортогонал проекцияси саналувчи ортофотосуратларни (true orthophoto) олиш имкониятини беради. Аммо ҳозирги ҳақиқий ортофотосуратларни ишлаб чиқариш оддий ортофотосуратларни тузишга қараганда кўп ҳаражатлидир. Шу туфайли бундай маҳсулот кам ишлаб чиқарилади.

Ортофотопланлар ерларни инвентаризациясини ўтказишда картографик асос сифатида қўллашда кенг ўрин эгаллайди, чунки улар жуда тез тузилиши ҳамда карта ва планларни ишлаб чиқаришга қараганда арзонга тушади. Бундан ташқари ортофотопланлар навбатдаги карта ва планларни тузишда ҳам ишлатилади, аммо улар масштаблар билан чегараланган, яъни 1:10 000 ва майда масштабларда уларни

самарадорлиги камайиб кетади. Жойдаги объектлар, айниқса баланд объектлар (бинолар) ортогонал проекцияда геометрик хатолик билан тасвирланади [3].

Шу сабабли, бинолар қурилган ҳудудларни кадастр карталарини тузиш учун ортофотоплан ва ортофотосуратлар тўғри келмайди. Чунки қурилган ҳудудлар контурларида биноларнинг чекка нуқталари кадастр карталарида тўғри кўрилиши керак, ортофотоплан ва ортофотосуратларда бундай хусусиятлар йўқ. Бундай объектларни съёмка қилиш, тасвир бўйича уларни асосини аниқлаш жуда мушкул, улар бажарувчидан махсус малака талаб этади ҳамда объектларни контурли ҳолатга келтириш маълум даражада нисбийликка эга.

Объектларни кадастр съёмкасида асосий эътибор ер участкаларининг чегараларига қаратилади. Камдан кам ҳолларда улар тўсиқлар ва бошқа шунга ўхшаш жойлардан ўтади. Ортофотопланда тўсиқларни асосини кўриш анча қийин, унда тўсиқларни юқори қисми билан чалкаштириб юбормаслик керак. Шу тўғрисида қурилган ерларнинг кадастр карталарини тузишда съёмкани стереоскопик методини қўллаш тавсия этилади.

Ортофотопланлардан ташқари, ортофотопланларни ўзида намоён қиладиган ортофотокарталар ҳам чиқарилади, уларда жойдаги объектлар штрихли картографик тасвирлар билан берилди (масалан, аҳоли пункти чегаралари).

Ортофотопланлар аҳоли пунктлари оралиғи ҳудудларининг 1:10 000 масштабли карталарини тузишда қўлланилса, жуда самарали бўлиши мумкин. Чунки бундай жойларда съёмканинг асосий объекти кўп ҳолларда ер юзасидан кўтарилиб турадиган объектлари бўлмаган ер участкалари саналади. Бундай съёмка ўтказиладиган ишчи ўринларида ортофотопланларни қўллаш стереоскопик съёмкага қараганда анча арзон ва қулайдир.

Ортофотопланларни векторлаш карталарни векторлашга жуда ўхшашдир. Қоида бўйича, ортофотопланларни векторлашда карталарни векторлаш учун ишлатиладиган дастурий воситалар ва ишчи ўринларидан фойдаланилади. Бу ерда асосий масала дешифровка йўли билан объектлар контурининг векторли моделини олишга қаратилгандир. Дешифровка аввалроқ далада ўтказилиши ёки камерал ҳолатда бажарилиши мумкин.

Стереоскопик съёмка, одатда, ортофотопланли съёмкадан фарқ қилмайди, аммо стереоскопик съёмкада икки ўлчамли растрли тасвирлар эмас, балки жойнинг уч ўлчамли стереоскопик модели векторланади. Стереоскопик съёмка натижасида контурларнинг векторли модели уч ўлчамга келади, яъни контурнинг ҳар бир нуқтаси учта координата билан берилди. Стереоскопик съёмка натижасида шакллантирилган уч ўлчамли график файллар ГИС воситаларида қайта ишланиши осон бўлиши учун икки ўлчамга келтирилади. Стереоскопик съёмка аниқликдан ташқари яна бир муҳим нарсани беради: стереоскопик дешифровкада объектлар сонини дешифровка қилиш камерал ҳолда бажарилиши мумкин.

Демак, худди ортофотопланли съёмкадагидек, стереоскопик съёмка натижаси ҳам объектлар контурининг векторли модели саналади. Масалан, Intergraph дастурий-техник воситаси билан ишлаганда бу векторли модель DGN (MicroStation) форматдаги график файл шаклида кўрсатилади. Бу файлдаги график объектлар ва объект элементлари контурларини кўрсатувчилари ГИС MGE маълумотлар базаси жадвали билан алоқада бўлиши мумкин. Бу алоқада жойдаги қайси объект контури график объект маълумоти ҳисобланишини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари ортофотоплан ёки стереоскопик съёмкани векторлаш вақтида график объектлар билан объект атрибутлари жадвали ва ҳатто объектнинг аниқ тавсифи билан ҳам алоқа ўрнатиш мумкин. Аммо, рақамли карта маълумотларини топологик модели қўлланилганда, бундан амалга ошириш учун, масалан, ГИС MGE да бевосита векторлаш ёки стереоскопик съёмка вақтида график объектлар билан объектлар жадвалида кўрсатилган ҳамма жойдаги объектлар ўртасида барча алоқалар ўрнатилмаслиги керак.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ортофотопланларни тузиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Кадастр агентлигининг Ерни масофадан туриб зондлаш, геодезия ва картография бошқармасининг маълумотига кўра 2018-2019 йилларда Корея давлатининг KOMPSAT-3 ва KOMPSAT-3A сунъий йўлдошлари ёрдамида Республикамиз ҳудудини тўлиқ қопловчи космик суратлар олинган ва суғориладиган ерлар ҳамда аҳоли пунктлари учун 1:10 000 масштабдаги 5712 та, шунингдек, қолган (тоғ, тоғолди ва чўл) ҳудудлари учун 1:25 000 масштабдаги 3608 та, жами 9320 та ортофотопланлар яратилган. Кўчмас мулкни ҳисобга олиш, суғориладиган ерларни хатлов қилиш мақсадида Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудларида аэрофотосъёмка ишлари бажарилди. Аэросуратлардан фойдаланиб 6724 та 1:2 000 масштабдаги ва 387 та 1: 10 000 масштабдаги ортофотопланлар яратилган. Бундай турдаги ишларни янада изчил давом эттириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий- ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 299-сонли қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. Давергеодезкадастр кўмитаси, 2020 йил.

3. Л.Х.Фуломова, Э.Ю. Сафаров, И.Абдуллаев Географик тизимлари ва технологиялари. Тошкент “Университет” 2013 йил

**ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН ЖЎХОРИГА УЗГУМИ ВА МАЪСУДА СТИМУЛЯТОРИ БИЛАН
ИШЛОВ БЕРИШНИНГ КЎК МАССА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ**

К.М. Таджиев, к/х.ф.н., Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий таъриба станцияси, Термиз

Аннотация. Сурхондарё вилояти шароитида такрорий экилган жўхорининг Қорабош навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришида Узғуми ва Маъсуда стимуляторлари қўллаб ўрганилган. Жўхори уруғини экишдан олдин Узғуми билан 0,6 л/т, майсалаида 0,2 л/га, найчалаида 0,3 л/га, рўваклаида 0,4 л/га ва Маъсуда стимулятори билан уруғга экишдан олдин 3,0 л/т, майсалаида 6,0 л/га, найчалаида 9,0 л/га меъёрида ишлов берилганда кўк масса ҳосилига ижобий таъсир қилган.

Калим сўзлар: Узғуми, Маъсуда, стимулятор, меъёр, майсалаи, найчалаи, гуллаи, ўсиши ва ривожланиши, кўк масса ҳосил

Аннотация. В условиях Сурхандарьинской области изучено применение стимуляторов роста Узгуми и Маъсуда для получения раннего и высокого урожая повторной культуры сорго сорта Карабаши. При применении стимулятора роста Узгуми рекомендуется (обработка семян нормой 0,6 л/т, опрыскивание растений в фазу полных всходов 0,2 л/га, выхода в трубку 0,3 л/га и метелкования 0,4 л/га) и применение стимулятора Маъсуда (обработкой семян нормой 3,0 л/т и опрыскивание растений в фазу полных всходов 6,0 л/га, выхода в трубку 9,0 л/га) оказало положительное влияние на урожайность зелёной массы сорго.

Ключевые слова: сорго, стимулятор, Узгуми, Маъсуда, обработка семян и растений, рост и развития, урожайность зелёной массы

Янги самарали композицияларни чарм ишлаб чиқариш технологик жараёнларида қўллашнинг амалий ва назарий аҳамиятга эга, бу эса ушбу композицияларнинг тайёр чармнинг хоссаларига таъсирини ўрганишни, шунингдек уларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

Самарали композицияларни ишлаб чиқиш технологиясини ишлаб чиқишда биз илгари пойафзал остки қисми учун чарм ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида маҳаллий “Навоиазот” акционерлик жамиятида ишлаб чиқариладиган нитрон толасини олишда ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот, гидролизланган полиакрилонитрилнинг сувда эрийдиган К-4 препаратини олдик.

Бизга маълумки, пойафзалнинг остки қисми учун чарм ишлаб чиқаришнинг ошлаш жараёни композицияси таркибида ўсимликлардан олинган ошловчилар қўлланилади ва бу ошловчилар катта маблағ эвазига четдан келтирилади. Шу муносабат билан биз ўз тадқиқотимизда четдан келтириладиган ўсимлик ошловчилар таннидларнинг бир қисми ўрнига К-4 препаратини ишлатишни ва бу препаратни ўз ичига олган композицияларни чармни ошлашда қўлланиладиган турли хил усуллардан фойдаланган ҳолда, унинг кетма-кет киритилишини ўрганиб чиқдик.

Сувда эрийдиган К-4 полимерини ошловчи композиция таркибига қуйидаги ҳолатлар бўйича киритилди:

- а) пикелланган гўлакни хромлашдан олдин;
- б) чарм ярим тайёр маҳсулотни хромлашдан кейин;
- в) чарм ярим тайёр маҳсулотни ёглаш жараёнида.

а) Тадқиқот ишини олиб боришда биринчи навбатда *пикеллашни К-4 препарати билан ишлов бериши* билан алмаштириш ва ушбу ишлов беришда чармнинг ишлаб чиқариш ҳажмига ҳамда қалинлигига таъсирини ўрганишни вазифа қилиб олдик.

Ўрганиш объекти сифатида ишлаб чиқариш партиясидан мутлақо кулсизлантирилган (тузсизлантирилган) хўкиз терисидан олинган тери тўқимаси (гўлак) олинди, барча ивитиш-қуллаш тайёрлов жараёнлари амалда тасдиқланган услубга мувофиқ олиб борилди. Кулсизлантиришдан кейин тери тўқимаси элементларга ажратилди. Эксперимент учун терининг ёпқич қисмидан кесилиб, назорат нуқталари белгилаб олиниб, қалинлиги ўлчанди. Назорат учун олинган ярим тайёр маҳсулотга кейин яна амалдаги услуб бўйича ишлов берилди.

Дастлабки тажрибалар қуйидаги экспериментал технологик ишлов бериш схемасини ишлаб чиқишга имкон берди.

Ошлаш барабанига ҳарорати 30-35°C да С.К. (суюқлик коэффициентини)=0,6 билан сув қуйилади, шундан сўнг тери тўқимасининг массасига нисбатан 5% сувда эрийдиган К-4 полимер препарати қўшилди ва ярим тайёр маҳсулот юкланди.

Бир соат барабан айлантирилгандан кейин унга кулсизлантирилган тери тўқимасининг массасига нисбатан 1%- алюминий аччиқтошлари қўшилади.

б) бу тажриба чарм ярим тайёр маҳсулотини таннидлар билан *ошлашдан олдин К-4 препарати билан ишлов беришдан бошланади.*

Илгари олинган натижалар асосида биз куйидаги ишлов бериш услубини қўладик.

К-4 полимерининг хром тузлари билан ишлов берилган тери тўқимасига С.К.=1, ҳарорат 35°C ҳароратда амалга оширилди, К-4 полимерининг сарфи барча ҳолатларда хромланган тери тўқимасининг массасига нисбатан 5% ни ташкил этади. Ишлов бериш вақти 2 соат. Кейин ишлатилган эритма тўқилди ва танидли ошлаш амалга оширилди. Ошлашдан сўнг С.К.=2,5, 35°C ҳароратда 1 соат давомида яхшилаб ювилди. Худди шу шароитда, назорат намуналари ҳам ошлашдан кейин ювилди.

Назорат чармлари учун тўлдириш ва ёғлаш жараёнлари ошлашдек ягона амалдаги услуб бўйича амалга оширилди:

- тажриба ярим терилари ҳам ёғланди ва тўлдирилди, бу терилар ҳам ягона амалдаги услуб бўйича амалга оширилди;

- иккинчи гуруҳ тажриба чармлар ёғланди ва К-4 полимер билан тўлдирилиб, 1-бандда кўрсатилган тартибда таннид билан ошлашгача ишлов берилгандек олиб борилди. К-4 полимер сарфи хром тузлари билан ишлов берилган ярим тайёр чармнинг массасига нисбатан 4% ни ташкил этди. Кейинги жараёнлар пойафзалнинг остки қисми учун чарм ишлаб чиқариш услубига мувофиқ амалга оширилди.

Ишлов берилган намуналарни текшириш куйидаги натижаларни берди: ташқи кўриниши, ранги ва чидамлилиги бўйича назорат ва тажриба намуналари ўртасида фарқ йўқ эди.

Маълум бўлган усулга асосан кимёвий ва физик-механик тадқиқотлар ўтказилди. Ошлаш жараёнининг назорати ошланган терининг пишиш ҳарорати билан характерланади. Органолептик ва асбобли анализ ёрдамида, сувда эрийдиган К-4 полимерини чарм ярим тайёр маҳсулотга киритиш билан унинг назорат териларига нисбатан қалинлик ошганлиги ҳамда бундан ташқари, тажриба намуналарида ёғловчи моддаларнинг миқдори назорат таркибига қараганда анча кўп эканлиги аниқланди. Бу эса, чармни ёғлашдан кейин К-4 препарати чармга киритилган ёғловчи моддаларнинг ёғли кислоталарининг фаол функционал гуруҳлари билан ўзаро боғланиш ҳосил қилиши билан тушунтирилади.

Тажриба намуналарининг сувга чидамлилиги назорат қилинадиганлардан маълум даражада фарқ қилмайди ва ГОСТ талабларига жавоб беради.

Тадқиқот намуналари билан солиштирганда икки соатлик сув сиғимининг озгина пасайиши К-4 полимерага ишлов берилганда дерма ҳажмининг кучли шаклланишидан далолат беради. Экспериментал намуналарнинг ҳўл ишқаланишига нисбатан ейилишга чидамlilik, назорат намуналарининг бу кўрсаткичларидан бир оз фарқ қилади.

Тадқиқотлар натижалари чармнинг қалинлиги ва зичлигини ошириш вазифаси билан боғлиқ бўлган энг истиқболли усул ёғлаш жараёнида К-4 полимер полимерининг киритилиши деган хулосага келди.

I-жадвал

Тўлдириш (ошга тўйинтириш) жараёни композицияни таркиби

№	Кимёвий материаллар номи	Назорат учун олинган	Вариантлар				
			I	II	III	IV	V
1.	Ёғ, %	3	3	3	3	3	3
2.	Полимер КМУ(карбамид-уротропин-мочевина), %	5	3	3	-	5	5
3.	Полимер К-4 препарати,%	-	2	-	5	3	4
4.	Акрил эмульсияси	-	-	3	1,5	1,0	-
5.	Алюминкалийли ачитки	3	3	3	3	3	3

в) Сувда эрийдиган К-4 полимер ёғ аралашмаси таркибига биргалликда ишлов бериш учун киритилди.

Композициянинг хоссаларини ўрганиш объекти сифатида ошлаш, ювиш ва сиқишдан кейин олинган йирик шохли моллар териси ҳисобланган ҳўкиз териси олинди. Олдинги барча жараёнлар, шу жумладан ошлаш ҳам "Ўзбекистон" Тошкент чарм-пойафзал акциядорлик жамиятида қўлланиладиган техник шартларга мувофиқ амалга оширилди.

Тажрибалар, асосан ишлаб чиқариш партияларидан олинган ёпқичларда ўтказилди. Ёпқичлар умуртка чизиги бўйлаб кесилган ва маркаланган (ассиметрик бахрома усулида).

Маркаланган ярим ёпқичлар техник стандартга мувофиқ ишлаш давом эттирилди. Тажриба ярим ёпқичларни таркибда сувда эрувчан К-4 полимер препарати бўлган композиция тўлдирилди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади терининг қалинлигини оширишдир, шунинг учун ишлов беришдан олдин ва кейин стандарт нуқталардан назорат учун ярим ёпқичлардан намуналар олинади.

Терини ёғлаш ва тўлдириш жараёни куйидагича амалга оширилди: ёғ барабанини иссиқ ҳаво ёрдамида 85-90°C ҳароратгача қиздирилди.

Пуфлаш усули билан киритилган ҳаво ҳарорати 90-95°C ни, чиқадиган ҳаво ҳарорати 75-80°C ни ташкил қилади. Иситилгандан кейин барабанга ҳаво етказиш тўхтатилади ва намлиги 45-50% бўлган экспериментал ярим тайёр маҳсулот юкланади. Барабanning айланishi 30 дақиқа. Бу вақтдан ўтгандан сўнг барабanni айлантириш тўхтатилади, юклаш ойнаси орқали сиқилган чармнинг массасига нисбатан 3% миқдорда олдиндан 50-55°C да ҳароратда иситилган ёғ композицияси қўшилади. Кейин 1 соат ўтгандан сўнг 45°C ҳароратда иситилган К-4 полимер препарати сиқилган чармнинг массасига нисбатан 4% миқдорда солинади. Барабан ҳар бир соатда тўхтатилиб К-4 полимер препаратини сингиши текширилди, шундан сўнг 3% алюминий аччиқтошлари солинди. Барабан 30 дақиқа айлантирилди. Шундан кейин, яъни янги композиция билан ёғланган ва тўлдирилган ярим тайёр маҳсулот ягона ишлов бериш технологияси асосида давом эттирилди.

Чарм ярим тайёр маҳсулотларини ошлаш учун самарали композициялар яратишда тўлдирувчи ва ошловчи моддаси сифатида сувда эрийдиган гидролизланган полиакрилонитрилнинг (ГИПАН) К-4 препаратини қўллаб, хром чармлари учун табиий ошловчи воситаларини сарфини камайтириш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Катта шохли мол терисидан тайёрланган пойафзалнинг остки қисми учун қаттиқ чарм сифатини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди, бунинг учун куруқ тузлаш усули билан консерваланган терилар олиниб амалда қўлланиладиган услуб асосида намуналарга ишлов берилиб, ошлаш учун таннидлар миқдорини 7% (12% стандарт)га камайтирган ҳолда, К-4 препарати ва кейин ёглаш учун акрил эмульсияси қўшиб ишлов берилди.

2-жадвал

Кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар номи	тажриба	ГОСТ 45	Корхона (назор.)
Намлик, %	12,1	17	12,4
Органик эритувчилар билан экстракция қилинадиган моддалар, %	14,5	9-15	14,0
Чанг билан ишлов берилган кейин қолган ёғнинг улуши, %	7,2	к/э* 6,0	6,9
Сувда ювиладиган моддалар миқдори, %	2,25	5,0 о/э**	3,1
Хром оксиди, %	1,4	1,4 о/э	1,38
Ошланганлик сони, %	45	30 к/э	41
pH-водород кўрсаткичи	3,4	4,0-5,5	3,7
Кўндаланг йўналиш бўйича олинган чармнинг ўртача 9,8 МПа даги чўзилишдаги мустаҳкамлик	3,53	1,6 к/э	2,2
Кўндаланг ва бўйлама йўналиш бўйича олинган чармнинг 9,8 МПа чўзилишдаги юза сиртига ёриқ пайдо бўлгандаги ўртача мустаҳкамлик чегараси	4,26	1,75 к/э	2,8
9,8 МПа кучланишдаги чўзилувчанлик, %	19,1	15-30	
Гигротермик баркарорлик, %	85,4	к/э70	80
Сувўтказувчанлик ва намлик сифими нормаллашмаган	-	-	-

Изоҳ: к/э* – кам эмас; о/э** – ортиқ эмас

Шу тарзда ишлов берилган чарм норматив ва техник талабларга жавоб бериб, тайёр чарм ҳолатида унинг юзаси силлик, текис бўлиб ҳамда юзада бурмалар ва тортилиш аломатлари ҳам йўқ эди.

Худди шундай усул билан куруқ тузланган усулда консерваланган қорамол териларидан пойафзалнинг устки қисми учун таннидлар миқдорини камайтирган ҳолда (7% оралиғида) ошланган чармни кейинги ошга тўйинтиришда К-4 полимер препарати билан ишлов бериб чармни сифатини баҳолаш мақсадида тажриба ишлари олиб борилди. Ошга тўйинтиришда препарат К-4 полимери билан бир неча вариантларда ишлов берилди.

Ошловчи композицияси билан ишлов берилган чарм намуналарининг кимёвий ва физик-механикавий хоссалари лабораторияда кетма-кет аниқланди ва назорат учун олинган чарм билан таққосланди.

Тайёр чармнинг сифати кимёвий таҳлил ва физик-механик синовлар кўрсаткичлари билан аниқланди. Олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Тайёр чармнинг кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

Иш жараёнида сувда эрийдиган К-4 полимеридан ва 6 та тўлдириш вариантларидан фойдаланилди. 2-жадвалда келтирилган назорат ва 5 та вариант бўйича тўлдирилган чарм ярим тайёр маҳсулотлар меъёрий ва техник хужжатларга мос келади. Тайёр чарм ранги текис, юза сирти силлик бўлиб, тортилмаган ва доғлари йўқ эди. Чармнинг юзаси зич бўлиб, бўшашмаган маҳсулот олинган.

Тайёр чармларни таҳлил қилиш қуйидагиларни кўрсатди: барча ҳолатларда экспериментал чарм назоратдан кўра тўлиқроқ эканлиги маълум бўлиб чиқди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Temirova M.I., Musayev S.S., Qodirov T.J., Charm va mo'yna texnologiyasi. O'quv qo'llanma. "Paradigma" nashriyoti, Toshkent, 2018 y. 339c b.
2. Temirova M.I., Tarmoq kimyosi va texnologiyasi. Darslik. Dizayn-Press MCHJ nashriyoti, Toshkent, 2013 y. 320 b.
3. Темирова М.И. Разработка эффективных композиций на основе местного сырья и технология их получения для дублирования и отделки кож // Автореферат. Дис. ... канд. хим. наук. Ташкент, 2000.- с.119.

VIII-XIII ASRLARDA XORAZM TANGALARIDA OT TASVIRI
S.U. Sobirov, kichik ilmiy xodim, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva
Sh.Z. Ismoilov, tayanch doktorant, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva

Annotatsiya. Ushbu maqolada islom dini davrida Xorazm tangalarida ot tasvirining paydo bo'lishi va uning kelib chiqish manbalari tahlil qilingan. Shuningdek, Anushteginiylar davlati aholisining asosiy qismini tashkil qilgan turkiylar hayotidagi o'ning tutgan o'rni va ramz sifatida tangalarda tasvirlanishi sabablari yoritilgan.

Kalit so'zlar: Anushteginiylar, G'uriylar, Afrig'iylar, ot, turk, uzangi, shoh, tasvir, Afanaseva madaniyati, Eftallar, Kidariylar

Аннотация. В статье анализируется появление изображения лошади на хорезмских монетах в исламский период и его источники. Также объясняется место лошади в жизни турок, составлявших основную часть населения государства Ануштегенидов, и причины, по которым она изображена на монетах в качестве символа.

Ключевые слова: Ануштегениды, Гуриды, Афригиды, конь, турков, стремени, царь, образ, афанасьевская культура, Эфталиты, Кидариты

Abstract. This article analyzes the appearance of the image of a horse on Khorezm coins during the Islamic period and its sources. As well as, the place of the horse in the life of the Turks, who made up the bulk of the population of the Anushtegin state, and the reasons why it is depicted on coins as a symbol are covered.

Key words: Anushteginids, Gurids, Afrigids, horse, Turks, stirrups, king, image, Afanasevo culture, Ephthalites, Kidarites

Kirish

Ilk o'rta asrlarda Yettisuv hududlarida xioniylar, kidariylar, eftallar va turkiy qabilalarning ko'chib kelib o'mashishi natijasida O'rta Osiyo mintaqasi aholisining asosiy qismi turkiylasha boshlaydi. Keyinchalik islom dinini qabul qilgan turkiy qabilalar bu mintaqaga ijtimoiy-siyosiy hayotida juda muhim o'rinni tutishgan. Shunga ko'ra, mintaqadagi turkiy xalqlar tarixining muhim bir davriy bosqichi dunyo tarixshunosligida "turk-musulmon davlatlari davri" yoki "ilk turkiy musulmon sulolalar" deb yuritiladi [1:26-32]. Bu bosqich milodiy X – XIII asrlarni o'z ichiga oladi va o'zidan oldingi qadimgi turk va o'zidan keyingi o'rta asr turkiy davlatchiligidan birmuncha farq qiladi. Shu bilan birga, har ikkala davr bilan ham umumiylikka ega. Bu davrda mintaqada asosan turkiy negizli sulolalar hukm surgan bo'lib, ular Qoraxoniylar, G'aznaviylar, Saljuqiylar, Xorazmshoh–Anushteginiylar kabi yirik saltanatlar sifatida nafaqat O'rta Osiyo, balki islom dunyosining katta bir qismida o'z boshqaruvini o'rnatgan edilar.

Ilk musulmon turkiy sulolalar o'z tangalarida qadimiy ota-bobolaridan qolgan udumlarga asosan turli ramzlar, hayvonlar, osmon jismlari va harbiy qurollarni tasvirlash bilan birga, musulmon an'analarga mos Qur'on Karim oyatlarini ham o'z tangalarida aks qildirishgan. Turkiy xalqlar tangalarida uchraydigan eng ko'p tasvirlardan biri bu ot tasviridir.

Bizga ma'lumki, Xorazm tangalarida juda qadim davrlardan ot mingan chavandoz su'rati tasvirlanib kelingan. Tangalarda otni tasvirlash keyingi davrlarda Afrig'iylardan tortib to Xorazmshoh (Anushteginiylar) sulolasiga qadar davom etgan. Saljuqiylar saltanatining muayyan bir davomchisi sifatida o'rta qadimgi chiqqan Xorazmshoh–Anushteginiylar sulolasi, garchi qisqa bir muddat hukm surganligiga qaramay mintaqa xalqlari, shuningdek, musulmon Osiyosi siyosiy–madaniy hayotida o'ziga xos o'rin qoldiradi. Davlat boshqaruvida Saljuqiylarniki kabi arab–fors–turk an'analarni joriy qilgan Xorazmshohlar Xorazmdan tashqari 30 dan ortiq shaharda o'z tangalarini zarb qilganlar [2:135-141]. Anushteginiylar tanga zarb qildirar ekan, ko'proq Saljuqiylarga xos an'analarni davom ettirganlar. Xususan, Xorazmshohlarning ayrim tangalarida Saljuqiylar tangalari kabi hayvon tasviri yoki ramziy belgilar aks ettirilgan bo'lsa, ayrim tangalar nisbatan soddaroq faqat tanga zarb qildirgan hukmdorning ism va unvoni, ikkinchi tomonida esa islomiy jumalalar o'rin olganligini ko'rishimiz mumkin.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, Xorazm hukmdorlari Xorazmshohlar o'z tangalarida unvon sifatida "shoh" so'zini aks ettirganlar. "Xorazmshoh" unvoni Anushteginiylar sulolasi davrida ham davom ettirilgan bo'lib, "Xorazmshoh" unvoni islomdan oldingi Afrig'iylar sulolasi davrida ham, musulmon Ma'muniylar davrida ham qo'llanilgan. Xattoki, Anushteginiylar xonadoni vakillari Saljuqiylar qaramog'ida bo'lgan paytlarda va mustaqil davlatga aylangan paytlarda ham qo'llanilishda davom etgan [3:134].

Turkiylar hayotida o'ning o'rni

Qadimiy turkiy qabilalar orasida hayvonlar jumladan bo'ri, ot va burgut kabilarni muqaddas bilib, ularga e'tiqod qilish xollari uchrab turgan. Buni biz ularning kundalik hayotida ko'chmanchilik muhim o'rin tutganligi bilan izoxlashimiz mumkin. Shunday hayvonlardan biri - ot turkiy qabilalar orasida nihoyatda e'zozlanib, ijtimoiy va siyosiy hayotda juda muhim o'rinlardan birini egallagan. Hatto, ayrim olimlar tomonidan islomdan oldingi Turk xo'qonligining vujudga kelishi va uning yuksalishi turklarning o'sha paytdagi tengsiz hisoblangan otliq qo'shini va ot bilan bog'liq bo'lgan ko'plab ixtirolar bilan bog'lashadi. Masalan otga minish uchun mo'ljallangan temir uzangi turklar tomonidan ixtiro qilingan va bu turk jangchilarining otda mustahkam o'tirish, yon tomonlarga qayrilish, kamondan o'q otishga imkon bergan. Shu sababli turk otliq qo'shini nihoyatda ulkan hududlarni egallagan. Bu

haqida arab tarixchisi Ibn al-Jahiz (vaf. 869 yil) shunday deydi: “Turklar otda butun og’irligi bilan oldinga, orqaga, tepaga va pastga qarab ota olishadi. Arab chavandozlari kamonga bitta o’qni joylaguncha turklar o’nta o’q otishadi. Ular tog’ va qirlarda ot ustida arab chavandozlari tekislikda yurganidan tezroq harakat qilishadi. Ularning to’rtta ko’zi bor ikkitasi yuzida, ikkitasi boshining orqasida” [10]. Bu ixtiro esa keyinroq paydo bo’lgan Xazar xoqonligi orqali Yevropaga tarqalgan degan tahmin ham fanda yo’q emas.



Alouddin Muhammadning Hirot tangasi (zeno.ru #219760)

topilmalardan ham bilib olishimiz mumkin. Jumladan, tarixchi olimi M.Aksoy maqolalaridan birida ot mil.avv 4000-3500 yil oldin turklar tomonidan qo’lga o’rgatilgan. Buning isboti sifatida Afanaseva madaniyatidan topilgan mil.avv. 2500-yilliklarga oid ot suyaklarini ko’rsatgan [4:41]. Bundan tashqari ko’plab turkiy qabilalarda Ko’k tangriga otning qurbonlik qilinishi haqida yozilgan. Masalan xunlar Ko’k tangriga ot, Yer Tangriga yovvoyi to’ng’iz qurbonlik qilgani [5:92], yunon tarixchisi Gerodot O’rta Osiyo saklari va Qora dengiz bo’ylaridagi skiflar o’z tangrilariga ot va to’ng’izni qurbon qilganliklari haqida ma’lumotlar bor [4:43].

Turklar ideologiyasida ot samoviy jonzot ekanligi, uni o’z xo’jayini uchun mahsus samodan yuborilishi haqida qarash mavjud. Masalan Abulg’ozi Bahodirxonning “Shajarayi Turk” asarida Chingizxonning taxtga o’tirish marosimida unga yuborilgan ot haqidagi fikrlar mavjud. Unga ko’ra “Men uchun samodan bir kul rangli ot tushdi va men uni minib samoga ko’tarildim va Tangri bilan suhbatlashdim” deb aytgan [6:84]. Shuningdek, “Alpomish” dostonidagi Alpomishning Boychibor otini tanlash jarayoni, “Manas” dostonida tilga olingan 200 dan ortiq otlarning laqablari [7:202], “Devoni lug’at at-turk”dagi 40 dan ortiq ot bilan bog’liq terminlar ham turklar ijtimoiy hayotidagi otning o’rni ko’rsatib beradi.



Xorazmshoh Iroq ibn Mansur tangasi. hijriy 280-yil. (zeno.ru #46551)

Tangalarda ot tasviri

Mazkur an’analar o’rta asrlarda hukmronlik qilgan turk-musulmon davlatlar madaniyati, xususan, tangalardagi tasvirlarga ta’sir qilmasdan qolmagan. Anushteginiylardan Alouddin Muhammad va Jaloladdin Manguberdi tangalarida Saljuqiylar tangalaridagi chavandozga o’xshash bo’lgan otliq tasvirini aks ettirishgan. Masalan Alouddin Muhammadning (1200-1221) Hirotta zarb qilingan tangasining old tomoniga chapga yuzlangan otliq tasviri, teskari tomonida esa arab yozuvida **الاعظم محمد السلطان** (As-sulton al-azim Muhammad as-Sulton) jummalari aks ettirilgan.



Jaloladdin Manguberdining Toliqon tangasi. (zeno.ru #215718)

Ot tasvirini Alouddin Muhammadning ko’plab tangalarida ko’rishimiz mumkin. Ammo, otning tasvirlanishida ko’plab elementlar qo’shilishi yoki olib tashlanishini kuzatishimiz mumkin. Masalan, ot tasviri bilan birga chavandozni tasvirlangan, nayzali yoki kamon tutgan chavandoz, qo’lida o’simlik yoki qush tutgan chavandoz tasvirlarini uchratishimiz mumkin. Bunday tasvirlarni keying hukmdor Jaloladdin Manguberdi tangalarida ham ko’rishimiz mumkin.

Shu o’rinda, Anushteginiylar tangalarida ot tasviri qachondan tasvirlana boshladi, ot tasviri andozasi qayerdan olindi, bu an’ananing paydo bo’lishiga saljuqiylar ta’sir qilganmi yoki boshqa sulolalar, otning tangalarda tasvirlash turkiy an’analar bilan bog’liqligi degan savollar tug’ilishi tabiiy.

Ma’lumki, Xorazmshoh unvonini olgan dastlabki sulola Afrig’iylar tangalarida ham ot tasviri bo’lib, ularda otning yuzi o’ng tomonga qaratilgan. Otning ustida qo’lida qush tutgan tojdor hukmdor tasvirlangan. Mazkur tipga oid tangalarni zarb qilish O’rta Osiyoga arablar kirib kelishi bilan to’xtatilgan. Arab yozuvli ot tasvirlangan dastlabki tanga esa 842-yil (hij. 228-yil) Tohiriylarning



G’iyosiddin Mahmudning Toliqon tangasi (zeno.ru #11818)

Xorazmdagi vakili Amir Mikal ibn Tohir tomonidan Xorazmda zarb qilingan. Bu tangada ham qadimgi xorazmshohlar an'anasi bo'yicha ot o'ng tomonga qaragan holda tasvirlanadi va uning tepasida svastika belgi joylashtirilgan [8:20]. Mahalliy Xorazmshohlardan esa mazkur tipdagi tangani Xorazmshoh Iroq ibn Mansur 892-93- yillarda (hij. 280-yil) zarb qilgan. Mazkur tanganing old tomonida ham o'ng tomonga yuzlangan ot va uning tepasida svastika belgisi mavjud. Orqa tomonida esa *عراق بن منصور مولى امير المومنين* (Iroq bin Mansur Mavla amir al-Muminin), ya'ni **"Iroq ibn Mansur Mo'minlar amirining yordamchisi"** nomini ko'rishimiz mumkin.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, Anushteginiylar tomonidan zarb qilingan dastlabki tangalar haqiqatdan ham Saljuqiylar tangalaridan nusxa olingan bo'lsa, keyinroq, ayniqsa Alouddin Muhammad davrida bosib olingan yangi hududlar madaniyati asosida zarb qilingan tangalardan nusxalar ko'chirilgan. 1206-yil Alouddin Muhammad tomonidan G'uriylar davlati mag'lub etiladi va egallangan hududlarda Alouddin Muhammad nomidan G'uriylar andozasidagi tangalar zarb qilina boshlangan. Fikrimizcha, Anushteginiylar tangalaridagi ot tasviri ham aynan shu davrdan boshlangan. Bu fikrni ikki narsa bilan izoxlashimiz mumkin. Birinchidan, ot tasvirli tangalar aynan sobiq G'uriylar davlati hududi bo'lgan Afg'oniston va Pokiston hududlarida zarb qilingan, ikkinchidan, aynan shu davrda tangalarda otdan tashqari, ho'kiz, fil, jangchi tasvirlari ham paydo bo'lgan (bunday tasvirlar G'uriylar tangalarida ham juda keng tarqalgan). Bundan tashqari, Jaloladdin Manguberdi tomonidan Toliqonda zarb qilingan fals nominalidagi chavandoz tasvirli tanga va G'uriy hukmdorlaridan biri G'iyosiddin Mahmud ibn Muhammad (1206-1212) [9:484] ning Toliqonda zarb qildirgan nayza tutgan chavandoz tasvirli tangalari o'rtasidagi o'xshashlik ham fikrimizga dalil bo'la oladi.

Xulosa

O'rta asrlar musulmon sharqi siyosiy hayotida muhim o'rin tutgan Anushteginiylar davlatining ulkan g'alabalari zahirida mustahkam iqtisodiy asos bo'lganligi tabiiy hol. Davlat hududi kengaygan sari unda o'ziga xos pul tizimlari va tanga turlari paydo bo'la boshlagan. Tangalar davlat va hukmdorning ramzi sifatida unga tegishli bo'lgan belgilar va ramzlarni o'zida aks ettirgan. Albatta, tangalar shakllanishida o'zidan oldingi davrlarda o'tmishda o'tgan hukmdorlar tomonidan zarb qilingan tangalar andozasi ham muhim rolni o'ynagan. Aksariyat hollarda tangalarga kiritilgan o'zgarishlar faqatgina hukmdorning nomini o'zgarishi bilan harakterlanadi. Jumladan, Anushteginiylar davlati tangalari ham dastlabki davrlarda Saljuqiylar tangalari asosida shakllangan bo'lsa, keyinroq bosib olingan hududlar tangalari andozasida zarb qilingan. Ya'ni, Anushteginiy hukmdorlardan Alouddin Otsizdan to Alouddin Takashgacha bo'lgan davr tangalarini shakllantirishda Saljuqiylar tangalaridan foydalanilgan bo'lsa, Alouddin Muhammad va Jaloladdin Manguberdi davrida bosib olingan hududlarda zarb qilingan tangalardan andozalar olingan. Shu jumladan, ot tasvirli tangalar ham Saljuqiylar emas G'uriylar davlati tangalari orqali kirib kelgan. Chunki, bunday tipdagi tangalar faqatgina 1206-yildan keyin Alouddin Muhammad tomonidan zarb qilina boshlangan va boshqa Anushteginiy hukmdorlar tangalarida bunday tasvirli tangalar uchramaydi. Bundan shunday xulosa qilishimiz mumkin-ki, Anushteginiylar davlati tangalarining shakllanishida har doim ham Saljuqiylar tangalaridan foydalanilmagan. Ular asosan har bir bosib olingan hudud an'anasiga mos ravishda shakllantirilgan va eski namunadagi tangalarga unchalik katta o'zgarishlar kiritilmagan. Biroq shuni ham aytib o'tish joiz-ki, mazkur davr tangalari xususiyatlari unchalik keng tahlil qilinmagan va mazkur xulosalar yakuniy emas. Bu esa o'z navbatida kelajak tadqiqotchilari zimmasiga ulkan ma'suliyat yuklaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. – Leiden – Boston: Brill, 2003.
2. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. М., 1986; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2000.
3. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: 2000.
4. Mustafa AKSOY. Türklerde at kültürü ve kımız. Türk dünyası tarih dergisi. 137. 1998.
5. Diyarbekirli, N., Hun Sanati, İstanbul 1972.
6. Ebül-Gazi Bahadır Han, Türk Şeceresi, Rıza Nur tercümesi, İst., 1925.
7. Caferoğlu, A., "Türk Onomastiğinde At Kültü", Türkiyat Mecmuası, X. cilt, 1953
8. Michael Fedorov. Money circulation of Khwarezm in the early-mediaeval period (6"-first half of 8"" centuries AD. Oriental numismatic society. No.179
9. Bosworth.C.E. The Islamic dynasties a chronological and genealogical manual. Edinburgh.1996.
10. Р. Хакимов. «Изобретение кочевниками седла и стремени обеспечило им огромное преимущество»
Источник: <https://realnoevremya.ru/articles/109499-rafael-hakimov-hronika-tyurko-tatarskih-gosudarstv>
11. www.zeno.ru

УЎК 93/94

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН УСТОЗ

Д.К. Бабожонов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмур академияси, Хива

*Кимки расмдаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олса,
у санъат калитини топган кишидир.*

Маоний

Аннотация. Мақолада муаллиф Ўзбекистон амалий санъатида ёрқин из қолдирган наққош уста, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофотининг соҳиби, умрини музей ривожига бағишлаган мураббий ҳаёти ва ижодини ёритиб ўзининг фикр мулоҳазаларини баён қилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Рўзмат арбоб Машиарипов, Маданий мерос, Кўҳна Арк ва Тош ҳовли саройи, музей экспозицияси

Аннотация. В статье, автор освещает и раскрывает свои мысли о мастере, орнаменталисте и народном художнике Узбекистана, лауреате государственной премии, посвятившего всю свою жизнь в дело развития музея, и оставившего яркий след в прикладном искусстве страны.

Ключевые слова: Центральная Азия, Рузмат арбоб Машарипов, Культурное наследие, дворцы Кухна Арк и Тох хавли, музейная экспозиция

Abstract. In this article, the author gives an account of the life and work of a master painter, State's Artist of Uzbekistan, winner of the State Prize, a coach who has dedicated his life to the development of the museum, leaving a bright mark on the applied art of Uzbekistan.

Key words: Central Asia, Ruzmat Masharipov scientist, Cultural heritage, Kohna Ark, Tosh hovli Palace, museum exposition

Ҳа, бу сўзларни ўқиган ҳар бир инсон, нақшларда ўзгача бир жилони ҳис қилади. Хива наққошлик мактаби Марказий Осиёдаги наққошлик мактаблари орасида қадимдан машҳурдир. XIX аср бошларида Хоразмда қайтадан марказлашган давлатга асос солиниши оқибатида хонлик пойтахти Хива шаҳрида жуда кўплаб маъмурий ва маданий бинолар қад ростлади. Бу даврда наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги (ўрачилик), сангтарошлик каби хунарлар ривожланиб, ушбу хунарларни юксак поғонага кўтарган аждоғимиз ўста усталари етишиб чиқди. Наққош Рўзмат арбоб Машарипов, Абдулла Болтаев, ёғоч ўймакор усталари Ота Полвонов, Сапо Боғбеков, ўста сангтарош Каримберган Раҳмонов - Девонбобо каби усталар ана шулар жумласидандир. Улар келажакда Хива наққошлик мактабининг фахрига айланиб, халқимизнинг чексиз иззат-ҳурматиға сазовор бўлдилар. Ана шу мактабининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофотининг соҳиби – Абдулла Болтаевдир.

Абдулла Болтаев 1890 йилнинг август ойида Хива шаҳрининг маркази бўлмиш Ичон қалъада бўёқчилар оиласида туғилган. Отаси Муҳаммад Мурод Саид Пано ўғли Болта Париша кишлоғида таваллуд топган. Болта бўёқчилик касбини ўргангач, шаҳарга кўчиб келган ва ўз ишини мохир устаси бўлиб танилган, Болта бўёқчи оиласи ҳам бошқа хунарманд касиблардек камбағал оилалардан эди. Абдулла Болтаевдан авлодларига мерос қолган 88 дафтарнинг 51-рақамли “Абдулла Болтаевнинг таржимаи ҳоли ва оилавий аҳволи” дафтарида ўзи ҳақида шундай дейди. “Жомеъ масжидини олд томонидаги Мамат Пано мадрасаси ёнида Бадирхонбойнинг катта уйи бўлган. Шу уйнинг кичкина бир қисмини отам ижарага олиб яшаган. Бу вақтда оиламизда отам, онам ва катта акам яшаганлар, ижарага олинган уйда мен туғилганман. Отамнинг бўёқчилик ва ўрачилик дўконлари шу жойда бўлган. Жой эгаси уйни Муҳаммад Панобойга сотганлиги туфайли бизларни ҳайдаб юборди. 1900 йилда Ҳасанмурод Қушбеги масжидининг қибла томонидаги Азиз заргарни меҳмонхонасини сотиб олдик, андак пулни бериб, қолганини ойма-ой узиш шarti билан 350 тиллага келишдик, кундан-кунга фоиз минаверганлиги сабабли қарзни 1918 йилда тўлаб бўлдик. Отадан биз уч ўғил эдик. Муҳаммад Раҳим, мен Абдулла ва укам Муҳаммад Карим. Мен 10 ёшимда Ҳасанмурод Қушбеги масжидкўмидаги эски мактабга бордим, “Сўфи Оллоёр”ни тамомлаб, “Навоий”га тушганимда отам мени мактабда бирга ўқиб юрган ўртоқларим Абдулла ҳожи ўғли, Отажон Раҳмон ўғиллари қатори кўча мактабидан янги очилган жаҳид мактабига берди. Бу вақтда хон амалдорларидан Ислом хўжа ва Мамат маҳрамларнинг ҳар бирлари тоза усулдаги мактаблар очкан эдилар (шу давргача биз янги усулда очилган биттагина мактаб бор, у ҳам бўлса Исломхўжанинг икки қаватли мактаби, деб билар эдик. Абдулла Болтаевнинг таржимаи ҳолидан маълум бўлдики, Хивадаги янги усулдаги мактаб иккита экан). Мен, Матназар Абдуллаев, Отажон Раҳмоновлар янги усул мактабида ўқидик, шу мактабда саводим чиқди, имло хатим яхшиланди, ҳаваскорлигимдан ўқув-ёзувда олдинроқ эрдим”.

Ёш Абдулланинг ўтқир зеҳнлилигини сезган отаси унга жуда кўп хунар ва билимлар ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. 4 йил эски мактабда, 4 йил янги усул мактабида ўқигач, отаси ўғлини ажойиб хаттот, наққош, катта шоир Абдураззоқ қори Абдужаббор ўғли Фақирийга шогирдликка беради. “Мен 4 йилда – дейди Абдулла Болтаев, – Фақирийдан қуръонни ёдлашни, ҳуснихатни, нақш чизишни ўргандим”.

1910-1912 йилларда Хивада почта, телеграф, касалхона бинолари қурилади, бу биноларнинг кошнларини хонқалик ўста Болта Ваисов ва Мадраҳим Мадаминовлар ишлаганлар. Наққошлик ишларида эса рассом Абдулла Болтаев қатнашди, у хонқалик усталардан кошнға нақш қилишнинг барча турларини мукамал ўрганиб олди. 1912 йилда у устози Эшмуҳаммад Худойберди ўғли билан биргаликда Хивадаги Исломхўжа мадрасасининг нақши ва кошнларини ишлади. 1910-1912 йилларда қурилган Нуруллабой саройи залининг кошнларини ишлашда ҳам Абдулла Болтаев шогирд бўлиб қатнашди. 20-йилларда Абдулла Болтаев Хоразмда ўймакор наққош сифатида танилди. 1920 йил 2 февралда хон ҳокимияти ағдарилгач, эларо тинчлик йўқолди, замон ўзгариши натижасида усталар маълум вақтгача бошқа ишлар билан шуғулланганлар. Хусусан, Абдулла Болтаев 1920 йилдан 1924 йилгача Маориф нозирлигида хўжалик ходими, саркотиб ва ғазначи бўлиб ишлаган. 1924 йилдан умрининг охиригача Абдулла Болтаев Хива музейида гоҳ мудар, гоҳ хўжалик мудири, гоҳ илмий ходим бўлиб ишлаб келди.

1930 йилнинг ўрталарида Файзулла Хўжаев бошчилигида бир гуруҳ ҳукумат раҳбарлари Хивага келиб хароба аҳволда ётган шаҳарга қайта жон бағишлаш мақсадида Хивада санъат ва тарихий ёдгорликларни сақлаш Ўзбекистон Комитетининг бўлими ташкил қилинди, бу комитет тарихий иморатларнинг ҳаммасини ўз назоратиға олиб, бузилган ва шикастланганларини қайтадан тиклаб, ўз ҳолиға келтиришға киришди. Бу бўлимнинг раиси Жуманиёз Бобониёз ўғли эди. Унинг раҳбарлигида таъмирлаш ишлари хон қароргоҳи Кўхна Арқдан бошланди, бу бошланган хайрли ишда Абдулла Болтаев

бош наққош, чизувчи уста бўлиб ишлаган ҳамда саройнинг арзхона айвонининг нақшлари ҳамда айвон пештоқи ва шифтини янгидан ишлашда бош уста қилиб тайинланган. 1934 йилгача сарой эски ҳолига Абдулла Болтаев бошчилигидаги бир қанча усталар (Отажон уста, гандимиёнлик Ваис уста, ранг берувчи Бобожон сандикчи, уста Рўздат Шарип ўғли, уста Муҳаммад Раҳим Бобожон ўғли, уста Раҳимберган Нурулла ўғли) ёрдамида келтирилди.

1935 йилда Хивада очилган “Умид” артели қошида наққошлик, ўрачилик цехи очилиб, унга Абдулла Болтаев ва ўрачиларнинг бош устаси Ота Полвоновлар бошчилик қилдилар, шу орада Тошкентдан нодир бир устун ишлаш тўғрисида таклиф келган, устун нақшини Абдулла Болтаев тайёрлаб, қолган ишларни Ота Полвонов бажарган. Бу устун 1937 йилда Париждаги халқаро кўргазмага юборилган ва юқори баҳо олган (устун тақдири тўғрисида усталар фақат 1948 йилда хабар топганлар) [1]. Шу орада Абдулла Болтаев кекса уста Ота Полвоновга нафақа тайинлаш тўғрисида ҳукумат раҳбарлари билан суҳбатлашиб бунга эриша олган. Уста бундан қувониб янгича иштиёқ билан ёш авлодни қадимги анъаналарни севишга, ҳурматлашга, ардоқлашга ва давом қилдиришга жон дили билан киришган. Лекин 1935 йилдан кейинги “дапсан”, “қатағон” йилларида шаҳарда бошланган кўплаб хайрли таъмирлаш ишлари тўхтаб қолди. Ўттизинчи йиллар охирига келиб Хивадаги кўпгина бинолар бузиб ташланди, уларнинг номини биладиган одамлар кам қолганди. Ичон қалъадаги иккита хон саройи – Кўҳна Арк ва Тош ҳовли саройи ҳар хил талончиликлар натижасида хароба аҳволга келиб қолганди. Мана шундай шароитда усталар “Умид” артели қошида очилган наққошлик цехида жуда оз бўлса-да, ёшларни бу ишга жалб қилиб, наққошликни ўргата бошладилар. Наққошлик бўлими кичик ва яқинда очилган бўлишига қарамасдан ўз ишлари билан кўзга кўрина бошлаган. Кўп ўтмай усталар давлат буюртмаларини бажаришга киришганлар. 1943 йилда Тошкентдан инженер-қурувчи С.Н.Полупанов келиб “Умид” артели билан шартнома тузиб Алишер Навоий театри учун ўйма нарвон, эшик ва бошқа нақш ишларини буюрган. Бу ишларни нақшлари Абдулла Болтаев қўлидан чиққан. Ота Полвонов ва унинг шогирдлари Дадажон Абдуллаев, Сапо Боғбеков, Хўжа Аҳмад Оллаевларнинг самарали меҳнатларини маҳсули тайёр бўлгач, Абдулла Болтаев уларни самолётда Тошкентга юборган. Кўп ўтмай Тошкентда Алишер Навоий номидаги опера ва балет, Муқимий номидаги мусиқали драма театрларини қуриш ва пардозлаш ишлари бошланиб кетиб, Абдулла Болтаев ва Рўздат арбоб Машарипов бошлиқ хоразмлик усталар бу қурилишларда Хива мактаби ишларини алоҳида кўрсатиб бера олганлар.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг биноси ўзбек миллий маданияти ва архитектурасининг ноёб обидаси бўлиб, бу бино 1947 йилда академик Щусов лойиҳаси ва раҳбарлигида қуриб битказилган. Театр қурилишида меъморчиликнинг бой тажрибаси ва янги усулларидан кенг фойдаланилган. Унда Ўзбекистоннинг миллий нақшлари жойларда ижобий таъбиқ қилинган ва ҳар вилоятдан халқ усталари жалб қилинган.

Театрнинг учала қавати ёнбошларида алоҳида-алоҳида заллар барпо қилиниб, ҳар бир залда ҳар бир вилоятнинг миллий нақш намуналари ўз аксини топиши керак бўлган. Академик Щусов ва инженер-қурувчи С.Н.Полупановларнинг ташаббуслари билан ҳар бир вилоятдаги кўзга кўринган усталардан бирини алоҳида залларга бошлиқ қилиб қўйилган.

Хива залига уста наққош Абдулла Болтаев, Бухоро залига уста Ширин Муродов, Тошкент залига Тошпўлат Арслонқулов, Самарқанд залига Уста кули Жалилов, Фарғона залига уста Саид Маҳмуд Норқўзиев, Термиз залига уста Ширин Муродов ва архитектор А.Зайнуддиновлар бош бўлган бу буюк санъат асари ҳозирда ҳам ягонадир. Театр залларини безашда А.В.Щусов умумий раҳбарликни ўзида қолдириб, зал раҳбарлигига ижодий мустақиллик берган. Ишга бундай ёндашиш ҳуқуқи ва эркинлик берилиши усталарда ўзларининг бор усул ва хунарларини тўла намоён қилиш имкониятини берди.

Жумладан, Абдулла Болтаев Хива залида Хоразмнинг ўзига хос наққошлик санъатини шу залда мужассамлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, асосий ўринни қадимий Хива ва Кўҳна Урганчдаги нақш услубларига берди.

Усталарнинг ишлари кадрланиб, уларга катта имкониятлар яратиб берилган. 1948 йилда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ишга тушгач, усталарнинг бир гуруҳи Давлат мукофотида сазовор бўлдилар. Кўпчилик усталар қатори Абдулла Болтаев ҳам шу олий мукофотга ва давлат архитекторлар жамияти аъзолигига қабул қилинган. Ўзбекистон раҳбариятининг, айниқса Усмон Юсуповнинг яқиндан берган ёрдами натижасида Хоразм миллий маданияти, халқ наққошчилиги қайтадан тикланди. Тошкентдаги ишлар тугагач, Абдулла Болтаев яна Хива музейига қайтиб келиб, илмий ходим, фонд мудирини бўлиб ишлаб, бу ишларга қарийиб 40 йиллик умрини бағишлаган. Маданий мерос намуналарини келгуси авлодларга қолдириш ва шу меросдан уларни баҳрамад қилиш мақсадида Абдулла Болтаев дўсти қадимшunos олим Яхё Фуломов маслаҳатига кўра Хоразм тарихига оид 88 дафтардан иборат маълумотларни ёзиб қолдирган. Ҳозиргача улардан фақат 13 тасигина ўрганилган. Абдулла Болтаев бу эсталикларидан ўз кўзи билан кўрган воқеа-ҳодисаларни, тарихий шахслар билан қилинган суҳбатларни ва эски китоблардан олган ўз хулосаларини ёзиб қолдирган. Абдулла Болтаев тўплаган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уларни асосан учта қисмга бўлиш мумкин.

- ўз кўзи билан кўрган воқеаларни баёни;
- архив материалларидан танлаб олинган ҳужжатлар;
- 1920 йилдан бошлаб Хива тарих музейида ишлаб юрган кезларида тўплаган ҳужжатларнинг нусхалари.



Абдулла Болтаев ажойиб хуснихат эгаси эди. Бошқаларни ҳам шунга даъват этар, ўзбек тилининг бой сирларини эгаллашни истар эди ва бунини маданият белгиларидан бири деб биларди. У ўз дафтар китобларини, таниш билишларига йўллаган мактубларини тўғри келган ручкада ёзмадан, қамишдан тайёрланган, перосиз ручкаларда ёзган, у ҳозирги замон пероси ва ручкалари эски ўзбек алифбосининг ҳаққоний гўзаллигини бера олмайди дер эди. Хуснихат хунарини у наққошлик билан бирга Абдураззқ қори Факирийдан ўрганиб, ўзи ёзиб қолдирган эсталик дафтарларида хаттотлик санъатига катта эътибор берган.[2]

Қадимшунос олим Яҳё Ғуломов ўзининг “Хоразмни суғорилиш тарихи” ва академик М. Йўлдошев ўзининг “Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши” асарларида Абдулла Болтаевни эсталик дафтарларидан кенг фойдаланганлар [3].

1960 йилда музейда учта экспозиция ва фонд қисмида экспонатлар сони 12 мингга етиб унда 24 нафар ходим (Директор, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, фонд мудир, 3 бўлим мудир, 4-илмий ходим, хисобчи, боғбон, таъмирловчи рассом, дурадгор, 3 қоровул ва 7 музей хизматчиси) ишлаган [4].

Абдулла Болтаев кўрсатмалари асосида 1960 йилда Қадимги Хоразм кўрғазмасини, Бой ва камбағал интерьерларини очган, Шомурод Хўжаев устози Абдулла Болтаев тўғрисида шундай илиқ фикрларни билдиради: “Устоз музей ташкил қилинган йилдан то 1966 йилгача музей илмий ходимларига мураббийлик қилганлар, менинг ўзим 4-йил институтда ўқиганим бир ёна устоз ёнида олти ой юрганим бир ёна бўлди, у кишидан жуда кўп маълумотларни олганман ва кўп нарсаларни ўрганганман, кейичалик тарих бўлимида биргаликда ишлаганимизда олам-олам қувонч ва билимга, тажрибага эга бўлдим. Устоз Абдулла Болтаев Хива музейига 11-март директор бўлган эканлар” [5].

Унинг музей инсон тарбияси ва маданиятини шаклланишидаги ўрни тўғрисида ёзган шеърдан билса бўлади.

Киши гар бўлса ғамгин, айласун музей томошосин.
Ажойиб санъати тарихий жойларни тамошосин.
Жаҳонни айшига мағрур бўлиб кўнглина хушнуд.
Яна музей билан осори атиқалар тамошосин.[6]

Абдулла Болтаев ўз хунарини кўпчилик ёшларга ўргатди, улар ичидан талантли наққошлар, кошинкорлар, ёғоч, ганч усталари ва рассомлар етишиб чиққан. Бекчон Давлетов, Каримберган Қаландаров, Бекчон Авезов, Абдурахим Аҳмедов, Болта Бобожонов, Илдор Муталлапов каби кўпгина санъаткорлар Абдулла устани “Бизнинг устозимиз” деб фахрланиб айтишади.

Халқ санъатини севган, уни улуғлаган ва ўз умрини нақшларга абадий муҳрлаган устоз санъаткор 1966 йил 15 декабрда 76 ёшида Хива шаҳрида дунёдан кўз юмди. Ўлими олдидан дўсти Каримберган Раҳмонов – Девон бобо билан биргаликда мармар тахтага қуйидаги сўзларни битган:

Умидим ушбудир сиздан келибон ёд этурлар деб,
 Чириган бу танимни кўрибон ибрат олулар деб,
 Дуо айланг биродарлар бу ҳолимга назар айлаб,
 Бу Абдулла янглиғ кўп асарлар ёзурлар деб.

Абдулла Болтаевни дафн этиш маросимида ҳукумат ва жамоатчилик вакиллари, Хоразмдаги наққошлар, дўстлари, шогирдлари хайрлашув нутқларини сўзладилар. Шоир Раҳим Назарий ўзининг Абдулла Болтаевга бағишланган марсиясини ўқиб берган, биз сизга унинг бир парчасини баён қиламиз [7].

Хоразмда маърифат нури сочгучилардан ул бири,
 Ёшларга илму хунар тарқатгучилардан ул бири,
 Шеърят кошонасин куйловчилардан ул бири,
 Бахтимиз, иқболимиз сўзловчилардан ул бири,

Хоразм тарихини фанларда байроқ айлаган,
 Оғаҳий, Мунис сўзин элларда байроқ айлаган.
 Хивамиз ҳусни жамолин тилларда дoston айлаган,
 Музейимиз равнақин дилларда дoston айлаган.

Хоразм нақшин чизиб кўрсатди санъат залида,
 Ўймакорлик ҳиссаси бор ул театр залида,
 Қалб кўри хўп тўкилган Хоразмнинг залида
 Хизмати гулдек очилган ул Навоий залида.
 Декабр ўн бешида кўз юмди устоз, алвидо.

Ҳозирда Абдулла Болтаев яшаган Ичан-Қалъадаги маҳалла кўчаси унинг номи билан аталмоқда, авлодларга бетакрор мўъжизавий нақшларни ва тарихий билимларни мерос қилиб қолдирган устоз номи доимо эъзоздадир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси, Хоразм Амалий санъати бўлимининг экскурсия матни: 1994 й, 7-бет.
2. К. Худойберганов. Ёзувларга яширилган тарих. Хива 1996 й 12 бет
3. Ш. Хўжаев. Хива музейи ходимлари тарихи қўлёзмасида. 1962 й. Хива.
4. Г. Муҳаммаджонова Краткий паспорт музея. 1984 г. Хива.5-стр.
5. Шомурод Хўжаев эсталиклари. 2010 йил Хива 3-бет, қўлёзма.
6. Абдулла Болтаев эсталиклари.11-дафтар,38-бет. Хива, қўлёзма.
7. Д. Бобожонов, М.Абдуллаев. Хоразм амалий санъат усталари. Хоразм Маъмун академияси нашриёти. Хива. 2010 й. 25-32 бетлар.

УЎК: 94 (575.1).084.5/.6(043.3)

ТУРКМАНИСТОН ССРДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ (1927 йил)

Ф.С. Бобоев, докторант, Ўзбекистон ФА Тарих институти, Тошкент

Аннотация. Мақола Туркменистон ССРда 1927 йилдаги қуролли ҳаракат тарихига бағишланган. Унда совет ҳокимиятига қарши курашни келтириб чиқарган омиллар, етакчи раҳбарларнинг фаолияти, асосий жанглр, қўзғолоннинг бостирилиши ёритилган.

Калит сўзлар: қизил армия, совет, большевик, қўрбоши, Жунаидхон, ер-сув, Қорақум

Аннотация. Статья посвящена истории вооруженного движения в Туркменской ССР в 1927 году. В статье описаны причины борьбы против советской власти, деятельность ведущих руководителей, основные сражения, подавление восстания.

Ключевые слова: красная армия, советская власть, большевик, курбашы, Джунаидхан, земельная реформа, Каракум

Abstract. The article is devoted to the history of the Armed Movement in the Turkmen SSR in 1927. The article describes the reasons for the fight against soviet power, the activities of leading managers, the main battles, the suppression of the uprising.

Keywords: red army, soviet power, bolshevik, kurbashi, Djunaidkhan, land reform, Karakum

Туркий халқларнинг Россия империяси ва совет ҳокимиятига қарши ўзининг озодлиги, хуррияти, ҳақ-ҳуқуқлари учун кураши ҳар доим долзабр бўлиб келди ва шундай давом этади. Туркменистон ССРда 1927 йилдаги совет ҳокимиятига қарши кураш тарихи ҳам шундай масалалардан биридир. Чунки шу йилда большевиклар сиёсатига қарши кураш кўлами кучайганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Туркменистон ССРда совет ҳокимиятига қарши норозилик кайфияти айнан бир йилда пайдо бўлибгина қолмай, бу бевосита олдинги сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ эди. Курашнинг кучайишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

Биринчидан, 1925 йилнинг кузида Туркменистон ССРнинг ҳам айрим округларида иқтисодий вазият кескин ҳолатда эди [1]. Бу қурғоқчилик, сув танқислиги ва ҳосилсизлик натижасида юз берди. 1926 йилда сув танқислиги сабабли экин майдонларининг камайиши, уруғлик дон билан етарлича таъминланмаслик деҳқонлар орасида иқтисодий аҳволнинг оғирлашувига ва очликнинг юзага келишига сабаб бўла борди.

Иккинчидан, Туркменистон ССРда 1927/1928 йилларда ер-сув ислохотининг ўтказилиши эди. Совет ҳокимиятининг бу реформаларини аҳоли томонидан қабул қилиши қийин кечди. Чунки жамятда дин ва шариат қонун-қоидаларининг устунлиги туфайли бировдан тортиб олинган ерларни олишни ва ундан фойдаланишни аҳоли ўзига лойиқ кўрмади. Шунингдек, ўзининг мол-мулкидан маҳрум бўлишни истамаган аҳолининг мулкдор қатлами совет ҳокимиятига қарши тарғиботни кучайтирди. Бу асрлар мобайнида шаклланган ер эгаллигининг большевикларнинг томонидан тугатилишига қарши курашни кучайтирди.

Ер-сув ислохоти аслида СССРда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган бўлса-да, бироқ бу катта йўқотишларга сабаб бўлди. Хусусий мулк йўқотилди, эркин савдога чек қўйилди. Аҳолининг ўзига тўқ ва ўрта қатламлари таъқиб қилинди. Мазкур сиёсат энг аввало камбағал ва ерсиз деҳқонларга ер бериш шиори остида амалга оширилди. Бироқ бутун СССР бўйича ҳам статистик маълумотлар таҳлил қилинганда ҳам аҳолининг энг қуйи тоифа вакиллари ижтимоий аҳволида катта ўзгариш юз бермаганлигини кузатиш мумкин. Масалан, 1927-1929 йилларда ҳар бир қулоқ хўжаликнинг экин майдонлари Белоруссияда 5%, Кавказ ортида – 6%, Ўзбекистонда – 9%, Қирғизистонда – 9,5%, Туркменистонда – 13,8% га қисқарди [2]. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, мазкур йилларда аҳолининг иқтисодий аҳволи яхшиланишидан кўра анча орқага кетганлиги кузатилади. Бу жараёнлар аҳолининг турмуш тарзини ёмонлашувига ҳамда совет ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятининг кучайишига олиб келди. Бу даврда Ўрта Осиё аҳолисининг катта қисми қишлоқ хўжалиги билан банд ҳамда уларнинг асосий даромад манбаи бу уларнинг қўл остидаги ерлари эди. Аҳоли қўлидаги ерлар ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг тортиб олиниши ҳамда хусусий мулкни чекланиши қишлоқ деҳқонларининг ғазабини уйғотди. Ер-сув ислохоти натижасида асосан батрак ва ерсиз деҳқон кам бўлса-да ерга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу жуда катта кўрсаткич эмас эди. Аҳолининг кўп қисмини эса ўртаҳол аҳоли вакиллари ташкил этарди. Бироқ уларнинг ерлари кўпайиш ўрнига аксинча камайди. Бу ҳам ўз навбатида аҳолининг ўзига тўқ, бадавлат тоифаларидан ташқари кўпчиликни ташкил этган ўртаҳол қатламлари орасида ҳам совет ҳокимиятига нисбатан норозиликни юзага келишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида қуролли ҳаракат сафини кенгайтиришга олиб келди.

Афғонистон ва Эрондаги муҳожирлардан тузилган қуролли гуруҳлар Туркменистон ССР чегарасини ёриб кириб, совет идораларига ҳужумлар қилиб турди. Бундай ҳужумларнинг асосий мақсади аҳолига совет ҳокимиятининг кучсизлигини ва Жанубий Қорақум чўлининг бой яйлов минтақаларининг ҳақиқий хўжайини бўлишининг иложи йўқлигини исботлашдан иборат эди. Совет разведка хизматининг 1927 йил 30 мартдаги маълумотида кўра, қуролли гуруҳлар сони 3000 нафар отликларгача етган. Улар ҳужумлардан сўнг қизил армиянинг таъқибига дучор бўлмаслик мақсадида кичик гуруҳларга бўлиниб, Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишни одатий ҳолга айлантирди. Чегаранинг очиқлиги, совет ҳарбийларининг ўзаро алоқасини етишмаслиги ва Қорақум саҳросида қуролли гуруҳларни таъқиб қилишнинг қийинлиги сабабли совет ҳокимиятига Жанубий Қорақумда ўз таъсирини кучайтириш жуда қийин кечди [3].

Доимий равишда Афғонистондаги ҳужумлардан ташқари, республиканинг ичида ҳам совет ҳокимиятига қарши кураш 1927 йил июнидан яна қайта фаоллаша бошлади. Айнан шу даврда Жунаидхонинг ёрдамчиси Шалтай ботир Кўхна Урганч ва Тахта районларида қизил армия қисмлари ва кўнгилли милиция отрядлари билан бир нечта кичик жангларни ўтказди [4]. Шалтай ботирнинг ҳаракатларини чеклаш мақсадида қўшни районлардаги қизил армия қисмлари бирлаштирилди, тезкор хабарларни етказиш мақсадида кеча-кундуз навбатчилик қилишлари учун почта-телеграф идораларига қатъи топшириқ берилди [5]. Аслида биргина Шалтай ботирнинг Кўхна Урганчга кириб келиши учун бу даражада жиддий тайёргарлик шарт эмас эди. Бироқ совет ҳокимияти бу пайтда аҳолини кайфиятини яхши англади ва бу кўзғолонга айланиши мумкинлигини инобатга олган эди. Ҳақиқатан ҳам бу бутун Туркменистон ССР ва Хоразм воҳасида оммавий кўзғолонларнинг дебчаси эди. Муҳожирликдаги кураш раҳбарларининг Туркменистонга кириб келиши совет ҳокимиятидан норози аҳоли вакиллари ҳисобига уларнинг гуруҳлари сафи кенгая борди. Натижада 1927 йилнинг кузида кураш ўзининг энг юқори нуктасига чиқди. Курашни кучайишида юқорида келтирилган омиллар билан бир қаторда кўзғолонни бостириш мақсадида совет ҳокимияти томонидан қилинган хатти-ҳаракатлар ҳам аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Тожикистон АССР ва Ўзбекистон ССРда курашни бостириш учун қизил армиянинг таъминоти аҳоли орасида катта норозиликка сабаб бўлган бўлса, Туркменистонда бу ҳолат бироз бошқачароқ кечди. Яъни 1927 йилда қизил армиянинг озик-овқат билан таъминлаш борасида жуда катта қийинчилик кузатилмаса-да, бироқ Жунаидхоннинг ҳаракатларини чеклаш учун аҳолининг туялари мажбурий равишда совет армиясининг эҳтиёжлари учун (ҳарбий қисмларни кўчириш ва бошқалар) сафарбар қилинди. Аслида бу ихтиёрий бўлиши кўрсатилган бўлса-да, бироқ мажбурийликка айланди. Бу ўз навбатида норозилик кайфиятини юзага келишига сабаб бўлди. Чунки жараёнлар кузда бўлганлиги учун бу пайтда одатда аҳоли ҳосил йиғиш ва уни ташиш билан банд бўлар эди. Амалдаги тадбирлар эса аҳолининг йиғим-теримида маълум маънода тўсқинлик қиларди.

Хаттоқи туяларни давлат эҳтиёжлари учун олиш ҳукумат сиёсати билан белгилаб қўйилди. 1927 йил 14 октябрда Ўрта Осиё бюроси сиёсий комиссияси йиғилишининг 5-сонли баённомасида келтирилишича, туяларни ҳарбий қисмларга ихтиёрий равишда ёллаш зарурлиги ва хизматига қараб эгасига қунига 2-3 рубль тўлов амалга ошириш, шу билан бирга, Туркменистон ССР ҳукуматининг туяларни ихтиёрий ёллаш бўйича расмий мурожаатларини районлар бўйлаб тарқатиш белгиланди [6]. 1927 йил октябрда Тошхөвүз округида совет ҳокимиятига қарши курашни тугатиш мақсадида қизил армия учун зарур бўлган туя ва сув сақлаш учун мешларни аҳолидан йиғишда жойларга масъул ишчилар, район ижроия қўмитаси ўринбосари ва милиция раҳбари юборилди [7]. Агар бу нарсалар аҳолидан ихтиёрий равишда йиғиб олинганда эди, кўрсатилган мутасадди ходимларни жалб этилиши шарт бўлмаган бўларди. Қизил армия учун асосий муаммолардан бири мешларни етишмаслиги эди. Чунки мешларга бўлган талаб шу жойнинг табиати, иқлими ва муҳити билан боғлиқ бўлиб, хатто аҳолининг ўзида ҳам унга эҳтиёж катта эди.

Турменистон ССРда совет ҳокимиятига қарши кураш динамикасини 1925/1926 йил билан 1927 йилни қиёслаганда қўлами ошганлиги кузатилади. Масалан, Карки округида 1927 йил 1 октябрдан 1928 йил 1 октябргача отликлар сони 855 нафаргача, Чоржўй округида 1926 йилда 200 нафар бўлган қуролли гуруҳлар 1927 йил ёзда 500 нафаргача кўпайди. Тошхөвүз округида 1927 йил февралда ўзбек гуруҳларидан ташқари туркманлардан тузилган 400 нафар отликлардан иборат 10 та гуруҳ ҳам бўлган. Уларга Дурди Қилич, Шалтай ботир, Аҳмадбек, Тўра Сардор, Ашурбой, Язан ўкуз ва бошқалар раҳбарлик қилди. Рўздат Полвон ўзбеклардан тузилган гуруҳнинг раҳбари эди. Унинг гуруҳи 1927 йил 18 июндаги жангда мағлубиятга учраб парчаланиб кетди [8].

Бироз танаффусдан сўнг 1927 йил августда Жунаидхон хориждан яна Қорақумга қайтиб келиб, Ўртақуйи, Пешка кудуқ ва Чаришли кудуқлари атрофида жойлашди. Бу пайтда Туркменистонда амалга оширилаётган ер-сув ислоҳоти синфий курашни кучайтириб юборди [9]. Бунинг натижасида 1927 йилда қуролли ҳаракат яна кучайди. Шу йил сентябрь ойининг бошида Жунаидхон бошчилигида 2000 отликдан иборат 12 та жанговар гуруҳлар тузилди [8]. Жунаидхон ушбу гуруҳлар билан 19 сентябрда Тошхөвүз округидаги Тахта, Иляли ва Қўхна Урганч районларида совет ҳокимиятига қарши янги кўзғолон кўтарди. Кўплаб туркман овуллари ва ўзбек қишлоқларида совет ҳокимияти тугатилди [10].

Жунаидхонга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун Ўрта Осиё ҳарбий округи Шимолий ва Жанубий гуруҳлар штаби ташкил этилди. Шимолий гуруҳга Хоразм воҳаси ва Қорақум саҳросида совет ҳокимиятига қарши курашаётган барча кучларни тугатиш, Жанубий гуруҳга эса Жунаидхоннинг хорижга чиқиб кетишига йўл қўймаслик вазифаси топширилди [11].

Жунаидхон бошчилигидаги кўзғолонни бостириш учун Туркменистон районларини ўрганиш учун сиёсий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда Марказий сиёсий комиссия раиси Саҳат-Муродов томонида 1927 йил 18 октябрда 5 та банддан иборат қўлланма ишлаб чиқилди ва шу асосида ишлар олиб борилди [12]. Унга мувофиқ, Инқилобий қўмита Қорақумнинг чорвадор районларини синчковлик билан ўрганиш орқали аҳоли сони, кўчманчи-чорвадорларнинг яйловлари, қишлоқ жойлари, кудуқларнинг жойлашиши, алоқа йўллари ва саҳро аҳолиси билан алоқа ўрнатиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар аниқланди. Шунингдек, Инқилобий қўмита аҳолининг миллий-уруғлари ва уруғларининг таркиби, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли устидан назоратни амалга оширадиган оқсоқоллар билан алоқаларини, кўчманчилардан ким ва қандай шаклда солиқ ундириши, районлар ким томонидан ва қандай қилиб маҳсулотлар билан таъминланиши, кўчманчилар савдоси асосан нима эканлиги аниқланди. Бундан ташқари аҳолининг совет ҳукумати, қизил армия, кўзғолончилар ва Жунаидхон билан муносабати ўрганилди. Жунаидхоннинг одамлари, подалари ва уни қўллаб-қувватлаётган уруғлар ҳамда уларга қарши бўлган кучлар ҳақида кўплаб маълумотлар тўпланди [12]. Бу каби синчковлик асосида ўрганилиши Жунаидхон бошчилигидаги кўзғолончиларни ҳаракатларини бостириш учун жуда қўл келди.

Совет қўшинларига қарши 1927 – 1928 йилларда Жунаидхон бошчилигидаги гуруҳлар шафқатсиз кураш олиб борди. Асосий жанглар 1927 йил 5-7 октябрда Отақўйи, 12-13 октябрда Бозор Оқтепада, 5-6 ноябрда Отақўйи кудуғи атрофида (Жунаидхон армиясини 30 %ни йўқотди) бўлиб ўтди. Шунингдек, 1928 йил майда Тошхөвүз ва Чоржўйдаги жангларда қизил армия 19 та Р-1 самолёти, 2 та алоҳида авиаотряд (6 та Ю-21 самолёти ва 2 та Ю-13 самолёти), Тошхөвүз аэродроми, Ашхабад аэродромининг авиаразведка қисмларини ҳам жалб этди [11]. Ҳарбий жиҳатдан катта устунликка эга қизил армия Жунаидхоннинг асосий кучларини мағлубиятга учратди.

1928 йил январда Т. Зуев қўмондонлигида 1-Туркман отлик полкининг 2 та бўлинмаси Хива, Тошхөвүз ва Чоржўй районларида қуролли гуруҳларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Натижада бу гуруҳлар ҳам тарқатилиб, саҳрога чекинишга мажбур қилинди. 1928 йил июль ойининг ўрталаридан то 22 ноябрга қадар 2-Туркман отлик полкининг пулемётчилар бўлинмаси билан кўзғолончилар ўртасида Қизиларвот ва Қизилатрек районларида кескин жанглар бўлиб, унда кўзғолончилар мағлубиятга учради [13].

Қизил армия қўмондони Будёний Туркменистонда олиб борилган ҳарбий амалиятлар ҳақида қуйидагича фикр билдиради: совет офицерлари “босмачилар”нинг жанг усулларини синчковлик билан ўрганиши лозим. Чунки туркистонликлар қизил армия қисмларига қарши курашда кўплаб ҳарбий тактикаларни киритган, кейин бошқа округларда ҳам шуларни қўллаб бошлади. Масалан, туркистонликлар тоғларда ва чўлларда жанг олиб боришда ўта тажрибали бўлиб, улар ҳаво ҳужумларига қарши кўплаб

ушуларни қўллашда ташаббускор бўлган. Шунини қайд этиш керакки, 1928 йилда Жунаидхоннинг ҳаракатларига қарши Туркистон округи армия тарихида биринчи марта Қорақумнинг марказида барча самолётлар орқали ҳарбий амалиётларни қўллашга мувофиқ бўлди. Шу билан бир қаторда иккинчи зарбдор кампания қизил армия қисмлари ҳам ҳужумга ташланди [9].

Жунаидхонга қарши қизил армия ҳаводан ва ердан кучли зарбалар бериши натижасида у 1928 йил июнда унчалик катта бўлмаган гуруҳи билан аввал Эрон ҳудудига, орадан кўп ўтмай Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлди. Бироқ Жунаидхон қизил армиядан енгилган, хорижда бўлса-да Туркменистонда совет ҳокимиятига қарши кураш 1928 йилдан сўнг ҳам тўхтаб қолмади.

Хуллас, Туркменистон ССР ташкил этилганидан бошлаб большевикларнинг бошқарув тартиби ўрнатилди бошланди. Бу жойларда катта таъсирга эга бўлган бой-мулкдор қатламлар, уруғ оқсоқоллари, диний уламоларнинг таъсирини камайтиришга ва совет ҳокимиятининг мустаҳкамлашга қаратилди. Бу эса икки қарама-қарши сиёсий кучларнинг адоватига сабаб бўлди. Туркменистон ССРда амалга оширилган ерсув ислоҳоти, ғалла тайёрлаш кампанияси, солиқ, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш ва коллективлаштириш сиёсати оқибатида совет ҳокимиятига қарши кураш 1927/1928 ва 1931 йилларда ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Совет ҳокимияти республикада қуролли ҳаракатни тўлиқ равишда 1935 йилга келиб бостиришга эришди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922-1934 гг.). Т.3. Ч.2. 1925 г. –Москва, 2002.
2. Ивницкий Н.А. Репрессивная политика советской власти в деревне (1928-1933 гг.). – Москва: РАН. Ин-т рос. истории, Университет г. Торонто (Канада), 2000.
3. Россия давлат ҳарбий архиви, 25895-фонд, 1-рўйхат, 641-иш, 24-варақ.
4. Россия давлат ҳарбий архиви, 25895-фонд, 1-рўйхат, 641-иш, 59-60-варақлар.
5. Россия давлат ҳарбий архиви, 25895-фонд, 1-рўйхат, 641-иш, 85-варақ.
6. Россия давлат ҳарбий архиви, 1-рўйхат, 243-иш, 14-варақ ва унинг орқаси.
7. Россия давлат ҳарбий архиви, 25895-фонд, 1-рўйхат, 243-иш, 38-варақ ва унинг орқаси.
8. Непесов Г. Победа советского строя в Северном Туркменистане (1917 – 1936 гг.). –Ашхабод, 1950.
9. Будённый Семён Михайлович. Пройдённый путь. Книга третья. <http://www.mysteriouscountry.ru>
10. Ражабов К. Хоразмда истиқлол ҳаракати ва Жунаидхон // “Жамият ва бошқарув”, 2000. № 1. – Б. 37-43.
11. Борисов А. Поход конной группы 8-й кавбригады в Кара-Кумскую пустыню в 1927 году. –Москва: Военгиз, 1932.
12. Россия давлат ҳарбий архиви, 25895-фонд, 1-рўйхат, 243-иш, 36-варақ.
13. Худойбердиев О. Из истории военного строительства и ликвидации контрреволюции в Средней Азии. – Москва: “Наука”, 1984.

УЎК 93/94

ЎЗБЕКИСТОН МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИДАН

Ш.С. Фафоров, т.ф.д., проф., Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. *Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон ҳудудида маданий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг юқори босқичини ташкил қилган мадрасалар тарихи билан боғлиқ тарихий жараёнлар: мадрасаларнинг ташкил этилиши, уларда таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари, молиялаштириш масаласи ҳамда мустамлака маъмуриятининг мадрасаларга нисбатан сиёсати ёритилган.*

Калим сўзлар: *илм, мадраса, мударрис, ҳофиз, тариқат, хонақоҳ, маданият, меъморчилик, авсат, миллий мактаб*

Аннотация. *В данной научной статье описываются исторические процессы, связанные с историей медресе, которые составляли неотъемлемую часть культурной жизни Узбекистана: организация медресе, специфика системы образования, финансирование и политика колониальной администрации по отношению к медресе.*

Ключевые слова: *знания, медресе, мударрис, хафиз, тариқат, ханак, культура, архитектура, авсат, национальная школа*

Abstract. *This scientific article describes the historical processes related to the history of madrassas, which formed an integral part of cultural life in Uzbekistan: the establishment of madrassas, the specifics of the education system, funding, and policy of the colonial administration towards madrassas.*

Keywords: *science, madrasa, mudarris, hafiz, tariqat, khanaqoh, culture, architecture, avsat, national school*

Шарқ ўлкаларида, жумладан, Туркистонда таълим тизими ва унинг босқичлари бизгача етиб келган манбалар асосида қатор олимлар томонидан тадқиқ этилиб, уларнинг натижалари турли тилларда нашр қилинган [1].

Баъзи маданият ва таълим тарихига оид асарларда, ислом ўлкаларида мадрасаларнинг майдонга келиш тарихини X асрга тегишли деб, биринчи мадрасалар Нишопурда бунёд этилган, тарзида мулоҳаза юритади. Аммо тарихий манбаларнинг, жумладан Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асарида эслатилишича, X асрнинг аввалидаёқ Бухорода мадрасалар бўлиб, улардан бири мадраса-и Форжак 937 йилда содир бўлган ёнгин вақтида анча зарар кўрган экан [2].

Ўлкамизда қадимда таълим-тарбия тизими уч босқич ҳамда унинг уч муассасаси-ибтидоий мактаб, ўрта ёки ўрта махсус маълумот берувчи мадраса ва мадрасаи олиялардан иборат бўлган. Ўрта махсус таълим мадрасалари "мадрасатун ҳарбия" (ҳарбий билим юрти), "мадрасатун муаллимин" (педагогика институти) шаклида, юқори босқич илм маскани-университетлар эса "мадрасаи улум" ("илмлар мадрасаси"-дорилфунун) номи билан мавжуд бўлгандир [3,4].

XIV асрнинг охирида Мовароуннаҳрда Амир Темурнинг салтанати ўрнатилгач, пойтахт Самарқандни обод қилиш мақсадида унга турли хилдаги қурилишларни амалга ошириш ҳамда таълим тизимини яхшилаш, унга дахлдор бўлган билим ўчоқларини қуриш соҳасида ҳам кенг миқёсдаги фаолият бошлаб юборилди. Натижада Амир Темурнинг хотинлари - маликалардан Сароймулкхоним (мадраса), Туман оқо (хонақоҳ ва қулоқфурушон тими), амирларидан Идигу Темур, Фирузшоҳ (мадраса), набираси Муҳаммад Султон (мадраса), амалдорларидан Самарқанд садри мавлоно Қутбиддин (мадраса) ва бошқалар томонидан қатор иншоотлар, хусусан мадрасалар бунёд этилди.

Соҳибқирон даврида қурилган мадрасаларнинг айримлари 20-25 толиби илмга мўлжалланган бўлса (Муҳаммад Султон мадрасаси), баъзилари 100 тагача толиби илмга мўлжалланганлар (Идигу Темур, Қутбиддин Садр, Сароймулкхоним мадрасалари). Мадрасалар маълум даражада ихтисослаштирилган кўринади, жумладан, бошқарув кадрларни тайёрлаш (Мавлоно Қутбиддин садр мадрасаси), умумий мутахассислар (зиёли, имом, олим, мактаб ўқитувчиси) тайёрлаш (Идигу Темур, Сароймулкхоним мадрасалари) ва бошқалар.

Мадрасаларда дарслар ўқитиладиган илмлар хусусиятига кўра уч тилда – араб, форс ва туркий (ўзбек) тилларида олиб борилган. Ҳар бир мадрасада унинг вақфномасидан белгиланган даромадларга ҳамда ихтисосига қараб толиби илмлар сони –миқдори белгиланган. Шунга мувофиқ тарзда уларда-садр-мутававали, мударрис, муъид, ҳофиз, имом, муқри, нокит, мужовир, фаррош, мусдир ва бошқалар сони ҳам белгиланган. Садр-мутававалига мударрислар ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, мадрасани таъмирлаб туриш вазибалари ҳам қаратилган [4].

Туркистон халқлари таълим тизимидаги "олтин аср", шубҳасиз, Мирзо Улуғбек (1409-1449) давридир. Улуғ олим ва давлат арбоби, буюк бобокалони каби илм-фан ва маърифат ҳомийси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган 40 йил давомида ўлка ўша давр дунё цивилизациясининг энг пешқадам ўринларини эгаллаган эди. Олим ва ҳукмдорнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Туркистон бутун мусулмон Шарқининг илм-фан ва маданият марказига айланди. Тарихий манбаларда Улуғбек қурдирган ўнлаб мадрасаю масжид, мақбараю хонақоҳ, бозору ҳаммомлар хусусида кўплаб маълумотлар келтирилади, буюк олим қурдирган мадрасалар эса замонлар оша бизнинг кунларимизгача етиб келганки, суҳбатнинг давоми шу хусусда бўлади.

Мирзо Улуғбекнинг Бухородаги мадрасаси 1417 йилда қурилган бўлиб, унинг меъмори Исмоил ибн Тохир ибн Маҳмуд Исфохонийдир.

Мадраса ҳажми жиҳатидан кичик (тарҳи 50х40 метр) бўлиб, унда гўзал кириш пештоқи, ҳовлида эса икки қават ҳужралар, масжид, дарсхона мавжуд.

Мадрасанинг кириш дарвозаси ўнг табақасининг юқоридаги диласида машҳур ҳадис – "Илм талаб қилиш (ўрганиш) барча муслим ва муслималарга фарздор"-гўзал наставлик хати билан ёзиб қўйилган. Бундай ёзув - ҳадиснинг Амир Темур томонидан қурдирилган Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги (Ясси, ҳозирги Туркистон шаҳрида) ёзувлар ичида ҳам борлиги маълум.

Шу мазмунга уйғун бўлган, дарвозанинг бронза халқасида битилган иккинчи ёзув ҳам диққатга сазовордир: «Китобий билимга интилувчилар учун Аллоҳ марҳаматининг эшиги ҳамиша очикдир».

Шуни айтиш жоизки, Мирзо Улуғбекнинг Бухородаги мадрасаси кириш эшигида илм, билимга ташвиқ ва тарғиб этувчи бундай ёзувларнинг битилгани Мирзонинг таълим тизимида, унинг ўчоқларидан бири бўлмиш мадрасаларга алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради.

Мадраса фаолиятига доир маълумотларнинг камлиги кўп мадрасалар устида аниқ сўз юритишга имкон бермас-да, аммо унинг умумий йўналишдаги мадраса эканлигига шубҳа қилмас ҳам бўлади. Мадраса ҳозирги кунда сақланган. Мирзо Улуғбек тавваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1993-1994 йилларда таъмирланган.

Мирзо Улуғбек 1433 йилда шайх Абдулҳолиқ Ғиждувоний қабрининг кун ботар томонида бир қаватли кичик бир мадраса (Ғиждувон шаҳрида) қурдирди. Мадраса пештоқ, ҳовлида эса масжид, дарсхона ва хонақоҳдан иборат бўлган. Бу бежиз эмас эди. Мирзо Улуғбек бу мадрасани қуриш билан ўзининг ҳожагон тариқатининг бонийси Абдулҳолиқ Ғиждувонийга нисбатан бўлган ҳурматини изҳор этган эди. Ҳозирги кунда бу мадраса – хонақоҳнинг пештоқи ва олд қисми сақланиб қолган. Кейинги юз йилликларда ёзги масжид биноси қурилиб, унга ёпиштирилган ҳамда унинг ёнида кичик минора (Бухородаги Минораи Калоннинг кичик нуҳаси) қурилган.

Мирзо Улуғбек Самарқандда тўпланган илмий кучлар, моҳир муҳандислар маслаҳати билан мамлакатда, жумладан пойтахт Самарқандда таълим тизими ва илмий тадқиқотларнинг самарали тарзда амалга ошириш мақсадида кенг кўламли қурилиш ишларини бошлаб юборди. Самарқанд мадрасасининг қурилиши Бухородаги мадраса қурилиши билан бир вақтда бошланган бўлса-да, Бухоро мадрасаси 1417 йилда қурилиб битказилди. Самарқанддаги мадраса ўз кўлами ва иншоотларининг кўплиги туфайли 1417-1420 йилларда қуриб битказилган.

Мадраса меъморий жиҳатдан ниҳоятда мухташам бўлиб, наққошлик, хаттотлик, тошйўнарлик, ёғочкорликнинг энг олий намунасидир. Мадраса эгаллаган майдон сатҳининг тарҳи 81x56 метр бўлиб, унинг олд томони – пештоқи кун чиқарга қаратилган. Пештоқда юлдузли осмон – кўк тасвири, кириш дарвозаси ёғочда ўймакорлик санъати асосида тайёрланган. Олд томони қисмининг жануб ва шимол томонларида уч қаватли иккита гулдаста минора, уларнинг ёнларида иккита гўзал гумбаз, мадрасанинг жанубий ва шимолий ён томонларида пештоқли кириш дарвоза ва айвонлар, мадраса ҳовлиси кун ботар томонининг жануб ва шимолида эса яна иккита гулдаста-минора ҳамда иккита гумбаз жойлашган.

Мадрасада икки қаватда 55 хужра бор. Ҳар бир хужра ўз навбатида, икки қаватдан иборат. Биринчисида қозноқ, ва мутолаа, суҳбат ўрни жойлашган бўлиб, иккинчи қават – ётоқхонадир. Бир хужра икки кишининг яшаши учун мўлжалланган.

Мадрасанинг тўрт томонида тўртта дархона, кун ботар томонида эса масжид мавжуд. Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадраса мажмуасининг бошқа мадрасалардан фарқ қилувчи хусусияти унинг расадхонани ҳам ўз таркибига олганлигида деб уқтирилган эди. Шу фикрнинг тасдиғи сифатида XVII асрда яшаб ижод этган шоир, адабиётшунос ва муаррих мавлоно Мутрибий Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асаридаги ажойиб бир маълумот матнини келтириш ўринлидир. Мавлоно Мутрибий шундай ёзади: (мазмун) "Аторуд фатинатли расад боғловчилар ва Муштарий хислат Қамар сурат ахтаршунослар етти иқлим ва Ер маъмураси суратини султони шахид Улуғбек Қўрагоннинг Самарқанд-и фирдавсмонанддаги мадрасасини деворига шундай тасвир этганлар (алоҳида бетда етти иқлим харитасининг бу сурати берилган)" [5].

Мадраса иш бошлаганда толиби илмларнинг билим савияси – даражаси аниқланиб, улар уч гуруҳга - аъло (юқори), авсат (ўрта) ва адно (паст) га ажратилган. Бу ўринда шуни ҳам эслатиш жоизки, толиби илмнинг қайси гуруҳга мансублигини билиш мақсадида, улар имтиҳон қилинганлар. Имтиҳонни мавлоно Қозизода Румий раҳбарлигидаги махсус ҳайъат ўтказган. Толиби илмларни имтиҳондан ўтказиш маросимида баъзан Мирзо Улуғбек ҳам қатнашган.

Мадрасада ўқув жараёни етти ой давом этган. У мезон ойининг биринчи куни (21 сентябр) бошланиб, ҳамал ойининг биринчи кунига (21 март) давом этган. Ҳамал ойдан (21 мартдан) мезон ойигача (21 сентябр) бўлган муддат таътил ҳисобланиб, толиби илмлар турли ишлар (деҳқончилик, хунарамандчилик, масжид имомлиги ва бошқалар) билан шугулланганлар.

Мадрасада таълим олиш муддати уч босқични – адно, авсат, аъло назарда тутган ҳолда 8 йил белгиланиб, шу муддат ичида толиби илмга ойлик ва улуфа белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач (1991 йил), тарих ва меросга янгича муносабат бошланди. Шунинг натижасида Мирзо Улуғбек мадрасасини ҳам ўз ҳолига келтириш амалга оширилди. Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек мадрасаси Самарқанд Регистон майдонининг шуқуҳли ва азамат обидасига айланиб қолди.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтиш жойиздир. Ўлкамиз дунёнинг энг қадимий олий таълим тизими эга масканларидан бири экан, биз нега бугунги кунда республикадаги мавжуд университет ҳамда бошқа олий ўқув юрглариининг бошланғичини 1917 йилдан кейинги даврга олиб бориб боғлашимиз керак? Акад. Б.Н.Валихўжаев жуда ҳақли ва ўринли таъкидлаганидек, жумладан, Самарқанд Давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасасининг бевосита вориси бўлиб, унинг ташкил этилиш тарихига (1420 миллодий йил) бориб тақалади. Бу гап барча шаҳарларда (Тошкент, Бухоро, Хива) мавжуд бўлган мадрасаи олиялар ва уларнинг ворислари бўлмиш университетларга ҳам тааллуқлидир [3].

Бу фикрни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда яна шуни айтамикки, мазкур тарихий адолатни тиклаш учун махсус қонун (фармон) қабул қилиш ўринли бўлади.

Юқорида келтирилган мухтасар шарҳда ўлкамизнинг халқ маорифи ҳамда олий таълим тизимининг қадимийлиги ва улар ўзининг ажойиб анъаналарига эга эканлиги хусусида фикр юритилди. Шу қисқагина шарҳдан ҳам Туркистондаги таълим тизимининг дунёнинг бошқа қисмларида (айтайлик, Хитой, Миср, Ғарбий Европа) ҳукм суриб келган маориф тизимларидан ҳеч бир тарафдан орта эмаслиги, балки баъзи жиҳатлари (тиллари ўқитиш, таълим жараёнини молиявий таъминотини ташкиллаштириш) нуқтаи назаридан улардан устун эканлиги намоён бўлади. Олис ўтмишда эса у янада мукамал ва серқамров эди. Рус мустамлакачилари Туркистондаги таълим тизими инқироз ичида эканлигида у билан юзма-юз келдилар. Баъзи рус (ва қисман Европа) манбаларида унинг шу ҳолати хусусида шошма-шошарлик билан чиқарилган хулосалар мазкур фактор билан ёки тадқиқотчиларнинг масаланинг моҳиятига чуқур ёндашмаганлиги билан изоҳланиши керак.

Бундан олдинги бўлимларда Туркистоннинг миллий мактаблари ҳамда мадрасалар тарихи хусусида қисқача маълумотлар келтирилди. Навбат чор истибдоди давридаги мадрасаларнинг аҳволи, уларнинг ўлка маориф тизимида тутган ўрни ҳақида. Бу хусусда берилган хабарлар ичида В.П.Наливкин, А.П.Хорошхин, К.Е.Бендриков қайдлари ўзининг кенг қамровлиги, аниқлиги ва далилларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

"Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги, - дейди В.П.Наливкин ўз хотираларида, мадрасаларнинг умумий сони 189 та бўлиб, шундан Фарғонада 118 та, Самарқандда 50 та, Сирдарё вилоятида эса 21 та мадраса жойлашгандир. Мадрасалардан Қўқонда 34 таси, Марғилонда 25 таси, Самарқандда 22 таси, Андижонда 18 таси, Наманганда 14 таси, Тошкентда 14 таси ва 10 таси Хўжанд шаҳрида бино этилган"[6].

А.П.Хорошхин ўзининг "Туркистон ўлкасига тааллуқли мақолалар тўплами"да [7] Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги худудларида тахминан 200 та шундай мадрасалар фаолият кўрсатганлигини таъкидлаб ўтади.

Мазкур муаллифлар мадрасаларнинг иқтисодий жамғармалари, келтирган даромадлари, вақф мулклари хусусида ҳам муайян далилларни ўз асарларида келтириб ўтганларки, бу фикрлар асосида у ёки бу мадрасанинг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар, ўқитиш ишларининг сифат даражаларини ҳам илғаб олиш мумкин. Қайси мадрасада даромад кўп бўлса, демак унда ўқув жараёни яхши йўлга қўйилган, ташкилий масалалар тўғри ҳал этилган. Энг асосийси, аҳолининг эътиборига тушган бундай мадрасаларга халқнинг бой қисми болаларини ўқитишга бериш билан бир қаторда, ўз шахсий даромадларидан эҳсон ҳам ҳадя этганлар. Бу жиҳатлар хусусида К.К.Паленнинг келтирган маълумотлари эътиборлидир. Унинг ревизияси ҳисоботларининг 120-121 саҳифаларига назар ташланилса, бу масалалар мадрасаларнинг моддий аҳволи ҳақида равшан ва лўнда фикру далиллар кузатилади. Унда муаллиф, жумладан, шундай маълумотларни беради. Сирдарё вилоятидаги мадрасаларнинг умумий сони ўттиз иккита бўлиб, шундан 23 таси шаҳарларда ва 9 таси қишлоқларда жойлашгандир. Бу мадрасаларнинг вақф мулкларидан оладиган даромадлари унча катта бўлмай, энг бой ҳисобланган Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мадрасаси йилига 3100 сўм миқдорида даромадга эгадир.

Яна учта мадраса 1000-2000 сўм миқдорида даромадга эга бўлсалар, қолганларини йиллик даромадлари 100 ёки 10 сўм белгиланди. Баъзи мадрасалар эса умуман фойда олмайдилар. Фарғона вилоятида 1891-92 ўқув йилининг ревизиясига кўра, 124 та мадраса ҳисобга олинган. Шулардан 95 таси шаҳарларда, 29 таси қишлоқларда жойлашган. Фарғона руслар томонидан эгаллангандан кейин 6 та мадраса очилди. Бу вилоятда кўпчилик мадрасалар вақф даромадидан ташқари аҳолининг бой қисми эҳсон қиладиган хайрия пулларидан фойдаланадилар. Умуман, Фарғонадаги мадрасаларнинг ўртача йиллик даромади 149797 сўм билан белгиланади. Шундан 12 та мадраса 2000 сўмдан ошқ даромад олса, ўн учта мадрасанинг бир йиллик даромади 1000 сўмдан то 2000 сўмгачадир. Ўн бешта мадрасанинг эса умуман ҳеч қандай вақф мулки ва даромади йўқдир.

1892-93 ўқув йили Самарқанд вилоятининг ревизиясига кўра, вилоятда 58 та мадраса мавжуд бўлиб, улардан 40 таси шаҳарларда ва 18 таси қишлоқларда жойлашган. Вилоят барча мадрасаларининг ўртача йиллик даромади 28555 сўмни ташкил қилади. Уларнинг ичида ўн иккита мадраса 2000 сўмдан ортик даромадга эга бўлса, еттита мадраса 100 сўмдан 2000 сўмгача даромадга эгадир. Шундан 9 та мадрасанинг эса ҳеч қандай даромади йўқдир"[8]. Келтирилган далиллардан шу нарса кўзга ташланадики, ўлкадаги мадрасалар фаолияти ҳам иқтисодий, ҳам маърифий томонлардан бир-бирида кескин фарқланган. Уларнинг фаолиятига ўқитиш усули ва молиявий-моддий таъминланиш даражаси нуқтаи назаридан қарасак, яна бир тарихий ҳақиқат қарор топади. Яъни, Туркистондаги эски усул мактаб ва мадрасаларининг аниқ миқдори номаълум бўлгани каби, улардаги ўқув жараёни сифатининг қай йўсинда эканлиги масаласида ҳам қатъий хулоса чиқариш мумкин эмаслигини кўрсатади. Демак, минтақа маориф тизими турли худудларда сон ва сифат жиҳатдан ранг-баранг характерга хос бўлиб, уларда паст, ўрта ва юқори савиядаги муҳит ҳукм сурган.

Энди анъанавий мактаблар ва мадрасаларнинг ўқитиш жараёни ва дастурлари нималарга асосланган? деган савол туғилади. Бу ҳақдаги С. М. Граменицкийнинг қайдлари диққатга сазовор. "Маҳаллий халққа,- дейди у,- шу жойнинг хат-саводини ўргатиш иши Туркистон ўлкасида жуда қадимдаёқ ғоят кенг тарқалган. Ўлка босиб олинган, руслар бу ерда жуда кўп мактаблар борлигини кўрдилар, уларда араб алфавитида она тили ўқитилишига, хат-саводни эгаллаш мусулмон дини билан уйғунлашиб кетганлигига гувоҳ бўлдилар"[9]. Мактаб ва мадрасаларда дастлабки ўқиш ишлари болаларга ҳарфларни ўргатиш билан бошланган. Ҳарфлар тўлиқ ўзлаштирилган, араб тилида Ҳафтияк, кейин эса форс тилида Чор китоблар ёд олинган. Юқори синфлар учун эса Бедил, Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр каби классик ижодкорлар асарлари мутолааси ўргатилган.

Ўлка билим юртлари бош инспекторининг 1902 йил Россия Маориф министрлигига ёзган хатида мактаб ва мадрасаларнинг ўқув тизими усуллари тўғрисида янада қаноатланарли мулоҳазалар юритилган. Хусусан хатда шундай фикрлар мавжуд: "...мусулмонлар худди Европа Россияси, Сибирдагидек ўзларининг мактаб ва мадрасаларида билим олаётдилар. Мактаб ва мадрасалар халқ турмушида муҳим аҳамият касб этади ва ёш авлодга муайян йўналишлар беради... Биздаги мактаб ва мадрасалар қайси тартибга кўра ташкил топган? Бизнинг жойларда бу мактаблар аксар маҳаллий шароитлар тақозосига кўра ташқи кўринишдаги жузъий ўзгаришни айтмаганда, Бухородагидан деярли ўзгаришсиз жорий этилган".

XIX аср охирига келиб бу мактабларнинг биронтасида табиий фанларнинг ўқитилмаганлиги ҳам ажабланирли ҳолдир. Хусниҳат ва ёзиш санъати болаларга пухта ўргатилганлиги айрим мактаблар ҳақида келтирилган маълумотларда учрайди. Лекин айрим қишлоқ мактаблари ўртасида ўқитиш ишларида сифат жиҳатидан фарқлар сезилади.

Шу ўринда Туркистондаги миллий таълим тизимидан ҳозирги кунда жаҳон андозаси даражасига интилаётган замонавий таълим тизимимизга анъанавий мактаб ва мадрасалардаги илмий меросни ўрганиш усулларида баъзиларини, жумладан, ўлкаимиздаги қадимий туркий маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлган араб, форс тилларини ўрганиш тажрибасидан ҳозир ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки туркий халқлар тарихи, бой маданий, илмий, фалсафий меросининг анча қисми шу тилларда

битилганлиги ҳаммамизга маълум. Келгусида бу буюк маънавий бойлигимизни ўқиб тушунадиган ва тилимизга ўгирадиган мутахассисларни кўплаб тайёрлаш муҳимдир.

Сенатор К.К. Пален юқорида келтирилган китобида мадрасалардаги ўқиш усулини уч босқичга бўлади.

Биринчи босқич - "Одна" деб юритилиб, бу босқичда толиблар 2, 4, 5 йил ўқишган. Дарслар асосан араб, форс тилларида олиб борилган. Бу йилларда араб тили грамматикаси, форс тили ўрганилган. Араб тилидаги "Занжони", "Ихлаби", "Авомил", "Харакат", "Кофия" (унинг шарҳи ҳисобланган "Шарҳ - мулла" ҳам) ва форс тилидаги "Аввали илм" каби асарлар мутолаа қилинган.

Иккинчи босқичда - толиби илмлар фикҳ масалалари билан машғул бўлиб, ислом қонуносларидан сабоқ олганлар.

Учинчи босқичда "Шамсия" ва унинг шарҳи ҳисобланган "Ҳошия" ҳамда "Мушкилот" ни ўрганганлар.

Шунингдек, "Ақоид" (догматика), "Таҳзиб" (диалектика) "Ҳикматул-айн" ва астрономияга оид асарларни ўқиганлар, космографияга бағишланган умумий билимлар олишган. Мантиқ фанига ҳам эътибор қаратилиб бу соҳа бўйича: "Тавзиҳ", "Ҳадис", "Қиёс" ва "Тавсифи қози Бойзавий" лардан маърузалар тингланган. Фикҳ ўрганувчилар учун эса кўпроқ қуйидаги китоблар дастур вазифасини ўтаган: "Фикҳи Кайдони", "Мухтасар ул-виқоя", "Ҳидояи шариф" ва бошқалар.

Толиблар илми ҳисоб ва тиббиёт билан ҳам шуғулланганлар. Айниқса классик шоирларнинг ғазаллари ва дostonлари кунт билан ўқитилган. Ўқув йили октябрда бошланиб, апрелда тугаган. Ўқиш ҳафтанинг тўрт куни: якшанба, душанба, сешанба ва чоршанба кунлари олиб борилган. Рамазон ва Қурбон ҳайитларида икки ҳафталик таътиллари берилган.

Хуллас, шу асосда мактаб ва мадрасаларда ўқитиш ишлари олиб борилган. Далиллардан ҳам кўриниб турибдики, Туркистон халқлари баъзи бир совет тарихчилари айтганларидек буткул саводсиз бўлмаган. Ўлкада ўзига хос усулларидаги таълим анъаналари изчил давом эттирилган. Албатта умумжаҳоний тараққиёт талаблари нуқтаи назаридан келиб чиқувчи маориф тизими ҳам йўлга қўйилмаганлигини, илғор анъаналарни тўлиқ эгалламаганлигини ҳам эътироф этиш шарт. Акад. Б.Н.Валихўжаев жуда ҳақли ва ўринли таъкидлаганидек, жумладан, Самарқанд Давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасасининг бевосита вориси бўлиб, унинг ташкил этилиш тарихи (1420 миллодий йилга) бориб тақалашу университет ректори техника фанлари доктори, профессор Р.И.Халмурадов ташаббуси билан 2020 йилда илмий асослангани университетнинг мадрасаи олиялар ва уларнинг ворислари эканлигини кўрсатиб туради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Mez A. Die Renaissance des Islams. 1922. Бу асар Д.Е.Бертельс томонидан рус тилига ўгирилиб, «Мусулманский Ренессанс» номи билан Наука нашриётида (Москва, 1966) чоп этилган; В.В.Бартольд. Сочинения. Т.П, ч.2. – М., 1964; Абдуллаев В., Валиходжаев Б. Дыхание веков. Самарқанд 1970; E.Ihsanog'lu, Osmanli egitim muesseseleri. Кр.: Osmanli devleti ve medeniyeti tarihi, 2 cilt, Istanbul, 1998.
2. Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966. – 108 б.
3. Валихўжаев Б. Н. Темурийлар қурғон мадрасаи олиялар // Маърифат, 2001. 4 апр..
4. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. /Вақф-наме/ Т.: Наука, 1966. С. 66.
5. Мутрибий. Тазкират уш-шуаро. Қўлёзма. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. Инв.2253. 158 а-в бетлар. Бу ҳақда қаранг: Валихўжаев Б. Сурати ҳафт иқлим дар мадрасаи Мирзо Улуғбек // Овози Самарқанд, 1992. 18 апр.
6. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадрасе Сыр-Дарьинской области в 1890-91 учебному году. 1916. С. 49-60.
7. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркест. края. СПб., 1876. С. 41.
8. Отчет по развитию Туркестанского края, произведенный по величайшему повелению сенатором графмейст. графом. К.К. Паленом. Учебное дело. – СПб., 1910. С. 124-126.
9. Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сырдарьинской обл. Т.: 1916. С. 54.

УЎК 902

ЧОР РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ МАОРИФ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ

Ҳ.Жўраев, ўқитувчи, Наманган Мухандислик – Қурилиш институти, Наманган

Аннотация. Ушбу мақолада мустамлака шароитида Туркистон ўлкасидаги маориф тизими, мактаб-мадрасаларнинг аҳволи, чоризм маъмуриятининг миллий маориф тизимига бўлган муносабати, рус-тузем мактаблари, уларни ташкил этилишидан кўзланган асл мақсадлар, вақф мулкларига подшо ҳужуматининг муносабати тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: мустамлака, маориф, мадраса, чоризм, руслаштириш, вақф, таълим, сиёсат, тазйиқ, империя, маҳаллий халқ

Аннотация. В данной статье дается представление о системе образования в тюркских странах в колониальных условиях, положении школ-медресе, отношения царской администрации к национальной системе образования, первоначальных целях русско-туземных школ с момента их создания, отношения царского правительства к имуществу фонда.

Ключевые слова: колониализм, просвещение, медресе, хоризм, русификация, фонд, образование, политика, репрессии, империя, местное население

Abstract. *This article provides an idea of the education system in the Turkic countries under colonial conditions, the situation of madrasah schools, the attitude of the chorizo administration to the national education system, the initial goals of the Russian-native schools since their establishment, the attitude of the tsarist government to the property of the foundation.*

Keywords: *colonialism, enlightenment, madrasah, chorism, Russification, foundation, education, politics, repression, empire, local population*

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви тарихимизни холис ўрганиш ҳамда ёритиш имконини берди. Шу жиҳатдан Россия империясининг Туркистонни истило қилиши ва унинг ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий-маданий, маориф соҳасида пухта ўйланган мустамлакачилик сиёсатини ўрганиш ҳам тарих фани учун долзарб масалалардан ҳисобланади.

Россия босқинига қадар ўлкада эски мактаб, масжид, қорихона ва мадрасалар кенг тарқалган эди. 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилишидан бошлаб бутун иқтисодий, сиёсий ҳаётда бўлганидек, туб халқ маънавий маданиятининг таянчлари бўлмиш мадраса, мактаблар устидан ҳам империя ҳукуматининг назорати ўрнатилди. Чор ҳукумати маъмурлари мактаб - мадрасалар фаолиятининг ислоҳ қилиниши мустамлакачилик манфаатларига мутлақо зид эканлигини тушуниб етган эдилар. Туркистон ўлкасининг барча генерал-губернаторлари ўлкада маълум тарзда руслаштириш амалиётини олиб бордилар. Бу сиёсат мусулмон таълим соҳасидан бошланди. Бу соҳада ҳаттоки империя ҳукуматининг дастури ҳам ишлаб чиқилди. Империя раҳбариятининг туб жой аҳолисига бўлган муносабати масаласида асосий эътибор уларни илм-маърифатдан четда ушлаб туришга қаратилган эди. Ушбу ҳолатни ўз даврининг йирик мансабдор шахслари ҳам тан олган эдилар. Жумладан, «...Улкан руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим», деган фикр ҳам айнан шундай раҳбарлардан бири, Туркистон генерал-губернатори Николай Оттонович Розенбах (1836—1901) га тааллуқли эди [7].

Туркистоннинг мустамлакачилик тузуми ўрнатилган ҳудудларида, хусусан, собиқ Қўқон хонлиги ерларида мусулмон ижтимоий ҳаётида катта ўрин эгаллаган, “шариати паноҳ” деб қаралган қозикалон ва шайх-ул-ислом, раис ҳамда мутаваллибоши лавозимлари Кауфман томонидан тугатилди [8]. Империя ҳукумати Туркистонда маҳаллий аҳолига нисбатан руслаштириш сиёсатини доимий равишда қўллаб келди. Шунингдек, анъанавий билим масканлари бўлмиш мадрасалар фаолиятига нисбатан ҳам ҳукумат амалдорлари томонидан турли хил таъйиқлар ўтказилди. Тошкент шаҳри 1865 йил 17 июнда империя қўшинлари томонидан босиб олингач, мадрасаларни мустамлакачиларнинг манфаатларига мос равишда қайта ташкил этиш масаласи ўртага қўйилди. Унга қўра, диний мактаблар фаолиятига қарама-қарши равишда маҳаллий аҳоли фарзандлари учун рус мактаблари очиладиган бўлди. Империя амалдорлари ва ҳукуматнинг эътироф этишига қўра, фақат шундай мактабларгина маҳаллий аҳолини руслаштиришга қўмаклашиши мумкин эди.

Маҳаллий ўқув юртлирига муҳолиф тарзда ташкил этилган рус-тузем мактабларини аҳолининг катта қисми қўллаб-қувватламаган. Шу боис ҳам мазкур мактаблар ҳеч қачон оммавий бўла олмас эди. Буни подшо амалдорларининг ўзлари ҳам яхши англаб етар эдилар. Масалан, Фарғона ўқув юртлирини инспектори Ф. Егоров бу борада “...фақат миллий мактабларгина оммавий бўлиши мумкин, рус-тузем мактаблари эса миллий бўлмай, аксинча, сунъий ўйлаб топилгандир” [4. 20 б.], деган эди.

Россия императорининг 1875 йил 17 майдаги қарорига асосан, Туркистон ўқув юртлири бошқармаси ва ўқув юртлири бош инспектори лавозими таъсис этилди [6]. Ушбу бошқарма ваколатига рус мактаблари билан бир қаторда маҳаллий мактаблар (мактаб, мадраса, қорихоналар) устидан ҳам назорат олиб бориш ҳуқуқи берилди. 1877 йили Россия империясидаги руслаштириш сиёсати намояндаларидан бири Н. П. Остроумов Туркистон халқ билим юртлири инспектори лавозимига тайинланди [1]. Унга қўра, ўлкадаги барча диний мактаблар ўқув раҳбарияти томонидан бошқариладиган бўлди. Мазкур қўлланманинг 3-бандида: “Диний мактаблар (мактаб ва мадрасалар)ни назорат остига олиш халқ билим юртлири инспекторларининг ваколатига киради”, -деб ёзиб қўйилган эди.

Генерал губернатор К. П. фон Кауфман диний мактаблар инқирозини тезлаштириш ва уларни тугатиш мақсадида қўллаб-қувватларни амалга ошира борди. Мадрасаларни тугатган ёшларнинг маълум лавозимларда фаолият кўрсатиши чеклаб қўйилди. Улар фақат энг қуйи мансабларгагина ишга олинадиган бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай, 1880 йил февралда Россия Империяси Давлат Кенгашида ўлка маҳаллий аҳолиси фарзандларини руслар билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилди. Кенгаш кўриб чиқилган иш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Бу қарор К. П. Кауфман томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. У руслар ва маҳаллий аҳоли болаларини биргаликда тарбиялаш масаласини ўртага ташлади. 1880 йилнинг 4 мартда Туркистондаги диний ишлар Оренбург диний бошқармаси назоратидан тўлалигича ажратилди. Чунки, К. П. Кауфман Туркистонни махсус лойиҳа асосида бошқаришни маъқул, деб билди. Ана шу мақсадда “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” ишлаб чиқилди.

Империя Маориф министрлигининг маслаҳатчиси Н. И. Ильминский мадрасалар фаолиятига баҳо бериб, мадраса дастурларига дунёвий билимларнинг киритилиши аҳолида миллий онгнинг уйғонишига туртки беради, шу сабабдан ҳам “мадрасаларни ислоҳ этиш керак эмас, аксинча ҳеч қандай эътибор бермасдан ва уларга қарама-қарши ҳолда замонавий билим берадиган рус мактабларини очиш лозим”, -деб таъкидлайди [3].

Анъанавий мактаб-мадрасалар асосан диний тарбия бериш билан чекланган бўлиб, замонавий илм-фанларнинг ўқитилиши мазкур мактаблар учун ёт ходиса эди. Шу боис ҳам улар мустамлакачилар учун унчалик хавф туғдирмаган [4]. Мустамлакачилар олдида маҳаллий халқ таълим тизимини издан чиқаришнинг 2 та муҳим шарты бор эди. Биринчиси, ташкил топиб, ривожланиб бораётган янги усул мактабларнинг тараққиётига йўл қўймаслик, иккинчиси ўлкада империя манфаатларига хизмат қилувчи рус-тузем мактабларини ривожлантириш.

Шундан сўнг ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва ўлкада рус-тузем мактаблари очила бошланди. Рус-тузем мактаблари гоёсига генерал-губернатор Н.О. Розенбах (1884-1889) асос солди. Биринчи рус-тузем мактаби 1884 йил 19 декабрда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида очилди [5]. Россия империяси амалдорлари айна пайтда мактаб, мадрасаларнинг иқтисодий асоси бўлган вақф мулкларини чеклашга ҳамда уларни тугатишга доир сиёсат ҳам олиб борди. Ана шу мақсадда Туркистонда вақф ислохотлари ўтказилиб, илохотлар асосан вақф мулкларини тугатишга қаратилган эди. Шу сабабдан ҳам мустамлака маъмурлари вақф мулкларини кучли назорат остига олдилар.

Туркистонда вақф мулклари билан боғлиқ масалалар 1886 йилда ҳукумат томонидан тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом”да ўз ифодасини топди [2]. Мана шу мазмундаги вақф ислохотларининг ўтказилиши Туркистондаги диний ўқув юртлари, дин уламоларини иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлди. Диний мактабларга тегишли бўлган вақф мулклари даромадларининг тенг ярмини ҳукуматга тўланиши, мусулмон рухонийларида норозиликни кучайтириб юборди. Бунинг оқибати ўларок, мадрасаларда диний таълим-тарбия бериш ҳам сусайиб кетди.

Хулоса қилиш мумкинки, Чоризмнинг маориф сиёсати ўлкадаги таълим тизимига салбий таъсир кўрсатди. Ҳукумат томонидан миллий маорифни ривожлантирилишига йўл қўймасликка қарши доимий равишда кураш олиб борилди. Бунинг натижасида анъанавий миллий мактаб ва мадрасалар камайиб кетишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг).-М.: Академ.пед.наук РСФСР, 1960.-С.63.
2. Болтабоев С. Туркистондаги вақф мулклари тарихи.-Наманган: Наманган, 2005.-Б.24.
3. Исмоилова Д. Мустабид тузумнинг Туркистондаги диний сиёсати // О'zbekiston tarixi.-Тошкент, 2003.-№1.-Б.67.
4. Козаков Т. К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Т., 2001.-20 с.
5. Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы.-Т.: Среднеазиатская жизнь, 1908.-С. 74.
6. Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. - СПб.: 1910.-С.2.
7. Ризаев Ш. Жадид драмаси.-Т.: Шарқ, 1997.-Б.38.
8. Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане //Труды СаГУ. -Ташкент, 1956.-№6.-С.12.

УДК 93/94

ПРИАРАЛЬЕ В СИСТЕМЕ ПУТЕЙ ЭПОХИ БРОНЗЫ И РАННЕГО ЖЕЛЕЗА

С. Кудайбергенов, базовый докторант, Каракалпакский Государственный Университет, Нукус

Аннотация. Мақолада бронза ва дастлабки темир даврида Орол денгизи маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши, ўтмиши қабилаларининг кўчиши содир бўлган қадимий йўлларнинг йўналиши ва Орол денгизи минтақасининг қўнини давлатлар билан иқтисодий алоқалари тасвирланган. Минтақанинг ривожланишида фойдали қазилмаларнинг аҳамияти кўрсатилган.

Калим сўзлар: бронза асри, дастлабки темир асри, Жанубий Орол денгизи минтақаси, Тазабагяб маданияти, Андронов маданияти, қадимий йўллар, савдо-иқтисодий алоқалар, кўчиши йўллари, Устюрт платоси, Мургаб дарёлари, минераллар

Аннотация. В статье рассматривается становление и развитие культуры Приаралья в эпоху бронзы и раннего железного века, описывается направление древних маршрутов, по которым проходили миграции скотоводческих племен, и экономические отношения Приаралья с сопредельными регионами. Указано значение полезных ископаемых в развитии региона.

Ключевые слова: бронзовый век, ранний железный век, регион Южного Приаралья, тазабагябская культура, андроновская культура, древние дороги, торгово-экономические связи, миграционные пути, плато Устюрт, реки Мургаб, полезные ископаемые

Abstract. The article examines the formation and development of the Aral Sea culture in the Bronze Age and the Early Iron Age, describes the direction of the ancient routes that served the migration of pastoralist tribes and the economic relations of the Aral Sea region with adjacent regions. The importance of minerals in the development of the region is indicated.

Key words: bronze Age, Early Iron Age, South Aral Sea region, Tazabagyab culture, Andronov culture, ancient roads, trade and economic relations, migration routes, Ustyurt plateau, Murgab rivers, minerals

В эпоху бронзы происходил интенсивный культурно-экономический обмен между племенами различных областей Средней Азии – оседлыми земледельцами южных оазисов и степными скотоводами северо-восточных районов региона.

Увеличению роли обмена способствовали развитие металлургии бронзы, растущий уровень производительных сил и ремесленного производства, формирование центров добычи полезных ископаемых и транспортировки сырья, а также дальняя торговля медью, оловом, золотом и серебром, лазуритом и бирюзой.

Хозяйственные и технологические контакты, культурные связи и процессы миграций эпохи бронзы исследованы главным образом на основе анализа археологических данных.

Приаралье географически располагалось на южных границах обширной степной территории между Волгой и Западной Сибирью, на которой проживали скотоводческие племена. В эпоху бронзы в Южном Приаралье также получает развитие скотоводство, с навыками ведения земледельческого хозяйства, основанного на ирригационной системе (Тазабагыбская культура) [1]. И хотя в научной литературе, долгое время преобладала точка зрения о земледельческо-скотоводческом типе Тазабагыбской культуры с развитой системой орошения [2], в последнее время эти взгляды были пересмотрены.

Согласно новым данным, количественные показатели посевных площадей Южного Приаралья эпохи бронзы и степень использования орошаемых земель в сельскохозяйственных целях были несколько преувеличены, к тому же не определены виды посевных культур и не обнаружены зерна злаков [3]. Эта позволяет отнести древнее население Приаралья, в большей мере, к скотоводческим племенам степного круга. Об этом свидетельствуют культурные традиции и образ жизни тазабагыбцев, изученные на основе археологических материалов.

В середине II тысячелетия до н.э. начинаются процессы, связанные с миграциями степных скотоводческих племен Андроновской культуры. На территории Восточного и Южного Приаралья обнаружен ряд стоянок представителей этой культуры. Отсутствие на стоянках стационарных жилищ свидетельствует о временном пребывании племен Андроновской культуры в Приаралье [4]. Эти факты показывают, что Приаралье служило промежуточной территорией миграций степных скотоводов в южные области Средней Азии.

В числе основных факторов миграции исследователи выделяют следующие: увеличение поголовья скота, поиски новых пастбищ, широкое распространение лошади и колесного транспорта, рост прибавочного продукта и стремление к обмену, развитие металлургии бронзы [5].

На наш взгляд, среди причин миграций можно отметить демографический фактор – рост населения в скотоводческой среде, ограничение территорий пастбищ, в связи с увеличением поголовья скота. Периодическая засуха, отсутствие дождей в степи, приводящее к высыханию почвы и гибели растительности, также способствовали переселению населения, поиску новых пастбищ и водных источников.

Скотоводческие племена северо-восточных степей проникали в Южное Приаралье через плато Устюрт и низовья Сырдарьи. На северных окраинах Устюрта обнаружены стоянки скотоводов эпохи бронзы [6]. Отсюда степные племена проникали в низовья Амударьи. Далее их путь разделялся на направление Средний Узбой – предгорья Копетдага, а также шел вдоль правобережья Амударьи в низовья реки Зарафшан.

Проблемы связей степных и земледельческих племен Средней Азии, рассматривались в разное время рядом исследователей (А.В. Збруева, С.П. Толстов, М.А. Итина, В.М. Массон, Б.А. Литвинский, А.М. Мандельштам, Е.Е. Кузьмина, А.А. Аскарлов, В.И. Сарияниди и др.). Однако вопросы формирования и развития путей историко-культурных связей, в том числе миграций эпохи бронзы проходивших через территорию Приаралья, изучены недостаточно полно.

Проникновение с севера степного населения на территорию Средней Азии документируются не только наличием временных, промежуточных стоянок, но также находками керамики и отдельных бронзовых изделий степной культуры. В Восточном Прикаспии открыты могильники скотоводов эпохи бронзы, представляющие группы курганов с каменной насыпью [7].

Археологические материалы указывает на два центра, откуда начинались миграции скотоводческих племен эпохи бронзы. Это Поволжье – Приуралье и северо-западный Казахстан [8]. Особое значение в переселении скотоводческих племен имели пути Северного Приаралья и плато Устюрт [9].

В 50-60-х гг. прошлого века был рассмотрен вопрос о территории распространения памятников степных культур эпохи бронзы в Средней Азии [10]. На основе географии археологических памятников отмечены маршруты движения пастушеских племен вдоль рек Урал и Эмба на Мангышлак и плато Устюрт, а также из Приуралья и северо-западного Казахстана в Северное и Восточное Приаралье [11]. Отсюда степные скотоводы достигли пустыни Кызылкум и Каракум.

Важный путь, который связывал северные и южные области, проходил по левому берегу Амударьи в направлении Маргианы и Бактрии. Археологическая характеристика пути, проходившего в средневековье через Хазарасп, Джигарбанд и Дарган в Мерв (низовья реки Мургаб) представлена в монографии М.Е. Массона [12]. В археолого-топографическом отношении изучение трассы торгового пути из Мерва в Хорезм, пролежавшего по низовьям дельты Мургаба показало, что вдоль направления бывлой

средневековой караванной дороги на протяжении около 70 км. в глубь пустыни расположены десятки поселений эпохи бронзы и раннего железа [13].

Дальнейшие исследования подтвердили, что в низовьях Мургаба в эпоху бронзы население проживало на территории восьми древнеземледельческих оазисов, где обнаружено более 100 поселений [14]. В середине II тысячелетия до н.э. начинается упадок древнемаргианских земледельческих оазисов, видимо, обусловленный изменением экологических условий, опустыниванием орошаемых земель. В это же время на границах оазисов появляется стоянки скотоводов Андроновской культуры [15].

Степные племена проникали в Маргиану из Южного Приаралья. Далее они продвигались по тропам, вдоль русла Келифского Узбоя в Бактрию [16], а также на юг, вниз по течению р. Мургаб. На среднем течении этой реки керамика степных скотоводов выявлена в округе колодцев Караханбай, Яхбиль, Черкезли, Дорткудук и др., связанных между собой старыми тропами. Некоторые стоянки скотоводов эпохи поздней бронзы удалены от долины среднего Мургаба на 70-80 км и расположены в районах пастбищ на сероземных почвах [17].

Большое значение в экономической жизни населения Приаралья имела разработка медных рудников, которые находились в Кызылкумских горах. Как показывает изучение металла Заманбабинской культуры, освоение Кызылкумского горнорудного района начиналось, по крайней мере, в конце III – начале II тысячелетия до н.э. [18]. Здесь также выявлены месторождения бирюзы и мастерские по изготовлению бус из этого минерала [19].

В районах Тамдыгау и Букантау (Центральные Кызылкумы) исследованы стоянки скотоводов эпохи бронзы и обнаружены следы медеплавильного производства [20]. Древние тропы, которые вели из Приаралья во Внутренние Кызылкумы и долину Зарафшана интенсивно использовались также в более раннее время (эпоха мезолита-неолита).

Таким образом, вышеизложенные данные позволяют сделать вывод о том, что в бронзовом веке в Приаралье пересекались транзитные пути, которые связывали Евразийские степи, южные области Средней Азии, Иран и долину Инда. Их маршруты проходили через степи, пустыни, речные переправы и горные перевалы. Эти дороги использовались не только в целях транзитного, но и местного сообщения, а также для вьючных перевозок, обмена и экономических связей. Существовали также традиционные маршруты перегона скота на летние и зимние пастбища. Обращает внимание формирование караванных дорог, связанных с добычей и транспортировкой природных ресурсов.

В эпоху бронзы транспортным целям и перевозке грузов служили верблюды, лошадь и осел. Например, на тазабагыбских поселениях Южного Приаралья обнаружены кости верблюда и лошади [21], а на поселениях низовий Мургаба найдены и кости осла [22].

По археологическим данным направления путей эпохи бронзы и раннего железа практически совпадали друг с другом. Об этом свидетельствуют география археологических памятников Приаралья.

В X-VIII вв. до н.э. в Южном Приаралье проживали скотоводы Амирабадской культуры, которые имели навыки ирригационного земледелия [23]. В низовьях Сырдарьи (Восточное Приаралье) сформировалась культура полуседлых скотоводов, изученная на основе материалов, обнаруженных при раскопках мавзолеев Северного Тагискаена [24].

В это же время, в районе среднего течения Амударьи, на пути из Маргианы и Бактрии в Хорезм и Бухарский оазис возводится поселение Одойтепа, укрепленное оборонительными стенами [25]. Исследователи связывает эти процессы с началом миграций в низовья Амударьи отдельных групп населения Маргианы (земледельцы, ремесленники, строители), что оказало существенное влияние на дальнейшее развитие Хорезмского оазиса и привело к этнокультурному синтезу. В результате этого, начиная с конца VII в. до н.э., в Хорезме формируется Кюзелигырская культура, не имеющая никакого генетического сходства с предшествующей Амирабадской культурой, а также с местной скотоводческой культурой саков – хорезмийцев [26].

В VII-V вв. до н.э. большое значение приобретает территория плато Устюрт, по которой осуществлялись сезонные передвижения кочевых племен, известных по письменным источникам, как дахи, массагеты и саки. На ранних этапах они кочевали между реками Урал, Эмба до Восточного Прикаспия и русла Амударьи – Узбой [27].

Устюрт обладает сезонными кормовыми ресурсами (попынь, боялыш), плато служило местом зимовок кочевников и зимнего выпаса скота, а также охоты на диких животных (кулан, сайгак, джейран). С середины I тысячелетия до н.э. кочевники Устюрта использовали для охоты специальные сооружения – каменные ограды с ямами. В эти ограды охотники загоняли диких животных [28].

В эпоху раннего железа древние пути Приаралья выполняли различные функции экономического характера и способствовали широкому распространению культурных инноваций. Однако в условиях переменчивости политической ситуации эти пути все чаще использовались для военных набегов и дальних походов, например, саков в Мидию, сведения о которых сохранили сообщения античных авторов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Толстов С.П., Андрианов Б.В. Новые материалы по истории орошения в Хорезме // Краткие сообщения Института этнографии. – М., 1957. Вып. XXVI. – С. 5-7; Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – С. 59.
2. Итина М.А. Древнехорезмийские земледельцы // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 75-86.; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – М.: Наука, 1969. – С. 106-109.

3. Матякубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза ва илк темир даври тарихи: PhD дисс. автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – Б. 19-20.
4. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Тр. ХАЭЭ. Т. X. – М., 1977. – С. 104.
5. Итина М.А. Взаимодействие земледельческих цивилизаций Средней Азии с их «варварской» периферией в эпоху бронзы // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 132-133.
6. Байпаков К.М., Таймагамбетов Ж.К. Археология Казахстана. – Алматы, 2006. – С. 116-117.
7. Мандельштам А.М. Памятники «степного» круга эпохи бронзы на юге Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М.-Л.: Наука, 1966. – С. 239-243.
8. Збруева А. В. Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья // Вестник древней истории. – М., 1946. № 3. – с. 181-186.
9. Формозов А.А. Древности с Усть-Урта // Вестник АН КазССР. – Алма-Ата, 1947. № 7 (28).
10. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // Материалы и исследования по археологии. – М.-Л., 1959. – С. 116-118; Аскарлов А. Памятники Андроновской культуры в низовьях Зарафшана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 3. – Ташкент, 1962. – С. 35-41; Кузьмина Е.Е. О южных пределах распространения степных культур эпохи бронзы в Средней Азии // Памятники каменного и бронзового века Евразии. – М.: Наука, 1964. – С. 148-154.
11. Виноградова Н.М., Кузьмина Е.Е. Контакты степных и земледельческих племен Средней Азии в эпоху бронзы // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средневекового Востока. – М.: Наука, 1986. – С. 127-131.
12. Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и Мавераннахр // Тр. ЮТАКЭ. Т. XIII. – Ашхабад, 1966. – С. 67-74.
13. Массон М.Е. Средневековые торговые пути ... – С. 67-74.
14. Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовьях Мургаба // Советская археология. – М., 1979. № 1. – С. 11-131; Сарияниди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад, 1990. – С. 4., рис. 1.
15. Сарияниди В.И. Степные племена эпохи бронзы в Маргиане // Советская археология. – М., 1975. № 2. – С. 20-28.
16. Ершов С.А. Археологическая коллекция с Келифского Узбоя // Известия Туркменского филиала АН. – Ашхабад, 1951. М. №. – С. 89.
17. Кузьмина Е.Е., Ляпин А.А. Новые находки степной керамики на Мургабе // Проблемы археологии Туркменистана. – Ашхабад, 1984. – С. 6-21.
18. Рузанов В.Д. Некоторые итоги изучения металла Заманбабинской культуры // История материальной культуры Узбекистана. – Ташкент, 2008. Вып. 36. – С. 47-49.
19. Виноградов А.В. Кызылкумские ювелиры // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1972. Вып. 2. – С. – С. 43-45.
20. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д., Оленич С.А., Чалая Л.А. Археолого-географические исследования в Центральном Кызылкумах // Археологические открытия 1971. – М.: Наука, 1972. – С. 508-509.
21. Итина М.А. История степных племен ... – С. 185-187.
22. Ермолова Н.М. Материалы к изучению скотоводства и охоты в Центральной Азии в эпоху энеолита и бронзы // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 110-117.
23. Итина М.А. История степных племен ... – С. 188.
24. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М., 1962. – С. 80-86.
25. Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва ... – С. 187; Пилипко В.Н. Древнее городище Одейдепе на среднем течении Амударьи // Каракумские древности. Вып. VIII. – Ашхабад, 1979. – С. 27-29, 52.
26. Сагдуллаев А.С., Матякубов Х. К проблеме происхождения глинобитно-сырцово-архитектуры в Хорезме // Вестник Национального университета Узбекистана. Специальный выпуск. 2013.. – С. 59-61; Они же. О некоторых дискуссионных проблемах истории древнего Хорезма // История культуры Узбекистана. – Ташкент, 2016. – С. 6-28.
27. Смирнов К.Ф. Кочевники Северного Прикаспия и Южного Урала скифского времени // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – с. 74-77.
28. Ягодин В.Н. Стреловидные планировки Устюрта. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 193-195.

УЎК 93/94

ЎРТА СИРДАРЁ ҲАВЗАСИДАГИ ҚАНҒ ДАВЛАТИНИНГ ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР АСОСИДА ҚИСКАЧА ТАҲЛИЛИ

С. Кудратов, доц., т.ф.н., Гулистон Давлат Университети, Гулистон
Ҳ. Тувалов, магистрант, Гулистон Давлат Университети, Гулистон

Аннотация. Ўзбек давлатчилиги тарихида ўрта Сирдарё ҳавзаси ҳудуди муҳим ўрин тутди. Ўрта Сирдарё ҳавфзасида яшаган аҳоли ва унинг давлати Қадимги Хитой ёзма манбаларида Кангжия (Кангжюй) деб тилга олинади. Ушбу давлатнинг қайси ҳудудда бўлганлиги масаласи тарих фанида ҳануз баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Ёзма ва археологик манбаларга янги таҳлилий ёндашиб муаллифлар бу борада ўз қарашларини билдиришади. Уларнинг фикрича, Қанг давлати дастлаб, Сирдарёнинг қуйи оқимида юзага келади, фанда уларга тегишли маданият жетиасар маданияти деб номланади. Сўнгра, ушбу давлат Сирдарёнинг ўрта оқимини, Шимолий-ғарбий Фаргонани, Сўғдни ва Хоразмни бўйсундирганлар. Эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб, қадимдан тараққий этиб келган Хоразм ушбу давлатда сиёсий гегемон ролини эгаллайди.

Калит сўзлар: Ўрта Сирдарё ҳавфзаси, қанғли, Қанғуй, Қан конфедерацияси, Қанғардарё, Қанғдиз, Қанха, жетиасар, от минган чавондоз

Аннотация. Среднее течение реки Сырдарья играет важную роль в узбекской государственности. В древних китайских источниках народы и их государство, жившие в средних истоках реки Сырдарья, отмечается как Кангкия (Кангжюй). До сих пор среди историков ведутся споры о том, где именно было расположено это государство. По-новому обращаясь к анализу археологических источников, авторы дают свои оценки. По их мнению, сначала государство Канг образовалось в нижней течи реки Сырдарья, в науке отмечается как культура Джетиасара. Постепенно это государство завоевало среднее течение реки Сырдарья, северо-западную Фергану, Сугд и Хорезм. Начиная с II в. до н.э. Хорезм, развивавшийся до этого как самостоятельное государство, стал политическим гегемоном этого государства.

Ключевые слова: среднее течение реки Сырдарья, Кангли, Канглуй, Конфедерация Кан, Кангадарья Кангдиз, Канха, Джетиасар, всадник

Abstract. The territory of the middle Syrdarya basin plays an important role in the history of Uzbek statehood. The population living in the Middle Syrdarya Basin and its state are referred to in ancient Chinese written sources as Kangkiya (Kangjuy). The question of which region this state is in is still controversial in history. With a new analytical approach to written and archaeological sources, the authors express their views on the subject. According to them, the Kang state first originated in the lower reaches of the Syrdarya, and in science the culture belonging to them is called the jetiasar culture. Later, this state conquered the middle reaches of the Syrdarya, North-West Fergana, Sogd and Khorezm. Khorezm, which has been developing since the II century BC, plays the role of a political hegemon in this state.

Key words: Middle Syrdarya, Kangli, Kan conference, Kang river, Kangdiz, Jetiasan, The rider on the horse

Ўзбек давлатчилиги тарихида ўрта Сирдарё ҳавзаси ҳудуди муҳим ўрин тутди. Қадимда ва ўрта асрларда ушбу ҳудудга Чоч, Илоқ ва Ўттор тарихий ўлкалари қараган. Бу ерларда аҳоли қадимдан яшаб келган. Бу ердаги халқлар борасидаги энг қадимги ёзма манбалар Аҳомоний подшоларининг қоя тош ёзувларига тегишли. Унда бу ерда яшаган сакларнинг тиграхауда ва Яксарт орти гурухлари борасида маълумотлар мавжуд.

Ҳинд эпоси “Махабхарата”да саклар, тохарлар ва канкилар ҳақида маълумотлар мавжуд [5]. Авестонинг “Яшти”да данай турлари ҳақида гап боради. Авестошунос В.И.Абаев мана шу Данай (Данай Сирдарёнинг қадимги номларидан бири) турлари Яксарт саклари бўлиши керак, дейди [1]. Шунингдек Авестода қанқа, қанға, қандиз топонимлари учрайди [4].

Ушбу ҳудуд аҳолиси борасида маълумотлар антик давр тарихчилари асарларида ҳам учрайди. Страбон Яксарт (Сирдарё)ни сакларни суғдийлардан ажратиб турувчи дарё сифатида тилга олади. Шунингдек, Страбон эллинлардан Бактрияни тортиб олган “варварлар” айнан Яксарт бўйларидан борган саклар бўлган [12], деб ёзади. Птолемей маълумотларига кўра, Яксарт ўрта оқимларида яшовчи қабила “Катта Яксарт” ёки “Қандар” деб ҳам аталган [5].

Ўрта Сирдарё ҳавфзасида яшаган аҳоли ва унинг давлати Қадимги Хитой ёзма манбаларида Кангкия (Кангжюй) деб тилга олинади. Солномаларда Кангжюй атамаси ҳақида дастлабки маълумот Хитой тарихчиси Сима Цяннинг (мил.авв.145-86 йилларда яшаган) хотираларида учрайди [6]. Сима Цян ўзининг “Тарихий хотиралар” асарида кангжюйларнинг жойлашиш ўрни, урф-одаглари, ҳарбий қудрати, уларга қўшни яшовчи халқлар ҳақида қисқача маълумот беради. Кангжюйлар ҳақида батафсил маълумотлар қадимги Хитой тарихчиси Бан Гунинг “Биринчи Хань сулоласи тарихи” асарида баён этилади. Бу асарда кангжюйларнинг сони, яъни қанча оиладан иборат эканлиги, марказий шаҳри, чорва бойлиги, уларга тобе 5 та ҳокимлик мулкнинг номлари (Сусе, Фуму, Юни, Ги, Юеган) ҳақида қисқача маълумот берилади [6]. Бошқа бир хитой манбаси «Тан-шу» да ёзилишича, Ўрта Осиё шаҳар-подшоҳликлари Кан конфедерациясини ташкил қилишган. Унга Сусиё, Фуму, Юни, Ги, Юегань, яъни Бухоро, Вардана, Кабадиан, Тошкент, Маймурғ, Кушония, Кеш, Хоразм кирган. Уларни жабғу ёки ябғулар бошқаришган [6]. Араб тарихчиси Табарий ҳам ҳақиқатан ҳам шундай конфедерация бўлган бўлиб, унга қирувчи шоҳлар Хоразм яқинидаги шаҳарларнинг бирида Кенгашга тўпланиб турганлигини ёзади.

Араб географи Ибн Хордатбек Сирдарёнинг номларидан бири сифатида “Қангардарё”ни эслаб ўтади. Сирдарёнинг ўрта оқими ўрта асрларда (VIII-IX), ундан ҳам анча олдин қанғар этноними билан аталган.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Қанғдиз афсонавий Сиёвушнинг юрти деб ёзилади. Қанқа (Қанға) Турон заминининг марказий шаҳри сифатида бир неча бор тилга олинган [14]. Маълумки, Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, Сиёвуш африғийлар сулоласининг асосчиси бўлиб, улар эрамиздан аввалги XIII асрдан то эранинг X асригача Хоразмда ҳукмронлик қилганлар.

С.П.Толстов Чжан-Цяннинг қанғуй аланлар юртидан 2000 ли узоқликда жойлашган, деган маълумотидан келиб чиқиб, қанғ давлати маркази Хоразмгина бўлиши мумкин деган фикрни билдиради. Чунки, ўша даврда аланлар Шимоллий Касбий бўйларида яшаганлар [13]. Қадимги Хитой манбаси – Цянь-Хань-шуда Аньси (Парфия) шимолда қанғуй билан чегараланган дейилади [6]. Ушбу фикр ҳам С.П. Толстов фойдасига гувоҳлик беради. Унингча, қанға қадимги Хоразмнинг жануби-ғарбидаги энг чекка таянч манзилгоҳи - қанғақалъа ва уни сув билан таъминлаган қанғадарёнинг номи ҳисобланиб, Хитой манбаларидаги қанғуй, «Авестода»ги қанға ва «Шоҳнома» даги қанғдизнинг айнан ўзидир. Қанға давлати конфедерациясида Хоразм сиёсий гегемон ролини бажарган [13].

Бироқ, унинг фикрига қарши чиқувчилар ҳам бор. В.В. Бартольд Авесто Қанҳасини Сирдарёнинг ўрта ҳавзасига жойлаштиради [2]. А.Б.Литвинский қанғуйларнинг ёзги манзилгоҳлари Сирдарё бўйлаб жойлашган, қанғуй ҳукмдорларининг қароргоҳи Тошкент яқинида бўлган. Шу сабабли Қанғуйнинг маркази ҳам Сирдарёнинг ўрта оқими деган фикрни илгари суради [10]. Ю.Ф. Буряков “Авесто”даги қанқа, қанға, қандиз топонимлари мил.авв. II-милодий II асрларга тегишли бўлиб, айнан шу асрларда Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида қанқилар бунёд этган Қанқа шаҳри пайдо булади деб ёзади [7].

Хитой манбаларида Сирдарё ҳавзасида 3 та мулк – Янцай, Қанғуй, Юйни бўлганлиги тўғрисида маълумот берилади [6]. Сирдарёнинг ўрта оқимида олиб борилган археологик тадқиқотлар ушбу мулкларни ушбу ҳудудларда ўрганилган маданиятлар билан таққослаш имконини беради. Шимолдаги–ботқоқликлар маданиятини Янцай билан, жануброқдаги Жетиасар маданияти қанғуй билан, янада жануброқдаги Ўтрор-қоротов ва қовунчи маданиятларини Юйни билан [7]. Жетиасар маданияти сакларга тегишли, ушбу ҳолат И. Марквартнинг қанғуй Яксарт бўйлаб яшаган сак қабилаларига тўғри келади деган фикрига мос келади. И.Гершевич Тошкент воҳасидан то Оролгача бўлган ҳудудларда тур ва хаомаварга сак қабилалари яшаган деган фикрни билдирган эди. В.В.Григорьев Тошкент воҳасида сака-тиграхаудалар яшаган деб ҳисоблайди [8].

Ю.Ф.Буряков фикрича Юйни (Тошкент воҳаси) қанғуй давлати таркибига дастлаб кичик мулк мақомида кириб, кейинчалик унинг асосий негизини ташкил қилади [7].

Тарихчи олим К.Шониёзовнинг ёзишича қанғ давлати Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшовчи сак қабилаларининг Салавкийлар сулоласи билан узлуксиз равишда олиб борилган курашлари натижасида тахминан эрамиздан аввалги III аср бошида вужудга келган. Бу давлат Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи туб ерли аҳолини ва бир қанча кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларни ҳамда ўлкаларни бирлаштирган [15]. Унинг фикрича, қанғ давлати Грек-Бактрия, Парфия давлатлари ҳамда шимолда яшовчи кўчманчи қабилалар билан алоқалари натижасида ривожланиб боради ва эрамиздан олдинги II-I асрларда Ўрта Осиёдаги йирик ва кучли давлатга айланади. Шу даврларга келиб қанғ сиёсий бирлашмаси Сўғдиёна ҳамда Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бу давлатнинг асосий маркази Сирдарёнинг ўрта оқимларида бўлган [15]. Эрамиздан аввалги II аср бошларида уларнинг ерлари бир мунча кенгайиб, шарқда Фарғона водийси, Шимолий-шарқда Усун, Юечжи қабилалари билан чегарадош бўлган. Шимолий-ғарбда Қанғ давлатининг ерлари Сарису дарёси, ғарбда Сирдарёгача борган.

Қанғ давлатининг энг кучайган даври эрамиздан аввалги II-эрамизнинг II асрлари ҳисобланади. Ушбу даврда ҳарбий юришлар натижасида Сусе (Кеш-Шаҳрисабз), Фуму (Зарафшон водийси), Юйни (Тошкент воҳаси), Ги (Бухоро воҳаси), Юегян (Урганч шаҳри ва атрофи) забт этилган. Булардан ташқари хитой солномаларида Қанғ давлатига қарашли Кан, Ми, Цао, Унаге, Му каби вилоятлар бўлганлиги ҳам айтилади [6]. Эрамиздан аввалги II-I асрларда Орол денгизининг шимолий-ғарбий ва Каспий денгизининг шимолидаги Ян ва Янцай ерлари ҳам Қанғ давлатига қарам бўлган.

Қанғ давлатини муаммосини аниқлашда «От минган чавондоз» тасвири туширилган ўша давр тангаларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки бундай тангалар қадимги Хоразм ва унга туташ ҳудудлардан кўплаб топилган. С.П.Толстов фикрича «От минган чавондоз» бу худо сифатида илоҳийлаштирилган Сиёвуш тасвири [13]. Маълумки, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Сиёвуш ўзининг қахрамонана ишларини қанғада қилгани ёзилади. Сиёвуш эса “Авесто”даги худо Имма тимсоли ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, С.П.Толстов Қанға бу Хоразм деб яна бир қарра хулоса қилади [13].

Қанғуйлар зороастризм динидаги худолардан бўлган Фарн худосига сифинишган. Ушбу худо ҳукмдорларнинг паноҳи ва қўриқловчиси, шунингдек уй, оила, соғлиқни сақловчи худо ҳисобланган. Ушбу худо кўй кўринишида деб қабул қилинган [11].

Юнон – рим тарихчилари асарларида биз Қанғуй тўғрисида маълумот учратмаймиз. С.П.Толстов фикрича юнон-рим тарихчилари Қанғ давлатини Хоразм номи билан билишган. Қанғ ва Хоразм номлари С.П.Толстов фикрича синонимлар [13].

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Қанғ давлати масаласида турлича қарашлар мавжуд. Биз юқорида билдирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда масаланинг қуйидаги томонларига эътибор бермоқчимиз:

1. Қанғ давлати дастлаб эрамиздан аввалги III асрда Сирдарёнинг қуйи оқимида, жетиасар маданияти ҳудудида шаклланган.
2. Қанғ давлати асосчилари – жетиасар маданияти вакиллари – сак қабилалари бўлишган.
3. Кейинчалик(эр. ав. II асрларда) Қанғ давлати Сирдарёнинг ўрта оқимини, шимолий-ғарбий Фарғонани, Сўғдни ва Хоразмни бўйсундирганлар.
4. Археологик тадқиқотларда кузатилаётган қўй тасвири туширилган идиш ушлоғичларининг ушбу ҳудудларда ёйилиши юқоридаги жараённинг далилидир.
5. Эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб, қадимдан тараққий этиб келган Хоразм ушбу давлатда сиёсий гегемон ролини эгаллайди. Хоразмда ўша даврга оид кўплаб ёдгорликларнинг мавжудлиги, «От минган чавондоз» тасвири туширилган тангаларнинг айнан Хоразм ҳудудида кўплаб топилиши фикримиз далилидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. Archiv orientalni, XXIV, 1956, №1
2. Бартольд В.В. Иран, исторический обзор. Соч., том VII, Москва, 1971. С. 231

3. Бируни. Памятники минувших поколений./ Избр. Произв. Т.1. / Пер. М.А.Салье. – Т., 1957.487 с.
4. Беруний А.Р. Индия.Избранные произведения. Том II,Т.:1963.С.274
5. Бичурин Н.Я. Древние авторы о Средней Азии (VI до н.э.-III.н.э.) 1940.С.134
6. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.- Л.1950
7. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т., 1982.
8. Григорьев В.В. О скифском народе саках. – М., 1871.
9. Искоков М. Авесто. Яшт китоби. – Т., 2001. 22-23 б.
10. Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы. // СА. 1967. №2.
11. Литвинский Б.А. Кангюско-сарматский фарн. - Душанбе, 1968
12. Страбон. География в 17 книгах, Кн XI. VIII, 2.С.483
13. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948.
14. Фирдавсий А. Шохнома. Т.1./ Форс тилидан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т., 1971.736 б.
15. Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. – Т.,1990.

УЎК 93/94

XX АСР 70- ЙИЛЛАРИНИНГ 2- ЯРМИДА БУХОРОДА ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ ХУСУСИДА

(Бухоро вилояти давлат архиви материаллари асосида)

Ж.Ж. Маъжидов, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада XX аср 70- йилларида Бухоро вилоятидаги телефонлаштириш жараёнлари, соҳага оид муаммолар, ечимлар, шунингдек, телефон хизматини ривожлантириш учун амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: коммуникация, телефонлаштириш, транспорт, беш йиллик, замонавийлаштириш, алоқа воситалари, алоқа сизими, алоқа бўлими, халқ депутатлари, абонемент, қурилиш бошқармаси, қурилиш трести

Аннотация. В статье рассматривается процесс телефонии в Бухарской области в 70-е годы XX века, проблемы и решения в этой области, а также меры, принятые для развития телефонных услуг.

Ключевые слова: коммуникация, телефония, транспорт, пятилетка, модернизация, средства связи, пропускная способность, народные депутаты, подписка, управление строительством, строительный трест

Abstract. This article discusses the process of telephony in Bukhara region in the 70s of the XX century, the problems and solutions in the field, as well as measures taken to develop telephone services.

Keywords: communications, telephony, transport, five-year, modernization, means of communication, communication capacity, people's deputies, subscription, construction management, construction trust

Инсоният тарихининг барча давларида масофавий мулоқотга доимий равишда эҳтиёж сезилган. Узок ўтмишда масофадан туриб ўзаро мулоқот қилиш учун асосан бу борадаги масъул шахслар хизматидан фойдаланилган. Айтиш жоизки, хат ва хабарларни етказувчи чопарлар фаолияти бунда муҳим аҳамият касб этган. Табиийки, ўз навбатида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд эди. Жумладан, ноқулай об-ҳаво шароитида хабарларни белгиланган манзилга ўз вақтида етказиш асосий долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверган. Илм-фан ва техника тараққиёти натижасида инсониятнинг юқорида кўрсатилган масофавий мулоқотга бўлган эҳтиёжи телефоннинг яратилиши билан қайсидир маънода ўз ечимини топди. Шу сабабли ҳам қилинган ихтиролар ичида ушбу техника янгилиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шу аснода, ҳўжалик, иқтисодий-ижтимоий ва маданий жараёнларда алоқа, ўзаро мулоқот муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Тарихнинг барча давларида инсонларнинг ўзаро муносабатларида алоқанинг тез ва сифатли амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган асрнинг 70-йилларида аниқроғи собиқ СССР мавжуд бўлиб турган ва ўнинчи беш йиллик (1976-1980 йй) даврида ўзаро алоқани сифатли, давр талабига мос ташкил этиш кун тартибидеги асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган. Бухоро вилояти давлат архиви ҳужжатларида бу хусусда кўплаб маълумотлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

КПСС XXV съезди қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССРда кўриб чиқилган 1976 йил 14 апрелда Ўзбекистон КП (Коммунистик партияси) ва Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгаши №230- "1976-80 йилларда Ўзбекистон ССРда алоқа воситаларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш" тўғрисида махсус қарор қабул қилинган бўлиб, унда қатор вазифалар белгиланган эди [1].

Белгиланган вазифаларнинг тўрт йиллиги 1980 йил бошида вилоят халқ депутатлар ижроия кўмитасида махсус комиссия томонидан ўрганилиб, сарҳисоб қилинган ва тегишли қарорлар қабул қилинганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди. Вилоят халқ депутатлари ижроия комитетининг қарорлари баённомасида кўрсатиб ўтилган даврда вилоят кишлоқ жойларида 31 та телефон станцияси ўрнатилганлиги, уларнинг алоқа сизими 3600 та абонемент эканлиги, бу даврда вилоятда 122 та автоматик телефон станцияси мавжудлиги, кишлоқ жойларида ҳар 100 кишидан 1,3 кишида телефон борлиги, Республикада бу кўрсаткич 1,26 кишини ташкил этишига оид маълумотларни кўришимиз мумкин [1].

Вилоятда телефон алоқа сифатига оид маълумотлар доимий равишда ҳар йил охирида таҳлил қилиб борилганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан 1978 йилга оид архив ҳужжатларида 106 та колхоздан 84 тасида, 53 та совхоздан 23 тасида ички ишлаб чиқариш алоқалари мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, Шаҳар ва туман марказларини телефонлаштириш ҳолати куйидагича кўринишда бўлган.

Бухоро-12500, Когон- 1050, Қорақўл- 800, Свердлов (Жондор)- 1050, Галаосиё-1050, Ромитан- 1050, Вобкент- 750, Қизилтепа- 550, Кармана-1050, Конимех- 700, Навоий- 1300, Томди-600 та телефон рақамларига эга бўлишган [4]. Телефон алоқаси ва унинг кишлоқ жойларида ташкил этилиши масаласида доимий комиссия ташкил этилган бўлиб, у доимий равишда вилоят халқ депутатлари ижроия кенгашида ахборот бериб турганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

1976-1980 йиллар давомида вилоятнинг кишлоқ жойларида телефон алоқасининг ташкил этилиши 27 та колхоз ва 15 та совхозда амалга оширилган. Шунингдек, 503,3 км га янги алоқа линиялари ўтказилганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари беш йилликнинг тўрт йили давомида 99 та колхоз ва 31 совхозда ички ишлаб-чиқариш алоқаси ҳам ўрнатилган [5]. Бу эса ўз даврида Бухоро вилоятида кишлоқ аҳолисининг алоқа сифатини яхшилаш имконини берган.

Архив ҳужжатларида Олот, Қорақўл, Свердлов (Жондор), Конимех, Когон, Вобкент, Шофиркон, Ғиждувон, Ромитан ва Навоий туманлари телефон алоқалари автомат тарзида ишлашга ўтганлигини кўрсатувчи маълумотлар сақлаб қолинган. Беш йиллик давомида бажарилган ишлар сирасига Газли шаҳридан Жонкелди (Пешку тумани)га қадар бўлган 110 км масофада ва Олот туман марказини "Комсомолбод" совхозини билан боғловчи 22 км, шунингдек, Конимех туман маркази ва "Коммунизм" совхозини орасидаги 120 км ли масофада алоқа линиялари ишга туширилганлигини кўриш мумкин [2].

Аммо, архив ҳужжатларида келтириб ўтилган ва амалга оширилган бир қатор ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар, бажарилмай қолган ишлар ҳам кўрсатиб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, ўнинчи беш йилликнинг якунига кўра, режалаштирилган 33 та колхоздан 24 тасида, 21 совхоздан 15 тасида янги телефон линиялари тортилмаганлиги ва уни ўнинчи беш йиллик якунига қадар амалга оширишга оид кўрсатмалар келтирилганлиги ҳужжатларда ўз аксини топган [2].

Ҳали 1978 йилги ҳисоботлардаёқ телефон алоқаси борасида якунига етмаган ва қилиниши зарур бўлган ишлар анчагина эканлиги келтириб ўтилган. Муаммо сифатида алоқа сифатининг пастлиги соҳанинг оғрикли нуқталаридан бири эди. АТСларнинг кам жорийланиши туман, вилоят ва мамлакат бўйича алоқа сифатларининг пасайишига олиб келган. Туман ва шаҳарларда телефонлаштириш даражасининг пастлиги Когон, Кармана, Навоий, Ғиждувон, Олот каби туманларда алоқа бўлими бинолари қурилишининг жуда секин бораётганлиги билан изоҳланган [6].

Ўнинчи беш йиллик сўнгида вилоят халқ депутатлари ижроия кенгаши қарорларида алоқа сифатини яхшилашда белгиланган вазифаларни бажаришда оқсаётган, шунингдек алоқа сифатини пасайишида ер қазиш ишлари давомида зарар етказётган корхона ва ташкилотларнинг номлари ҳам келтириб ўтилган. Жумладан, Қурилиш бошқармаси ПМК-3 трести, № 20 АТК Узглавведстрой, "АБКС" бошқармаси шулар жумласидан бўлиб ҳисобланади [2].

Вилоятда телефон алоқаси ва унинг бинолари аҳволи айрим жойларда қониқарли аҳволда эмаслиги ҳам архив ҳужжатларида қайд этилган. 1980 йил бошларидаги маълумотларга қараганда, вилоятда 23 та телефон алоқа биноси ҳалокат ёқасидаги биноларда жойлашганлиги қайд этилган. Шунингдек, Олот туман марказида телефон алоқа биносини қуриб бериши лозим бўлган №20 "Сельстрой" корхонаси қурилиш ишларини орта сураётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган [2].

Юқоридаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш борасида вилоят халқ депутатлар ижроия комитети қарорларида; вилоят ижроия комитети ишлаб-чиқариш алоқа бошқармаси (Абдурахманов Х.А.), Кишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи (Жамалов Д.Д.), қорақўлчилик совхозлар трести раҳбар (Руханов С.) ларига 1980 йилнинг охирига қадар вилоят колхозларида телефон алоқани ўрнатиш, ички ишлаб-чиқарувчи корхоналарда телефон алоқаларини ташкил этиш, телефон алоқаларини сифатли бўлишини таъминлашга оид қатор вазифалар юклатилган [3].

Комиссия томонидан қилинган таҳлиллар шундай хулосани кўрсатадики, мазкур соҳаларнинг кўплаб муаммолар гирдобидида қолиши ўз навбатида кадрлар масаласининг оғир бўлганлиги билан ҳам характерланади. Кадрлар кўнимсизлиги, яъни, соҳа мутахассисларининг доимий равишда бир жойдан иккинчисига кўчириб юборилиши ассий омилларидан бири бўлиб қолаверган. Бунда янги совхозлар, янги аҳоли пунктларининг ташкил этилиши ва у ерда коммуникация тизимларини йўлга қўйиш мақсадида шундай йўл тутилган. Бу жараён эса доимий равишда такрорланиб келган. Фақатгина 80-йилларга келиб маълум маънода барқарорлашув ҳолатлари кузатилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бухоро вилоят давлат архиви 1023 -фонд, 1-рўйхат, 661-йиғма жилд, 41- варақ.
2. Бухоро вилоят давлат архиви 1023 -фонд, 1-рўйхат, 661-йиғма жилд, 42- варақ.
3. Бухоро вилоят давлат архиви 1023 -фонд, 1-рўйхат, 661-йиғма жилд, 43- варақ.
4. Бухоро вилоят давлат архиви 1023 -фонд, 1-рўйхат, 661-йиғма жилд, 87- варақ.
5. Бухоро вилоят давлат архиви 1023 -фонд, 1-рўйхат, 661-йиғма жилд, 89- варақ.
6. Бухоро вилоят давлат архиви 1023 -фонд, 1-рўйхат, 661-йиғма жилд, 91- варақ.

УЎК 93/94

«ҲАРБӢЙ КОММУНИЗМ» СИЁСАТИ ЗАМОНДОШЛАРИНИНГ БАҲОЛАШИДА

Т.О. Пирниязова, ўқитувчи, Қорақалпоғистон Тиббиёт институти, Нукус

Аннотация. Уйбу мақолада «ҳарбий коммунизм» даври кўриб чиқилган, шунингдек, уйбу йилларда Қорақалпоғистон тарихини тасвирлашда хотираларнинг ўрни кўрсатилган. Жаҳон тарихи «шахсият

тарихи, тарихдаги шахсият» ибораси асосида таҳлил қилинади. Муаллиф мақола мазмунини очиб берар экан, ҳарбий коммунизмнинг моҳияти мамлакатни янги ҳокимият йўналтирилган янги, коммунистик жамиятга тайёрлашдан иборат эди. Муаллиф ҳарбий коммунизмнинг бундай ўзига хос хусусиятларини қуйидагича таъкидлайди: бутун иқтисодиётни бошқаришни ўта марказлаштириши даражаси; саноатни миллийлаштириши (кичикдан каттагача); хусусий савдони тақиқлаш ва товар-пул муносабатларини чеклаш; қишлоқ хўжалигининг кўплаб тармоқларини давлат монополиялаштириши; меҳнатни ҳарбийлаштириши (асосий эътибор ҳарбий саноатга йўналтирилган); умумий тенглаштириши, агар ҳамма тенг миқдордаги товарларни олиши - буларнинг барчаси биргаликда Қорақалпоғистон Республикасида кузатишга ҳодисадир.

Калим сўзлар: «Ҳарбий коммунизм», хотиралар, 1917 йил охиридаги тарихий воқеалар Амударё бўлими, Туркистондаги Муваққат ҳукуматнинг Петро-Александровск вилояти, иқтисодий бошқарувни марказлаштириши, саноатни миллийлаштириши, хусусий савдони тақиқлаш, товар-пулни чеклаш. муносабатлар, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг кўплаб тармоқларини давлат томонидан монополиялаштириши, меҳнатни ҳарбийлаштириши (ҳарбий саноатга эътибор), умумий тенглаштириши

Аннотация. В данной статье рассматривается эпоха «военного коммунизма», также показана роль мемуаров в описании истории Каракалпакстана в эти годы. Всемирная история анализируется на основе словосочетания «история личности, личность в истории». Раскрывая содержание статьи, автор утверждает, что суть военного коммунизма заключалась в том, чтобы подготовить страну к новому, коммунистическому обществу, на которое были ориентированы новые власти. Автором подчеркивается, что такие характерные черты военного коммунизма: крайняя степень централизации управления всей экономикой; национализация промышленности (от мелкой до крупной); запрет на ведение частной торговли и свертывание товарно-денежных отношений; государственная монополизация многих отраслей сельского хозяйства; милитаризация труда (ориентация на военную промышленность); тотальное уравнильство, когда все получали равное количество благ и товаров – все это вместе взятое было столь заметным явлением и в Республике Каракалпакстан.

Ключевые слова: «военный коммунизм», мемуарная литература, исторические события конца 1917 года в Амударьинском отделе, Петро-Александровск область Временного правительства в Туркестане, централизация управления экономикой, национализация промышленности, запрет на ведение частной торговли, свертывание товарно-денежных отношений, государственная монополизация многих отраслей сельского хозяйства, милитаризация труда (ориентация на военную промышленность), тотальное уравнильство

Abstract. This article examines the era of "war communism", also shows the role of memoirs in describing the history of Karakalpakstan in these years. World history is analyzed on the basis of the phrase "history of a personality, personality in history". Revealing the content of the article, the author argues that the essence of War Communism was to prepare the country for a new, communist society, towards which the new authorities were oriented. The author emphasizes that such characteristic features of War Communism are: an extreme degree of centralization of the management of the entire economy; nationalization of industry (from small to large); a ban on private trade and curtailment of commodity-money relations; state monopolization of many branches of agriculture; militarization of labor (focus on the military industry); total equalization, when everyone received an equal amount of goods - all this taken together was such a noticeable phenomenon in the Republic of Karakalpakstan.

Key words: "War communism", memoirs, historical events of the end of 1917 in the Amudarya department, Petro-Aleksandrovsk region of the Provisional Government in Turkestan, centralization of economic management, nationalization of industry, a ban on private trade, curtailment of commodity-money relations, state monopolization of many branches of agriculture economy, militarization of labor (focus on the military industry), total equalization

КИРИШ. Қорақалпоғистонда мемуар адабиётнинг пайдо бўлиши сўнги йилларда бизнинг жамиятимиз ўзининг яқин тарихига кизиқишнинг портлашини бошидан кечирганидан гувоҳлик беради. Янги мўлжалларни кидириш мамлакатимизда ХХ асрда содир бўлган барча нарсаларни қайта англашга уринишларга сабаб бўлди. Мемуаристлар ўткир, илгари муҳокама қилинмаган мавзуларга тўхтадилар.

Қорақалпоғистоннинг совет давридаги барқарор, раван расмий тарихидаги кўпгина нарсалар ағдарилди, емирилди, бошқача талкин қилинди ва ушбу турда ижтимоий онгда ўз аксини топди.

Профессионал тарихчилар ушбу жараённинг ижобий томонларини таъкидлашди. Янги, илгари тақиқланган мавзулар кўрсатилди, илгари ўзгариб бўлмайдиган чайқалди, тафаккурнинг сезиларли даражадаги озодлиги юз берди. Айни вақтда бизнинг нисбатан яқин ўтмишимиз ҳақидаги тарихий билимларни баҳолашда қарама-қаршиликлар кучая бошлади.

Йигирманчи асрдаги мамлакат тарихини ёритишда ҳозирги вазиятнинг парадокслари зоҳир бўлди. Жавоб олгандан кўра кўпроқ саволлар берилди.

Сиёсий эхтиросларнинг қайнаб турган қозонида профессионал тарихчилар ҳам ишлаган, улар ҳаммага маълум фактларга андишасиз муносабатдан гаранглашди ва ларза тушди. Бундай вазиятларда мемуаристлар орасида уйғонган ўтмишга бўлган қизиқиш ҳақиқатни мустақил излашга айланди.

АСОСИЙ ҚИСМ: Амударё бўлимининг аҳолиси 1918 йил бошида 246,200 кишини ташкил этди: қорақалпоқлар - 39,1%, ўзбеклар - 30,4%, қозоқлар - 22,1%, туркманлар, руслар, эронликлар, татарлар ва

бошқалар - 8,4%. Аҳолининг 95% дан ортиғи қишлоқларда истиқомат қилган ва деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган [1].

Туркистон Мухтор ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши Каспийорти фронтининг чап қаноти ва Ақтўбе фронтининг ўнг қаноти бўлган, шунингдек Хива хонлигини эгаллаб олиш ва большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қулай плацдарм бўлган Амударё бўлимидининг аҳамиятини инобатга олиб, Чарджудан Петро-Александровскка «Верный» пароходи ва баржада Н.А.Шайдаков раҳбарлигида 150 қизил гвардиячиларни юборди, улар манзилга 1918 йил 20 сентябрда етиб келган [2].

Амударё бўлимидининг фавқулодда ҳарбий комиссари сифатида Н.А.Шайдаков 1500 кишини Қизил Армияга сафарбар қилди, Петро-Александровск ва унинг атрофлари уруш ҳолатида деб эълон қилинди. Урганчининг рус фуқаролари Петро-Александровскка эвакуация қилинди. Н.А.Шайдаковнинг миссияси Амударё бўлимидан Чарджуйга 515 фунт буғдой, 1000 фунт гречка, 22 кип халат, 11 коп майизни олиб чиқиш билан яқунланди. Ушбу даврдан бошлаб ТуркАССР раҳбарлари ўз ҳокимиятини кучайтириш учун ўз вакиллари Амударё бўлими ҳудудида юборишган. Масалан, 1918 йил октябрь ойининг дастлабки кунларида Тошкентдан Петро-Александровскка Туркистон Мухтор ССР ҳарбий комиссаридан «Амударё бўлими кўшинлари бош қўмондони ва Туркистон республикасининг Хива ишлари бўйича фавқулодда вакили» ваколатига эга бўлган В.П.Коноплев келди.

Амударё бўлимидининг ҳарбий-сиёсий ҳокимияти энди куйидагича кўринишга эга эди: бўлим кўшинлари бош қўмондони В.П.Коноплев, РКП(б) партия ташкилоти раҳбари А.Л.Тимошенко, Совдеп раиси А.Ф. Қрошилов, аъзолари - И.К. Церпицкий, Памшев, Масич, Унтес, Любченко, Шляпин, Парадийев, Желябин, Геллер, Сладков, Беляев, Макаренко, Гуменюк, А.Качанов, М.Фролов, И.Касьяненко, Кемпчинский, В.Луценко, Б.Чепрунов.

Ўша пайтда Амударё бўлими ҳудудида большевикларнинг позицияларини мустаҳкамлаш учун куйидаги ҳарбий қисмлар жойлашган эди: Тошкент ротаси, Мервразведка дружинаси, 1- ва 2-Петро-Александровск роталари, Нукус ротаси, учта казак юзлиги (сотняси), бирлаштирилган батарея, пулемёт командаси, саперлик командаси (жами 1200 жангчи). Ҳарбий қисмларда, айниқса казакларнинг юзликларида, тартибсизлик, партизанчилик ва талончилик, талон-тарож ва ичкиликбозлик ҳукмронлик қиларди.

Амударё бўлими инқилобий қўмита раиси Н.Солдатов 1917-1919 йиллар ҳолатини таҳлил қилиб, «1919 йил декабрь ойида Амударё бўлимига Тошкентдан инқилобий қўмита келганида, Совет ҳокимияти Шўраҳон участкасининг яқин бешта волостида ўз таъсирини ўтказди. Бўлимнинг катта ҳудуди совет ҳокимиятининг ишлаши учун очик эмас эди. Ўз ичига 13 волостни (200 мингга яқин аҳоли) қамраб олган Чимбой участкаси халқ кўзғолони билан олинган эди. Хива хонлигидаги ваколатли вакил Христофоров бошқа бир қатор маҳаллий совет ишчилари билан бирга ўлдирилган. Маҳаллий ҳокимият аҳолини тинчлантириш ёки ҳудудни кенгайтириш учун ҳақиқий қуролли кучлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли қандай бўлмасин чора кўришга ожиз эди. Ва, шубҳасиз, Петроалександровск шаҳрида ҳам, ушбу совет волостларида ҳам совет органларининг ишлари нолга тушди» [3].

1917 йил февраль ва октябрь ойлари оралиғида Амударё бўлимидининг сиёсий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш керакки, Россиядаги Октябр инқилоби Қорақалпоғистонда алоҳида эксцессларсиз қабул қилинди, чунки собиқ мустамлакачилар ва чоризм амалдорлари ҳокимият тепасида эди.

Амударё бўлимидининг Туркистоннинг марказий минтақасида нузоқлиги каби ўзига хос шароитлари туфайли Амударё бўлими ҳудудида 1917 йил октябрдан 1918 йил октябргача ҳокимият тузилмасида кескин ўзгаришлар юз бермади: кўплаб ташкилотлар ўз вазибаларини бажаришни давом этишди – Амударё бўлими комиссари гидротехник В.Н.Памшев, Амударё бўлимидининг комиссари, Чимбой ва Шўраҳон уездлари комиссарлари, Петро-Александровск шаҳар думаси, Жамият хавфсизлиги қўмитаси, шунингдек, Петро-Александровск солдат депутатлари кенгаши, қисқартирилган шаклда Совдеп. Юқорида қайд этилган ташкилотлар билан бир қаторда Амударё бўлими жамият хавфсизлиги комитети ҳам ўз вазибаларини бажаришни давом эттирди.

Амударё бўлимида маҳаллий ҳокимиятнинг «большевикча янгиланиши»нинг дастлабки босқичида марказнинг кадрлар сиёсати бу ерда империявий амбицияларини очикчасига намоиш этган сиёсий муҳожирлар орасидан чиққан маҳаллий коммунистларнинг кишининг жиғига тегадиган шовинистик сиёсати билан кескинлашди. Уларнинг ҳаракатларида чоризм самодержавиесининг мустамлакачилик курси ва Совет Россиясининг большевистик ҳукумати ўртасидаги генетик боғлиқлик алоҳида ёрқин намоён бўлди.

Амударё бўлимида Совет ҳокимиятини шаклланишининг дастлабки қадамларидан бошлаб большевиклар раҳбарияти ўз амалий фаолиятида минтақанинг миллий-маиший хусусиятларини атайлаб эътиборга олмади ва туб аҳолининг давлат бошқарувида жалб қилинишига қарши турди.

«Қорақалпоқларнинг катта қисми партия ва Совет ишларида қатнашишдан бутунлай четлаштирилди», - деди А.Досназаров. У «совет ҳокимияти мавжуд бўлган 6 йил давомида ... қорақалпоқларнинг ҳеч бирига партия ва совет мактабларида ўқишга рухсат берилмаган, у ерда ҳокимият тепасида бўлганларнинг барчасига хизмат сафарлари берилган. Натижада, қорақалпоқлар ўз миллатидан хизматчиларни умуман кўрсата (ажрата) олмаган» [4].

Амударё бўлимида ва минтақада Совет ҳокимиятининг асосий устуни коммунистлар бўлиб, улар

кўпинча туб аҳоли вакиллари бўлмаган. Ўз фаолиятида миллий муаммоларга дуч келган ўнг қирғоқдаги Қорақалпоғистоннинг партия, совет ва ҳарбий раҳбарларнинг бир қатори ўта кетган қобилиятсизлигини кўрсатдилар. Амударё бўлими ва вилоятидаги Совет ҳокимиятининг бошқарув органида ўз мамлакати билан етук таниш, шарқ мусулмон миллатларидан чиққан Шарқда кучли ва обрўли бирорта ҳам киши бўлмаган.

Қорақалпоғистон аҳолиси большевик комиссарларининг сиёсатидан норози эдилар. Ҳукумат уларни қароқчилардан ҳимоя қилмади, улар озиқ-овқат ва озуқа талаб қилишди. Аҳоли қизил гвардиячиларни боқиши ва уларнинг партизанчилигига, айш-ишратига ва ичкиликбозлигига чидаши керак эди. Зўравонликка қаршилик кўрсатиш, кўп асрлик мусулмон анъаналарини ҳимоя қилиш «басмачилик» сифатида баҳоланди. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш, маҳаллий аҳоли вакиллари раҳбар лавозимларига тайинлаш ҳақидаги шиорлар куруқ сўз бўлиб қолди. Табиийки, зўравонлик ғазабни келтириб чиқаради.

Низони ҳал қилишда ечувчи омил ҳарбийлардан фойдаланиш эди. 29 июлда таркибига РСФСРнинг Хивадаги ваколатли вакили А.Н.Христофоров ва Амударё бўлимининг 17 нафар комиссари кирган Фавқулодда комиссия Советларнинг Чимбой ижроия кўмитасини тарқатиб юборди ва унинг ўрнига Ревкомни тузди. Уни Амударё бўлими трибуналининг раиси И. Бринкман бошқарган. Фавқулодда комиссия Петро-Александровскдан ҳарбий кучларни талаб қилди.

1919 йил 14 августда Чимбой округининг 12 волостида халқ кўзғолони бошланди. Исёнчилар Фавқулодда Комиссияни тугатдилар. 15-август куни Чимбой яқинидаги Тазғара деган жойда Петро-Александровскдан юборилган ҳарбий отряд йўқ қилинди. Қорақалпоғистоннинг шимолида Убайдулла Бахауадинов (Хон Мақсум) бошчилигида таркиби Иброҳим Адилов, Иният Ниёзов, Сейтназар Пирназаров, Кутлимурад Тажимуратов, Михаил Фильчевдан иборат халқ ҳукумати тузилди.

Амударё бўлимидаги Урал казаклари ягона этно-ижтимоий-диний гуруҳни ташкил этар эдилар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бир қатор омиллар билан белгиланар эди: конфессия омили (старо обрядчилик); ижтимоий-иқтисодий омил (казакчилик); этник характер (туркий халқларнинг этномаданий жараёнларида иштирок этиш). Уралликларни Амударёнинг қуйи оқимларига кўчириш ва жойлаштириш 1873 йилдан кейин зўравонлик билан амалга оширилди. Аҳоли пунктлари қуйидагилар эди: Первоначальное, Петро-Александровскнинг Урал слободаси, Нукус кишлоғи, Заир кишлоғи, Оқдарё, Қозоқдарё ирмоқлари, Орол денгизи соҳиллари ва ороллари - Урга, Учсой, Мўйноқ [5].

Орол ҳавзасидаги балиқчиликни миллийлаштириш жараёни XIX асрнинг сўнги чорагидан бери ушбу касб билан шуғулланаётган Урал казакларининг норозилигини келтириб чиқарди. 1918 йил 8-10 декабрда таниқли бадавлат уралликларнинг балиқчилик саноати корхоналари миллийлаштирилди. 1919 йил 20 мартда Хива акциядорлик жамияти, ураллик саноатчиларининг балиқчилик корхоналари давлат мулкига ўтди. Амударё бўлимининг Совдепи уларни контрибуция билан қоплади [6].

Уралликларнинг боболари ва оталари диний эътиқодлари учун чор ҳукумати томонидан Орол денгизининг олис оролларида сургун қилинганлигини ҳисобга олмасдан, маҳаллий ҳокимият уралликларга ибодат амалларини, кўнғироқ чалиниши ва Пасха байрамини нишонлашларини тақиқлашди. Урал казакларига Амударёда балиқ овлашга руҳсат берилмади, бу уларни маълум даражада озиқ-овқатдан маҳрум қилди. Кавалеристик ҳужумлари билан янги ҳукуматнинг биринчи комиссарлари қарама-қаршиликларни янада чуқурлаштирди.

1919 йил август воқеалари Амударё ҳарбий экспедицияси қўмондони томонидан «оқ гвардиячилар кўзғолони»нинг бошланиши сифатида баҳоланди. Туркистон Республикаси ташқи ишлар халқ комиссари С.Турсунходжаевнинг «казакларнинг аксилинқилобида мусулмонларнинг иштироки - жуда аянчли ва бизнинг Хива сиёсатимизни ўзгартиришни талаб қиладиган факт» деган овози эшитилмади, унинг ўрнига «Хива ва Бухоро – ички фронт» формулировкаси тасдиқланди [7].

Жунаидхон бу ҳукуматни «Амударёнинг ўнг соҳилидаги ягона қонуний ҳокимият» деб тан олди. 30 сентябр куни адмирал Колчак Омскдан хат юбориб, унда «большевикларга қарши бўлажак курашда кўмаклашиш ва Хива мулкларига қуролли кучларни яратишда ёрдам бериш мақсадида мен томонидан алоҳида ҳарбий миссия сафарга юборилмоқда» дейилган. Полковник Худяков бошчилигидаги 8 нафар зобит ва 130 казакдан иборат миссия октябрь ойида Хўжайли шаҳрига келди. Устюрт платоси орқали Эронга қараб кетаётган «оқ Урал армияси» қўмондони генерал Толстов «комиссарларнинг манфур зулмини мумкин қадар тезроқ афдариш ва йўқ қилиш» истагини билдирди ва атаман Фильчевга 120 нафар казакдан иборат гуруҳ юборди [8].

Н.Шаидаков ва Н. Щербаковнинг сўзларига кўра, «Совет ҳокимияти Петро-Александровскдан нарида ҳатто бир километрга ҳам чўзилмади» [9].

Ноябрь ойи охирида Петро-Александровскга Турккомиссия ваколатли вакили Г.Б.Скаловнинг келиши вазиятни юмшати. Бемаъни тақиқлари бекор қилинди, оқсоқоллар билан музокаралар олиб борилди. Н.Шаидаковга қарши жиноий иш қўзғатилган, аммо бир йил ўтиб, «жиноий таркибининг йўқлиги»га яқун ясаган.

Халқ кўзғолони 1920 йил 20 февралгача давом этди. Шу куни Совет ҳукумати, Урал казаклари ва Туркистон АССР Амударё бўлимининг қорақалпоқлари ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди.

Тинчлик шартномасини имзоланишнинг энг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат эди: Урал казакларининг ўзларини урф-одатлари билан бошқарилиши; Чимбой тумани фуқароларига, алоҳида

шароитларни ҳисобга олган ҳолда, Совет Россиясида ҳар бир фуқаро ўз виждони билан динни қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлигини, шу билан бирга Совет ҳукумати бирон бир динни афзал билмаслиги ва ҳеч бир диний эътиқодга ҳеч қандай имтиёзлар бермаслигини яна бир бор махсус тушунтириш; Амударё бўлимининг Урал казаклари учун ҳеч қандай ҳолатда мажбурий сафарбарлик қўлланилиши мумкин эмас, казаклар ишчилар ва деҳқонлар армиясига киритилиши фақат ихтиёрий келишув асосида бўлиши мумкин [10].

Бир йил ўтгач, ер ва сув ислохоти пайтида, кўзғолон раҳбарлари зиндонга ташланди. Иният Ниёзов қамокда вафот этди.

Амударё бўлимининг хўжалик ҳаёти иқтисодиётнинг тўртта асосий уклади ёки замонвий таъбир билан айтганда иқтисодиёт секторлари билан ифодаланган эди: давлат, хусусий, кичик товарли ва патриархал. Бўлим чўллар билан ўралган ва кескин қурғоқчил иқлимга эга эди. Агар далаларни сунъий суғориш имконияти мавжуд бўлса, бу ўсимликларнинг ривожланиши учун жуда ғанимат [11].

1918-1920 йилларда Амударё департаменти депутатлари Кенгаши пролетариатнинг ишлаб чиқариш соҳасида ҳуқумрон мавқеини ўрнатиш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди, саноат корхоналарининг 8 соатлик иш кунига ўтиши ва ишчилар томонидан ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатилишини эълон қилди. 1918 йил май ойида бўлимда Петро-Александровскдаги 24 та хунармандчилик ва ярим хунармандлик пахта тозалаш корхоналари (конфискацияланди) миллийлаштирилди. Катта уй эгаларининг уйлари ҳам (конфискацияланди) миллийлаштирилди: Мануилов, Сазонов, Насрулла Мусабеков, Сеитмурат Аминов, Першинларнинг. Петро-Александровскдаги Берсудский дорихонаси, ҳарбий госпитал, Шаббоз касалхонаси, Нукус ва Чимбой тиббий пунктлари (конфискацияланди) миллийлаштирилди. 1918 йил 8-10 декабрда «Бр. Шапошникови», «Бр. М. и В. Маркови», «Бр. Селикови», «Бр. Еникеевы» балиқчилик корхоналари ва елканли кемалари (конфискацияланди) миллийлаштирилди. Шунга қарамасдан, Иқтисодий Кенгаш ўзида «майда дўконча»ни ва реквизиция ва конфискация билан махсус шуғулланадиган орган сифатида ифодалади, гарчи у 2 та чарм заводига эга бўлса ҳам, аммо ҳеч ким ишлаб чиқарувчиларни кузатмаган ва у ерда ғайри оддий нарса содир бўлди.

ХУЛОСА. Хотираларни ўрганиш нафақат бошқа манбалардаги тарихшуносликдаги бўшлиқларни тўлдириш учун муҳимдир: муҳимроқ нарса уларнинг мазмунидаги ўзига хосликдир, уни «тарихдаги шахс, шахсдаги тарих» формуласи билан ифодалаш мумкин, ва натижада инсоннинг тарихий ўзини ўзи англаши.

Тарихнинг ижтимоий роли, унинг тарбиявий функциялари ватанпарвар инсон, ўз ватанининг фуқаросини шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Тарихийлик принципи даврга кўникиш, воқеаларга ички томондан, ўтган авлодлар нигоҳи билан қараш қобилятини англади. Бунисиз тарихни тушунишга эришиш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Материалы по районированию Туркестана. -Ташкент, 1924. Вып.2. -С.11.
2. ЦГА РК, ф.87, оп.1, д.8, л.9.
3. ЦГА РУз., ф. Р-17, оп.1, д. 659, л.125.
4. Кошанов Б.А. “Размножить как закрытое письмо”. “Информационный доклад” А.К. Досназарова в ЦК РКП (б) (20.10.1924) // Вестник ККО АН Руз. 1992. № 3. -С.130.
5. Калбанова Е.Е. Быт и культура уральских казаков Каракалпакстана (последняя четверть XIX - начало XX веков): Автореф. дисс. ... к.ист.н. Нукус, 1999. -С.13-14.
6. Кошанов Б.А. Право на вторжение ... Неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хорезма в 1919-1920 годы. -Нукус: Каракалпакстан, 1993. С.29.
7. Кошанов Б.А. Право на вторжение ... Неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хорезма в 1919-1920 годы. -Нукус: Каракалпакстан, 1993. С.14.
8. Кошанов Б.А. Право на вторжение ... Неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хорезма в 1919-1920 годы. -Нукус: Каракалпакстан, 1993.
9. Шербаков Н.М. Таким было начало... Воспоминания. -Ташкент, 1964. С.67.
10. ЦГА РК, ф.179, оп.1, д.46.л.1-3.
11. Баллыева Р. Этнокультурные особенности природопользования народов Приаралья в конце XIX начале XX века. -Москва, 2003. С. 6.

УЎК 93/94

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНING ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ТАЪЛИМ СИЁСАТИ ВА УНИING ОҚИБАТЛАРИ

Ш.Р. Равианов, ўқитувчи, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Мазкур илмий мақолада Россия империясининг Туркистон ўлкасида юритган таълим сиёсати Фарғона водийси мактаблари мисолида уларнинг фаолияти, ундаги ўқув-ушувий жараёнлар, мактаблардаги ўқиш усули, бошқичлари ва уни чор Россияси томонидан бошқарилиши каби масалалар ўз даври манбалари ҳамда илмий адабиётлар асосида ёритилган.

Калит сузлар: таълим тизими, саводхонлик, мактаб таълими, Фарғона волости, уезд, ўқув тарбиявий жараён, бошланғич мактаб, инспектор

Аннотация. В статье на основе источников и научной литературы описывается образовательная политика Российской Империи в Туркестане на примере школ Ферганской долины, их деятельность, методы обучения, методы обучения в школах, ее этапы и управление ею со стороны царской России.

Ключевые слова: система образования, грамотность, школьное образование, Ферганская волость, уезд, учебный процесс, начальная школа, инспектор

Abstract. This article describes the educational policy of the Russian Empire in Turkestan on the example of schools in the Fergana Valley, their activities, teaching methods, methods of teaching in schools, its stages and its management by Sarist Russia, based on sources and scientific literature.

Keywords: education system, literacy, school education, Fergana volost, uyezd, educational process, primary school, inspector

Туркистоннинг барча худудлари Чор Россияси томонидан забт этилгач, ўлка халқлари ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида янги бир давр вужудга келди. Шарқона услуб ва шаклларда давом этаётган маданият, ғарб тараққиёти анъаналарини жадал эгаллаётган маорифий муносабатлар билан юзма-юз келди. Тарихдан аёнки, ҳар қандай ҳарбий истилочиликнинг мақсади, маълум бир ўлкани ҳар томонлама асоратга солиб, унинг табиий, моддий ва маънавий бойликларидан ўз истикболи йўлида фойдаланишдан иборат. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, Чор маъмурлари учун Туркистондан келадиган манфаатдорлик, уни забт этиш учун ҳисобсиз маблағ ажратишга монелик қилмади. Буни яхши англаган чор амалдорлари, ўлкани асоратга солиш учун барча имкониятларини ишга солди. Ниҳоят кўп йиллик урушлар сиёсий, ҳарбий, мафкуравий, иқтисодий тазйиқлар ўз самарасини бериб, Туркистон Чор Россиясига бутунлай қарам бўлиб қолди.

Чоризм Туркистонни фатҳ этгач, диққат эътибор, энг аввало ўлка маориф тизимига қаратилди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мустамлакачилар ўлка халқлари онгида, кўп асрлар давомида шаклланган миллий ғурур туйғуси, ватанга садоқатлилик, миллат тақдири учун қайғуриш, унинг истикболи учун кураш ва бошқа шу каби муқаддас тушунчаларга барҳам бериб, унинг ўрнига кўр-кўрона бўйсунуш, мутелик, тобелик, ўз миллий анъана ва маданиятидан бебаҳралик ва демакки, ўзлигидан ажралиш руҳида тарбиялаш эди.

Иккинчидан, Чор ҳукумати ўз сиёсий фаолиятини, мафкуравий ғояларини Туркистоннинг маориф тизими орқали кенг халқ оммаси онгига чуқур сингдириш, маънавий тазйиқ ўтказиш йўли билан ўз нуфузини мустаҳкамлаш, ўлкани абадий асоратга солиш эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда жуда кўплаб мактаблар, мадрасалар, хонақоҳлар мавжуд бўлиб, уларда ўзига хос тарзда ўқув машғулоти олиб борилган. Чунончи, бу ўлкага биринчи қадамни қўйган руслар, мамлакат халқларининг саводхонлигидан, бу ердаги ўқишга бўлган иштиёқнинг баландлигидан хайратга тушганлар.

Ўзбекистон Миллий Архивининг Туркистон генерал-губернаторлиги ўқув юртлари бошқармаси (И-47 ф.), Сирдарё вилояти халқ маорифи ноziри (И-49 ф.) фондлари ва бошқа фондлардаги манбаларда келтирилган материаллар мустамлака маъмурларининг таълим тизимини руслаштиришга сарфлаган куч-ғайратларини намоён этади. Шу билан бирга маҳаллий аҳолининг таълим жараёни ҳақида маълумотга эга бўлиш учун хизмат қилади.

1878-йилда Фарғона водийсига ташриф буюрган академик А. Меддендорф “Ўлканинг саводчилиги даражасини Россиянинг халқ таълими билан шўғулланувчи намоёндаларига намуна қилиб кўрсатиш керак” [3] деб эътироф этиши, фикримизни далилидир. Дастлабки даврларда Туркистоннинг маориф соҳаси билан ҳарбий маъмурият шўғулланган бўлса, кейинчалик ўлкага айрим тараққиётпарвар кучлар кириб келган. Буни эътибордан четта қолдирмаслигимиз шарт. Бироқ кейинги йилларда мавзу билан боғлиқ ҳолда ёзилган адабиётлар, ҳужжат ва йўриқномаларда, чор маъмурлари ва зиёлилари А.Меддендорф фикрининг аксини айтиб, Туркистонда мактаб ва мадрасаларнинг кўплиги, аҳолининг саводчилиги даражасига ижобий таъсир қила олмайди деган қарашларни илгари сурганлар. Хусусан Д.М. Граменицкий 1875-йили, “Мусулмонлар ҳаётида ҳайрон қоларли даражада бошланғич мактаблар кўп, лекин шу билан бирга саводли кишилар кам” [2] деб ёзган бўлса, Н.С. Кулчанов Фарғона волости ҳақида “Қишлоқ мактабларининг кўпайиши саводхонликнинг ёйилишига ҳеч қандай таъсир қилмайди” [5] деган фикрни юритган.

Ҳақиқатдан ҳам истибод йиллари Туркистон ўлкасида мактаб ва мадрасалар сонининг умумий ҳажми, аҳолига нисбатан ўртача миқдорда бўлганлигини далиллар исботлайди. Мисол учун биргина Фарғона вилоятидаги мактаблар ҳақида сенатор К.К.Паленнинг ўз ҳисоботида берган маълумотларга қараганда, анчагина ўқув масканлари бўлган. “Ревизиядан олинган маълумотларга қараганда, - дейди у, Фарғона областида 1908 йили 2316 та мактаб бўлиб, улардан 1749 таси ўғил болалар, 567 таси қиз болалар мактабидир. Уларда 24690 нафар ўғил болалар ва 6559 нафар қиз болалар таълим олади. Уездларда эса улар қуйидагича тақсимлангандир: Андижон уезида 357 та ўғил ва 123 та қиз болалар мактаблари мавжуд. Қўқон уезида 438 та ўғил болалар ва 123 та қиз болалар мактаблари бор. Скобелев (Фарғона шаҳрида) ва Марғилон уезида эса 403 та ўғил болалар ва 155 та қиз болалар мактаблари мавжуд. Наманган шаҳри ва уезида 410 та ўғил ва 129 та қиз болалари мактаблари бўлиб, шунингдек, шаҳар ва уездларда 141 та ўғил ва 31 та қиз болалар мактаблари мавжуддир” [4].

К.К.Пален, В.П. Наливкин, Д.М. Граминский, Н.П.Остроумов, Н.И. Ильминский, К.Э. Бендриков ва бошқаларнинг берган маълумотлари ҳамда айрим архив материалида келтирилган далиллар асосида Туркистон минтақасидаги 1908 йилга қадар бўлган барча мактабларнинг умумий сонини қуйидагича жадвалда кўрсатиш мумкин.

Ведомости № 25 1906 йил.

Вилоятлар	Мақтаблар
Сирдарё вилояти	804 та
Фарғона вилояти	2316 та
Самарқанд вилояти	2300 та
Етгисув вилояти	147 та
1909-йил январь ойига қадар бўлган умумий сони	5565 та

1890-йил мактабларни идоравий назорат қилиш учун махсус 3-инспектор лавозими таъсис этилади. 1896-йилдан бошлаб эса мактаб ва мадрасалар шаҳар ва уезд бошлиғи томонидан назорат қилинган. 1890-йилларнинг бошларида ўлкадаги мусулмонлар мактаби ва мадрасаларининг давлат инспектори бўлиб П.Наливкин фаолият кўрсатган. Унинг ҳисобича ўлкадаги мактаблар сони расмий 5000 та деб белгиланган бўлса ҳам, П. Наливкиннинг ўзи маҳаллий мактаблар бу сондан икки баробар ортиқ бўлиши керак деб ҳисоблаган [6].

У 1896-йил 8-майда Маориф министирлигига йўллаган бу хусусидаги ахборотда жумладан шундай сатрлар ёзилган: “Эътиборингиз учун ушбу хабарни етказишни лозим деб биламанки, айни пайтда Туркистон ўлкасидаги олий мактаб ва мадрасалар Халқ билим юртлари 3-инспекторнинг раҳбарлигидадир. Қуйи мактаблар бу инспекторнинг раҳбарлиги доирасидан ташқарида, уларнинг ниҳоятда кўплиги сабабли ҳамма сонини олишга муваффақ бўлинмади, менга топширилган инспекция ишларида мактабларнинг сони ҳақида аниқ расмий маълумот йўқлигининг боиси шунда. Бунга қарамай қўлимдаги чаларасмий маълумотларга таяниб, ўлкадаги мактабларнинг умумий сони, овуллардаги қўшимча аҳолининг мактабларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 5000 дан ошишини маълум қилиш жоиз деб биламан” [6].

Мақтаблар бошланғич таълим беришга асосланган. Уларда энг кичик ёшдаги болалар арабчада ўқиш ва ёзишни ўрганадилар. Куръонни, намозни ва туркий тилдаги бир неча шеърий асарларни ёд оладилар. Мақтабларда неча ёшгача ўқиш кераклиги тайин этилмаган. Таълим босқичлари бир китобни ўзлаштириб, иккинчисига ўтиш билан белгиланади. Таълим олиш муддати ўқувчиларнинг қобилиятига, шунингдек ўқитувчиларнинг тажрибаларига боғлиқ бўлиб, 3-5 йилга боради” [4].

XIX аср охирига келиб, мактабларнинг бирортасида табиий фанларнинг ўқитилмаганлиги ҳам ажабланарли холдир. Хусниҳат ёзиш ва санъатни болаларга пухталиқ билан ўргатилганлиги айрим келтирилган манбаларда учрайди. Лекин айрим қишлоқ мактабларида болалар учун ёзиш кундалик эҳтиёж бўлмаганлиги боис, улар бу жараёни тезда унутиб қўйганлар. Қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасида ўқитиш ишларида сифат жиҳатидан фарқлар сезилади. Бу мактаб ва мадрасалардаги миллий меросни ўрганиш асосларини, шунингдек қадим туркий маданият билан чамбарчарс боғлиқ бўлган араб, форс тилларини ўрганиш масалаларидан ҳозир ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки туркий халқлар тарихи, бой маданий, илмий, фалсафий меросининг анча қисми шу тилларда битилганлиги ҳаммаизга маълум. Демак шу жиҳатдан улар янги замон мактабларимиз учун ибрат вазифасини ўтай олган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Россия империясининг Туркистон ҳудудларини босиб олиши ва ўлканинг мустамлакага айлантирилиши сиёсий ва иқтисодий шу билан биргаликда маънавий қарамликка олиб келди. Табиийки, бу жараёнлар ўлка маданий, маърифий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бу таълим тизимига ҳам тааллуқли эди. Ватанимизда ушбу даврдаги мактаб таълим тизими ҳолатини жаҳон мамлакатлари таълим тизими билан қиёслаганда жуда катта тафовут мавжуд эди ва таълим тизимидаги бундай бўшлиқ империя манфаатларига мос равишда тўлдирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бендриков К.Е. Очерки истории народного образования в Туркестанском крае. 1961 г. – 275 с.
2. Граменицкий С.М. О Ташкенте. Туркестанские вести № 30, 1875 г. – 176 с.
3. Минддендорф А. Очерки Ферганской долины. СПб 1882 г. – 686 с.
4. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по величайшему повелению сенатором графмейстром графом К.К. Паленом (VI). Учебное дело. 1910 г. – 286 с.
5. Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 г. Вып. I. 1890 г. – 86 с.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви 47 фонди, 775-делоси. Записка В.П.Наливкина о мактабах Туркестана в 1884 г.

УЎК 902.2

ҚАЛЪЖИҚ-ҚАЛЪА ЁДГОРЛИГИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ ВА ТУРИСТИК ОБЪЕКТ СИФАТИДА Фойдаланишнинг истиқболлари

Б.П. Садуллаев, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива
Ж.Р. Абдуллаев, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Мазкур мақола мил.ав. IV – мил. XI асрларга тегишли Қалъажик-қалъа ёдгорлигининг тарихий аҳамияти, уни тарихий-археологик мерос объекти сифатида сақлаш масалаларига бағишланган бўлиб, Хоразм вилоятида археологик туризмни ривожлантиришидаги ўрни ва истиқболлари баён қилинади.

Калит сўзлар: Қалъажик-қалъа, Довуд-қалъа, Кардаранхос, Я.Ғуломов, мудофаа девори, арк, консервация, археологик туризм

Аннотация. Данная статья посвящена историческому значению Каладжик-кала, памятника IV в. до н.э. - XI в. н.э. и вопросам его сохранению как объекта историко-археологического наследия, излагается роль и перспективы памятника в развитии археологического туризма в Хорезмской области.

Ключевые слова: Каладжик-кала, Давуд-кала, Кардаранхос, Я. Гулямов, оборонительная стена, цитадель, консервация, археологический туризм

Abstract. This article is devoted to the historical significance of the Kaladzhik-kala, a monument of the 4th century. BC. - XI century. AD and the issues of its preservation as an object of historical and archaeological heritage, the role and prospects of the monument in the development of archaeological tourism in the Khorezm region are described.

Key words: Kaladzhik-kala, Davud-kala, Kardaranhos, J. Gulyamov, defensive wall, citadel, conservation, archaeological tourism

Кириш

Хоразм атрофи бепоён сахролар билан камраб олинган, иклими ва тупроқ шароити канал ва сув иншоотлари ёрдами билан сунъий суғориш тизимига асосланган Шарқ тамаддунининг йирик марказларидан биридир. Аждодларимиз томонидан барпо этилган йирик суғориш тармоқлари нафақат деҳқончилик маданияти, балки унинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган ва ҳамоҳанг равишда тараққий этиб келган шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишида ҳам катта аҳамият касб этган. Ана шундай қадимий тармоқлар ҳавзасида, воҳа билан Қорақум саҳроси сарҳадларини ажратиб турувчи маконда Қалъажик-қалъаси ўзининг салобати ва ҳайбати билан алоҳида ажралиб туради.

Халқ тилида Довуд-қалъа номи билан ҳам машҳур бўлган бу ёдгорлик Ҳазорасп – Хива йўли остонасида, аниқроғи Ҳазораспдан 25 км ғарбда жойлашган (1-расм). Маҳаллий аҳоли орасида тарқалган ривоятларга кўра қадимда темирчилар пири ҳазрати Довуд шу ерда темирчилик қилган эмиш. Ана шундан бу жойга Довуд-қалъа номи ҳам берилган.

Манбашунослиги

Бу қалъа ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўрта аср муаррихларининг асарларида “Кардаронхос” номи билан учратиш мумкин [1, 133-6]. Бу борада Истахрий, Мақдисий асарлари ҳамда муаллифи номаълум “Худуд ул-Олам” асаридаги манбалар жуда қимматлидир.

Истахрийнинг ёзишича, Ҳазораспдан 2 фарсах нарироқда Ҳазорасп каналидан каттароқ Кардаронхуш канали бўлган. Ҳазораспдан Хивага борадиган йўлда, воҳанинг жанубий томонида Кардаронхуш қалъаси борлигини ҳам ёзиб қолдирган. Кардаронхуш ва Ҳазорасп оралиғи 3 фарсах, Кардаронхушдан Хивагача 5 фарсах [4, с. 178,179,181].




1-расм. Қалъажик-қалъанинг харитада кўриниши

Мақдисий Амударё чап соҳилидаги шаҳарларни санаб ўтар экан, Кардаронхос Ҳазорасп ва Хива шаҳарлари оралиғида жойлашганлигини таъкидлайди. Шунингдек, у сахро чеккасида жойлашган шаҳарлар ҳақида маълумот берар экан, Кардаронхосни дарвозаси ва ҳандаги бор қалъа деб таърифлайди [3, с.187-188]. Кардаранхос ҳақида “Худуд ул-Олам” асарида ҳам эслатилади [5, с.216]. Демак, Кардаронхос номи билан ҳам канал, ҳам шаҳар мавжуд бўлган.

Мазкур маълумотларни таҳлил қилган академик Я.Ф.Ғулумов ўрта асрлардаги Кардаронхос ҳозирги кундаги Қалъажик-қалъанинг айнан ўзи эканлигини таъкидлайди. XVI аср воқеаларини баён қилиш асносида Хива хони Абулғозихон ўзининг “Шажараи тарокима” асарида “Кардан хаст” номини тилга

олади. Европалик шарқшунос де Гуйе ҳам Кардаронхосни “Кардан хаст” атамаси билан бир эканлигини таъкидлайди [1, 134-б].

Мунис ва Огахий томонидан ёзилган “Фирдавс ул-Иқбол” асарида Кардаронхос қуйидагича тушунтирилади: “Бешариғ худудида Гардонхост қўлидаким, ҳоло Нукуз қўлиға машхурдур” [11, 140 бет.]. Бу Қалъажик, яъни Кардаронхос харобалари қайд қилинган жойга тўғри келади [1, 134-б].



2-расм. Қалъажик-қалъа тархи

Ўрганилиш тарихи ва археологик тавсифи.

Археологик жихатдан бу ёдгорлик дастлаб академик Я.Ф.Фулумовнинг археологик кузатувлари асосида тадқиқ қилинади [1, 88-б.]. 1973-1974 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали илмий ходимлари томонидан М.Мамбетуллаев бошчилигида бу қалъада тадқиқотлар олиб борилди [8, 1973, 53-55 б; 7, 1974, 58-63 б]. 1991 йилда Россия Фанлар академияси Археология институти тадқиқотчилари В.А.Завьялов бошчилигида кенг қамровли археологик казишмаларни амалга оширдилар [2; 12, РР.298-317]. 2000-2002 йилларда Хоразм Маъмун академияси ходимлари Ш.Матрасулов раҳбарлигида Қалъажик-қалъада навбатдаги изланишларни олиб бордилар [9, 2001 йил]. Археологик казиш ишлари натижасида қалъа тарихига оид муҳим манбалар қўлга киритилган. Ушбу тадқиқотлар натижалари баъзи илмий мақола ва рисоаларда ҳам акс этган (6; 10.).

Қалъажик-қалъа шарқдан ғарбга қараб чўзилган нотўғри тўртбурчакни ҳосил этади. Қалъажикнинг шарқий деворларидан бошқа ҳамма деворлари анча баландликда сақланиб қолган; шу билан бирга улар устидаги истехкомлар ҳам сақланган. Ҳозирги кунда сақланиб қолган жанубий деворнинг узунлиги 210 метр, шимолдагисининг узунлиги 154 метр, ғарбдагиси – 65 метр (2-расм).

Қалъажикнинг бутун ички майдони юмшоқ шўрхок билан қопланган: марказида унча катта бўлмаган қўл бор. Шарқий деворнинг ўрта қисмида чўзинчоқ дўнг бор; у афтидан, қалъага кириш жойидаги антик лабиринтнинг емирилишидан ҳосил бўлган. Ички паҳса деворлар африғийлар ва ўрта асрлар даврига хос бўлган хом ғишт билан тузатилган. Бу деворларнинг баландлиги ички томондан 12—14 метрга етади. Қалинлиги тахминан 2,5 метр.

Хоразм воҳасидаги аксарият ёдгорликларидан фарқли равишда Қалъажик ёдгорлигининг ўзига хос жихатларидан бири буржларга эга эмаслигида, фақат шинаклар мушофаа тизимида асосий роль ўйнайди. Ҳар иккала девор ўртасида химоячилар ва ўқчилар юриш учун кенлиги 2,80 – 3 м бўлган дахлиз – коридор мавжуд. Коридорларда одам кўкраги баландлигида ҳамда бир – бирдан 1,20 м масофада ўқ узиш шинаклари бўлиб, Қалъажик Хоразмда кам учрайдиган услубдаги, яъни, буржларсиз ва фақат шинаклардан иборат қалъа турига киради. Ташки девор ўқ отадиган шинаклар билан мустаҳкамланган. Ташки деворларнинг олдида баъзи жойларида тўсиқ деворлар аниқланган. Бу девор қалъанинг асосий деворига камал машиналарини яқинлаштирмаслик мақсадида барпо этилган бўлиб, бу барча антик давр қалъаларига хосдир. Илк ўрта асрларда бу қалъа ўша замоннинг ҳарбий техникаси талабига мувофиқ қайта қурилган. Бу қайта қуриш деворларда ўрта аср ғиштлири мавжудлиги билан тасдиқланади. Шимолий деворнинг ўрта қисмида арк қад кўтариб туради. Унинг асоси 25 X 15 метр, баландлиги 16 метр (3-расм).



3-расм. Қалъажик-қалъа аркининг кўриниши

Академик Я.Ғ.Ғуломов ўз кузатувлари асосида қалъадан шарқ томонда антик даврнинг каттагина очик қишлоғи бўлганлигини таъкидлайди [1, 88-б]. Аҳоли ўрта асрларда бу ерда қайтадан ўрнашган. Антик даврдаги, шунингдек ўрта аср давридаги барча шаҳар ва қалъалар ёнида бундай очик қишлоқларнинг мавжудлиги характерлидир. Душман ҳавфи пайдо бўлганда атрофдаги қишлоқлар аҳолиси мустаҳкам қалъа ичига яшириниб ҳимояланган.

Демак, бу қалъа Хоразмнинг милoddан аввалги IV – III асрларида барпо этилган қалъалар типидagi яхши мустаҳкамланган истехкомларига киради ва стратегик жиҳатдан Жанубий Хоразмга кираверишда Ҳазораспдан сўнг иккинчи ўринда туради.

Археологик маълумотларга кўра, Қалъажик қалъасида ҳаёт афтидан, милoddан аввалги IV – III асрларда вужудга келган ва милoddнинг биринчи асрларида тўхтаган. VII – VIII асрларда қалъада ҳаёт қайтадан жонланади ва XI асргача давом этади [12, 316-317 б]. Бироқ қалъадан ташқарида ҳаёт XIII аср бошларигача давом этган.

Ҳозирги кунда қалъанинг шимолий, жанубий ва ғарбий деворлари сақланиб қолган. Шарқий девор сақланмаган, ундan фақат деворнинг бир қисми дўнглик сифатида кузатилади. Я.Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” номли монографиясида шарқий девор узунлиги — 114 метр сифатида қайд қилинади [1, 88-б]. Афтидан тадқиқотчи шарқий девор қолдиғи асосида тахминан унинг йўналишига асосланиб фикр юритган бўлса керак. Ўз навбатида, шарқий деворда лабиринтли дарвоза мавжуд бўлганлигига ишора қилади.

Қадимги Хоразм қалъаларига хос жиҳат айнан лабиринтли дарвозаларнинг мавжудлигидир. Аксарият шаҳар дарвозалари “Г” шаклига ўхшайдиган лабиринт (мураккаб адаштирама йўлак – дарвоза) шаклида қурилган. Дарвоза шундай қурилганки, душман аскарлари ва умуман жангчилар қалқонни ҳар доим чап томонида олиб юришидан келиб чиқиб, дарвозага кириши мумкин бўлган душманлар ҳар доим ўнг томондан, яъни қалқонсиз, ҳимоясиз тарафдан ўққа тутишга мўлжалланган. Бу ўз навбатида душманнинг кўп қурбон беришига сабабчи бўлиб, уларнинг шаҳарни эгаллашини қийинлаштирган. Умуман олганда Қалъажикнинг деворлари Хоразмнинг бошқа қалъаларида бўлгани каби икки қаватли бўлган бўлиши мумкин.



4-расм. Хива – Қалъажик – Ҳазорасп – Хумбузтепа маршрути

Хулоса ва таклифлар.

Қалъа мудофаа тизимининг яхши сақланганлигига кўра келажакда ёдгорликни ўрганишнинг

аҳамиятини янада оширади. Мудофаа иншоотларининг жуда яхши сақланганлиги, уни реконструкция қилиш ва очик осмон остидаги музейга айлантириш орқали туризмнинг истикболли режаларини амалга оширишга имкон яратади. Бу қалъа ёнида шифобахш кўлнинг мавжудлиги ҳамда яқин атрофдаги табиий ландшафтни кузатиб баҳра олиш эса тарихий туризм билан биргаликда экотуризмни ривожлантиришда ҳам катта роль ўйнайди. Туристик маршрут йўналишидаги муҳим жиҳатидан бири ёдгорликнинг Ҳазорасп – Хива автомобиль йўлига яқин жойлашганлигидир. Мазкур йўналишнинг айнан қадимги ипак йўли тармоқларига мос келиши унинг аҳамиятини янада оширади. Бу йўналишда Хива – Қалъажик – Ҳазорасп – Хумбузтепа маршрутини шакллантириш мумкин (4-расм).

Ёдгорликнинг ноёб жиҳатларини эътиборга олган ҳолда уни музейлаштириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи саналади. Ёдгорликни консервациялаш ва реставрация қилишда жаҳон тажрибасида эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда қурилиш соҳасидаги маҳаллий хусусиятларни ҳам эътиборга олиш лозим. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда ёдгорликларни сақлаб қолиш учун махсус ойна билан қопланган бостирмалардан фойдаланиш услуби кенг қўлланилиб келинмоқда, лекин бу усулда ёдгорликни реал ҳолатда масофадан туриб томоша қилишда ўз идеаллигини йўқотади.



5-расм. Қалъажик-қалъанинг умумий кўриниши. Қалъа мудофаа деворининг тегралари (сарик чизик) ва муҳофаза зонаси (тўқ сарик чизик).

Мудофаа иншоотларининг жуда яхши сақланганлиги, уни реконструкция қилиш ва очик осмон остидаги музейга айлантириш истикболларининг юқорилиги ёдгорликнинг ҳимоя зонасини анча кенг майдонни камраб олишига зарурат туғдиради (5-расм). Чунки ёдгорликка ташриф буюрган сайёҳ учун уни яқиндан кўриш билан бирга анча узоқдан туриб ташқи томондан томоша қилиш ва фотосуратга олиш каби эҳтиросларга эга бўлиши табиий ҳолдир. Рассом ижодкорлар учун ҳам айнан шундай ҳолат маъқул ҳисобланади.



6-расм. Қалъажик-қалъа умумий кўринишини узоқдан томоша қилишнинг таклиф қилинаётган таҳминий чегараси

Ҳозирги кунда ёдгорликнинг деярли ҳамма томонидан уни томоша қилиш майдони мавжуд. Ёдгорликнинг туристик имкониятларини айнан юқоридаги жиҳатлар сақлаб қолади ва унинг доимий

зиёрат қилувчилар нуфузининг ортишига хизмат қилади. Шунинг билан бирга Қалъажик-қалъа атрофида кенг ҳудудда кузатув ва томоша майдонининг сақланиб қолиши ёдгорликка инсон факторининг таъсирини камайтиради ва унинг умрбоқийлигини янада оширади (6-расм).

Ўз навбатида ёдгорликда сайёҳлик мавсумида мунтазам равишда амалга ошириладиган археологик тадқиқотларни йўлга қўйиш лозим ва ҳар мавсумдаги тадқиқотлар тугаши билан босқичма-босқич консервация ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда мавжуд қонунчилик доирасида тадқиқотларга сайёҳларни ҳам жалб қилиб, уларнинг иштирокини таъминлаш орқали ёдгорликка келадиган меҳмонлар қизиқишини орттириш мумкин. Консервация қилинган ёдгорлик яқинида музей ташкил қилинса, археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган топилмалар ушбу музей экспозициясининг ноёб фондига айланиши мумкин. Музей экспозиция мажмуаси қошида тегишли хоналар ва инфраструктурага эга бўлган илмий-ўқув марказини ташкил қилиш орқали ёзги даврда бу ерда Ўзбекистон ва Хоразм вилояти ОТМнинг тарих ва археология йўналишидаги талабалар, бакалавр ва магистрлари учун илмий-амалий семинарлар ва археологик дала амалиётини ўтказиш мумкин. Қалъажик-қалъа талаба, бакалавр ва магистрларнинг археология амалиёти объектига айланади.

Амалга ошириладиган ишларга албатта маҳаллий ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали мазкур жойнинг инфраструктурасини ривожлантириш, маҳаллий аҳоли вакиллари учун янги иш ўринларини очиб имкониятлари ҳам юзага келади ва Хоразм вилоятида туризмнинг тараққий қилишида муҳим омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. ЎзР ФА нашриёти. Т., 1957.
2. Завьялов В.А. Отчет о работах Багатской экспедиции ИИМК в крепости Каладжик в мае-июне 1991 г. Санкт-Петербург, 1992. Маданий мерос департаменти архиви. А 9351/3-13.
3. Извлечения из “Ахсан ат-такасим фи-ма’рифат ал-акалим” ал-Мақдиси, по изданию De Goeje (BGA, III) пер. С.Волина. // Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ), Арабские и персидские источники. VII-XV вв. Труды института востоковедения. Т.1. Изд-во АН СССР, М – Л, 1939.
4. Извлечения из “Китаб месалик ал-мемалик” ал-Истахри, по изданию De Goeje (BGA, I), пер. С.Волина. // Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ), Арабские и персидские источники. VII-XV вв. Труды института востоковедения. Т.1. Изд-во АН СССР, М – Л, 1939.
5. Извлечения из «Худуд ал-алем» - анонимного персидского географического сочинения по изданию В.В.Бартольда («Худуд ал-алем». рукопись Туманского. лгр., 1930). перевод под редакцией А.А. Ромаскевича. // Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ), Арабские и персидские источники. VII-XV вв. Труды института востоковедения. Т.1. Изд-во АН СССР, М – Л, 1939.
6. Мамбетуллаев М. Городище Каладжик. Вестник КК «Фан» УзССР, Нукус, №1, 1983.
7. Мамбетуллаев М. Отчет об археолого-топографических изысканиях на территории Хорезмской области в 1974 году. Нукус, 1974. Маданий мерос департаменти архиви. А 9355/М-22.
8. Мамбетуллаев М., Юсупов Н. Отчет об археолого-топографических изысканиях на территории Хорезмской области в 1973 году. Нукус, 1973. Маданий мерос департаменти архиви. А 3611/М-22.
9. Матрасулов Ш. “Қалъажик қалъасининг археологик тадқиқи” (ДИТД) мавзуси бўйича 2001 йил учун йиллик хисобот. Хива, 2001 йил.
10. Машарипов Қ., Раҳимова Ҳ. Қалъажик-қалъа (Услубий қўлланма). (маъс. мух: Ў.Абдуллаев) УрДУ ноширлик бўлими. Урганч, 2016.
11. Мунис ва Огахий. Фирдавс ул-Иқбол (Бахту саодат жаннати). (Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш. Воҳидов). “Янги аср авлоди”. Тошкент, 2010.
12. Zav'yalov V.A. Excavations of Kaladzhih-tepe in Khoresm. // An International Journal of Comparative Studies in History and Archaeology. Brill Publishers, Leiden, 1997. Volume 03 Issue 02-03. – PP.298-317.

УЎК 37 (575.172)

АМУДАРЁ ФЛОТИЛИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

С.А. Сулайманов, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада XIX асрнинг 80-йилларида Амударё флотилиясининг фаолияти ва унинг минтақада транспорт коммуникациясининг ривожланишидаги ўрни ҳақида сўз этилган.

Калим сўзлар: Амударё, Орол денгизи, флотилия, Хива юриши, балиқчилик, кемасозлик, биринчи жаҳон уруши, Хива хонлиги.

Аннотация. В статье рассматриваются роль Амударьинской флотилии в развитии транспортно-коммуникационных систем в 80-годы XIX в.

Ключевые слова: Амударья, Аральское море, флотилия, Хивинский поход, рыболовство, судоходство, первая мировая война, Хивинское ханство.

Abstract. In article are considered The role of the Amudarya Flotilla in the development of transport and communication systems in the 80s of the XIX century

Key words: The Amudary, the Aral Sea, the fleet, march of Hiva, fishing, navigation, the first world war, of monarchy Hiva.

Ўрта Осиёнинг ички ва ташқи савдосида сув йўллари муҳим аҳамият касб этган. Россия империяси ўзининг буюк стратегик мақсадларини амалга ошириш, Ўрта Осиёнинг янада ички ҳудудларига кириб бориш, Афғонистон ва Ҳиндистон бозорини забт этиш учун Амударёдан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Россия империяси ҳукумати Туркистонни забт этар экан, унинг олдида кўйган ягона мақсади – ўлканинг миллий бойликларидан империянинг тобора ошиб бораётган саноат эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш, ўлкани ўзининг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришдан иборат эди. Бу борада асосий муаммолардан бири Туркистон ўлкасини Россия империяси билан боғлаб турувчи, улар ўртасидаги мустаҳкам ҳарбий, сиёсий-маъмурий, савдо-иқтисодий алоқаларини амалга ошириш учун замонавий транспорт воситаларининг мавжуд эмаслиги эди.

Чор Россияси транспорт масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратди, айниқса Хива хонлигини синчиклаб ўрганди. Бунда сув йўлларида ҳам фойдаланилди. 1873 йил 27 апрель куни Орол флотилияси бошлиғи, 1 ранг капитани Ситников бошчилигида 2 та пароход таркибида 3 та баржа билан Амударёга кириб келади. Пароход Улқун дарё бўйлари билан Кўнғиротга қараб жўнайди. Бироқ Амударёнинг дельталари ўрганиб чиқилмаганлиги натижасида экспедициянинг олдинга силжишига йўл қўйилмайди [Камалов, 1968, 1876].

1873 йил 1 августда Амударёнинг қуйи қисмини ўрганаётган бош штаб полковниги А.В.Каульбарс серсув Амударё — Қуванчжарма, Давқара кўллари ва Яни-Сув дарёси орқали Орол денгизига чиқадиган йўлни кидиради. Бу йўлдан Амударё флотилияси пароходлари Қозолидан Орол денгизи орқали Амударёга мунтазам қатнай бошлади. Амударё соҳилида Қабақли қалъаси қурилди.

1874 йилда «Голос» газетаси Чимбойдаги мухбирининг маълумотини чоп этади. Унда шундай дейилади: «25 июль куни кундузи соат 4 да «Перовский» пароходи Нукусга келди ва маҳаллий аҳолини хайратда қолдирди». Француз географи Элизе Реклю таъкидлаганидек, «шу лаҳзадан бошлаб ҳар қандай қийинчиликларга ва пароходлар сузишига қийналадиган кучли оқимга қарамасдан қуйи Аму бўйлаб кема катнови тўхтамади».

«Туркестанские ведомости» газетаси шундай ёзади: «1877 йил 22 мартда «Самарқанд» пароходи Петро-Александровскдан йўлга чиқди. Учқудуққача муваффақиятли сузди. 30 мартда Қабақли қалъасига етиб келди, 3 апрелда сузишни давом этиб, қайиқларда келтирилган ўтинларни юкледи. 7 апрелда Чаржоуга етиб келди. Қайтишда сузиш яна ҳам тез амалга оширилиб, пароход Петро-Александровскка 18 апрелда етиб келди».

1878 йилда 9-сонли баржалар «Самарқанд» пароходи билан Қозоли ва Нукус ўртасида шошилинич рейслар амалга оширилди. Рейсларнинг жадвали қуйидагича эди: пароход Қозолидан 15 майда йўлга тушиб, Нукусга 29 майда етиб келди, 5 сутка тўхтаб тургандан сўнг 4 июнда яна йўлга тушди ва 15 суткада манзилга етиб борди. Қайтишда 7-8 суткада, Нукусдаги тўхташни ҳисобга олганда 25 сутка давомида йўлда бўлди.

1878 йилда Орол флотилиясининг таркибига қуйидаги кемалар кирди: «Самарқанд», «Орол», «Тошкент», «Сирдарё», буғ билан юрадиган «Обручев» баркаси. №1 дан №10 гача ўнта баржа, бешта паром, 2 та темир қутидан плонкаут ва ўнта баркас.

1884 йилда генерал Черняев томонидан тарқатилган Орол флотилиясини Туркистоннинг янги генерал-губернатори генерал-адъютант Розенбах қайта тиклашига тўғри келди, чунки Амударё флотилияси учун пароходларга ҳали буюртма берилмаганди.

1884 йилнинг кузида буғ билан юрадиган «Обручев» баркаси сувга туширилди, у Қозоли ва Перовск ўртасида сузарди. Орол флотилияси пароходлари 1888 йилгача сузиб юрди.

Каспийорти ҳарбий темир йўлини Ашқободдан Амударёгача ва ундан наригача чўзиш ҳақида қарор қабул қилинганда доимий кўприк қуриш қийинчилиги ҳисобга олинди, Амударё флотилиясини тузиш лойиҳалаштирилган эди, флотилия учун дастлабки пайтларда икки пароход ва икки баржа етарли бўлди. Генерал Розенбах хатто «Тошкент» пароходига аскарларни чиқариб Амударё орқали юқорига сузишни ва Афғонистоннинг чап қирғоғини эгаллашни ҳам ўйлаган эди.

1887 йилда Петербургдаги «Буц ва Помпей» номли инглиз фирмасига иккита пароход ва иккита баржага буюртма берилди. Пароходларга «Царь» ва «Царица», баржаларга — «Петербург» ва «Москва» деган ном берилди. 75 см. гача сувга ботади бу пароходлар корпусининг узунлиги 45 метр эди.

Амударё сув йўлида транспорт тизимини ривожлантириш ва ўлканинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва бойликларини ўзлаштириш мақсадида Чор ҳукумати томонидан 1886-1887 йилларда Амударё ҳарбий флотилияси ташкил этилди. Флотилия фаолиятининг бошланғич мақсади унинг низомининг 1 параграфидан белгиланиб, шундай дейилади: «Амударё флотилияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Йўловчи ташиш хизматини амалга ошириш, шунингдек, давлат ва хусусий шахслар учун Амударё орқали юк ташишни йўлга қўйиш;

2. Тинч пайтларда, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар бошланганда ҳарбий қурул-аслаҳаларни, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ташишда Туркистон ҳарбий округи кўшинларига ёрдам бериш;

3. Каспийорти ҳарбий темир йўлининг эҳтиёжини қондириш;

4. Гидрографик ишларни амалга ошириш»[1].

Амударё флотилияси бошқармаси ва асосий порти Чоржўйда жойлашган эди. 1887 йилда Амударёда дастлаб Чоржўйдан Керкигача, сўнгра Темизгача кема қатнови йўлга қўйилди. 1888 йилда «Царь», «Царица» кемалари ва «Москва», «Петербург» баржалари (10 минг пуд юк ташиш қуввати билан) Петро-Александровскдан Керкигача бўлган участкада суза бошлади.

1895-1901 йилларда флотилия 4 та пароход, 2 та буғли катер, буғли баркас, 13 та баржа билан тўлиқтирилди: 1894-йилда Чоржўйда «Цесаревич» кемаси курилди, 1898 йилда «Великий князь», «Великая княжна Ольга» кемалари, 1901 йилда «Император Николай II» кемаси ва «Екатеринослав» катери сувга туширилди[3]. Кемалар Чоржўй — Петро-Александровск ва Чоржўй — Керки-Келиф — Термез участкаларида почта-йўловчи ва юк ташиш билан машғул бўлса, айрим пароходлар Орол денгизи орқали Сирдарёга чиқди. Навигация йилига 8,5—10 ойгача давом этди.

1905-1908 йиллар ҳолатига йилига ўртача 77 рейс амалга оширилган бўлса, уларда 17 минг йўловчи ва 530 минг пуд юк ташилди[4].

Амударёнинг умумий юк айланиши 1907 йилда 3300 минг пудни ташкил қилди, унинг тақсимланиши қуйидагича:

- Файзобод қалъадан Патта-Гиссар (Термез)гача йўлнинг юқори участкасида юк айланиши 100 минг пудни ташкил қилди;

- ўрта участкада — Патта-Гиссардан Чоржўйгача 120 минг пуд;

- қуйи участкада — Чоржўйдан Амударё бўлими ва Хива хонлигигача — 2 млн. пуд атрофида[5].

1907 йилги навигация даврида Амударё флотилияси кемалари билан 850 минг пуд, жумладан, 250 минг пуд мазут, 138 минг пуд давлат юклари ва 462 минг пуд хусусий тижорат юклари ташилди. 2,5 млн. пуд атрофидаги юklar маҳаллий қайиқлар ва туялар ёрдамида ташилди. Бундан келиб чиқадики, Амударё флотилияси кемалари томонидан ташилган хусусий тижорат юклари Амударёнинг умумий юк айланмасининг 15 % ини ташкил қилади[6].

1913 йилда Амударё ҳарбий флотилиясининг юк ташиш қуввати 10 минг пуд бўлган 6 та пароход ва металл баржаларга эга эди. Хусусий шахслар ва «Хива» ҳиссадорлик жамияти Амударё кемаларининг эгаси ҳисобланарди. Савдо-сотиқ ишларининг авж олиши ва Россия капиталининг Ўрта Осиёга чуқурроқ кириб бориши дарё орқали юк ташиш ҳажмини кўпайтирди. Амударёда 5-10 тонна юк ташиш қувватига эга қайиқлар – палубасиз улкан кемалар ҳаракат қилди.

1913 йилда уларнинг сони 1,5 минг атрофида эди. Оқимга қарши сузишда улар соҳилга боғланган арқонлар ёрдамида ҳаракат қиларди. Оддийлигига қарамасдан айнан ушбу транспорт тури Амударё бўйлаб юк ташишда муҳим роль ўйнади, уларнинг ёрдами билан 40-50 минг тоннагача юк ташилди. 1913 йилда дарё орқали юк жўнатиш 129 минг, қабул қилиш эса 74 минг тоннани ташкил этди[7].

Орол денгизи ва Амударёда юк ташиш билан ҳарбий флотилиядан ташқари шахсий кемаларнинг эгалари ҳам шуғулланди. Хўжайинлари Волга бўйи савдогарлари Сироткин ва Лапшин бўлган «Хива» жамияти уларнинг энг йириги эди. «Хива» жамияти Орол денгизида 5 та ўзи юрар кема, 5 та елканли ва 4 та ёғоч баржаларга эга бўлди. Унинг флоти Амударёда 3 та пароход, 1 та ўзи юрар ва 4 та бошқариладиган баржани ташкил қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камалов С.К. Карақалпаки в XVIII – 60-х годах XIX в. К истории взаимоотношений в Россией и среднеазиатскими ханствами. Ташкент, 1968
2. ЦГА РУз., ф.И-1089, оп. 1, д. 54, л.2.
3. ЦГВА РФ, ф.148, оп.1, д.7, л.134. Архив Среднеазиатского пароходства, оп.8,д.143, л.103-104.
4. ЦГА РУз., ф.И-1089, оп.1, д. 54, л. 45
5. «Туркестанские ведомости» за 1908 год. №№212, 213, 219, 220, 221.
6. «Туркестанские ведомости» за 1908 год. №№212, 213, 219, 220, 221.
7. ЦГА РУз., ф.И-1369, оп.1, д.11, л.2.

УЎК 902

ХІХ АСР ОХИРИ ВА ХХ АСР БОШЛАРИ БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ ВА АҲОЛИ ТАРКИБИ

Ф.И. Файзиева, катта ўқитувчи, Навоий вилояти Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Навоий

Аннотация. Мақолада, XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги тасарруфидаги ҳудудларнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолининг этник таркиби ва машғулотлари тарихий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: бек, беклик, маъраза, дворянлар, руҳонийлар, гильдия савдогарлари, рус манзилгоҳлари

Аннотация. Исторически анализировались административно-территориальное устройство территорий в конце XIX - начале XX веков, находящихся в ведении Бухарского эмирата, этнический состав населения и занятия.

Ключевые слова: бек, бекство, маъраза, дворяне, священники, цеховые купцы, русские поселения

Abstract. In the late XIX and early XX centuries, the administrative-territorial structure of the territories under the jurisdiction of the Bukhara Emirate, the ethnic composition of the population and the occupation were historically analyzed.

Keywords: bek, principality, ma'raza, nobles, priests, guild merchants, Russian settlements

Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги алоҳида мавқега эга бўлган, катта ҳудудларни эгаллаган давлат эди. XX аср бошига келиб Бухоро мамлакати Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни Россия Помиридан то Хиванинг кенг давлатларигача чўзилиб кетган эди. Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан, Ғарб тарафдан Сирдарё ҳамда Хўқанд билан, жанубда эса Афғонистон ўлкаси ҳамда дашти билан чегарадош бўлган. XIX асрнинг 50-йилларидан Бухоро амирлиги бир неча вилоятлардан ташкил топган бўлиб, улар Бухоро, Самарқанд ва ўз навбатида туманларга бўлинган эди. Вилоят ҳукмдорлари “ҳоким” деб аталган. Кейинчалик вилоят ўрнига бекликлар пайдо бўлгач уларнинг ҳукмдорлари “бек” деб аталган [1]. Маълумотларга кўра, бу даврда Бухоро амирлигида 44 та беклик мавжуд бўлган. XIX аср ўрталарида Бухоро амирлиги қуйидаги маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинган. 100 минг танобдан иборат суғориладиган ер ҳазорага, 25 минг таноб суғориладиган нимҳазорага, 10-15 минг таноб суғориладиган ер обхўрага, 400 таноб суғориладиган ер қарияга, 300 таноб суғориладиган ер маъразага (экинзор) бўлинган. Бундай тартибда бўлиниш бўйича хирож, закот ва бошқа турдаги солиқларни йиғиш ва олиш қулай бўлган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, маҳаллий маъмурият намоёндалари мавзени қишлоқ ва масжидлардан каттароқ ҳудудий бўлинма деб таърифланганлар. Мисол учун, Карки вилояти мавзеларга бўлинса ҳам улар ўз навбатида бекчаларга бўлинган, бекча қишлоқлардан иборат бўлган. Помир вилоятларидаги Пўшон ва Шўғнон маъмурий туманлари оқсоқоллик дейилган. Аҳоли яшайдиган пунктлар манбаларда учта атама –қишлоқ, мавзе, даҳа номлари орқали қайд этилган. Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги аҳолиси XIX асрнинг бошларига келиб тахминан 2 млн дан ошиб, 50-йилларига келиб тахминан 2,5 млндан ортиқ кишини ташкил этган. Бухоро шаҳрида тахминан 60 мингдан зиёдроқ, Самарқанд шаҳрида эса тахминан 50 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилганлар. Туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатидан катта қисмини ташкил этганлар. Улар амирликка қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган ерларда, яъни амирликнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Бухоро амирлиги ҳудудида аҳолининг кичик қисмини араблар ташкил этган бўлиб, улар асосан Қарши ва Шеробод бекликларида яшаганлар [2]. Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб, жуда кўплаб ўзбек уруғлари вакиллари амирликнинг деярли барча ҳудудларида яшаганлар. Аҳоли таркибидаги тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб каби шаҳарларда, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Хисор, Қоратегин, Кўлоб, Шаҳрисабз каби, бундан ташқари Қўбодиён, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилишган.

XIX асрнинг 50 йилларигача бутун Бухоро амирлиги аҳолиси ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт кечирувчи аҳолидан иборат бўлган. Ўтроқ аҳоли таркибига асосан: тожиклар ҳамда қадимий туркий халқлар, яъни қарлуклар, турклар киришган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолилар таркибига эса асосан Зарафшон, Қашқадарё ва Сирдарё воҳасига келиб жойлашган ўзбек уруғлари вакиллари кирганлар. Шунингдек бу гуруҳ таркибига қисман маҳаллий туркий қабила вакили бўлмиш Хитой-кипчоқлар ва қозоқлар ва туркманлар киришган. Бухоро амирлигида XX аср бошларига қадар, яъни чор Россияси таъъйиқи остида 1914 йилда биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилди. Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб улар жуда кўплаб уруғлар вакили ҳисобланган. Ўша даврда Бухоро амирлигида ўзбекларнинг умумий сони 1,5 млн. киши деб кўрсатилган [3]. Ўзбеклардан сўнг иккинчи ўринда сон жиҳатдан тожиклар туришган. Уларнинг умумий сони 150 минг деб берилган. Бошқа бир манбаларда уларнинг сони 650 минг деб кўрсатилган. Тожиклар асосан зич ҳолатда йирик шаҳарлар Самарқанд, Бухоро, Китоб, Ургут ва тоғли ҳудудларда жумладан Панжикент, Душанбе, Вахш бўйларида, амирлик жанубида, асосан Афғонистон билан чегарадош ерларда, Хисор-дарвоз, Қоратегин, Кўлоб, Балжувон, Қободиён, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида эса Фалгар, Матчо, Яккатут ва Фон бекиликларида истиқомат қилишган. Туркманлар ҳам сон жиҳатидан аҳолини катта қисмини ташкил қилиб, Бухоро амирлигига қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган ерларда, яъни амирликнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Туркманларнинг аксарияти Чоржўй, Бурдалик, Карки, Шеробод, Қўрғонтепа бекликларига қарашли ерларда деҳқончилик ва чорвачилик билан

машғул бўлишган. Туркман вилояти 100 тадан 500 тагача аҳоли пунктларидан иборат бўлиб, туманлар худудига тенг келарди. Маълумотларга қараганда Бухоро амирлигида яшаган туркманлар сони тахминан 200 минг киши деб кўрсатилган [4].

Амирлик аҳолиси таркибида араблар ҳам кўпчиликни ташкил қилиб, улар асосан Қарши ва Шеробод худудларида яшаган. Шунингдек Бухоро амирлиги худудиди форсийлар, яхудийлар, хиндлар, лўлилар, афғонлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва қалмиқлар ҳам яшаган. Қалмиқлар Бухоро шаҳрида, қорақалпоқлар эса Зарафшон, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида, қозоқлар эса Бухоро амирлигининг Шимолий-шарқиди истиқомат қилишган. Ундан ташқари оз миқдорда Россия фуқаролигига мансуб бўлган, асосан савдо ишлари билан машғул бўлган татарлар ҳам истиқомат қилишган. 1916 йил маълумотларига кўра бир туманда 120 дан 340 тагача аҳоли манзиллари бўлган. Энг катта вилоятлар мамлакатнинг шарқиди жойлашган эди [5].

1914-1916 йилги маълумотларда қайд этилишича, Балжувонда 1420 та аҳоли пунктлари, Ҳисорда 1200, Қоратегинда 700, Қўлобда-635 та, аҳоли яшайдиган жойлар бўлган. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигида 2 млн атрофида аҳоли истиқомат қилган. Бухоро амирлиги аҳолисининг катта қисми амирликнинг серсув воҳаларида яшар эди. Зарафшон водийсида 300-350 минг, Қашқадарёда 500 минг, Сурхондарё воҳасида 200 минг, Шарқий Бухорода 500 минг аҳоли яшаган. Россия давлат ҳарбий архив жамламаларида сақланган Бухоро қушбегиси томонидан тақдим этилган маълумотларга қараганда, бироз бошқачароқ, XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг умумий сони 2 млн 153 минг 240 киши истиқомат қилаётгани ёзилган [5].

Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги алоҳида мавқега эга бўлган давлат бўлиб, у жуда катта худудга эга эди. XIX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги худудига Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳасидан ташқари Сурхон воҳаси сарҳади, Ҳисор, Хўжанд, Ўратепа, Панжикент каби аҳоли зич жойлашган туманлар, Зарафшон дарёсининг юқори оқими, Жанубий Туркистоннинг катта қисми, шунингдек, Чоржўйдан тортиб то Мурғоб дарёсигача бўлган сарҳадлар ҳам қарар эди. XIX асрнинг бошларига келиб, Бухоро амирлиги худудини кенгайтишининг бош сабаби—бу энг аввало Манғитлар сулоласининг марказлашган давлат барпо этишга интилишининг натижаси эди. XIX аср бошларида Бухоро амирлиги бир томондан Эрон ва ҳозирги Афғонистон, иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан қозоқ жузлари ва ниҳоят тўртинчи томондан Қўқон хонлиги худудлари билан чегарадош эди. XIX асрнинг 20 йилларига келиб эса Бухоро амирлиги тасарруфидаги Ўратепа ва Хўжанд Қўқон хонлиги томонидан босиб олинди ва Қўқон хонлиги худуди деб эълон қилинди. Бу худудлар Бухоро билан Қўқон ўртасидаги доимий ўзаро низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди, бир неча маротаба навбатма-навбат Бухоро ва Қўқон ҳукмронлигига тобеъ қилинди. XIX асрнинг 50 йилларига келиб, узоқ вақт давомида Бухоро вассали бўлиб келган Балх, Андхой, Маймана, Шибирғон ва Жанубий Туркистоннинг бошқа вилоятлари Англия ҳукуматининг бевосита ёрдами билан афғон амирлари томонидан батамом эгаллаб олинди.

XX аср бошларида Бухоро аҳолиси уч ярим миллион нафардан иборат бўлиб, унинг майдони 225.000 км² келади, яъни тахминан Италия майдони билан тенг эди. Аҳолисининг асосий қисми ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ, тожик, яхудий ва араблардан иборат бўлиб, “Тарихи Нофейи” асарида келтирилган маълумотларга қараганда, алоҳида вилоятларга тобе бўлган шаҳар ва ноҳиялар ҳам бўлган. Масалан: Мўминобод Кўлобга; Ховалинг ва Кўнғирот Болжувонга; Душанбе ва Қоратоғ Ҳисор ҳокимига; Ромитан, Ҳайдаробод, Баҳоваддин, Хўжа Бўстон, Хўжа Убон, Хўжа Ориф, Вобкент ва Зандана Бухоро шаҳрига тобе бўлган [6].

XIX асрнинг 50 йилларигача бутун Бухоро амирлиги аҳолиси ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт кечирувчи аҳолидан иборат бўлган. Ўтроқ аҳоли таркибига, асосан, тожиклар ҳамда қадимий туркий халқлар, қарлуқлар, турклар киришган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолилар таркибига эса асосан Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасига келиб жойлашиб қолган кўчманчи ўзбек уруғлари вакиллари кирганлар. Шунингдек, бу гуруҳ таркибига қисман маҳаллий туркий қабила вакили бўлмиш Хитой қипчоқлар ва қозоқлар, туркманлар ҳам киришган. Ўрта Осиё худудидаги бошқа давлатларда бўлгани каби Бухоро амирлигида XX аср бошларига қадар ҳеч қачон аҳолини рўйхатга олиш жараёни амалга оширилмаган. Фақатгина чор Россияси ҳукумати таъзийқи остида 1914 йилда Бухоронинг шарқий худудларидаги бекликлардаги аҳоли, экин майдонлари, аҳоли (пунктлари) манзилгоҳлари ва чорва сонлари тўғрисидаги маълум бир ҳолатда маъмурий йўл орқали ҳисоб китоблар амалга оширилди. Ушбу даврда Бухоро амирлиги пойтахти Бухоро билан бир қаторда 20 та беклик ва 9 та мустақил туманлардан иборат бўлган. Бухорода ниҳоятда оз миқдорда Россия фуқаролигига мансуб бўлган ва асосан, савдо ишлари билан машғул бўлган татарлар ҳам истиқомат қилишган. Аҳолининг аксар қисми йирик шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилган бўлиб, уларнинг аниқ миқдори деярли йўқ. XIX асрда Бухоро худудиди бўлган рус фуқаролари томонидан ёзиб қолдирилган турли хил манбалар ва эсдаликларда аҳоли сони эмас, балки

кўпинча аҳоли яшайдиган хонадонлар сони берилган. Бухоро амирлиги аҳолиси ижтимоий-сиёсий тузилиши ҳам турлича бўлган.

Илк бор рус фуқароларини амирлик худудига кириб келиши ва жойлашиши ҳуқуқлари Бухоро-Россия ҳукуматлараро келишувларида ўз ифодасини топган эди. Хусусан, 1873 йил сентябрь ойида ҳар иккала давлат ўртасидаги “Дўстлик” келишувида белгиланганидек, рус фуқаролари амирлик худудига амирлик ҳукумати ёки унинг фуқаролари билан шахсий келишувлар орқали, савдо омборхоналар, саноат корхонлари, дўкон ва уйлар ва бошқа турдаги кўчар ва кўчмас мулкларни қўлга киритиши мумкин бўлган [7]. Каспийорти темир йўлининг қурилиши Россия-Бухоро алоқаларини мустақамлаб, савдо муносабатларини тез суръатларда ривожлантирган бўлса, бошқа томондан амирлик худудига келувчи рус фуқаролари сони ортиб борди. Натижада, Янги Бухоро (Когон), Янги Чоржўй, Карки, Термиз, Амиробод, Фароб, Сарой каби рус манзилгоҳлари вужудга келди. 1898 йилда амирлик бўйича аҳоли рўйхатида кўра 12 150 та рус фуқаролари ҳисобга олинган бўлса, XX аср бошларига келиб империя ҳукуматининг сиёсий ва иқтисодий таянчи ҳисобланган мазкур рус манзилгоҳларида 50 мингга яқин рус фуқаролари (ҳарбийларни ҳисобга олмаганда) истикомат қилган [8]. Темир йўл станциялари жойлашган Фароб, Қизилтепа, Зиёвутдин ва бошқа манзилларда ҳам руслар яшаган. Шунингдек, руслар Эски Бухорода 6 минг, Карманада 1,5 минг ва Қаршида 800 кишини ташкил этган [9]. Кейинчалик, бу рус манзилгоҳларида рус фуқаролари билан биргаликда маҳаллий аҳоли сони ҳам ўсиб борди. Мазкур манзилгоҳларда яшовчи аҳолининг ижтимоий ва миллий таркиби турлича бўлган қатламлар, табақаларни ўз ичига олган бўлиб, буларнинг жумласига дворянлар, рухонийлар, гильдия савдогарлари, ҳарбийлар, шифокор ва ўқитувчилар, буржуазия вакиллари, турли тоифа ишчилар ва бошқалар бўлган. Рус манзилгоҳларида истикомат қилган аҳоли, асосан ўтроқ турмуш тарзини олиб бориб савдо, қисман деҳқончилик билан шуғулланган, бир қисми эса давлат ишларида банд бўлган. Таъкидлаш жоиз, манзилгоҳлар аҳолиси сони ортиб бориши сабабларидан бири, атрофдаги кишлоқ ва бекликлар аҳолисининг тирикчилик ғамида бу манзилгоҳларга келиб қолиши бўлган. Масалан, 1915 йилда Сарой шаҳрида 30 тани ташкил этган рус фуқаролари шу йилнинг ўзида 100 кишига етган. Бунга сабаб, атроф худуддаги Қўрғонтепа, Кўлоб ва Балжувон бекликларида яшаган қирғизлар паспорт орқали рус фуқаролигига ўтган [10]. Аҳолининг маълум қисмини ҳарбийлар ташкил этган. Бухоронинг Афғонистон билан чегарадош бўлганлиги ҳамда Англия ва Россия ўртасидаги зиддиятли муносабатлар натижасида рус ҳукумати томонидан 1886 йилданок Чоржўй ва Карки яқинида, 1897 йилдан эса Термиз яқинида рус қўшинлари жойлаштирилган [11].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XIX аср охири XX аср бошларига келиб Бухоро амирлиги аҳолисининг таркиби миллий ва ижтимоий жиҳатдан ранг-баранг ҳолатда бўлиб, бу амирликнинг нафақат маҳаллий худуди, балки рус манзилгоҳларида яққол ифодасини топган эди. Бундай ранг-баранг ижтимоий тузилма асосида амирликнинг анъанавий табақаланиши ҳамда Россия империяси жамиятига хос табақаланишни ифода этган аҳоли ижтимоий қатламлари ўрин олган эди. Эътиборли томони, бу даврда амирликда яшаган рус ва маҳаллий аҳоли қатламлари ўзаро янгича ҳамжиҳатлик, байналминаликка асосланган муносабатлар олиб бордилар. Бундай тарихий муносабатларнинг аҳамиятини очиб бериш, ҳозирги даврда ҳар иккала халқнинг бағрикенглик муносабатларини давом эттиришида муҳим ўрин тутди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. Тошкент. Ўқитувчи, 2005.
2. Остонова Г.Ю. Кўшбеги архиви Бухоро тарихини ўрганишда асосий манба (XIX-XX аср бошлари). Тошкент, 2002. Тўплам №11.
3. Населенные пункты Бухарского эмирата, Т.: “Университет”.
4. Бекқулов М.С. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. // Тошкент, Шарқ, 2003.
5. Тўхтаматов Т. Г. “Русско-Бухарские отношения в конце XIX – начале XX в”. с. 14; Хотамов Н. “Свержение эмирского режима в Бухаре”. – Душанбе.
6. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. Тошкент, Академия, 2001.
7. Нормуродова Г. Бухоро амирлигида рус ва маҳаллий аҳоли муносабатларига назар. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-37>
8. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т., 1958.
9. Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. –Ташкент, 1955.
10. ЎзРМДА (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви), И-3-фонд, 1-рўйхат, 875-иш, 4-варак.
11. Фомченко. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т., 1958.

**ZAMONAVIY SHAROITLARDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI
RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI**

N. Talapova, o'qituvchi, Namangan Davlat Universiteti, Namangan

Annotatsiya. Maqolada zamonaviy sharoitlarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishida tutgan o'rnini yoritilgan. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishida davlat tomonidan tartibga solish hamda qulay ishbilarmonlik muhitini shakllantirish masalalari tadqiq etilgan. Shuningdek, qulay ishbilarmonlik muhitini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari bo'yicha takliflar keltirilgan.

Kalit so'zlar: milliy iqtisodiyot, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, raqobatbardoshlik, modernizatsiya, xususiy mulk, ishbilarmonlik muhiti, infratuzilma

Аннотация. В статье освещена роль малого бизнеса и частного предпринимательства в устойчивом развитии национальной экономики в современных условиях. Исследованы вопросы государственного регулирования и формирования благоприятной деловой среды в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства. Также представлены предложения по приоритетным направлениям развития благоприятной деловой среды.

Ключевые слова: национальная экономика, малый бизнес и частное предпринимательство, конкурентоспособность, модернизация, частная собственность, деловая среда, инфраструктура

Abstract. The article covers the role of small business and private entrepreneurship in the sustainable development of the national economy in modern conditions. The issues of state regulation in the development of small business and private entrepreneurship as well as the formation of a favorable business environment have been investigated. There are also proposals on priority areas of development of favorable business environment.

Key words: national economy, small business and private entrepreneurship, competitiveness, modernization, private property, business environment, infrastructure

“Bilimlarga asoslangan iqtisodiyot”ga o'tish sharoitida mamlakat milliy iqtisodiyoti raqobatbardoshligini oshirish, iqtisodiy faollikni ta'minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish tobora ob'yektiv ahamiyat kasb etgan masalalardan hisoblanadi.

Zamonaviy sharoitlarda jahonda iqtisodiy taraqqiyotning izchil va barqaror omili sifatida kichik biznes alohida o'rin tutadi. “Kichik korxonalar YaIM o'sishi hamda aholi bandligining muhim manbai bo'lib hisoblanadi. Jahonda o'rta hisobda kichik korxonalar jami band aholining 50 foizdan ortiq qismi hamda YaIM umumiy hajmining 50-60 foizi to'g'ri keladi”.

Bugungi kunda yangi O'zbekistonni barpo etish jarayonida izchillik bilan amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar sharoitida mamlakatimizni taraqqiy ettirish va aholi farovonligini oshirishning muhim manbalaridan biri sifatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik eng ustuvor yo'nalishga aylandi.

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo'yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag'batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish iqtisodiyotni liberallashtirishning asosiy vazifalari etib belgilangan [1].

Iqtisodiy rivojlanishning hozirgi bosqichida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning ustuvor yo'nalishi sifatida mazkur faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish hamda qulay ishbilarmonlik muhitini shakllantirish bo'lib hisoblanmoqda.


Hozirgi kunda jahonda kichik biznes va tadbirkorlikni davlat tomonidan tartibga solishning zamonaviy usullarini joriy etish, mazkur jarayonlarning samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalar imkoniyatlaridan samarali foydalanish, kichik biznesning innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni amaliyotga joriy etish, yangi ish o'rinlarini yaratish va aholi daromadini oshirish borasidagi imkoniyatlaridan to'laroq foydalanish, qulay ishbilarmonlik muhitini rivojlantirishda turli infratuzilma xizmatlarini yo'lga qo'yishning tashkiliy-iqtisodiy masalalarini tadqiq etish tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Ilmiy adabiyotlarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning davlat tomonidan tartibga solinishi o'z ichiga huquqiy vositalar orqali institutsional shart-sharoitlar yaratilishini, davlat tomonidan tadbirkorlik faoliyati kafolatlanishi hamda himoyalani, tadbirkorlikni ijtimoiy yo'naltirilganligini tinimsiz rag'batlantirib borishni, shuningdek, tadbirkorlikni soliq mexanizmi va moliya tizimi hamda moliya bozori orqali bozor ekvivalentligi tamoyillariga tayanib, quvvatlab borishni o'z ichiga olishi qayd etilgan.

Mamlakatimizda mulkdorlarning o'rta sinfini shakllantirish, ichki bozorni raqobatbardosh va sifatli mahsulotlar bilan to'ldirish, yangi ish o'rinlari yaratish va shu asosda aholi daromadlarini ko'paytirish va

farovonligini oshirishning muhim omili, mamlakat taraqqiyoti yo'lidagi faol harakatlantiruvchi kuch sifatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda.

Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkiloti ma'lumotlariga ko'ra, rivojlangan mamlakatlar ishlab chiqarishida kichik biznesning ulushi keyingi 30 yil ichida deyarli 70 foizgacha yetgan [1].



1-rasm. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan tartibga solishning muhim vazifalari (muallif ishlanmasi)

Dunyoning ko'pgina mamlakatlarida kichik biznesning iqtisodiyotdagi nufuzini va bozor munosabatlarini shakllantirishdagi ahamiyatini oshirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu sababli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarning kichik biznesni rivojlantirish, qo'llab-quvvatlash yuzasidan tajribalarini atroflicha o'rganish va mamlakatimiz milliy iqtisodiyoti xususiyatlarini hisobga olib, ilg'or xorij tajribasini amaliyotda joriy etish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri bo'lib hisoblanadi.

1-rasmda bugungi kunda tadbirkorlik faoliyatini davlat tomonidan tartibga solishning muhim va ustuvor vazifalari ko'rsatilgan.

Jahon mamlakatlarida har bir davlatning kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan iqtisodiy siyosati, maqsadli dasturlari, albatta, o'z hududida yashovchi aholining mentaliteti, iqtisodiyotdagi tuzilmalarning o'ziga xos xususiyatlarini, iqtisodiyotining rivojlanish darajasini va shunga o'xshash boshqa omillarni hisobga olishini ham talab etadi. Shu sababli dunyo amaliyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash turli usul va vositalar orqali amalga oshiriladi.

Jahon tajribasining tahlili shuni ko'rsatadiki, kichik biznesni rivojlantirishdan qator mamlakatlar iqtisodiy siyosatning o'ziga xos dastagi sifatida foydalanib kelmoqda.

1-jadval

Dunyoning turli mamlakatlarida kichik biznesni rivojlantirish maqsadlari (muallif tomonidan tuzildi)

Kichik biznesni rivojlantirishdan ko'zlangan asosiy maqsad	Davlatlar
Ishsizlik va qashshoqlik kabi ijtimoiy muammolarning keskinligini pasaytiruvchi omil	Hindiston, Albaniya, Braziliya
Ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy barqarorlashuv, o'rta sinfning tarkib topishi	Fransiya, Belgiya, Germaniya, Kanada, Ispaniya
Retsessiyani bartaraf etish	Isroil, AQSh
Yangi bozorlarni barpo etish	Meksika, Kanada Singapur, Yaponiya
Islohotlarni izchil amalga oshirish	Xitoy, Polsha, Chexiya, Vengriya

Xorij mamlakatlarida kichik biznesni har tomonlama qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirishning mukammal va puxta ishlab chiqilgan tizimi mavjud bo'lib, bu tizim globallashuv va iqtisodiyotning integratsiyalashib borishi, jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi hamda raqobatning tobora kuchayishi sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy muhitning barqaror rivojlanishini ta'minlab beradi. Bu esa, kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning samarali mexanizmi shakllanganligini ko'rsatadi.

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan shuni ko'rish mumkinki, xorij mamlakatlarida ham kichik biznesni rivojlantirishdan ko'zlangan asosiy maqsad – bu iqtisodiy faollikni ta'minlashdir. Jahon amaliyotida ham kichik biznes va xususiy tadbirkorlik mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda ustuvor ahamiyatga ega bo'lgan strategik sohalaridan biri hisoblanadi. Yangi ish o'rinlarini yaratishda, aholining samarali bandligini ta'minlashda va o'rta mulkdorlar sinfini shakllantirish, aholi turmush darajasi va sifatini oshirishdagi o'rniga har bir mamlakatda alohida ahamiyat qaratilmoqda hamda kichik biznesni har tomonlama qo'llab-quvvatlash siyosati amalga oshirilmoqda.

Xulosa o'rniida aytish mumkinki, tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishda qulay ishbilarmonlik muhitini yaxshilash maqsadida bozor infratuzilma ob'yektlarining o'zaro bog'liqlikda faoliyatini ta'minlash va ularning faoliyatida sifat ko'rsatkichlarini oshirishga erishadigan chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir. Buning uchun mintaqalarda raqobatni kuchaytirish, tadbirkorlik sub'yektalariga xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar faoliyatini tubdan takomillashtirish zarur.

Shuningdek, samarali biznes yuritishda raqamli texnologiyalarni muvaffaqiyatli tatbiq etish uchun nafaqat raqamli texnologiyalarni joriy qilish, balki bunday texnologiyalar bilan ishlaydigan mutaxassislarni yetishtirish kichik biznes taraqqiyotini belgilashda dasturulamal bo'lib xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Bekmurodov A.Sh., Majidov I.U., G'afurov A.V. Buyuk va muqaddassan, mustaqil Vatan. T.: O'qituvchi. 2011. 124-b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.
3. Aripov O. Kichik biznesni davlat tomonidan tartibga solish va ishbilarmonlik muhitini rivojlantirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. T.: 2020, 76 b.
4. O'zbekistonda kichik biznes iqtisodiy salohiyatidan foydalanish mexanizmlarini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. T.: 2020, 60 b.
5. Быкова Е.С. Методологические основы оценки институциональной среды предприятия при формировании интеграционных процессов. //Вестник Саратовского государственного социальноэкономического университета. №5. 2013. С.10.
6. Aripov O. Xorijiy mamlakatlarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishi. Monografiya. 2018-y. 213 b.

УЎК 330

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Х.С. Муродов, таянч докторант, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. *Мазкур мақолада Ҳаракатлар стратегиясининг Ўзбекистонда туризм саноатини ривожланишига кенг йўл очиши таҳлил қилинади. Соҳадаги виза сиёсати ва хавфсиз туризм борасидаги ижобий ўзгаришлар, пандемия даврида туризмга имтиёз ва преференциялар бериши орқали сақлаб қолиши ҳамда тиклаш билан боғлиқ фикрлар таҳлил қилинган.*

Калим сўз: *туризм, туристик полиция, виза, электрон виза, пандемия, зиёрат, хавфсиз туризм, "Halal Travel Frontier 2020"*

Аннотация. *В данной статье анализируется, как Стратегия действий прокладывает путь развитию индустрии туризма в Узбекистане. Были проанализированы положительные изменения в сфере визовой политики и безопасного туризма, а также идеи, связанные с сохранением и восстановлением туризма во время пандемии посредством предоставления льгот и преференций.*

Ключевые слова: *туризм, туристическая полиция, виза, электронная виза, пандемия, паломничество, безопасный туризм, "Halal Travel Frontier 2020"*

Abstract. *This article analyzes the Broad Strategy of Action for the development of the tourism industry in Uzbekistan. Positive developments in the field of visa policy and safe tourism, views on the preservation and restoration of tourism through the provision of benefits and preferences to tourism during the pandemic were analyzed.*

Keywords: *Tourism, tourist police, visa, e-visa, pandemic, visit, safe tourism, "Halal Travel Frontier 2020"*

Ўзбекистон туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятга эга. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб республикада туризм соҳасини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Энг муҳими, 1992 йил 27 июлда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ташкил этилиши эди. Мазкур компания раҳбарлигида туризм индустрияси ва инфратузилмасини замонавий асосда ислоҳ қилиш, янгилаш ва халқаро ҳамкорлик бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Масалан, «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг 1993 йили Бутунжаҳон Туризм Ташкилотига аъзо бўлиши [1], 1994 йилда эса ЮНЕСКО Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларациясининг қабул қилиниши шулар жумласидандир. Шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1995 йил 2 июнда "Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига [2] асосан туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши: Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар - Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича маҳсус очик иқтисодий минтақалар ташкил қилинди. Мустақилликнинг бошларида соҳани ривожлантириш борасида Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, мамлакатда замонавий туризм саноатини вужудга келтиришда дастлабки қадамлар ташланди.

Охириги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтариш муҳим масалага айланди. Туризм соҳасини янги босқичга кўтаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Ҳаракатлар стратегиясининг "Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш" номли учинчи йўналишида туризм соҳасини ривожлантириш учун вазифалар белгилаб берилди. Улар қуйидагилардан иборат: биринчидан, республика ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўз ҳудудида туризм салоҳиятини унинг талабларидан келиб чиқиб тўғри режалаштириши ва туризм индустриясини жадал ривожлантириш; иккинчидан, туризмнинг халқаро стандартларини янада кенгроқ жорий этиш ва уни бошқа соҳаларни ривожланишига таъсирини кучайтириш орқали иқтисодийда унинг роли ва улушини ошириш; учинчидан,

туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, тўртинчидан, республиканинг хос ҳудудларида зиёрат, тоғ, экотуризм, маданий ва рекреацион туризми бўйича кенг имкониятларини ҳисобга олиб, туризм инфратузилмасини кенгайтириш мақсадлари белгиланди.

Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши, шунингдек, йил дастурларида туризмни иқтисодийнинг стратегик сектори сифатидаги аҳамиятини янада ошириш белгиланиб, соҳада хорижий инестицияларни жалб этиш орқали замонавий жозибадор лойиҳаларни амалга ошириш, меҳмонхона индустрияси ва инфратузилмасини диверсификациялаш, кадрлар масаласи, янги тур хизматлар ва йўналишларни ташкил этиш, моддий маданий мерос ёдгорликлари ва улар жойлашган ҳудудларни реконструкция қилиш ва ободонлаштириш каби жуда муҳим масалалар белгиланди.

Туризм соҳасини ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтаришда мамлакатдаги виза тартиби ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Ҳаракатлар стратегиясида бу борада ҳам сайёҳлар учун кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, 2018 йил 3 февралда “Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” [3] ги Президент қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, 2018 йилга қадар мамлакатимизга фақат 9 та давлатдан келадиган сайёҳчиларда визасиз кириш имконияти бўлган бўлса, 2018 йилнинг 10 февралидан уларнинг сони 16 тага, июлда эса 86 тага етди. Бундан ташқари, 52 та мамлакатга нисбатан визаларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибига ўтилди. 2018 йил 15 июлидан бошлаб электрон кириш визаларини бериш тизими ишга туширилди. Республикада виза сиёсати борасида олиб борилган ижобий ўзгаришлар ўзининг самарасини берди. Жумладан, 2018-2019 йилларда визасиз режим жорий этилган Индонезиядан ташриф буюрувчи сайёҳлар оқими – 170% га, Малайзиядан – 158% га, Туркиядан – 154% га, БААдан келувчи мусулмон сайёҳлар сони 153% га ошди [4]. Бу эса авиакомпаниялар хизматида бўлган талабни янада ошириб, ҳукуматнинг хорижий авиакомпанияларга имтиёзлар, преференциялар бериши ва арзон лоукостерларни Ўзбекистонга жалб қилиш орқали зиёратчилар оқимини кўпайтириш ҳамда улар келадиган давлатлар географиясини кенгайтиришга туртки бўлди.

Жаҳон стандартларига мувофиқ, туристик салоҳиятни ривожлантиришда сайёҳларга имтиёзлар ва енгилликлар бериш, сафарларини хавфсиз ташкил этиш ва турар-жойлари учун барча қулайликларини яратиш, уларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш муҳим омил саналади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, республикада туристик салоҳиятни юксалтириш, туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, уларга қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги қарорига мувофиқ, туристлар оқими юқори бўлган Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида 2018 йил 1 январдан бошлаб хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил қилинди [5]. Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари, яъни туристик полиция сайёҳларни турли хавф-хатарлардан ҳимоялашга масъулдир. Таъкидлаш лозимки, туризм салоҳияти ўта юқори бўлган ривожланган мамлакатларда ҳам сайёҳлар учун тўла маънода хавфсиз, деб бўлмайди. Сайёҳлар ҳар қандай мамлакатда кутилмаганда нохуш ҳодисаларга дучор бўлиши мумкин. Ёки сайёҳларнинг ўзлари томонидан эътиёсизлиги туфайли турли ҳужжат, пул ва буюмларини йўқотиб қўйишлари эҳтимолдан холи эмас. Шундай вазиятларда сайёҳларга ортиқча ташвиш ва муаммолар юзага келмаслиги учун туристик полиция ёрдам беради. Бугунги кунда ҳар бир сайёҳ борадиган шаҳарда (Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз) полициянинг махсус бўлинмаси фаолият юритади. Қоидага кўра туристик полиция ходимлари бир нечта хорижий тилларни билиши, ҳар қандай вазиятда хорижий сайёҳларга кўмак беришлари, қисқа вақтда сайёҳлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишлари биринчи даражали фаолият вазифасидир [6]. Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларининг асосий вазифаси – туристларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, ёрдамга муҳтож сайёҳларга тезкор ва сифатли ёрдам кўрсатишдир [7].

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон хавфсизлик ва бахтиёрлик рейтингидида 2020 йилда 153 та мамлакат орасида 38-ўринни (2019 йилги кўрсаткич эса 41 ва 2018 йилда эса 44 поғонада бўлган) эгаллади. Ўзбекистон МДХга аъзо давлатлар орасида етакчи ва 1-ўринни сақлаб турибди [8]. Зиёрат туризми соҳаси “Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси” (Global Muslim Travel Index) рейтингидида Ўзбекистон 10 поғона (32-ўридан 22-ўринга) юқорилаб, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида мусулмон сайёҳларни жалб қилаётган “энг жозибадор” ҳамда “хавфсизлик ва бағрикенглик даражаси юқори” бўлган 10 та мамлакат қаторидан ўрин олди. Шу билан бирга, мамлакатимиз “Halal Travel Frontier 2020” ҳисоботида исломий меросни қайта тиклаш орқали мусулмонлар туризми бозорида янги трендга асос солган мамлакат сифатида эътироф этилгани [9] ҳам Ўзбекистон туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Бироқ режаларнинг тўлақонли ўз белгиланган вақтида бажарилишига коронавирус пандемияси салбий таъсир кўрсатди. 2019 йил декабрда Хитойнинг Хубей провинцияси маркази бўлган Ухан шаҳрида номаълум пневмония тарқалиши юз бериб, кўп ўтмай касаллик кўзгатувчиси коронавирус экани аниқланди. Беморларнинг сони тез фурсатда ошиб 2020 йил биринчи ярмида эса бутун ер юзига тарқалди. 2020 йил 16 мартдан бошлаб, Ўзбекистонга кириш ва чиқиш вақтинча тўхтатилиб, оммавий тадбирлар

бекор қилинди. Чегараларнинг ташқи ва ички туристлар учун ёпилиши оқибатида 1,5 мингдан ортик туроператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди. Туризм ва унга боғлиқ соҳаларда меҳнат қилаётган 250 мингдан ортик аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди [10]. Шундай мураккаб даврда соҳанинг аҳамияти даражаси ҳисобга олиниб, туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга оид ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти томонидан 2020 йилнинг 19 мартда бу йўналишда илк қабул қилинган “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5969-сонли фармони ҳамда 2020 йил 28 майда қабул қилинган “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6002-сонли фармонида туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар белгиланди [11]. Уларга кўра, пандемия даврида туризм соҳаси учун қатор энгилликлар яратилиб, шу йўналишда фаолият юритувчи тадбиркорларга имтиёзлар тақдим этилди. Бу борадаги фаолият йил давомида олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2020 йилнинг 9 декабрь куни туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2021 йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. 2021 йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш белгиланди. Шу жумладан, мамлакатнинг зиёрат туризми салоҳияти имкониятидан фойдаланган ҳолда 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва ушбу йўналишда 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш бўйича вазифалар қўйилди. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янгича ечимларига хизмат қилишга мўлжалланган 2021 йилда 9 февралда «Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмни янада ривожлантириш ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Унда тўхтаб қолган туризмни қайта тиклаш, асосий йўналишлардан бири бўлган зиёрат туризмни тезроқ тиклаш, маҳаллий ва хорижий зиёратчи сайёҳлар оқимини шакллантириш, зиёратгоҳларда зарур шарт-шароитларни яратиш, ўлканинг зиёрат туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, пандемия тарқалиши оқибатида туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига 2020 йилда тақдим этилган имтиёз ва преференцияларни муддати 2021 йилнинг 31 декабрга қадар узайтирилди.

Хуллас, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори туризм саноатини ҳам ривожланишига кенг йўл очди. 2017-2019 йилларда соҳани тараққиёти учун муҳим ўзгаришлар қилинди. Пандемия даврида эса туризм соҳаси катта силжишлардан тўхтаб қолди. Бироқ эпидемиологик вазият бироз юмшатилиши натижасида бугунги кунда туризм соҳаси олдида турган муаммолар ва унинг ечимлари борасида сайёҳ-ҳаракатлар давом этмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш республикада туризм соҳасини янада ривожлантиришга, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг мавқеини мустаҳкамлашга, мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларини оширишга, янги иш ўринларини яратишга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Caspianpolicy.org .
2. <https://lex.uz/getwordfile/182051>
3. <https://www.lex.uz/docs/3548467>
4. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1519>
5. Toshtemir Xudoyqulov. Xavfsiz turizm xodimlariga rus va ingliz tilini bilish talabi qo'yiladi // "O'zbekiston ovozi". 18 iyun, 2019
6. Sharofiddin To'laganov. Xavfsizlikning yangi turi – turistik politsiya sayyohlarni himoya qiladi <https://kun.uz/uz/86284471?q=%2F86284471>
7. Toshtemir Xudoyqulov. Xavfsiz turizm xodimlariga rus va ingliz tilini bilish talabi qo'yiladi // "O'zbekiston ovozi". 18-iyun, 2019.
8. Global peace index 2020 page 2 the 14th edition
9. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1519>
10. Норчаев А.Н. Ўзбекистонда covid-19 пандемиясининг туризмга таъсирини юмшатиш йўллари//Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. № 5, 2020 yil 5/Б- 346
11. <https://lex.uz/docs/4831118>

УЎК 33

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ О.А. Арипов, и.ф.д., Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган

Аннотация. Мақола Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Айни пайтда давлат сектори билан хусусий сектори ўртасидаги ўзаро ишончли муносабатларни юритишда жузъий муаммолар сақланиб қолмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликни

давлат томонидан тартибга солиш механизмидаги сушт ҳолатлар кўриниб қолмоқда. Мақолада бу муаммоларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, давлат томонидан тартибга солиш, ишбилармонлик муҳити, бизнесни юритиш

Аннотация. Статья посвящена вопросам развития деловой среды в Узбекистане. В настоящее время сохраняются проблемы в поддержании доверительных отношений между государственным сектором и частным сектором. Видны слабые места в механизме государственного регулирования малого бизнеса и предпринимательства. В статье исследуются способы решения этих проблемы.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, государственное регулирование, бизнес-среда, ведение бизнеса

Abstract. The article is devoted to the development of the business environment in Uzbekistan. At present, challenges remain in maintaining trust between the public sector and the private sector. Weaknesses in the mechanism of state regulation of small business and entrepreneurship are visible. The article explores ways to solve these problems.

Key words: small business, entrepreneurship, government regulation, business environment, doing business

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик тобора авж олиб, ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришда салмоқли, мисли кўрилмаган қадамлар кўйилмоқда. Мамлакатда бизнесни юритиш чора-тадбирлари қулайлаштирилмоқда. Кичик бизнес субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар фаоллашмоқда. Тадбиркорларнинг ўзлари мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитининг кенгайиб бораётганини очик эътироф этмоқдалар.

Хусусан, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази 2020 ноябрь ойида ўтказилган ижтимоий сўровномада 1008 та корхона қатнашган бўлиб, уларнинг 35% бизнеснинг ҳозирги ҳолатини “яхши”, 52% “қониқарли” ва 14% “ёмон” деб баҳолаган [7].

Ўзбекистонда 2020 йилнинг декабрь ойида ишбилармонлик фаоллиги ўртача даражада ошди. Ушбу ўсиш хўжалик юритувчи субъектларнинг банк операциялари бўйича компонентнинг, шунингдек хўжалик субъектлари бўйича компонентнинг ошганлиги билан изоҳланади. Масалан, 2020 йилнинг декабрь ойида ишбилармонлик фаоллиги индекси ўтган ойга нисбатан 1,7% га ошиб, 1017 бирликни ташкил этиши куйидаги компонентлар даражасидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлган [8]:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб-варақаларидаги операциялар сони 13,2% га ошган;
- фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича компонент 1,1% га ошган;
- товар-хом ашё биржасида хом ашё сотиб олиш жадаллиги 7,4% га камайган;
- товар белгилари бўйича компонент 6,6% га камайган (1-жадвал).

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасида энг юқори ўсиш суръати қайд этилган.

1-жадвал


2020 йил декабрь ойида ишбилармонлик фаоллиги индекси компонентларидаги ўзгаришлар*

Компонентлар	Даврга хос ўзгаришлар таҳлили
Банк ҳисоб варақалари бўйича операциялар	2020 йил декабрь ойида банклараро тўлов операциялари сони 4 846,5 минг тани ташкил этди ва ноябрь ойига нисбатан 13,2 минг транзакцияга (13,2%) ошган. Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25,8% га сезиларли даражада камайиб кетган.
Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаоллиги	Фаолият юритаётган хўжалик субъектлари бўйича компонент 2020 йил декабрь ойида 1,0109 бирликни ташкил этиб, ўтган ойга нисбатан 1,1% га ошганлигини кўрсатади.
Товар-хом ашё биржасидаги фаоллик	2020 йилнинг декабрь ойида ИФИНинг биржа компоненти 0,9258 бирликни ташкил этди ва ўтган ойга нисбатан 7,4% га пасайди. Ушбу компонентнинг пасайиши битимлар сонининг камайиши билан изоҳланади.
Брендларни рўйхатга олиш	2020 йил декабрь ойида савдо белгилари муҳофазаси бўйича бизнес фаоллиги индекси 0,9344 бирликни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган ойга нисбатан 6,6% га камайган. Жорий йилнинг декабрь ойида юридик шахслар томонидан 114 та товар белгилари ва товар номлари рўйхатга олинган.

* Жадвал муаллиф томонидан <http://uzdaily.uz/uz/post/6891> манбалари асосида ишланган.

Алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистонда 10 июлдан 1 августгача карантин чораларининг кучайтирилиши, шунингдек, ушбу чораларнинг 15 августгача узайтирилиши ишбилармонлик фаоллигига сезиларли даражада таъсир кўрсатди [9]. Аммо 2020 йилнинг декабрь ойига келиб, Ишбилармонлик фаоллиги индекси 10 та ҳудудда ноябрь ойига нисбатан ўсиши кузатилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси (40,0%), Қашқадарё (39,8%), Сирдарё (14,8%), Наманган (12,3%) ва Андижон (10,5%) вилоятларида сезиларли даражада ўсиш кузатилган. Лекин 4 та ҳудудда пасайиш қайд этилган [8].

Мақола муаллифи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровномада ҳам респондентлар ишбилармонлик муҳити даражасини юқори баҳолаган бўлсалар-да (1-расм), тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган 11 омилдан, кредитлар бўйича фоизларнинг ҳаддан ташқари юқорилиги (80%), шунингдек, солиқлар ставкаларининг оғирлиги (72%) ҳам жавоблар салмоғида кўпчиликти ташкил этган [4,5].




1-расм. Респондентларнинг «Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини қандай тасаввур қиласиз?» деган саволга берилган жавоблар салмоғи*

* Муаллифнинг ижтимоий сўровнома натижалари асосида ишланган

Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, «...тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузиш, банк, солиқ органларининг қониқарсиз фаолияти билан боғлиқ экани аён бўлади» [3].

Шунингдек, бир қатор йўналишларда тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган методлари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдошлигини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ва инновацияларни татбиқ қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишонччи мустақамлашга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан [2]:

- биринчидан, тадбиркорлик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда;
- иккинчидан, бизнес жараёнларини бошқаришнинг бозор механизмлари жуда секинлик билан татбиқ этилмоқда, шу жумладан, тартибга солиш функциялари ҳаддан ташқари марказлашган, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суғ даражада қолмоқда;
- учинчидан, тадбиркорлар ханузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда маъмурий тартиб-таомилларнинг чўзилиш ҳолатлари билан тўқнашмоқда;
- тўртинчидан, ваколатли давлат органлари ўртасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни тубдан қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш ва очиқлик даражасини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорлик зарур даражада олиб борилмаяпти.



2-расм. Респондентларнинг «Корхона банкротлиги қандай омилларга боғлиқ?» деган саволга берган жавоблари салмоғи*

* Муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари асосида ҳисоблаб тузилган.

Фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитининг ривожланишида меъёрий-ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилса-да, уларни ижро этиш механизмида муаммолар юзага келмоқда. Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида [1; 5-модда. Кичик бизнес субъектлари] белгиланган ҳуқуқий асослар амалда ўз кучига эга бўла олмаяпти. Бошқача айтганда, меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни такомиллаштирилишида мувофиқлаштириш тамойилларига суғ амал қилинмоқда. Масалан, бугунги кунда кичик бизнес градациясини қайтадан кўриб чиқиш ва уни мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси билан мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Чунки айни пайтда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан, айниқса яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан ўз фаолиятларини тўхтатишгача бўлган ҳолатлар юзага келмоқда.

Респондентлардан корхоналарнинг банкротлиги қандай омилларга боғлиқлиги сўралганда, уларнинг аксарияти 288 таси (яъни 53,8%) ташқи омилларга боғлиқ деб қайд этдилар (2-расм).

Респондентларнинг 108 таси (25,5%) – ички омилларга ва 88 таси (20,7%) ушбу саволни жавобсиз қолдирганлар. Ташқи омиллар қаторида асосиз тўсиқларнинг борлиги, маҳаллий бошқарувдаги тўсиқлар, инфратузилма фаолиятидаги суғликлар, солиқ тизимига доир муаммолар қайд этилган бўлса, ички омиллар қаторида корхона стратегиясининг тўғри танланмаганлиги, корхона раҳбарига кўп нарса боғлиқлиги, кадрларда етарли билим ва малакаларнинг шаклланмаганлиги сабаб сифатида келтирилган.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектлари фаолиятида асосан, кредит олишдаги ва солиқ тизимига доир қийинчиликлар ҳамон устуворлигича қолмоқда. Ўз навбатида маҳаллий бошқарув органларининг ноўрин аралашувлари ҳам айрим вазиятларда кузатилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, респондентларга «Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган тадбирларга мажбуран жалб қилинганмисиз?» деган саволга 717 та респондентдан атиги 130 нафари (18,1%) «ха» деб жавоб берган бўлса, қолганлари «йўқ» деб жавоб беришган. Шунингдек, хомийлик қилишга мажбурлашни тўхтатмаётган ташкилотлар тўғрисида сўралганда, барча респондентлар мажбурлаш йўқ деб жавоб қайтарган бўлсалар-да, уларнинг 177 нафарига, яъни, 21,7% да, «хашар», «илтимоскорона», «эхсон» тарзидаги хомийликлар давом этаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек, респондентлар томонидан «ободонлаштириш», «қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш», «маданият ва спорт жамғармаларига жалб қилиш», «турли тадбирларга пул йиғиш», «футбол клубини ривожлантириш», «ҳар хил байрамларда пул йиғиш» тарздаги хомийликлар мавжудлиги қайд этилди. Бундай респондентлар 20,2% ни ташкил этган. Бироқ, 20,8% респондентлар ихтиёрий тарзда кам таъминланган оилали болаларга кийимлар, болалар боғчаларига ўйинчоқлар олиб бериб, ихтиёрий хомийлик қилаётганликларини айтишган. Лекин 19,2% респондентлар ўз фикрларини ошкор айтишни хошлашмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда қатор муаммолар юзга келаётганлигини ва бу муаммолар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини фаол ишлашига олиб кела олмаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Хулоса шуки, бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда бир қатор чора-тадбирларни кучайтириш тақозо этилади:

Биринчидан, қайд этилганлардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳудуд ва чекка туманларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш, жойларда тадбиркорларга, шунингдек, маҳаллий бошқарув органларида ишлаётган ходимларга ишбилармонлик муҳитини тушунтириш билан боғлиқ тарғибот ишларини ташкил этиш лозим. Токи бозор иқтисодиётида деярли барча иштирок этувчи субъектлар ишбилармонлик муҳитининг асл моҳиятини тушуниб ўз фаолиятларини кучайтиришларига эриша олинсин.

Иккинчидан, кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда маҳаллий бозор инфратузилмалари фаолиятини кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга жорий этиш лозим. Масала, маҳаллий банклар фаолиятини ошириш, яъни уларнинг марказий идораларига муружаатсиз кредит бериш ваколатига эга бўлиш механизминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Худди шундай бошқа турдаги инфратузилмалар фаолиятида «юқорини кутиб туриш» таомилига йўл қўймаслик тенденцияларини кучайтириш зарур.

Учинчидан, ҳар бир қабул қилинган ва эндиликда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларни юритиш уларни такомиллаштиришда ўзаро мувофиқлигини таъминлаб борилишини йўлга қўйиш муҳим.

Тўртинчидан, мамлакатда вилоятлар миқёсида фаолият кўрсатаётган статистика идоралари томонидан ҳудудий кесимларда бозор инфратузилмаси, инфляция, жинойтчилик, бизнесни рентабеллиги каби умумий шароитларни ҳисобга олувчи кўрсаткичларни мустақил ҳисобини юритишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, коррупцияни олдини олишга йўналтирилган механизм фаолиятини кучайтириш даркор.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида». ЎРҚ-328-сон. 2 май, 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ПФ-5409-сон. 11 апрель, 2018 й.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. –Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017. 556 бет.
4. <https://www.spot.uz/ru/2018/04/12/survey-doing-business/>Опрос: предприниматели назвали главные проблемы ведения бизнеса [доступ: 12 апреля, 2018г.].
5. Узбекистанцы назвали основные факторы, мешающие развитию бизнеса // <https://uz.sputniknews.ru/economy/20180413/7950559/uzbekistan-bisnesrazvitie-problemy.html>
6. Исоҳ: Лойиҳанинг ташаббускорлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Савдо-саноат палатаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури. Респондентлар – республикадаги ишбилармонлардан иборат вакиллар, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари раҳбарларидир.
7. <http://uzdaily.uz/ru/post/57772> // 57% предприятий в Узбекистане, считают, что перспективы развития их бизнеса улучшатся — опрос ЦЭИР (16/12/2020).
8. <http://uzdaily.uz/uz/post/6891> // Ўзбекистонда Ишбилармонлик фаоллиги индекси (20/01/2021).
9. <https://yuz.uz/news/> Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги индекси 2020 йил июль ойида пасайган.

ТАДБИРКОРЛИК БАРҚАРОРЛИГИ, ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎРТА СИНФ ВА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ЎЗARO МУТАНОСИБЛИҚДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРЛИГИ

А.Т. Досчанов, мустақил тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат ва унинг ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тировард мақсади ўз аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлаш ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: инновация, тадбиркорлик, барқарорлик, хавфсизлик, иқтисодий, ижтимоий, фойда

Аннотацияю В статье рассматривается конечная цель социально-экономического развития страны и ее регионов, обеспечение уровня жизни и благосостояния ее населения.

Ключевые слова: инновации, предпринимательство, устойчивость, безопасность, экономическая, социальная, прибыль

Abstract. The article examines the ultimate goal of the socio-economic development of the country and its regions, ensuring the standard of living and well-being of its population.

Keywords: innovation, entrepreneurship, sustainability, security, economic, social, profit

Ривожланган мамлакатлар ҳозирги юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти, улардаги жамият ижтимоий табақаларида ўрта синфнинг барқарор нуфузи ва унинг ўсиб ва мавқеи ошиб бораётган кичик бизнес ривожланиши билан ўзаро мустақам, узвий боғлиқлиги мавжудлиги ва бу давлатларда мазкур табақа ва кичик бизнесга кўпроқ таяниб ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик ва ривожланишни таъминлаётганлиги муҳим илмий ва амалий аҳамият касб қилмоқда. Хусусан, жаҳоннинг етакчи, илғор мамлакатларида кейинги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва COVID-19 нинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини бартараф қилишда ушбу мўъжизанинг асосий омил ва восита қилиб олинганлиги ҳам тасодифий эмас, албатта.

Кичик бизнес ва ўрта синфнинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилишдаги муҳим ўрнини ўз даврида таъкидлаб, биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун қулай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз” [1] -деган эдилар.

Майда хусусий мулкдорлардан шакллана борган ўрта синф ривожини давомида ўз бағрида юзага келиб ривожланаётган кичик бизнес билан бевосита боғлиқликда тараққий қилиб келган. Унинг илк пайдо бўлган даврида ҳам алоҳида ижтимоий табақа сифатида нисбатан мулкий жиҳатдан мустақиллиги ҳамда синф вакиллари тадбиркорлик, ташаббускорлик фаолияти билан давлатга ҳам, йирик мулкдорларга ҳам иқтисодий жиҳатдан унча қарам бўлмаганлиги хусусиятлари билан ажралиб турган.

Жамиятда ўрта синф сифатида шакллана бошлаган ижтимоий табақа дастлаб Америкада асосан қишлоқларда ўзига тегишли ер мулкига эга майда тадбиркорлардан ташкил топиб, мустақил фаолият юритган ва ижтимоий мавқеи, ўз мулки ҳажми ва ундан олган даромади билан белгиланганлиги билан, кейинроқ Европада шаклланган бундай ижтимоий табақадан фарқланган. Европа мамлакатларида, асосан саноатнинг тараққий этишида алоҳида ўрин эгаллаган инженер, технолог, менежер ва бошқа илғор оммавий индустриал касб эгаларидан, шунингдек, махсус янги мутахассисликларга қайта ўқитиш бўйича кўплаб тайёрланилганлиги билан фарқланадиган ўрта синфнинг шаклланиши дастлаб “янги ишчи синф”, “янги ўрта синф”, “янги буржуазия” сифатида тавсифланади ва уларнинг сони жамиятда умумий бандликнинг сезиларли қисмини ташкил қилганлиги билан ажралиб туради.

Ўрта синфнинг шаклланиши ҳар бир мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари билан ҳам ажралиб турган. Жумладан, Америка илк ўрта синфининг майда ер эгалари бўлган қишлоқ буржуазиясининг кейинги ривожини, асосан давлат, йирик капиталнинг мамлакат индустриал ривожланиши учун зарур бўлган янги касб эгаларини кўплаб тайёрланишини қўллаб-қувватлаш ва уларни сони ва сифатини ошириш учун инсон омилнинг, хусусан, таълимнинг ва қайта ўқитишнинг роли ошганлиги билан намоён бўлди. Натижада бу ўрта синф вакиллари эндиликда нафақат ўзи ва оила аъзолари тадбиркорлик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, балки улардаги замонавий иқтисодий, инженер-техник менежерлик ва новаторлик қобилиятларининг мукамал намоён бўлишига ва бу қобилиятларнинг инсон капитали сифатида мавқеи кескин ошишига олиб келди.

Ҳозирги даврга келиб ўрта синф ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таркиби, чегарасини аниқлашда маълум ноаниқликлар ва муаммолар мавжуд. Айрим ривожланган мамлакатлардаги жон бошига тўғри келадиган кундалик даромад даражаси, кўчмас мулк ҳажми, ташаббускорлик ва иқтисодий фаоллик, зарур минимал таълим билан боғлиқ маданий-маърифий салоҳият ва оила кадр-қиймати, нуфузи каби қатор сифат ва миқдор кўрсаткичларини асос қилиб олиш бўйича илмий ёндашувлар бошқа ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларга ҳам тўғри келмаслиги маълум бўлди.

Халқаро молия институтлари ўрта синф мавқеини ошириш ва нисбий камбағалликни камайтириш мақсадида бу синф тоифасига кундалик даромади 2-10 долларгача бўлган аҳоли қатламини киритишади ва

бутун дунёда 1.8 млрд киши ёки 35 фоиздан кўпроқ аҳоли ўрта синфга муносиб деб ҳисоблашади [2]. Ҳатто, ривожланган мамлакатларда кундалик даромад 10 доллардан, шу жумладан АҚШда ва бир қатор бадавлат мамлакатларда 13 доллар ва ундан ҳам юқорилиги эътиборга олинса, бу кўрсаткични ўрта синф учун мезон қилиб олиш жуда мунозарали эканлиги равшан бўлиб қолади ва чегаравий миқдор сунъий равишда мамлакат аҳолисининг камбағал тоифаси ҳиссасини кескин камайтириб юборади ҳамда ривожланаётган мамлакатларда ҳам унинг ҳаққонийлиги ва аниқлиги катта шубҳа остига олинади.

Бу мунозарали ёндашувнинг камчиликларини бартараф этиш ва айрим мамлакатлар ўртасидаги кундалик даромаддаги фарқнинг ўта катталигини эътиборга олиб олимлар ўрта синф таркибига харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича жон бошига кундалик 10 доллардан кам бўлмаган даромадга эга бўлган аҳоли тоифасини киритишади [3]. Шунингдек, Жаҳон банки ўрта синф тоифасини кўпчилик давлатларга мақбулроқ ҳаққоний даражасини белгилаш учун кундалик ёки ойлик даромадни эмас, ХҚП бўйича йиллик катта интервал кўрсаткичи (4000-17000 доллар) орқали киритиш таклифи билан чиқди [4]. Тўғри, бу интервал бўйича олинганда ўрта синф ҳиссаси ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатларда салмоқли ошишини, умуман бу табақага хос кўпгина хусусиятларни қамраб олинишини кузатиш мумкин.

Ўрта синф тоифасини аниқлашда алоҳида олинган умумлаштирилган бир мезон кўрсаткич билан эмас, тоифанинг ўзини ҳам яхлит бир бутун эмас, балки турли ўзаро боғлиқ қисмлар асосида аниқланадиган табақалаштирилган кўрсаткичлар гуруҳи билан белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрга кўпчилик тадқиқотчилар қўшилмоқдалар.

Д.Гильберт, У.Томпсон, ДЖ.Хикки, ДЖ.Хенслин ва бошқа таниқли америкалик олимлар ўрта синф тоифаси юқори қисмига компанияларнинг махсус билимли ва катта даромад оладиган топ менежерларини, ўрта синфнинг ўрта қисмига саноатда ишлайдиган яхши даромад оладиган ва касбий билимга эга бўлганларни ва ўрта синфнинг қуйи қисмига эса асосий интервалнинг минимал талабларига мос келадиганларни киритиш орқали уч босқичли ўрта синф моделини таклиф қилишди [5]. Осиё тараққиёт банки бу уч босқичли ўрта синф модели бўйича жадал ривожланаётган Осиё ва Тинч океани мамлакатлари тараққиёт даражалари хусусиятларини ҳисобга олиб бу синф табақаларини аниқлаш учун муаффиқлаштирилган минимал ва максимал нукталарини ишлаб чиқди [6]. Унга кўра юқори ўрта синф учун кундалик истеъмолнинг жон бошига сарфи 10-20 доллар, ўрта ўрта синф учун 4-10 ва қуйи ўрта синф учун эса 2-4 доллар деб тавсия қилинганлиги бу мезонларнинг бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб мазкур синф ва унинг табақалари кўламини аниқлашга имкон беради. Бу асосий ижтимоий-иқтисодий мезонлар билан бир қаторда, фикримизча, албатта, ўрта синфнинг моддий, маънавий ва бошқа турмуш даражалари сифат ва миқдор кўрсаткичларини қўллаш бундай мезонларга асосланган ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини янада оширади. Жумладан, АҚШда ўрта синф шаклланишида даромад энг асосий критерий бўлиб, ҳисобланса ҳам, шахснинг номоддий мезонлари, яъни таълим даражаси ҳам ўта муҳим хусусиятларидан ҳисобланганлигини ва унинг меҳнат ва капитал бозорларида юқори нуфузга эгаллигини қайд қилинганлиги эътиборлидир.

Асосан ушбу ёндашувлар ва уларнинг ҳар бир мамлакатдаги ўзига хос хусусиятларини ифодалайдиган қўшимча кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда кейинги даврда бир қатор жадал суръатларда ривожланаётган мамлакатлар - Бразилия, Россия, Хиндистон, Хитойда ўрта синфнинг жамиятда ривожланишига ва мустаҳкамланишига катта эътибор беришиб иқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларида яхши натижаларга эришмоқдалар. Нисбатан юқори ўсиш суръатларига эришаолган бу мамлакатларда ўрта синф тоифасини белгилайдиган бир қатор кўрсаткичлар асосида ҳозирги даврга келиб бу табақага Бразилияда 52%, Россияда ва Хиндистонда 30% ошиқроқ, Хитойда 23% атрофида аҳоли киритилмоқда [7].

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг чуқурлашуви ва жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ўрта синф шаклланиши билан чамбарчас боғлиқлигини ва бу табақанинг ривожланишида унинг асосини ташкил қилган кичик бизнес муҳитининг барқарорлиги ва хавфсизлигига катта эътибор берилмоқда. Ўрта синфни Н.Тўқлиев, А.Тасановлар касбидан, синфидан ва уруғ-аймоқчилигидан қатъий назар етарли моддий маблағга эга бўлиб, шу асосда мураккаб иқтисодий шароитларда фаолият олиб боришга қобилиятли ва жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашга лаёқатли бўлган аҳоли қатлами деб таърифлайдилар ҳамда унинг жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий функцияларини ҳам алоҳида таъкидлайдилар [8]. Иқтисодчи олим М. Расулов бизнеснинг ёрқин намоёндалари бўлган тадбиркорлар билан ўрта синф, мулкдорлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жараёнларини таърифлаб, “Тадбиркор-бу асосан мулкдор, майда, ўрта ва йирик мулк эгасидир. Мулкдорлар синфи деганда, биринчи навбатда, тадбиркорликни тушинамиз”, дейди [9]. Шунингдек, ўрта синфни аниқлаш бўйича хорижий тажрибаларни кенг таҳлил қилиб мамлакатимизда бу табақага мансубликни ҳолати ўрганилган, уни белгилаш кўрсаткичлари ҳам таклиф қилинган [10]. Бу тадқиқотларда кичик бизнес хавфсизлиги эса унинг ўсиши, ривожланиши, мувозанати ва барқарорлиги билан узвий боғлиқлигининг юқори босқичи сифатида қаралиши илмий-услубий жиҳати билан ҳам эътиборлидир.

Кичик бизнесни юқори суръатларда устувор йўналиш сифатида қаралиб унинг тараққиёти ҳар томонлама қўллаб қувватланиши, шу жумладан, зарур инвестициялар ҳажми ўсиши унинг ўзининг ҳам ва шу асосда жамият ўрта синф ҳиссасининг салмоқли ошишига олиб келди. Мамлакат иқтисодий тадқиқотлар маркази ҳисоб-китоблари ва айрим экспертлар ва тадқиқотчилар баҳолаши бўйича ҳозирги

даврдда 50 фоиз, айрим манбаларда эса турли услубларга асосланган ҳолда ундан ҳам ортиқроқ аҳоли бизда ўрта синфга мансуб деб ҳисоблашмоқда ва 2030 йилга бориб эса 37 млн. мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ошқироғи мазкур синфга мансуб бўлиши ва кам таъминланганлар сони эса 15 дан 8 фоизга, яъни деярли икки баробар қисқариши башорат қилинмоқда. Шунингдек, инсон омилининг асоси бўлган замонавий таълим тизимининг ўрта синфи шаклланиши, айниқса унинг сифат ва миқдор таркиби яхшиланишидаги ўрнини ҳам ҳисобга олиниб юқори малакали мутахассислар тайёрлашни 60,9 мингдан 160 минг кишига етказиш, олий таълим кўламини 10 дан 25 фоизга кўтаришни ва мутахассисликлар кесимидаги устуворликни қайта ишлаш саноати тармоқлари, хизмат кўрсатишнинг мураккаб соҳаларига беришни ва бу мутахассисликлар бўйича битирувчилар ҳиссасини оширишни тақдир қилишмоқда [10].

Истиқболда ўрта синф салоҳиятини яна ошириш бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқлиги эътиборга олиниб бу омиллар моҳияти ва улардан самарали фойдаланиш йўллари, шунингдек, турли услубий ёндашувларга таяниб айрим мунозарали хулосаларга келмаслик мақсадида изланишлар фикримизча чуқур ва ҳар томонлама фанлараро тадқиқотлар асосида олиб борилиши лозим:

Биринчидан, ўрта синфнинг ривожини унинг ўта фаол қисми бўлган кичик бизнес вакилларининг яратувчанлик салоҳиятининг нисбатан юқори суръатларда ўсишига бевосита боғлиқдир. Ижтимоий табақанинг ўта фаол яратувчанлик салоҳиятини ривожлантиришда давлатнинг умуман инсон капиталига, ижтимоий капиталга, таълимга, меҳнат фаолиятининг сифатига инвестициялар қўйилишини устувор йўналиши сифатида асослашга қаратилган тадқиқот изланишларини ва уларни молиялаштиришни ҳамда тижоратлаштиришни давлат ва давлат-хусусий шерикчилик капиталлари ҳисобидан кенгайтирилиши ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши керак. Аниқроқ айтганда, жамиятда таълим, ахборот коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва бошқа устувор ижтимоий-иқтисодий соҳаларга ҳамда аҳоли бандлигини ижтимоий кафолатлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, реал иш ҳақининг етарли даражасини таъминлашга йўналтирилган инвестициялар ҳажмида инсон капитали улушини ошириш каби муҳим тадқиқотлар хулосалари аниқ миқдор ва сифат услубларга таянган ҳолда қиёсий таққослашларга биноан олиниши мақсадга мувофиқдир;

Иккинчидан, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодиётнинг реал секторида моддий, энергетик харажатларни кескин камайтириш, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмида инновациявий маҳсулотлар ҳиссасини оширишда асосий ташкилотчи бўлган ўрта синфни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Учинчидан, ўрта синф ижтимоий табақасининг фаол ва яратувчанлик фаолияти билан машғул бўлган креатив қисмининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳисобидан жамиятнинг бу муҳим табақасини ўстириш ва унинг таркибини янада такомиллаштириш;

Тўртинчидан, ўрта синфнинг фаол ва яратувчанлик фаолияти билан кенг шуғулланадиган қисмининг бизнес, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида фаолиятининг янада мақсадли ва самарали бўлиши учун барча зарур ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ва улар фаолияти пировард натижаси сифатида ўрта синфнинг мавқеи ва нуфузини янада ошириш, жамият ҳамжиҳатлигини, ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлаш;

Бешинчидан, жамиятда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик асоси бўлиб хизмат қилаётган бу ижтимоий табақа ва унинг ўта фаол қисми мавқеи ва нуфузини эътиборга олиб унинг жамиятдаги янги ижтимоий-сиёсий тизим сифатида шаклланишдаги ўрни ва аҳамиятини турли маҳсус миқдор ва сифат усуллари, жумладан, иқтисодий-статистик, социологик сўровномалар, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллар орқали фанлараро тадқиқотлар олиб бориш ва улар натижасига таяниб бу ижтимоий табақанинг жамият ва иқтисодиётдаги ўрнини тўғри баҳолаш ҳамда улар сиёсий эркинликларини, ўз-ўзини бошқаришининг институционал йўналишларини янада такомиллаштириш ва бошқалар.

Агарда кейинги йилларда дунёнинг етакчи мамлакатларида, Ўзбекистонда ўрта синф ва унинг таркиби такомиллашуви, инвестиция ва инсон капиталига, шу жумладан, таълимга қўйилган маблағларининг ошиши, кичик бизнес ва унинг мамлакат ялпи ички маблағида ҳиссасининг ошиш кўрсаткичлари таҳлили қиёсий ўрганилса, бу кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқликлар борлигини кўриш мумкин.

Албатта, бу муҳим кўрсаткичларнинг бундай юқори суръатларда нисбатан баробар ўсишида мамлакатимизда кейинги даврда, айниқса COVID-19 оқибатларини бартараф қилиш бўйича олиб борилаётган изчил ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар ва улар бўйича белгиланган мақсадли ва аниқ чора-тадбирлар дастурлари самарали рўёбга чиқарилаётганлигидир. Жумладан, ўрта синф нуфузининг жамиятда мустаҳкамланишининг чуқур сиёсий, ҳуқуқий-меъёрий ва ижтимоий асослари яратилиши билан бир қаторда, қашшоқликни қисқартириш бўйича унинг иқтисодий-ижтимоий заминини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чора-тадбирларнинг ўрни ҳам юқори бўлмоқда.

Мамлакат ва унинг минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг пировард мақсади ўз аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлаш деб қаралади. Бу мақсадга эришишнинг бош омили ва манбаси бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари жадал ўсиш суръатлари таъминланиши, инновацион ва ижтимоий тадбиркорлик муносабатлари йўналишлари, инсон ва жамиятнинг ижтимоий меҳнат салоҳияти сифати ҳисобланади.

Ҳозирги давр бозор муносабатлари шароитида ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг барча асосий омиллари ичида доимий ва энг катта юқори самарани меҳнат, яъни инсон омили беришга лаёқатлидир.

Лекин, инсон омили унинг умумлашган кўп қиррали синтетик категорияси бўлган турмуш даражаси сифатини баҳолаш кўп омиллар ўзаро мувофиқлиги ва уйғунлигига боғлиқ интеграл кўрсаткич бўлиб, биринчи навбатда инсон омили ривожланишга, инсон ижтимоий фаолияти доираси сифатига, унинг моддий фаровонлиги даражасига боғлиқ бўлади.

Аҳоли турмуш даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлар тадқиқотда қўйилган асосий мақсад ва вазифаларга қараб бир томондан давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий индикатори сифатида қаралса, иккинчи томондан давлат бошқарув органлари фаолиятида устувор йўналишини танлаш бўйича самарали ечимларини олиш воситаси сифатида қўлланилади. Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ва умуман жамият ривожланишининг ўта муҳим омили инсон капитали ва унинг асосий объекти бўлган кичик бизнесга таянишини кўпчилик олимлар эътироф этишади.

Инсон омилнинг мукамал шакли сифатида кичик бизнес, унинг мўъжизавий яратувчанлик салоҳияти, тадбиркорлиги, унинг интеллектуал ва рухий-физиологик қобилиятининг дастлабки жамғармаси сифатида намоён бўлади. Умуман кичик бизнес инсондаги мавжуд дастлабки жамғарма капиталининг ҳосиласи сифатида юзага келсада, бу жараёнда унинг ишбилармонлик, интеллектуал, таваккалчилик ва бошқа фазилатларини янада ривожлантириб унинг инновациявий йўналишда тараққий этишига замин яратади. Умуман, ўрта синф инновациявий ислохотлар ўтказишнинг ҳам асосий сабабчи ва ташкилотчисидир.

Инсон омилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асоси сифатида инновациявий фаолиятни алоҳида ажратиб кўрсатилишини илмий жиҳатдан асослаган йирик олим Й. Шумпетер тадбиркорни иқтисодий ўсишнинг табиий омили сифатида “ижтимоий-иқтисодий тараққиётда доимо марказий ролни ўйнайдиган шахс” деб алоҳида таъкидлайди.

Инновациявий тадбиркорлик омилнинг инсон капитали сифатида шаклланишда унга қўйилган инвестиция ва таълимнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Тадқиқотчилар жамият ва шахс фаровонлигини ўстириш омиллари ичида таълим хиссасига 60 фоиздан 80 фоизгача тўғри келишини кўрсатадилар [11].

Тадбиркорларнинг билими, малакаси, инновациявий фикрлашга лаёқатлилиги ва ўз хатти-харакати орқали бутун ўрта синф даражасининг юқорилигини ва бу хусусиятлари орқали табақанинг жамият ва иқтисодиёт тараққиётидаги етакчилик даражасини ҳам белгилайди.

Лекин, ўрта синфнинг жамиятдаги илғор ишлаб чиқариш кучларининг тадбиркорлик ташаббускорлигини ўзида яратувчанлик, инновациявий сифатларини мужассамлаштирган бош элементи деб қаралаётган бўлса ҳам, бу синфга фуқароларнинг киритилишини белгилайдиган кўрсаткичлар халигача анча мунозаралилигича қолмоқда. Албатта, бу синфнинг асосини ташкил қиладиган, нисбатан етарли моддий бойликка, иқтисодий барқарорликка эга бўлган, етарли номоддий, яъни юқори таълим, касбий малакавий сифат, тадбиркорлик ташаббуси ва яхши ижтимоий вазиятга, яъни ўз мавқеига эгаллиги, самарали иқтисодий фаолиятга лаёқатлилиги, турмуш даражасидан нисбатан кўнгли тўқлиги ва шу қабилар бу синфнинг жамиятдаги ўрнини белгилайдиган муҳим мезонлар эканлиги тан олинади [12].

Демак, жамиятда инсоннинг эгаллаган ва фойдаланилган билим, малака, кўникмалари йиғиндисининг уни турли туман моддий, номоддий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларининг натижаси сифатида ўрта синф шаклланади ва ривожланади.

Жамиятда бу муҳим ҳаётий эҳтиёжларни таъминлашга эришиш учун қилинган ҳаракатларнинг даражаси ва хусусиятлари, авваламбор, меҳнат ресурсларининг билимли, малакали қисми шаклланган интеллектуал ва бошқарув меҳнатининг инструментлари орқали кенг маънода реал ва салоҳиятли ресурс ҳамда институционал муҳит сифатида шаклландиган ижтимоий капиталининг самарали ва рационал ўсишини таъминлайди. Иккинчидан, бу ҳаракатлар даражаси ва хусусиятлари ижтимоий капиталнинг ҳосиласи сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг, ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси омили бўлган инсон капитали билан жамиятнинг ўрта синфи, айниқса унинг фаол қисмининг жадал шаклланишини ва ривожланишини таъминлайди.

Жамият ва миллий иқтисодиёт барқарорлиги, мутаносиблигини ва ҳавфсизлигини таъминлашга асос бўлган ўрта синф ва унинг фаол қисми ўз навбатида ўзининг интеллектуаллик, инновациявий етакчилик, новаторлик, ҳамкорликка лаёқатлилиги ва билим олишга ҳаракатчанлик, табақа вакилларининг шахси жадал шаклланиши каби сифатларини янада ривожлантиради ва мустаҳкамлайди. Яъни:

-давлат томонидан олиб борилаётган жамиятдаги мақсадли изчил ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мамлакатдаги барқарорликни, ҳамжихатликни таъминлаш билан бирга бозор иқтисодиётининг ижтимоийлашган босқичида ижтимоий-иқтисодий муҳитни яхшилайти, миллатнинг яшовчанлик даражасини ошириш орқали ўрта синфнинг ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдан ўзгаришига ижобий таъсир қиладди;

-давлатнинг алоҳида ижтимоий сиёсати асосида ўрта синф ривожланиши шарт-шароитлари яратилиши, шу жумладан, ижтимоий ва инсон капиталлари улушлари ўсиши жамиятга алоҳида бир босим бўлмасдан балки муҳим ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омили деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Ҳозирги даврда, умуман, инсон ҳаёти, шу жумладан инсон капитали энг қимматли ва истиқболли иқтисодий ресурс бўлиб қолмоқда;

-ўрта синф мамлакатда илмий техник салоҳиятни такрор ишлаб чиқариш базаси, аҳоли турмуш даражаси шаклланиши ва ўсиш асоси, иқтисодийнинг инновациявий йўналишларига қўйиладиган капитал маблағларнинг манбаи ҳамда давлат бюджетини даромад билан тўлдирувчи асосий солиқ тўловчи ҳам ҳисобланади;

-ўрта синф ўта фаол қисмидан шаклланган кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги уни замонавий бозор конъюнктураси ўзгаришларига ва истеъмолчилар эҳтиёжлари тебранишларига тез мослаштиради, энг муҳими унинг аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш ва кашшоқликдан чиқаришнинг энг қулай ва мақбул воситасига айлантиради.

Инновацион ривожланиши шароитида жамият, иқтисодий ва атроф-муҳитдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг ҳам ишончли ва истиқболли воситаси сифатида қаралаётган тадбиркорлик ва унинг замонавий йўналишлари ўрта синф муҳитида шаклланади, мақсадли йўналтирилган инсон ва ижтимоий капиталлари асосида янада мустаҳкамланади. Шу билан бирга ўзининг ҳам барқарор ва хавфсиз ривожланишини таъминлаб ижтимоий-иқтисодий муҳити бўлган ўрта синфнинг мавқеининг ошишига, таркибини янада такомиллаштишига, пировард натижада мамлакат миллий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатлари ўсишига ва аҳоли турмуш даражаси сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Инсон ва қонун. 2013 йил, 10 декабрь.
2. Kharas H. The Emerging Middle Class in Developing Countries// OECD Development Centre Working Paper. 2010. No 285.
3. Birdsall N The (Indispensable) Middle Class in Developing Countries; Or, The Rich and the Rest, Not the Poor and the Rest. Center for Global Developing // Working Paper No 207/ Center for Global Development. Washington, DC, 2010. March.
4. Kharas H. The Emerging Middle Class in Developing Countries. P.11. <http://en.wikipedia.org/wiki/Social-class>.
5. Asian Development Bank: [www.adb.org/Documents/Books/Key Indicators/2010/ Country](http://www.adb.org/Documents/Books/Key_Indicators/2010/Country).
6. Махкамова Ш.Ю. Зарубежный опыт определения среднего класса.// Экономика и финансы, 2013. №6 стр. 43-44.
7. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. Т., “Ўқитувчи”, 2000, стр. 200.
8. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999, 244 б.
9. Салаев С., Тожиев Б., Хажиев У. Хорижий давлатларда аҳолининг кичик ва ўрта мулкдорлар синфига мансублигини аниқлашнинг айрим назарий –услубий масалалари. // Илм сарчашмалари. 2011, № 4, бет.-19.
10. Досчанов Т., Досчанов А. Инсон капиталининг ўрта синф ва кичик бизнесни ўзаро боғлиқликда ривожланишига таъсири ва аҳамиятининг ошиб бориши. “Минтақа ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг демографик моделлари”. Республика илмий-амалий анжумани материллари, II-жилд, Урганч.-УрДУ, 2015.
11. Майбуrow И.А. Парадигма согласованного развития высшей школы о промышленности в регионе. Екатеринбург, 2003, 147 стр.
12. Влияние социальной политики на формирование среднего класса в России. VRL; [http://Мир экономики.рф/articles/влияние-социальной-политики – на формы.-4.html](http://Мир_экономики.рф/articles/влияние-социальной-политики-на-формы.-4.html)

УЎК 33

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Н.Қ. Жўраева, PhD, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Мақолада уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқариш механизмлари назарий маълумотлар асосида ўрганилган. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасида бозор муносабатларини шакллантириш вазифаларини амалга ошириш модели соҳани бошқариш механизми, уй-жой коммунал хизматлари соҳасида Квин-Рорбахнинг “Рақобат қадриятлари ва ташиқлий самарадорлик” моделининг қўлланилиши ва уй-жой коммунал хизматлари соҳасида давлат-хусусий шерикчилик механизми ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда фойдаланиш йўллари асосланган.

Калит сўзлар: уй-жой коммунал хўжалиги, уй-жой коммунал хизматлари соҳаси, бошқарув, “Ташиқлий самарадорлик”, инновациялар, давлат хусусий шерикчилик механизми, бошқарув моделлари

Аннотация. В статье исследуются механизмы управления жилищно-коммунальным хозяйством на основе теоретических данных. Модель реализации рыночных отношений в сфере жилищно-коммунального хозяйства, механизм управления отраслью, применение модели Куинна-Рорбаха «Конкурентные ценности и организационная эффективность» в сфере жилищно-коммунального хозяйства и механизм государственно-частного партнерства в жилищно-коммунальном хозяйстве, основанный на способах его использования на практике.

Ключевые слова: ЖКХ, ЖКХ, менеджмент, «Организационная эффективность», инновации, механизм государственно-частного партнерства, модели управления

Abstract. *The article examines the mechanisms of housing and communal services management based on theoretical data. The model of implementation of market relations in the field of housing and communal services, the mechanism of management of the industry, the application of the Quinn-Rohrbach model "Competitive values and organizational efficiency" in the field of housing and communal services and the mechanism of public-private partnership in housing and communal services, based on the ways of its use in practice.*

Keywords: *housing and communal services, management, "Organizational efficiency", innovation, public-private partnership mechanism, management models*

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси уй-жой коммунал хизматлар соҳаси ва соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолият самарадорлигини таъминлаш ҳамда асосий истеъмолчилар ҳисобланган аҳолининг соҳа корхоналари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми ва сифатидан қониқиши учун, биринчи навбатда, соҳада табиий монополия даражасини қисқартириш ҳамда бозор муносабатларини чуқурлаштириш лозим.

“Уй-жой коммунал хўжалиги” тушунчаси атама сифатида ягона ва аниқ қонуният билан белгиланган тасдиғига эга эмас. Шу сабабли турли манбалар, меъёрий ҳужжатлар ва тадқиқотларда мазкур тушунчага турлича ёндашувлар мавжуд.

Россиялик иқтисодчи А.Р.Абдуллина қарашларида “уй-жой коммунал хўжалиги” – иқтисодиётнинг зарурий муҳандислик инфратузилмаси ҳисобланиб, аҳолини ҳаётий муҳим хизматлар билан таъминловчи таянч тармоқлардан бири сифатида талқин этилади. Шу асосида тадқиқотчи уй-жой коммунал хўжалигига қуйидагича таъриф беради: “Уй-жой коммунал хўжалиги бу – фуқароларга кенг қамровли уй-жой коммунал хизматларини тақдим этиш орқали яшаш қулайликларини таъминлаб берувчи турли аҳоли пунктларидаги муҳандислик инфратузилмасининг фаолиятини таъминлаб берувчи соҳалар йиғиндисидир” [1].

Е.М.Черняеванинг назарий тадқиқотларида ушбу атамага қуйидагича таъриф берилган: “Уй-жой коммунал хўжалиги – давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан уй-жой коммунал корхоналарининг совуқ ва иссиқ сув таъминоти, оқова сувларни олиб чиқиш ва тозалаш, электр таъминоти, табиий газ таъминоти ва иситиш, маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, турар жой бинолари ва уларнинг атрофини сақлаб туриш ва таъмирлаш, кўчалар, йўллар ва майдонларни тозалаш, йўллар, тротуарлар, кўприкларни қуриш ва таъмирлаш, кўчаларни ёритиш, шу билан бирга худудларни кўкаламзорлаштириш йўналишидаги фуқаролар учун турар жой биноларида қулай яшаш шароитини таъминловчи ишончли ва барқарор фаолиятини амалга оширувчи хўжалик фаолияти соҳасидир” [2].

Айрим тадқиқот ишларда уй-жой коммунал хизматлар соҳаси бўлинмаслик ва танланмаслик, ҳамкорликда истеъмол қилиш, техник ва иқтисодий жиҳатдан истеъмолдан чиқариб ташланмаслик, тифизлик ҳамда узоқ муддат давомида генерацияланиш самарасига эгалик хусусиятлари билан юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган аралаш ижтимоий неъмат сифатида талқин этилади [3].

Ўзбекистонда уй-жой коммунал хизматлар соҳасидаги ҳолат таҳлили соҳада бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда унинг таркибидаги корхоналарни ягона фаолият тизимига жамлаш жараёни, яъни ягона уй-жой коммунал хизматлари тизимининг шаклланиш жараёни ҳали ниҳоясига етмаганлигини ҳамда тизимнинг мавжуд субъектларининг моддий-техник, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий салоҳият даражаси бозор қонуниятлари талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.

Ушбу таҳлиллар ҳамда таққослаш натижалари асосида соҳани ривожлантиришнинг биринчи қадами сифатида уй-жой коммунал хизматлари соҳасида бозор муносабатларини чуқурлаштириш лозим. Бунинг учун биз томонимиздан соҳада бозор муносабатларини шакллантириш вазифаларини амалга ошириш модели ишлаб чиқилди ҳамда ушбу моделни тезлик билан амалиётга жорий этиш тавсия этилади (1-расм).

Модель соҳада бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши, амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларнинг самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда муҳим ҳисобланган уй-жой коммунал хизматлари тизимининг ўзгариш жараёни ва соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи дастурий тадбирлар мажмуасини ўз ичига олган.

Моделда келтирилган ҳар бир маркетинг концепцияси учун тадбирлар мажмуидан иборат механизмлар орқали бажарилиши кўзда тутилган аниқ вазифалар белгиланган ва танланган механизмлар воситасида ушбу вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши соҳада бозор муносабатларининг чуқурлашишига ҳамда бозор механизмларининг тўлақонли амал қилишига олиб келади.

Тақлиф этилаётган модель таркибидаги бошқарув механизмлари ҳар бир йўналишда ишлаб чиқилган ташкилий-иқтисодий механизмлардан ташкил топган бўлиб, бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг асосий вазифаси – бошқарув объектига таъсир этиш орқали жараён самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

Уй-жой коммунал хизматлари корхоналарида бошқарув механизмининг самарадорлиги кўп жиҳатдан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари роли ҳамда қарор қабул қилиш жараёнига истеъмолчиларнинг кенг жалб қилинишига боғлиқ.

Умумий ҳолатда корхона фаолиятини бошқариш механизмини таркибий жиҳатдан ташкилий ва иқтисодий механизмлар йиғиндиси сифатида қараш лозим.




1-расм. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасида бозор муносабатларини шакллантириш вазифаларини амалга ошириш модели (Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган)

Бошқарувнинг ташкилий механизми ўз ичига бошқарув функциялари, бошқарувнинг ташкилий тузилиши, ходимлар, бошқарув техникаси ва технологияси, бошқарув қарорлари, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, бошқарувнинг ҳуқуқий асослари ва бошқаларни бирлаштиради. Бошқарувнинг ташкилий элементларига бошқарув мақсадлари, тамойиллари, функциялари, усуллари, техникаси, технологияси ҳамда ходимлар, бошқарув таркиби ва ахбороти киритилади [4].

Бошқарувнинг иқтисодий механизмлари иқтисодий қонуниятлар, тамойиллар, бошқарув усуллари ҳамда хўжалик фаолиятининг мақсади, фойда, мулкчилик муносабатлари ва бошқа жиҳатларга таянади. Бошқарувнинг иқтисодий механизми фаолият жараёнида юзага келувчи аниқ ижтимоий-иқтисодий, технологик, ижтимоий-психологик муаммоларни ечишга йўналтирилади [5].

Уй-жой коммунал хизматлари соҳасини бошқариш тизими бошқарув элементи томонидан бошқа элементлар функциялари билан ўзаро боғланган функцияларни бажарувчи ягона механизмдан ташкил топган (2-расм).



2-расм. Уй-joy коммунал хизматлари соҳасини бошқариш механизми (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, соҳанинг бошқариш тамойиллари, хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бошқариш хусусиятларидан келиб чиқиб бошқарув усуллари танланади ва 1-жадвалда келтирилган асосий вазифалар амалга оширилади.

Соҳада фаолият олиб бораётган тизим иштирокчилари манфаатларининг қондирилиш даражаси ташкилий механизмлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

“Ташкилий самарадорлик” тушунчаси бошқарув фанларига Р.Холлу томонидан киритилган бўлиб, ушбу тушунча умумий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган корхона ичидаги тузилма хусусиятлари ва жараёнлар ҳамда ташқи муҳит билан алоқаларни ўз ичига олувчи тизим фаолияти модели сифатида талқин қилинган [6].

1-жадвал

Уй-joy коммунал хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини бошқариш доирасидаги асосий вазифалар (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Тайёргарлик, харид ва ишлаб чиқариш йўналишида	Ташиш, тақсимот ва истеъмолчига етказиб бериш йўналишида	Истеъмолчиларни ҳисобга олиш йўналишида	Истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар, хизмат кўрсатиш ва сотиш йўналишида
Истеъмолчилардан буюртмаларни қабул қилиш, истеъмол ва унинг мавсумий ва кунлик тебранишини режалаштириш	Энергия ресурслари оқимини мақбуллаштириш мақсадида диспетчерлик жараёнини бошқариш	Истеъмолчилар билан шартномалар тузиш ва тарифларни белгилаш жараёнларини бошқариш	Мижозларни хизмат кўрсатиш жараёнига қўшиш ва чиқариб ташлаш
Энергия ресурслари бўйича талаб ва харид ҳажмини режалаштириш			Аҳоли ва саноат корхоналарига тўлов ҳисобларини тақдим этиш ҳамда тўловларни умумий таҳлил қилиш
Қурилиш ва мукамал таъмирлаш лойиҳаларини бошқариш	Тармоқ жиҳозларини ишлатиш жараёнини бошқариш	Ҳисоблагичлардан энергия ресурсларининг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини олиб бориш	Пул тушумларини ҳисобга олиш
Ҳисобга олиш қурилмалари ва эскирган жиҳозларни янгилашни режалаштириш	Энергия ресурсларини узатиш тармоқлари ва бошқа тармоқ объектларига даврий ва режадан ташқари техник хизмат кўрсатиш		Мижозларга уларнинг шахсий ҳисоблари бўйича маълумотлар тақдим этиш
Хизматлар буюртмалари ва бажарилган хизматлар ҳажми ҳисобини бошқариш	Эскирган тармоқ қисмлари ва объектларини фойдаланишдан чиқариш	Энергия ресурсларини аҳоли ва саноат корхоналари томонидан истеъмол қилинишини ҳисобга олиш	Мижозлар билан алоқалар тарихини юритиш
Етказиб берувчилар ва пудратчи ташкилотлар билан шартнома тузиш жараёнларини бошқариш		Турли тариф схемалари бўйича кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш	Истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар сифатини назорат қилиш

Тизим ёки корхонадаги ташкилий самарадорлик ҳолатини кўриб чиқиш учун Квин-Рорбахнинг “Рақобат қадриятлари ва ташкилий самарадорлик” моделини қўллаш тавсия этилади. Ушбу модель корхонанинг ташкилий жараёнлари сифатини алоҳида ва гуруҳланган ёки умумлашган кўрсаткичлари таҳлилига асосланади (3-расм).

МОСЛАШУВЧАНЛИК

ИЧКИ МУНОСАБАТЛАР	Жараёнлар	1.	Ички муносабатларнинг ўрнатилганлиги <i>Иштирокчилар ётмасидан</i>	2.	Ташқи муҳитга мослашувчанлик <i>Инновацион қарорларнинг жорий</i>	Ривожланиш
	Таркиб	4.	Корхонанинг бир бутунлиги <i>Бошқарув, ишлаб чиқариш ва назорат</i>	3.	Мақсадларга эришиш <i>Иқтисодий, ижтимоий</i>	ТАШҚИ ТАЪМИНЛАР

НАЗОРАТ

3-расм. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасида Квин-Рорбахнинг “Рақобат қадриятлари ва ташкилий самарадорлик” моделининг қўлланилиши (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Р.Квин ва Ж.Рорбах томонидан ишлаб чиқилган “Рақобат қадриятлари ва ташкилий самарадорлик” модели ташкилий самарадорликка тўрт ёндашувдан ташкил топган тўртта квадрантдан иборат.

1-квадрант ички муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги бўлиб, у тизим иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини аниқлайди. Умумий ҳолатда уй-жой коммунал хизматлари соҳаси кўп миқдор ва йўналишдаги иштирокчилардан ташкил топганлиги бу иштирокчиларнинг ҳар бирининг манфаатлари қондирилиши бўйича уларнинг ўзаро келишувлари ва муносабатларини аниқлаштириш талаб этилади.

2-квадрант ташқи муҳитга мослашувчанлик ёндашуви бўлиб, у тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бутун тизимдаги рақобат шароитларини аниқлайди. Уй-жой коммунал хизматлар соҳасининг бутунги кундаги паст инвестицион жозибдорлиги ҳамда модернизация ва ривожланиш учун катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этиш лозимлиги ҳисобга олинса, моделнинг ушбу қисмининг муҳимлигини аниқроқ тасаввур этиш мумкин [7].

3-квадрант мақсадларга эришиш ёндашуви бўлиб, у белгиланган мақсадларга асосан эришиш мумкин бўлган энг юқори натижаларни аниқлаш имконини беради. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасида хизматларни яратиш ва тақдим этиш жараёнида кўп миқдордаги ва йўналишдаги субъектларнинг иштирок этиши ҳамда уларнинг иқтисодий, технологик, ижтимоий, экологик масалалардаги муносабатларини мақбул ечимга келтириш учун модель малакали ва самарали қарорлар ишлаб чиқишни таъминлайди.

4-квадрант корхонанинг бир бутунлиги ёндашуви бўлиб, у қўйилган мақсадларга эришиш босқичларида бошқарув тизими ягоналигини акс эттиради.

Ўрганилаётган соҳада ташкилий қарорлар самарадорлигини аниқлашда аниқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда Квин-Рорбах моделининг қўлланилиши корхона ва, умуман, тизим даражасида ташкилий самарадорлик даражаси ортишини таъминлайди.

Уй-жой коммунал хизматлари соҳасидаги бошқарув фаолияти самарадорлиги асосан қуйидаги 3 кўрсаткич асосида баҳоланади:

1. Истеъмолчилар ва ишлаб чиқаришни зарурий воситалар билан узлуксиз таъминланиш даражаси.
2. Соҳа корхоналаридаги тежамкорлик даражаси.
3. Соҳада инновацияларнинг қўлланилиши натижасида шаклланган заҳиралардан фойдаланиш даражаси.

Шу билан бирга уй-жой коммунал хизматларини бошқаришга жараён сифатида ёндашилса, унинг самарадорлиги икки асосий кўрсаткич билан тавсифланади: истеъмолчиларнинг барча турдаги хизматлар билан таъминланиш даражаси ва харажатлар даражаси. Истеъмолчиларнинг барча турдаги хизматлар билан таъминланиш даражаси хизматларни етказиб берувчи корхонанинг асосий бошқарув функциясини акс эттирса, иккинчи кўрсаткич - харажатлар даражаси бошқарув жараёнининг тежамкорлиги, харажатларнинг асосланганлиги ва меъёрий миқдорларга мослигини акс эттиради.

Белгиланган давр (l)даги (j)ассортиментдаги (k)комплектдаги хизматларга бўлган талаб бўйича истеъмолчиларнинг хизматлар билан узлуксиз таъминланиш даражаси (k_i)куйидаги модель (боғланиш) асосида аниқланиши мумкин:

$$K_l = \frac{\sum_{i=1}^n \Pi_{ijkl} - \sum_i \sum_j \sum_k \sum_l |f_{ijkl}|}{\sum_{i=1}^n \Pi_{ijkl}} \quad (1)$$

Бу ерда:

$\Pi_{ijkl} - i -$ истеъмолчининг l -даврдagi k -комплектдаги j -ассортимент тури бўйича реал эҳтиёжи;

$f_{ijkl} - i -$ истеъмолчининг l -даврдagi k -комплектдаги j -ассортимент тури бўйича реал эҳтиёжидан четланиш.

Уй-жой коммунал хизматлари корхонаси бошқарув тежамкорлиги кўрсаткичи жами харажатларни ифодаловчи (2)-формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$K_l = \frac{\sum_{i=1}^n Z_i}{\sum_{i=1}^n \Pi_{ijkl} - \sum_i \sum_j \sum_k \sum_l |f_{ijkl}|} \quad (2)$$

Бу ерда: $Z_j - j$ -турдаги хизматлар бўйича корxonанинг харажатлари.

Бошқариш самарадорлиги омилининг якуний натижаларга автоном таъсирини ўлчаш мақсадида бошқарув захираларидан фойдаланиш ва унинг сифат даражасини акс эттирувчи кўрсаткич (K_Y) киритилади.

$$K_Y = \frac{(B_o - B_{ж}) \cdot C \cdot Z_o}{B_{ж} \cdot Z_{ж}} = K_{Yp} \cdot K_{Ym} \quad (3)$$

$$K_{Yp} = \frac{(B_o - B_{ж}) \cdot C}{B_{ж}};$$

$$K_{Ym} = \frac{Z_o}{Z_{ж}};$$

Бу ерда:

B_o - миқдорий кўрсаткичларда ифодаланган мақсад функциясининг катталиги билан ўлчанувчи мутахассисларнинг берилган малака даражаси учун корxonани оптимал бошқариш варианты (сотилган хизматлар ҳажми, умумий харажатлар миқдори);

$B_{ж}$ - тегишли ўхшаш кўрсаткичлар билан ўлчанувчи корxonани жорий бошқариш варианты;

$Z_o, Z_{ж}$ - оптимал ва жорий вариантлардаги уй-жой коммунал хизматлари корxonасининг бошқарув харажатлари;

C - уй-жой коммунал хизматлари корxonасининг бошқарув варианты кўрсаткичларини иқтисодий баҳоси;


K_{Yp} - уй-жой коммунал хизматлари корxonасининг бошқарув захираларини тежаш коэффициенти;

K_{Ym} - уй-жой коммунал хизматлари корxonасининг бошқарув харажатларини пасайтириш коэффициенти.

Амалиётда фойдаланишга тақдим этилаётган ушбу модель ёрдамида уй-жой коммунал хизматлари корxonалари ва умуман тизимда бошқарув самарадорлиги даражасини кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар орқали аниқлаш ва баҳолаш мумкин бўлади.



4-расм. Маҳаллий ҳудуд доирасида давлат-хусусий шерикчилик лойиҳасининг амалга оширилиш жараёни ва унда асосий функцияларнинг шериклар ўртасида тақсимланиши (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)



5-расм. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасида давлат-хусусий шерикчилик механизми (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)



6-расм. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасида давлат-хусусий шерикчилик механизмининг устунликлари ва камчиликлари (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида бутунги кунда уй-жой коммунал хизматлари соҳасида бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда ушбу турдаги хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантиришда фаолиятни ташкил этишнинг давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда соҳадаги таркибий ўзгаришлар жараёнида фаолиятни ташкил этишда давлат-хусусий шерикчилик механизминини кенг қўллаш тавсия этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат-хусусий шерикчилик механизми тизимдаги инвестициялар жалб этилиш даражаси, моддий-техника, ходимлар ҳамда молиявий салоҳиятни рағбатлантирувчи миллий инновацион тизимнинг самарадорлигини оширувчи восита сифатида баҳоланмоқда.

Давлат-хусусий шерикчилик тизими давлат ҳокимияти органларининг диққатини уларнинг асосий функцияларига қаратиш ҳамда фаолиятда юзага келаётган рискларни давлат ва хусусий шериклар ўртасида тақсимлаш имконини беради (4-расм).

Тадқиқотлар асосида бугунги кунда инвесторларнинг юқори салоҳиятли уй-жой коммунал хизматлари соҳаси бозорига кириб келишига қуйидаги асосий омиллар тўқинлик қилмоқда:

1. Соҳада кўрсатиладиган хизматлар ва етказиб бериладиган коммунал ресурслар тарифларини ишлаб чиқиш учун аниқ ва асосланган услубиётнинг мавжуд эмаслиги ҳамда киритилган ресурсларни йўқотиш ёки уларнинг қоплаш муддатларининг чўзилиш рискининг юқори даражадалиги.

2. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан хусусий шериклар олдидаги бюджет мажбуриятларини тўлиқ бажариш кафолатининг мавжуд эмаслиги.

3. Уй-жой коммунал хизматлари корхоналарининг дебитор ва кредитор қарздорликларининг юқори даража тўпланиб қолганлиги ва бунинг натижасида улар молиявий ҳолатининг нобарқарор ҳолати.

Тақлиф этилаётган давлат-хусусий шерикчилик механизмининг амал қилиш жараёнида ҳар икки шерик – давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 6-расмда кўрсатилган устунликлар ва камчиликлар юзага келиши кутилади.

Умуман олганда, юқоридаги фикрлар ва тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда уй-жой коммунал хизматлари соҳаси ва бу тизимда фаолият кўрсатаётган корхоналарда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва бу билан корхоналар фаолият самарадорлигини ҳамда тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилашда замонавий бошқарув моделлари ва механизмларини қўллаш самарали ўзгаришларга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллина А.Р. Жилищно-коммунальное хозяйство в России / А.Р.Абдуллина, И.А.Владимиров // Челябинск: “Два комсомольца”, 2011. – 37 с.

2. Черняева Е.М. Понятие жилищно-коммунального хозяйства: вопросы правового регулирования.// Сибирский юридический вестник /Вопросы конституционного права. – 2011. – №4(55). – С.50.

3. Жильцов Е.Н., Казаков В.Н. Экономика социальных отраслей сферы услуг. – М.: МГУ; ТЕИС, 2007. – С. 53.

4. М. В. Цыпленкова, И. В. Моисеенко, Н. В. Гуремина, Ю. А. Бондарь. Основы менеджмента [Текст] : учеб. пособие / . – М. : Изд. дом Акад. естествознания, 2013. – С.1-2

5. Кузнецов, И. А. Механизмы и методы принятия и реализации управленческих решений в современных рыночных условиях / И. А. Кузнецов // Социально-экономические явления и процессы. 2010. № 6. С. 103–106.

6. Холл Р.Х. Организации: структуры, процессы, результаты. – Санкт-Петербург: Питер, 2001 – С. 58-59

7. Эпштейн А.Д. Классификация инноваций в ЖКХ. Особенности инноваций в коммунальном и в жилищном хозяйстве //Экономические науки, 2007. – №2(27). – С. 87.

8. Жўраева Н.Қ. Уй-жой коммунал хўжалигида хизматлар самарадорлиги ва сифатини баҳолаш кўрсаткичлари тизими. Иқтисодиёт ва таълим журнали// 2020 йил 1-сон – 102-103-б

УЎҚ 33

ҚОРАҚОЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

С.Қ. Миратдинов, магистрант, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақолпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришида инвестицияларнинг аҳамияти ва минтақада эркин иқтисодий ва саноат зоналарини, технопаркларни ташкил этишининг моҳияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ҳудуд, инвестиция, инвестицион лойиҳа, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат зоналари

Аннотация. В статье рассматривается важность инвестиций в комплексное социально-экономическое развитие Республики Каракалпакстан и особенность создания свободных экономических и промышленных зон, технопарков в регионе.

Ключевые слова: территория, инвестиция, инвестиционный проект, свободные экономические зоны, технопарки, малые промышленные зоны

Summary. The article discusses the importance of investments in the complex socio-economic development of the Republic of Karakalpakstan and the importance of creating free economic and industrial zones, technoparks in the region.

Key words: region, investment, investment project, free economic zones, technoparks, small industrial zones

Кириш. Эркин бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтириш давлатнинг миллий иқтисодиёт олдидаги асосий вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланаётган давлатлар тажирасига назар солсак, давлатнинг иқтисодиётга аралashi чеклаиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ривожланаётган чет эл тажрибалари шунини кўрсатади-ки давлат иқтисодиётга инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали таъсир ўтказиши ўзининг самарали натижасини кўрсатмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 2-октябрдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудда муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш бўйича ҳудуд салоҳияти ҳар бир туман кесимида манзилли ўрганилди. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш, ҳудуднинг иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11-ноябрь куни “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4889-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қабул қилинган қарор натижасида Қорақалпоғистон Республикасида манзилли инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурлар ва стратегияларни ахамиятлигини ўрганиш мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Масаланинг мазмуни ва ечими. Ушбу қонун доирасида ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қўйидаги йўналишлар белгилаб олинди:

- муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- замонавий кўп квартиралар турар жой мажмуасини барпо этиш, ёш оилалар ва кам таъминланган аҳоли учун арзон уй-жой қурилишини ташкил этиш орқали уларнинг уй-жой шароитини яхшилаш;
- инвестицияларни фаол жалб қилиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланган ҳолда соҳани ривожлантириш;
- туризм хизматлари экспортини ривожлантириш;
- шароити оғир бўлган маҳалла ва овулларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш;
- фуқароларни иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш;
- ёшлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- меҳнат бозорига янги кириб келаётган фуқаролар бандлигини таъминлаш.

1-жадвал

Т/р	Шаҳар ва туман номи	Ўсиш нуқталари
1.	Нукус шаҳри	Қурилиш материаллари саноати, озик-овқат саноати
2.	Амударё тумани	Тўқимачилик саноати, боғдорчилик
3.	Беруний тумани	Қурилиш материаллари саноати, чорвачилик
4.	Бўзатов тумани	Чорвачилик, иссиқхоналар ташкил қилиш
5.	Кегейли тумани	Мева-сабзавотчилик, қоғоз ишлаб чиқариш
6.	Қонликўл тумани	Ипакчилик, чорвачилик
7.	Қораўзак тумани	Қурилиш материаллари саноати, чорвачилик
8.	Кўнғирот тумани	Нефт-кимё саноати, чорвачилик
9.	Мўйноқ тумани	Балиқчилик, чорвачилик
10.	Нукус тумани	Иссиқхоналар ташкил қилиш, мева-сабзавотчилик, балиқчилик
11.	Тахياتош тумани	Озик-овқат саноати, иссиқхоналар ташкил қилиш
12.	Тахтакўпир тумани	Чорвачилик, балиқчилик
13.	Тўрткўл тумани	Шиша ва ойна ишлаб чиқариш, иссиқхоналар ташкил қилиш
14.	Хўжайли тумани	Чорвачилик, мева-сабзавотчилик
15.	Чимбой тумани	Дон маҳсулотларини қайта ишлаш, чорвачилик
16.	Шуманай тумани	Тўқимачилик саноати, кунжутни қайта ишлаш
17.	Элликқалъа тумани	Иссиқхоналар ташкил қилиш, туризм

Ҳар бир туманнинг иқтисодий ресурслари, хом-ашё захиралари миқдори, географик жойлашуви, муайян соҳаларнинг ишлаб чиқаришдаги етакчилиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф миқдоридан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларининг ўсиш нуқталари («драйвер» соҳалари) белгилаб олинди. Вазирликлар, муассалар ва тижорат банклари туманларга бириктирилиб ушбу ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатган ҳолда бирга ишлаши белгилаб берилди. Шаҳар ва туманларнинг ўсиш нуқталари юқоридаги жадвалда келтирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси туманларининг ўзига хос «ўсиш нуқтаси» деб белгиланган иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилинади.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтақўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан, фойда солиғи ва сув солиғи тўловини амалдаги белгиланган солиқ ставкаларининг 50 фоизи миқдоридан амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва фақат ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун божхона божи тўлашдан озод қилиниши белгилаб берилди.

2020 — 2022 йилларда ҳудудий инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 12,3 трлн сўмлик 1 359 та лойиҳани ишга тушириш ва 17,5 мингта янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, 523 млн доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгилаб олинди.

Халқаро молия институтларининг 1 млрд доллар миқдоридagi маблағларини муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш назарда тутилган. Йиллик экспорт ҳажмини 347 млн долларга, экспорт қилувчи корхоналар сонини 250 тага, экспорт географиясини 45 та мамлакатга етказиш ҳамда экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар турини 30 тадан ошириш ва эркин иқтисодий зоналарда қиймати 21,2 млн долларга тенг бўлган 9 та лойиҳани, кичик саноат зоналарида қиймати 28 млн долларга тенг бўлган 81 та лойиҳани ишга тушириш вазифалари белгилаб олинди.

2020-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг сони, умумий қиймати, шу жумладан ташаббускорлар маблағи, банк кредити, хорижий кредит линияси ва хорижий инвестициялар миқдори, яратиладиган янги иш ўрни куйидаги жадвалда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида келтирилган.

2-жадвал [1]

Т/р	Туман ва шаҳар номи / тармоқ йўналиши	Лойиҳа сони (бирлик)	Лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн сўм)	шу жумладан, молиялаштириш манбалари:				Иш ўрни (бирлик)
				Ташаббускорлар маблағлари (млн сўм)	банк кредити (млн сўм)	хорижий кредит (минг долл.)	хорижий инвестиция (минг долл.)	
	Жами	1 359	12 292 722	3 937 027	1 007 283	189 223	522 832	17 572
Ҳудудлар кесимида								
1	Нукус шаҳри	181	882 624	537 087	131 810	13 248	7 462	1 639
2	Амударё тумани	77	457 460	141 171	13 810	17 810	11 500	2 616
3	Беруний тумани	87	1 761 472	379 112	54 963	7 924	120 700	1 333
4	Бўзатов тумани	68	85 610	34 755	39 910	961	100	564
5	Қонликўл тумани	60	227 000	144 680	19 781	4 560	1 500	867
6	Қораўзак тумани	59	726 832	286 386	37 664	39 029		1 134
7	Кегейли тумани	89	347 712	99 648	33 302	3 810	17 000	833
8	Қўнғирот тумани	90	4 932 426	1 356 562	191 420	7 230	320 720	1 737
9	Мўйноқ тумани	73	226 353	80 156	85 265	5 804	100	566
10	Нукус тумани	84	399 234	155 784	116 824	11 170	1 100	936
11	Тахнатош тумани	58	652 191	220 291	44 330	37 055	500	614
12	Тахтақўпир тумани	54	73 901	27 027	17 049	2 790	100	359
13	Тўрткўл тумани	84	652 238	157 007	54 185	12 587	30 150	1 198
14	Хўжайли тумани	99	259 146	104 203	62 579	1 550	7 400	721
15	Чимбой тумани	54	216 485	53 691	13 360	11 980	2 500	631
16	Шуманай тумани	72	149 353	82 447	10 146	3 500	2 000	922
17	Элликқалъа тумани	70	242 685	77 021	80 885	8 215		902
Тармоқлар кесимида								
1	Саноат	374	9 298 864	2 424 057	338 170	119 063	514 332	7 777
2	Қишлоқ хўжалиги	440	1 610 738	547 172	387 164	59 543	6 000	6 225
3	Хизмат кўрсатиш	545	1 383 120	965 798	281 949	10 618	2 500	3 570

Эркин иқтисодий зоналарга илмий атама сифатида хорижий давлатлар иқтисодий илмида турлича изоҳлар берилиб келинган. Ҳозирги кунга қадар эркин иқтисодий зоналарнинг бир-биридан фарқ қилувчи, лекин асосий мақсад ва вазифалари бир-бирига яқин бўлган жами 30 та тури мавжуд. Бугунги кунда дунё миқёсида жами 1200 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, шундан 400 та эркин савдо

зоналари, 400 дан ортиқ технопарклар, 300 га яқин саноат зоналари ва 100 та хизмат зоналарини ташкил этади [2].

Хулоса ва тавсиялар. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланаётган давлатларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш биринчи навбатда саноат-ишлаб чиқаришнинг юқори даражага эришишига стимуллаш, чет эл инвестициялари жозибдорлигини ошириш мақсадида амалга оширилади. Ривожланган давлатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини яхшилаш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятига қараб ривожланиш импульсларини шакллантириш мақсадида ташкил этилади.

2021-2023-йилларда Қорақолпоғистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарда қиймати 21,2 млн долларга тенг бўлган 9 та лойиҳани, кичик саноат зоналарида қиймати 28 млн долларга тенг бўлган 81 та лойиҳани ишга туширилиши кутилмоқда.

Қорақолпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш мақсадида жами ер майдони 875,4 гектарни ташкил этувчи «Қорақолпоқ-агро» эркин иқтисодий зонаси ташкиллаштирилади. Эркин иқтисодий зона инфраструктура-коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминланади. Ушбу эркин иқтисодий зонанинг ташкил қилиниши ҳудуддаги қишлоқ хўжалигига киритиладиган инвестициялар жозибдорлигини оширишга замин яратлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 11-ноябрдаги “Қорақолпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4889-сонли қарори
2. Economy and Business. Зарубежный опыт создания специальных промышленно-производственных зон как инструмента регионального развития. Т.Кадыров. 46-бет.

УЎК 33

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА УНИНГ ҲУДУДЛАРИДА АГРОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАМОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Б.Д. Олланазаров, PhD, Урганч Давлат университети, Урганч

Ф.Б. Маткаримов, магистрант, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада туризм тармогининг ривожланиши амалиётида агротуризмнинг роли, қишлоқ ҳудудлари барқарор ривождаги аҳамияти, агротуризмни ривожлантириши борасида ечимини қутаётган муаммолар тадқиқ қилинган ҳамда уларни самарали ечиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларида агротуризмни барқарор ривожлантирилишини ижобий амалга оширилишида давлат, қишлоқ аҳолиси, туристлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун яратиладиган имкониятлар асосланган.

Калим сўзлар: агротуризм, барқарор туризм, туристик ресурслар, давлат-хусусий шерикчилиги, агропарклар, агроэкокластер, инвестицион фаоллик, рекреация

Аннотация. В статье исследуются роль агротуризма в развитии туристической индустрии, его значение в развитии устойчивого туризма в сельских территориях, проблемы, которые необходимо решать при развитии агротуризма, а также обоснованы практические предложения и рекомендации по их эффективному решению, возможности создаваемые для государства, сельского населения, туристов, а также субъектов предпринимательства при позитивной реализации устойчивого развития агротуризма в Республике Узбекистан и его регионах.

Ключевые слова: агротуризм, устойчивый туризм, туристические ресурсы, государственно-частное партнерства, агропарки, агроэкокластеры, инвестиционная активность, рекреация

Abstract. The article discusses the role of agro tourism in the development of tourism, its role in the development of sustainable tourism in rural areas, the problems to be solved in the development of agro tourism, as well as their effective solutions based on practical suggestions and recommendations, government, rural population, tourists and opportunities created for business entities, based on the positive implementation of the sustainable development of agro tourism in the Republic of Uzbekistan and its regions.

Keywords: agrotourism, sustainable tourism, tourist resources, public-private partnership, agroparks, agro ecoclusters, investment activity, recreation

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида туристик хизматлар соҳасида, айниқса, бизнес-саёҳатлар, экотуризм, агротуризм, гастротуризм каби янги туризм йўналишларида инвестицион фаолликнинг тез суръатлар билан ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Дарҳақиқат, туризм секторида инвестицион фаоллик барқарор ошиб бормоқда. Бугунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC) маълумотларига кўра, “2017 йилда ушбу соҳада 313 млн. та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, улар жаҳон хўжалигида яратилган янги иш ўринларининг 1/10 қисмини ташкил қилган бўлса, 2028 йилга бориб дунёнинг фақат 4 та мамлақатида, яъни ХХР, Хиндистон, Индонезия ва АҚШда туристик хизматлар соҳасида яратиладиган янги иш ўринлари 414 млн. тага етиши башорат қилинган. Агар 2017 йилда соҳанинг дунё ЯИМдаги улуши 10,4% ни, унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2028 йилга бориб мос равишда 11,7% ёки 12,5 трлн. АҚШ долларига етиши кутилмоқда” [1]. Бугунги кунда

туризм соҳасида инвестицион фаолликнинг барқарор ошиб бориши янги ишчи ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқларни ҳам ривожлантиришга кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда туризм саноатининг истиқболли йўналишларидан бири агротуризм ҳисобланади. Жаҳон амалиётида ҳам туризм саноати ривожда агротуризм эътиборга молик алоҳида йўналиш сифатида эътироф қилинади. Туристлар ўртасида талаб ҳамда даромад даражаси салмоғининг юқорилиги туфайли жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ҳисобланган Германия, Австрия, Франция, Италия, Швейцария, Ирландия ва Скандинавия мамлакатлари агротуризмнинг минтақавий моделларини шакллантириш юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Дунё бўйича саёҳат қилувчиларнинг камида 30 фоизи агротуризмни бошқа туризм турларига нисбатан афзал кўрадилар. Шунинг таъкидлаш лозимки, фаолият нуқтаи назаридан агротуризм туризмнинг рекреация, маданий, ихтисослаштирилган турлари (чангида учиб, ов, балиқ овлаш, зиёрат туризми ва ҳ.к.) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қишлоқ жойларидаги табиий, тарихий ва бошқа ресурслардан рационал фойдаланишга асосланган ҳолда анъанавий туристик маҳсулотларга талабни ошириш имкониятини юзага келтиради.

Туризм тармоғи ривожланиш амалиётида агротуризмнинг роли қишлоқ ҳудудлари барқарор ривождаги аҳамияти муттасил ошиб бормоқда. Агротуризм - қишлоқ хўжалигининг кичик тармоғи сифатида қишлоқ аҳолисининг кўпчилигини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва шу билан биргаликда ўзига хос маҳаллий жозибани, урф-одатларни, ҳудуднинг ўзига хос маданиятини сақлаб қолишга имкон берадиган фаолият соҳасидир. Агротуризмнинг афзаллиги унинг бир вақтнинг ўзида йирик истеъмол кредитларини жалб қилишга йўналтирилганлиги ва турли манбалардан кичик инвестицияларни жалб қилиш орқали аста-секин ўсишга қодир эканлигидадир.

Ҳудудларда туризмнинг барқарор ривожини туризмнинг иқтисодий, ижтимоий ва эстетик эҳтиёжларини қондира олиши учун, ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда ҳудуднинг маданий ноёблигини, муҳим экологик хусусиятларини, биологик турларнинг ва турмуш кечириш учун муҳим бўлган тизимларнинг турли-туманлигини сақлаб қолинишига қаратилган бўлиши лозим.

Барқарор туризм тамойилларига асосланган ҳолда агротуризм қишлоқ жойларида кўпгина муаммоларни ечиш имкониятини юзага келтиради, жумладан: маҳаллий аҳолининг бандлигини таъминлашига, экологик туристик маҳсулотларни яратилишига, маҳаллий иқтисодиёт манфаатларини эътиборга олган ҳолда ҳудудлар табиий ва маданий ресурсларидан самарали фойдаланилишига, қишлоқ жойларида тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлашига, маҳаллий аҳолининг туризмни ривожлантиришга жалб қилинишига ҳамда ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида маҳаллий аҳоли ва тадбиркорлик вакиллари ўртасида манфаатли бизнес фаолияти турларининг юзага келишига имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси учун агротуризм нисбатан янги ва истиқболли йўналишлардан бири сифатида, мамлакат минтақаларининг ноёб ресурс ва рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини очиб беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг кўплаб минтақаларида қишлоқ аҳолиси учун муқобил иш билан таъминлаш ва қишлоқ жойларини ривожлантириш йўналишларидан бири сифатида агротуризмнинг аҳамияти ва истиқболларини англаш учун ҳали энди илк қадамлар қўйилиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, республикамиз ҳудудларидаги намунали фермер хўжалиқларини туристларга хизмат кўрсатишга мослаштириш, уларга туристларни жалб қилиш ҳамда уларнинг мамлакатимизда бўлиш муддатларини узайтириш мақсадида агротуризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни фаол амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январда тасдиқланган ПФ-5308-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги Фармони иловасининг 104-бандида кўзда тутилган.

Бугунги кунга келиб, туризмнинг ушбу турини мамлакатимизнинг барча минтақаларида фаол равишда ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Аммо агротуризмни ривожлантириш борасида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- туризм соҳасида фаолиятни тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий актларда агротуризмни ривожлантириш бўйича базанинг амалий жиҳатдан такомиллашмаганлиги;

- қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигига муқобил қўшимча даромад келтирувчи туризм ва меҳмондўстлик саноатининг ўзига хос шакл сифатида агротуризм соҳасида қўлланиладиган миллий меъёрлар ва стандартларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- қишлоқ ҳудудларида инфратузилмнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- қишлоқ аҳолисининг агротуризмни ривожлантириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларининг ва тажрибаларининг етарли эмаслиги;

- агротуризм билан шуғулланиш истагини билдирган қишлоқ аҳолиси ресурс таъминотининг етарли даражада эмаслиги;

- қишлоқдаги маҳаллий яшаш тарзи, урф-одатлар, анъаналарни биладиган ва ўз яшаш тарзида қўллаётган қишлоқ аҳолисининг миқдор жиҳатдан камайиб бораётганлиги;

- агротуризмни ривожлантириш бўйича ушбу соҳани яхши англайдиган мутахассис ва малакали кадрларнинг етишмаслиги;

- агротуризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда бевосита ва билвосита иштирок этадиган (фермер хўжаликлари, туризм соҳаси вакиллари, тадбиркорлар ва кишлок аҳолиси) ўртасида кооперацион алоқаларнинг мавжуд эмаслиги;

- агротуризмни ривожлантиришга қаратилган ҳамда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган маҳаллий ва давлат дастурларининг ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳ.к.

Фикримизча, агротуризмни барқарор ривожланаётган жаҳон мамлакатлари амалий тажрибаларига таянган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларидаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, юқорида келтирилган муаммоларни куйидаги амалий таклиф ва тавсиялар самарали ечиш имкониятларини юзага келтиради:

1) кишлок жойларидаги мавжуд туристик ресурслар: жойлаштириш воситалари (кичик уй меҳмонхона хўжаликлари, фермер хўжалиқларининг дала шийпонлари ва ҳ.к.) ва инфратузилмалар (кишлок туризми билан боғлиқ бўлган турли хил объектлар, тадбиркорлик турларини ҳам эътиборга олган ҳолда) асосида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш воситасида давлат-хусусий шерикчилиги асосида самарали фаолият кўрсатадиган ҳудудий агротуристтик тизимларни ташкил этиш;

2) Қишлоқдаги маҳаллий яшаш тарзи, урф-одатлар, анъаналарни, ижтимоий-маданий муҳитни сақлаб қолиш мақсадида кишлок ҳудудларидаги маданият уйлари фаолиятини фаоллаштириш;

1-жадвал

Агротуризм субъектлари учун яратиладиган имкониятлар
(муаллифлар ишланмаси)

Давлат учун	Қишлоқ аҳолиси учун	Туристлар учун	Тадбиркорлик субъектлари учун
<ul style="list-style-type: none"> - солиқ тушум-ларининг кўпайишига; - хизматларни тақдим қилувчи кишлок аҳолиси фаровонлик даражасининг ошишига; - унутилаётган мада-ний анъаналар, урф-одатларнинг қайта тиклани-шига; - кишлок аҳолиси яшаш шароитларининг яхши-ланишига; - кишлок аҳолиси даромадларининг ортишига; - кўшимча иш ўринларининг яратилиши эвазига кишлок аҳолисининг шаҳарларга миграцион оқимининг камайишига; - маҳаллий халқ урф-одатлари ва анъаналарини ўрганишни рағбатлантирилишига; - анъанавий бойликлар ва ҳаёт тарзининг қайта тикланиши ва тарғиботига; - халқ анъана-лари ва хунар-мандчилигининг ривожлантирилишига; - ҳудуднинг маданий ва тарихий меросининг сақланишига; - кишлок хўжалигида шуғулланишдан ташқари кўшимча даромад олинишига; - ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши ва кенгайтирилишига 	<ul style="list-style-type: none"> - қатор ижтимоий гуруҳлар, шу жумладан ёш авлод учун ўзи яшаётган ҳудуднинг тарихий-маданий аҳамиятини англашга; - янги иш ўринларининг яратилиши эвазига маҳаллий аҳоли бандилигини таъминлаш муаммосининг ечимига; - ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашга; - кишлок аҳолиси уй-жой фонди таркибини яхшилаш ва такомиллаш-тиришга; - кишлок хўжалиги маҳсулотлари савдо-сотиғининг кенгайишига 	<ul style="list-style-type: none"> - маҳаллий аҳолининг маданий ривож, тарихий урф-одатлари, анъаналари, миллий таомлари билан яқиндан танишишга; - у ёки бу миқёсда маълум бир фаолият соҳасидаги кўникмаларни эгаллашга; - кўшимча дам олиш, хордиқ чиқариш жойларига; - табиатнинг хилма хил гўзалликларидан баҳраманд бўлишга; - соғлигини яхшилаш имкониятига 	<ul style="list-style-type: none"> - кўшимча даромад келтирадиган фаолият турларини кенгайтиришга; - касаначилик хизматларидан фойдаланиш эвазига синергетик самарага эга бўлиш; - мультипликатив самара эвазига маҳаллий маҳсулотлар ассортиментини кўпайтиришга; - маҳаллий халқ урф-одатлари ва анъаналарини қайта тикланиши ва тарғиботининг кенгайтирилиши эвазига турмаҳсулотлар ассортиментининг оширилишига.

3) Туристларни қабул қилишга ва уларнинг яхши дам олишларига мўлжалланган маданий-тарихий мажмуалар, ихтисослаштирилган агротуристтик объектларни ташкил этиш;

4) Давлат-хусусий шерикчилиги асосида жойлаштириш воситаларига ва мос равишдаги инфратузилмага эга бўлган кўргазмали маҳсулотларни реклама ва намойиш қилишга, маданий тарғибот, ишлаб чиқариш, туристик ва шунга ўхшаш хизматлар кўрсатишга йўналтирилган кўп функционал мажмуалар, кишлок хўжалик паркларини ташкил этиш;

5) Агротуризмни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда агротуризм секториди фаолият кўрсатишни бошлаган туристик хўжалиқларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш тимизини йўлга қўйиш;

6) Кишлоқ худудларидаги ижтимоий, иқтисодий, молиявий инфратузилмаларни такомиллаштиришга йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этувчи маҳаллий ҳокимиятларга таклиф қилиш;

7) Агротуризм билан шуғулланишни хоҳловчиларга барча масалалар бўйича маслаҳат берадиган маслаҳат марказларини ташкил этиш;

8) Агротуристтик хизматлар тўғрисида бирламчи ахборот таъминоти билан таъминлайдиган, соҳада реклама ва маркетинг фаолиятини амалга оширадиган турмаҳсулотларни ахборот платформасига ўтказиш, сертификациялаш;

9) Ушбу келтирилган таклиф ва тавсияларни амалга оширилишини назорат қиладиган, агротуризм билан шуғулланувчи субъектларни бирлаштирадиган жамоатчилик асосидаги бирламаларни (Кенгашларни) ташкил этиш.

Агротуризмнинг барқарор ривожлантирилиши, давлат-хусусий шерикчилиги асосида йирик миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик, ижобий самара берадиган маданий лойиҳаларнинг амалга оширилишига имкон беради.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, туризм саноатининг йўналиши сифатида агротуризм иқтисодиётнинг аграр тармоғини ривожлантиришнинг, маҳаллий бюджетларга етарли даражада даромад олиб кела оладиган самарали йўналишларидан бири ҳисобланади.

Агротуризм муваффақиятли мустақил йўналиш сифатида мавжуд агротуристтик соҳаларни кенгайтиришга ҳамда келгусида замонавийларини яратиш ва ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш жиҳатидан манфаатлидир. Агротуризм агропарклар, агроэкокластерларни шакллантирилишини рағбатлантирган ҳолда мамлакат худудларининг миллий ўзлигини сақлашга, кишлоқ жойларини ривожлантиришга имкон берадиган омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан биргаликда кишлоқ аҳолиси бандлигининг оширилишига, кишлоқ худудларидан шаҳарларга кишлоқ аҳолиси миграцион оқимининг камайишига, туристик мавсум давомийлигининг кўпайишига имкон беради ва қиймат нуктаи назаридан дам олиш, хордиқ чиқаришнинг ҳамёнбоқ тури ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. <https://www.interfax.ru/business/605743>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги Қонуни, ЎРҚ – 549 18.07.2019 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январда тасдиқланган ПФ-5308-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида” ги Фармони.
4. С.К.Салаев, К.Ж.Алланазаров, А.К.Альмов. Минтақада экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. Т.: Iqtisod-moliya. 2021 й.
5. С.Салаев, Б.Олланазаров. Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг устувор йўналишлари. Монография. Урганч, Қуванчбек-Машхура МЧЖ нашриёти, 2020 й.
6. Алымов. А. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. иқт. фан. бўйича PhD. дисс. автореф. – Самарқанд, 2018 й.
7. Методическое пособие «Сельский туризм как средство развития сельских территорий» / Лебедева И.В., Копылова С.Л. — Москва: АНО «АРСИ», 2018. – 164 с.
8. Демискевич Г.М. Карпова И.М., Животова Ж.В. Организация сельского туризма на базе крестьянского (фермерского) и личного подсобного хозяйства (Методические рекомендации). – М.,: ФГУ РЦСК, 2008. – 64 с.

УЎК 33

ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИ АГРАР СОҲА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

Д. Отамуродова, ўқитувчи, Тошкент давлат техника университети Термиз филиали, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада антропоген омил, жумладан Тожикистон алюминий заводининг Сурхондарё вилояти аграр соҳа иқтисодиётига салбий таъсири ва экологик оқибатлари таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: экология, табиат, тупроқ, кислотали ёмғир, смог, фотосинтез, иқтисодий самарадорлик, ҳосил, ҳосилдорлик

Аннотация. В данной статье изучено отрицательное влияние и экологические последствия антропогенного фактора, в частности алюминиевого завода Таджикистана на аграрную отрасль Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: экология, природа, почва, кислотные дожди, смог, фотосинтез, экономический эффект, урожай, урожайность

Abstract. This article examines the negative impact and environmental consequences of the anthropogenic factor, in particular the aluminum plant of Tajikistan, on the agricultural industry of the Surkhandarya region.

Keywords: ecology, nature, soil, acid rain, smog, photosynthesis, economic effect, harvest, productivity

Ҳозирги ривожланган жамиятда фан техника тараққиётининг жадал ривожланиши, саноат ишлаб чиқариш ва кишлоқ хўжалигининг мисли кўрилмаган даражада кенгайиши, инсониятнинг бир асрда 5,5-6 баробарга кўпайиши билан боғлиқ бир қанча экоиқтисодий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ҳақиқатдан ҳам экоиқтисодий муаммолар сабаб ва оқибатларига кўра сайёрамизнинг ҳамма бурчақларида долзарб, аммо унинг кескинлик даражаси ҳар бир мамлакат ва минтақаларда турличадир. Инсониятнинг

табиий яшаш воситаларидан меъёридан ортиқча фойдаланиши, табиат қонуниятини етарлича тушунмасликлари ёки билганларига амал қилмасликлари натижасида табиат барқарорлиги иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутмоқда. Табиат билан кишилар ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик кишилиқ жамиятининг илк босқичларидан маълум. Чунки табиат инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурий моддий неъматлар билан таъминлайди.

Яъни ҳаёт учун барча зарурий моддий неъматларни инсоният бевосита ва билвосита йўллар билан табиатдан олади, баҳраманд бўлади. Моддий неъматлардан фойдаланиш жараёнида одамлар аввалига истаганича ва ундан ортиқ миқдорда фойдаланган бўлишса, албатта қанчалиқ исрофгарчиликка йўл қўйишганини англаб етишмоқдалар.

Демак юқоридан шундай хулоса чиқариш мумкинки, экология билан иқтисодиёт ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирларини тақозо этадилар. Экология хўжалиқни юритиш учун ресурслар ва қулай табиий шароитларни таъминлаб беради, иқтисодиётни юксак даражада таррақий этишини таъминлайди.

Шундай экан табиат ва жамиятни ўзаро ўзвий алоқаларини яхшилашда бугунги кунда ёшларда экологик маданиятни уйғотиш, табиатни, атроф- муҳитни, бутун борлиқни асраб, авайлашга ўргатиб бориш муҳим ҳисобланади [1].

Мавзунинг долзарблиги шундаки саноат ишлаб чиқариш салмоғининг кескин ортиши туфайли сўнгги 55-60 йилда карбонат ангидрид ажралиб чиқиши тўрт баробар кўпайди, дунё қитъаларида ёғадиган ёғингарчилик миқдори 1% га кўпайди, денгиз сувларининг ўртача сатҳи 10-15 см га кўтарилди, 2100 йилга бориб 95 см гача кўтарилиши башорат қилинмоқда, сўнгги 100 йилда иқлимнинг глобал иссиши оқибатида жаҳонда ер юзининг ўртача ҳарорати фаренгейт бўйича 0,6-1,2⁰С исийди (БМТнинг минг йиллик маърузасидан) [2].

Саноати ривожланган шаҳарлар устида аксарият ҳолатларда (ҳаракатсиз ҳавода) захарли моддалар тўпланиб туман аралаш смог (захарли тутун, чанглар аралашмаси) ҳосил бўлиши ҳаво, сув, тупроқнинг ифлосланишига, ўсимликлар дунёсининг зарарланишига, ҳайвонот олами ва аҳолини захарланишига сабабчи бўлади. Бу кимёвий унсурларни ифлосланган ҳаво, сув ёки ўсимлик маҳсулотлари, озиқ-овқат билан инсон танасига кириши, суяк тўқималарида тўпланиб, ички аъзоларининг турли даражада шикастланишига, марказий асаб толаларининг бузилишига, кўзнинг кўрмай қолишига, бепуштликка, жигар, ошқозон, ўпка фаолиятини бузилишига сабаб бўлади. Хусусан, олинган **тадқиқот натижалар таҳлили** шундан иборатки, Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган зарарли бирикмалар Сурхондарё вилояти табиатида, айниқса, аграр соҳа иқтисодиётига салмоқли салбий таъсир кўрсатмоқда. Заводда бир тонна бирламчи алюминий ишлаб чиқариш учун 33-47 кг фтор сарф қилинади ва ундан 63-68% и фторли водород шаклида ҳавога кўтарилади. Бу ҳолат, айниқса вилоятнинг Узун, Сарисийё, Денов, Олтинсой туманларида ўзининг шиддатли реакция ҳолати билан салбий таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги 20 йилда олиб борилган кузатувларга кўра юқорида қайд этилган туманларнинг ҳаво ва тупроқларидаги фторли водород миқдори меъёрдан 12-24 маротаба кўп эканлиги ўта ачинарли ҳолдир. Ушбу ҳудудлар тупроқларида 2,5-2,9% гача, ҳайвон сутида 13,2-15,6% гача, картошкада 20-24% гача, қатикда 13-18% гача, олмада 20-25% гача, анорда 20-27% гача фторли водород борлиги аниқланган. Заводдан 45 000 тоннагача хар хил тутунлар ҳавога чиқарилиб, шундан 116 тоннаси фторли водород, 21 000 тоннаси олтингургурт оксидлари, қолганлари турли хил бошқа кимёвий унсурлардан иборатдир. Уларнинг зарарли оқибатлари бугунга келиб, Шўрчи, Қумқўрғон туманларида яшовчи аҳолига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Оқибатда фарзанд кўриш ёшидаги оналарда ҳомиланинг эрта тушиши, туғишдан келиб чиқадиган касалликларнинг 2,5 маротаба ошганлиги, ўлик туғиш ҳолатлари, инсон организмда фтор, хром, сурьма каби элементлар миқдорининг ортганлиги, қандли диабет касаллигини 2005 йилдагига нисбатан 2,5-3,0 баробарга ошганлиги, аллергия касалликларнинг деярли икки баробарга ортганлиги кузатилган. Анор, хурмо, узум ва бошқа мевали дарахтлардан олинадиган ҳосил салмоғи 1990 йилларга таққосланганда 30-35% камайганлиги, айниқса чорва молларининг овқат ҳазм қилиш аъзолари, буйрак, ўпка ва жигарлари касалланиб уларни эрта қаришига, ҳаттоки нобуд бўлишига олиб келмоқда. Инсон ва ҳайвонда флюороз касаллигининг сони кескин ортган. Пилла етиштириш Узун, Сарисийё туманларида сўнгги 30 йилда ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, дунёга машхур бўлган ҳар донаси 1 кг келадиган Дашнобод анори стандарт талабларга мутлақо жавоб бермай қолган [2,3].

Шу ўринда таъкидлаш керакки ушбу завод “Тожикистон саноатининг ташриф қоғози” деб ном олган бўлиб, мамлакат экспортининг учдан бирини ташкил этади. Дунё стандартидаги биринчи тожик бренди, жаҳондаги йирик алюминий ишлаб чиқарувчилардан бири. Маҳсулоти кўплаб давлатлар, жумладан, АҚШ, Туркия, Ўзбекистон, Япония, Хитой ва Ғарбий Европага экспорт қилади. “ТАЛКО” Тожикистон валюта тушумининг бешдан бир қисмини таъминлайди. Мамлакат саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 25% га тенг, экспортнинг 30% и шу корхона ҳисобидан.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари ва давлат кадастри қўмитаси агрокимё ва тупроқшунослик илмий-тадқиқот институтининг Тожикистон алюминий ишлаб чиқариш заводининг тупроқ қатлами ва ўсимликларга салбий таъсири даражасини аниқлаш бўйича изланиш натижаларига кўра завод ташламаларининг асосий қисми олтингургурт ва азот икки оксиди, кальций бирикмалари ва сульфат ионларини ташкил этади [5].

Тадқиқот натижаларига кўра завод ташламаларининг тупроқ қатлами ва ўсимликларни ифлослаши даражасига қараб 4 та ҳудудга бўлиш мумкин:

1- хууд- Сариосиё тумани (ТожАЗ дан 40 км радиусда): Тупроқ қатламида сувда эрийдиган фтор микдори 1,5 ПДК атрофида бўлиб, тупроқнинг 60 см чуқурлигигача фтор бирикмалари билан ифлосланган. Бундан ташқари тупроқда фторли водороднинг жадал тўпланиш жараёни кузатилди. Хайдалма ер қатламида тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг фтор бирикмаларига нисбати К.2-3 га тенг бўлади.

2-хууд – ТожАЗ дан 40-60 км радиусда. Бу хуудда тупроқнинг фтор бирикмалари билан ифлосланиши ПДК меъёрида. Лекин, хайдалма қатламда фтор бирикмаларининг жадал йиғилиш жараёнлари аниқланган бўлиб К.3 га тенг.

3-хууд – ТожАЗ дан 60-90 км радиусда. Хайдалма тупроқ қатламида сувда эрийдиган фтор ПДК кўрсаткичидан кичик. Хайдалма қатламда фтор бирикмаларининг жадал йиғилиши кучсиз бўлиб К.1 га тенг бўлади.

4-хууд – ТожАЗдан 100 км ва ундан ортиқ радиусда. Завод ташламаларидан тупроқ таркибида заҳарли фтор билан ифлосланиши қайд этилмайди [4].

Шулардан келиб иқтисодий жиҳатдан сарҳисоб қилинганда 2006-2011 йилларда вилоятнинг Сариосиё, Узун, Денов, Жарқўрғон туманлари атроф-муҳитига етказилган экологик иқтисодий зарар 100,8 млн доллар ҳажмида (экологик иқтисодий зарар Энгель кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган) баҳоланмоқда.

Сўнгги беш йилда Сурхондарё вилоятининг Денов, Жарқўрғон, Сариосиё ва Узун туманлари кишлок хўжалигига етказилган иқтисодий зарар 174,97 млн доллар ҳажмда баҳоланмоқда, жумладан:

- кишлок хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасайиши ҳисобидан 8,08 млн доллар;
- соғиб олинадиган сут микдори камайиши ҳисобидан 33,2 млн доллар;
- чорва моллар вазнининг камайиши ҳисобидан 133,7 млн долларни ташкил этади [5].

Ўзбекистон хуудларининг Тожикистон алюминий заводи томонидан трансчегаравий зарарланиш оқибатларининг тахлили натижасида қуйидагича **хулоса** қилиш мумкин:

1. Талко ДУК атмосферага чиқараётган зарарли моддалар таъсири хуудида жойлашган Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов ва Жарқўрғон туманларида экологик вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда, бу ҳолат ушбу туманлар аҳолиси саломатлигига ҳамда генофондига, кишлок хўжалиги ва чорвачилигига салбий таъсир кўрсатиб, Ўзбекистон республикасига катта экологик иқтисодий зарар етказмоқда;

2. Талко ДУК Ўзбекистон Республикасига 447,3 млн доллар микдорда етказилган зарарни қоплаши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зокиров Х.Х., Зокирова Ю.Х., Чориева Ш.Қ. Иқтисодий инқирозга сабаб бўлувчи экологик омиллар. “Сурхон-Нашр”. Термиз-2018.
2. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш.А. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанининг умумий масалалари. - Қарши: Насаф, 2010.
3. Зокиров Х.Х. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. Дарслик. Сурхон Нашр-2020.
4. Ўринов Б.И. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолиятлар. CHINOR ENK 2010
5. www.google.ru

УЎК 33

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТЛАРИДА ХУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ МОЛИЯВИЙ ҚУВВАТЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ

И.Қ. Сирожиддинов, иқт. ф. н., доцент, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган
Р.А. Ботирова, иқт. ф. н., доцент, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган

Annotatsiya. Мақолада коронавирус пандемияси шароитларида Наманган вилоятида иқтисодий ривожланиш жараёнларининг молиявий қувватланиши йўналишлари тадқиқ этилган.

Kalit so'zlar: замонавий технологиялар, пандемия, ресурс, монопол бозорлар, глобал инқироз

Аннотация. В статье проанализированы основные направления финансовой поддержки экономического развития в Наманганской области в условиях коронавирусной пандемии.

Ключевые слова: современные технологии, пандемия, ресурсы, монопольные рынки, глобальный кризис

Abstract. The article analyzes the main directions of financial support for economic development in the Namangan region in the context of the coronavirus pandemic.

Keywords: modern technologies, pandemics, resource, monopoly markets, global crisis

Ҳозирги пайтда коронавирус пандемияси иқтисодий жараёнлар амалга оширилишида қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Уларни енгиб ўтиш кўрилатган ташкилий чораларнинг тегишли молиявий манбалар билан таъминланишини ва иқтисодий ривожланишнинг молиявий қувватланишини талаб этмоқда. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилатган тадбирлар ҳам узок вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар

негизига кўчириш ва самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш пандемия шароитларида ҳам иқтисодий жараёнлар марказида қолмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларнинг хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларда саноатни жадал ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари долзарб вазифалар сифатида қўйилган. Наманган вилоятида ҳам корхоналарнинг ички ва халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш масаласи, айниқса, глобаллашув шароитида долзарблик касб этмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари корхоналар фаолият олиб боровчи шароитларнинг муҳим равишда ўзгаришига олиб келмоқда. Шу билан бирга халқаро даражада бозор рақобатининг кескинлашуви ҳам кузатилмоқда.

Бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий субъектлар мустақил ҳаракат қилсаларда, давлат томонидан молиявий қувватлашнинг аҳамияти ўта кучли аҳамият касб этмоқда [2]. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси шароитларида давлатнинг инкирозга қарши чоралари хўжалик юритиш субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда [3]. Бу солиқ юкини камайтириш (ер солиғи ва мулк солиғидан дастлаб 3 ойга, сўнгра 2020 йил охиригача озод қилиш, солиқ тўловларининг кечиктирилиши, солиқ характеридаги турли тўловларнинг камайтирилиши – 2020 йилда булар 70 трлн сўмни ташкил этди), банк кредитлаши таомилларининг соддалаштирилиши ва шартларининг энгиллаштирилиши, банк кредитлаши ресурс базасининг кенгайтирилиши кабилардир. Иқтисодий ривожланишда саноатнинг қайта ишловчи корхоналари ўз ўрнига эга. Тўқимачилик саноатида 365 минг киши меҳнат қилмоқда ва 1,6 млрд АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилинмоқда. Яқин 3 йилда экспорт ҳажми камида 2 баравар оширилиши лозим. 2020 йилдан пахта толаси экспорти тўхтатилди ва у тўла мамлакат корхоналарида қайта ишланди. Тармоқда ички молиявий ресурслар билан бир қаторда 300 млн АҚШ доллари ҳажмидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилади. Наманган вилоятида 2019 йилда тўқимачилик маҳсулоти экспорти 226 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу 417 млн АҚШ долларига етказилди.

Коронавирус пандемияси шароитларида инновацион фаолиятни кенгайтириш ва рағбатлантириш, инновацион иқтисодиётни, «билимлар» иқтисодиётини шакллантириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан биридир. Коронавирус пандемияси шароитларида ҳам Наманган вилоятида иқтисодий тараққиётда ва инвестицион жараёнларда эришилган ижобий тенденциялар барқарор сақланиб қолмоқда ва чуқурлашмоқда. 2019 йилда вилоятда 5,4 трлн сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2020 йилда Инвестиция дастури доирасида 7,2 трлн сўм ўзлаштирилиб, 20 800 та иш ўринлари яратилди. Инвестицион жараёнларга хорижий молиявий ресурслар изчил жалб этилмоқда. 2020 йилда вилоятда 326,4 млн АҚШ доллари ҳажмида, шу жумладан 234 млн АҚШ доллари ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. 2020 йилнинг 1-чорагида 76,8 млн АҚШ доллари ҳажмидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва 10 мингта янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш лозимки, киритилаётган инвестициялар юқори иқтисодий самарадорликка эга. Чунончи Наманган эркин иқтисодий зонасида барпо этилган “Чуст текстиль” ва “Ифода” корхоналарига 21,5 млн АҚШ доллари киритилган бўлса, уларнинг йиллик маҳсулот чиқариш қувватлари 63,6 млн АҚШ долларини ташкил этмоқда. “Юксалиш” саноат зонасида керамогранит плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. Унда 1 квадрат метр маҳсулотнинг таннарихи 3 доллар бўлиши режалаштирилмоқда. Хориждаги турдош корхоналарда бу кўрсаткич маҳсулот сифати бир хил бўлган ҳолда 8 долларни ташкил этмоқда. Бунинг асосий омили корхона Ўзбекистонда жойлашган манбалардаги юқори сифатли хом ашёлардан фойдаланади. Корхонанинг йиллик қуввати 1,6 млн м² ташкил этади. Ҳозирда мамлакатнинг бундай маҳсулотга эҳтиёжи 70 фоизга импорт ҳисобидан қондирилмоқда.

Инвестицион жараёнларнинг ижобий натижалари вилоят экспортининг ҳажмлари ва таркибий ўзгаришларида ҳам яққол ифодаланмоқда. 2000 йилда вилоятдан ташқи бозорларга 75,3 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу рақам 119,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. 2017 йилда эса 196,6 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинишига эришилган. 2020 йилда вилоятда экспорт ҳажмлари 450 млн. АҚШ долларидан ортди. Мамлакатимизда 2020 йилда мева-сабзавот тармоғида агросаноат интеграцияси жараёнларини жадаллаштириш учун 86 та кластер ва 125 та кооперативлар ташкил этилди.

Коронавирус пандемияси шароитларида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришнинг долзарблиги кучаймоқда. Бу борада давлат томонидан аҳоли томорқа хўжалиқларининг молиявий қувватланиши ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий натижалар бермоқда. Ўзбекистонда аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалиқлари сони 4,5 миллионгани ташкил этади ва улар ихтиёрида 435 минг гектар ер мавжуд. 2020 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти деҳқон хўжалиқлари ва аҳолининг томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш ва экиш ишларини тизимли ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. 2020 йилда уларни қувватлаш учун давлат бюджетининг 300 млрд. сўм маблағлари ва 100 млрд. сўм банк кредитлари ажратилади. Бундан ташқари давлат аҳоли учун энгил конструкцияли иссиқхоналар қуришга 600 млрд. сўм йўналтиради. 2020 йилда мазкур секторда маҳсулот ишлаб чиқариш 2 баравар оширилиши лозим. Шу чоралар доирасида Наманган вилоятининг Чортоқ туманида қишлоқ оилалари учун 1000 та иссиқхоналар қуриб топширилди. Уларда йилига уч марта

хосил олиш мумкин. Оиланинг иссиқхонадан даромади йилига 30 - 40 млн. сўми ташкил этиши кутилмоқда, бу эса камбағалликдан чиқиб олишга имкон беради. Мазкур иссиқхоналар қурилишига 13 млрд. сўм сарфланди, ундан 6,7 млрд. сўми давлат субсидияси, 6,3 млрд. сўми имтиёзли банк кредитлари эди. Иссиқхонани тўғри ишлата олган оила банк кредитини (6,3 млн. сўм) бир йилда қайтара олади. Бундай лойиҳа институционал чоралар билан ҳам қувватланади. Хусусий тадбиркор бошчилигида кластер ташкил этилади. У иссиқхоналар эгаларини шартнома асосида уруғ билан таъминлайди, маҳсулотларини сотиб олади, агрономик хизматни ва маслаҳатларни йўлга қўяди. Кластерда агробизнес ўқув маркази ташкил этилган. 2020 йилда 1 млн. АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилиш, келажакда уни 5 млн. долларга етказиш мўлжалланган.

Ҳозирги пайтда Наманган вилоятида озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодийнинг ривожланишини мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратиш кенгроқ ва чуқурроқ қўйилмоқда ва қуйидагиларни қамраб олмақда:

- энг муҳим маҳсулотларни барқарор ҳажмларда ишлаб чиқариш, уни ошириб бориш;
- маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлилиги, экспортга йўналганликни сақлаб қолиш ва кучайтириш;
- инновацион ривожланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги ривожланишини экологик талабларга мувофиқлаштириш.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Коронавирус пандемияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” – Халқ сўзи, 2020 йил 24 март.

3. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию углубленной переработке сельскохозяйственной продукции и продовольственной промышленности». Постановление Президента Республики Узбекистан, 29 июля 2019 года. – Народное слово, 30 июля 2019 года.

УЎК 33

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЧАНЛИК ФАОЛЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.М. Тўхтасинова, катта ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Ушбу мақолада тўқимачилик корхоналарида ишчанлик фаоллигини бошқаришнинг ташиқлий-иқтисодий механизмлари, такомиллаштириш йўналишлари таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида ишчанлик фаоллигини бошқаришни янада такомиллаштириш юзасидан айрим таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ишчанлик фаоллиги, ишчанлик фаоллигини бошқариш, ташиқлий-иқтисодий механизмлар, тўқимачилик саноати, трикотаж-тикувчилик саноати

Аннотация. В данной статье анализируются организационно-экономические механизмы управления и совершенствование их направления деловой активности на предприятиях текстильной промышленности. На основе анализа разработаны предложения по дальнейшему совершенствованию управления деловой активности.

Ключевые слова: деловая активность, управление деловой активностью, организационно-экономические механизмы, текстильная промышленность, трикотажно-швейная промышленность

Abstract. This article analyzes the organizational and economic mechanisms of labor activity management in textile enterprises, areas for improvement. Based on the analysis, some suggestions for further improvement of labor act activity management have been developed.

Key words. labor activity, labor activity management, organizational and economic mechanisms, textile industry, knitwear industry

Кириш

Жаҳонда тўқимачилик саноати корхоналарида ишчанлик фаоллигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун замонавий бошқарув усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг маълумотларига кўра, энгил саноат ҳиссасига дунё саноат ишлаб чиқаришининг “5,7% и, банд бўлганларнинг 14,0% идан ортиқроғи тўғри келади. Сўнгги 15 йил давомида тўқимачилик материаллари ва кийим-кечак истеъмол қилиш Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 90,5% га, АҚШда 99,3% га ва Японияда 220,0% га ошган” [1]. Бинобарин, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат сиғимининг юқорилиги каби муаммолар ечими ички имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида ишчанлик фаоллигини оширишни талаб этади.

Жаҳонда тўқимачилик саноати корхоналарида ишчанлик фаоллигини оширишда тежамкор технологияларни кўллаш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлайдиган, бозор ўзгаришларига мослашувчан менежмент усулларини ишлаб чиқиш, ишчанлик фаоллиги таркибини аниқлаш, унга таъсир қилувчи омиллар асосида ташиқлий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги кунда жаҳонда тўқимачилик саноати корхоналарида ишчанлик фаоллигини ошириш асосида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий

бошқарув усулларини қўллаш ёрдамида интеграциялашган ишлаб чиқариш тузилмалари ташкил этиш, инновация ва инвестиция фаолиятини яхшилаш, ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш орқали маҳсулот ассортиментини кенгайтириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда [2].

Тўқимачилик саноати корхоналарида ишчанлик фаоллигини бошқариш механизмларини такомиллаштириш масаласини ўрганишда уни ташкил этувчиларнинг корхона барқарор ривожини таъминлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Тўқимачилик саноати корхоналарида маркетинг стратегияларини қўллаш ва уларнинг самарадорлиги ўрганилган [2]. Бошқарувнинг замонавий услублари ва уларни корхона фаолиятидаги аҳамияти ёритиб берилган [3]. Инновацион ривожланиш шароитида саноат корхоналарида корпоратив фаолият самарадорлигини такомиллаштириш таҳлил қилинган [4].

Тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш [5], Ўзбекистон Республикасида миллий рақобатбардош тизимни шакллантириш масалалари ўрганилган [6].

Инновацион жараёнларини фаоллаштиришнинг йўл харитаси ишлаб чиқилган [7].

Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари экспортининг структуравий таҳлили асосида саноат корхоналари экспорт фаолиятини яна ривожлантириш масалалари [8], рақамли иқтисодиёт шароитида саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда юзага келаётган айрим муаммолар таҳлил қилинган [9, 10].

Тадқиқот методологияси

Мақолада тизимли таҳлил, синтез, статистик гуруҳлаш, абстракт-мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Тўқимачилик корхоналари фаолиятини ташкил этишдаги ажралиб турадиган хусусиятларни ўрганишда ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш талаб этилади. Пахта толасини қайта ишловчи ишлаб чиқариш корхоналарида жараёнга таъсир қилувчи асосий омиллардан бири қўлланиладиган ускуналар тизими ҳисобланади [3]. Йиғириш ишлаб чиқаришида – йиғириш турлари (тарокли, кардли, аппаратли) ёки йиғириш тизими (хом калавали, хом калавасиз, оқимли). Йиғириш корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментини олинадиган калава чизиқли зичлиги билан тавсифланади. Шунингдек, йиғириш, ишлаб чиқаришда харажатларни камайтиришда ўтимлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Тўқувчилик ишлаб чиқаришида ҳам ишлаб чиқариш жараёни олинадиган газлама, қўлланиладиган технология ҳамда техника даражасига боғлиқ бўлган. Шунингдек, ушбу ишлаб чиқариш турида жараён тавсифига иш жойининг ихтисослашуви, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли ва корхона кўлами каби омиллар ҳам таъсир қилади.

Тўқимачилик ишлаб чиқариши дискрет тавсифга эга бўлган оқимли турга мансуб кўп босқичли мураккаб жараён саналади [4]. Тўқимачилик маҳсулотлари сифати асосан хом ашё сифатига боғлиқ бўлсада, шу билан бирга, қўлланиладиган техника ва технологиялар замонавийлигига, ишловчилар малакасига, бошқарувнинг самарадорлиги ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Ип йиғириш ва тўқувчилик корхоналарида фойдаланилаётган пахта толасининг қарийб 20-30% узилиш кучи пастлиги ҳамда бир хил узунликка эга эмаслиги боис, пировард олинадиган маҳсулотлар сифатида ўз таъсирини кўрсатмоқда. Маҳаллий эски ускуналар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналари эса истеъмолчилар талабига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқара олмаяптилар. Бу эса, экспорт салоҳиятининг пасайиши ва ишчанлик фаоллигининг сустрлашишига олиб келмоқда [5]. Улардан фарқли ўларок, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва сифатнинг махсус сертификатларига эга тўқувчилик кўшма корхоналари рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, уни хорижга экспорт қилмоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамизда ип газламалар ишлаб чиқариш бўйича замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўшма корхоналар сони нисбатан кам. Бинобарин, калава ип ва ип газлама маҳсулотларининг асосий қисми эскирган асбоб - ускуналар ўрнатилган маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Бу турдаги матолар ассортиментни кенгайтиришга имкон бермайди, хусусан, нафис ипак газлама (шифон), штапель, мадеполам, эркаклар кўйлаги учун газлама каби кенг турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Ип газламалар трикотаж матонинг сифати технологик занжирдаги кейинги босқич саналган хом матони охорлаш ва бўяш жараёнларига ҳам тўғридан-тўғри боғлиқдир. Республикамининг аксарият тўқимачилик корхоналарида бу каби ишлаб чиқариш ташкил этилмаган [6]. Бунга асосий сабаблардан бири сифатли химикат ва бўёқ моддаларнинг етишмаслиги саналади. Сифатли химикатлар ва бўёқ моддаларига эҳтиёж, асосан импорт (Россия, Германия, Швейцария, Чехия, Ҳиндистон) ҳамда маҳаллий (“Крашмал” АЖда) ишлаб чиқариш ҳисобига ҳал қилинаётган бўлсада, аммо улар нархининг юқорилиги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулоти таннархи ошишига сабаб бўлмоқда [7].


Шуни таъкидлаш жоизки, тўқимачилик тармоғи ривожини доимий равишда ҳукуратимиз эътиборида бўлиб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида соҳага ҳам ички, ҳам ташқи манбалар ҳисобига етарлича инвестиция маблағлари йўналтирилди [8]. Натижада республикамизда ишлаб чиқарилган пахта толасининг қайта ишланиш миқдори истиқлолнинг дастлабки йиллардаги 7% и бугунги кунда 49% га етказилди.

Худудларда 2015 - 2019 йилларда амалга ошириладиган лойихалар бўйича тармоқлар кесимида маълумот, минг АҚШ долл.

№	Худудлар номи	Жами лойихалар		Шу жумладан, тўқимачилик саноати	
		сони	қиймати	сони	қиймати
1	Қорақалпоғистон Республикаси	44	6446,7	8	79,6
2	Андижон вилояти	57	975,0	8	41,2
3	Бухоро вилояти	41	1181,2	9	191,0
4	Жиззах вилояти	42	257,6	6	45,4
5	Қашқадарё вилояти	68	13379,6	6	76,6
6	Навои вилояти	65	5484,5	1	2,5
7	Наманган вилояти	46	2374,0	7	72,9
8	Самарқанд вилояти	60	963,6	5	75,8
9	Сурхондарё вилояти	47	782,4	5	40,1
10	Сирдарё вилояти	41	1340,0	5	48,6
11	Тошкент вилояти	102	4573,0	6	129,1
12	Фарғона вилояти	50	464,3	7	80,5
13	Хоразим вилояти	39	724,1	4	16,5
14	Тошкент шаҳри	144	1863,1	2	18,0
	Жами:	846	40808,9	79	917,8

Манба: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Айниқса, республикада 2015-2020 йилларда энгил саноатни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилиши натижасида кўплаб янги қувватлар ишга туширилиши, қайта ишлаш ҳажми тобора ошиб, калава ип ишлаб чиқариш 218,3 минг тоннадан 562,8 минг тоннага, газлама тайёрлаш ҳажми 120 миллион квадрат метрдан 340 миллион квадрат метргача оширилиши мўлжалланган.



1- расм. Тўқимачилик корхоналарида ишчанлик фаоллигини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш жиҳатлари

Тўқимачилик саноатининг истиқболдаги ривожланиши трикотаж - тикувчилик тармоғи ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар умумий ҳажмида тайёр трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари қарийб 25 фоизни ташкил қилади.

Сифатли тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда бошқа омиллар билан биргаликда инсон омили ҳам муҳим ўрин эгаллайди [9]. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва бозорда унга бўлган талаб дизайнер ва модельерлар малакасига ҳам боғлиқ.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг ишлаб чиқариши - бошқарув фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишчанлик фаоллигини уни ташкил этувчилар (ишлаб чиқариш, маркетинг, инновация, инвестиция, бошқарув, тижорат, молия) бўйича бошқарувининг

самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш муҳим ўрин тутди [10].

Иқтисодий беқарорлик шароитида ишчанлик фаоллигини бошқариш самарадорлигини оширишда салбий оқибатлар ҳамда таъсир этувчи омилларни мунтазам равишда ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу каби ҳодисаларни ҳолисона баҳолаш учун тўқимачилик корхоналарида ишчанлик фаоллигини бошқариш тизимида назорат ва тартиблаштириш вазифаларининг ягона тизимини яратиш талаб этилади. Назорат механизми ёрдамида тўқимачилик корхоналари барқарор ривожда ишчанлик фаоллигини оширишнинг келажак имконият ва хавф-хатарларини аниқлиш мумкин бўлади. Тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига хос жиҳатлари ва мулкка эгаликдан келиб чиқиб, улар фаолиятини мониторинг қилиш фақат давлат улушига эга бўлган корхоналар учун амалга ошириб келинмоқда, холос. Хусусийлаштирилган корхоналар ёки компаниялар бўйича дастлабки мониторинг Россия ва Фарбий Европа мамлакатларида амалга оширилган.

Тўқимачилик саноати корхоналарида ишчанлик фаоллигини бошқариш мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараённинг самарадорлигини оширишда тизимли ёндашув ҳамда вазиятли ёндашувлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда унинг концептуал асослари яратилиши талаб этилади. Фикримизча, ишчанлик фаоллигини бошқариш тўқимачилик корхонасининг барча фаолият жабҳалари: ишлаб чиқариш, тижорат, маркетинг, иқтисодий соҳаларни комплекс тарзда қамраб олмоғи лозим. Ушбу фаолият соҳалари ҳар бирининг самарадорлиги ва натижавийлиги корхона умумий фаолияти пировард натижасига таъсир қилади.

Хулоса ва таклифлар

Хуллас, тўқимачилик саноати корхоналарида ишчанлик фаоллигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг доимий мониторингини олиб бориш уни бошқариш самарадорлигини оширишга, натижаларга асосланган ҳолда тўқимачилик корхонасининг мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожланишини таъминловчи стратегик вариантларни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб куйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- ишчанлик фаоллигини бошқариш техника ва технологиясини бозор ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлаш;
- ишчанлик фаоллигини ташкил этувчилари таъсирини инобатга олувчи унинг самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;
- ишчанлик фаоллигини бошқаришнинг такомиллашган моделларини ишлаб чиқиш;
- мавжуд моддий ва молиявий ресурсларнинг муқобил тақсимотини амалга ошириш орқали фойда даражасини ошириш;
- такомиллашган бизнес-режалаштириш амалиётини қўллаш, рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу таклиф ва тавсияларни амалга ошириш орқали тўқимачилик саноати корхоналарида ишчанлик фаоллигини янада такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Organisation for Economic Co-operation and Development. <http://www.oecd.org>
2. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 223 б.
3. Большоков А.С., Михайлов В.И. Современный менеджмент: теория и практика. – СПб.: Питер, 2000. – 411 с.
4. Kurpayanidi K. I. Corporate industry analysis of the effectiveness of entrepreneurship subjects in the conditions of innovative activity // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2020. – №. 2-1.
5. Kurpayanidi K. I. Actual problems of implementation of investment industrial entrepreneurial potential // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 301-307.
6. Kurpayanidi, K., Abdullaev, A., Ashurov, M., Tukhtasinova, M., & Shakirova, Y. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences.
7. Tuhtasinova M. M., Tolibov I. S. Road map of activation of innovative processes // Dostizheniya nauki i obrazovaniya. – 2019. – №. 5 (46).
8. Ilyosov A. A. Analysis of the structure of export of industrial products and changes in trends in the export process of the Fergana region // Государственное регулирование социально-экономических процессов в условиях глобального кризиса. – 2020. – С. 4-10.
9. Ilyosov A. Some problems in digital production and export of industrial products in the digital economy // Economics and finance. – 2020. – №. 3. – С. 175.
10. Kurpayanidi, K. I., & Ilyosov, A. A. (2020). Problems of the use of digital technologies in industry in the context of increasing the export potential of the country. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (90), 113-117.

УЎҚ 33

ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, АМАЛИЁТ ТИЗИМЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ Т.Ш. Эргашев, тадқиқотчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада ОТМ ларда меҳнат бозори амалиётида хизмат қилиши, олий таълим ва амалиёт тизимлари интеграцияси асосида кадрлар тайёрлаш менежментини такомиллаштириши,

олий таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш амалиёти ва инновациялар интеграциясининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи кўриб чиқилади.

Калим сўзлар: олий таълим, илм-фан, амалиёт тизимлари, инновациялар, интеграция, рақобатбардошлик, “Эл-юрт умиди”, замонавий технологиялар, кадрлар тайёрлаш, педагогик кадрлар

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы взаимодействия в сфере интеграции высшего образования, науки, производственной практики и инноваций, совершенствования управления обучением на основе интеграции систем высшего образования и стажировки в практику рынка труда в вузах.

Ключевые слова: высшее образование, наука, практические системы, инновации, интеграция, конкурентоспособность, “Эл-юрт умиди”, современные технологии, подготовка кадров, педагогические кадры

Abstract. The article considers the issue of improving the management of Personnel Training on the basis of integration of higher education and practice systems, interaction of integration of higher education, science, production practice and innovation, serving in the practice of the labor market in the universities.

Key words: higher education, science, operating systems, innovations, integration, competitiveness, “el-yurt umidi”, modern technology, training of personnel, pedagogical personnel

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида илм-фан, инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Мазкур мақола олий таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти интеграцияси масалаларига бевосита боғлиқ бўлса-да, мавзунинг долзарблиги тадқиқотда олий таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш амалиёти ва инновациялар ўртасидаги интеграция масалаларини ўрганишни тақозо этади.

Интеграция сўзи ҳамкорлик, ўзаро боғланиш каби маънода ишлатилади. Давлатлар, ҳукуматлар ва йирик компаниялар ўртасидаги, илм-фан, амалиёт, олий таълим, инновациялар ва бизнес, иқтисодиёт тармоқлари, иқтисодиёт тармоқларининг таркибий қисмлари, узлуксиз таълимнинг таркибий қисмлари, корхона ва ташкилотларни бошқарув элементлари, инсон омили ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, таълим хизматлари ва меҳнат бозорига таъсир этувчи омиллар, олий таълим тизими билан ишлаб чиқариш корхоналари, фанлар, фанларнинг қисмлари ўртасидаги ва бошқа шакл ва мазмунда интеграция турлари фарқланади.

Юрт осойишталиги, халқимиз фаровонлиги ва мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилаётган амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдорининг ўсиш кўрсаткичлари олий таълим муассасалари тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар сирасига қиради. Бундан ташқари олий таълим тизими сифати ва самарадорлигини ошириш, ОТМларда меҳнат бозори амалиётида хизмат қилиши режалаштирилган рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришни таъминлашда шундай омиллар гуруҳига дуч келамизки, бу илм-фан, олий таълим, ишлаб чиқариш амалиёти ва инновациялар интеграциясидир. Биз мазкур мақолада олий таълим ва амалиёт тизимлари интеграцияси асосида кадрлар тайёрлаш менежментини такомиллаштиришга урғу бериб, олий таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш амалиёти ва инновациялар интеграциясининг ўзаро ҳамкорлиги масаласини кўриб чиқамиз.

Таъкидлаш жоизки, бу интеграция глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасида 3-ренессанс пойдеворини қуриш ва жамият фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Меҳнат бозорининг ишлаб чиқариш амалиёти тизимлари – кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати, малакаси ва салоҳиятига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техника ва молиявий жиҳатидан таъминлаш жараёнининг иштирокчисидир. Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ, олий таълим ва илм-фанда узлуксиз таълимнинг олий таълимгача бўлган қисмида олинган билимлар такомиллаштирилади, юқори ва олий малакали кадрлар тайёрланади, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади, билимлар, замонавий педагогик, рақамли ва ахборот-коммуникацион технологиялар яратилади, илмий янгиликлар ва инновациялар ишлаб чиқилади, такомиллаштирилади, кашфиётлар қилинади ва ҳоказо.

Таълим – Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлидаги аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёни; фуқаролар (таълим олувчилар) давлат томонидан белгиланган таълим даражаси(таълим мезони)га эришувини таъминлайди. ЮНЕСКО ХТСТга мувофиқ “таълим” термини ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ўзида ифода этади. Таълим деганда ўқувни юзага келтирадиган

ташкилий ва барқарор алоқа жараёни тушунилади. Хуллас, таълим, аввало, ўқувчиларда билимлар, укувлар ва малакалар, тизимлар шаклланишида ифодаланадиган таълим жараёнининг нисбий натижасидир, шунингдек, тарбия, ўз-ўзини тарбия, таъсир жараёни, яъни инсон қиёфасини шакллантириш жараёни; бунда билимнинг ҳажми эмас, балки уни шахсий сифатлар, ўз билимларини мустақил тасаввур этиш уқуви билан бирлаштириш муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш – турли иқтисодий маҳсулотлар, моддий неъматлар яратиш жараёни; инсон ҳаётининг табиий шарти ва бошқа тур фаолиятларининг моддий асоси ҳисобланади [1].

Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш [2]ни бошқаришда амалиёт тизимларининг талаб ва эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналишлари ва даражаларини шакллантириб, кадрлар касбий тайёргарлигининг миссияси, мақсади ва вазифаларининг замонавий таълим технологиялари шакллари ҳамда малака талабларини белгилайди, бунинг асосида кадрлар сифати, рақобатбардошлиги ва самарадорлигига баҳо берилади. Жамият фаровонлиги учун кадрлар тайёрлаш масаласида инсон субъект сифатида интеграциянинг қайси объектида иштирок этишидан қатъий назар билимли, маънавиятли, меҳнатсевар, масъулиятли, замонавий ахборот-коммуникацион ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш қобилиятига эга юқори малакали кадр бўлса, мазкур интеграция жараёнлари самарали амалга оширилади ва натижадорлик даражаси юқори бўлади.

Олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси кўпгина илмий тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган. Шу жумладан, Б.А. Бегалов, И.Е. Жуковская [3]нинг фикрича, “ОТМларини фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг истиқболли йўналишлари: компанияларнинг илмий-тадқиқот ишларига профессор-ўқитувчилар таркибини, академик жамоатчилиқни кенг жалб қилиниши; эркин тадқиқотчилар ва бошловчи компаниялардан олинган илмий ғоялар, лойиҳалар ва ишланмаларнинг тижоратлашуви; инкубацион ва технопаркли ташкилотлар, венчурли тузилмаларнинг миллий тармоқларини тузиш орқали инновацион соҳада институционал қурилишни фаоллаштириш; мамлакат ОТМлари ва илмий тадқиқот институтларини фаоллашган тижорат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг хусусий секторга йўналтирилиши ва интеграцияланишини ривожлантириш; АКТ дунё бозори тараққиётини ва ҳозирги даврда Ўзбекистон имкониятларини ҳисобга олиб, АКТларини аутсорсинг хизматларини кенгроқ кўрсатиш, бу хизматларнинг ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш. Шундай қилиб “фан–таълим–ишлаб чиқариш” миллий инновацион тизимини шаклланиши ва ривожланиши мамлакатнинг илғор университетларидан фақат фундаментал тадқиқот доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормасдан, балки илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам қўллашни талаб қилади”[3].

А.О. Очиллов [4] томонидан олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси турлари, ва уларни бошқариш йўналишлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда олий таълим муассасалари, фанлар, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва кадрлар тайёрлашда халқаро интеграция, кадрлар тайёрлашда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши, фанлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал интеграциялар хусусиятларига эътибор қаратилган ва ОТМлари ва ИТМларидаги инновациялар, амалиёт тизимларининг ОТМлари ва ИТМларида ишлаб чиқилаётган ғоялар, уларнинг муҳимлик даражаси, тижоратлаштирилиши, бу тадбирлар асосида иқтисодий тармоқларининг ЯИМга қўшадиган ҳиссаларининг оширилиши мумкинлиги тўғрисида хулосалар берилмаган. Шунга кўра, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш амалиёти тизимларининг илм-фан, олий таълим ва инновациялар билан интеграцияси йўналишларининг олий таълим ва амалиёт тизимлари интеграциясида ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплексларини яратиш ва тараққий эттириш; илм-фан ва олий таълим интеграциясида ОТ дан кейинги таълимни ривожлантиришда ОТМ ва ИТМ ҳамкорлиги, ИТМ илмий ходимларини ОТМ таълим жараёнига жалб этишни мотивациялаш; инновациялар ва амалиёт тизимлари интеграциясида ҳамкорлик асосида ҳуқуқий базанинг яратилиши, устувор йўналишларни рўёбга чиқариш, буюртмаларга асосан инновацион ғояларнинг ишлаб чиқилиши ва тижоратлашиши, инновацион ғояларнинг яратилиши юзасидан корхоналардан буюртмалар олиниши, илм-фан ва амалиёт тизимлари интеграциясида шартномалар асосида амалиёт тизимлари буюртмаларининг бажарилиши, ИТИ мавзуларини шакллантиришда амалиёт тизимларининг ҳамкорлиги; ОТМлари интеграциясида ҳамкорликда дарслик, ўқув қўлланма, силлабус ва ЎУМлар тайёрлаш; фанлар интеграциясида узлуксиз таълим тизимида фанлар ва улар қисмларининг ўзаро боғлиқлиги, ОТ йўналишлари ва мутахассисликлари фанларининг ўзаро алоқадорлиги, кредит-модуль тизими асосида ўқитиладиган фанларнинг ўзаро алоқадорлиги; илм-фан, олий таълим, инновациялар ва бозори амалиёти тизимларининг илм-фан, олий таълим ва инновациялар билан интеграцияси амалдаги Низом талабларига мувофиқ, олий таълим муассасасига ўқишга (тест синовларини топшириб ёки имтиёздан фойдаланиб, давлат гранти, контрактация шартномаси, мақсадли контракт ёки оширилган контракт асосида) қабул қилинган талаба муассасанинг ички тартиб-қоидалари, ўқув машғулотлар ва малакавий амалиётларга қатнашиш, маъруза, амалий машғулотлар, мустақил таълим, масофавий таълим, мастер-класс, лаборатория, тренинг ва семинар машғулотларидан самарали фойдаланиш, АРМ ва ахборот-технологиялари хизматидан фойдаланиш, амалдаги Низом талабларига мувофиқ фанларни ўзлаштириш ҳамда ТТЖларида яшаш қоидалари билан танишади ҳамда бу қоидаларга амал қилишни бошлайди. Биринчи ва иккинчи босқич талабаларининг билими, қобилияти, қизиқиш даражаси,

иктидори, масъулиятлилиги ва меҳнатсеварлигини эътиборга олиб, уларни таълим йўналиши (мутахассислик) асосида бериладиган билимларни пухта ўрганишга, илм-фан билан шуғулланишга ёки тўлиқсиз иш куни тамойили асосида меҳнат бозорида ишлаб чиқариш амалиётига ишга йўналтириш келгусида яхши натижалар беради. Бу вазифалар қоидага кўра, гуруҳ раҳбари (тьютор), факультет деканининг ёшлар маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва ихтисослаштирилган кафедра мудирининг ваколатидаги вазифалардандир. Олий таълимнинг 1, 2-босқичларида ўқиётган талабага ўқиш ва малакавий амалиёт даврида ОТМда, айниқса танлаган таълим йўналишининг юқори курсларида ўқиётган, юқори сифат кўрсаткичларига эга билимли ва иқтидорли талабаларнинг ютуқлари билан танишиш, эълон қилинган олимпиадалар ва танловларда қатнаштириш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, талабаларни ОТМда ёки ҳудудда давлат бунортмалари, фундаментал, амалий ва хўжалик шартномаларига мувофиқ амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш, олимлар, педагог ходимлар, докторантлар, илмий ходимлар иштирокида ўтказилган илмий-тадқиқотлар тахлилий натижаларига мувофиқ, ҳаммуаллифликда мақолалар, ҳисоботлар тайёрлаш, инновация ва илм-фан ютуқлари, жамиятни ривожлантириш масалалари, замонавий технологияларни такомиллаштириш, рақамли технологиялар ва робототехникани қўллаш, бозор иқтисодиёти муаммоларининг ечимларига бағишланган халқаро, республика ва минтақавий илмий-амалий, назарий-услубий конференцияларга иштирок этишга, эришган ютуқлари асосида Президент стипендияси, номдор стипендиялар, “Эл-юрт умиди” ва бошқа стипендиялар танловларга иштирокини таъминлаш ёшларни инновация ва илм-фан соҳасидаги ижодкорлигини, ўз қобилиятларини намоён этишига мунтазам равишда ёрдам бериб борилиши лозим.

Ўрганилган адабиётлар тахлили асосида таъкидлаш лозимки, кўп йиллар мобайнида ишлаб чиқариш амалиёти тизимларида қуйидаги ҳолатлар вужудга келган: биринчидан, ишлаб чиқариш арзон ишчи кучига эга бўлган ва унга таянган; иккинчидан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (кўрсатилаётган хизматлар)нинг асосий қисми ноёб бўлганлиги туфайли корхоналарда тайёрланган ҳар қандай маҳсулотга ҳам эҳтиёж бўлган, маҳсулотларни яратиш, уларни синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш масалалари билан шуғулланган олимлар ва мутахассисларнинг меҳнати, улар томонидан ўтказилган фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг тахлилий натижалари фан ва техника қўмитаси жавонларида фойдаланилмасдан қолиб кетаверган. Ҳозирги кунда илм-фан билан шуғулланиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга тизимли равишда татбиқ этиш, илмий ходим ва тадқиқотчиларни мотивациялаш, улар томонидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни тижоратлаштириш давлат сиёсати даражасида қўтарилди. “Стенфорд университети ва Эдинбург университети Бизнес мактабининг тадбиркорлик соҳасида тадқиқотлар маркази профессори Генри Ицковиц ўзининг “Учлик спирали. Университетлар – ишлаб чиқариш – давлат. Инновациялар амалда” номли китобида билимлар ишлаб чиқарилиши узлуксизлигини таъминловчи инновацион жараёнларни ташкил этишнинг янги моделини, яъни “учлик спирали” моделини таклиф этади. ... Асосий ғоя шуки, билимларга асосланган иқтисодиётда университет муҳим ўрин эгаллайди”[5].

Олий таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти тизимлари интеграциялашуви ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ва технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш ва тараққий эттириш, уларни рақамли технологиялар, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашни ташкил этиш; юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш ва ҳамкорликда илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий технологиялар соҳасида кадрлар тайёрлаш ва педагогик кадрларнинг малакасини мунтазам равишда ишлаб чиқариш амалиёти тизимлари объектларида ошириб борилишини бошқаришни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Интеграция самарадорлигини оширишнинг муҳим хусусияти шундаки, биринчидан, ҳар бир интеграция иштирокчиси бошқа иштирокчи билан жамият фаровонлигига хизмат қилиши нуктаи-назаридан, иккинчидан, ўз хоҳишига кўра, учинчидан, ўзаро манфаатли шартларда, тўртинчидан, ҳамкорлиги режалаштирилаётган объектнинг ҳудудда ёки минтақада эгаллаб турган нуфузига қараб, бешинчидан, ҳамкорлик натижадорлиги ва самарадорлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда интеграцияга киришиши керак. Бунда энг муҳими, интеграция иштирокчиларининг ягона мақсад йўлида ҳаракатланишларидир.

Таълим хизматлари бозори меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлаб бераётганлиги амалиётдан келиб чиқилса, иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш амалиёти тизимларининг кадрлар тайёрлаш йўналишларидаги мавқеини юксалтириш қуйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади деб ҳисоблаймиз: биринчидан, амалиёт тизимларининг эҳтиёж ва талабларига кўра, келажак касблари, йўналишлар ва мутахассисликлари (аэродинамика, рақамли иқтисодиёт, робототехника ва б.) техника ва технологияларни тараққий эттиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; иккинчидан, кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш; учинчидан, профессор-ўқитувчи ва илмий ходимларнинг замонавий технологиялар соҳасидаги малакасини ишлаб чиқариш амалиёти тизимларида мунтазам равишда ошириб бориш; тўртинчидан, ишлаб чиқариш амалиёти тизимлари объектларининг юқори малакали кадрларини таълим дастурларини тузиш ва илмий-педагогик жараёнга жалб этиш;

бешинчидан, ишлаб чиқариш амалиёти тизимларидаги иқтисодий ва технологик муаммоларни ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб қилиш; олтинчидан, таълимни корхонада фаолият олиб боровчиларнинг самарали меҳнати билан, шу жумладан, ишлаб чиқариш амалиёти жараёнларидаги меҳнат билан биргаликда қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш; еттинчидан, ўзаро манфаатли шартларда интеграцияга киришилган профессионал ва олий таълим муассасаларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашни таъминлаш; саккизинчидан, таълим оловчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (жамога кўниктириш, жамоани бошқариш, меҳнат, маънавий-маърифий, ижтимоий-руҳий ва жисмоний тарбиялаш); ишлаб чиқариш амалиётининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида таълим оловчилар ва малакавий амалиётчиларни етарли даражада иш жойлари ва шароитлари билан таъминлаш ва б.

Ҳозирги глобаллашув, бозор иқтисодиёти, замонавий ахборот-коммуникацион ва рақамли технологиялар ривожланаётган бир даврда олий таълимнинг илм-фан, инновациялар ва меҳнат бозорининг ишлаб чиқариш амалиёти тизимларининг интеграцияси алоҳида аҳамият касб этади. Интеграция самарадорлигини ошириш эса ҳар бир интеграция объектида ташаббускорликни, меҳнатсеварликни, замонавийликни ва масъулиятлиликни талаб этади. Ваҳоланки, мазкур масалалар олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашда ҳамкорлик асосида ишлаб чиқаришда олий таълим муассасалари кафедралари филиалларини очиб, улар фаолиятидан самарали фойдаланиш; худудларда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш амалиётлари корхоналарини тузиш; хорижий грантлар, давлат буюртмалари ва хўжалик шартномалари шартлари асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини режалаштириш ва амалга ошириш; ишлаб чиқаришдаги иш ўрнидан ажралмаган равишда ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш, касбий қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; кадрлар буюртмачилари ва иш берувчилар талаблари асосида ўзаро манфаатли интеграцион контрактация шартномаларига мувофиқ ОТМларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш; амалиёт тизимлари корхоналарининг шартнома тузган ОТМларига васийлик, донорлик ва ҳомийлик қилиш; корхоналарда талабалар малакавий амалиётларини ўтказиш, кадрларни режалаштириш, мақсадли ўқитиш, тақсимлаш, ишга қабул қилиш, улар меҳнатидан унумли фойдаланиш йўналишларида ҳал этилади. Бу чора-тадбирларнинг пировард мақсади юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлашдир. Чунки бундай кадрлар нафақат ишлаб чиқариш амалиёти тизимида, балки давлат хизматларида, бошқарувда, иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоқ ва соҳаларида энг асосий омилдир.

Фикримизнинг далили сифатида таъкидлаш жоизки, юқори малакали кадрнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолиятига мослашув муддати унинг меҳнат фаолиятидаги тушунмовчиликлари, раҳбарлар ва ҳамкасблар ўртасида кузатилиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар, талаба таҳсил олган ОТМ билан ишлаётган корхонаси ўртасидаги интеграциянинг қандай ташкил этилганлигига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг замонавий корхоналари битирувчининг ўқиган ОТМнинг рейтингини, унинг олган дипломи ва иловасида кўрсатилган ихтисослиги, малака даражаси ва баҳоларига эмас, балки унинг ОТМда мазкур ихтисослик ва малака бўйича эгаллаган билим ва кўникмаларини ишлаб чиқариш амалиётига қандай даражада қўллаш олишига кўпроқ эътибор қаратади.

Юқори малакали кадрлар ва уларнинг меҳнат фаолиятидаги қарама-қаршиликнинг кучайишига ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга. Агар юқори малакали мутахассис ишлаб чиқариш корхонаси учун зарур бўлса, ҳар қандай шароитда унинг олий таълим муассасасида тайёрланиш жараёнида у билан бевосита мулоқотда бўлиши, олий таълим муассасалари раҳбарияти ва масъул ходимларига ишлаб чиқаришнинг зарур шартларини кўйиши, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун тегишли шартномалар асосида олий таълим муассасаларига беғараз ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, ишлаб чиқариш амалиёти тизимлари юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигидан олий таълим муассасалари билан бир хилда, балки ундан кўпроқ манфаатдор ва масъулдир. Чунки юқори малакали кадр ОТМда 3-6 йил ўқиса, ишлаб чиқариш амалиётида эса бутун меҳнат фаолияти давомида хизмат қилади. Олий таълим муассасалари ва меҳнат бозорининг амалиёт тизимлари объектлари интеграциясини тараққий эттиришда профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда юртимиз олий таълим муассасаларида маркетинг хизмати [6] бўйича, шунингдек, олий таълимнинг амалиёт тизимлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида сўнги йилларда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида, худудлардаги йирик буюртмачи ва ҳомий ташкилотларнинг олий таълим муассасаси рағбатига учун хизмат кўрсатиб келаётганлиги, улар иштирокида интеграциянинг дастлабки йўналишлари сифатида муассасада мавжуд ҳамда очилиши режалаштирилаётган янги таълим йўналишлари ва мутахассисларга кейинги 8-10 йилга буюртмалар тақдим этилиши, “Буюртмалар портфели”нинг доимий равишда ташкилотлар ва корхоналарнинг ихтисосликлари кенгайтилиши, ўзгартирилиши, тугатилиши, янгиланишини эътиборга олган ҳолда кадрларга бўлган эҳтиёжларига қараб янгиланиб бориши, муассаса қабул режасига зарур ва муҳим ўзгартиришлар киритилиши юзасидан таклифларнинг мунтазам равишда бериб борилишини кўрсатиш мумкин.

Олий таълим муассасалари талабалари таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига мувофиқ, малакавий амалиётларни меҳнат бозорининг амалиёт тизимлари объектларида, иш берувчи корхоналарда, завод ва фабрикаларда, акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларда, банк, солиқ, ғазначилик, молия идораларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, мактабгача таълим муассасалари, умумий таълим мактаблари, хусусий корхоналар ва б. объектларда ўтказадилар. Малакавий амалиётлар даврида талаба ОТМда эгаллаган назарий билимларини амалий малака ва тажрибага уйғунлаштирса, у олий таълим муассасасини битиргач, шу корхонага ишга қабул қилиниши мумкин. Бундан келиб чиқадикки, ишлаб чиқариш амалиёти тизимлари объектлари билан олий таълим муассасалари самарали интеграциясининг энг муҳим бош вазифаси кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқаришнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлашдир.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси қуйидаги даражаларда амалга оширилади: [7] Биринчи даража – кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини татбиқ этиш соҳасида ҳамкорликдаги ишлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида корхона ва ташкилотларда ташкил этилган алоҳида кафедралар ёки кафедра филиаллари мажмуаси. Иккинчи даража – кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи, илмий-тадқиқотлар ва уларнинг татбиғини ўтказувчи ўқув-илмий-ишлаб чиқаришнинг ўзаро таъсири (ўзаро ҳаракати). Демак, олий таълим ва ишлаб чиқариш тизимлари объектларининг интеграцияси самарадорлигини оширишда илм-фаннинг ўрни ҳам юқори, чунки ОТМлари профессор-ўқитувчиларининг илмий-педагогик салоҳияти илмий тадқиқотлар натижадорлиги ва самарадорлиги билан бевосита боғлиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, ҳар бир корхонада иш жараёнларида турли муаммолар вужудга келади. Масалан, корхона ўтган ҳисобот йилида мўлжалдагидан беш карра кўпроқ даромад олди. Бу ҳолат корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хорижий мамлакатларда харидорғирлик даражаси кескин ошиб, маҳсулотни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди, ўз вақтида маблағлар тушириб берилди ва 3-4 йиллардан бери омборхоналарда сақланиб келаётган маҳсулотлар қисқа муддатда сотилди. Бундан ташқари кейинги йилга яна 10 баробар кўпроқ янада сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга шартномалар тузилди. Шунга кўра корхона зудлик билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологик жиҳозлар харид қилиши, улардан самарали фойдаланиш йўлларини ўзлаштириши, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари ва технологиясини бошқариш самарадорлигини ошириши лозим. Айтайлик, корхонада мазкур бу муаммони бартараф этиш, уни ижобий ҳал этиш учун илмий салоҳият мавжуд эмас. Бундай ҳолларда корхона раҳбари нима қилиши керак, кимга мурожаат қилиши, кимдан ёрдам сўраши лозим. Корхона ҳудудда ўзларини доимий реклама қилиб келаётган консалтинг компаниялари ва фирмаларига мурожаат қилиши мумкин деб ҳисоблайлик. Биринчидан, уларнинг хизматлари пуллик; иккинчидан, бугун ҳудудларда фаолият кўрсатаётган бўлса-да, уларнинг келажақдаги фаолиятига ишониб бўладими; учинчидан, уларда ишлаётган мутахассисларнинг салоҳияти қандай даражадалиги номаълум; тўртинчидан, улар қандай ечим тавсия қиладди, қайси мезонлар асосида, бу ҳам аниқ эмас. Шу сабабли бу соҳада ишлаб чиқариш учун таваккалчилик юқори. Бизнинг фикримизча, бундай муаммоларнинг ечими давлатнинг ихтиёрида бўлиши, яъни меҳнат бозорининг амалиёт тизимлари объектларида мавжуд ёки вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни яхши таҳлил қила оладиган, зарур ҳолларда уларга тегишли маслаҳатлар бера оладиган масъулиятли мутахассислар салоҳиятига эга бўлган, тегишли вазирлик ва идораларга мунтазам равишда ҳисоботлар топширадиган ташкилотлар, яъни олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Олий таълим: (лўғат – маълумотнома) / Туз: М.Х. Саидов, Л.В. Перегудов, З.Т. Тоҳиров; акад. С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Молия, 2003. – 120, 288-289, 352-353-бетлар.
2. Қаҳҳоров О. С. “Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмни такомиллаштириш (Бухоро ва Навоий вилоятлари мисолида)” иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим қилган диссертация. – Самарқанд: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021
3. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Высшие учебные заведения в формировании национальной инновационной системы страны. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил. Б.1-9.
4. Очиллов А.О. Малакали кадрлар тайёрлашда маркетинг хизмати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. – №3. – Б. 56-58.
5. Эгамбердиев Ф.Т., Мухитдинова Н.К. Непрерывность образования и науки как базовое условие при формировании инновационной экономики // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. 16-17 февраля 2012 года. – Т., 2012. – С. 95.
6. Қаҳҳоров О. С. Олий таълим муассасалари маркетинг фаолияти самарадорлигини бошқариш // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2019 yil. (<http://www.iqtisodiyot.tsue.uz/>) Б.135-143; Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари: Монография. – Тошкент. – 2005. – 244 б; Назарова Д. Таълим хизматлари маркетингида ахборотни бошқариш // Жамият ва бошқарув. – 2010. – 3. – 65-67-б.

FARG'ONA VODIYSI ORONIMLARI

O.Q. Abbozov, o'qituvchi, Farg'ona davlat universiteti, Farg'ona

Annotatsiya. Oronimlar – toponimikaning turli xil shakllari nomlarini o'rganadigan bo'limi va onomastik fanlarning kam rivojlangan sohalaridan biridir. Oronimlarning o'rganish aspektlarini tahlil qilish tilshunoslik, tarix, etnografiya va geografiyaning ko'plab masalalarini hal etishda muhim vosita bo'lib, bir qator qimmatli ma'lumotlar va ilmiy dalillarni olish imkonini beradi.

Kalit so'zlar: oronim, oykonim, toponimika, onomastika, indikator, relyef

Аннотация. Орoнимы - это раздел топонимики, изучающий названия различных форм, и один из наименее развитых разделов ономастической науки. Анализ аспектов изучения оронимов является важным инструментом в решении многих проблем лингвистики, истории, этнографии и географии, обеспечивая ряд ценных данных и научных доказательств.

Ключевые слова: ороним, ойконим, топонимика, ономастика, индикатор, рельеф

Abstract. Oronyms are a branch of toponymy that studies the names of different forms and is one of the least developed fields of onomastic sciences. The analysis of the study aspects of oronyms is an important tool in solving many problems of linguistics, history, ethnography and geography, providing a number of valuable data and scientific evidence.

Key words: oronym, oikonim, toponymy, onomastics, indicator, relief

Oronim atamasi yunoncha oros – tog', onima – nom so'zlaridan tashkil topgan bo'lib, tog'lar, tepalar, qirlar, dovonlar va shu singari ob'ektlarning nomlarini ifodalaydi. Oronimlar toponimlarning alohida bir turidir. Bular o'ziga xos xususiyatlari bilan toponimlarning boshqa turlari oykonimlar, gidronimlardan farqlanadi.

Oronimlar o'z tarkibiga quyidagi ob'yekt nomlarini birlashtiradi:

- 1) tog' nomlarini: Oqtog', Qoratog', Langartog', Asqartog', Kelintog';
- 2) tepalik nomlarini: Qo'shtepa, Qumtepa, Kampirtepa, Yortepa;
- 3) qir nomlarini: Uzunqir, Bo'yinqir, Darvozaqir, Qoraqir, Oqqir;
- 4) cho'qqi nomlarini: Tumshuqcho'qqi, Oqcho'qqi, Qoracho'qqi, Burgutcho'qqi;
- 5) dara nomlarini: Mergandara, Poyondara, Oqdara, Saridara, Childara;
- 6) dovon va bel nomlarini: Haydarkon dovoni, Qamchiq dovoni, Qizilbel, Qashqabel;
- 7) qoya nomlarini: Qizilqoya, G'ajirqoya, Qatqoya, Hasanqoya;
- 8) qiya nomlarini: Ayriqiya, Sariqqiya, Qizilqiya, Yomonqiya, Lochinqiya;
- 9) kamar nomlarini: Kattakamar, Eskikamar, Qo'shkamar, Otkamar;
- 10) tosh nomlarini: Polvontosh, Sandaltosh, Ayritosh, Tuyatosh, Kelitosh;
- 11) do'ng nomlarini: Qorado'ng, Boydo'ng, Bo'zdo'ng;
- 12) zov nomlarini: Kattazov, Qizilzov, Ko'kzov kabilar.

Bundan tashqari, respublikamizning janubiy viloyatlari hududlarida gaza, tangi, o'r, kam, sirt, g'o'rim, uchma, taxta, xovar, dumaloq, qovoq, tumshuq, chambar, shiram, suyri, ayri, buynoq, depsan, qopchig'ay, yona, qayir, qo'l, chag'al, dahana singari indikatorlar orqali yasalgan oronimlar ham uchraydi. Professor T.Nafasovning yozishicha, gaza – tog' etaklari va notekis adirlarda qirsimon cho'ziq balandliklarning oshib o'tadigan yo'li bo'lgan qismi; tangi – tor dara, siqiq joy, ikki yon tomonidagi qirsimon tizmasi bir-biriga yaqin, zich bo'lgan joy; o'r – yuqori, tog'ga ko'tarilish yeri, baland joy; kam – kamar; sirt – kichik tepa; g'o'rim – tog' cho'qqisi, umuman balandlikdan quyiga nurab tushgan toshlar uyumi; uchma – qoya, tik yon bag'irlik; taxta – tog' bag'ri, tepalarning yonboshi yoki ust qismida biron tomonga cho'zilgan tekislik; hovar – adirli joylar va tog' etaklaridagi tekis maydon; dumaloq – aylana shaklidagi balandlik, qo'lda yasalgan tepalik; qovoq – bo'rtib chiqqan cho'ziq balandlik; tumshuq – tog' yoki yirik balandliklarning bo'rtib chiqqan do'ng qismi; chambar – balandlik, qir; shiram – tog' bag'ridan quyi tomon davom etgan cho'ziq balandlik, uzun qir, tizma; suyri – konussimon balandlik; ayri – o'rkachsimon kichik tepalari bo'lgan balandlik; bo'ynoq – balandlik; tog' tizmalarining tor, ingichka, siqiq joyi; ikki balandlikni tutashtirgan oraliq; depsan – tog' etaklarining eng quyi qismi yoki tekislik joylarida uchrovchi ust tomoni yassi bo'lgan balandlik; qopchig'ay – ikki tomoni tik tizma (qir, qoya, cho'qqi) bo'lib, uzunasiga cho'ziq, tagida suv oqadigan o'zani bo'lgan dara; yona – qir, adirlarning yon bag'ri; qo'l – tog'dan quyi tomon ajralib chiqqan tizma, cho'ziq balandlik, qir; chag'al – tog' bag'rida yuzasi mayda tosh bilan qoplangan joy; dahana – tor dara, daraning tang joyi ma'nolarini ifodalaydi.

Quyida mazkur indikatorlar asosida vujudga kelgan, ular yordamida hosil qilingan oronimlarga misollar keltiramiz: Ochgaza, Oqgaza, To'qgaza, Qoragaza, Qoratangi, Oqtangi; Xidirkam, Darvozakam, Sarsonkam; Kattasirt, Kichiksirt, Qorasirt, Bellassirt; Qorag'o'rim, Kattag'o'rim, Sariqg'o'rim; G'o'rimdara, G'o'rimtepa; Moluchma, Qo'shuchma; Kattataxta, Beshtaxta; Kattaxovar, Kichixovar; Qoradumaloq, Ko'kdumaloq; Jomqovoq, Kichiqovoq; O'rtatumshuq, Oqdahana, Bo'ridahana va boshqalar.

Oronimlar qo'yidagi xususiyatlarga ko'ra nom olgan:

- 1) ob'ektning rang belgisiga ko'ra: Oqtog', Oqbosh, Olabel, Olatov, Oqnura, Oqtepa, Qoratepa, Qorabel, Qoraqir, Oqdara, Qoraqiya, Qiziltepa, Qoratangi, Sariqtepa kabilar. Oronimiyada oq so'zi – baland, yuksak, katta,

ulkan; qora so'zi–past, quyi; balandlik ko'lami kichik ma'nolarini bildiradi: Oqtog' – baland, yuksak tog', qor bilan qoplangan tog'; Qoratog' – past tog'; Oqtepa – balandroq tepa, Qoratepa–pastrog tepa; Oqdovon – katta oshuv, baland dovon; Oqqir–katta va baland qir; Oqqoya – eng baland qoya; Qoragaza – past gaza, kichik gaza; Qoraqir – yuksakligi pastrog qir kabilar.

2) ob'ektning hajmi, o'lchoviga ko'ra: Kattaxovar, Kattadepsan, Kattataxta, Kattasirt, Kattag'o'rim, Kichikxovar, Kichikdepsan, Uzunqir, Uzunmo'la, Torqopchig'ay, Yalpoqtepa singlarlar.

3) kishi ismlari bilan atalgan: Shodmono'r, Karimqir, Usmondara, Mahmudtepa, Qoraboytepa, Hasanqoya, Jabbortepa kabilar.

4) etnonimlar asosida nomlangan: Bahrintepa, Bag'ishtepa, Hayrondara, Daraixitoy, Darajovu, Daraiturk, Qurama tog'i, Mergandara, Mog'oldara, Qalmoqqir, Xurosontepa va boshqalar.

5) flora va faunaga bog'liq holda nom olgan: Olvalidara, Daraitut, Burgutcho'qqi, G'ajirqoya, Palandara, Oqqamishtepa, G'arovtepa, Chiyykamar, Qoplonqir, Lochinqiya, Otkamar, Pistalitog', Piyozlitog' kabilar.

6) oroob'yektning mikdoriy belgisi asosida nomlangan: Uchtepa, Beshtepa, Qo'shtepa, Mingtepa, Yetimtepa, Qo'shkamar singlarlar.

7) o'xshatish tamoyili asosida yuzaga kelgan oronimlar: Qo'ytosh, Sandiqto'sh, Sandaltosh, Odamtosh, Ayvontosh, Takatosh, Otyoliqum, Egartog', Do'mbiratog', Sallalichop, Tuxumtepa, Supatog', Nog'oratepa, Tuyasingir, Tuyabo'ynoq, Tuyatosh, Ichaksirt, Durbintepa, Beshiktepa, Kindiktepa, Egabelitog' kabilar.

8) ob'ektda ro'y bergan ma'lum voqea-hodisa asosida nomlangan oronimlar: Takayiqildi, Ayiquchdi, Turkmanuchdi, Otuchgan, Qizuchgan, Saodatuchgan. Bular qir va cho'qqi nomlaridir.

Ta'kidlash lozimki, oronimlarning ba'zilar bugungi kunda oykonimlarga ko'chgan, ular aholi maskanlari nomlari sifatida ishlatiladi. Bularni orooykonimlar deb atash mumkin. Bularga Oqtepa, Qoratepa, Qiziltepa, Qumtepa, Yo'g'ontepa, Jartepa singari qishloq nomlarini misol qilib keltirish mumkin. Oronimlarga, tog'u toshlargina emas, balki relyefning salbiy shakllari - vodiylar, daralar, jarliklar, soyliklar, o'yiqlar, shuningdek tekislik, past tekisliklar va qumliklar ham kiradi. Tog' buyuklik, mangulik ramzi. Inson panoh, sihat, yemish istab doimo tog'ga intilgan. Insoniyatning yarmidan ko'pi tog' etaklarida va tog' oldi tekisliklarida yashaydi. Tog'lar yer osti qazilmalarigina emas, leksik boyliklar koni hamdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Qoraev S. Geografik nomlar ma'nosi. Toshkent, 1978
2. Nafasov T. O'zbekiston toponimlarining izohli lug'ati. Toshkent, 1988
3. Do'simov Z. Xorazm toponimlari. Toshkent, 1985
4. Ономастика Узбекистана. Ташкент, 1987-1989

UDC 81-13

LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF TRANSLATION

(in the example of Uzbek and English literary texts)

G.B.Abdukadirova, a senior teacher, Uzbekistan State University of World Languages, Tashkent

D.B. Rajabova, student, Uzbekistan State University of World Languages, Tashkent

Annotatsiya. Ushbu maqolaning maqsadi so'nggi o'n yil ichida tarjima nazariyasi bo'yicha chop qilingan maqolalar va o'tkazilgan ilmiy tadqiqotlarni tahlil qilish va matnlarni ingliz tilidan o'zbek tiliga tarjima qilishda lingvomadaniyat xususiyatlarining ahamiyatini ochib berishdan iborat. Shuningdek, u inglizcha nutqning aniq tarjimasiga erishishni ta'minlovchi jarayonlarni va tegishli tarjima strategiyalarini amalga oshirishga qaratilgan. Maqolada mavzuga oid 6 ta ilmiy-tadqiqiy maqola, 2 ta maqola va 2 ta tadqiqot ishlari tekshirilgan. Ingliz va o'zbek tarjimasidagi lingvokultural jihatlarining ahamiyati misollar asosida o'rganilib, sohani yanada rivojlantirish uchun e'tiborga olinadigan xususiyatlar aniqlandi.

Kalit so'zlar: tarjima, badiiy tarjima, madaniyat, lingvokulturologiya, mentalitet, madaniyatga bog'liq so'zlar

Аннотация. Целью данной статьи является анализ статей и исследований по переводу, проведенных за последнее десятилетие, и выявление важности лингвокультурологических особенностей при переводе текстов с английского на узбекский. Она также нацелена на реализацию процессов и соответствующих стратегий перевода для достижения точного перевода английского дискурса. В обзорной статье исследуются 6 исследовательских и научных статей, 2 обзорные статьи и 2 исследования по теме. На примерах изучена важность лингвокультурологических аспектов в английском и узбекском переводе, а также уточнены особенности, которые необходимо учитывать при дальнейшем развитии этой сферы.

Ключевые слова: перевод, художественный текст, перевод, культура, лингвокультурология, менталитет, культурологические слова

Abstract. The aim of this paper is to provide analysis of translation study articles and researches conducted during the last decade and to reveal the importance of linguacultural features in the translation of texts from English to Uzbek. It also targets to implement the processes and the appropriate translation strategies to achieve an accurate translation of English discourse. The review article investigates 6 research and scientific articles, 2 review articles and 2 research works related to the topic. The importance of linguacultural aspects in English and Uzbek

translation was studied on the basis of examples, and the features to be considered for the further development of the sphere were clarified.

Key words: *translation, literary text, translation, culture, linguacultural, mentality, culture-bound words, discourse, feature, analysis, peculiarities, study, research, strategies, investigate, article, sphere*

I. Introduction

Translation has many challenges, one of which is translating texts in proportion to the regional and cultural characteristics of the language. Because a language cannot exist without a culture of a nation and a culture also cannot survive without a language as well [1]. Therefore, one of the main missions of translators is to convey the meaning of a text written by an English author to an Uzbek-minded reader, as opposed to just rewriting the original text. In carrying out this responsible work, it is important to be aware of the morphological, semantic, syntactic features of the language, as well as the phraseology, customs and worldviews of the chosen language.

II. Main body

When talking about the skills required in the field of translation, first of all, it is worth mentioning the experience. Experience itself is a process, which requires many years of hard work through the study, analysis, implementation, and practice of works in a specific field. To be more precise, reviewing and analyzing previous studies allows for a deeper analysis of the topic and shows ideas put forward by various researchers. The article summarizes several research papers in this regard.

This is vital to know what is a linguacultural feature to fully realize the concept of this article. So, the term “linguistic culture” has been supposed to be used as a separate linguistic field since the beginning of the previous XX century, as it was written in the article “Semantic and linguacultural features of English and Uzbek proverbs with concept of friendship” by Nargiza Abdullaeva [1]. This area explores the interrelationship between language and culture, their connection with social life, psychology and philosophy, and their reciprocal influence on the growth of culture and language. The author also states that a language reflects the particular culture of its nation, and word-for-word translation of some forms or parts of contexts is not sufficient to convey the meaning in other languages because of the culture remes that exist in the target language in their content.

Flows and strategies of interpreting were the main theme of the research “Problems and methods of literary translation of English speech verbs into Uzbek (based on the lexical-semantic study of F.S.Fitzgerald’s *The Great Gatsby*)” by Dilrabo Khudoyorovna Kosheva [2]. The main objective of the very paper was to introduce some methods and materials in the sphere of literary translation. Quotation “literary translation is the transformation of cultures through two works” can entirely express the great amount of responsibility a translator has to shoulder. In the translation of works in various genres, one of the key tasks is to retain as much of the artistic essence of the work as possible and to obtain optimal equivalence. To support author’s point of view, several examples in the research were given to methods such as translation coordinated with an alternative from the culture of the language of translation, the phenomenon of adding different prepositions to a verb to present an additional new meaning, some cases of widening of the meaning of a lexeme in the process of translating and so on.

The scientific article “Translating idioms between English and Uzbek from a cultural perspective” [3] written by Mubashira Barotova investigates implementation of several techniques in translating idioms, proverbs and sayings. The author gives her points of view about translation in the following way: “Literary translation is the only and unique means of conveying national mentality, psychology, mode of life, manners and culture, experience and attitude towards reality of any nation”. It was pointed out there is an urgent need for a transfer of meaning and dialectical knowledge, taking into account the characteristics of the language being translated. And in order to express the mindset and spirit of the nation or situation, it is necessary to find suitable equivalents. Yet, as L.N.Sobolev indicates, there are no always the right equivalents of idioms”. Then, in his native language, the translator should search and figure out the equivalents or suitable versions of idioms that do not lose the style of the original author.

According to other investigators, culturally translation problems are due to the differences between two different cultures [4]. While presenting the difficulties when translating the source, several aspects must be taken into account. To give an example, awareness of the two languages, meaning of the words, understandings, the time and the context of the writing of the text and interpretation according to the personality of the writer and experience. In conclusion part, it is stated that the optimal answer to the translation problem that we encounter is in the translator's eye and he/she has the best variant, he/she is the master of the final target text.

According to the research work [5], while the literary translation practice in Uzbekistan arose and evolved in the distant past, it was only in our period that theoretical views on its history and peculiarities were established and laid the foundation for translation science. When a translator sets himself the task of translating a work from his native language, the meaning of the original must first be completely understood and then translated into a foreign language. Nevertheless, the study of the art of translation from other languages, the skill of the translator and the theory of translation did not pay adequate attention to the study of translation from Uzbek to English and, more notably, to the comparative analysis of the textual frameworks of the English and Uzbek languages did not yield any theoretical work.

It is mentioned in the article of Zulkhumor Mirzaeva [6] that through literary translations, readers will be informed of the culture, traditions, and most importantly, recognize the representative of that country of a certain nation. Moreover, in the sense of the ideological framework, heterogeneous functions of literary translation lead to

essential importance in the social, political and cultural context, and translation was used for various purposes by different agents in the literary process of Uzbek literary discourse. Furthermore, specific cultural items, which could include objects, historical references, customs and habits, in other words, all the particular things of certain people, are one of the most difficult problems in literary translation.

It should be admitted that, culture-bound phrases and expressions also present difficulties for the interpreter. Pursuant to the researcher Mukhtasar Abdullaeva, what is most important in translating culture-bound words is the receptor's perception and reaction [7]. A translator should be aware of the receptor's potential problems and, taking into account the receptor's background knowledge, choose the best means of translation. Of course, finding a suitable alternative in the target language is very tough work. The translator is expected to consider each word's nature, translating it recognizing that there is a positive or negative meaning to the word. The interpreter can, otherwise, permit the deficiencies. It is worth to say that without culture, translation may not have evolved. In contrast, without translation, culture may not have progressed, because translations enrich nations with other nations' cultural values.

Alternatively, Kurbanova Dilnoza in her article "An approach to culture-bound elements in translation" writes that one of the most challenging tasks for all translators is how to render culture-bound elements into a foreign language [8]. The purpose behind this form of expression is always strongly linked to the particular cultural context in which the text originates or to the cultural context in which it is meant to be recreated. While more and more concepts between different cultures are exchanged and understood, there are still many terms and expressions unique to culture that represent the morals and values of a particular culture and have no particular version in the target language.

PhD, Associate Professor Nargiza Dosbaeva also gave relevant information, results and solutions about generating and using the equivalent components. She writes that the accuracy and appropriateness of the translated content, both structurally and substantially, must be respected. Equivalence therefore means the complete preservation, taking into account the originality of the text and the genre of the original, of the form and substance of the material translated. It can be said that the equivalence of translation, which is known as the key priority, can be maximized by the correct approach to linguistic factors when translating a particular work into a foreign language. One of the most important prerequisites is the ability of an interpreter to have an adequate translation and his linguistic background knowledge [9].

Anyway, translations between Uzbek and English are problematic due to cultural, linguistic and stylistic remoteness of these two languages [10]. As we know, both Uzbek and English belong to different families of languages; thus, for the Uzbek ones, translators can choose non-equivalent English expressions or vice versa. Translation problems are often made worse when translators encounter cultural utterances containing implicates. The more a translator is conscious of the cultural differences between the various languages, the easier the translation will be made.

III. Conclusion

This literature review can only partially reveal the role and influence of cultural aspects in the translation process. It's actually liked a drop in the ocean. That is to say, a language is enriching itself day by day, so in the process of translation new methods and approaches are formed. As it is said, "the work of translators begins when the possibilities of dictionaries are exhausted and they begin to fail in translation". These words alone are enough to convey the talents and hard work of translators.

REFERENCES:

1. Abdullaeva N.E. Semantic and linguacultural features of English and Uzbek proverbs with concept of friendship. Проблемы современной науки и образования, 2017
2. Kosheva D.K. Problems and methods of literary translation of English speech verbs into Uzbek (based on the lexical-semantic study of F.S.Fitzgerald's The Great Gatsby). Journal of Critical Reviews, 2020 ISSN-2394-5125
3. Barotova M.B. Translating idioms between English and Uzbek from a cultural perspective. <https://cyberleninka.ru/article/n/translating-idioms-between-english-and-uzbek-from-a-cultural-perspective>
4. Narcisa Schwarz, Laura-Rebeca Stiegelauer, Diana-Bianca Husar. Translation problems and difficulties in applied translation processes. 5. Olimova Dilafruzxon, Ubaydullayeva Maftunaxon, Burxanov Dilnozaxon, Tojiboyeva Shohistaxon. Actual problems of literary translation: study of translation issues from Uzbek into English. Journal of critical reviews. Vol 7, Issue 5, 2020 ISSN-2394-5125
6. Zulkhumor Mirzaeva. Introduction to Uzbek Literary Translation: Analysis, Interpretation and Discourse. International Journal of Linguistics, Literature and Translation. Vol.3, Iss.5, 2020
7. Mukhtasar Abdullaeva. Uzbek culture-bound expressions and their translations into English. Mental Enlightenment Scientific-methodological Journal: Vol.2021: Iss.1, Article 2.
8. Kurbanova Dilnoza. An approach to culture-bound elements in translation. Молодой ученый, 2014
9. Nargiza Dosbaeva. The linguocultural analysis of literary translation from Uzbek into English. Journal of critical reviews. Vol 7, Issue 3, 2020 ISSN-2394-5125, <https://moluch.ru/archive/66/10980/>
10. Navruz Soybnazarov. The problems of translation. Архив научных публикаций JSPI. 1(59) https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4326

ABDURAHMON AKBAR IJODIDA LIRIK QAHRAMON VA OBRAZ YARATISH MAHORATI

G.V.Abdullaeva, o'qituvchi, Farg'ona Davlat Universiteti, Farg'ona

Annotatsiya. Maqolada Abdurahmon Akbarning she'rlarida lirik qahramon masalasi, o'ziga xosliklari, yosh kitobxonga atalgan she'rlarida esa lirik qahramon qanday bo'lishi kerakligi va bu borada yechimi kutilayotgan muammolar haqida mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: lirik qahramon, obraz, nasriy she'r, mavzu va g'oya, ritmik ohangdorlik

Аннотация. В статье рассматривается вопрос лирического героя в стихотворениях Абдурахмана Акбара, его особенности, как должен выглядеть лирический герой в стихотворениях, посвященных юному читателю и проблемы, которые необходимо решить

Ключевые слова: лирический герой, образ, стихотворение в прозе, тема и идея, ритмическая мелодия

Abstract. The article discusses the issue of lyrical heroism in the poems of Abdurahman Akbar, peculiarities, what a lyrical hero should look like in poems dedicated to a young reader, and the problems that need to be addressed in this regard.

Key words: lyrical hero, image, prose poem, theme and idea, rhythmic melody

Abdurahmon Akbarning ijodiyotiga nazar solar ekanmiz, shakliy-mazmuniy yangilanish, lirik qahramon ifodasi bilan birga obraz yaratish mahoratining o'ziga xos uslubi ham ko'zga tashlanadi. Bolalarga atab she'r yozib ularga maqbul qilishning o'zi bo'lmaydi. Obrazlar vositasida fikrini ifodalash, lirik qahramon sifatida o'zini gavdalantirish bolalar she'riyatining asosiy xususiyati sanaladi. Olim E.Ochilov o'zining "Majoz qatidagi haqiqat" maqolasida bolalar she'riyatida: "Hayvonlar, parrandalar, o'simliklar obraziga asosiy e'tibor qaratilib, insonning o'zi bir qadar unutildi", - deb aytgan edi [1], lekin bugunga kelib inson obrazidan foydalanish asosiy o'rin egallab, bolaning o'zi maydonga chiqdi.

Olim I.Sulton: "Inson adabiyotning tasvir predmetidir. "Inson tasviri"-butun boshli odamning ichki dunyosi, uning kechinmalari tasviri demakdir", -deb fikr bildiradi [2]. Adabiyot har bir insonning har qanday ruhiy holatda tasavvur eta bilishi, yoshi, kasb-koridan qat'iy nazar ularning ichiga kira olishi kerak. Inson kechinmalarini tasvirlash dunyoni tushunish vositasi hamdir. Shu sababli adabiyot doimo insonning ichki dunyosini uning borliqqa bo'lgan munosabati asnosida tasvirilaydi, tashqi dunyoning eng oddiy ashyolari va shu ashyolar munosabati bilan inson nimalarni o'ylagani va qanday hislarni boshdan kechirganini ifoda etadi. Bunday xususiyat bolalar adabiyoti uchun ham xos bo'lib, ijodkor bolalarning botiniy va zohiriy dunyosini aks ettirish bilan birga, dunyo haqidagi tasavvurlari, nobotot va hayvonot olami haqidagi tushunchalarini ham ifoda etadi.

Abdurahmon Akbar she'rlarida hayvonlar, parrandalar, narsa-buyum va o'simliklar obrazi alohida o'rin tutadi. Uning "Uyquchining tushlari" to'plamidagi she'rlarida ifodalangan chumoli (mehnatkash, kamtar, ahillik timsoli), mingoyoq, qo'ng'iz, bulutcha, tor kabi obrazlar bunga misoldir. Shu bilan birga bola (inson) obrazini ham o'ziga xos ko'rinishlarda aks ettirgan. Uning "Kamtar" nomli she'rida Mirjalol obrazi orqali dangasa, bilmasvoy bolalarni fosh etgan.

Xoh "o'qish", xoh "tarix" dan / Muallim bersa savol,

Boshini egganча, / Sukut saqlar Mirjalol.

Mavzularni aslida, / U a'loga bilarmish.

So'ralgan vaqt miq etmay, / Sal kamtarlik qilarmish. [3.B.97]

Mazkur obraz orqali ba'zi bolakaylar o'zini ko'rganday bo'lishadi, sababi, dars tayyorlamaydigan bilmasvoy bolalar Mirjalol kabi bahona izlashadi va o'zini bilimdon qilib ko'rsatish uchun bilmasligini kamtarlikka yoyadi. Bunday o'quvchilar holati yengil yumoristik kulgi asosida ochib berilgan. Shuningdek, shoirming "Kechikkan oriyat" she'rida "Eshvoy" obrazi orqali bolalardagi salbiy xarakterlar - illatlar ko'rsatib berilgan. N.Novikov ta'biri bilan aytganda: "Bolalarning murg'ak qalbiga hech bir narsa ibratdek ta'sir etmaydi" [4]. Ibratni, ta'lim-tarbiyani "inson" obrazi orqali yosh kitobxonga uqtirish asosiy o'rinni egallaydi. Buni bugungi bolalar ijodkorlarining asarlarida yaqqol ko'rishimiz mumkin.

Uch, to'rt baho olarding, / Yozma ish bo'lsa doim.

Xursand bo'lsin debsan – da / "Besh" imni ko'rib oyim ?

Ne deb qilsayin javob ? / Yo aytsinmi to'g'risin ?

Nima deb o'ylar ona / Ko'rib saboq o'g'risin ?

Onasining ko'ziga / Qaray olmas edi Esh

Chunki u yozma ishni / Ko'chirib olgandi "besh".

She'rni tezis qismida kitobxon "Eshvoy a'lochi bilimdon bola ekan", - deb o'ylaydi. Uchinchi va to'rtinchi bandi antitezis qismi, kulminatsiyasi endi o'quvchida boshqa tasavvurni gavdalantiradi. Yani, Eshvoy a'lochi bola emas, balki, "uch-to'rt" baho oladigan bola ekanligi sezilib qoladi. U bir kun besh baho olib keladi, onasi kundaligidagi beshni ko'rib xursand bo'ladi. Lekin bu holdan Eshvoy qizarib, bo'zarib, uyalib ketadi. Ne deb javob berishini ham bilmaydi. She'rning beshinchi-oltinchi bandida Eshvoyning psixologik va psixofiziologik holati - onasining xursand yuziga, ko'ziga qaray olmasligi ifoda etilgan. Sababini shoir she'rning oxirgi bandi sintez-xulosa qismida berib o'tadi, ya'ni Eshvoy "besh"ni yozma ishni ko'chirib olgan edi. Buni "saboq o'g'risi"ni onasi nima deb o'ylar ekan. Eshvoyni ko'nglida vijdonini qiynovchi savollar yuzaga keladi. Ko'chirmachilikni yomon odat

Parchada keltirilgan ayrim lavhalar tarjimasida kamchiliklar kuzatiladi. Masalan, asl matnda *“Oyning o‘n beshlari bo‘lsa-da, havoning bulutlig‘i bilan oy ko‘rinmas, chin ma‘nosi bilan qorong‘i kuzning qorong‘i bir tuni edi”* jumlasini *“Although the moon was already full, its pale orb was hidden behind thick clouds. Night fell , a true ebony autumn night”* shaklida ikkita gap bilan ifodalangan. Bu yerda muallif oy yuzini bulut to‘sgan zim-ziyoz kuz tunini ta‘riflagan bo‘lib, tarjimada esa *“chin ma‘nosi bilan qorong‘i kuzning qorong‘i bir tuni edi”* birikmasi *“a true ebony autumn night”* - *“kuzning bir tuni”* tarzida o‘girilgan. Bu o‘rinda muallif urg‘u bermoqchi bo‘lgan *qorong‘i kuzning qorong‘i bir tuni* nazardan chetda qolgan.

Asarning **“Qora kunlar”** bobidan bir o‘rnak keltirib o‘tamiz:

“Kuz kunlarining oyog‘i va qish kunlarining boshi edi. Daraxtlardagi sariq barglar to‘kilib tugalgan, yer yuzi o‘zining qishqi sariq kiyimini kiygan edi. To‘rt tomonining o‘ralg‘anlig‘i soyasida yaproqlarini to‘kilishdan saqlab qolg‘an bu giloz yog‘ochlari ham bu kun tungi qora sovuqqa chidalmay, yelning ozgina harakati bilanda barglarini shirt-shirt uzib tashlamoqda edilar. Havoz ochiq bo‘lib, quyosh tuzukkina ko‘tarilgan, ammo uning o‘zi ham bu kun uncha ta‘siri yo‘q, bu kungi qora sovuq quyosh kuchini-da keskan edi.”[1].

Abdulla Qodiriy keng ma‘nodagi so‘z san‘atkoridir. Bu parchada muallif kuz mavsumining nihoyalab, qish faslining kirib kelishi holati bilan bog‘liq tabiat tasvirini juda chiroyli o‘xshatishlar va o‘zbekona lutf bilan ta‘riflaydiki, beixtiyor ko‘z o‘ngimizda sovuq kech kuz, daraxtlar barglarini to‘kib, o‘zlari esa xuddi sovuqdan titrayotgandek shamolda qaltirab turishlari gavdalanadi.

Olingan natijalar tahlili va xulosa. Tarjimada so‘z tanlash muhim ahamiyat kasb etadi. Agar tarjimon asliyat muallifining so‘zni qanchalik mahorat bilan tanlaganini his eta olsa, tarjimada ham so‘zni shunchalik ishonchli bera oladi. Shu o‘rinda yuqorida keltirib o‘tgan parchamizga diqqatimizni qaratsak: asliyatda qish kunlarida quyosh chiqib, uning taftidan sovuq zahrining biroz kesilishi, qorlar erishi natijasida, hamma yoqning loy bilan qoplanishi, shuningdek, qo‘rg‘on kungiralaridagi qirovlarning quyosh nuri ta‘sirida erib, bug‘ga aylanib ko‘kka ko‘tarilishi holati tasvirlangan. Ingliz tiliga tarjimasida tarjimonning yutuqlari quyidagi o‘rinlarda ko‘rinadi: *“Sovuq biroz yumshab tushkan, quyosh ochiq havoda harakat etmakda edi. Yerlar erib, hamma yoq shilt-pilt loy...”* jumlasini *“The frost had lessened its bite, the air was milder, the sun hung radiant in the bright sky. The snow was melting into slush underfoot, and steam rose from the ramparts of the fortrees walls”* (mazmuni: *“sovuq biroz tingan, havoz iliq edi. Qorlar eriganligi sababli hamma yoq shilt-pilt loy edi”*) deb tarjima qilingan. Bu yerda ko‘rishimiz mumkinki, tarjimon muallif fikrini anglay olgan.

Xulosa qilib aytganda badiiy asarlarda berilgan tabiat manzaralari tasviri ijodkor badiiy mahoratini namoyon etadigan omillardan biri hisoblanadi. Chunki tabiat manzaralari tasvirida ijodkorning o‘zi qalamga olayotgan

makonga munosabati, u joyni qanchalik bilishi, qahramonlar dunyosi va ular yashayotgan muhitni nechog'lik chuqur his qilishi bilinadi. Shu bois tabiat manzaralari tasviri badiiy asarning tarkibiy qismi hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdulla Qadiri "Days gone by" Nouveau Monde editions, 2018 44, quai Henry –IV -75004 Paris ISBN:978-2-36942-7872
2. Qodiriy A., O'tkan kunlar, roman, Toshkent, 2013.
3. Karimov I.A. Bizdan ozod va obod vatan qolsin. 2-jild. T.: O'zbekiston, 1996. Yozıcı Mine. Çeviribilme Giriş. – İstanbul yayınlari, 2001.
4. Бар Л.Б. Анализ художественного произведения.-Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Винокур Г.О. О языке художественной литературы.-М., 1991.
6. Адабиёт назарияси: 2 томлик.-Т., 1979.
7. Бадий таржиманинг актуал масалалари. –Т.: Фан нашриёти, 1977.
8. Жўраев К. Таржима санъати. – Т.: Фан, 1982.
9. Исомиддинов З. Алдоқчи сўзлар билан баҳс. // Таржима санъати. 5-китоб. – Т., 1980.
10. Т. Malik. Tanlangan asarlar. 5-jid. T., 2007
11. Йўлдошев И., Т.Ўзтүрк, Ю.Ўзтүрк Ўзбек ва турк мақоллари ва иборалари. – Т.: Ўзбек – турк лицейлари, 1998.
12. Каримов М. Туркий тилларининг биридан иккинчисига таржима қилишининг айрим масалалари» Бадий таржима дўстлик қуроли. Т., - Ўқитувчи, 1990.
13. Комилов Н., Саломов Ф. Таржимон маҳорати. – Т.: Фан, 1979 .
14. Литературный энциклопедический словарь.-М., 1987.
15. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан нашриёти, 1966.
16. Qobilova F.T ,Babayeva V., O'zbek tilidagi maqollarni, uning yondosh hodisalarini ingliz tili, nemis tili va rus tillariga qiyoslab o'rganish. OAK tasarrufidagi "Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti " jurnali Buxoro 2019 y.

UO'K 81-13

OLIV TA'LIMDA RUS TILINI O'QITISHNING METOD VA TAMOYILLARI

D. Muxitdinova, o'qituvchi, Toshkent davlat agrar universiteti, Toshkent

Annotatsiya. *Ushbu maqola rus tillarini o'qitish metodikasining rivojlanishi, uning yondashuvini tavsiflaydi. Lingvodidaktikada ba'zan uni usul deb ham atashadi.*

Kalit so'zlar: *yondashuv, rus tili, tamoyil, talaba, universitet*

Аннотация. *В статье описывается разработка методики обучения русскому языку, ее подход. В лингводидактике это иногда еще называют методом.*

Ключевые слова: *подход, русский язык, принцип, студент, университет*

Abstract. *This article examines the development of methods of teaching Russian languages characterizes its approach. In linguodidactics, it is sometimes also called a method.*

Key words: *approach, Russian language, principle, student, university*

Yondashuv - bu o'quv tizimining barcha tarkibiy qismlarini belgilaydigan asosiy strategik yo'nalish: uning maqsadlari, vazifalari va mazmuni, ularga erishish yo'llari va vositalari, o'qituvchi va talabaning faoliyati, o'quv texnologiyalari, ta'lim samaradorligi mezonlari.

Trening yo'nalishi sifatida yondashuv o'quv tizimining asosiy xususiyatlarini asoslaydigan muayyan printsiplarni yoki asosiy nazariy qoidalarni tavsiflaydi. E'tibor bering, yondashuvlar bir-biridan farqli o'laroq, turli xil printsiplar to'plamida emas, balki ularni ma'lum bir ta'lim tizimida qanday tushunish va amalga oshirishda.

Rus tilini o'qitish tizimining nazariy asoslanishi didaktik va uslubiy tamoyillarni o'z ichiga oladi. Didaktikada universitetda o'qigan barcha mavzular - rus tili va tarixi, geografias va adabiyoti uchun umumiy bo'lgan asosiy, boshlang'ich nuqtalar nazarda tutiladi, ammo sub'ektlarning o'ziga xosligi ularni amalga oshirishning o'ziga xos usullarini belgilaydi. Uslubiy tamoyillarga ma'lum bir o'quv faniga xos bo'lgan tamoyillar kiradi.

Rus tilini o'qitish metodikasini rivojlantirishning zamonaviy bosqichi shaxsga yo'naltirilgan deb nomlangan didaktik yondashuv bilan tavsiflanadi. Ushbu yondashuvni ma'qullash so'nggi o'n yil ichida jamiyatimiz hayotidagi o'zgarishlar bilan bog'liq. Sanoat jamiyatidan informatsion, postindustrialga o'tish jarayoni mavjud. Bu zamonaviy universitet talabalari uchun, universitet rivojlanishi va shakllanishi uchun mo'ljallangan fazilatlariga yangi talablarni taqdim etadi. Shaxsiy rivojlanish, intellektual, axloqiy, universitetda ta'lim va tarbiyaning ustuvor yo'nalishiga aylanadi.

An'anaga ko'ra rus tilini o'qitish asosan talabalar tomonidan bilim, ko'nikma va malakalarni egallashga qaratilgan edi. Bugungi kunda mavzuning maqsadi to'g'risida boshqacha tushuncha mavjud. XXI asr postindustrial jamiyatida yashash va ishlashga qodir, o'zini ijodiy anglab yeta oladigan talaba shaxsini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etmoqda."Shaxsiyatni rivojlantirish aspekti" rus tili "fanining maqsadini belgilash tizimida yetakchi o'rinni egallaydi. Shunday qilib, an'anaviy maqsadlar bilan bir qatorda o'qitishning maqsadlari:

- milliy qadriyatlarini, fuqarolik jamiyati va jahon madaniyati qadriyatlarini hurmat qiladigan, tilga madaniy hodisa, ongli ravishda aloqa vositasi sifatida aloqador bo'lgan o'z vatanining vatanparvarini tarbiyalash;

- doimiy ravishda o'zgarib turadigan dunyoda moslashish qobiliyatini, og'zaki shaxslar va madaniyatlararo o'zaro munosabat va o'zaro tushunish qobiliyatini rivojlantirish;

- faktlarni tahlil qilish, tasniflash, zarur umumlashmalar qilish, asosli xulosalar shakllantirish ko'nikmalarini shakllantirish; axborot izlashni amalga oshirish, kerakli ma'lumotlarni ajratib olish va o'zgartirish, mustaqil ravishda muammolarni echish, ijodiy fikrlash qobiliyati.

Hozirgi vaqtda ta'lim tizimida yangilash, qayta qurish yo'llarini izlash davom etmoqda. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuv talabada o'quv jarayonining sub'ekti sifatida tan olinishi, uning individual xususiyatlari va imkoniyatlari bilan talaba shaxsining rivojlanishiga asoslangan holda universitetda nazariy jihatdan asoslanadi va tasdiqlanadi. Biz yuqorida u yoki bu yondashuv o'quv tizimining barcha tarkibiy qismlarida amalga oshirilishini ta'kidladik. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuv "rus tili" fanining mazmunida qanday aks etayotganini ko'rib chiqamiz.

Davlat ta'lim standartida talabalarning qiziqishlari, moyilliklari, ularning ta'limni davom ettirishga oid kasbiy talablari va niyatlari hisobga olinadi. Bu o'rta maktab uchun ta'lim standartining ikki darajasini ajratish - asosiy, umumiy ta'lim va ixtisoslashtirilgan, kasbga yo'naltirilgan va universitetda o'quv dasturlarini ishlab chiqish, ixtisoslashtirilgan o'quv kurslarini va nihoyat, tanlov darslarini ajratish - talabalar tanlovi bo'yicha majburiy kurslar. Shunday qilib, talabaning individual ta'lim traektoriyasi quriladi. Va nihoyat, biz matn kabi tarkibiy qismining shaxsga yo'naltirilgan taqdimoti haqida gapirishimiz mumkin. Zamonaviy rus tilidagi darsliklarda mualliflar mumtoz adabiyotning an'anaviy matnlaridan voz kechmay, tobora ko'proq o'quvchilarning muloqot sohalari va shakllarini, uning qiziqishlari va talablarini, muammolarini aks ettirgan holda bolalar adabiyotiga murojaat qilishadi.

Shunday qilib, shaxsga yo'naltirilgan yondashuv allaqachon rus tili fanining mazmunini tanlashda amalga oshirilmoqda. Biroq, ushbu yondashuv o'qitish texnologiyasi, o'qitish usullarini tanlash darajasida eng aniq namoyon bo'ladi.

Aslida, allaqachon maktablarda tashkil etilgan rus tilini kommunikativ o'qitish shaxsga yo'naltirilgan. Uning asosiy xususiyatlari o'quv jarayonini boshqarishning avtoritar uslubidan voz kechish, o'quvchini o'quv faoliyatining faol sub'ekti sifatida tan olish, dialogizm, o'quv vaziyatlarini qurish, realga yaqinlashgan sharoitda o'quv jarayonini tashkil etishdan iborat.

Bugungi kunda universitet shaxsini rivojlantirish uchun shart-sharoit yaratishning yangi usullarini izlash bo'yicha faol izlanishlar olib borilmoqda. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuvni amalga oshiradigan yangi pedagogik texnologiyalarning turli yo'nalishlari orasida birgalikdagi ta'lim, loyiha usuli va ko'p darajali ta'limni nomlash mumkin.

FOYDANANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXTI:

1. Atapina T.V. Rus tili darslari uchun multimedia didaktik vositalari. № 4 2009 yil
2. M. J. Ashirmatova Agrar universitetidagi terminologiya rus tilida // Xalqaro ilmiy jurnal nazariy va amaliy fan // Filadelfiya, AQSh -2021-№ 1.-S. 201-203
3. Babanskiy Yu.K. Zamonaviy umumiy ta'lim universitetida o'qitish metodikasi - M.: 2005
4. Vachkova S.N. O'qish darslarida axborot resurslaridan foydalanish. № 3 2010 yil

UDC 81-13

THE ROLE OF EDUCATIONAL GAMES IN ENGLISH LANGUAGE LESSONS

B.Yu. Norova, teacher, Tashkent State Agrarian University, Tashkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'lim o'yinlari va ularni o'quv jarayoniga qo'llash ahamiyati, xususan ingliz tili darslarida ta'lim o'yinlarining o'rni ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: ingliz tili, o'quv jarayoni, o'yin, ta'lim o'yinlari, samaradorlik, innovatsion faoliyat

Аннотация. В этой статье обсуждаются обучающие игры и важность их использования в процессе обучения, особенно роль обучающих игр на уроках английского языка.

Ключевые слова: английский язык, учебный процесс, игры, развивающие игры, эффективность, инновационная деятельность

Abstract. This article illustrates the importance of educational games and their application to the teaching process, particularly the role of educational games in English language lessons.

Key words: English, teaching process, games, educational games, efficiency, innovative activity

Gaming activity in the English class not only organizes the process of communication in a foreign language, but also brings it as close as possible to natural communication. The game develops mental and volitional activity. Learning games help relieve fatigue, overcome language and psychological barriers. Their use always gives good results, increases interest in the subject, and allows you to concentrate on the main thing - mastering the speech skills in the process of the natural situation of communication during the game[1].

Games are an active way to achieve many educational goals:

- to fix just passed material;
- the game is a very successful solution to repeat the past;
- the game is an excellent way to spur students, to make them work actively in the classroom, when they have to do less pleasant things;
- a game is a method of changing activities after a difficult oral exercise or other tedious activity;
- the game is an ideal opportunity to relax;

• games help to remove stiffness, especially if we exclude the element of competition from them or minimize it. A shy and weak student will feel more confident, and will participate in the game more actively if the goal of the game is just to have fun and not take points and win.

It is proved that the game is a traditional, recognized method of training and education. This is a unique means of non-violent teaching of children, as a friendly atmosphere and a situation of success is created. Thanks to games, all cognitive processes of students are activated: attention, memory, thinking, and creative abilities are developed. The use of gaming technology always gives good results, increases and maintains interest in the subject. Depending on the goals and objectives of the lesson, various games are used, in the process of consolidating educational material, at the stage of activation in the students' speech. Playing in a foreign language lesson is not just collective entertainment, but the basis for solving certain learning tasks at this stage - from the smallest speech skills to the ability to conduct independent conversation. We can formulate the following requirements for the game as a method of learning. Requirements for the game as a special kind of children's activities:

- compulsory awareness by children of the game result;
- children's awareness of the rules which will help achieve this result;
- the ability to select a specific action in the game with each child.

Requirements for the game as a way to achieve learning objectives:

- the need to accurately determine the formation of a skill, a skill that was absent from the child before the game, and which he acquired during the game;
- the need for mental effort.

Therefore, games make it possible to memorize material deeply and permanently. Games enhance the motivation to learn. Students are very active during the game, because no one wants to make it possible for a pleasant pastime to end quickly. Consequently, the games make them fight. The use of games in English lessons helps the teacher to more deeply reveal the personal potential of each student, his positive personal qualities (diligence, activity, independence, initiative, ability to work in cooperation, etc.), to preserve and strengthen learning motivation.

Reasonable use of games in the classroom and combining them with other methodological techniques contribute to the qualitative assimilation of the material and make the process of cognition, which becomes a need for students.

The game form of work makes it possible to repeat and consolidate the learned lexical units and typical phrases, to diversify the forms of the lesson and to maintain the attention of students in the lesson. A game serves as a means of improving the effectiveness of a lesson only when it is pedagogically and methodically focused. It is necessary to gradually introduce all new types and types of games, modify and complicate their content and material. While playing in English classes, students practice in speech activity, which is thereby automated and constantly expanding.

Depending on the goals and objectives of the lesson, various games can be used, they can be offered in the process of consolidating educational material, at the stage of its activation in the speech of students. Games are used as separate elements of the lesson or the whole lesson can be held in the form of a game with elements of competition between groups.

Grammar Games. Objectives:

- to learn to use the studied grammatical phenomena;
- develop students' speech creative activity.

1. Plurals. The teacher throws the ball to the child, calling the noun (part of the body or something else) in the singular. The child calls this plural noun and throws the ball to the teacher.

The teacher names sentences that are not true, for example: "We wear school uniforms when we go to the theater." Pupils correct phrases that are "wrong from their point of view": "We're not the school uniforms when we go to the theater."

Game physical lessons in English lessons

Preserving and strengthening the health of children in the classroom is not possible without the use of modern health saving technologies. This contributes to a variety of physical exercises. This prevents the fatigability of children and is a necessary moment in the lessons of a foreign language. To reduce the fatigue of children can, if you optimize physical, mental and emotional activity. For this you can use all sorts of tools to restore health. Forexample:

Handsup! Handsdown!
 Hands on hips! Sit down!
 Hands up! To the sides!
 Bend left! Bend right!
 One, two, three ...Hop!
 One, two, threeStop!
 Stand still!

In conclusion, I would like to note that educational games are based on the principles of collective work, practical utility, competitiveness, maximum employment of each student and unlimited prospects for creative activity. During the game, logical thinking, the ability to search for answers to questions posed, the ability to communicate with each other develop. The game occupies a special place in the process of active learning, being

both a method and a form of organization of training. The use of the game in English lessons is of great importance for the formation of new skills.

REFERENCES:

1. Sharafutdinova T.M. Learning games in English lessons // Foreign languages. - 2005. - № 8, -P. 46.
2. Konyshcheva A.V. Game method in learning a foreign language. - SPb. : Minsk: Four Quarters Publishing, 2006. –P. 192.
3. Zharkova L.A. Game physical lessons in a foreign language class // Foreign languages. - 2010. - № 1, - P. 24.

UO'K 81-13

ZAMONAVIY ERON BOLALAR YOZUVCHILARI

D.N. Nurboeva, oq'ituvchi, Toshkent davlat Texnika universiteti, Toshkent

Annotatsiya. XX asr insoniyat jamiyatida alohida ahamiyatga egadir. Urush, o'zaro kurashlar bilan birgalikda, inson ma'naviyati va marifati, ilm- fan, adabiyot va san'atning yangi o'ziga xos pallasiga chiqqan davridir. XX asrning 80- yillaridan boshlab butun dunyo adabiyotida o'ziga xoslik kuchaydi. Yangi-yangi asarlar yaratila boshlandi. Bu paytda eron bolalar adabiyotida ham bolalar uchun sevimli va qiziqarli bo'lgan hikoya va qissalar yozgan adiblar adabiyot sahnasiga kela boshladi.

Kalit so'zlar: bolalar yozuvchisi, bolalar uchun hikoyalar, yozuvchilar, ijod yo'nalishi

Аннотация. Двадцатый век имеет особое значение в человеческом обществе. Война, наряду с взаимной борьбой, - это период нового этапа в человеческой духовности и просвещении, в науке, литературе и искусстве. С 1980-х годов самобытность мировой литературы выросла. Начали создаваться новые произведения. В то же время на литературной сцене стали появляться писатели иранской детской литературы, которые писали рассказы и поэмы, которые также любили и развлекали дети.

Ключевые слова: детский автор, детские рассказы, писатели, творческое направление

Abstract. The twentieth century has a special significance in human society. War, along with mutual struggles, is a period of a new phase in human spirituality and enlightenment, science, literature and art. Since the 1980s, the originality of world literature has grown. New works began to be created. At the same time, writers of Iranian children's literature began to appear on the literary scene, writing stories and short stories that were also loved and entertained by children.

Keywords: children's author, children's stories, writers, creative direction

XX asr insoniyat jamiyatida alohida ahamiyatga egadir. Urush, o'zaro kurashlar bilan birgalikda, inson ma'naviyati va marifati, ilm- fan, adabiyot va san'atning yangi o'ziga xos pallasiga chiqqan davridir. XX asrning 80- yillaridan boshlab butun dunyo adabiyotida o'ziga xoslik kuchaydi. Yangi yangi asarlar yaratila boshlandi. Bu paytda eron bolalar adabiyotida ham bolalar uchun sevimli va qiziqarli bo'lgan hikoya va qissalar yozgan adiblar adabiyot sahnasiga kela boshladi. Chunki ushbu davrda bolalar uchun yaratilgan asarlar kam, o'quvchilarning talabi esa juda katta edi. Zamonaviy bolalar adabiyoti deyilganda **Samad Behrangi** [1] va uning "Kichkina qora baliqcha" (ماهى [2] سياه کوچولو) hikoyasi tilga olinadi. Eron bolalar adibi Samad Behrangi 1939- yil Tabrizda tavallud topgan va o'qituvchilik qilgan, qator pedagogik maqolalar va bolalar uchun hikoyalar yozgan. Ushbu hikoyalarda jamiyatdagi qashshoqlik, nohaqliklar haqida gapirgan. Shuning uchun uning hikoyalari ta'qiqqa uchragan. "Kichkina qora baliqcha" xuddi shu asnodagi asar hisoblanadi va yozuvchiga shuhrat olib kelgan. Ushbu maqolada yetakchi zamonaviy eron bolalar yozuvchilari va ularning asarlari haqida fikr yuritimiz.

Mehdi Azar-Yazdi o'z ijodini 1956 - yildan bolalar uchun kitoblar yozishdan boshlagan. Tarixan boy bo'lgan eron adabiyoti namunalarini (mumtoz eron adabiyoti) yosh avlodga oson tanishtirish maqsadida ushbu davrda yaratilgan namunalarini qayta yozgan va bolalar uchun oson va qiziqarli qilib shakllantirgan. Uning mashhur ushbu asari "Yaxshi bolalar uchun yaxshi hikoyalar" ([3] قصه های خوب برای بچه های خوب) deb nomlanib 8 jildidan iboratdir. Asar Kalila va Dimna, Guliston, Masnaviye- Ma'navi, Qobusnoma, Siyosatnoma, Sinbadnoma, Marzbonnoma, Jamiul-hikoyat, Shams Tabrizi hikoyalari, Quron kabi buyuk Shoh asarlardan tarkib topgan va 1966-yil UNESCO tomonidan taqdirlangan. Dunyoning bir necha tillariga tarjima qilingan. Yozuvchining o'zi ushbu asari haqida shunday degan: "35 yoshimda Yazdni(yurtimni) tark etdim. Kalila va Dimnani o'qishni boshladim. Uni tushunish juda qiyin edi, shundan so'ng bolalar tushunadigan tilda Shoh asarlarni qayta yozishga kirishdim. Pul uchun emas, faqat eng zo'r ish bo'lishi uchun. Shu tariqa "Yaxshi bolalar uchun yaxshi hikoyalar" dunyoga keldi".

Xushang Murodi Kermoniy 1944-yil Kermonda dunyoga kelgan, eron bolalar va o'smirlar adibi hisoblanadi. 2014-yil har ikki yilda bir marotaba taqdirlanadigan Xans Kristian Andersen mukofotining **finalisti** [4] (oxirgi bosqichigacha yetib kelgan nomzod) hisoblanadi. Uning bir qancha romanlari asosida serial va filomlar ishlangan va muvaffaqiyat keltirgan. "Majidning ertaklari" (قصه های مجید), "Etik" (چکمه), "Tandir" (تنور), "Shirin murabbo" (شیرین مربای) kabi asarlari yosh kitobxonlar orasida sevilib o'qib kelinmoqda. Kitoblari ingliz, nemis, fransuz, ispan, arab, arman tillariga tarjima qilingan. 2018 yil Astrid Lindgren (bolalar yozuvchilari mukofoti) ga nomzodi qo'yilgan [5]. 1992-yil Xans Kristian Andersen mukofotiga nomzod bo'lib faxriy diplomga ega bo'lgan. **Farhod Xasanzoda** 1962- yil Obodon shahrida tug'ilgan. 100 dan ortiq asarlar yaratgan bo'lib, mazmunli va qiziqarli asarlari bilan kattayu kichik kitobxonlarni birday ko'nglidan joy olgan. Ko'pgina kitoblari mukofotlangan, asarlari ingliz, turk, xitoy, arman, arab, malay va boshqa tillarga tarjima qilingan. 2017, 2018 va 2020- yillarda

Astrid Lindgren (bolalar yozuvchilari) mukofotiga nomzodi qo'yilgan. 2018, 2020- yillar esa Xans Kristian Andersen mukofotining oxirgi bosqichigacha yetib kelgan va Gretsiyada o'tkazilgan uchrashuvda diplom bilan taqdirlangan. "Borsan" (هستی), "Meni go'zal deb ata" (زیبا صدایم کن) kabi romanlari yuqori baholanib qator mukofotlarga sazovor bo'lgan. زیبا صدایم کن smirlar uchun yozilgan asari Arabistonda, Turkiyada, Armanistonda va tez orada Xitoyda ham chop etiladi. Roman g'oyasining kuchliligi va barcha yoshdagi kitobxonlar uchun qiziqarli va kerakli deb topilganligi uchun yuqori yutuqlarga erishgan, boshqa millat o'quvchilarining ham ko'nglidan joy olib bo'lgan. Shuningdek, "Borsan" (هستی) o'smirlar va kattalar uchun mo'ljallangan bu roman turk, xitoy va arab tillariga tarjima qilingan va qator mukofotlar bilan taqdirlanib asar saviyasi yuqori baholangan. Yozuvchining [6] "Oq kapalakli soyabon" (چتری با پروانه های سفید) ispan tiliga tarjima qilinib Ispan kitobxonlariga ham yetib bordi. "Kuti Kutining hikoyalari (قصه های کوتی کوتی) yosh bolalar uchun yozilgan bu hikoyalar to'plami ham ingliz, turk tillariga tarjima qilingan va tez fursat ichida Turkiyada chop etiladi va turkiyzabon kitobxonlarga yetib boradi. **Jafar Ibrohimi** -1951 yil Ardabil qishlog'ida tug'ilgan. *Shahed* taxallusi ijod qiluvchi bolalar va kattalarning sevimli ijodkoridir. She'r va hikoyalari maktab darsligidan o'z o'rmini egallagan. Eron Islom Respublikasining "Yilning eng yaxshi kitobi" mukofoti, "Eron bolalar kitobi kengashining eng yaxshi kitob mukofoti", "Bolalar va yoshi kattalar intellektual rivojlanish instituti" (Kanoon) ning kitob festivalidan eng yaxshi kitob mukofoti, "Tanlagan yil kitobi" Soroushe Nojavan jurnali tomonidan tanlangan va taqdim etilgan. Jafar Ibrohimi ham (**rewrite**) qayta yozish uslubida bir qancha asarlari yaratdi. Qayta yozilgan asarlarni ko'payishi va buni yozuvchilar orasida urf bo'lishi **rewriting**ning janr sifatida shakllanishiga olib keldi. Qayta yozishni ommalashishiga asosiy omil bu shoh asarlar deb tan olingan adabiyot namunalari sodda va tushunarli tilda nafaqat bolalarga, balki aholining barcha qatlamlari uchun tushunarli bo'lgan tilda yozish edi.

O'z-o'zidan ma'lumki, eron bolalar adabiyotining salmoqli qismini folklor namunalari: ertak, masal, hikoya, rivoyat, topishmoq, tez aytishlar tashkil qiladi. Eron bolalar adabiyotini nafaqat shu millatning o'ziga, balki butun dunyoga ko'rsatib berayotgan, tanitayotgan muhojirlikdagi eron adibalarining xizmatlari hurmatga sazovordir. Eronda tug'ilib, ma'lum sabablarga ko'ra boshqa davlatlarga ko'chib ketgan va o'zga davlatlarda katta yutuqlarga erishgan bo'lsada, o'z millati qadriyatlarining bardavom bo'lishi uchun sadoqat bilan xizmat qilayotgan ayol yozuvchilarning ishlarini qahramonlikka qiyoslash mumkin. Ana shunday adibalardan biri Mina Javaherbindir [7]. Eronda tug'ilgan va AQSHga ancha yillar oldin kelib qolgan bu adiba hozirgi kunda Janubiy Kaliforniyada yashaydi. Asl kasbi arxitektor bo'lsa-da, hozirda badiiy ijod bilan mashg'ul. Adiba o'zining ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalarida aytishicha, bolalar uchun yozilgan asarlarni sevadi va bolaligini o'sha buvisidan eshitgan ertaklarsiz tasavvur eta olmaydi. Uning yozgan kitoblari ko'p bo'lmasa-da, deyarli barchasida eron folklori, buvisidan eshitgan ertak, masal, hikoyatlari to'plangan. Quyida uning ayrim kitoblari bilan tanishish mumkin. XIII asrda yashagan faylasuf Rumiyning "Tuti va sotuvchi" ertagi [8]. Muallifning o'zi bu haqda shunday deydi: "Butun dunyo tanigan, bilgan Rumi asarlarini fors tilida o'qib o'rganganimdan faxrlanaman. Mumtoz asarlar doimo yangi va o'zgachadir, u Motsart musiqalaridek yangi yangi ma'no va mazmunga boydir". My Grandma and Me (Buvim va men). Muallif buvisini juda sevadi, u bilan o'tkazgan bolaligini, buvisi aytib bergan eron hikoya va ertaklarini qadrlaydi. U eronda tug'ilib, ulg'aygan va ko'rgan barcha oilaviy, milliy urf-odatlarini mazkur kitobda aks ettirishga harakat qilgan. 2019-yil kutubxonlarga taqdim etilgan mazkur asar bir qancha jurnallar tomonidan yuqori baholangan. "Kirkus Reviews" jurnalida chop etilgan maqolada bu kitob haqida shunday fikrlar berilgan: "Sevgi, bolalik sarguzashtlari, din va urf-odatlar, inqilobdan oldingi muallifning buvisi haqidagi xotiralari asarning markaziy qismidir" SLJ (Sharol Library Journal) jurnalida esa: "Ushbu kitob yaqinlarni, qo'ni-qo'shni, qarindosh, oilani mehr-oqibat, mehmondo'stlik munosabatlariga undaydi, ushbu qadriyatlar tarannum etilgan asar dunyo kitobxonlari tomonidan olqishlanadi" deyilgan. "Shelf Awareness" jurnalida esa "Buvilar kelajak avlod uchun dunyoni quradilar" deyiladi. Elephant in the Dark (Qorong'ulikdagi Fil) 2015-yil nashr qilingan bo'lib, 2016-yil "Bank street college" da "yilning eng yaxshi bolalar kitobi" mukofotini olgan va yapon tiliga tarjima qilingan. Klassik adabiyot namoyondasi faylasuf va shoir Rumi asarlari asosida yozilgan mazkur asarga Horn Book, School Library Journal, Publisher Weekly jurnallarida ijobiy ta'riflar berilgan. "The secret Message" (Sirlı xabar). Ushbu kitob qadimgi fors she'riyatiga asoslanib kuchli birdamlik, sayohatlar va inson istaklarining ro'yobga chiqishi haqida hikoya qiladi. Hazil-mutoiba va jonli tasvirlar yoritilgan ushbu maftunkor ertak o'quvchini Yaqin sharq madaniyati, adabiyoti va tarixi bilan tanishtiradi. Yapon va xitoy tillariga tarjima qilingan bu asar AQSH maktablarida sinfda o'qitiladigan Mc Craw Hill matnlar antologiyasiga kiritilgan. Bundan tashqari muallifning bolalar adabiyotiga kiruvchi va bolalar uchun yozilgan qator asarlari mavjud. Eron folklorini dunyoga tanitgan adibalardan yana biri Marjane Satrapiy bo'lib, u 1969-yil Eronning Rash viloyatida tug'ilgan. Hozirda Parijda yashab ijod qilib kelmoqda. Yevropalashgan eron oilasida tug'ilib o'sganligi sabab, 1984-yil ota-onasi Avstriyaga jo'natib, o'sha yerga maktabga beradi. 19 yoshida Tehronga qaytib kelib, 1993-yil turmush qurib yana Yevropaga qaytib ketadi. U san'atni sevganligi uchun ushbu sohada ijod qilib kelmoqda. Bolalar va o'smirlar yozuvchisi, rassom, animator sifatida o'z asarlarini tomoshabinlarga taqdim etib kelmoqda. Uning "Persepolis I", "Persepolis II" asarlari 2003 yilda ingliz tilida (avvalroq esa fransuz tilida) chop etilgan. Bu asar grafikroman deb atalib, 1980-1988 yillardagi Eron-Iroq urushi davridagi bolalik xotiralarining nasriy bayonidir. Muallif rejissor sifatida ushbu asari asosida film suratga oldi. "Persepolis" va "Embroideries" (Kashtado'zlar) asarlari Satrapiyning onasi, buvisi va boshqa ayol qarindoshlari tomonidan so'zlab berilgan hikoyalardan iboratdir. Shuningdek muallifning ingliz va fransuz tillarida chop etilgan va sevib o'qiladigan "Monsters are afraid of Moon" (Hayvonlar oydan qo'rqadilar) va "Chicken with Plums" [9] (Jo'ja va olxo'ri) kabi bolalar uchun yozilgan asarlari ham mavjud. Yana bir muhojirlikdagi adiba Sahar Dilijani 1983-yil Eronning Evin qamoqxonasida dunyoga kelgan. Ota-onasi 1979-yilgi inqilobdan so'ng, islom

tuzumiga qarshi tarafdorlar sifatida ayblanib qamoqqa olingan. 1996-yil 12 yoshligida oilasi bilan AQSHning Shimoliy Kaliforniya shtatiga ko'chib kelishadi. Universitetning qiyosiy tilshunoslik fakultetini tamomlaydi. Uning ilk romani "Children of the Jacaranda Tree" (Jakaranda daraxtining bolalari) muallif tug'ilgan qamoqxona va undagi ayollar hayoti haqidadir. Asarda inqilobdan keying Erondagi ahvol tasvirlanadi. Asarda bolalar, onalar, otalar orzu-istaklari; his- tuyg'ulari aniq va tushunarli tasvir vositalari bilan ko'rsatiladi. 2013-yilda chop etilgan bu asar dunyo kitobxonlari tomonidan a'lo darajada kutib olindi. Roman 75 ta davlatda ingliz tilida chop etildi va 30 dan ortiq tillarga tarjima qilindi, 20 dan ortiq mukofotlarni qo'lga kiritdi. Muallif ingliz, fransuz va nemis tillaridan tashqari bir qancha tillarni bilgani uchun ushbu tillarda bema'lol ijod eta oladi. Romanda muallifning bolaligi va onasining qamoqdagi hayoti bolalarcha beg'ubor xotiralar bilan emas, balki achchiq va azobli tasvirlar bilan hikoya qilinadi. Muhojirlikda yashab ijod etayotgan eron adibalaridan tashqari haqiqiy so'z san'ati ixlosmandlari, eron folklori shaydolari ham borki, ular orasida eron folklor namunalari yig'ib, kitob qilib chop ettirgan amerikalik folklorshunos Donna Ja Napolining nomini keltirib o'tish joiz. Uning "The Earth Shook: A Persian Tail" eron folklori namunalari tanlangan majmuasidir. Butun dunyo xalqlari folklori namunalari yig'ish jonu dili bo'lgan ingliz bolalar yozuvchisi Elizabet Laird ham "Pea boy and other stories from Iran" (No'xat bola va boshqa eron xalq ertaklari) eron xalq folklori namunalari o'zida mujassam etgan to'plamni chop ettirdi.

Yuqorida sanab o'tilgan bolalar yozuvchilari nasrda ijod qilgan bolalar va o'smirlar uchun hikoya va romanlar yozgan ijodkorlardir. Bu qatorni uzoq davom ettirish mumkin. Eron adabiyotida bolalar va o'smirlar adabiyoti yetakchi o'rinda va alohida rivoj topgan adabiyotdir. Butun dunyo bolalari uchun qiziqarli va ta'sirli asarlar yaratilgan va bu davom etmoqda. Ushbu asarlarni tajima qilib o'zbek yosh kitobxonlariga tanishtirish esa tadqiqotimizning asosiy maqsadlaridan biridir va bu adabiyotimiz uchun foydadan holi bo'lmaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hillman, Michael. "Behrangī, Samad"
2. A Brief Note on Samad Behrangī's Life by Iraj Bashiri
3. "Iran's "Good Stories for Good Children" available in Chinese". Tehran Times. 2008-07-05. Retrieved 2008-07-16
4. "2014 Awards". *Hans Christian Andersen Awards*. International Board on Books for Young People (IBBY). With contemporary material including the 17 March 2014 shortlist press release. Retrieved 23 March 2014.
5. "Moradi Kermāni's "The big clay jar" travels to Taiwan". Iran Book News Agency (ibna.ir). 30 December 2009. Retrieved 26 March 2010
6. <http://farhadhasanzadeh.com/blog/>
7. <https://amp.theguardian.com>
8. The Parrot and The Merchant poem by Jalaledin Mohamad Balkhi Rumi
9. PBS News Hour. Graphic Novelist, director Marjane Satrape

UO'K 81-13

O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGI TARIXIDA YANGI METODIKA YARATISHDAGI IZLANISHLAR

G.Qodirova, magistrant, Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada o'zbek adabiyotshunosligida turli davrlarda mavjud bo'lgan muammolar va ularga bo'lgan munosabat, adabiyotshunos olimlar va adiblar tomonidan amalga oshirilgan ishlar tadqiq etiladi. Mavzuni o'rganishda ijodkor yashagan muhit, ijtimoiy-siyosiy hayot kabi masalalar ham e'tiborga olindi.

Kalit so'zlar: adabiyot nazariyasi, adabiyot tarixi, adabiy tanqid, tazkira, risola, sinfiy kurash, burjuva adibi, zararli asar

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы узбекской литературы в разные периоды и их взгляды, а также работа литературоведов и писателей. При изучении темы также учитывались такие вопросы, как творческая среда и общественно-политическая жизнь.

Ключевые слова: теория литературы, история литературы, литературная критика, tazkira, брошюра, классовая борьба, буржуазный писатель, вредный труд

Abstract. The article examines the problems of Uzbek literature in different periods and their attitudes, the work done by literary scholars and writers. Issues such as the creative environment and socio-political life were also considered in the study of the topic.

Keywords: literary theory, literary history, literary criticism, tazkira, pamphlet, class struggle, bourgeois writer, harmful work

Adabiyotshunoslik badiiy adabiyotni, uning mazmun-mohiyati, o'ziga xos xususiyatlari, paydo bo'lish va rivojlanish bosqichlari, ijtimoiy funksiyasi, ijodiy jarayon qonuniyatlarini o'rganadigan fan. U bir-biri bilan uzviy bog'liq bo'lgan 3 bo'limni: adabiyot nazariyasi, adabiyot tarixi va adabiy tanqidni o'z ichiga oladi.

Adabiyotshunoslikning ildizi maqol, qo'shiq, doston singari xalq og'zaki ijodi namunalari yuzasidan bildirilgan ilk mulohazalarga borib taqaladi. Masalan, Mahmud Koshg'ariyning «Devonu lug'otit turk» asaridan joy olgan matallarga, badiiy so'z unsurlariga ilmiy-tekstologik munosabat, o'sha davr adabiy janrlari haqidagi fikrlar adabiyotshunoslikning olis tarixidagi ko'rinishidir. Adabiyotshunoslik ilmiga oid teran qarashlar Forobiyning «She'r san'ati...» kitobida mufassal bayon qilingan. Unda she'riy asarning yaralish tabiati, ijodkor shaxsi va mahorat muammolari, so'z qadri xususida fikr yuritiladi. 11-asrda yashagan adabiyotshunos olim Abdulqodir Jurjoniyning «Asror ul-balog'a fi- ilmi bayon» («Bayon ilmida balog'at sirlari») asarida so'z san'atidagi

shakl va mazmun masalasiga alohida urg'u berilsa, 13-asrda yashagan qomusiy olim Kays Roziyning «Kitob ul-mo'jam fi-maoyiri ash'or il-ajam» («Ajam she'riyati me'yorlari qomusi») kitobida nazariy masalalar — aruz tizimi, poetik san'atlar, she'riy janrlar tahlil etilgan. Kaykovusning «Qobusnoma»sidan (XI-asr) esa, she'r jamiyatning turli qatlamlari estetik talablaridan kelib chiqib yaratilishi, badiiy asar, albatta, ta'sirchan bo'lishi lozimligi haqidagi mulohazalar o'rin olgan.

Adabiyot tarixi yo'nalishida muayyan xalq (xalqlar, mintaqa, jahon) badiiy adabiyotining tarixiy taraqqiyoti hamda yozuvchi-shoirlarning hayot va ijod yo'li chuqur o'rganiladi. Jumladan, o'zbek milliy adabiyoti bosib o'tgan uzoq tarixiy yo'l, zamon, siyosat va adabiy jarayon munosabatlarining o'ziga xosliklari, u yoxud bu ijodkorning ushbu jarayonga ko'rsatgan ta'siri yuzasidan ko'plab tadqiqotlar yaratilgan. Adabiyotshunoslik tarixida XII-asrda yashagan shoir va adabiyotshunos Nizomiy Aruziy ibn Umar Samarqandiy, XV-asr adabiyotshunos olimlari Atoullah Husayniy, Zamaxshariy, Xondamir, Vosifiy asarlari muhim ahamiyatga egadir. O'zbek adabiyotshunosliging takomili Navoiy ijodiy faoliyati bilan chambarchas bog'liq. O'zbek tilidagi tazkira janriga asos solgan «Majolis un-nafois» («Go'zal majlislar») ilk o'zbek adabiy qomusi hisoblanadi. Ushbu asarda Navoiy deyarli yarim asr mobaynida o'ziga zamondosh bo'lgan 469 shoir, olim, bastakor, hattot, she'riyat homiylari haqida ma'lumot beradi, badiiy mahorat, san'atkorning ijtimoiy burchi, poetik janr masalalarini yoritadi. Navoiyning «Holoti Pahlavon Muhammad», «Holoti Sayyid Hasan Ardasher», Jomiya bag'ishlangan «Xamsat ul-mutahayyirin» («Besh hayrat») singari asarlari adabiy portretning dastlabki namunalaridir. Uning «Mezon ul-avzon» («Vaznlr o'lehoivi») asarlarida aruzning nazariy, amaliy masalalari tadqiq etilgan. Husayn Boyqaro esa, o'z navbatida, Navoiyning betakror mahorati, u yaratgan adabiy muhit, davr adabiy jarayoni haqida ma'lumot beruvchi risola yaratgan. Zahiriddin Muhammad Bobur «Muxtasar» kitobi bilan Navoiydan so'ng aruz ilmi tadqiqini yangi bosqichga ko'tardi. Bu kitobda aruzning 20 dan ortiq bahri, 530 dan ortiq vazni haqida ma'lumot beriladi. O'zbek adabiyotshunosligining keyingi davrlardagi yo'nalishini, asosan, tazkiralr belgilaydi. Jumladan, XIX-asr boshlarida Fazliy rahbarligida she'riy shaklda yaratilgan «Majmuai shoiron» («Shoirlar guruhi») tazkirasida Qo'qon xoni saroyiga to'plangan ijodkorlar haqida nisbatan to'liq ma'lumot beradi. Ahmad Tabibiyning she'riy shakldagi «Majmuat ash-shuaro'i Feruzshohiy» («Shoh Feruz shoirlari guruhi») hamda «Muhammasoti majmuat ush-shuaro'i Feruzshohiy» («Shoh Feruz shoirlari guruhining muxammaslari») tazkiralarda ijodkorlarning asarlari janrlarga bo'lib o'rganiladi (XX-asr boshi). Birinchisida g'azallar, ikkinchisida muxammas va musaddaslar tahlil etiladi. Matbuot va noshirlik ishlarining rivoji XIX-asr oxiri — XX-asr boshlarida o'zbek tanqidchiligi, adabiyotshunosligi uchun yangi imkoniyatlarni vujudga keltirdi. Ayniqsa, adabiy tanqidda uyg'onish ro'y berdi — harakatdagi adabiy jarayonni, yozuvchi ijodini, adabiy muammolarni davrning ma'naviy va estetik talablari, ommaning ruhiy ehtiyojlaridan kelib chiqib o'rganish, adabiyot taraqqiyotidagi, ijodkor mahoratidagi yangiliklarni kashf etish, kamchiliklarni baholi qudrat ko'rsatish boshlandi. Hoji Muin, Mirmuhsin Shermuhamedov, Behbudiy, Abdulhamid Cho'lpon, Abdurauf Fitrat, Ashurali Zohiriy, Vadud Mahmudlarning maqolalarida so'z san'ati oldida turgan muhim ijtimoiy vazifalarga urg'u berildi, adabiyot rivojini millat, Vatan, istiqbol, mustaqil yurt uchun kurashuvchi yangi insonni tarbiyalash masalalari bilan bog'lashga harakat qilindi. Cho'lponning «Adabiyot nador?» (1914) maqolasida o'rtaga tashlangan «Adabiyot yashasa — millat yashar» degan g'oya milliy uyg'onish uchun ham da'vat bo'ldi. 20-yillar o'rtalarigacha adabiyotshunoslik, asosan, adabiy tanqid doirasida faoliyat ko'rsatdi. Shu paytlardan e'tiboran sho'ro hukumati uni o'z yo'rig'iga sola boshladi. Ijod mahsulini baholashda mafkura, o'tkinchi siyosat bosh mezonga aylandi. Adabiyot va adabiyotshunoslikdan bir yoqlama dunyoqarash bilan qurollanish, voqelik va uning badiiy in'ikosi bo'lmish san'atga faqat sinfiy kurash, sho'rolar mafkurasi nuqtai nazaridan turib yondashish talab qilindi. Bularga qo'shimcha, mumtoz adabiy merosdan voz kechish tamoyili hukm surdi. Yassaviy, Navoiy, Bobur, Mashrab, Hofiz, Rumi, Huvaydo singari shoirlar yaratgan ma'naviy mulk o'quvchiga keraksiz, hatto, ziyonli deb e'lon qilindi. Abdurauf Fitrat, Otajon Hoshim kabi adabiyotshunoslar bunday qarashlarga qarshi chiqib, madaniy merosni himoya qilishga urindilar. Shu yillari, muayyan kamchiliklardan holi bo'lmasada, dastlabki nazariy qo'llanma — adabiyotshunos Abdurahmon Sa'diyning «Amaliy, ham nazariy adabiyot darslari» (1924) yaratildi. Fitratning «Adabiyot qoidalari» (1926) darsligida esa o'z davri Sharq va G'arb adabiyoti nazariyasi muammolari yoritildi. Shu muallifning «O'zbek adabiyoti namunalari» kitobida O'rxun-Enasoy bitiklari, «Alpomish», «Kitobi dadam Qo'rqu», «Devonu lug'otit turk»dan parchalar berildi, Yassaviy, Boqirg'oni, Lutfiy, Atoiy, Navoiy, Bobur asarlaridan misollar keltirildi. 20-yillar oxiri — 30-yillar boshlarida sho'ro adabiy siyosatida partiyaviy tazyiq ostida sinfiy dushman axtarish ruhi kuchaydi, ijod erkinligi bo'g'ildi, vulgar sotsiologizm ko'rinishlari avj oldi. Abdulla Qodiriyning «O'tgan kunlar», «Mehrobdan chayon» romanlari zararli asar deb, muallifning o'zi esa burjua adibi deb qoralandi. 30-yillar o'rtasidan markaz Yozuvchilar uyushmasi qurultoyining qarori bilan rasmiy kuchga kirgan sotsialistik realizm metodi haqidagi aqidaning keng joriy etilishi oqibatida o'zbek adabiyotshunoslikga partiyaviylik, sinfiylik, g'oyaviylik, shaklan milliy, mazmunan sotsialistik degan tushunchalar chuqur singib bordi. Mumtoz adabiyotga munosabatda uni saroy adabiyoti, diniy-klerikal adabiyot, reaksion yoxud progressiv deya bir xalq adabiyotini ikkiga ajratib talqin etish, ijodkorlar va ularning merosini sinfiy qarshilantirish tamoyili urfga kirdi. O'ziga xos yondashuv va tahlilni talab etadigan Yassaviy, Boqirg'oni, Boyqaro, Mashrab, Huvaydo, Amiriy, Feruz (Muhammad Rahimxon) kabi shoirlar merosi batamom qoralandi, ular ijodini o'rganish deyarli man qilindi. Sho'ro mafkurasining zug'umi, tanqid va adabiyotshunoslikning jiddiy xatolari tufayli Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Fitrat, So'fizoda, Elbek, Botu, Usmon Nosir singari shoir va yozuvchilar, Otajon Hoshim, Vadud Mahmud kabi adabiyotshunoslar jisman yoxud ma'nan mahv etildilar. O'sha yillardagi nisbatan ijobiy faktlar sifatida So'fizoda, Oybek, G'afur G'ulom, Hamid Olimjon haqida adabiy portretlar yozilganini, Izzat Sultonning «Adabiyot nazariyasi» darsligi va boshqa monografiyalar

nashr etilganini qayd etish mumkin. Biroq 40-yillar oxiri — 50-yillar boshlarida adabiyotshunoslik fani kosmopolitizmga qarshi kurash, yagona oqim, konfliktsezlik nazariyasi deb nomlangan xato yo'llarni bosib o'tishiga ham to'g'ri keldi. Ayni shu yillari Oybek, Maqsud Shayxzoda va boshqa mualliflarning tarixiy yo'nalishdagi asalari yaratildi.

Ma'naviyatimiz tarixida shunday sarchashmalar borki, ularni har gal mutolaa qilganingizda yangicha zavq, olam-olam taassurot olasiz, bilimingiz teranlasha boradi. Mashhur adabiyotshunos, shoir hazrat Navoiyning nazari tushgan alloma Davlatshoh Samarqandiyning «Tazkirat ul shuaro»si ana shunday obidalardan biri.

Davlatshoh Samarqandiy yoshligidan ilm o'rganish bilan jiddiy shug'ullanib, zamonasidagi diniy hamda dunyoviy bilimlarda kamolot kasb etadi. Fazlulloh Samarqandiy qo'lida tahsil ko'radi, arab tili va adabiyotini puxta o'rganadi. Shundan so'ng u Hirotga kelib Husayn Boyqaro saroyiga xizmatga kiradi, Andxo'y jangida sarboz sifatida ishtirok etadi. Navoiy amir Shayhim Suhaylilar bilan oshnolik paydo qiladi. Ammo tez orada bu vazifani tark etib, «ajdodlari amirzoda», o'zi barcha sohada «kamolot kasb etgan» (Navoiy) bo'lishiga qaramay, umrining oxirigacha dehqonchilik bilan shug'ullanib, taxminan 1495-1498 yillar orasida vafot etgan.

Alisher Navoiyning ma'lumotiga qaraganda, Davlatshoh ruboiy, g'azal, qit'a, masnaviy, qasida, tarix, marsiya janrlarida yaxshi she'rlar bitgan iste'dod egasi bo'lgan. Uning qasidalarini vasfiy mohiyatiga ega bo'lib, Jomiy, Husayniy, Navoiy kabi zamondoshlariga bag'ishlangan. Aftidan Davlatshoh forsiy va turkiy tillarda barobar ijod qilganga o'xshaydi. Zeroki, uning bisotida parokanda o'zbekcha baytlar, bir mulamma' uchraydi. Davlatshoh she'rlarida ko'proq ijtimoiy, falsafiy, axloqiy-tarlimiy masalalar o'z aksini topgan. Tajnis, majoz, tazod kabi san'atlardan zo'r mahorat bilan foydalangan. Quyidagi ruboiy fikrimizni tasdiqlaydi:

Ey hamnafason, achab sarost chahon,

Boshed az in saroy badmehr chahon,

In ast dar in chahoni dun kori mehon,

Chun kori mehon chunin buvad, voy kehon.

(Ey hamnafaslar, bu jahon ajoyib bir saroydir, bu mehirsiz saroydan ehtiyot bo'ling, bu jahonda ulug'larni ishi teskaridir, shunday bo'lgach, kichiklarning holiga voy).

Bu xushta'b shoir va nuktafahm olimga jahoniy shuhrat keltirgan asar «Tazkirat-ush-shuaro»sidir. Davlatshoh Samarqandiy bir umr dehqonchilik bilan shug'ullangan bo'lsa-da, muttasil tarzda zamonasigacha bo'lgan forsiy she'riyatning tarixiga doir dalillarni jamladi, majmua, devonlarni ko'zdan kechirdi, o'zigacha yashab o'tgan shoirlarning hayoti, faoliyati, ijodiga doir sarchashmalarni o'rgandi; Saljuqiylar davri adabiyotshunoslari Abu Tohir Xotuniy, Nizomiy Aruziylarning asarlaridan fayz topib, 1487 yili «Tazkirat-ush-shuaro» asarini yozib tugatdi va Alisher Navoiyga taqdim etdi. Muallif tazkirasini yozishda unda zikr etilgan adiblarning o'z asarlaridan tashqari «Tarixi Bayhaqiy», «Masolik va Mamolik», «Hadoyiq-us-sehr», «Tarixi Guzida», «Tarjimon-ul-balog'a», «Suvari aqolim», «Tazkirat-ul-avliyo», «Nizom-ut-tavorix», «Javome'ut-tavorix», «Tarixi Juvayniy», «Xulosa Banokatiy», «Maqomati Nosiriy» kabi o'nlab manbalaridan keng istifoda etgan. Lekin negadir muallif bizgacha yetib kelmagan yoki hali qo'lyozmasi topilmagan «Manoqid-ush-shuaro»ni eslab o'tgan holda, Muhammad Avfiyning «Lubob-ul-albob» tazkirasini qayd etmagan.

«Tazkirat-ush-shuaro»da o'tmishda yashagan 153 ta va zamondoshlaridan 7 ta shoirning hayoti hamda ijodiy faoliyati haqida ma'lumot berilgan. Adib asar muqaddimasida she'ning paydo bo'lishi haqida batafsil ma'lumot berib, arab shoirlaridan 10 nafarini zikr etadi. Xotimada esa, zamondoshlarining hayoti, faoliyati va adabiy merosini zikr etadi. Bundan tashqari, Davlatshoh u yoki bu adabiy muhit doirasining zabardast vakili to'g'risida fikr yurita turib, o'sha doira va maxfilda umr surgan 120 ijodkorlar haqida ham yo'l-yo'lakay bo'lsa-da qiziqarli dalillar keltirgan. Ibn Sino, Umar Hayyom, G'azzoliy, Kaykovus, Nasriddin Tusiy, Alaxastiylar xususidagi ma'lumotnomalar alohida fasllarni eslatadi. Bundan tashqari adibning Saolibiy, Faxriddin Roziy, Abu Suhayli Sa'lukiy, Avhaduddin Kirmoniy, Muhammad Ko'histoniy, Sadrush Shuaro Buxoriylar haqidagi dalillari ham diqqatga molik.

Eng muhimi shundaki, Davlatshoh qalamga olgan har bir shoiri haqida iloji boricha mukammalroq ma'lumot berishga – ismi sharifi, laqabi, tug'ilgan yeri, ajdodi, ilm o'rganish bobidagi riyozati, kasb-kori, necha yil umr ko'rgani, vafoti tafsili, qabrining o'rni, ustozlari, shogirdlari, mamduhu homiysi, moddiy ahvoli, merosi, asarlarining nomi, janr tabiati, mavzu doirasi, til va uslubi haqida batafsil fikr yuritishga intiladi, u yoki bu adibning fe'li, hayotidagi nozik daqiqalar, xarakter, ruhiyatiga doir qiziqarli dalillarni keltirib o'tadi. Shunisi diqqatga molikki, Davlatshoh biron bir adibning ijodi va hayotiy faoliyati haqida fikr yurita turib asarlarining tarqalishi, devonining mavjud yoki mavjud emasligi, xalq tomonidan sevib o'qilishi, buyuklarning nazari tushganligi, unga payravlik qilgan ijodkorlar, ba'zi bir janrlarning paydo bo'lishi, xullas, adabiy jarayonning barcha jabhalarini yoritishga harakat qilgan.

Davlatshoh Samarqandiy Husayniy, Navoiy kabi o'zbek shoirlari ijodiga keng to'xtash bilan birga Bundori Roziy, Mas'ud Sa'di Salmon, Amir Shayxim Suhayliy singari ikki va uch tilda barobar asarlar yaratgan ijodkorlar haqida ham qiziqarli dalillar keltirgan. Bu xislat tazkiraning Sharq xalqlari ma'naviyatidagi zullisonaynlik an'anasi, mulamma' janri tarixini o'rganishdagi ahamiyati ham beqiyos ekanligini ko'rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, shoir va adabiyotshunos Davlatshoh Samarqandiyning «Tazkirat-ush-shuaro» asari fors-tojik hamda o'zbek adabiyoti tarixini o'rganishdagina emas, balki butun Sharq xalqlari tarixi, madaniyati, ilmi, adabiy-estetik qarashlari tarixini o'rganishda ham tengsiz kitobdir. Buni muallifning juda ko'p adiblar haqida gapirganda «She'r ilmida mohir», «aruz haqida risola bitmish», «She'riy san'atlar haqida kitobi bor», «Ilmi she'rda saromadi ro'zg'or edi», «Muammo fanida risolalar tasnif etgan» singari fikrlari ham tasdiqlaydi. Davlatshoh ijodini

1) **аллегорик рамзлар** - жонзодлар номлари орқали ифодаланувчи рамзлар (шер, тулки, хумо); 2) **фитонимик рамзлар** - ўсимлик номлари ва уларга оид тушунчалар орқали ифодаланувчи рамзлар (чучмома, чинор); 3) **нарса-буюмлар номларини билдирувчи рамзлар** (узук, тақа, тоғ); 4) **ранг-тус рамзлари** - ранглар орқали ифодаланган рамзлар (қизил, сариқ, мовий); 5) **сон-рамзлар** (“уч”, “етти”, “қирк”); 6) **табиат ҳодисалари ва самовий жисмлар** орқали ифодаланувчи рамзлар (шамол, қор, Қуёш); 7) **вақт (пайт)** маъносидаги сўз-рамзлар – вақт билдирувчи, йил фасллари билан боғлиқ номлар ифодалаган рамзлар (тонг, тун, баҳор); 8) **шахс ва жой номлари** орқали ифодаланган рамзлар (Мажнун, Қарбало дашти).

Юқоридагилардан ташқари, рамз ифодаловчи лингвистик бирликларни тузилишига кўра, сўз туркумлари доирасида, гапдаги синтактик вазифаларидан келиб чиқиб ҳам таснифлаш мумкин. Буларнинг барчаси рамзларнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа белгилардан фарқли томонларини аниқлашга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аберкромби Н.А., Тернер Б.С., Хилл С. Социологический словарь. – М.: 2000. – с. 286.
2. Авдеев В.И., Арапов А.В., Выставкин А.В. и др. Энциклопедический словарь по культурологии. - М.: Центр, 1997. – с. 346.
3. Виноградов В.В. Избранные труды. О языке художественной прозы. - М., 1980. - С. 240-249
4. Гузенко И.В. Христианская символика в русском языке: вербализация, функционирование, эволюция. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. М., 2009 г.
5. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. «Наука» Ленинградское отделение. Ленинград. 1977, 408 стр.
6. Змановская Е. Основы прикладного психоанализа. - М.: “Речь”. 2005.
7. Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – 2-е изд., испр. - М.: Искусство, 1995. —320с. Стр 97-110.
8. Пендикова И.Г., Ракитина Л.С. Архетип и символ в рекламе. М.: “ЮНИТИ”, 2012. 304 с
9. Попа Н.Д. "Семантико-стилистическое своеобразие цветového символа в советской прозе" диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Санкт-Петербург, 1991.
10. Рощаль В.М. Энциклопедия символов.-М.:СПб.: Сова, 2008. –с.94.
11. Уайтхед А.Н. Символизм, его смысл и воздействие. -Томск: Водолей, 1999. – с. 47.
12. Шелестюк Е.В. Семантика художественного образа и символа (на материале англоязычной поэзии XX века). Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. М., 1998 г. С. 120.

УЎК 81-13

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ТЕРМИНОЛОГИК ТУШУНЧА ВА ИЛМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш.Н. Абдуллаева, PhD, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий тилишуносликдаги терминологик тушунчалар тилишунослар томонидан илмий мулоҳаза ва таърифлар талқин қилинади. Шунингдек, инглиз-америка тилишуносларининг терминология соҳасидаги ўрни ва аҳамияти, илмий ёндашувлари ёритилган.

Калим сўзлар: терминосфера, терминосистема, терминологик майдон, периферия, терминологик бўйлиқ, идентик, номенклатура, номен

Аннотация. В данной статье терминологические концепции в современной лингвистике интерпретируются лингвистами как научные соображения и определения. Также освещается роль и значение англо-американских лингвистов в области терминологии, научных подходов.

Ключевые слова: терминосфера, терминосистема, периферия, идентичный, номенклатура, номен

Abstract. In this article, terminological concepts in modern linguistics are interpreted by linguists as scientific views and definitions. It also highlights the role and importance of Anglo-American linguists in the field of terminology, scientific approaches.

Key words: terminosphere, terminosystem, terminological field, periphery, terminological space, identical, nomenclature

Жаҳон тилшунослигида махсус терминологик маъно касб этган ўзига хос тил бирлиги – терминни ўрганишга бағишланган бир қанча лингвистик тадқиқотлар амалга оширилган. Илм-фан, техника тараққиётидаги кескин юксалиш ва ишлаб чиқариш, саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши натижасида детерминлашган терминнинг табиатига нисбатан XIX асрда юзага келган илмий-фалсафий кизиқиш ва каби тадқиқотлар учун замин яратди. XVIII-XIX асрларда терминология муаммолари тилшуносларнинг диққат маркази бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири терминларнинг яратилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи сабаби эса экстралингвистик омилларнинг терминологияга таъсири эди. Бироқ, уларни терминологияда учровчи синонимия ва полисемия муаммолари, шунингдек, термин-

лексемалар, гибрид терминлар ва соф терминларнинг контекстдаги парадигматик ва синтакматик муносабатлари, муайян тушунчалар билан ўзаро алоқаларни хилма-хиллиги кўпроқ ўйлантирган.

Аввалдан қўлланилиб келинган «термин» ва «терминология» масалалари юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, турли таърифлар берилган. «*Термин*» лексемаси лотинча «*terminus*» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «охири», «чек», «чегара», «тугаш» деган маъноларни билдиради» [6]. П.Нишонунинг таъкидлашича «Термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирикдир» [9]. Термин – мазмунан муайян мантикий тушунчалар тизимидаги маълум бир бирлик билан шартсиз равишда (мажбуран) нисбатланадиган (қиёсланадиган) сўз. Терминнинг тилшунослик объекти сифатида белгиланиши ва унинг тизимли равишда ўрганилиши «термин» тушунчаси изоҳ (дефиниция)ларининг шаклланишига, терминнинг тавсифланишига, у билан боғлиқ муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқилиш пировардида терминшунослик фанининг юзага келишига туртки бўлди. Термин лексик-грамматик тушунчалар тизимидан қатъий ўрин эгаллади ва тил лексик-семантик тизимининг «тўлақонли аъзосига» айланди. А.Реформатский фикрига кўра, термин «шунчаки сўз» эмас, балки у «ноодатий» ёки «янги сўз» бўлсин, уни «рационаллаштириш» ва ҳатто «ўйлаб топиш» мумкин бўлса ҳам, у энг аввало сўздир, дея эътироф этади [10]. Профессор С.Усмоновнинг тадқиқотлари терминшунослик учун муҳим аҳамият касб этиб, термин «...ҳам ишлаб чиқариш қуролири соҳасида, ҳам маданият ва фан соҳасидаги ҳар қандай янгилар даставвал тил бириклари, тўғрироғи, терминлар орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода терминология (маълум тилдаги терминлар мажмуи) замона тарихининг гувоҳи, кўзгусидир» [13] дея таъриф беради. Бизнингча, термин ўз лингвистик табиатига кўра, адабий тил луғавий тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, бошқа тоифадаги сўзлардан илмий, техникавий ёхуд бошқа касбий тушунчаларни аниқ, ихчам ифодалаш ва ахборотга бойлиги билан ажралиб туради.

Сўнги йилларда термин сўзи билан биргаликда «атама», «истилоҳ», «номенклатура» сўзлари ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича: «... «термин» сўзи билан бир қаторда айна маънода «атама», «истилоҳ» сўзлари ҳам қўлланилмоқда. Лекин, улар «термин» сўзининг тўлиқ маъносини ифода эта олмайди. «Атама» сўзи кенг маънода қўлланилиб, географик объектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланилса, «истилоҳ» сўзини эса асосан тарихий мавзулардаги матнлар (масалан: адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва б.)да бемалол қўллаш мумкин [15]. С. Усмонов фикрига кўра: «... атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир тор соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир. Шу маънода, термин тушунчаси «атама» тушунчасининг ичига кирувчи илмий-луғавий бирикдир» [13] дея таъкидлайди.

О.Ахмедов ўз тадқиқотида «термин», «атама», «истилоҳ», «номенклатура» тушунчаларини фарқлаб, «Терминлар аслида лексик-семантик жиҳатдан умумадабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади. Зеро, терминлар ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бириклардир», дея таъкидлайди [1]. Шундай қилиб, терминшунослик бу тил лексикасини шакллантирувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Номенклатура тушунчасига энциклопедик луғатда таъриф берилишича «Номенклатура (лот: *nomenclatura*) - рўйхат, номлар рўйхати, шунингдек, фан, техника, ҳуқуқ ва иқтисодиёт соҳасида қўлланиладиган муайян термин ва категория номларининг рўйхати» – деб кўрсатилган. Кўшимча сифатида П.П.Нишонунинг «Бирор предмет ёки воқеликка қўйилган термин аввало, шу предмет ёки воқеликка таъриф ва тасниф беради. Номенклатурада эса бу нарса кузатилмайди. Уларнинг функцияси нарса ва предметларни номлаш билан чегараланади. Демак, «термин» номенклатурага нисбатан кенг ва аниқ тушунча бўлиб махсус вазифадаги сўз маъносини берса, «номенклатура» ўзаро ўхшаш бўлган предмет ва тушунчаларни номлаш учун хизмат қилувчи атамадир» дея фикр билдиради.

Терминлар тил лексикасининг периферияси, яъни чеккасини ўзида намоён этади, деган эскича қараш аллақачон инкор этилган. Терминлар табиий тил луғавий бирикларига хос барча белгиларга эга. Бирок аниқ бир илм-фан соҳасига доир терминларнинг таркибини аниқлаш, уларни тартибга солиш, терминларни бир хиллаштириш ва янги илмий-техникавий соҳалар учун терминларни яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар лексикологиянинг муҳим йўналишларидан биридир» [8].

Терминшунослик тарихининг 1960 йилларнинг бошларига қадар давом этган дастлабки даврида «терминосистема» (Д.С.Лотте), «терминологик майдон» (Л.А.Капаназе) каби бир қатор асосий тушунчалар шакллантирилган. Чунончи, Д.Сагедер таъкидлаганидек: «Жадал тараққиёт ва технологияларнинг ривожига нафақат янги тушунчаларни номлашни, балки терминларни қўллаш борасида келишувни ҳам талаб этади. Амалий натижа сифатида терминологик ишлар муайян бир ихтисослашган соҳалар (мутахассисликлар) доирасида ташкил қилина бошлади» [8].

А.В.Суперанская эса қуйидагича таърифлайди: «Термин – бу муайян касбий профессионал фаолиятда қабул қилинган ва алоҳида соҳаларда, шароитларда ишлатиладиган махсус сўздир. Термин – бу профессионал билимларнинг муайян соҳаси тушунчалар тизимига кирувчи тушунча бўлиб, у сўз билан ифодаланади. Термин - бу махсус мақсадлар учун мўлжалланган тилнинг асосий тушунчавий элементи. Ўз терминологик майдони ичида термин бир маънода қўлланилади. Турли майдонларнинг бир хил айтиладиган терминлари – омонимлардир. Ўзининг тўғри тушунилиши учун термин махсус дефиниция (аниқ илмий таъриф)ни талаб қилади [8].

Терминологияни тушунишдаги хилма-хиллик (рус тилшунослигида) ўзбек тилшунослигида бўлгани каби, хорижий тил илмида ҳам мавжуд. Терминологиянинг моҳияти хусусидаги нуқтаи назарлар тафовути ҳақида Д.Сагедер шундай ёзади: Терминологияни илмий фан сифатида қарашга доир нуқтаи назарлар анча тарқок. Ҳозирги вақтда ушбу соҳа ва унга ёндош бўлган бир қатор мунозарали масалалар бўйича турли талқинлар мавжуд. Терминология фанми ёки фақат методми? Терминология ўз хусусий назариясига эга бўлган алоҳида гуманитар фан мақомига эгами ёки у ўзининг назарий имкониятлари учун нисбатан консолидацияланган фанлардан миннатдор бўлиши керакми, назарий жиҳатдан нисбатан барқарор бирор фан таркибими? <...>. Терминология фанининг аҳамиятини камситиб бўлмайди. Уни ўз эволюцияси ва замонавий технологияларнинг тез ўзгарувчан оламида олдинга томон ҳаракатланиши туфайли тарихан муҳим куч сифатида кўриб чиқиш лозим.

Инглиз-америка тадқиқотчиларининг термин ва терминологияга бағишланган асарларининг батафсил шарҳи В.В.Касьяновнинг тадқиқотида ёритиб берилган. Муаллифнинг ёзишича, мазкур олимларнинг ишларидаги нуқтаи назарларнинг бир хиллиги ҳақидаги таъкидлар – изоҳталаб; инглиз-америка тилшуносларининг назарий ва амалий материалларини чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш терминларнинг ўзига хослиги ҳамда уларнинг умумистеъмолдаги лугатдан фарқи юзасидан талқинларидаги назарий тафовутларни юзага чиқаради [7]. Терминологияни ўрганишга бағишланган тадқиқотлари аниқ бир йўналтирилган мақсадга эга бўлиб, мазкур соҳа методологияси учун пойдевор вазифасини бажариши мумкин бўлган, унга мустақил фан мақомини олиш имконини берадиган назарий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қиладиган хусусиятларини аниқлашдан иборат. Шунга қарамай, уларнинг ҳар иккаласи тегишли назарий моделнинг пайдо бўлишига имкон берадиган истиқболдаги тадқиқотлар ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларнинг зарурлигини таъкидлашади. Мутахассислар ўртасида коммуникациянинг етарлича эмаслиги, баҳс предметларининг турли йўллар билан ривожланиши ва вариатив идрок қилиниши туфайли бу вазифани бажариш осон кечмайди.

Н.В.Сербиновская таъкидлаганидек, «термин бошқа турдош (ўхшаш) ходисалар – номенлар, профессионализмлар, терминоидлар ва ҳ.к. лардан фарқланади» [11]. Р.Дониёровнинг ишида «Термин билан профессионализмлар ўртасидаги фарқ шуки, термин бу муайян фан, саноат соҳаси, қишлоқ хўжалиги, техникадаги тамомила расмий бўлган, қонунлаштирилган бирор тушунчанинг ифодаси ва номидир. Профессионализм эса бирор касб, мутахассислик, кўп ҳолларда илмий услубдаги тилда кенг тарқалган, аслини олганда, тушунчанинг қатъий, илмий тавсифига эга бўлмаган ярим расмий сўзидир» [4] деб қайд этилган.

Бугунги кунда тилшунослиқда термин ва терминология билан алоқадор бўлган терминотизим, терминосфера сингари тушунчалар тез-тез қўлланилмоқда. Шу маънода, «умумэтироф этилган таърифнинг мавжуд эмаслиги сабабли ҳар бир тадқиқотчи ўзининг «ишчи» таърифи ва изоҳини қайд этмоқда».

Лингвистик терминологияга кўра «терминосфера» тушунчасининг пайдо бўлишига, асосий омил ҳисобланувчи тилшунослиқ ҳам ҳар қандай бошқа фан сингари динамик, ўз-ўзини янгиловчи ва узлуксиз ривожланувчи фандир. Шунга мувофиқ равишда илмий тушунчалар тизими инсон билим даражасини мукамал, аниқ ва объектив баҳолай олиш учун узлуксиз ривожланиш ва ўзгариш босқичидадир. Ҳар қандай ривожланаётган фан илмий тушунчалар тизимининг ўзгариши ва ўзгача маъно касб этиши 1974 йилда В.И.Сифоров томонидан таъкидланган.

Н.В.Сербиновскаянинг тадқиқоти терминологик майдонга бағишланади. Терминологик майдон марказида терминларни махсус тушунчаларнинг белгилари сифатида бирлаштирадиган; ўзаро алоқадор муносабатга киришувчи ҳамда кесишувчи терминосфераларнинг йиғиндисидан иборат бўлган терминосистема жойлашган. Ҳар бир терминосферанинг ядровий бирлиги сифатида тушунарлилик, аниқлик, бир маънолилик, дефинитивлик, тизимлилик, кодланганлик каби белгиларга эга бўлган терминлар мавжуд. Шунингдек, терминологик майдон перифериясини ҳосил қиладиган, терминларга нисбатан қўйиладиган талабларга тўлақонли жавоб бера олмайдиган бошқа махсус номинатив бирликлар: термин олди тушунчалар (предтерминлар), терминоидлар, номенлар, квазитерминлар, профессионализмлар ажратиб кўрсатилади.

Д.К.Ефимов инглиз ва рус тилларидаги ОАВ (оммавий ахборот воситалари) терминосфераларига бағишланган қиссий тадқиқотида терминосферани ягона терминосистемани ўзида акс эттирмайдиган қандайдир бир «*гибрид* (чатишма)» сфера; умумхалқ лексикаси ва ОАВ терминологиясида ўзаро кесишадиган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган доира сифатида кўриб чиқади [5].

Инглиз-америка тилшуносларининг терминологик соҳасидаги етакчи мутахассиси Кью Кагеуранинг тадқиқотларида «*a terminological sphere*» (терминологик қобик) ва «*a terminological space*» (терминологик бўшлиқ) каби сўз бирикмаларини учратиш мумкин. У терминологиянинг мустақил фан сифатидаги аҳамиятини асослаган ҳолда агар бирон бир лексик бирлик термин, дея баҳоланса, унда у аввалдан мавжуд бўлган терминологик бўшлиқда жойлашган бўлишини; шу тарзда терминология концепциясини «терминологик бирликлар»нинг йиғиндисидек, эмпирик моддийлаштириш сифатида жорий қилишини исботлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, лингвистик матнга оид терминологик сферадан фарқли ўлароқ ҳамиша лексик сфера компоненти бўла оладиган терминологик майдон мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, К.Кажуранинг нуктаи назарига кўра, «*терминологик сфера*» ва «*терминологик бўйлиқ*» термини бошқа терминлар билан тизимли муносабатларга киришган ҳолда уларнинг қаторига ўрнашиб, терминосистемани шакллантирадиган муайян муҳитни ўзида намоён этади.

Лингвистик ёндашувга мувофиқ терминлар тизимлилиги билан характерланувчи ва илмий таъриф орқали ифодаланган, бир маънога эга бўлган объект сифатида талқин қилинади. Аксарият ҳолларда термин контекст таъсирини учрамайди. У услубий жиҳатдан нейтрал бўлиб, асосан функционал муҳитда, яъни турли билим соҳалар мутахассислари ва тадқиқотчилари томонидан ишлатиладиган матн ҳамда ҳужжатларда қўлланилади. Соҳалараро терминологик бирликлар ўзаро алоқада бўлиб, яхлит ҳолда терминологик майдондаги терминосистеманинг ядросини ташкил қилади. Шунингдек терминологик майдон таркибига терминосистема ва умумистеъмол лексикаси чегараси (периферияси)да жойлашган термин бирликлари ҳам киради.

Юқорида қайд қилинган маълумотларни таҳлили натижасида аксарият терминшунослар «*терминсфера*» ҳамда «*терминсистема*» тушунчаларини қарама-қарши қўйиб ўрганишни маъқул кўришмоқда деган хулосага келамиз. Айрим тилшунослар терминсферани терминосистемага тенглаштиради ёки уни нисбатан мураккаб терминосистеманинг муайян соҳада қўлланилишига ихтисослашган терминологик майдон сифатида қарашади. Аслида «*терминсфера*» тушунчасининг табиатидан келиб чиқиб, унинг таърифи ва хусусиятларига доир фикрлар хилма-хиллиги «*терминсистема*» ва «*терминсфера*» тушунчалари ўзаро аналогик (ўхшаш, яқин) деб ҳисоблашимиз мумкин. Аммо, турли олимлар томонидан келтириб ўтилган ҳар хил лингвистик илмий ёндашувлар призмасида кўриб чиқилгани боис айнан бир хил эмас, деган хулосага келиш имконини берди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол.фан.д-ри. ... дисс. –Т., 2016.
2. Виноградов В.В. Основные этапы истории русского языка //Избранные труды. История русского литературного языка. – М., 1978.
3. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии //Тр. Моск. Ин-та истории, философии и литературы.
4. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. - Т.: Фан, 1977 – Б. 59ф-т. – М., 1939.
5. Ефимов Д.К. Терминсфера СМИ в русском и английском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург: 2005.
6. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.: 1998.
7. Касьянов В.В. Сопоставительный анализ современной терминологии финансовой деятельности в английском и русском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001.
8. Мельников Г.П. Основы терминоведения. – М.: Изд-во ун-та дружбы народов, 1991.
9. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг киёсий-типологик тадқиқи. Номз.диссер...- Тошкент, 2009.
10. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М., 1967. – С.121. яна: Термин как член лексической системы языка. Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1968.
11. Сербиновская Н.В. Формирование и развитие терминологического поля «маркетинг» в русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2008.
12. Суперанская, А.В. Общая терминология. – М.: УРСС, 2003. –С.56. - 246 с.
13. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент.1968.
14. Усмонов С. Юристинг нутқ маданияти. – Т.: 2007.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 2000.

УЎК 808.3

ПОЭТИК НУТҚНИНГ СЕМАТИК-СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ

М. Абдулаттеев, доцент, Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мазкур мақолада поэтик нутқнинг асосий семантик-структур хусусиятлари – шаклланиш қонуниятлари, таркиби, бўлакчилиги ва мазкур таркибий қисмларнинг ўзига хос синтактик белгилари ҳақидаги назарий қарашлар баён этилган. Шунингдек, поэтик нутқнинг функционал имкониятлари ёритилган.

Калит сўзлар: лингвопоэтика, поэтик синтаксис, поэтик нутқ, семантик муносабат, грамматик муносабат, фонопоэтика, морфологик вариант, суперсинтактик бутунлик, экспрессивлик, интонация

Аннотация. В данной статье описываются основные семантические и структурные особенности поэтической речи-закономерности формирования, композиции, фрагментации и теоретические представления о конкретных синтаксических признаках этих компонентов. Также освещаются функциональные возможности поэтической речи.

Ключевые слова: лингвопоэтика, поэтический синтаксис, поэтическая речь, семантическое отношение, грамматическое отношение, фонопоэтика, морфологический вариант, целостность суперсинтактики, экспрессивность, интонация

Abstract. This article describes the main semantic and structural features of poetic speech, the patterns of formation, composition, fragmentation and theoretical features of the presentation of syntactic features of these components. The functionality of the spine of poetic speech is also highlighting.

Key words: linguopoetics, poetic syntax, poetic speech, semantic relation, grammatical relation, phonopoetics, morphological variant, supersyntactic integrity, expressiveness, intonation

Поэтик нутқ кўп аспекти текширув объектидир, чунки унда тил системасининг барча бирликлари иштирок этади ва поэтик нутқ учун хосланади. Унинг мана шу хусусияти уни турли томондан текширилиб, баҳоланишини тақозо этади. Поэтик нутқ, энг аввало, прозаик нутқдан икки белгисига кўра: шаклий томони ва ўзига хос ритмга эгаллиги билан характерланади. Поэтик нутқнинг шаклий томони шеърый сатрларни ташкил этган гапларнинг параллел боғланишида, бу ҳолат поэтик нутқ матн сифатида ифода этилганда, яққол кўзга ташланади, яъни гапларнинг устма-уст жойлашувида кўринса, ритмик ўзига хослиги ана шу гапларнинг бир хил метрик ўлчовга эга бўлиши ва бир маромда айтилиши билан характерланади. Шаклий жиҳатдан поэтик нутқ мураккаб синтактик бутунликдир. Унинг бутунлик сифатидаги белгилари интонацион, синтактик, фикрий томонларида кўринади. У бутунлик сифатида нутқ қурилишининг грамматик қонуниятлари асосида шаклланади, яъни унинг таркибида синтактик алоқа ва синтактик алоқа воситаларининг барчаси иштирок этади. Семантик жиҳатдан поэтик нутқни ташкил этган лексик бирликларнинг бир умумий семантик майдон атрофига бирлашиб, нутқнинг умумий мазмунининг юзага чиқиши учун хизмат қилиши натижасида шаклланади. Лексемалар поэтик нутқ таркибида бошқа сўзлар билан семантик муносабатга кириши асосида маъно товланишлари ҳосил қилади, улар поэтик нутқ учун функционал хосланади ва шу йўл билан нутқда доминантликка эга бўлган семантик марказ ҳосил бўлади. Поэтик нутқ семантикаси орқали нутқ муаллифи ва ўқувчи (тингловчи) онгида воқеликнинг поэтик тасвири ҳосил қилинади, яъни поэтик олам яратилади. Мазкур поэтик оламнинг яратилишида нафақат тил системаси бирликлари, нутқий системанинг юқори даражада шаклланган бутунликлари восита бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, маданий, эстетик ва психологик майдон яратилади. Поэтик олам бадий ижод маҳсули бўлган, поэтик нутқ орқали ҳосил қилинадиган дунёнинг маданий, эстетик ва поэтик образидир [1]. Поэтик нутқ семантикаси образлар системаси демакдир. Поэтик нутқ ташқи томондан қараганда, сўзлар кетма-кетлиги бўлиб, ана шу сўзлар ифода этган семаларнинг мантикий занжирли алоқаси натижасида поэтик нутқ ҳосил қилинади. Поэтик нутқ бир пайтнинг ўзида фонетик белгилар системаси, лексик бирликлар, морфологик шакллар, грамматик муносабатлар, стилистик воситалар системаси бўлиши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, поэтик нутқ таркибида барча сатҳга оид ҳодисалар кузатилади. Поэтик нутқ барча тил ва нутқ бирликларини ўзида жамлайди. Фақат поэтик нутқ таҳлилида бу бирликларнинг функционал жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилади. Мазкур бирликлар поэтик нутқда бир томондан, уни ташкил этувчи қисмлар-компонетлар ҳисобланса, иккинчи томондан поэтик нутқда унга маълум бир эстетик вазифа юклатилади. Фонетик бирликлар лексик бирликларни ташкил этувчи, яъни лексик бирликлар таркибини шакллантирувчи қисмлар бўлгани учун уларнинг мустақиллиги бошқа бирликлар мустақиллигига қараганда пассив бўлади, лекин улар ҳам поэтик нутқ эстетик функцияларининг юзаланишида аҳамиятли бўлади. Ўзбек тилшунослигида фонетик бирликларнинг поэтик нутқдаги имкониятлари масаласи О.Турсунова томонидан алоҳида ўрганилган [2]. Ушбу ишда ўзбек тилшунослигида биринчи марта фонетик бирликларнинг поэтик нутқда функциялашуви масаласи тадқиқ этилган. Муаллиф товушларнинг поэтик маъно ҳамда уларнинг рамзий ифода хусусиятлари, хижо, рукн, ритм ва қофиялар фонетика қонун-қоидалари асосида майдонга келиши ва уларнинг фонопоэтик воситалар сифатидаги вазифаси, шеърый матнлар фонопоэтик тадқиқот объекти эканлигини кўрсатиб ўтган, бадий ифода воситаси бўлган қофияда фонетик бирликларнинг ўрни кенг ва атрофлича ёритилган. О.Турсунованинг изланишлари натижаси шуни кўрсатадики, поэтик нутқда фонемалар фақат тузувчи (лексик бирликни шакллантирувчи) бирлик бўлиб қолмасдан, турли поэтик-эстетик функцияларда ҳам келади. Поэтик нутқда лексик ва грамматик бирликлар мустақил маънога эга бўлганликлари учун ҳам анча эркин қўлланади. Масалан, лексемалар синтактик бутунликлар таркибида тузувчи сифатида иштирок қилса-да фонемаларга нисбатан уларда маъно ифода этиш имконияти бирмунча катта, иккинчидан, лексема бирор бир синтактик бутунлик таркибига, энг аввало, англаган маъноси сабабли киритилади ёки танланади. Лексемаларнинг бадий нутқдаги ўрни ва вазифалари ҳақидаги маълумотларни Х.Абдурахмонов ва Н.Маҳмудовларнинг “Сўз эстетикаси” номли ўқув қўлланмасидан олиш мумкин [3]. Қўлланма муаллифлари томонидан синоним, пароним, антоним, эскирган сўз ва диалектизмларнинг бадий-эстетик вазифалари ёритилган. Муаллифлар “сўзни тўғри ва аниқ қўллаш ва фикрнинг равшан ифодаланишига эришиш учун ҳар бир сўзнинг мавжуд маъноларига чуқур диққат қилиш, унинг боғланиш имкониятларини тўлалигича ҳис қилиш, қўлланиш доирасини эътиборга олиш лозим. Шундагина сўз таъсир кучига эга бўлади. Шундагина у том маънода логик ва эстетик салмоқ касб этади” [3], деган хулосага келади. Поэтик нутқда лексик бирликларнинг қўлланиши бўйича изланишлар натижаси сифатида яратилган яна бир монографияда [4] поэтик лексиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда тарихий поэтик сўзлар, поэтик сўзларнинг индивидуал белгилари, поэтик тил ва поэтик лексика, уларнинг ўзаро муносабатлари масалалари ёритилган бўлиб, унда троплар таснифи бўйича қимматли фикрлар келтирилган. Айниқса, сўзларнинг поэтик вариантлари ва поэзия тили бўйича билдирилган илмий мулоҳазалар бугунги кунда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. “Поэзия тили, - деб ёзади муаллиф, - норма сифатида адабий тилга асосланса-да, адабий тил учун норматив воситаларни етказиб турувчи нутқ турларидан биридир” [4]. Бизнингча, бу ўринда норматив воситалар дейилганда, фақат лексик бирликлар назарда тутилган бўлса керак, чунки грамматик меъёрлар ҳақида бундай хулосага

келиш учун асос бўлмайди, сабаби поэтик нутқда нутқ қурилишининг грамматик қонуниятларига тўла амал қилинмайди. Шунинг учун ҳам поэтик нутқнинг грамматик меъёрлари адабий меъёрлари учун асос бўла олмайди. Шунингдек, монографияда сўзнинг поэтик нутқ учун хосланган морфологик вариантлари ҳақида тўхталиб, *-ар, -ур, -гай (-гай), -жак (-ажак)* шакллариининг поэтик нутқда фаол эканлиги таъкидланган ҳолда, “Айрим морфологик вариантлар маъно жиҳатдан тўлиқ фарқланмаса-да, ўзига хос маъно оттенкаси мавжудлиги билан фарқланади. Шунинг учун нутқ жараёнида бу хилдаги вариантларни бошқа вариантлар билан ажратиб бўлмайди” деган хулосага келинади. Бу фикрлар поэтик нутқнинг морфемик табиатига мос келади, чунки фақат поэтик нутқ учун хосланган ва ўзига хос маъно товланишлари ҳосил қиладиган морфемик бирликлар борки, уларни адабий тилдаги бошқа варианты билан алмаштириб бўлмайди. Чунки “ҳар бир грамматик элемент поэзияда ўзига хос поэтик фикр ифода этиш имкониятига эга” [5]. Поэтик нутқнинг синтактик бутунлик эканлиги унинг ташкил этган бўлақларнинг мавжудлигида, бўлақларга бўлинишида кузатилади. Унинг бўлақланиши ритмик ўлчов, синтактик ва интонацион жиҳатдан шеърий қатор (сатр)ларнинг шаклланишига олиб келади. Поэтик нутқнинг синтактик бутунлик сифатида яқунланиши махсус интонацион тугаллик воситасида ифода этилади. Поэтик нутқнинг бўлақланиши (қисмларга ажралиши) натижасида шеърий бандлар ҳосил қилинади. Шеърий бандлар поэтик нутқнинг макромавзусини ёритиш учун хизмат қилувчи макромавзулар кетма-кетлигида юзага келади. Шеърий сатрлар бир макромавзунини ёритиш учун ягона бутунлик шаклида бирикади. Ана шу бириктириш натижасида сатр (гап)лар гуруҳи – шеърий банд ҳосил қилинади. Ю.М. Лотман фикрига кўра, мазкур шеърий бандлар параллел равишда прозаик нутқдаги абзацларга тенг келади [5,96]. Демак, шеърий бандлар сатр (гап)ларнинг маълум бир семантик ва синтактик алоқадорлиги асосида гуруҳланиши натижасида шаклланади. Шунинг учун ҳам прозаик нутқда худди шу йўл билан ҳосил бўладиган гаплар гуруҳи Г.Я.Солганик томонидан “прозаическая строфа” (прозаик банд) атамаси остида ўрганилган [6]. Унинг ўзбек прозаик матнларидаги кўринишлари “суперсинтактик бутунлик” атамаси остида тадқиқ этилган [7]. Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ю.М. Лотман шеърий бандларни прозаик нутқдаги абзацларга тенг келишини таъкидлаб, хатоликка йўл қўяди. Бизнингча, шеърий банд суперсинтактик бутунликка тенг келади, чунки прозаик нутқда абзац ва суперсинтактик бутунлик бошқа-бошқа категорияларга тегишли. Бу ҳолат тилшуносликда тўла тасдиғини топган. Шеърий бандлар семантик, синтактик ва интонацион бутунликлардир. У сатрларнинг ўзаро мазмунан алоқадорлиги асосида шаклланади. Шеърий бандларга бўлиниши тасодифий ҳол бўлмай муаллиф томонидан пухта ўйланган бир бутунликда шакллантирилувчи поэтик нутқ бирлиги ҳисобланади. Унинг шаклланишида фонетик такрор (кофия) тизими муҳим ўрин тутади. Фонетик такрор шеърий бандларни ташкил этган сатрларни бирлаштириб туради. Уларни бир бутунлик сифатида шакллантиради:

*Букун ўзгачадир жилваи олам,
Букун ўзгачадир борликда ханда.
Букун кўзларимга гўё кўёш ҳам
Шафақ гулханида таранг чирманда.
Букун тонг эғнида атласдан кўйлак,
Шафаққа ўралган қизлардай гулгун.
Илк бора кўз очиб чиққан бойчечак
Санамлар қўлига интизор букун.* (Э.Воҳидов)

Юқорида бир шеърда кетма-кет шаклланган икки шеърий банд келтирилган. Кўриниб турганидек, ҳар икки шеърий банднинг фонетик такрор тизими алоҳида шаклланган, яъни биринчи бандда товуш такрори *олам, ҳам; ханда, чирманда* тарзида келган бўлса, иккинчи бандда *кўйлак, бойчечак; гулгун, букун* тарзида сатрларни бириктириб келган.

Айрим ҳолларда ҳар бир шеърий бандлардан кейин гап такрори – референ, яъни нақарот берилади. Бундай ҳолларда референ мазмуни у ёки бу банднинг эмас, поэтик нутқнинг умумий мазмунига тегишли бўлади:

*Бошинг эғиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик, Ватан учун.
Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик, Ватан учун.* (Иқбол Мирзо)

Юқоридаги поэтик нутқ парчаси фикримизни тасдиқлайди, ҳар бир шеърий бандни яқунловчи референ функциясида келган гап такрори *Айтгил, дўстим, нима қилдик, Ватан учун* нинг мазмуни поэтик нутқнинг умумий мазмунига тегишли бўлиб, нутқдаги барча синтактик қурилмаларни боғлаб туради. Шеърий бандларнинг шаклланишида метрик ва синтактик интонациянинг бу ўринда синтактик интонация сатр (гап)лар охиридаги тугалланган оҳанг маъносида қўлланди, метрик интонация эса бўғинлар миқдоридан келиб чиқади ўрнини алоҳида айтиб ўтиш керак бўлади. Баъзан (бу, айниқса, катта поэтик асарларда учрайди) шеърий бандлар ўртасида метрик ва синтактик интонация ўзгариши мумкин. Одатда, бундай ҳолат поэтик нутқдаги лирик чекиниш, ифода этилаётган воқеликнинг тезлашиши ёки пасайиши

билан билан боғлиқ бўлади. Шеъррий бандлар нечта сатрни ташкил этишидан қатъий назар, битта синтактик бутунлик сифатида шаклланади. Сатрларни ташкил этган гаплар ўртасида синтактик ва семантик алоқа доим мавжуд бўлади. Поэтик нутқ ёки унинг бирлиги ҳисобланган шеъррий бандларни ташкил этган гаплар ўзаро мазмуний алоқага киришган бўлиши – бири иккинчисининг мазмунини тўлдириши ёки изохлаши шарт:

*Шу мўъжаз ҳаётимни эл-юртга боғлабман то,
Бир кетмончи ўғилдай унга эшман тирикман.
Каҳрабо тизимчанинг донаси каби гўё
Мустаҳкам шу қаторнинг тақдирига шерикман.* (А.Орипов)

Мазкур шеъррий банд (синтактик қурилма) учта нисбий муस्ताкил гапдан – учта содда гапдан иборат. Бу гаплар ўзаро ҳам грамматик, ҳам мазмуний жиҳатдан боғланган, шеъррий банднинг микромавзуси шоирнинг “мен”и ҳисобланади, чунки мазкур шеъррий банд орқали ўзи ҳақида ахборот бериляпти.

Поэтик нутқнинг юкорида биз кўриб ўтган аспектига диққат қаратиш, унга фақат семантик-структур ёндашишнинг бир жиҳати холос. Поэтик нутқ синтактик, семантик, стилистик жиҳатдан шундай мураккаб структураки, унинг нутқий табиати жуда кўп тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Казарин Н.В. Поэтический текст как система. Издательство Уральского университета, 1999. С. 260.
2. Турсунова О. Ўзбек тили фонетик бирликларининг поэтик имкониятлари: Фил. фанл. б.фал.док. (PhD) дисс. – Фарғона. 2019, Б. 132.
3. Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов. Сўз эстетикаси. Тошкент “Фан”. 1981, Б. 59.
4. Б.Умуркулов. Поэтик нутқ лексикаси. Тошкент “Фан”. 1981, Б. 110.
5. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Ленинград. “Просвещение” (Ленинградское отделение). 1972. С. 272.
6. Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. Москва. “Высшая школа» 1973. С. 103.
7. Абдупатоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. Номз... дисс.. автореф. Тошкент. 1998. Б. 23.

УЎК 808.5

АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ ИЛМИЙ-БИОГРАФИК АСАРЛАРИДА ИЖОДКОРНИНГ ТАДҚИҚОТЧИЛИК МАҲОРАТИ ХУСУСИДА

О.И. Адизова, PhD, доц., Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг асарларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Унинг илмий ижодининг ўзига хослиги, кимларга қаратилганлик жиҳатлари ва тил хусусиятлари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: бадиий образ, адабиётшунос, биографик усул, характер, қомусий мутафаккир, шоҳ ва шоир, академик олим, афсона ва ривоят

Аннотация. В статье описаны особенности творчества литературоведа Азиза Каюмова. Анализируются специфика его научной работы, кому она адресована, особенности языка.

Ключевые слова: литературный образ, литературовед, биографический метод, характер, мыслитель-энциклопедист, король и поэт, ученый академик, легенда и предание

Abstract. This article is devoted to the ability of acadmic Aziz Kayumov to apply of using in comprehending novels. Content and linguistic features of the research are analyzed too.

Key words: literary image, specialist in literature, biographical method, character, sophist encyclopedist, king and poet, academic scientist, legend and fabl

Жаҳоннинг йирик адабиётшунослари томонидан тан олинган биографик методнинг ўз илмий-назарий йўналиши, қатъий тамойиллари, муайян даражада турғунлашган сифат ва хоссалари, концептуал жиҳатлари, бошқа тадқиқ методлари ва фан соҳалари билан алоқадор, муштарак ҳамда фарқли қирралари баробарида умумий томонлари мавжуд. Бу метод йилдан-йилга ўзбек адабиётшунослигига ҳам сингишиб бормоқда. Шундай бўлса-да, адабиётшунослигимизда ҳали унинг аниқ илмий таърифи, ўзига хос жиҳатлари, ундан ўзбек олимларининг фойдаланиш маҳорати етарли ёритилмаган. Миллий адабиётшунослигимизда шу пайтгача амалга оширилган илмий-биографик тадқиқотларда, тадқиқотчилик методологиясига доир назарий асарларда, терминологик луғатларда биографик методнинг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари, ривожланиш тамойиллари, хусусиятлари, мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб кўрсатилмаган. У ҳақда турли даврларда, турли тадқиқотларда сочилиб ётган мавжуд концептуал фикрларни бир жойга тўплаб ўрганиш, сўнгра уларни умумлаштирган ҳолда яхлит хулосаларга келиш, ўзига хос методологик принципларини кўрсатиб бериш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан бирига айланган.

Ўзбек адабиётшунослигида аксарият тадқиқотлари шоир ва олимларнинг ижодий портретини яратиш характерида бўлган таниқли адабиётшунос Азиз Пўлатович Қаюмовнинг ёндашувида биографик методга кўпроқ таянилгани кузатилади. Хусусан, олимнинг Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Шоҳрух Мирзо, Улуғбек Мирзо сингари олимлар, улуғ шоир Алишер Навоий, XVI аср ўзбек адабиёти тарихида муҳим из қолдирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Мулла Бақоий, Шоҳибекхон – Шайбонийхон, Убайдуллохон – Қул Убайдий, Азизий, Ҳилолий, Масъуд

Мирзо Шоҳий, Восифий, Залилий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Мушфиқий, Мутрибий, Ҳувайдо каби ижодкорлар, XIX аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари Муҳаммад Ризо Огаҳий, адиб ва арбоб Комил Хоразмий, Ҳувайдо, Махмур, Фуркат, Муқимий ҳақидаги тадқиқотлари бу жиҳатдан алоҳида эътиборни тортади.

Биографик метод кўпроқ тарихийлик асосига қурилишини инобатга олиб, тадқиқотчи олим Азиз Қаюмов айнан адабиёт тарихида ўчмас из қолдирган ижодкорлар ҳақида ёзар экан, бу методга устуворлик бахш этган. Олим ўз тадқиқотларида бу муаллифлар томонидан яратилган бадиий матнларнинг ғоявий-эстетик мазмунини очиб беришдан олдин уларнинг яратувчилари ҳаёти ҳақида маълумот беришни кўзда туттади. Негаки, бундай маълумотга эга бўлмай туриб, ўша асар нима учун, нима мақсадда яратилганини англаш қийин бўлиши табиий. Шу сабабли матндан мазмун қидириш учун, уни яратган муаллиф мақсадини илғаш учун муаллифни биографик жиҳатдан таҳлил қилиш ўзига хос самара беради. Биографик метод билан тадқиқотчи ишлар экан, у матн муаллифи ички дунёсига кириб боради. Муаллифнинг бадиий-эстетик қарашларини туғдирган, унинг кечинмаларига, изтиробларига сабаб бўлган омилларни аниқлайди ва бу ҳақда ўқувчиларга тушунча етказилади. Азиз Қаюмов тадқиқотларида ёзувчи-шоирларнинг психологияси ва ижтимоий-табиий воқеликлар узвийликда ўрганилади. Жаҳонда ижтимоий фанлар оламида муҳим саналган биографик метод илк бор В.Дильтей томонидан тақлиф қилинган эса-да, 1804-1869 йилларда яшаб ўтган француз танқидчиси ва шоири Шарль Огюстен Сент-Бёв унинг назарий моҳиятини, ўзига хос тамойилларини имкониятларини илмий жиҳатдан биринчилардан бўлиб изоҳлаб берган олимдир. Унинг биографик методдан фойдаланиш маҳорати ҳақида эса Луис Арнольд алоҳида китоб яратган. Биографик метод тўғрисидаги айрим муҳим назарий қарашлар Андре Моруа, Ф.Наркирьер, Ю.Борев, Ю.М.Лотман асарларида учрайди.

Ўзбек адабиётшунослигида биографик методнинг баъзи хусусиятлари О.Шарафиддинов, Н.Каримов, А.Расулов, М.Қўшжонов, Н.Раҳимжонов, Д.Қуроно, Б.Карим, Ш.Ҳасанов каби олимларнинг ишларида ёритилгани кузатилади. Жумладан, Баҳодир Карим: “Кейинги йилларда ўзбек олимлари ҳам куруқ, хронологик адабий портретдан фарқли ўлароқ биографик метод имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини ҳис этмоқда... Биографик метод тарихини, намоёндаларини, дунё адабиётшунослигидаги ютуқлари ҳамда тажрибаларини чуқур ўрганиш бадиий асарларни ўзига хос тарзда тушуниш ва тушунтириш учун амалиётда қўллаш, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради”, – деган ҳақли фикрни билдиради. Шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида таниқли адабиётшунос, академик Азиз Пўлатович Қаюмовнинг илмий ва маърифий ижоди моҳияти махсус тадқиқ қилинмаган, лекин узок йиллардан буён олимнинг тадқиқотчилик маҳоратига қизиқиш катта. Хусусан, бу қизиқиш унинг тадқиқотларига ёзилган сўзбошиларда ва уларга бағишланган илмий тақризларда, мақолаларда, шунингдек, олимнинг турли йилларда нишонланган юбилей тантаналари муносабати билан чоп қилинган тўпламлардаги дил сўзларда яққол кузатилади. Жумладан, олимнинг 80 ёшлик юбилейи муносабати билан дўстлари, ҳамкасбларини шоғирдлари мақолаларидан тортиб берилган “Фидойи олим ва беназир инсон” тўпламида Азиз Қаюмовнинг ҳаётда ва илмий-ижодий фаолиятда эришган асосий ютуқлари алоҳида эътироф этилади.

Мусанниф М.Имомназаров тузган “Академик Азизхон Қаюмов мактаби” номли рисолада Азиз Қаюмовни шоир, олим ва мумтоз адабиёт фидойиси қилиб шакллантирган адабий-маънавий муҳит, унинг тарихи ва бутунги куни ҳақида мухтасар маълумотлар берилган. Азиз Қаюмовнинг серқирра олим сифатидаги фаолияти, айниқса, унинг ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида илгари сурган назарий ва амалий қарашлари, эришган ютуқлари кўпчиликнинг эътиборига ва эътирофига сазовор бўлди. Бу ҳақда академиклар Ғ.Абдурахмонов, И.Искандаров, А.Асқаров, филология фанлари докторлари Ҳ.Абдусаматов, Ш.Юсупов, С.Эркинов, Қ.Маҳмудов, Ҳ.Ҳомидий, С.Мирвалиев, Ҳ.Шокиров, Ҳ.Дадабоев, С.Ҳасанов, Н.Раҳмонов, Қ.Содиқов, З.Исломов, И.Низомиддинов, Н.Низомиддинов, Н.Жабборов, Н.Жумаҳўжа; филология фанлари номзодлари Ш.Турдиев, Г.Расулова, Ю.Турсунов, М.Рашидова, С.Самандарова, О.Жўрабоев; таниқли тарихшунос С.Жалилов, шоир Б.Бойқобилов ва бошқалар томонидан айтилган фикрлар диққатга сазовордир. А.Қаюмовнинг илм-фан равнақи йўлидаги самарали меҳнатлари ҳатто шеърга ҳам солиниб, мадҳ қилинган. Бу жиҳатдан шоир Барот Бойқобиловнинг “Ҳидоятнома” китобидан ўрин олган туркум рубоийлари, олимнинг шоғирдлари О.Бўриев ва Р.Шукуровнинг шеърлари фикримиз далили бўла олади. Шунини таъкидлаш керакки, А.Қаюмовнинг илмий ижоди буткул миллийлик руҳи ва ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган. Чунки у халқимизнинг улғу шоирлари томонидан яратилган асарлар мағзини, уларга бадиий маҳорат билан сингдирилган илғор ғояларни, умуминсоний тушунчаларни нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон аҳлига етказиш орқали Ватанимиз ва миллатимиз донгини оламга ёйишга интилиб келган ватанпарварлардан бири эди. Айниқса, “Кўқон адабий муҳити” бўйича яратган туркум тадқиқотларида олимнинг ватанпарварлик туйғуси янада жиловланади. Олим ўзи туғилиб ўсган бу макон ва унинг фидойи ижодкор фарзандлари ҳақида сермазмун тадқиқотлар силсиласини яратган. Ҳатто бу олимнинг тадқиқотчилик фаолиятида асосий йўналишлардан бирини ташкил қилади.

Хуллас, етук адабиётшунос, меҳнаткаш инсон, ҳалол мураббий сифатида элга танилган Азиз Қаюмов кўпчилик ёшларнинг тафаккури ва маънавиятини юксалтиришда жонбозлик кўрсатган таниқли олим, бағрикенг ва жонқуяр устоз, фидойи мураббийдир. Устознинг тадқиқотларида ҳам мумтоз, ҳам замонавий ижодкорлар асарларининг поэтик жозибаси ва мафтункорлиги, образлар таркиби ва ифода услуби, композицион хусусиятлари ва бадиий тили нуқтадонлик билан тадқиқ ва талқин қилинган. Олим ҳақида

ёзилган барча мақолалар, аввало, унинг ижодига бўлган қизиқишни намоён этади. Табиийки, Азиз Қаюмовнинг тадқиқотчилик фаолияти, яратган илмий асарларининг маърифий моҳияти ва қиммати ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, Азиз Қаюмовнинг тадқиқотчилик ва ижодкорлик маҳорати, унинг илмий-биографик асарлари, эсселари, хотира-ҳикояларида ифода ва талқин масаласи, хусусан, биографик метод ўрни ҳақида маълумот берилди. Айниқса, Ўзбекистондаги йирик адабиётшунослик мактабларидан бири – Азизхон Қаюмов мактаби эришган илмий ютуқлар, унинг мамлакатимиз илму-фани тараққиётига, ўзбек адабиётшунослиги, манбашунослиги ва матншунослиги, навоийшунослик ривожига ҳамда халқ маънавиятини оширишга қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қаюмов А. Ўзбекистон академиклари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011.
2. Карим Баходир. Рухият алифбоси. – Тошкент: 2016.
3. Академик Азизхон Қаюмов мактаби / Тузувчи М.Имомназаров; масъул муҳаррир С.Ҳасанов. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.
4. Фидойи олим ва беназир инсон. Мақолалар тўплами. – Т., 2006.
5. Louis Arnould. La méthode biographique de critique littéraire et Sainte-Beuve. Extrait de correspondant. (V-e) II. – P.: Oudin, Éditeur, 1994.

УДК 81-13

КОГНИТИВНЫЕ ПРИНЦИПЫ СТИЛИСТИЧЕСКИХ ПРИЁМОВ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ

М.А. Алимарданова, магистр, Термезский Государственный Университет, Термез

Annotatsiya. *Maqola kognitiv stilistikaning nazariy muammolariga bag'ishlangan. Kognitiv tilshunoslikda uslubiy tendentsiyaning shakllanishi nazariy postulatlar va ba'zi tushunchalarning (talqin, kontseptual ma'lumot, nominatsiya va boshqalar) umumiyligi, shuningdek, ishlab chiqilgan ko'plab kontsepsiyalar va tahlil usullaridan foydalanish va ijodiy ravishda rad etish imkoniyati bilan bog'liq. Stilistik tadqiqotlar bilan bog'liq holda kognitiv tilshunoslik, matndagi ma'lumotlarni tarqatishning kognitiv printsiplari, uslubiy metodlarning kognitiv asoslari, shuningdek, kognitiv metafora, aqliy bo'shliqlar va kontseptual integratsiya nazariyalariga e'tibor qaratilgan. Shuningdek, maqola kognitiv semantik va grammatika bilan bir qatorda kognitiv stilistikani kognitiv tilshunoslikning muhim yo'nalishlaridan biri sifatida ko'rib chiqishga barcha asoslar borligini isbotlaydi.*

Kalit so'zlar: *kognitiv stilistika, bilish printsiipi, kognitiv metafora, kontseptual integratsiya, aqliy makonlar, bilim tuzilmalari*

Аннотация. *Статья посвящена теоретическим проблемам когнитивной стилистики. Формирование стилистического направления в когнитивной лингвистике обусловлено общностью теоретических постулатов и некоторых понятий (интерпретация, концептуальная информация, выдвигание и т.п.), а также возможностью использования и творческого преломления многих понятий и методов анализа, разработанных в когнитивной лингвистике применительно к стилистическим исследованиям. Основное внимание уделяется когнитивным принципам распределения информации в тексте, когнитивным основаниям стилистических приемов, а также теориям когнитивной метафоры, ментальных пространств и концептуальной интеграции. В статье также доказывается, что есть все основания рассматривать когнитивную стилистику наряду с когнитивной семантикой и грамматикой как одно из важных направлений когнитивной лингвистики.*

Ключевые слова: *когнитивная стилистика, когнитивный принцип, когнитивная метафора, концептуальная интеграция, ментальные пространства, структуры знания*

Abstract. *The article is devoted to the theoretical problems of cognitive stylistics. The formation of stylistic trend in cognitive linguistics is determined by common theoretical postulates and some notions (interpretation, conceptual information, foregrounding and so on), and it is also due to the possibility of using and creative refraction of some notions and methods of analysis developed in cognitive linguistics, as applied to stylistic investigations. The main attention is paid to the cognitive principles of distributing information in the text, cognitive basis of stylistic devices, also great attention is paid to the theory of cognitive metaphor, mental spaces and conceptual integration. In the article it is also proved that there are all grounds to examine cognitive stylistics as one of the significant trends of cognitive linguistics as well as cognitive semantics and cognitive grammar.*

Key words: *cognitive stylistics, cognitive principle, cognitive metaphor, conceptual integration, foregrounding, knowledge structures*

Введение. Когнитивная лингвистика — это лингвистическое направление, в центре внимания которого находится язык как общий механизм, как когнитивный инструмент, представляющий собой систему знаков, играющих роль в репрезентации и трансформации информации [Кубрякова Е.С., 1996; 53]. Схожее определение представлено в работе Дзюбы Е.В., "когнитивная лингвистика представляет собой направление лингвистики, изучающее роль языка в процессе формирования, хранения и воспроизведения знаний человека о мире и о себе самом, т.е изучающее язык как механизм и инструмент познания" [Дзюба Е.В., 2018; 33]. Иными словами, когнитивная лингвистика стремится объяснить, как хранятся знания о мире, и как они структурированы в языке в процессе коммуникации. Следовательно, данное

лингвистическое направление обращается к вечно волновавшим языковедов темам: языку и мышлению, главным функциям языка, роли человека в языке и роли языка для человека.

Необходимо подчеркнуть, что когнитивная лингвистика, зародившаяся в 60-70-х годах двадцатого столетия, в настоящее время интенсивно развивается во многих странах мира, включая страны СНГ. Так, в нашей стране когнитивная лингвистика получила признание в начале двадцать первого века. Исследователями когнитивной лингвистики в Узбекистане, ведущими изыскания в русле данного направления, являются Ашурова Д.У., Юсупов У.К., Бушуй А.М., Сафаров Ш.С., Джусупов Н.М., Галиева М.Р., Агзамова Д.Б. и др.

Когнитивная стилистика – это одно из новых направлений когнитивной лингвистики, активно развивающееся в настоящее время. Целью данной статьи является рассмотрение некоторых положений когнитивной стилистики и обоснование когнитивной стилистики как одного из направлений когнитивной лингвистики. Формирование стилистического направления в когнитивной лингвистике обусловлено общностью теоретических постулатов и некоторых понятий (интерпретация, концептуальная информация, выдвижение и т.п.), а также возможностью использования и творческого преломления многих понятий и методов анализа, разработанных в когнитивной лингвистике применительно к стилистическим исследованиям.

Как отмечает Н. Джусупов, в недрах когнитивного подхода к стилистике "уже успели сформироваться целый ряд теоретических концепций и положений, предлагающих когнитивное осмысление и решение как общетеоретических, так и отдельных практических вопросов стилистики" [Джусупов Н., 2011; 65].

Основная часть. В настоящее время когнитивная стилистика охватывает широкий круг вопросов [Ашурова Д., 2018; 107]:

- проблемы когнитивного стиля;
- проблемы концептуализации стилистических средств и текста;
- когнитивные принципы распределения информации в тексте.

Представляется, что этот перечень проблем не является окончательным и может быть дополнен такими проблемами как функционирование культурно-обусловленных концептов в художественном тексте и теория концептуальной интеграции применительно к стилистически маркированным единицам. Ниже рассмотрим некоторые из них.

Одной из проблем когнитивной стилистики является проблема когнитивного стиля. Ключевой проблемой, на которую обратили внимание многие известные исследователи в области стилистического подхода, признается отсутствие ясного понимания, что стоит за конструктами «стиль» и «когнитивный стиль». Под когнитивным стилем понимается индивидуально-своеобразный способ переработки информации о своём окружении в виде индивидуальных различий восприятия, анализа, структурирования, категоризации, оценивания происходящего.

Когнитивные стили, наряду с другими стилевыми образованиями – стилями обучения, мышления, интеллектуальными стилями и др. – признаются ограниченными со стороны средств их измерения. То есть они характеризуются достаточно «жесткой» привязкой к методике их диагностики, что приводит к очевидным трудностям в обобщении полученных эмпирических данных и теоретическом осмыслении результатов. Существенной характеристикой ранних этапов изучения когнитивных стилей является применение корреляционных схем исследований, впоследствии заменяемое ориентацией на проверку экспериментальных причинно-следственных гипотез.

Критике подвергаются существующие методические средства измерения когнитивного стиля – они слишком разнообразны, недостаточно между собой согласованы, многие не обладают необходимой валидностью и надежностью, что формирует запрос на разработку надежных и валидных методик. Мы полагаем, что в настоящее время остро стоит вопрос актуальности дальнейшего изучения когнитивных стилей. С одной стороны, данная область долгое время находилась вне основных путей развития современной психологии, с другой – вопрос о стилях как предпочтениях в использовании когнитивных способностей остается до сих пор весьма важным.

Многие авторы указывают, что когнитивные стили могут выступить основой построения единой теории взаимодействия познания и личности. Общеизвестно, что структура построения информации выполняет огромную роль как в процессе создания, так и в процессе восприятия речи.

Как отмечает Е. Кубрякова, при обработке языковых знаний следует изучать не только те ментальные репрезентации, которые возникают по ходу обработки или извлекаются из долговременной памяти, но и те процедуры или операции, которые при этом используются [Кубрякова. Е., 1996; 78]. Иными словами, при рассмотрении текста с точки зрения когнитивной лингвистики необходимо уделить огромное внимание когнитивным принципам распределения информации в тексте, которые представляют собой "когнитивные установки и ограничения прагматических принципов построения текста/ дискурса и разделения информации в тексте, последовательности ее подачи" [Кубрякова. Е., 1996; 78]. К таковым принципам относятся принцип иконичности, принцип распределения старой и новой информации, принцип выдвижения, принцип избыточности и принцип языковой экономии.

В заключение следует подчеркнуть, что стилистика имеет много точек соприкосновения с когнитивной лингвистикой и использует многие положения и понятия когнитивной лингвистики в целях

наиболее адекватного стилистического анализа художественных текстов. В связи с этим, есть все основания рассматривать когнитивную стилистику наряду с когнитивной семантикой и грамматикой как одно из важных направлений когнитивной лингвистики.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М.: Просвещение, 1990
2. Ашурова Д.У. Новые тенденции в развитии стилистики // *Til va nutq system-sath talqinida*: материалы науч.-теор. конф. Самарканд: СамГИИЯ, 2005. С. 7–8.
3. Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории//“Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал, 2018. №2(21)
4. Гальперин А.И. Очерки по стилистике английского языка. – М., 1981.
5. Джусупов Н.М. Лингвокогнитивный аспект исследования символа в художественном тексте. Автореф. дис. канд. ... филол. наук. – Ташкент, 2006. – 26 с.
6. Джусупов Н.М. Когнитивная стилистика: современное состояние и актуальные вопросы исследования, 2011. №3 (028)
7. Иванова Е.В. Пословичные картины мира (на материале английских и русских пословиц). – СПб.: СПбГУ, 2002. – 160 с.

УЎК 808.3

БАДИЙ АСАРДА ПОРТРЕТ ЯРАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ

О.Аҳмаджонова, ўқитувчи, Фаргона Давлат Университети, Фаргона

Аннотация. *Ушбу мақолада Асқад Мухторнинг “Чинор” романи асари асосида ёзувчининг портрет яратиш маҳорати таҳлилга тортилади.*

Калим сўзлар: *портрет, персонаж, роман, сўз санъати, руҳий дунё*

Аннотация. *В статье по роману Аскада Мухтора «Платан» анализируется портретное мастерство автора.*

Ключевые слова: *портрет, персонаж, роман, словесное искусство, духовный мир*

Abstract. *This season, the skill of creating a portrait of a writer based on the novel “Chinar” by Askad Mukhtar is in demand.*

Keywords: *portrait, character, novel, word art, spiritual world*

Бадий асарда характер яратиш масаласи муҳим ўрин тутди. Реал воқеликни бадий тўқима асосида тасвирлаш, ана шу воқеликни бош қаҳрамони бўлган инсон образини ёритиш, унинг хатти-ҳаракатларини асослаш, маънавий-руҳий дунёсини ифодалаш, характер кирраларини очиш ёзувчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Инсон руҳиятининг бой ва яширин сирларини, уларнинг туб эстетик қимматини кашф этиш санъати - руҳият билимдонлиги, ёзувчи шахсияти, унинг ҳаёти тушуниши, тадқиқ ва таҳлил қила олиши билан боғлиқдир. Ёзувчилар бадий асарларда қаҳрамонлар руҳиятини, характерларини очишда уларнинг ташқи қиёфалари, яъни портретларини чизишга алоҳида аҳамият берадилар.

Портрет – персонажнинг сўз воситасида тасвирланган ташқи кўриниши (қиёфаси, жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари), ўқувчи тасаввурида жонланадиган тўлақонли инсон образини яратиш ва унинг характерини очиш воситаларидан биридир.

Романда воқеалар кўлами кенг бўлиб, персонажлар миқдорини кўп тасвирлаш имкони мавжудлиги учун ёзувчилар қаҳрамонлар характерини, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва табиат манзараларини, гўзалликларини эҳтирос билан тасвирлайди. Қаҳрамон ички оламини очиш масаласига ҳудди шундай эҳтирос билан ёндашув Асқад Мухтор романларида ҳам учрайди. Асқад Мухторнинг халқ портретини яратиши, табиат манзарасини қаҳрамон руҳияти билан чамбарчас ҳолда тасвирлаши романдаги илк ривоятдаёқ яққол намоён бўлади. Романнинг номи ҳам бекорга “Чинор” тарзида танланмаган. Азим чинор тасвири, унинг мангуликни эслатувчи ҳамиша навқирон танаси, булутдай ёйилиб Чинортоғ ва Чинорқишлоқни ўз соясига олгани “Тоғ бағридаги хув ўша булут булут эмас, Чинор... бу жойларда чинорсиз ҳеч нарсани тушунтириб бўлмайди” таърифи билан бошланади. Ёзувчи бекорга илк сўзларини бу рамзий тасвирдан бошламаган. “Унинг ўн тўққиз қулочли ғўдир танаси ўзининг минглаб қатламлари билан гўё ҳаётнинг мангулигини тасдиқлаб туради. Сон-саноксиз панжа барглари ҳам бетиним кимираб, нурли ҳаводан ризқини териб олаётгандай, юксакликка интилгани-интилган”. Чинор *минглаб қатламлари* билан бир халқнинг минг йилликларга тенг ўтмишини, *сон-саноксиз панжа барглари* билан турли уруғ-қабилла, аждодларини ва бугунги авлодларининг *нурли* келажак ҳавосидан ризқини теришга интиляётган халқ тимсолидир. Ижодкор чинор орқали бутун бир халқ портретини яратади. Айни вақтда санъаткор ўз қаҳрамонларининг фақат ташқи қиёфасидаги белгиларни аниқлаш ва бўрттириш билан чекланиб қолмайди, Очил бува ва чинорни “ёлғиз” қолдириб, уларнинг ички ва ташқи дунёсини уйғунлаштиради. Бу айниқса, “кечаси билан чинорга тикилиб чиққан эмиш”, “Мен ёниб кетсам, замон охир бўлади! – деганмиш чинор” каби таъкидланган сўз ва ибораларда ўз аксини топган. Бадий асарда инсон қиёфасини тасвирлашнинг динамик, статик ва контраст усулларини кўришимиз мумкин. Портрет чизишнинг бу каби хилларидан ҳар бир ёзувчи ўз услуби, гоёвий мақсадига мувофиқ ҳолда фойдаланади. Сўз санъати воситасида маҳорат билан чизилган портрет бадий асар қаҳрамонини ўқувчига аниқ кўрсатиб, унинг руҳий дунёсини яхшироқ билишга, ўрганишга, бадий тадқиқ этишга хизмат қилади.

Асқад Мухтор ижодида салмоқли ўрин эгаллаган “Чинор” романида юкоридаги усулларнинг барчасини кузатишимиз мумкин. Биринчи ривоятда чинор рамзи орқали халқ портретини мохирона чизган бўлса, кейинги воқеалар ривождаги персонажлар қиёфасини ҳам ишонарли гавдалантиради. Муаллиф қахрамонлар ички дунёси ва ташқи қиёфаси – портретини яратишда ҳам бадиий тилнинг имкониятларидан унумли фойдаланади. Бутун асар давомида китобхон муаллиф ёрдами билан асар персонажларининг табиати, ташқи қиёфаси, ўй-хаёллари, орзу-умидлари, армон ва изтироблари ҳақида маълумот олади. Баъзан уларга ҳамдарад бўлиб, воқеалар замирига сингиб кетади. Асар бошида адиб икки қахрамон тасвирини берар экан уларни бир-бирига ташқи кўриниши орқали қиёслаб, ички руҳий оламини ҳам ёнма-ён кўяди. Тасвирнинг яна-да ёрқинроқ, ишончлироқ чиқишига эришади, айни вақтда портрет яратишнинг икки усулидан мохирона фойдалана олади.

“Ичкаридан ҳали **охори тўкилмаган** янги беқасам тўн кийган, жуссаси кичик, муллаваччага ўхшаш **ранги синикқина** бир йигит иккита тугун кўтариб чикди. Азимжон шу эди. Очил бувага қараганда у **бошқа бир олам**: гарчи ялтироқ этик, шевиот шим, ипак кўйлак... ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган. Айниқса, беқасам билан **чуст дўппини** энди кийганга ўхшайди, худди **омонатдай** эҳтиёт қиларди. Очил бува унинг олдида **тоғдек**. Чанг кўнса билинмайдиган қум ранг кўн этикнинг брезент кўнжи бақувват болдирида юмшоққина йиғилиб турибди. Узун оқ ятак устидан пастгина, бўшгина боғланган кийиклар белнинг **қадимий навқирон кучини** ардоқлаётгандек”. Азимжонга берилётган таърифдаги ажратиб кўрсатилган, унинг бу жамият учун янгилиги, бегоналиги, бошқа бир олам – чет элдан келиб, худди дўппи каби омонатдай кўринган Азимжон Очил бува олдида жуда кўримсиз туюлади. Ёзувчи ўқувчи олдида ушбу тасвирлар орқали ўз халқидан, “томиридан” айрилган инсоннинг кўриниши (**ранги синикқина** бир йигит) шу ҳолга келса, унинг ички маънавий дунёси қай ҳолда экан, деб ўйлантирадиган савол кўяди. Бу саволга биз ўлка бўйлаб қилинган саёҳат давомида жавоб оламиз. Яъники, Азимжоннинг ичи бўм-бўш. **Беқасам билан чуст дўппини энди кийган** - Азимжон ўз она ватанига биринчи бор келган. У на ватани, унинг сарҳадлари, халқининг урф-одатлари, кўйинки ўз яқинлари ҳақида ҳам ҳеч нарса билмасди. Чет элда ҳам “туп кўйиб, палак ёзмаган”ди. Гўёки, аросатда қолган. Асар қахрамонларидан Бозорқулнинг хаёлий бойиб кетиш режаси, уни амалга ошириш учун яқинларидан бемаслаҳат узоқ ва хатарли сафарга чиқиши, аёлининг фожеали ўлими, ўғли Азимжоннинг “ранги синик” “бошқа бир олам” кишишига айланишига сабаб бўлади.

Ўзига хос композицион қурилишга эга бўлган роман таркибидаги ҳикоялардан бирида Россия босқини олдида Бухоро амирлигидаги айрим муаммолар баён этилади. Кекса инсон ва йигит тасвири бир вақтда параллел берилар экан, навқирон йигит тасвирига зид равишда Очил бува ёши улуг, лекин Азимжон олдида тоғдек бақувват киши сифатида тасвирланади. Қийиклар қадимий навқирон кучни ардоқлаш билан бирга шу юртнинг ғам-қайғуси, шодлигу-қувончларини бирдек баҳам кўриб минг йиллик бақувват чинор каби чуқур илдиз отган халқ вақилини кўз ўнгимизда намоён этади. Айни вақтда персонаж либоси ҳам унинг қайси миллат вақили экани, ёзувчининг маълум ижодий нияти ҳақида сўзлайди. **Беқасам тўн, чуст дўппи, ятак ва кийиклар** ҳам бу икки персонажнинг ўзбек халқига мансублигини кўрсатади.

Асқад Мухтор бир асарнинг ўзида ҳам аънавий тасвир, ҳам новаторона усулдан фойдаланган ҳолда, инсон ички дунёси, психологиясини ўқувчи таништирар экан, одатга зид равишда қахрамон қиёфасини дағал ёки гўзал бериб, воқеалар ривожини асосида ички маънавий қиёфасини унга зид равишда ҳам баён этади. Портретнинг бундай контраст усулида яратилган образлардан бири бугунги ижтимоий муаммолар гирдобидан сўзловчи қисса персонажи Исроилов бўлса, иккинчиси олис мозий воқелигини етказувчи ривоят таркибидаги шоҳ образидир.

Қиссада Ориф аканинг тутинган қизи Онабибининг ҳақиқий отаси Исроилов ташқи кўринишдан хушбичим киши сифатида тасвирланади. “Ориф ака Исроиловни бадбашара махлуқ деб ўйларди. Бу бўлса қиздай қирмизи, бировга озор берадиган одамга ўхшамайди...”. Ташқи кўринишдан ана шундай бекам-у кўст Исроиловнинг маънавий қиёфасига Марям мактуби орқали шундай баҳо берилади. “Исроилов катта товламачи. Судга топширган хужжатлари қалбаки. У қаллоблик ва чайқовчилик билан судга тушиб, ўн икки йил қамоқда ётиб чиққан, ҳозир “шаҳсга сиғиниш қурбони” бўлиб олиб, яна улгуржи чайқовчилик билан шуғулланиб юрган бир муттаҳам экан”.

Илм-у ҳикмат бобида Арастудан сўнг устоди соний бўлган Абу Наср Фаробий замонидан ҳикоя қилувчи ривоятда эса Билужистон мулкининг шоҳи ташқи қиёфаси билан жуда гўзал тасвирланади. “Шоҳ сурмадай қора соқоли, банорас тўн ва олтин тож кийган ёшгина, Юсуф алайҳиссаломдек хусни баркамол бир зот экан”. Мумтоз адабиёт намуналарини муталаа қилганимизда ижобий қахрамонлар гўзал маънавий фазилатлар соҳиб бўлиш билан бирга, ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам бенуқсон қилиб тасвирланишига кўникканмиз. Аммо, бу сафар “Чинор” муаллифининг муайян аънавалардан чекинганига гувоҳ бўламиз.

– Бизнинг содик қулларимизга киргин келибди, унинг давосини топиб офатга барҳам бергайсан – деди у, каттагина чарм халтада тиллани унинг оёғига ўзи ташлади.

- Бу менинг қўлимдан келмайди, шоҳ.

- сенинг илм-у фузул аро шуҳратинг Устоди Соний номинг ғалатми? Сен бу офатнинг қаёқдан келганини, нима эканини билмайсанми?

- Биламан, шоҳ. Лекин даволаш қўлимдан келмайди”.

Фаробийга ўз эҳтиёжини баён қилиб, ундан рад жавобини олган, аччиқ ҳақиқат азобига дучор бўлган шоҳ бир зумда машҳур аллома олдида ҳақиқий қиёфасини намоён этади, маънавий тубан, қаҳрли, худбин,

кибрили кимсага айланади. Фаробийнинг қулларни ватанига қайтариш ҳақидаги илтимос-тавсиясига жавобан унинг ўзини ҳам кишанлаб, қуллар сафига қўшиб қўяди.

Бу романдаги ғоянинг очиб берилиши ўзига хос тарзда бўлиб, ёзувчи асосан, ҳар бир воқеа ходисага персонажлар муносабати, аини воқеа ҳолатига нисбатан қалб тўрида бўлган ҳис-туйғулар: қувонч, изтироб ва алам каби туйғуларни таҳлил қилиш орқали ўқувчига таъсир этадиган ижтимоий муносабатларни таҳлилга тортади ва бунда портрет яратиш санъатидан ўз услубига хос равишда фойдаланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т.: Академнашр, 2010.
2. Асқад Мухтор. Чинор. Т.: Янги аср авлоди, 2015.
3. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. -Т.: Шарқ, 2007.
4. Норматов У. Ижод сеҳри. -Т.: Маънавият, 1998.
5. Ўзбек адабий танқиди. Антология. -Т.: Турон-Иқбол, 2011.

УДК 81-13

ОБУЧЕНИЕ СЛОВООБРАЗОВАНИЯ КАК ПРЕДМЕТ ЛИНГВИСТИКИ

М.А. Бозорова, старший преподаватель, Бухарский филиал Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара

Annotasiya. Maqolada rus va o'zbek tillarida so'z yasalishi tasvirlangan. So'z yasalishi atamasi tilshunoslikda ikki ma'noda qo'llaniladi: so'zlarning paydo bo'lishi haqidagi fan va yangi so'zlarni shakllantirish qoidalari va usullari to'plami. So'zni shakllantirish yangi so'zni yaratishdir.

Kalit so'zlar: so'z yasalishi, qoidalar va usullar to'plami, fe'l, qo'shimchalar, ot

Аннотация. Статья описывает словообразование на русском и узбекском языках. Термин словообразование используется в лингвистике в двух значениях: наука о том, как появляются слова, и набор правил и методов для образования новых слов. Образование слова - это создание нового слова.

Ключевые слова: словообразование, набор правил и методов, глагол, аффиксации, существительное

Abstract. The article describes word formation in Russian and Uzbek languages. The term word formation is used in linguistics in two meanings: the science of how words appear, and a set of rules and methods for forming new words. Word formation is the creation of a new word.

Key words: word formation, set of rules and methods, verb, affixation, noun

Достижение независимости нашей дорогой Родины позволило развитию науки и просвещения в стране, что сделало имя Узбекистана известным всему миру, и будущее образования как прочного фундамента великого государства.

С первых дней независимости образовательная, духовная и просветительская работа стала приоритетом нашей государственной политики.

Поскольку мы мобилизуем все наши силы и возможности для того, чтобы наши люди были не хуже всех в мире, чтобы наши дети были сильнее, образованнее, мудрее и, конечно же, счастливее, чем мы, вопрос духовного воспитания несомненно стоит первостепенной важности. Если мы потеряем бдительность и чувствительность, решимость и ответственность в этом вопросе, если мы предоставим эту очень важную работу самим себе, если мы потеряем нашу духовность, нашу историческую память, которая питается нашими священными ценностями, мы можем в конечном итоге отклониться от пути всеобщего развития.

Понятие духовности в полной мере воплощает мировоззренческие, просветительские, культурные, религиозные и нравственные взгляды в жизни общества. Поэтому, размышляя над этой темой, можно обобщить все эти взгляды и выразить их в самом широком смысле понятия духовности.

Ни для кого не секрет, что каждое государство, каждая нация сильна не только своими подземными и наземными природными ресурсами, военной мощью и производственным потенциалом, но, прежде всего, своей высокой культурой и духовностью.

Духовность - это несравненная сила, которая духовно очищает человека, побуждает его расти, укрепляет его внутренний мир, волю, веру, пробуждает его совесть и является критерием всех его взглядов.

Одним из жизненно важных факторов, непосредственно влияющих на формирование духовности, является система образования.

Известно, что наши предки издревле считали науку и просвещение, образование, которое является бесценным богатством, главным условием и гарантией совершенствования человека и национального развития.

Конечно, образование - это продукт сознания, но в то же время это важнейший фактор, определяющий уровень сознания и его развитие, то есть формирование и обогащение духовности людей. Поэтому невозможно развивать духовность без изменения системы образования и, исходя из этого, сознания.

Поэтому поверхностные, формальные подходы и необдуманные действия в этой сфере абсолютно недопустимы. Наш основной закон гласит, что вопрос о школах и образовании должен находиться под контролем государства и общества. В то же время это общенациональная проблема, которая требует участия и поддержки широкой общественности и всего нашего народа.

Мы не должны забывать, что фундамент нашего будущего закладывается в образовательных учреждениях, иными словами, будущее нашего народа зависит от того, как наши дети сегодня получают образование и воспитание.

Для этого каждый родитель, учитель и тренер должны сначала увидеть человека в образе каждого ребенка. Исходя из этого простого требования, мы должны признать, что основной целью и задачей образования должно быть воспитание наших детей как независимых, широких взглядов, сознательных людей. Это требует взвешенного подхода к обучению и воспитанию.

Термин словообразование используется в лингвистике в двух значениях: наука о том, как появляются слова, и набор правил и методов для образования новых слов.

Образование слова - это создание нового слова. Например, *хизматчи* (сделанное с помощью аффикса *-чи*), бронтешар, танкотар (составленное из комбинации двух слов), курилиш, уруш (слово, являющееся исходным названием глагола, передается существительному), йўлдош (новое значение слова - ернинг сунъий йўлдоши), *янги* — *янғи* (одно качество, другая форма) и так далее. Такие слова составлены по-разному и обогащают словарный запас языка.

Словообразование до недавнего времени рассматривалось в разделе лингвистики морфологии. Развитие лингвистической теории потребовало ее рассмотрения как отдельного раздела лингвистики. Соответственно, в литературе, опубликованной в последние годы, «словообразование» стало трактоваться как самостоятельный раздел лингвистики.

Словообразование - это раздел лингвистики, который занимается правилами, моделями и методами словообразования.

Объектом изучения словообразования является слово. Слово изучается как лексикологией, так и грамматикой. Но лексикология и грамматика подходят к словам по-разному. Например, в лексикологии изучаются слово и его значение, слои лексики, основные типы слов, а в морфологии группы слов изучаются их грамматические формы. С другой стороны, словообразование рассматривает образование новых слов как отдельную область. Эти разделы лингвистики изучают слово со всех сторон и дополняют друг друга. В этом отношении они взаимосвязаны.

Если диахроническое словообразование изучает формирование слова в конкретный период развития языка, его исходное состояние, изменения в структуре словообразования, синхронное словообразование изучает систему словообразования на текущем этапе развития языка.

Синхронная словообразовательная структура слова может соответствовать, а может и не соответствовать диахронической словообразовательной структуре.

Слово «Цветник» исторически образовывалось с использованием суффикса *-ик*, означающего «покрытый цветами» (который теперь потерял свое значение). В современном русском языке значение этого слова связано только со словом *цветы*. Структура слова сердце в узбекском языке имеет форму *юр + ак* (существительнообразующий аффикс) в диахроническом аспекте, а в синхроническом - как ядро.

Диахроническое и синхронное словообразование диалектически взаимосвязаны. При построении новых слов на основе существующих моделей на каждом этапе развития языка важна синхронная словообразовательная структура того периода, а не исходная словообразовательная структура формируемого слова. Например, суффикс *-ник* в современном русском языке является продуктивным. Этот суффикс изначально представляет собой комбинацию относительного прилагательного *-н* и суффикса *-ик*, составляющего уменьшительную форму существительного. Образованная этим синхронная словообразовательная структура слова *цветник* не соответствует его диахронической словообразовательной структуре, этот суффикс теперь служит для образования новых слов (*градусник*). Если слова *юксак*, *қишлоқ* в узбекском языке были в диахроническом аспекте в форме *юк-с-ак*, *қиш-ла-қ*, то в синхроническом аспекте они не связаны со значением слова *юк*, *қиш*.

Основным вопросом синхронного словообразования является мотивация словообразования, т. е. наличие связи между формирующимся словом и значениями формируемого слова. Существует схематическая связь, общность между словом, на котором оно основано, и значениями слова, производного от него.

Как правило, любое словообразование бывает бинарным, т.е. имеет два члена: базовый и формантный. Первая - это та часть, которая семантически связана с искусственным, а вторая - отличная от нее: *мехнаткаш*. Слово состоит из двух частей: части, относящейся к семантике слова *рабочий* (*мехнат*), и части, которая отличает это слово (*-каш*).

При классификации словообразовательной системы языка в качестве главного признака берутся типы словообразования. При этом учитывается форма фразы и ее значение. Например, *ишчи*, *аълочи*, *овчи*, *тарбиячи*, *сувчи*, *балиқчи* и т.д. образуют тип словообразования и составляют личные имена. При интерпретации типов словообразования учитываются изменения его значения и формы, стилистические особенности в его употреблении, продуктивно или неэффективно.

Модели словообразования с типами словообразования часто используются как синонимы. Но они разные. Если модель словообразования представляет собой конкретный образец образования лексем, типы словообразования включают не только построение модели, но и такие вопросы, как ее типология, продуктивность или неэффективность. Следовательно, значение термина «словообразовательные типы» шире, чем значение термина «словообразовательные модели».

Иногда из одной основы составляется несколько слов: или *ўр (глагол)*— *ўроқ (существительное)*, *ўроқчи (существительное)*, *ўроқчилик (существительное)*. В данном случае слово *ур* послужило основой для образования нескольких слов. Такие слова называют словообразовательными гнездами.

Слот словообразования также может носить тематический характер. Например, такие слова, как *тошлоқ, ўтлоқ, қумлоқ* образуют тематический ряд и означают название места.

Способы словообразования различаются в разных языках. Грамматические (аффиксация и сложение слов), семантические, фонетические, преобразовательные способы словообразования являются общими для многих языков. Их участие варьируется в разных группах слов. Например, в русском языке префикс и постфиксация (формы аффиксации) более специфичны для глаголов, а способ суффиксации и сложения слов более специфичен для существительных. В узбекском языке аффиксация и сложение слов характерны для большего количества существительных.

При словообразовании учитываются и морфологические явления. При этом учитываются изменения структуры слова (звуковые изменения), происходящие в процессе словообразования.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. 173 бет
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент: Маънавият; 2008
3. Умархўжаев М.Э. Немис тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон 2010. 216 -бет.
4. Умархўжаев М.Э., Назаров Қ.Н. Deutsch – russisch – usbekisches phraseologisches Wörterbuch. Тошкент, 1994. 236 бет.

УЎК 808.3

ТИЛНИНГ НОВЕРБАЛ СИСТЕМАСИ ВА ТЕРМИНОЛОГИК СТРУКТУРА

М. Бурханова, ўқитувчи, Фарғона Давлат Университети, Фарғона

Аннотация. Мақолада паралингвистик воситалар ва уларнинг ўрганилиш тарихи ҳақида фикр юритилади. Дунё тилшунослигида ва ўзбек тилшунослигида паралингвистик воситалар тўғрисидаги бир-бирдан фарқли қарашлар таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: паралингвистика, нолисоний восита, лисоний восита, жест, мимика, имо-ишора

Аннотация. В статье рассматриваются паралингвистические средства и история их изучения. Анализируются различные взгляды на паралингвистические средства в мировой лингвистике и узбекском языкознании.

Ключевые слова: паралингвистика, неязыковые средства, жест, мимика

Abstract. The article discusses paralinguistic tools and the history of their study. Different views on paralinguistic means in the world and Uzbek linguistics analyzed.

Key words: paralinguistics, non-linguistic means, linguistic means, gestures facial expressions, gestures

Сўз тилга ёндош бўлган восита, ифодалар ҳақида борар экан, дастлаб шу соҳага оид терминологик бирликлар тўғрисида фикр юритиш мазкур мақоланинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Айтайлик, нолисоний воситалар ҳақида сўз борганда, одатда, шу ҳодиса билан боғлиқ термин ва терминологик бирликлар соҳага оид терминларнинг изоҳли луғатида тавсифланади. Шу асосда айтиш мумкинки, анъанавий тилшунослик доирасида бажарилган барча ишлар тавсифий ва тасвирий характердаги тадқиқотлар сирасига мансуб бўлиб, тилшуносликда уларни тасвирий лингвистика номи билан умумлаштирилади. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда олиб борилаётган илмий изланишларнинг аксарияти лисоний ва нолисоний бирликларнинг функционал хусусиятларига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Масалан, сўз тилга ёндош бўлган новербал воситалар: паралингвистика, жест ва бошқа шу каби терминлар терминологик луғатларда изоҳланади: "...тилшуносликнинг ўзаро алоқада имо-ишора, мимика, нутқ ситуацияси каби факторларни ўрганувчи соҳаси", "нутқий мулоқотнинг лисоний бўлмаган воситаларини ўрганадиган тилшуносликнинг йўналиши: фонация (товуш даражаси, пауза ва б.), кинетика (алоқа пайтида юз ифодалари ва имо-ишораларнинг хусусиятлари)"ни ўрганадиган тилшуносликнинг махсус йўналиши деб эътироф этилади. Бу борада А.Хилл, А.Пиз, Г.В.Колшанский, Н.В.Юшман, Т.М.Николаева, М.А.Василик, И.Н.Горелов, Е.Е.Анисимова, О.Л.Каменская, Н.И.Панина, Ю.А.Сорокин, А.Нурмонов, М.Саидхонов каби тилшунослик соҳаси вакиллари тасвирий характердаги тадқиқотларини эътироф этиш керак бўлади. Хусусан, паралингвистика термини лотинча "рага" – "ёндош", "lingua" – "тил" сўзларидан олинган бўлиб, "тилга ёндош", "тил билан бирга қўлланувчи" маъноларини ифодалайди. Демак, тилнинг новербал системаси ўзида қатор соҳага оид терминологик бирликлари билан мазкур йўналишдаги изланишларнинг мундарижасини кўрсатиб туради. Бу фикр соҳа мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилади. Хусусан, "тилнинг новербал семиотик системаси таркибига кирувчи бешта асосий фан тармоғига ажратилади: паралингвистика, кинесика, окулесика, гаптика ва проксемика".

Новербал система компонентлари структур ва функционал хусусиятлари асосида коммуникатив актларни юзага чиқаришига кўра вербал бирликлар билан қиёсланади. Новербал воситаларга ҳам семиотик нуқтаи назардан қараш, бундай бирликларни киши тасаввурида идрок қилиш, бошқа лисоний воситалар сингари ахборот ифодалаш хусусиятини кўрсатади.

"Паралингвистика" атамасининг фанга кириб келиши борасида жаҳон тилшуносларининг бир қанча тахминлари мавжуд. Бу терминдан дастлаб М.Кнапп (Кнапп 1972/1978), 1954 йилда эса Велмерс каби

олимлар фойдаланганликлари таъкидланади. Ж. Трейджернинг (Trager 1958) нуқтаи назарига кўра, тилшунослик ҳодисалари фонетистлар томонидан қадимдан қайд этилган ва ўрганилган бўлса-да, "паралингвистика" атамаси биринчи бўлиб А.Вилл томонидан илмий ҳаётга олиб кирилган. 1952 йили АҚШда ўтказилган семинар ва мунозараларда тингловчилар аллақачон қўллаб келаётган "паралингвистика" атамаси ҳақида Ж.Трейджер мақолаларида батафсил маълумотлар берилган эди. Рус тилшунослигида "паралингвистика" атамаси ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари бу тушунчани жуда ҳам тор изоҳлайдилар, бошқалари эса паралингвистика атамаси ва ҳодисасига атрофлича тўхталдилар. Натижада бир атама ва у ифодаланган тушунча юзасидан турлича қараш ва талқинлар юзага келади. Бундай қарашлардан бири "XX аср охирига келиб социолог олимларнинг янги тури – новербалика соҳаси билан шуғулланувчи мутахассислар пайдо бўлди. Улар одамларни ҳар ерда, яъни расмий қабулда, пляжда, телевиденияда, иш жойида, қаерда ўзаро ҳамкорлик қилишса, барча ерда кузатиб, одамлар хулқ-атворини, ўз қўл-оёқларининг иш-ҳаракатлари ҳақида кўпроқ билишга эга бўлиб, бошқалар билан ўзаро муносабатларни қандай қилиб янада яхшилаш устида бош қотирадилар". Шунингдек, новербал воситалар психология соҳасининг тадқиқот объектидир. Айни пайтда у тилшунослик муаммолари сирасига кириши соҳага оид илмий адабиётларда таъкидланади. Рус тилшунослигида паралингвистика бўйича Г.В.Кольшанскийнинг 1976-йилда нашр этилган "Паралингвистика" деб номланган рисолаи мавжуд бўлиб, рус тилшуноси ушбу илмий асарига семиотика масалаларига алоҳида тўхталган. Бундан ташқари "паралингвистика" атамасининг таърифи Т.М. Николаева томонидан лингвистик энциклопедик луғатда ҳам берилган. Лингвистик луғатларда паралингвистикага қуйидагича таъриф берилади: "...тилшуносликнинг ўзаро алоқада имо-ишора, мимика, нутқ ситуацияси каби факторларни ўрганувчи соҳаси", "нутқий мулоқотнинг лисоний бўлмаган воситаларини ўрганидиган тилшуносликнинг соҳаси: фонация (товуш даражаси, пауза ва б.), кинетика (алоқа пайтида юз ифодалари ва имо-ишораларнинг хусусиятлари)".

Ўзбек тилшунослигида паралингвистика ва унинг хусусиятлари илк бор профессор А.Нурмонов томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида ўрганилган. Ушбу рисолада паралингвистиканинг ўрганиш объекти, паралингвистик белгиларнинг тил структурасидаги ўрни, лингвистик ва паралингвистик белгилар муносабати, имо-ишораларнинг лингвистик бирликлар билан муносабати ва келиб чиқиши, имо-ишоралар ва ишора феъллари, ўзбек тилининг инкор ифодаловчи паралингвистик воситалари, имо-ишоралар системаси ва улар орқали ҳар қандай фикрни ифодалаш мумкинми, деган масалалар атрофлича ёритилади. Хусусан, "...юқори сатҳга доир ҳар қандай тил бирликлари денотатив томонидан объектив борлиқдаги маълум ҳаракат, нарса ва ҳодисаларни ифодалайди. Яъни объектив борлиқдаги нарса, ҳаракат ва ҳодисалар (денотат) киши онгида акс этади (сигнификат) ва онгда акс этган бу тушунчалар маълум товуш қобиғи (сўз) ёрдамида ифодаланади. Демак, сўзлар объектив борлиқдаги нарса, ҳодиса ва ҳаракатларни бевосита эмас, балки онг орқали акс эттиради.

Шунингдек, имо-ишоралар ҳам онгда маълум маънога хосланади. Яъни объектив борлиқдаги нарса ва ҳодиса (ҳаракат, ҳолат ҳам) онгда акс этади ва у имо-ишора орқали баён қилинади. Демак, бу жиҳатдан, сўз ҳам, имо-ишора ҳам бир хил функция бажаради, ҳар иккиси ҳам белги(знак)дир".

Ўзбек тилшуносларидан М.Саидхоновнинг "НOVERбал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши" номли диссертацион тадқиқот иши мавжуд. М.Саидхонов паралингвистик воситаларнинг ўрганилишини чуқур таҳлил этган ҳолда "...ўзбекларда ишлатилувчи новербал воситаларни қуйидаги жиҳатлардан тасниф этади:

1. Новербал воситаларнинг коммуникатив вазифасига кўра.
2. Новербал воситаларнинг коммуникатив ва соматик хусусиятларига кўра.
3. Новербал воситаларнинг ишлатилишига кўра.

НOVERбал воситалар уч хил коммуникатив вазифа бажариб келади: а) вербал восита ўрнида қўлланиб, нутқий жараёни компенсация қилади; б) вербал воситани тўлдирувчи новербал воситалар кўпроқ экспрессив-стилистик вазифа бажаради; с) вербал воситалар билан бирга ишлатилувчи новербал воситалар таъкидлаш, изоҳлаш каби маъноларни билдириб, аралаш ҳолда қўлланади. Новербал воситаларнинг коммуникатив ва соматик хусусиятларига кўра: а) фонацион новербал воситалар; б) кинетик новербал воситалар; с) аралаш новербал воситалар.

НOVERбал воситаларнинг ишлатилишига кўра: а) кўрсатувчи белгилар; б) таъкидловчи белгилар; с) рамзий белгилар; д) тасвирловчи белгилар; е) эмоционал белгилар".

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, паралингвистиканинг ўрганиш объектига кирувчи новербал воситалар, жест ва мимикалар ҳам тилшуносликнинг текшириш соҳаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. – Назрань: Пилигрим, 2010. С. – 254.
2. Кнапп 1972/1978 - Knapp, M. L. Nonverbal communication in human interaction. New York: Holt, Rinehart & Winston, 1978 (1st edition - 1972).
3. Крейдлин Г.И. Невербальная семиотика в ее соотношении с вербальной. Автореф. дисс. д.ф.н. – Москва, 2000. С. - 9.
4. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1980. Б. – 11.
5. Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: ф.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 1993. Б. – 10-17.
6. Трэйджер 1958 - Trager, G. L. Paralanguage: A first approximation. Studies in linguistics, 1958,13,1-12.

7. Пиз А. Тана тили. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2016. Б. – 3.
 8. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. Б. – 67.

УЎК 808.5

МАСАЛ ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЭЗОП ИЖОДИНИНГ ЎРНИ
Ф.З. Ғаниев, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада адабиётшуносликда масал жанрининг тараққиёти ва ривожланиши ҳақида сўз боради. Шунингдек унда Эзоп ижоди ҳамда масал жанрининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган ва тил хусусиятлари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: масал, эртак, афсона, ривоят, фабулист, бадиий образ, адабиётшунос, прототип, Эзоп, халқ, жанр, характер

Аннотация. В статье рассматривается развитие и эволюция жанра басен в литературоведении. Он также охватывает особенности басен Эзопа и жанра притч, а также анализирует особенности языка.

Ключевые слова: басня, сказка, легенда, повествование, баснописец, художественный образ, литературный критик, прототип, Эзоп, народ, жанр, персонаж

Abstract. The article discusses the development and evolution of the genre of parables in literary criticism. The article also discusses Aesop's fables and the peculiarities of the parable genre. In addition, the specific linguistic features of Aesop's fiction are analyzed.

Key words: a fable, a fairy tale, a legend, narration, fabulist, artistic image, literary critic, prototype, Aesop, folk life, genre, character

Адабиётда анъанавий аллегорик усул мавжуд. Бундан ташқари криптография, муаллифнинг фикрини, унинг ғоясини атайлаб ниқоблаш учун аллегориялардан фойдаланиш усули ҳам мавжуд бўлиб, уни “алдамчи воситалар” деб айтиш ҳам мумкин. Муаллифлар асарларида аллегория, киноя, парафраз, афсонавий “белгилар”, шаффоф контекстли тахаллуслардан фойдаланиб ижод қилишган. Қадимги юнон адабиётининг ярим афсонавий намоёндаси, милoddан аввалги IV асрда яшаган фабулист Эзопнинг автобиографиясига мурожаат қилсак, уни бир алоҳида тарихий шахс бўлган деб айтиш мумкин эмас. У Самос оролида яшаган бир Ядмоннинг қули бўлган ва у милoddан аввалги 570-526 даврларда яшаган Миср шоҳи Амасис буйруғига биноан делфийлар томонидан ўлдирилган деган маълумотлар ҳам мавжуд. Унинг ҳаёти ҳақида ҳеч қандай илмий маълумот йўқ эди. Уша даврда Эзопа тили деган атама бўлиб, Эзоп фабулист номи билан аталган. Орадан юз йилдан ортқ вақт ўтгач Понтусинг Ҳераклидлари Эзоп Фракиядан келганлиги, Перекиднинг замондоши бўлганлиги ва унинг биринчи хўжайини Ксантус эканлиги айтилади, аммо у бу маълумотни ўша Геродотнинг ҳикоясидан ишончсиз хулосалар ёрдамида олиб чиқади. Кейинчалик Аристофан “Аллақачон Эзопнинг ўлими уни айблаш учун сабаб бўлган ташланган пиёланнинг адашган мотиви ва ўлимидан олдин айтган бургут ва қўнғиз ҳақидаги эртак” ҳақида батафсил маълумот беради. V аср охирида яшаган комедиячи Платон Эзопнинг ўлимидан кейинги реинкарнациясини эслатиб ўтган. Эзоп комедиясини ёзган комедиячи Алексис ўзининг қаҳрамонини Солон билан тўқнаштиради, яъни у аллақачон Эзоп афсонасини етгита донишманд ва шоҳ Крезус ҳақидаги афсоналар шаклида тўқиб чиқарган. Унинг замондоши Лисипос ҳам бу версияни билар эди, у етти донишманднинг бошида Эзопни тасвирлайди. Ксантуснинг куллиги, етгита доно одам билан алоқаси, делфик руҳонийларининг хийла-найрангидан ўлим каби барча мотивлар IV асрнинг охирига келиб ривожланиб кетган. Милoddан аввалги Антик давр адабиётида Эзопнинг тарихийлигига шубҳа қилинмаган, ҳамда Эзопнинг афсонавийлигини ўз даврининг гиперкритизмига хос бўлган ҳал қилувчи хусусият билан таъкидлаганлар, V асрнинг охирига келиб, Аристофан даврида Афинада Эзопнинг эртакларининг ёзма тўплами маълум бўлган, деган маълумотлар мавжуд, унга кўра болалар мактабда ўқитилган; “Сиз жоҳил ва дангаса одамсиз, ҳатто Эзопни ҳам ўрганмагансиз”, - дейди Аристофаннинг битта қаҳрамони. Бундан кўринадики Эзопнинг асарларидаги қаҳрамонлар эзгулик ва яхшиликка бошловчи, бошқаларга намуна бўладиган образлар орқали тасвирланган. Булар ҳеч қандай бадиий бўрттиришсиз, тугатишсиз, прозаик тақрорлашлар эди. Дарҳақиқат, Эзоп коллекцияси деб аталмиш йўналиш турли даврларнинг афсоналарини ўз ичига олади. Кейинчалик Эзопнинг исми рамзга айланди. Унинг асарлари оғиздан-оғизга ўтиб келган ва милoddан аввалги IV асрда яшаган Фалерлик Деметриуснинг 10 та китобида унинг номи қайд этилган. Ушбу коллекция IX асрдан кейин йўқолган. Император Август даврида Федрус бу афсоналарни лотин мисрасида, Хаср атрофида, Авиан, 42 афсонани лотин элегиас дистичусга кўчирган. Милодий 200 йил атрофида Бабрий уларни юнонча мисраларда ҳолиямб ўлчамида тасвирлаб берган. Бабрийнинг асарлари Плануд (1260-1310) томонидан ўзининг машҳур коллекциясига киритилган бўлиб, кейинчалик фабулистларга таъсир кўрсатди. “Эзопнинг эртаклари” барчаси Ўрта асрларда тузилган бўлиб, кейинчалик Эзопнинг эртакларига бўлган қизиқиш унинг шахсиятига бўлган қизиқишга ўтказилди, у ҳақида ишончли маълумотлар йўқлиги учун улар афсонага мурожаат қилишди. Фригиялик суҳбатдош, бу дунёнинг қудратли кучини киноя қилади, Гомернинг Тҳерситеси жанжалкаш ва ғазабли одам бўлиб кўринади ва шунинг учун Гомер томонидан батафсил тасвирланган Тҳерсите портрети ҳам Эзопа кўчирилди. У маймун юзи билан бўрттирма, оқсоқ, бадбашара,

бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан хунук ва Аполлоннинг илоҳий гўзаллигига бевосита қарама-қарши бўлган. У ҳайкалтарошлиқдан ҳам четда қолмаган ва бизгача етиб келган ўша қизиқарли ҳайкал холида тасвирланган. Ўрта асрларда Византияда Эзопнинг анекдот биографияси ёзилган бўлиб, у узоқ вақт давомида у ҳақида ишончли маълумот манбаи сифатида қабул қилинган. Эзоп бу ерда қул сифатида ифодаланади, қўлдан қўлга арзимаган пулга сотилади, ҳамкасблари, нозирлари ва хўжайинларидан доимо хафа бўлади, аммо у ўз жиноятчиларидан қасос олишни муваффақиятли билади. Унинг манбаси - кейинги яхудийлар орасида Сулаймон шоҳнинг шахсиятини ўраб турган афсоналар даврига мансуб бўлган доно Акириянинг яхудийлар ҳақидаги ривояти асосида пайдо бўлган. Ривоятнинг ўзи асосан эски славян ўзгаришларидан маълум. Мартин Лютер Эзопнинг эртақлар китоби битта муаллифнинг ягона асари эмас, балки эски ва янги ривоятлар тўплами эканлигини, Эзопнинг анъанавий қиёфаси “шеърый эртақ” нинг меваси эканлигини айтади. Эзопнинг эртақлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган, ҳамда кўпчилиги қайта кўриб чиқилган, машҳур фабулистлар Жан Ла Фонтейн ва Иван Криловлар ҳам ўз ижодларида унинг кўплаб эртақ ва ривоятларига мурожаат қилишган. Рус тилида Эзопнинг барча афсоналарининг тўлиқ таржимаси 1968 йилда нашр этилган.

XX асрга келиб, яна Эзоп образининг тарихий прототипини тахмин қилишга интила бошланди. Эзоп номи билан 426 та қисқа асарлар тўплами жамланди ва афсоналар насрда сақланиб қолганлиги аниқланди. Эзоп (Аисопос) - афсонанинг яратувчиси ҳисобланган. Афсоналарда Аисоп муқаддас аҳмоқ, халқ донишманди, чўлоқ қул қиёфасида жарликдан ташланган ҳолда тасвирланади. У замонларда маълум бўлган деярли барча афсоналар “Эзопнинг эртақлари” сюжетлари билан кўплаб фабулистлар томонидан ишланган - Федрус ва Бабридан Жан де Ла Фонтейнгача ва рус ёзувчиси Иван Андреевич Криловгача унинг ривоятларидан фойдаланиб келишган.

Эзопнинг эртақлари узоқ тарихга эга бўлган халқ афсонасига асосланган. Унинг эртақлари кўпинча халқ ҳаётидан олинган жонли кундалик сахналар бўлиб, улар дастлабки бадиий адабиётнинг ёрқин намунасидир. Кейинчалик, Эзоп мероси бузилган, ўзгартирилган ва тақлид қилинган бўлиб, у Рим фабулисти Федрус ва юнон фабулисти Бабри томонидан Ла Фонтейн, Дмитриев, Измаилов ва бошқаларнинг шеърый ўзгаришларига қадар тақдорланган. Юнон ва латин тилларидан масалларни Михаил Леонович Гаспаров ҳамда рус адабиётшуноси, мумтоз филолог, қадимги адабиёт ва рус шеърыйнинг тарихчиси, қадимги ва янги тиллар таржимони, шеърыйшунос, адабиёт назарийчиси Михаил Леонидовичлар таржима қилишган. Россия Фанлар академиясининг академиги, асосий асарлар муаллифи рус ва Европа шеърыйида қадимги, ўрта асрлар ва замонавий шеърый ва насрнинг таржимони эссеист Мартин Лютер: “Эзопнинг эртақлар китоби битта муаллифнинг ягона асари эмас, балки эски ва янги ривоятлар тўпламидир ва Эзопнинг анъанавий қиёфаси “шеърый афсонанинг” меваси “-деб ҳисоблаган. Эзоп эртақ жанрининг асосчиси бўлиб ҳисобланади ва унинг номи билан аталганидан кейин бугунги кунгача ишлатиб келинаётган фикрларни ифодалашнинг аллегорик услуби - эзопия тили дейилади. Унинг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар кўпинча қарама-қарши ва тарихий жиҳатдан тасдиқланмаган. Эзоп биографиясининг асосий сюжети милоддан аввалги IV аср охириларида пайдо бўлган ва халқ тилида ёзилган “Эзоп ҳаёти” нинг бир неча нашрларида мужассам бўлган. Агар қадимги дунёда ҳеч ким фабулист шахсиятининг тарихийлигини шубҳа остига қўймаса, демак, Лютер ҳам дастлаб ушбу масала бўйича мунозарани очди. XVIII-XIX асрларда бир қатор тадқиқотчилар тасвирнинг афсонавий характери ҳақида маълумотлар келтиришган. XX асрга келиб, фикрлар иккига бўлинган; баъзи муаллифлар Эзопнинг тарихий прототипи мавжуд бўлиши мумкин деб таъкидлашса, баъзилари Эзоп насрда баён этилган тўрт юздан ортиқ афсоналарнинг муаллифи бўлган деб ҳисоблашган. Эҳтимол, улар узоқ вақт давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган. Деметрий Фалес томонидан 10 та эртақлар китоби тузилган, аммо кейинчалик бу китоблар йўқолган. Эзопнинг эртақлари бошқа муаллифлар томонидан дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Унинг барча асарларида инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатини улуғлаш, инсонни қадрлаш, инсоний ҳислат ва хусусиятларини яширин мажозий образлар орқали тасвирлаб берилган деган хулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эзоп. Буйруқлар. Масаллар. Биография, 2003 288 бет, ИСБН 5-222-03491-7 Ушбу мақолани ёзишда Брокхаус ва Эфрон энциклопедик луғатидан (1890-1907) фойдаланилган.
2. Таржималар Серияда: "Тўплам Буде": Эсопе. Масаллар. Э. Чамбрй номли матн. 5е тираге 2002. ЛИВ, 324 п. Русча таржималар.
3. <https://apriori-nauka.ru/uz/monograph/ezop-zhizneopisanie-ezop-pervyi-basnopisec-istoricheskie.html>
4. <http://www.dokamo.nc/desope-a-la-fontaine-fables-et-reecritures/>

УЎК 81-13

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ БОЛАЛАР ҲАЖВИЙ ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК СУБЪЕКТ ВА КЕЧИНМА ТАБИАТИНИНГ ЯНГИЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Г. Жўраева, ф.ф.н. доц., Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада ҳажв жанрида мумтоз анъана ва замонавий сатира хусусиятларининг ўйгуналуви борасида сўз боради. Ҳажв жанрининг мумтоз анъаналарда ҳам учраши ва замонавий сатира хусусиятларига мисоллар келтирилади. Улар таҳлилга тортилиб, ўйгуналуви хусусиятлари аниқланади.

Калим сўзлар: ҳажв, мумтоз анъана, замонавий сатира, болалар адабиётида ахлоқийлик сўжмоқлари, уйғунлашув хусусиятлари

Аннотация. В статье рассматривается сочетание классической традиции и современной сатиры в жанре комедии. Приведены примеры появления жанра комедии в классических традициях, а также особенности современной сатиры. Они анализируются и определяются соответствующие свойства.

Ключевые слова: юмор, классическая традиция, современная сатира, нравственные тропы в детской литературе, особенности гармонии

Abstract. This article discusses the combination of classical tradition and modern satire in the comedy genre. Examples of the occurrence of the comedy genre in classical traditions as well as the features of modern satire are given. They are analyzed and matching properties are determined.

Keywords: humor, classical tradition, modern satire, moral trails in children's literature, features of harmony

“Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1]. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республика маданий ҳаётида ўзига хос маънавий муҳит майдонга келди.

Мустақиллик даври болалар шеърлятида Анвар Обиджоннинг юмористик шеърлари ҳам ўзига хос. Шоирнинг “Ака-укалар”, “Велосипед бузилганда”, “Лагерда”, “Ҳа ҳуркмайсан-а”, “Кумуш ковушча”, “Ғамхўрлик”, “Оймомони ўғирлаш”, “Пуфакфуруш”, “Фатхилланинг куркаси” каби шеърлари шу жиҳатдан характерлидир. Шоир ҳар бир шеърда болалар руҳий-маънавий дунёсига хос бирор-бир кулгили детални топади ва уни поэтикалаштириб, бола руҳиятининг юмористик тасвирини ифодаловчи манзарага айлантиради. Бола руҳияти билан ушбу манзара ўртасидаги номуаносиблик эса қувноқ, беғараз ва самимий кулгини ҳосил қилади.

Масалан, “Велосипед бузилганда” шеърда юз-қўлини мой қилиб гайка бураётган Сотимбойнинг аҳволи куйидагича чизилади.

*Юз қўлини
Қилиб мой,
Гайка бурар
Сотимбой.
Кулиб боқар
Сотимга,
Таги кўчган
Ботинка.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 8).

Сотимнинг ўйинқароқлиги, велосипедни тиндирмасдан миниши оқибатида унинг бузилиши-ю, Сотимбойнинг мойга ботиб уни тузатиши — булар барчаси “таги кўчган ботинканинг Сотимга кулиб қараши” характерли манзара деталлари орқали ҳажвий мазмун билан бойитилган. Бу ўринда таги кўчган ботинканинг гўё “кулиб” қараганга ўхшатилиб жонлантирилиши шеърнинг поэтик мазмунини кучайтиришга хизмат қилади.

“Исёнкорлик, чорловчанлик, олишқоқ фалсафа, теран мушоҳада шеърят кемасининг елкани учун йўлчи шамол вазифасини ўтайди, шиддатига шиддат қўшади, – деб ёзади Анвар Обиджон бадий маҳорат тўғрисида. – Аммо бу шиддат кўп сонли “оддий шеърхонларни ўзига элтувчи унсурлар – сўзлар шираси, тасвир нафосати, ифода назокати ила уйғунлаша олмас экан, шеър қуруқшоқланиб қофиялаштирилган наср тусига киради, таъсир доираси тораяди” [2].

Анвар Обиджон шўх, қувноқ болалар руҳиятини теран ҳис этадиган ва, энг муҳими, ушбу ҳолатни поэтик маҳорат билан тасвирлаш салоҳиятига эга шоир. “Фатхулланинг куркаси” шеърда шу хусусият яққол сезилиб туради. Шеърда укасининг: “Фатхулланинг куркаси қувди”, деган шикоятини эшитган Нор шундай хулосага келади:

*Ғижиниб мушт тугди Нор:
– Бошлаб қасос оламиз.
Куркани ...
Йўқ, яхшиси,
Фатхуллани соламиз.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 10).

Кўриниб турибдики, Нор табиатида хос бўлган уришқоқлик иллати унинг ўз тилидан фош қилинмоқда.

Қ. Ўтаев ва Анвар Обиджон услубига хос бўлган бундай ихчамлик, тасвирда юмор ҳосил қилувчи бадий деталь, диалогик нутқ ва образлардан фойдаланиш маҳорати С. Иноятов, З. Исомиддинов, Н. Абдусаломов, Н. Душаев каби ёшлар ижодида ҳам бўй кўрсатиб, асосий ифода усулига айланиб бораётгани 80–90-йиллар болалар шеърлятининг камолотидан далолат беради. Жумладан, С. Иноятовнинг “Футбол тўпи”, “Ҳашарчи-ошарчилар”, “Ҳол” шеърларида болалар табиатида учраб турадиган айрим қусурларнинг бадий деталлар орқали очиб берилганини кузатиш мумкин.

“Ҳашарчи-ошарчилар” шеърда болаларнинг Нури бунининг уйини лойсувоқ қилиб беришлари, бунинг эвазига буви ҳолва, майиз, Ҳол бува эса олма билан меҳмон қилгани тасвирланади. Шоир бу ўринда

“Хашар” детални маҳорат билан қўллаб, болаларга хос қитмирлик, мазахўраклик хусусиятларини кулги воситасида ёритишга эришади ва «Хашарчи» болаларнинг “ошарчи” юмористик образларини куйидагича бадиий гавдалантиради:

*Мазахўрак бўп қолдик
Шундоқ совға-сийловга.*

*Текин ёрдам бериш йўқ
Маҳаллада бировга.*

Десалар энди агар:

– Бир юмуш бор сизларга!

– Деймиз: – Ҳўш, евазига,

Не берасиз бизларга? [3]

“Ҳол” шеърда футбол ўйинига унча уста бўлмаса-да, болаларнинг Ҳолни хушомадгўйлик билан гоҳ капитан, гоҳ дарвозабон, гоҳ ҳужумчи қилиб сайлашлари хусусида сўз боради. Китобхон Ҳайрон: Ҳолга бу қадар ҳурмат-этиборнинг сабаби нимада? Сирнинг ечими асар якунидаги диалогда маълум бўлади:

— Ҳа, тушундим Ҳол кучли,

Ҳам зўравон чамаси...

– Янглишдингиз,

У коптокнинг эгаси.

(“Ҳовли тўла болалар”, 25).

Демак, болалар шеърятда қаҳрамонларнинг юмористик образини яратишда шоирлар кўпроқ диалогга мурожаат этишлари бундай хилдаги шеърларда кулгига асос бўлган юмористик ҳолатлар қаҳрамонларнинг нутқи орқали ўзини ўзи фош қилиши тарзида ўз ифодасини топади. Ва кулгининг ҳосил бўлиши кўпинча шеър якунида келиши ҳам унинг қийматини қай бир даражада ошириб беради.

Шоирнинг “Уйқучи” шеърда акаси Толибнинг ҳар куни эрталаб кеч туриши оқибатида дарсдан кеч қолиши-ю, ўзининг дарсдан бир соат бурун туришини айтиб мақтанган боланинг ҳажвий образи яратилади. Бу шеърда ҳам кулгили ҳолат шеърнинг сўнгги сатрларига юкланади. Мақтанчоқ қаҳрамоннинг уйқучилиги унинг ўз тилидан куйидагича фош этилади:

Уйғонаман ҳар куни

Дарсдан бир соат бурун.

Бошланади дарс бизда

Ўн икки-ю ўттизда...

(“Ҳовли тўла болалар”, 34).

Тўхтагон Раҳимованинг юмористик шеърларида эса қувноқ оҳанг етакчилик қилади. Унинг қаҳрамонлари ҳаёлпараст, орзу-умидларга бой, бобо-бувиларига меҳрибон, кулгига мойил болалардир. Шоира уларнинг шу фазилатларини қувноқ ва самимий мисраларда тасвирлайди. Жумладан, “Ҳаёл” шеърда кичик қаҳрамон сеҳргар бобо ўзига ручка берса-ю, у ручка ёзганда “қилмаса сира хато” деб орзу қилади. “Орзу” шеърда эса улғайганда бувисига ўхшашни ният қилган қизалоқнинг орзуси куйидагича самимий ва юморга бой тарзда ифодаланади:

Қолмаса бирор тишим,

Ювиб ўтирмас эдим,

Боғчагаям бормасам,

Ож бувимга ўхшасам...

(“Ҳовли тўла болалар”, 45).

Кичик қаҳрамоннинг бундай ўзига хос ҳаёлотли бир томондан, китобхоннинг тасаввурига зид келгани, иккинчи томондан, танбаллиги ва шўхлиги (тиш ювишга эриниши, боғчага боргиси келмаслиги) билан беғараз кулги кўзғатади.

“Ҳамшира қизча” шеърдаги “ҳамшира” қизчанинг ҳам орзулари бир дунё. У касал бўлиб қолган бувижонисига парвона бўлади. Нега касал бўлганини вижирлаб сўрайди. Унинг ҳар бир саволи, ҳар бир хатти-ҳаракати китобхонда самимий ва меҳрли кулги ҳосил қилади. Бу шоиранинг кичкинтойлар руҳиятини яхши ҳис эта олишидан далолат беради. Қизчанинг наздида бувиси касал бўлишининг асосий сабаби, ё асални кўпроқ еб қўйган, ёки эрталаб музқаймоқ ялаган. Ёки бўлмаса:

Холодилникдаги

Сутни шопириб,

Ичдингизмикан

Биздан яшириб?

Қизалоқ шу тариқа бувисини “тергов” қилади. Шоира шеърда бундай “тергов”ни болаларча самимий ва ҳаётий, ниҳоятда қувноқ сатрларда тасвирлашга эриша олган. Қизчанинг бувисини даволовчи ҳамшира сифатида айтган куйидаги сўзлари ҳам кичкинтойлар руҳиятига жуда мос:

..Ўзим даволай,

Сизни, бувижон!

Гимнастикага

Қатнашинг шу он!

Бир, икки, уч, – денг,

Қани, у денг!

Энди бувижон,

Табассум қилинг!

*Касалликни мен
Қочирай сиздан!
Хурсанд бўласиз
Ҳамишра қиздан!*

(“Ховли тўла болалар”, 46).

Кўриниб турибдики, Тўхтаҳон Раҳимова шеърда кичкинтойларнинг руҳий оламини ғоят нозик идрок этган ва уни табиий соддалик билан тасвирлай олган.

Юқоридаги кузатишларда шоирларимиз томонидан бевосита болаларнинг юмористик образларини яратишга оид изланишлари таҳлилга тортилди. Бироқ бу борада ўзига хос ютуқлар билан бирга, болалар руҳиятини юмористик оҳангларда тўлақонли очиб беролмайдиган шеърлар ҳам оз эмас.

Болалар эсини танигандан бошлаб, теварак-атрофдаги муҳитга қизиқиб қарайди. Унинг сирларини, умуман, ҳаёт ҳақиқатини билишга интилади. Бу интилиш бора-бора тақлидчиликни туғдиради. Дарҳақиқат, яхшиликка тақлид қилиш фойдали. Аммо тасвирда шартлиликка етарли эътибор бермаслик лирик қаҳрамон хатти-ҳаракатига китобхонни ишонтирмайди.

Умуман олганда эса 80–90-йиллар болалар шеърлятида юмористик образ яратишда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Болаларнинг маънавий оламини юксалтирадиган, эстетик дидини шакллантиришга хизмат қиладиган кўплаб юмористик шеърлар яратилди.

Юқоридаги кузатишлардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин.

80–90-йиллар болалар шеърлятида сатирик образ яратишда ижодкорлар, энг аввало, кундалик турмушда мавжуд бўлган баъзи бир иллатларни кулги воситасида фош қилиш орқали уларнинг сатирик қиёфаларини яратдилар. Бунда болалар шеърлятига миш-миш, ғийбат, чақимчилик, очофатлик, дангасалик каби кўплаб салбий одатлар асос бўлиб хизмат қилди. Айни чоғда, ўзбек болалар сатирик шеърлятида ҳажв тигини ижтимоий-маънавий ҳаётдаги муаммоларга қаратиш орқали ижодкорлар сатирик образ қиёфасини, унинг яшаш фалсафаси моҳиятини очишга ҳаракат қилганларки, бу хусусият ўзига хос эстетик тамойилга айланган.

Шоирлар иллатларни фош этишда реалистик тасвир билан бир қаторда рамзий-мажозий образларга ҳам мурожаат қилиш билан ҳаётдаги иллатларнинг туб моҳиятини очишга интидилар. Бу типдаги шеърларда реал ҳаёт манзаралари билан поэтик кўчимлар ўзаро уйғунлашиб, бетакрор бадиий топилмалар яратилди.

Болалар феъл-атворидаги иллатларни фош этишда кичкинтойлар адабиётининг тарбиявий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ уларнинг ўзини-ўзи фош этиш ҳамда кулгига қўйиш санъатидан фойдаланилди. Бу хусусият эса бадиий асарларнинг таъсирчанлигини оширган.

Ижодкорлар халқ оғзаки ижоди анъаналаридан, шунингдек, содда, самимий, сермаъно фикрларни табиий халқона қофияга солиб, сатирик кулги яратишга эришдилар. Шу усулда ножўя ҳолатларни келтириб чиқарган сабабларга китобхон диққати қаратилди. Кўп ҳолларда ҳукм-хулоса чиқариш китобхонга ҳавола этилди. Бундай эстетик тамойил ҳам ушбу давр ўзбек болалар шеърляти равнақига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўтган асрнинг 80–90-йилларида яратилган кўплаб юмористик шеърларда болалар феъл-атворидаги нуқсонларни очишда шоирлар улар дуч келган табиий ҳолат ва вазиятлар тасвиридан, ўз-ўзини фош этиш санъатидан, халқ жонли тилидаги образли ифода ва иборалардан унумли фойдаланганларини кўриш мумкин.

Бу даврдаги сатирик ва юмористик шеърларда шоирлар ўзлари тасвирлаётган манзарага гўё “бетараф” туриб, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари тасвири воситасида кулги ҳосил қилишга эришдилар. Кулгили ҳолатга тушиб қолган қаҳрамон ўқувчини ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Болалар шеърлятида қўлланган ихчам диалогик нутқ, пухта композиция, халқона қофия – буларнинг барчаси ҳажвий образлар яратишда самарали натижалар берди.

Тасвирда шартлиликка етарли эътибор бермаслик эса айрим ижодкорлар яратган лирик қаҳрамоннинг ҳаётлигига путур етказган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoyev Sh.: “Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz”, Т;2018. – b. 65.
2. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — Тошкент, 2006. — 8 дек.
3. Ховли тўла болалар. Шеърлар ва эртаклар. – Тошкент: Юлдузча, 1988. – Б. 19
4. Расулов А. Бетакрор ўзлик. — Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. — 214 б.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. — Тошкент: Akademnashr, 2010. Б –

372.

УЎК 81-13

“ГУЛ ВА САНОБАР” ДОСТОНИ ҲАҚИДА БАЪЗИ ҚАЙДЛАР

М.Ю. Жўраева, катта илмий ходими, PhD, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент

Аннотация. Донишманд аждодларимиз яратган нодир маънавий ёдгорлик бўлмиш дostonлар асрлар давомида олижаноб гоҳларни бетакрор шаклда кишилар қалбига жо этишда бебаҳо манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Ушбу мақолада туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги “Гул ва Санобар” дostonининг туркман версияси ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: *достон, тошбосма, қўлёзма, вариант, версия, халфа*

Аннотация. *Эпосы, редкий духовный памятник, созданный нашими мудрыми предками, на протяжении веков уникальным образом служащий бесценным источником передающий благородные идеи в сердца людей. В данной статье рассматривается туркменская версия эпоса «Гул и Санобар», распространенного памятника тюркских народов.*

Ключевые слова: *эпос, литография, рукопись, вариант, версия, халфа*

Abstract. *Epics, a rare spiritual monument, created by our wise ancestors, for centuries has served in a unique way as an invaluable source of transmitting noble ideas to the hearts of people. This article examines the Turkmen version of the epic "Gul and Sanobar", a common monument of the Turkic peoples.*

Key words: *epos, lithography, manuscript, variant, version, half*

Халқ достонлари халқимизнинг пайдо бўлиши, давлатчилигимизнинг шаклланиши ва ривожланиши, аждодларимизнинг маданий-маиший ҳаёти, маънавий дунёқараши борасида муҳим маълумотларни поэтик ифодалаган оғзаки ёдгорликдир. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Достончилик ва бахшичилик – миллий ғуруримиз. Унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим” [1], деб таъкидлаган эдилар. Чиндан ҳам асрлар давомида чечан бахшиларимиз томонидан куйлаб келинган, донишманд халқимизнинг юксак бадиий салоҳияти акс этган муҳташам эпос намуналари энг сара эзгу қадриятларимиз саналиб, бундай нодир номодий маданий меросни янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ этиш миллатимизнинг ўзига хос менталитетининг ёрқин қирраларини очиб беради.

Халқ достонлари мавзу жиҳатидан хилма-хил бўлиб, улар орасида соф меҳру муҳаббатни, юксак инсоний туйғуларни мадҳ этувчи ишқий-романик достонлар ҳам ўзига хос алоҳида ўринга эга. Бундай достонларнинг сюжет тузилиши бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, одатда қаҳрамон ғойибона ошиқ бўлган гўзални излаб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ходисаларни, қийин саргузаштларни бошидан кечиради, ғайритабиий кучлар билан тўқнашади, барча қийинчиликларни енгиб ўз мурод-мақсадига эришади. Бироқ, бу достонларнинг ҳар бири мазмун-моҳияти, композицион қурилиши, образлари, мотивларининг ишланиш характери жиҳатидан мустақил бўлиб, бир-биридан фарқланади. Ана шундай ишқий-романик достонлардан бири “Зевархон” достони бўлиб, у ҳам юқорида таъкидлаганимиздан бошқа шу турдаги достонлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Достон “Зевархон”, “Гул ва Санобар”, баъзан “Санобар” номи билан юритилади. Ушбу достон нафақат ўзбек достончилигида балки, туркий халқлар, яқин Шарқ халқлари, Кавказорти халқлари орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, унинг сюжети тарихий илдишлари хинд-форс, араб адабиётига бориб тақалади. Достон ҳақида атоқли фольклоршунослар В.М.Жирмунский ва Ҳ. Зарифовнинг “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” асарида қимматли маълумотлар бериб ўтилган. Достоннинг қисқача мазмуни баён этилиб, унинг генезиси XIII-XIV асрларда ёзилган форс ва хинд адабиёти намуналари билан боғланади. Муаллифлар достон сюжетидаги саргузашт воқеалар кетма-кетлигини машҳур “Минг бир кеча” араб эртақлари билан боғлиқлигини қайд этишади [2]. Ўзбек фольклорида ушбу достоннинг оғзаки вариантдан ташқари ёзма ва литографик йўл билан тарқалган нусхалари мавжуд. Биз ушбу мақолада “Гул ва Санобар” достонининг туркман версияси ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бу ҳақда тадқиқот олиб борган олимларнинг барчаси туркман версиясини XVIII аср туркман адабиёти етакчи вакиллари билан шоир Шайдойига нисбат беришади [3]. Ушбу “Гул ва Санобар” достони туркманларда қўшиқ шаклида, тошбосма ва қўлёзма вариантларида кенг тарқалган. Унинг тўлиқ шакли илк бор китоб ҳолатида 1943 йилда нашр этилган [4]. Китобда ёзилган қисқача сўзбошида достоннинг асосий ғоявий мазмуни билан биргаликда уни нашрга тайёрлашда фойдаланилган қўлёзмалари рўйхати берилган. Достоннинг иккинчи қайта нашри А.Мередов томонидан 1964 йилда нашр этилган [4]. Ушбу нашрда А.Мередов Шайдойининг илмий мероси ҳақида батафсил сўз юритган ва асарларидан намуна келтирган. Шу билан биргаликда, “Гул ва Санобар” достони матни (тўлиқ ва тўлдирилган), у ҳақида илмий тадқиқоти, достоннинг қўлёзмаларидан фотосуратлар, тушунилиши қийин сўзлар луғати, изоҳлар билан нашр қилинган. Туркман адабиёти тарихида “Гул ва Санобар” достонини нисбатан чуқурроқ, кенг таҳлил қилинганлиги боис, мақолада айнан А.Мередовнинг илмий изланишларини асос қилдик.

Маълумки, Ўзбекистонда “Гул ва Санобар” достонининг Қўқон (1903 йил), Тошкент (1903, 1909, 1910 йиллар), Самарқанд (1903, 1910 йиллар), Қозон (1908 йил), Бухоро (1911 йил) тошбосма нусхалари мавжуд (қолаверса, илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган бир қанча қўлёзма нусхалари ҳам бор. Жумладан, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида 1874 рақам остида сақланаётган 1906 йилда кўчирилган қўлёзмаси бор бўлиб, у хонқалик Розия халфага тегишли). Россия фанлар академияси Осие халқлари институти Ленинград бўлимининг қўлёзмалар фондида ҳам “Гул ва Санобар” достони қўлёзмаси сақланади [6]. Шу билан биргаликда Туркменистон Фанлар академиясининг Махтумқули номидаги Адабиёт институтининг қўлёзмалар фондида ҳам достоннинг бир неча нусхалари, аниқроғи, тўртта нусхаси сақланган [7]. Бу ҳақда тадқиқотлар олиб борган туркман олими А. Мередовнинг таъкидлашича, туркманларда мавжуд тўрт қадимий қўлёзманинг фақат биттаси – қўлёзмалар фондининг 84-инвентар рақамига олинган “Гул ва Санобар” достони XVIII аср туркман адабиёти етакчи вакиллари билан шоир Шайдойига тегишли эканлигига гувоҳлик беради. Маълум бўлишича, қолган вариантларда ва нашр этилган тошбосма нусхаларининг ҳеч бирида Шайдойининг исми келтирилмаган. Бироқ, 84-инвентар рақамига олинган “Гул ва Санобар” достони куйидаги сатрлар билан яқунланган: “Алқисса, андин сўнг

(Санубар) шахрига подишо бўлиб, юрт сўраб, Зеварни вазир қилиб, лашкар йиғиб, нафақа бериб Гул бирлан, Мехрангиз бирлан айши-ишратга машғул бўлиб, мурод-максадига етдилар. Дўстлар шод, душманлар ношод бўлдилар... Буларнинг шаънига Шайдойи бир ғазал дейди” [7, Инв № 84, 88-89 бетлар]. Сўнг шоирнинг беш банддан иборат шеърий матни билан тугалланади. Бу қўлёзма 1927 йилда араб алифбосининг насталиқ ёзувида кўчирилган, 91-саҳифадан иборат. Қўлёзма сўнгида шундай ёзилган: “Бу китобни 1257-(1841-1842) йилда ёзилган китобдан кўчириб олдик. Нусха кўчирувчи Хожали Атаниёз ўғли, 22.Х.27” [7, Инв №84, 91-б]. А. Мередовнинг фикрича, “Гул ва Санобар” достонининг барча қўлёзма ва тошбосмаларини бир-бири билан қиёслаганда, уларнинг асли бирлиги унинг бир киши томонидан ёзилганлигига ишорадир. Достон нусхаларининг мазмуни ва назмий ўхшашликлар достоннинг муаллифи номаълум асар сифатида чоп этилишига қарамасдан унинг битта муаллифга, яъни Шайдойи томонидан ёзилганлигига шак-шубҳа қолдирмайди [5]. Бизнинг назаримизда, олимнинг юқоридаги фикрлари, достонни бирор бир муаллиф ижодига нисбат бериш анчайин баҳссталаб. Достоннинг фанда аниқланган қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон минтақасида кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг ҳисобини ўзи достоннинг асл келиб чиқиш манзилани кўрсатиб турибди. Туркманларда мавжуд тўрт қўлёзманинг фақат биттаси сўнгида келтирилган Шайдойи нисбати ушбу достоннинг айнан унга тегишлилигини билдирмайди. Биламизки, туркман шоирлари достонларни қайта ишлаб ёзувга олишда пешқадам бўлишган. Бизнингча, ўша замоннинг зиёлиси, шоири сифатида Шайдойи достон матнини кўчирган бўлиши мумкин. “Гул ва Санобар” достонининг тошбосма ва қўлёзма нусхаларига разм солинса, уларнинг илк нусхалари Ўзбекистонда, тўғрироғи Хоразм муҳитида шаклланганини сезиш қийин эмас. Негаки, Шайдойига нисбат берилган туркман версиялари Хоразмда оммалашган қўлёзма достонларга ўз услуби, тили, шеърий шакллари билан айнан мос келади. Туркманлар орасида тарқалган нусхалар йиғма тарзда тўпланиб, муайян бир қолипга туширилган ва Шайдойи ижодига нисбат берилган. Қолаверса, шоирнинг илмий меросини чуқур тадқиқ қилган олим сифатида А.Мередовнинг ўзи бир ўринда Шайдойининг ижодига мансуб деб қаралган ушбу достон билан унинг қўшиқлари орасида мазмунан ва услубан тафовут борлигини ва лирикаси достонига нисбатан устун туришини таъкидлайди [5]. Ўзбекистон ҳудудида достоннинг кенг тарқалганлигини А.Мередов шоирнинг шу ерда таълим олганлиги билан белгилайди. Ўрта асрларда Бухоро ва Самарқандда илм ривожланганлиги ва у ерда бутун дунё бўйлаб таҳсил олишган. Чиндан ҳам Шайдойининг Бухоро, Самарқандда таҳсил олган даврларида достон бу ҳудудда кенг ёйилган бўлган, аммо Шайдойи достонни шу ерда ўрганган бўлиши мумкин. Достоннинг тошбосма нусхалари ХХ аср бошларида (1903-1911 йиллар оралиғида) чоп этилгани айнан унинг шу йилларда мавжуд бўлганлигини билдирмайди. Шунингдек, туркманлар энг қадимий санаган, 1851-1852 йилларда кўчирилган “Гул ва Санобар” достонининг Россия Фанлар академияси Осиё халқлари институти Ленинград бўлимининг қўлёзмалар фондидаги қўлёзмаси анъанавий “Тамматул китоб биавнил маликул ваввоб” сўзлари билан яқунланиб, муаллифи кўрсатилмаган.

Бизнинг қўлимиздаги Розия халфага тегишли 1906 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси туркманлар орасида Шайдойига нисбат берилган нусхага кўпроқ мос келади. Иккала достоннинг услуби ҳам халқ достонларига ҳамоҳанг бўлиб, деярли мазмунан айнанликка эга. Бироқ, бу икки асарни бир хил эканлигини англамайди. Унинг композицион тузилишида воқеалар куйидагича берилади:

1. Анъанавий “Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони бўстон,...” бошламаси билан бошланиб, Чин шаҳри подшоси Хуршидшоҳнинг ўғли Санобарнинг тушида Гулни кўриши ва уни излаб сафарга отланиши.

2. Санобар дўсти Зевар ва беш юз йигити билан дарёга ғарқ бўлиши ва Санобар ва Зеварнинг омон қолиши.

3. Зевардан айрилган Санобар танҳо ўзи йўлга отланади, бир боғу бўстонга келиб, тунда гавҳар билан боғлиқ воқеага гувоҳ бўлади ва хавfli билиб у жойни тарк этади.

4. Санобарнинг жодугар маконига келиб қолиши, банди бўлиши ва Мехрангиз билан суҳбат қуриши, унинг ёрдамида озод бўлиб, йўлида давом этиши.

5. Санобар зангилар қўлига тушиб қолади, улар Санобарни қафасга солиб қўйишади. Санобар Оллоҳга муножот айтиб, ғойибдан бир қўл келиб уни қафас билан бир чўли биёбонга олиб бориб қўяди (Шу ўринда туркман версиясида Санобар қафасни синдириб қочади, дейилади. Бизнингча, бу достонни нашр этилиш даврларида дин билан боғлиқ тақиқлар сабабли ўзгартирилган).

6. Санобар рўдаполар билан тўкнашиб, уларни енғади.

7. Санобар Семуруғ орқали қирқ кунда Шаҳри Шабистонга бориб, Гул билан топишади ва Мехрангизни олиб, юртига қайтиб, мурод-максадига етади (Достоннинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро тошбосма нусхаларида ва Ўзбекистонда мавжуд қўлёзма вариантларининг аксариятида Санобар Гул билан биргаликда Мехрангизни ҳам никоҳига олади. Шайдойига нисбат берилган достонда ҳам Гул билан Мехрангизни Санобарга никоҳланганлиги ёзилган. Қозон тошбосма нусхаси ва Туркменистонда 1943 йилда чоп этилган китобда эса Мехрангиз вазирнинг ўғли, Санобарнинг дўсти Зеварга никоҳлаб берилади).

“Гул ва Санобар” достони воқеалари иккала қўлёзмада ҳам асосан шулардан иборат. Албатта, воқеалар силсиласида турли майда деталлар кўп учрайди. Уларнинг аксарияти иккала нусхада деярли фарқ қилмайди. Аммо, туркман версиясида шеърий қисмнинг салмоғи анча ошиқроқ. Баъзи ўринларда эса насрий баён ўрнига воқеалар назмда ифодаланган. Кўп ҳолларда лирик монолог тарзида қўшилган шеърлар

Шайдойи шеърлари услубига мос келади. Туркман версияси Хоразмда оммалашган китобий қисса-достонлар услубида яратилганлиги сезилади. “Бу тоифа достонларда воқеа таркибига турли саргузаштлар қўшилади, натижада шеърӣй монологлар кўпаяди. Қиссахон ва халфалар асосий эътиборни насрга эмас, балки назмга қаратишади [8,32-б].

Кузатишимизча, биздаги Розия халфага тегишли қўлзмадаги барча шеърӣй қисмлар мисрама-мисра туркман версиясида мавжуд ва деярли сўзларда тафовут сезилмайди:

Санобар: Шоҳ Хуршидни ўғли, отим Санобар,

Ҳасратингда хаста кўнглим мукаррар.

Малойик сувратли, гул юзли дилбар,

Ростин дегин ёрим, қайдин бўлурсан? [9, 3-б.]

Сенубер: Ша Хуршӣт оглуям, адым Сенубер,

Ҳасратиндан хаста кўнлўм мўкеддир,

Мелайык суратлы, гул йўзли дилбер,

Растин дийгил, кайсы ерден болур сен? [5, 245-б.)

Фақат туркман версиясида шеърӣй мисралар ортиқроқ яъни кўпгина ўринларда достоннинг назмӣй қисми (охири) тўрт мисрадан 20 мисрагача давом этган. Буни Шайдойининг ижодкорлиги маҳсули дейиш мумкин.

“Гул ва Санобар” достонининг иккала қўлзмасида ўзаро ўхшашликлар билан бирга фарқли томонларини ҳам кўриш мумкин. Масалан, биздаги 1906 йилда кўчирилган қўлзмада Санобарни рўдаполар билан курашида қахрамон ўзини оловга ташлаб ҳимоя қилади ва уларнинг бошини дарахт шохига осиб қўйиб улардан холос бўлади. ТФА Махтумқули номидаги Адабиёт институтининг қўлзмалар фонди 84-инвентар рақамига олинган “Гул ва Санобар”да эса рўдаполар билан боғлиқ эпизод икки ўринда келади. Биринчисида, Санобар рўдаполардан кўп азоб кўрганидан кейин уларни бошини дарахт шохалари орасига солиб узади. Шу вақт қўлига таёқ олиб рўдаполар устига ҳужум қилганида рўдаполар таслим бўлишади. Бироқ қўлзманинг охирида Санобар Гул билан биргаликда ўз юртига қайтиб келганидан сўнг “Рўдаполарнинг устига бориб ўлдирамиз, агар шуларни ўлдирмасам армонда қоламан”[5, Инв.№ 84, 84-87б] деб юз киши билан бориб рўдаполар билан иккинчи бор тўқнашиб, енгиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, туркий халқларнинг умумий маънавий мероси саналган “Гул ва Санобар” достони иқтидорли, саводхон котиблар, бахшилар, шоирлар томонидан ёзувга кўчирилган достондир. Унинг дастлаб ким томонидан ёзувга олинганлигини аниқлаш мушкул масала. Шу билан бирга достонни бирор бир муаллиф ижодига нисбат берилиши ҳам қатор муаммоларни туғдиради. Асосан, ўзбек ва туркман халқлари орасида машҳур бўлган “Гул ва Санобар” достонининг шаклланиши ва турли версиялар ҳолида оммалашishi халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт муносабатларидаги адабий-фольклорӣй таъсир жараёни билан бевосита боғлиқ дейиш мумкин. Достон кенг ҳудудларга тарқалганлиги сабабли ҳар бир ҳудудда унга маҳаллий бадийий бўёқлар сингдирилган ва шу тарика асар мукамаллашиб, бойиб, ўзига хосликларга эга бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Истикболли лойиҳалар халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. // Халқ сўзи. – 2018-23 январ.
2. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – 518 с.
3. Шейдаӣы. Гул-Сенубар. Чапа тайярлан Б. А.Гаррӣев, Ашгабад, 1943.; Оқдиров. Дестан “Гуль и Санубар” Шейдаӣи и его связь с литературными сюжетами Советского Востока. Автореф. Кандидат.наук. Ашхабад, 1967. – 18 с.; Раджабов Р. Генезис, бытование и идейно-художественные особенности дастана «Зевархон». Автореф. дисс.канд.наук // –Ташкент, 1973, – 19 с.; N.Eren. Türkmen Gül-Senuber destani.Izmir, 2009.– 265 s.
4. Б. А.Гаррӣев. Шейдаӣы. Гул-Сенубар. Ашгабад, 1943. – 268 с.
5. А.Мередов. Шейдаӣы. Ашгабат, 1964.– 345 с.
6. Россия федерацияси ФА Осие халқлари институти Ленинград бўлимининг қўлзмалар фонди.Инв №С –1484.
7. Туркманистон Фанлар академияси Махтумқули номидаги Адабиёт институти қўлзмалар фонди.Инв № 780, 682, 84, 111.
8. Рузӣмбоев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов. АДД. – Ташкент, 1990. – 46 с.
9. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1874. Розия халфага тегишли қўлзмадан кўчирилган нусха. – 41 б.

УЎК: 821.581

ПУ СУНГЛИНГ ВА УНИНГ АСАРЛАРИНИ ИНГЛИЗЗАБОН МАМЛАКАТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ

Ж.Т. Зиямуҳамедов, ф.ф.н., доц., Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент

Аннотация. Пу Сунглинг ҳикояларининг Европа мамлакатларида маълум ва машҳур бўлиши таржималар орқали, таржималардаги адабий муҳитнинг чиройли тасвирлари орқали амалга оширилди.

Ушбу мақолада Пу Сунглинг асарларининг инглиззабон мамлакатларда кенг ёйилиши масалалари, ҳикояларнинг жанровий, даврий хусусиятлари ёритилади. Ҳикоянавислик томонидан тақдим этилган

аналитик воситалардан фойдаланган ҳолда, ушбу мақола Пу Сунглинг ҳикоялари қаҳрамонларининг дуч келадиган вақт-макон дунёси билан ўзаро таъсирини таҳлил қилади.

Калим сўзлар: *гайритабиийлик, ҳикоя тузилиши, претекст, паратекст, даосизм.*

Аннотация. *Известность и популярность рассказов Пу Сунглина в европейских странах была достигнута благодаря переводам, прекрасному изображению литературной среды в переводах.*

В статье рассматриваются вопросы широкого распространения произведений Пу Сунглинга в англоязычных странах, жанр, периодические особенности рассказов. Используя аналитические инструменты, предоставляемые повествованием, в этой статье анализируется взаимодействие главных героев историй Пу Сунглинга с пространственно-временным миром, с которым они сталкиваются.

Ключевые слова: *аномалия, структура рассказа, предлог, паратекст, даосизм*

Abstract. *While Western literature has dealt with human control over nature in an era of rapid revolutionary change, it has described the complex nature of human relationships and feelings in times of rigid moral control, Pu Songlin's stories question the notion of power within the rigid structures of the Empire. Drawing on the analytical tools provided by narratology, this article analyzes the interactions of the protagonists of Pu Songlin's stories with the surreal time-space world they encounter.*

Key words: *supernatural, narrative structure, pretext, paratext, Taoism*

Пу Сунглинг «蒲松齡» (1640-1715) гайритабиий ҳодисаларни тасвирлайдиган энг машҳур хитой ёзувчилардан бири бўлсада, у на XIX асрнинг бошларида Ғарбда хукмронлик қилган гайритабиий хоррор (яъни, кўрқинчли ҳикоялар) жанри, на Виктория давридаги ёзувчиларнинг асарларида тақдим этилган гайритабиий севгини таърифловчи жанр вакили эмас.

Ҳикоянавислик томонидан тақдим этилган аналитик воситалардан фойдаланган ҳолда, тадқиқот Пу Сунглинг ҳикоялари қаҳрамонларининг улар дуч келадиган сюрреал вақт-макон дунёси билан ўзаро таъсирини таҳлил қилади [3]. Цветан Тодоров гайритабиий адабиётни ўрганишда “Ҳаёлот адабиётига кириш” деб номланган китобида “etrange” (ғаройиб), “fantastique” (хаёлий) ва “merveilleux” (мўъжизавий) жанрлари чегараларини аниқлаб берди [6]. Ц.Тодоровнинг фикрига кўра, хаёл - бу ноаниқлик лаҳзаси, чунки у ҳикоя қилувчи ёки бош қаҳрамон ўзи дуч келадиган гайритабиий нарса орзу (etrange) ёки ҳақиқатдан (merveilleux) бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қилмайди [6]. Ц.Тодоровнинг кашфиёти шундаки, ҳар бир жанр, воқеанинг ўзи қандай бўлишидан қатъий назар, ўхшаш ҳикояларни намоиш этади.

Пу Сунглинг инглиззабон мамлакатларда гайриоддий ҳикоялар ёзувчи муаллиф сифатида тан олинган бўлсада, Ц.Тодоров томонидан хаёлий адабиёт тадқиқотида таърифланган гайритабиий ҳикоя жанрининг уч хил воситалари борлиги ҳақидаги хулосаларини, Пу Сунглинг асарларига нисбатан қўллаш мумкин эмас. Ғарбий адабиётда гайритабиий воқеалар ҳикоянинг ўзида бевосита акс эттирилгани ҳолда, Пу Сунглинг ҳикоялари – муаллифнинг узун ва кинояли шарҳларидан иборат.

Тарихий шарҳларда Пу Сунглингнинг Чин империясининг мавжуд тузилмаларидан норозилиги, уни кашшоқлик ҳаётига маҳкум қилган императорлик бюрократияси натижасида иш топиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларидан келиб чиққанлиги сабаб қилиб кўрсатилади [2]. Пу Сунглингнинг ҳикояларидаги хулосаларни гайритабиий тадқиқотлар сифатида эмас, балки муаллифнинг Чин империяси тузилишига бўлган муносабатини таъкидлаш учун гайритабиий элементларга асосланган ижтимоий ва сиёсий танқид деб ҳисоблаш керак. Дарҳақиқат, у тасвирлайдиган сюрреал дунёлар жуда ҳам инсоний тамойилларга асосланган.

Пу Сунглингнинг сиёсий тизим билан ўзаро муносабатларидаги аччиқ тажрибаси, ёзувчилик фаолияти каби ўнлаб йиллар давом этди. Бироқ, унинг ҳикоялари юқори адабий сифатга эга, ёзиш услуби ва тузилиши мураккаб бўлган ва атайлаб зиёли аудиториянинг кичик қисмини қамраб олишни мақсад қилган.

Пу Сунглинг ҳикояларининг адабиётнинг кўплаб жанрлари билан алоқаларини таҳлил қилишга уринишдан олдин, уларни адабиётнинг ўзига хос жанрлари билан боғлиқлигини аниқлаш керак. Ц.Тодоров жанрларга оммавий адабиётни киритиш мумкин, деб ёзган, чунки муқаррар равишда ҳикоя тузилишининг хилма-хиллиги кўп бўлиб, улардан Вебер идеал типини қуриш мумкин [6].

Гайритабиий адабиёт ҳақида сўз юритиш, ўз-ўзидан, материалистик ёки реалистик адабиётнинг мавжудлигини тақозо этади. Шундай қилиб, адабиётни гайритабиий деб белгилаш, доминант парадигма инсоннинг ақл-идрокида мавжуд бўлган қонуниятларнинг мавжудлигини тан оладиган дунёни назарда тутди. Хитойдаги Чин империяси хукмронлиги (1644-1911) айнан шундай дунё бўлган- бўлмаганини аниқлаш биз олиб бораётган тадқиқотнинг асосини ташкил қилади.

XX асрдаги миллий ва коммунистик инқилобларнинг мақсади рационал ва илмий билимларни биринчи ўринга қўйиш эди. Шундай қилиб, инқилобгача бўлган Хитой гайритабиий ва ақлга сизмас мавжудотлар яшайдиган дунё эди. Инқилобгача бўлган Хитой – гайритабиий кучлар ва руҳлар дунёни

ўзгартириши ва одамларни сеҳрлаши мумкин бўлган дунё эди. Рухлар ва аждодларни тинчлантириш ва омадни таъминлаш учун маросимлар жамиятнинг барча даражаларида мунтазам равишда амалга оширилиши керак эди. Фолбинлик, мунажжимлик, сеҳрли маросимлар ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳукмронлик қилди. Ғайритабиий эффектларга эга бўлган сирларни даосизмни ўрганиш ва машқ қилиш орқали эгаллаш олиш мумкин эди. Маърифатга умр давомида эришиш мумкин эди, чунки ҳамма қайсидир маънода Будда табиатига эга эди. Ҳар қандай одамга агар Осмоннинг ҳошиши бўлмаса, яъни Осмон ваколатисиз ҳатто императорлар ва сулолалар ҳам ҳукмронлик қила олмадилар [1].

Пу Сунглинг ҳикояларини ёзиш пайтида “ғайритабиийлик” ҳаётнинг ўзига хос ҳақиқати ва ажралмас бўлаги бўлганлиги сабабли, унинг ҳикояларини ғайритабиий деб тан олиш анахронизм бўлади.

Пу Сунглинг империяда барча синфлар тутган эътиқод ва хурофотларни ўз ҳикояларига жойлади. Масалан, “Қора чигиртка” ҳикоясида [15] башоратларга бўлган ишонч кундалик ҳаётнинг бир қисми, ўз фаолиятини режалаштиришдаги асосий воқеа ҳисобланади. Иккала дунё ҳам бир хил жисмоний қонунлар билан боғланган, фақат тирик оламдан бошқа дунёга туман орқали кўчиш мумкинлиги тасвирланади.

Кимнингдир Будда Амиабханинг тоза маконига тушиши вақтида содир бўладиган руҳ ва ҳаттоки жисмоний борлиқнинг кўчиши, маърифатга эришиш билан боғланган бўлиб, хитой буддизмининг ажралмас қисми ҳисобланади. “Қора чигиртка” ҳикоясидаги боланинг ҳаёт ва мамот орасида бўлганида тинимсиз чигирткага айланиб қолавериши ҳам, буддизмдаги руҳнинг тинимсиз қайта яратилиши ғояси билан суғорилгандир.

“Лаошанлик роҳиб” ҳикояси [15, б. 159] муқаддас Дао тоғларида, дунёвий муаммолардан узокда, Дао қонунлари билан уйғунликда мангу яшовчи қабила ҳақида сўзланади. Абадий умр кўрувчи бу усталар, аторофидаги оламга таъсир этиб, уни ўзгартира олиш кучига эгадирлар. Бу мавзулар машҳур Даосизмнинг марказий мавзуларидан бўлиб, мазкур тарикатнинг асосини ташкил этади.

Хитойда ғайритабиий ҳикоялар яратган буюк муаллиф Пу Сунглингни унинг ғарбий издоши Эдгар А. По (1809–1849) билан таққослаш мумкин. Э.По, Пу Сунглингдан фарқли ўлароқ, нашр қилиб, пул ишлаш учун, яъни фойда олиш мақсадида ҳикоя ёзади. Бу адабий асар ва оммавий адабиёт ўртасидаги асосий фарқдир. Қисқа ҳикоялар ёзишдан асосий мақсад даромад топишдир. Ҳикоялар фойда олиш мақсадида оммавий тарқатиш учун энг осон бўлган адабиётнинг шакли эди. Ҳикоялар муаллиф учун ижоднинг бошқа турларидан кўра ишончли даромад манбаи бўлган. Аммо, бундай адабий асарларнинг тобора кенгайиб бораётган омма чекланган билим даражасига эга эди. Шундай қилиб, ҳикоялар нафақат қисқа, балки потенциал ўқувчиларнинг аксарияти учун ҳам тушунарли бўлиши, яъни илми кам ўқувчининг тушуна олиш даражасида ёзилиши керак эди. Бошқача қилиб айтганда, бундай адабиёт соф адабий асар бўла олмади, у маълум бир ўқувчига йўналтирилган адабиёт бўлиши керак эди [5].

Ўқувчиларнинг кенгроқ оммасини жалб қилиш ва сақлаб қолишда ҳикоянинг адабий сифати ва бадиий матн хусусиятлари эмас, ундаги ўқувчига таъсир қиладиган ҳиссиётни жунбушга келтирадиган элементлар муҳим бўлган.

Шак-шубҳасиз, Пу Сунглинг томонидан қўлланилган ғайритабиий элементлар ўқувчининг юрагида маълум бир ҳисларни уйғотади. Масалан, “Лаошанлик роҳиб” да кўнгил қолиши, “Қора чигиртка” да қонун олдидаги кўркүв тасвирланади. Аммо, шубҳасиз, характер, китобхонлар ва адабиётшунослар ўртасидаги идентификация қилиниш ҳавфи мавжуд.

Биринчидан, ҳар иккита ҳикоя ҳам ёш ва эҳтимол камбағал олимнинг ҳаёти атрофида қурилган; иккинчидан, ифода тилнинг мураккаблиги китобхон доирасини чеклайди; учинчидан, асарлардаги кинояли изоҳлар Сима Чйан ҳикояларига ишора қилади.

Пу Сунглинг вақтида Хитой империяси мураккаб бюрократияга асосланган тизимдан иборат бўлиб, давлат хизматида бирор-бир натижага эришиш учун империяси бўйлаб мунтазам равишда ўтказиладиган тизим томонидан тасдиқланган ва стандартлаштирилган имтиҳонларни топшириш талаб этилган. Меритократияга асосланган олимлар ва амалдорлар синфисиз, империянинг яхлитлигини таъминлаш мушкул бўлиб, унинг кўп миқдордаги майда бўлақларга бўлиниб кетиш эҳтимоллари пайдо бўларди. Бундан ташқари, давлат хизмати жамиятда олға одимлаш учун ягона имконият эди, лавозимларнинг чекланганлиги ўқимишли номзодлар ва мансабдорларга кучли синфий устунлик берарди.

Пу Сунглинг Хитойнинг манчжурлар истилосидан кейинги йилда туғилган. Хитой ҳам Мин сулоласи ҳукмронлигининг сўнгги йилларида аллақачон жиддий коррупция ботқоғига ботган давлатга айланиб улгурган эди. “Қора чигиртка” ҳикоясида ўқимишли мансабдорларнинг бузғунчи нафсини қондириш йўлида болаларни эксплуатация қилиш, “Лаошанлик роҳиб” да мансабдорларнинг ўз нафсларини ахлоқсиз йўллар билан тарғиб қилишга тайёрлигини қораловчи таълим тизими қораланган [4].

Феодаллар томонидан Хитойнинг босиб олиниши императорлик институтларини янада беқарорлаштирди. Хитойда ирқий тизим татбиқ этилди, Хан халқи манчжурларга бўйсунди, касталар тизими янада мураккаблашди, олимлар ва амалдорларнинг меритократик элитаси манчжур

аристократиясига бўйсундирилди. Ляо Жай ҳикояларида намоиш этилган ушбу ҳақиқат, фақат яширин бўлиши мумкин бўлган кастлар ўртасидаги сентиментал муносабатларнинг тақиқланишини қоралайди. Бундан ташқари, Чин сулоласи энг консерватив сулолалардан бирига айланди. Чин империяси ҳукмронлиги кучли иқтисодий ўсиш ва аҳоли сонининг кўпайиши билан ажралиб турарди, аммо сулола тобора кучайиб бораётган ички зиддиятларни сусайтириши мумкин бўлган ҳар қандай ислоҳотлардан бош тортди.

Ҳар қандай ислоҳот манчжур аристократиясининг ҳуқуқларини расмий элита бўлган Хан сулоласи ҳуқуқлари олдида заифлаштириши муқаррар эди. Иқтисодий ўсиш ва аҳолининг ўсиши бюрократияни кенгайтиришни талаб қилар эди, айниқса, зиёли олимлар сони ҳукуматдаги бўш иш ўринлари сонидан кескин ошиб кетганлигини ҳисобга олсак, бу ислоҳотнинг амалга оширилмагани яхши натижаларга олиб келмаслигининг муқаррар эканини кўрсатади. Шундай қилиб, нафақат номзодларни танлаш ва амалга тайинлаш тамойилларининг ўзгармаслиги салбий ҳодиса бўлди, балки кундалик ҳаётда империянинг ўзи ҳам тобора кўпроқ непотизм ва коррупцияга таяниб қолди. Таълим, илмий даражалар ҳаётда яхши яшашнинг гарови бўлмай қолди. Натижада, XIX асрда Хитойда тобора ўсиб бораётган ишсиз аммо зиёли аҳоли қатлами шаклланди, улар мамлакатни ўзгартириш сари етакловчи, қачонлардир Пу Сунглинг томонидан қуйланган ғояларга мойил бўлиб, қотиб қолган тизимининг танқид қилиш ва инқилобий ўзгаришлар тарафдори эдилар [4].

Инглиззабон тадқиқотларда таъкидланганидек, “маданиятни таништириш ва тақдим этишда ва унинг бошқа маданиятлар ва унинг вакиллари орасидаги фарқини кўрсатишда, “ҳар хил турдаги ва жанрдаги матнлар (матнли, аудиовизуал ва визуал)” марказий роль ўйнайдиган асосий маданий матн сифатида белгиланади. “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” (聊斋志异) Хитой адабиёти тарихида муҳим ўрин тутади. У “Хитойнинг улкан ёдгорлик меросидир. Муаллиф мумтоз эртақни ўз даври учун мисли кўрилмаган бадиийлик ва интеллектуал нафосат даражасига кўтарган” [8]. Унинг маданий салмоғи олимлар томонидан бир неча бор қайд этилган.

Франциялик Хитойшунос Андре Леви таъкидлаганидек: “Хитойдаги бирорта ҳам адабий манба, Ляо Жай матнлари каби Хитой маданияти илдиз отган ва палак ёйганликка даъво қила олмайди”. Ляо Жай асарларининг таржимони, Австралия Миллий университети профессори Жон Минфорд ҳам худди шу фикрни илгари сурган ҳолда “Ляо Жай одатда Хитой мумтоз адабиётининг энг юксак намунаси сифатида таърифланишини” таъкидлайди [12].

Ляо Жай ҳикояларининг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг хилма-хиллиги ҳисобланади. Тўпلامда келтирилган ҳикоялар жанрлари, мавзулари, асосий қаҳрамонлари ва давомийлиги жиҳатидан жуда хилма-хил. 497 та ҳикоя орасида муҳаббат, руҳлар, даҳшатли воқеалар ва табиат ҳақидаги ҳикоялар мавжуд. Ҳикоялардаги асосий белгилар олимлар, амалдорлар, ишбилармонлар, қишлоқ аҳолиси, арвоҳлар, руҳлар, худолар, жинлар ва ҳайвонларни ўз ичига олади. Ҳикоянинг ҳажми 31 та хитойча иероглифдан то 4322 тагача. Умуман оlanda, Ляо Жай бир вақтнинг ўзида ҳам Хитой адабий анъаналарининг фаол тарғиботчиси, ҳам ўз даврида жамиятнинг ашаддий танқидчиси сифатида намоён бўлади.

Ляо Жай асарларининг таржималари ҳам хилма-хиллиги билан фарқланади. Аслият асари ва унинг таржималарининг хилма-хиллиги ушбу матнни ретрансляция сифатида ишлатишга имкон беради.

Америкалик фольклоршунос ва антрополог Уильям Баском (1912-1981) фольклорнинг тўртта асосий функциясини белгилаб берди: 1) хаёлда ижтимоий чекловлардан ажратиш; 2) маданиятнинг маросимларини асослаб берувчи умум қабул қилинган қонунлари; 3) ахлоқий тамойилларни акс эттириш ва уларга риоя қилмаслик оқибатларини тавсифлаш асосида ўқитиш; 4) ижтимоий назорат воситаси сифатида қабул қилинган хулқ-атвор намуналарига мувофиқликни сақлаш [9].

“Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” (聊斋志异) асари – Пу Сунглиннинг атрофидаги ҳақиқатдан хаёлотга қочишидир. Жамиятни танқид қилгани учун жазодан қочиш учун Пу ғайритабиий ҳикояларга мурожаат қилди, чунки у келишилган никоҳдан фарқли ўларок севгига интилишни тараннум этди, қадриятларни улуғлайди ва муаммоларни танқид қилди, хурфотни тарғиб қилишдан кўра фантастик воқеалар ёки ҳодисалар ҳақида ёзади. Ляо Жайнинг тарбиявий функцияси аввалдан тан олинган. Ляо Жай асарига муқаддима ёзган Чин сулоласи ёзувчиларидан бири Менг Лай Танг (1628-1698) Пунинг нияти Ляо Жайда инсон камолини улуғлаш ва хурфотни танқид қилиш эди деб ёзади.

Инглиз тили профессори ва Пунинг инглиз тилига таржимони Сидней Л. Сондергард, муаллиф ўзининг ахлоқий сабоқларини етказиш учун тулки руҳи каби ғайритабиий белгилардан фойдаланган ҳолда ўз ҳикояларига метафоралар билан зеб беради деб таъкидлайди.

Афинадаги Жоржия университетининг фахрий профессори, америкалик адабиётшунос олим Жеймс Нагелнинг сўзларига кўра, дидактик ҳикоя “ахлоқий сабоқ беришга мўлжалланган қисқа бадиий асардан

парча”дир. Дидактик адабиёт мақсади “жамият қадриятларни аниқлаш”. Ляо Жайда ҳам ғайриоддий ҳодисалар ҳикоя қилинган. Фазилятлар улуғланган ва иллатлар қоралаган [14].

Асл матндаги 497 та ҳикоядан 219 таси (44,1%) ахлоқий сабоқ вазифасини ўтаган ва Пу яшаган жамиятининг ижтимоий қадриятларини аниқлашга қаратилган. Улардан 103 та (20,7%) ҳикоялар қадриятларни улуғлайди, 116 та (23,3%) турли хил индивидуал заифликларни ёки ижтимоий иллатларни танқид қилади. Ушбу 219 ҳикоя аниқ дидактик функцияга эга. Пунинг дидактик мақсади қолган ғайриоддий воқеалар ёки ҳодисаларни тасвирайдиган қолган 204 та (41%) ҳикояда унчалик сезилмайди; 74 та ҳикояда (14,9%) романлар ҳақида маълумотлар мавжуд. 497 ҳикоядан 109 тасида (22%) жинсий яқинлик сахналари учрайди.

Ляо Жай ҳикояларида ахлоқий сабоқ беришнинг доминант усули сифатида кармик оқибатлар ва фатализм, яъни жазонинг муқаррарлигини уқтириш танланган. Карма сўзи санскритча кри (бажариш) сўздан келиб чиққан бўлиб, сўзма-сўз “ҳаракат” деган маънони англатади. Мичиган штати университети антропология профессори Джуди Ф. Пьюнинг сўзларига кўра, карма “инсоннинг ахлоқий қондалар заҳирасини англатади, улар аввалги ёки ўтган ҳаётдаги аввалги ҳаракатларнинг оқибатлари ва келажакдаги сабаблар деб ҳисобланади” сифатида қаралади. Барча ҳаракатлар ўз таъсирига эга. Яхши ҳаракат мукофот келтиради, ёмон ҳаракат эса жазолайди. “Карма – бу Ғарбдаги кўплаб одамлар илиқ кутиб олган қадимги Шарқ анъанаси”. Шу кунларда хитойликлар ўзларининг тажрибаларини тушунтириш учун карма атамасини тез-тез ишлатишади. Ғарбдаги қарашларга кўра, ўлимдан кейин жаннатга ёки дўзахга боришга бўлган диний эътиқоди кармик оқибатларга яхши мисолдир. Эзопнинг юнон тилидаги эртақлари ва ака-ука Гриммларнинг немис тилидаги эртақлари – Ғарбнинг маърифатга қаратилган икки таникли ҳикоялар тўплами. Ляо Жай асарини маълум даражада хитойлик Эзопнинг катталар учун эртақлари деб таърифлаш мумкин.

Пу турли хил ғайриоддий воқеалар ёки ҳодисалар ҳақида хабар беришдан ташқари, фазилятлар мукофотланадиган ва ёмон иллатлар жазоланадиган утопик тушлар дунёсини яратди; у ерда эркақлар ва аёллар эркин мулоқот қилишлари ва жуда яхши дўст бўлишлари мумкин эди; дўстлик дунёнинг чекловларини енгиб чиқиши мумкин эди; уйдан узоқда бўлган ёлғиз олимлар, ишбилармонлар ёки расмийларга тунда кўпинча уларни яхши тушунадиган ва уларга ёрдам бериш учун ғайритабиий кучларга эга бўлган гўзал руҳлар ёки арвоҳ қизлар ташриф буюришади.

Ляо Жай инглиз тилига анчагина таржима қилинган. Пруссиялик протестант руҳонийси Карл Фридрих Август Гецлав 1842 йилда “Хитой жамланмаси” журналида (11-жилд, 4-сон) тўққизта ҳикоянинг биринчи инглизча таржимасини нашр этгандан сўнг, йигирма битта таржимон Ляо Жайни инглиз тилига таржима қилдилар. Тўққизтаси таржима журналларда нашр этилган ёки тўпламларга киритилган, қолган ўн иккитаси китоб сифатида алоҳида нашр этилган. Шунингдек, 1880 йилда Ҳерберт А. Джайлз таржимасининг учта қайта нашри ва 1989 йилда Деннис К. Меер Виктор Ҳ. Меер таржимасининг қайта нашри эълон қилинди. Уларнинг аксарияти хитой тилидан тўғридан-тўғри таржималар; фақат биттаси – билвосита таржима қилинган. Ушбу таржималар Хитой тарихидаги учта муҳим даврни ўз ичига олади: мустамлака даври (1842-1919), Мао даври тугашидан олдинги деколонизация даври (1919-1978) ва очик эшик даври (1978 - ҳозирги кун).

Ляо Жай ҳикояларининг тематик хилма-хиллиги таржимон учун мавзуни танлаш масаласини кўндаланг кўяди. Бу маънода, танланган ҳикоялар сони жуда катта фарқ қилади, қайсидир ҳолларда битта ҳикоянинг ярми ўгирилган бўлса, қолган ҳолларда барча 497 ҳикоянинг тўлиқ таржимаси мавжуд. Дастлаб нашр қилинган таржималарда одатда камроқ ҳикоялар, сўнгги таржималарда эса кўплаб ҳикоялар мавжуд. Ўн иккита алоҳида нашр этилган китобларнинг бештасида атиги йигирма бешта ҳикоя бор, бу асл матннинг жами йигирмадан бир қисмини ташкил қилади.

Ляо Жайнинг таржималарида, турли хил таржималарни рамкалаш учун киритилган турли хил паратекст материаллари мавжуд. Француз адабиёти назариётчиси Жерар Женет сўзларига кўра, паратекст – бу “китоб, муаллиф, ношир ва ўқувчи орасидаги мураккаб боғланишни вужудга келтирувчи қурилма ва бирикмалардир. Уларнинг сирасига сарлавҳалар, сўз бошилар ва эпиграфларни киритиш мумкин.

Таржима доирасида паратекстни айрим олимлар “таржима қилинган матнлар учун тайёрланган символлар шаклидаги бирликлар ва матн атрофида ҳосил бўлувчи махсус метадикурс” сифатида белгилайдилар. Женет биринчисини “перитекст”, иккинчисини “эпитекст” деб атайди, унга хатлар ва тегишли архив ҳужжатлари ҳам кириши мумкин. Паратекст тор доирадаги китобларга, яъни перитекстга тегишли. Ляо Жай асари доирасидаги паратекст манбаига матндаги сўз бошилардан тортиб аслият матнини келтиришгача, расмлар, луғат, жадваллар ҳамда хариталар қиради. Баъзи таржималардаги паратекст бир неча саҳифаларни ўз ичига олган бўлса, бошқа таржималарда паратекст китоб умумий ҳажмининг тўртдан бир қисмига ҳам тўғри келиб, юз саҳифадан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Баъзи таржималарда изоҳлар сони кўп бўлса, баъзиларида улар умуман қўлланилмаган [7].

Ляо Жай таржималарининг хилма-хиллиги, шунингдек, таржимон шуғулланадиган соҳаларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўнта таржиманинг олтитаси маҳаллий сўзлашувчилар томонидан, тўрттаси эса маҳаллий бўлмаган сўзлашувчилар томонидан қилинган. Тўрт таржимадан бири Хитойда, қолган учтаси Ғарб мамлакатларида нашр этилган.

Ляо Жайнинг инглизча таржималари орқали маданий матнлар воситасида тил, ижтимоий, сиёсий ва маданий тушунчаларнинг “кўчиши”ни кузатиш мумкин.

Таржимон олимлар Сюзан Басснет ва Хариш Триведи: “Таржима мустамлакачилик тўқнашувининг марказида бўлган ва баъзи маданиятларнинг бошқаларга нисбатан устунлигини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама ишлатилган” дея таъкидлайди [11]. Хукмдор тилдан қилинган мустамлакачилик таржималари мустамлакачиларга худуд ҳақида маълумот ва устунлик бериш ҳамда уларнинг мустамлакачилик ҳаракатларини оқлаш учун хизмат қилган. Ушбу мақсадларга таржима материаллари - ишлатилган таржима стратегиялари ва паратекст материаллари доирасида “мустамлака қилинган мамлакат аҳолисининг керакли образини яратишга ёрдам берадиган ёки умумий шарқона тасвирларни таржима қилиш ва тарқатиш осонроқ эканлигини тасдиқлайдиган” матнларни танлаш орқали эришилган.

Юз йилдан ошиқроқ вақтдаги, Ляо Жай асари таржималарининг Хитой мустамлакачилиги ва очиқлиги даврини ўзига олувчи бутун бошли тарихини чуқур таҳлил қилиш орқали таржима ижтимоий-маданий хусусиятлар, маданий контекст ва Хитой ҳамда Ғарб орасидаги муносабатлар каби доимий равишда ўзгариб туради.

Пу Сунглиннинг инглиз тилидаги таржималари кенг ўрганилмаган. Мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти хитойлик олимлар томонидан олиб борилган. Хунан санъат ва фанлар Университети профессори Хайцзюн Ли бу соҳада энг фаол олимлардан. 2009 йилда Хайцзюн Ли ва Юньфэн Сюн Ляо Жайнинг инглиз тилидаги таржималари бўйича Хитойда олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилдилар. Уларнинг эътиборлари қуйидаги уч жиҳатга қаратилган эди: 1) Ляо Жай асарининг инглизча таржималари тарихи; 2) шахсий таржима кейслари; 3) бир нечта таржималарни қиёсий ўрганиш. Муаллифлар ушбу тадқиқотда учта муаммони аниқладилар: таҳлил қилинаётган асарларнинг етарли эмаслиги, шунингдек Джайлз, Меерс ва Янг таржималарининг қайтарилиб келган тадқиқотлари [11].

Хитойнинг Женмин университети профессори Ван Ян 2008 йилда чоп этилган мақоласида Ляо Жайнинг инглиз тилидаги илк таржималарини таҳлил қилган [10]. У Гютцлаффнинг тўққиз таржимасини илк таржималар сирасига киритади. Гютцлафф ҳаёти ва диний эътиқодларини ўрганиб чиқиб, у Гютцлафф томонидан Ляочжай асарига берилган танқидий баҳонинг асосий сабабини аниқлайди. Унинг фикрича, танқиднинг сабаби асарга Хитой даосизми нуктаи назаридан эмас, балки Ғарбий диний нуктаи назардан қарашдир. Шунингдек у Гютцлафф таржималарининг учта асосий хусусиятларини сарҳисоб қилади: 1) ҳар бир ҳикоя таржимаси шунчаки кўплаб нотўғри таржима қилинган маънолардан иборат матн йиғиндисидир; 2) кенг тарзда муҳокама қилинадиган даосизм унинг танлаган бирон бир ҳикоясида учрамайди; 3) Ляо Жай инглиззабон ўқувчига хитой тили ёки хитой тарихини ўрганишда ёрдам бермагани учун ҳам, у Ляо Жайнинг адабий ютуқларини инобатга олмайди. Ван тадқиқотининг охирида Гютцлафф таржимасининг Ғарбликларнинг Хитой адабиёти ҳақидаги фикрига, шунингдек ўзидан кейинги Хитойда ишлаётган миссионерларга қилган таъсирига, шунингдек, Семюэль Уильямс исмли Ляо Жайнинг яна бир таржимонига тўхталади.

Яна иккита хитойлик олим Ляо Жайнинг инглиз тилига таржимаси тарихини тадқиқ этишди. 2009 йилда чоп этилган “Пу Сунглин изидан” мақоласида Х. Ли барча китоблардаги таржималарнинг, алоҳида нашр қилинган таржималарнинг ва расмий китобларда ёки комиксларда нашр қилинган таржималарнинг жуда батафсил рўйхатини тузди. У ҳар бир ёзувнинг охирида бир нечта қисқа изоҳлар беради. Х. Лининг рўйхатида аввалги таржималарни табдил қилган ёки киритган китоблар ҳам мавжуд. Х. Лининг мақоласи нашр этилганидан уч йил ўтгач, Юншэн Ву ва Цзиньхуай Чжэн 1842 йилдан 1946 йилгача Ляо Жайнинг инглиз тилидаги таржималарини диахроник тадқиқ қилдилар. Ўз тадқиқотларида, Ву ва Чжен ҳар бир таржиманинг қилинган йили, таржимони ва мақсади бўйича тўлиқ маълумотларни келтирадилар [10].

Маданиятлараро таржима нуктаи назаридан Чуньфан Лонг ва Синь Сюн Ляо Жайнинг Джайлс ва Мерс таржималари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни уч жиҳатдан таққосладилар: маданий маълумотларини қайта ишлаш, таржиманинг мақсади ва ишлатилган таржима стратегиялари [10]. Унинг фикрича, Джайлс ўзининг кенг аннотациялари воситасида Мерсга қараганда маданий маълумотларни яхшироқ етказиб берган. Бу маънода Джайлснинг таржимаси Хитой маданияти билан танишишга қаратилган бўлса, Меерснинг таржимаси китобхонни ҳикоя билан таништиришга қаратилган. Турли хил мақсадлар таржима ёндашувлари ва стратегияларининг турлича қўлланилишига олиб келди. Джайлс хитой ҳикоясининг ўзига ҳослигини сақлаб қолишга интиланган бир вақтда, Меерснинг таржимаси уни ғарб ўқувчиси тушунишига мослаштирди. Шлейермахнинг фикрича, Джайлс ўқувчини матнга яқинлаштиришга, Меерс эса матнни ўқувчининг даражасига яқинлаштиради.

Юан Ду ва Цзиронг Чен 2014 йилда нашр этилган “Нисбийлик назарияси нуктаи назаридан “Ляочжайжи” тилидаги диалогларни таржимаси таҳлили” мақоласида, таржимонлар аслият ва таржима тиллари контекстларининг икки томонлама таъсири туфайли доимий равишда таржиманинг энг яхши вариантини топиш учун иккита контекстга мурожаат қилишлари керак. Улар таржимага нисбийлик назариясини киритиш муҳим деган хулосага келишади.

2014 йилда Х. Ли “Маданий манипуляциядан маданий уйғунликка: Ляо Жайнинг инглиз тилидаги таржимасини ўрганиш” номли монографиясини нашр этди. Бу Пу Сунглингнинг инглиз тилидаги таржималарини биринчи бўлиб тўлиқ миқёсда ўрганиш эди. Китоб етти бобдан иборат. Биринчи боб Ляо Жайнинг инглиз тилидаги таржималари билан таништиради ва таржима тадқиқотларини таҳлил қилади. Иккинчи бобда тавсифий таржима тадқиқотларини ривожлантириш ва унинг қўлланилиши муҳокама қилинади. 3, 4 ва 5-бобларда учта гуруҳ таржимонлари: илк хитойшунос ғарб таржимонлари, замонавий хитойшунос ғарб таржимонлари ва хитойлик таржимонлар томонидан амалга оширилган таржималар тасвирланган. Уч бобнинг ҳар бирида Х. Ли учта ёки тўртта таржимани ўрганиб, фойдаланилган стратегияларга эътибор қаратади ва кўплаб мисолларни келтиради. Учинчи бобда хитойшунослар таржималарининг маданиятлараро манипуляцияси муҳокама қилинади [10].

Унинг фикрича Гютцлафф Ляо Жайни насронийлик динини ёйиш мақсадида; Аллен инглиз ўқувчиларининг умидларини қондириш мақсадида; Джайлз хитой шеърятини улўғвор ва тоза деб ҳисобларди, шунинг учун уни одобсиз қисмларини олиб ташлашга ва Хитой адабиётининг ўзига хослигини сақлаб қолиш мақсадида табдил қилган. 4-бобда Ляо Жайга нисбатан Меер, Минфорд ва Сондергар мисолларида Ғарб таржимонларининг хурмати муҳокама этилган. Х. Ли, биринчи икки таржимада доместикация қилиш принципи, охиригида эса форенизация йўли билан таржима қилиш принципи қўлланган. Бешинчи бобда, Х. Ли Суонг, Янг ва Луларнинг уч таржималарини тадқиқ қилади. Унинг таъкидлашича, АҚШнинг доминант маданиятида Куонг инглиз ўқувчиларига ғамхўрлик кўрсатиб, сарлавҳаларга изоҳ қўшиб, муаллифнинг изоҳларида хитой маданияти оғирлаштирган ташбеҳларни ўзгартириб ёки олиб ташлаган. Х. Ли Янг ва унинг ҳамкасблари таржимасидан мақсад дунёни Хитой адабиёти ва маданияти билан таништиришдир, деб таъкидлайди. Ушбу мақсад маданий мавзуларни таржима қилиш ва ёзувларни қўшиш орқали амалга оширилади. Лунинг таржимаси асосан чет эллик ўқувчига мўлжалланган.

Олтинчи бобда Х. Ли аввалги учта бобда келтирилган учта таржима гуруҳининг маданий контекстларини қисқача муҳокама қилади ва кейин таржиманинг маданий манипуляциядан тортиб маданий уйғунлашув тенденцияларигача бўлган мавзуларни таҳлил қилади.

Еттинчи бобда у ушбу тадқиқотнинг янгиликлари ва чекловларини, кейинги тадқиқотлар йўналишларини ва келажакда Хитой классикларининг инглиз тилидаги таржималарига таъсирини кўрсатиб, шундай хулосага келади: 1) келажакда Хитой классикларининг инглиз тилига таржимасида ғарб таржимонлари хитойшуносларнинг маслаҳатига таяниши лозим; 2) келажакда таржималар асосан форенизация услубидан фойдаланиб амалга оширилиши керак, чунки масалага бундай ёндашув анъанавий Хитой маданияти ва реалияларини, шу билан бирга ҳақиқий Хитойни тушунишга имкон беради.

Шундай қилиб, Ляо Жайни тушуниш тарихи инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда ўта мураккаб ва зиддиятли бўлиб, шу билан боғлиқ равишда Пу Сунглинг асарлари таржимасида ўша даврнинг маданий ва тарихий ҳақиқатлари ҳисобга олиниши керак.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Балаш, Э. Китайская цивилизация и бюрократия. Нью-Хейвен: Издательство Йельского университета. 2012. – 120 с.
2. Женгель, П. и др. Китай, народы и цивилизация. Париж: La ddcouverte, 2004. - с. 145-183.
3. Майстер, Я.К. «Нарратология»//Живой справочник по нарратологии под редакцией Междисциплинарного центра нарратологии при Гамбургском университете. <http://wikis.sub.uni-hamburg.de/lhn/index.php/Narratology> (дата обращения - 10.01.2021).
4. Мэйр, В.Х. Краткая Колумбийская антология традиционной китайской литературы. Нью-Йорк: издательство Колумбийского университета, 2000. – 485 с.
5. Скотт, У. «Введение» в Эдгара Аллана По. Полное собрание рассказов и стихов. Нью-Йорк: Castle Books, 2002. – 180 с.
6. Тодоров, Ц. Введение в фантастическую литературу., Париж: Сеуил, 1970. – 220 с.
7. Фэрбэнк, Дж.К. Китай, Новая история. Кембридж: Издательство Гарвардского университета, 2006, стр. 262-263.
8. Altenburger, R. The Sword or the Needle: The Female Knight-Errant (xia) in Traditional Chinese Narrative. New York & Bern: Peter Lang, 2009.
9. Bascom, W. R. Four Functions of Folklore. The Journal of American Folklore 67.266 (1954): 333-349.
10. Lee, J. H. X. Chinese Americans: The History and Culture of a People. Santa Barbara: ABC-CLIO, 2016.

11. Lee, T. K. Experimental Chinese Literature: Translation, Technology, Poetics. Leiden & Boston: Brill, 2015. Print.
12. Levy, A. The Liaozhai zhiyi and Honglou meng in French translation. One into Many: Translation and the Dissemination of Classical Chinese Literature. Ed. Tak-hung L. Chan. Amsterdam: Rodopi. 2003. 83-96.
13. Minford, J. Pu Songling. Encyclopedia of Literary Translation into English. Ed. Olive Classe. London: Fitzroy Dearborn Publishers. 2000. 1123-1124.
14. Pugh, J. F. Astrology and Fate: The Hindu and Muslim Experiences. Karma: An Anthropological Inquiry. Eds. Charles F. Keyes, and E. Valentine Daniel. Berkeley u.a: Univ. of California Press, 1983.
15. Зиямухамедов Ж. Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллари.–Т.: Чўлпон, 2016.

УЎК 81-13

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАКОРЛИК ВА ИФОДА УСЛУБИ

Т.Р. Матёкубова, ф.ф.н., доц., ТошДУТАУ, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада Шарқ адабиётининг Ғ.Ғулом шеърятига таъсири масаласи ўрганилган. Муаллиф ушбу мақолада Ғ.Ғулом шеърятига Шарқ адабиётига муштаракликларни Умар Хайём ижоди қиёси мисолида ўрганади.

Шоир шеърятининг Умар Хайём ижодига муштарак жиҳатларини ўрганиш орқали Ғ.Ғулом ижодининг ўзига хос қирралари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Калим сўзлар: анъана, бадиий маҳорат, ўзига хослик, лирик қаҳрамон, муштараклик, образ, газал

Аннотация. В данной статье рассматривается влияние восточной литературы на поэзию Г.Ғулама. В этой статье автор исследует общности восточной литературы в поэзии Г. Ғулама на примере творчества Умара Хайяма.

Изучая общность поэтической поэзии с творчеством Умара Хайяма, можно осмыслить особенности творчества Г. Ғулама.

Ключевые слова: традиция, художественное мастерство, оригинальность, лирический герой, общность, образ, газель

Abstract. This article examines the influence of Eastern literature on the poetry of G. Ghulam. In this article, the author explores the commonalities of Eastern literature in the poetry of G. Gulam on the example of the work of Umar Khayyam.

By studying the commonalities of the poet's poetry with the work of Umar Khayyam, it is possible to reflect on the peculiarities of the work of G. Ghulam.

Keywords: tradition, artistic skill, originality, lyrical hero, commonality, image, ghazal

Академик шоир Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди адабиётшунослигимизда кўпгина тадқиқотлар учун манба бўлган. Тадқиқотларда унинг ҳаётий фаолияти, ижодининг ўзига хослиги, шеър, ҳикоя, қисса ва таржима асарларининг ўзбек адабиёти тарихида туган ўрни ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилган. Ҳ.Ёқубов, С.Мамажонов, Н.Шукуров, Б.Назаров, Н.Каримов ва бошқа адабиётшуносларнинг амалга оширган тадқиқотлари бу жиҳатдан характерлидир. Аммо, ўзбек адабиётшунослигида Ғ.Ғулом ва Шарқ адабиёти масаласи нисбатан кам ўрганилган. Зеро, адабий муштараклик ва ижодий таъсирланиш муаммосини таҳлил этиш Ғ.Ғулом ижодининг манбаларини аниқлашга ёрдам беради, шоир асарларининг ўзига хос қирраларини ёритиш имконини кенгайтиради. Биз ушбу мақолада Ғафур Ғулом ва Умар Хайём ижодидаги айрим муштаракликларни кузатишга ва муайян умумлашмаларимизни ифода этишга ҳаракат қилдик.

Шоир Шарқ адабиёти анъаналари янги ўзбек адабиёти учун муҳим тажриба мактаби бўлиб хизмат қилишини исботлаб беради, бу адабиёт анъаналарини ижодий ўрганиш бадиий ижодда юксакликка кўтарилишининг муҳим омили эканлигини асослайди. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом ёш ижодкорларга: "...Шарқнинг каттакон адабиётини билиш" лозимлигини, "...Шарқ адабиётини кунт билан ўқиш керак"лигини қайта-қайта таъкидлайди. Арузнинг кўпгина вазилари ўзбек тилига мос келиши, уларда бемалол ёзиш мумкинлигини айтади [7].

Адабиётшунос А. Ҳайитметовнинг куйидаги фикрлари бу жиҳатдан ўта характерлидир: "Ғафур Ғулом ўзбек адабиётини, хусусан, унинг мумтоз қисмини умумий катта Шарқ адабиётининг бир бўлаги деб қарар, ўзбек адабиёти тарихини шу тарзда ўрганиш тарафдори эди" [9].

Шарқ адабиётининг Ғафур Ғулом ижодига таъсири ҳақида сўз юритганда, шоирнинг Умар Хайём ижодига муносабатига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Устоз шарқшунос ва таржимон Ш. Шомухамедовнинг Умар Хайём рубойлари таржималарини Ғафур Ғулом билан биргаликда таҳрир қилган пайтларини эслаб айтган фикрлари эътиборга моликдир: "Мен таржимамни ўқир эдим, ул киши (Ғафур Ғулом - таъкид бизники Т. М.) тепамада туриб елкам оша столдаги қозга кўз ташлаб, форчасини ёддан ўқир эдилар. Устоз Умар Хайёмнинг деярли ҳамма рубойларини ёд билар эдилар." [8].

Ғафур Ғулом ижодига Умар Хайёмнинг таъсири образли ифодалар яратишда яққол кўринади. "Булбулнинг кўзидай ноль тўгаракка, Бир бутун коинот сиға олади" ("Инсоният программаси") байтидаги образли тафаккурда Умар Хайёмнинг "Тўгарак жаҳонни узук деб билсак, Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз" мисраларининг таъсири сезилади. Умар Хайём тўгарак жаҳонни узук, инсониятни эса узук кўзи – гавҳари деб билса, Ғафур Ғулом образли тафаккур қудрати булбулнинг кўзидай ноль тўгаракка бутун

коинотни сиғдира олади. Зотан, донишманд Шарқнинг ҳар бир ижодкори бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд мақомидадир.

Умар Хайём: “Тўнкарилган жомдай кўринар осмон, Остида забундур кимки билагон» [3, 178] дея осмонни тўнкарилган жомга ўхшатиб, донишмандлар жаҳолат қаршисида беқадрлигини ифода этса, Ғафур Ғулом “Инсоният программаси” шеърида: “Боши баландлигига кўкни ўхшатолмайман Осмон деган нимадир? – Тўнкарилган эски тос», [5. 152] – дейиш орқали мағрур инсон бошининг улуғворлиги олдида ҳар қандай маконий юксаклик ҳеч нарса эмаслиги, жаҳолат, албатта, маҳв бўлажagini ғурур ва ифтихор билан ифода этади.

Умар Хайём ўз шеъриятида “май”, “бода”, “шароб”, “коса”, “соқий” сингари тасаввуфона рамзий образларга фаол мурожаат этиш орқали илоҳий ишқни улуғлашга, Ҳақ маърифатини, лирик қаҳрамоннинг турфа хил кечинмаларини ёритади. Бундай анъанавий образлар Ғафур Ғулом шеъриятида ҳам учрайди. Шоир уларни ўз замонида мос ҳолда қўллаб, яшаш шавқи, ҳаёт гўзаллигини улуғлаш каби янги маъноларни ифодалаган. Умар Хайём ёзади:

Май ичамен, мастлик қилмаймен асло,
Қадахдан ўзгача бўлмайман бало.
Бода ичишликдан менинг ғаразим-
Ўзимга сен каби қўймаслик бино [3, 99]

Академик Алибек Рустамов мумтоз шеъриятдаги “май” сўзи ва унинг маънодошлари ҳақида қуйидаги фикрларни баён этади: “Май” сўзи ва унинг маънодошлари асарнинг маъносига келганда ичкиликни билдиради. Лекин сувратда келганда ҳақиқат маърифати, унга бўлган ишқ муҳаббат ва уни идрок қилгандаги лаззатни билдиради. Бу ҳолда май сўзи истиора тарзида қўлланилади, яъни “май” сўзи мазмунан “ҳақиқат майи”, “ишқ майи”, “васл майи” деган ибораларга тенг бўлади” [2]. Демак, Хайёмнинг юқоридаги шеърида “май” истиора сифатида қўлланилган бўлиб, “май” – ҳақиқий ишқ, “коса” эса маърифатдир. Ишққа мубтало бўлган кишининг инсоний фазилатлари орта боришини назарда тутсақ, шеърдаги ошиқнинг май ичишдан кўзлаган мақсади аён бўлади. Рубоийнинг мазмунини шундай тушуниш мумкин: “Мен қанчалик ишққа мубтало бўлсам ҳақиқат маърифати билан кўнглимни тўлдираман. Мен ишққа мубтало бўлишимнинг боиси бошқалар каби ўзимга бино қўймаслик, яъни инсонийлик фазилатларимни сақлаб қолишдан иборатдир”.

Умар Хайём шеърларида “май” ва у билан боғлиқ образлар ниҳоятда кўп қўлланилиб, уларда ботинан Ҳақни таниш, ўзликни англаш, ҳақиқат маърифатини идрок қилиш ғоялари улуғланган. Назаримизда, мазкур образ Ғафур Ғулом шеърларида учрайдиган “соқий”, “май”, “шароб”, “қадах” образларининг яратилишига муайян даражада таъсир кўрсатган. Албатта, бир қарашда Ғафур Ғулом ижодий меросидаги мазкур образлар билан боғлиқ ўринларда зоҳирий маънога урғу берилгандек туюлади. Яъни улар воситасида яшамок ва курашмоқ, ҳаёт завқини қуйлаш назарда тутилгандек таассурот пайдо бўлади. Аммо Ғафур Ғулом шеърларини синчковлик билан кузатсак, “май” ва унинг маънодошлари қўлланилган ўринларда рамзий маънолар ҳам борлиги аён бўлади. Жумладан, шоирнинг “Янги йил кўшиқлари» шеъридаги ушбу мисраларни кузатсак: “Майда акс этмишдир сахар кулгуси, Қуёшга ранг берур юзларнинг туси, Димоғда эртанги баҳор атри бор, Бизга кучоқ очар ғолиб келгуси” [5].

Шеърдаги “май” шунчаки ичкилик маъносини англаганида ҳам шоир унда тонг мусаффолиги, баҳор атрини туядиган, эртанги кунга ишонч билан боқадиган соҳир қалб эгаси бўлган лирик қаҳрамон кайфиятини поэтик идрок этмоқда. Юзлардаги қизилликнинг қуёшга ҳам ранг бера олиши, димоғларда эртанги баҳорнинг атри бўлиши сингари тасвирлар ботинида рамзий маънолар мужассамлашгандир.

Ғафур Ғулом ўзи яшаб турган давр манзараларини чизишда ҳам “соқий” ва «шароб» образларига мурожаат қилган. Бундай ўринларда ҳам мазкур образлар рамзий моҳият касб этади. Шоир “Қутлуғ йил тонгида” шеърида шундай ёзади: “Соқий, менга сун қадах, йигирманчи асрнинг Ичган сари кишини хушёр этар шаробин”. Ушбу мисралар зоҳирий маънода шароб ичиш туфайли туғилган туйғулар ифодасидек таассурот қолдириши ҳам мумкин. Эътибор берилса, унинг мазмунида кўпмаънолилиқ мужассамлашгани аён бўлади. Шеърдаги “соқий” ҳаёт, “қадах” инсонга берилган умр, “шароб” эса замон деб тушунилиши мумкин. Зеро, инсон ҳаётда яшаш давомида тўплаган тажрибаларидан сабоқ чиқариб, тобора хушёрроқ бўла боради. Шоир пейзаж тасвирига бағишланган шеърларида ҳам “соқий” образига мурожаат қилади. “Барди кўрпаларни елкага қийғоч ташлаб, Учиб қолган соқийдай гунгурс ухлайди тоқлар” [4]. Бу шеърдаги образлар табиийлиги ва бетакрорлиги билан эътиборга моликдир. Барди кўрпаларни елкасига ташлаб ухлаётган тоқларнинг учиб қолган соқийга ўхшатилиши Ғафур Ғуломнинг бадиий кашфиётидир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Ғафур Ғулом шеъриятига Шарқ шоирлари меросининг таъсири, кенгқўламли бўлиб, аввало, ҳаёт ва инсонни бадиий тадқиқ этишда, фалсафий-эстетик умумлашмалар чиқаришда кузатилади. Ғафур Ғулом яратган кўплаб образларда Шарқ шоирлари ижодий даҳосининг таъсири мавжуд. Бадиий фикрни содда, таъсирчан ва фалсафий мушоҳадакорликда ифодалаш услубини ўзлаштиришда аксарият шарқ классик шоирлари каби Хайём мероси Ғафур Ғулом ижоди учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Т.: Фан, 2004. – Б.240
2. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 19875. – Б.160
3. Умар Хайём. Рубоийлар. Таржимон: Ш. Шомухамедов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б.303

4. Гафур Гулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 326
5. Гафур Гулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 430
6. Гафур Гулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 427
7. Гафур Гулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.11. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 425
8. Гафур Гулом. Мукамал асарлар тўплами. 12-томлик. Т.12. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 420
9. Шомухамедов Ш. Гуманизм – абадийлик ялови. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б.162
10. Хайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 240

УЎК 808.3

СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Р.Н. Нурутдинова, ўқитувчи, Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада узвий тадқиқот ва ривожланишлар натижасида тилишуносликдан турли йўналишлар мустақил равишда ажралиб чиқиши ҳақида маълумот берилди. Улардан бири социолингвистикадир. Социолингвистиканинг бир нечта тадқиқот усуллари мавжуд бўлиб, мақолада мазкур усулларни таснифлаб ўрганишга ҳаракат қилинган.

Калим сўзлар: соцофонетика, лексик –семантик қатлам, жаргон, арго, шева, касб-хунарга оид атамалар, соцолексика, гендер фарқликлар, аёл ва эркек нутқи

Аннотация. В статье представлена информация о самостоятельном разделении разных областей языкознания в результате комплексных исследований и разработок. Один из них - социолингвистика. В социолингвистике существует несколько исследовательских методов, и в статье делается попытка классифицировать и изучить эти методы.

Ключевые слова: соцофонетика, лексико-семантический слой, сленг, диалект, профессиональные термины, соцолексика, гендерные различия, женская и мужская речь

Abstract. The article provides information on the independent separation of different areas of linguistics as a result of integrated research and development. One of them is sociolinguistics. There are several research methods of sociolinguistics, and the article attempts to classify and study these methods.

Keywords: sociophonetics, lexical-semantic layer, slang, slang, dialect, professional terms, sociolexics, gender differences, female and male speech

Узвий тадқиқот ва ривожланишлар натижасида тилишуносликдан турли тармоқлар ажралиб чиқа бошлади. Улардан бири социолингвистика ҳисобланади. Социолингвистиканинг бир нечта тадқиқот объекти мавжуд. Улардан бири соцофонетика бўлиб, социал-фонетик алоқа ва боғланишни ўрганади [1]. Фан ва техниканинг ривожланиши соцофонетиканинг янада такомиллашишига сабаб бўлди. Бунда сўзловчининг ёши, жинси, жамиятдаги ўрни, келиб чиқишидаги ўзига хосликлар нутқий жараёнга таъсир этиши чуқур ўрганилади. Соцофонетикада сўзловчининг маълум гуруҳ, жинс, касб, ёшга қараб нутқининг ўзига хос бўлиши фонетик жиҳатдан ўрганилади. Уильям Лабовнинг “The social motivation of a sound change” (“Товуш ўзгаришида социологик сабабларнинг аҳамияти») номли магистрлик диссертациясида Мартас-Винярд оролидаги балиқчиларнинг “тун”, “уй” каби сўзларни гапирганда унли товушларнинг талаффуздаги фарқларни аниқлаган. Оролда қолган ёшлар маҳаллий аҳоли каби унлиларни ишлатганда қишлоқ шеvasига яқин талаффуз қилса, оролни ташлаб шаҳарга ўқиш, ишга кетиш ниятида турган ёшлар эса шаҳар талаффузига тақлид қилган ҳолда товушларни қўллагани аниқланади [2].

Олим “The Social Stratification of English in New York City” (Нью-Йорк инглиз тилисининг социал табақаланиши» -1966) номли докторлик диссертациясида, “R” товушининг Нью-Йорк шаҳридаги учта катта савдо марказида (Сакс, Мейси, С. Клейн) табақаланишини тадқиқ этди. Муаллиф жуда оддий методдан фойдаланди. Универмагга ташриф буюрувчилардан интервью олди. Уларга: “Аёллар оёқ кийими бўлинмаси қаерда?”, “Бу нечанчи қават?” каби махсус саволларни берди. “Тўртинчи қаватда” жавобини олиш мақсадида эди, чунки тадқиқотчи мазкур бирикмадаги “R” ҳарфининг талаффузи қандай айтилишини текшираётганди. Saks (энг қиммат универмаг)га ташриф буюрувчилар “r” товушини талаффуз қилишар, S. Klein (ишчи синфининг универмаги)га ташриф буюрувчиларнинг 79 фоизи эса умуман бу товушни талаффуз қилишмаслиги аниқланди.

Натижада У.Лабовнинг инновацион фаолияти ҳамда социолингвистиканинг ривожланиши асносида тилининг нафақат ҳудудий фарқланиши, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам табақаланиши далиллар асосида илмий исботланди [3].

1990- йиллар ўрталарига келиб, “соцофонетика” атамаси интенсив равишда ривожланиб, ҳозирги кундаги энг оммабоп тадқиқот объектига айланди. Тадқиқот объектларидан иккинчиси соцолексикадир. Бунда тилининг лексик –семантик қатлами иноватга олинади. Эътибор тилининг ижтимоий ва ҳудудий чегераланишига қаратилиб, жаргон, арго, шева, касб-хунарга оид атамалар назарда тутилади.

Бунда “кенг социал матн таҳлили” биринчи ўринга қўйилди [4]. Масалан, Воронеж давлат университети доценти Е.Н. Подтележникова инглиз тилидаги “look” феълининг диахрон аспектда тадқиқ этади. Бадиий адабиёт материаллари асосида мазкур феълнинг XIX ва XX асрда қўллаш динамикасини жадвал асосида таҳлил қилиб чиқади [5]. Диний атамалар бўйича тадқиқотлар нафақат хорижда, балки юртимизда ҳам жуда кўп ишлар қилинганига гувоҳ бўламиз. 2015 йилда М. Кемпер “Ислоннинг рус тилиси. Ислон ва рус соцолекти: русизм ва арабизм” номли мақоласини чоп этди. Муаллиф икки коднинг

бир-бирига киришиб кетиши, РФдаги исломий худудлар тили (татар ва авар) тил унсурларининг аралашувини тадқиқ этди [6].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Словарь социолингвистических терминов. Российская академия наук. Институт языкознания. Изд: Наука. Москва – 2006, стр-215
2. Labov W. The social motivation of a sound change // Word. 1963. № 19. P. 273-309.
3. Гончарова О.В.. Социофонетическое направление в зарубежной лингвистике. www.gramota.net/materials/2/2018/7-1/27.html // 06.04.20184
4. Теоретические проблемы социальной лингвистики. М., 1981, 174 с
5. Особенности функционирования лексемы look. Вестник ВГУ, Серия “Лингвистика и межкультурная коммуникация”, 2005, №2.37 <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/lingvo/2005/02/podtelevnikova.pdf>
6. Тарасова Ф. Х. Изучение исламского (русского) социолекта в социолингвистике [Электронный ресурс]/Ф. Х. Тарасова, Э. Р. Мухамеджанова // Современный мусульманский мир: электрон. журнал. – 2017. – № 2. Современный мусульманский мир международный научный журнал российского исламского института www.islamjournal.ru
7. <http://nippon.temerov.org/gramat.php?pad=gender> 8.05.2010

УЎК 81-13

НОДИР НОРМАТОВ ҲИКОЯЛАРИДА МИФОЛОГИЗМЛАР

М. Отажанова, директор ўринбосари, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада насрда ўзига хос услубга эга ёзувчи Нодир Норматов ҳикояларида ўзбек мифологиясининг энг қадимий қатламига мансуб кўхна образларнинг поэтик рамзга айланган талқинларини рамзий ташбеҳлар, афсона ва ривоятларга мурожаат қилиши инсоннинг маънавий-руҳий оламига ёритишга хизмат қилганлиги таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: фольклор, ёзма адабиёт, мифология, ремифологизация, мифологизм, мифологик сюжет, мотив, бадиий образ, эпик диффузия, мифологик архетип, космогоник миф, анимистик миф, зоонимик афсона, тош култи, композицион структура

Аннотация. В статье анализируется тот факт, что в рассказах писателя с неповторимым стилем прозы Нодира Норматова использование поэтических интерпретаций древних образов, относящихся к древнейшим пластам узбекской мифологии, к символическим метафорам, мифам и легендам послужило для освящения духовного мира.

Ключевые слова: фольклор, письменная литература, мифология, ремифологизация, мифологизм, мифологический сюжет, мотив, художественный образ, эпическая диффузия, мифологический архетип, космогонический миф, анимистический миф, зоонимический миф, рок-культ, композиционная структура

Abstract. The article analyzes the fact that in the stories of Nodir Normatov, a writer with a unique style of prose, the use of poetic interpretations of ancient images belonging to the most ancient layers of Uzbek mythology to symbolic metaphors, myths and legends served to illuminate the spiritual world.

Keywords: folklore, written literature, mythology, remifologization, mythologism, mythological plot, motif, artistic image, epic diffusion, mythological archetype, cosmogonic myth, animistic myth, zoonymic myth, rock cult, compositional structure

Маълумки, ҳозирги замон ўзбек ҳикоялари мифопоэтика нуқтаи назардан таҳлил қилинадиган бўлса, адиблар томонидан мифик сюжет, мотив ва образлар диффузияси асосида яратилган асарларнинг бадиий матнида мифологик тасаввурларнинг қайта идрок этилиши, мифологик хронотоп ва мифологик онгнинг бадиий талқинида мифологемаларнинг моделлаштириш (яъни тасвирланаётган воқеликни мифологик архетиплар орқали ифодалаш), фалсафий (борликдаги ҳаётнинг боқийлиги, “борлик” ва “йўқлик”нинг доимий кураши), структурал (бадиий асар композициясининг мифологик образ ва мотивларнинг турли вариантлари тизими асосига қурилиши) ва поэтик (баён услубининг ўзига хос характери мифологик асосга қурилиши) каби функционал кўринишлари мавжудлиги кўзга ташланади. Жумладан, кишлоқ ҳаётининг турли қирраларини ўша ерда яшовчи оддий, беғубор кишиларнинг бир қарашда содда бўлиб туюлса-да, аслида ҳикматга бой турмуш тарзи, тарихий илдиқлари минг йилликлар бағрига бориб туташадиган миллий урф-одатлари, табиат билан боғлиқ турфа эътиқод ва анъаналарининг ўзига хос тасвирини яратган ёзувчи Нодир Норматов ҳикояларида ўзбек мифологиясининг энг қадимий қатламига мансуб кўхна образларнинг поэтик рамзга айланган талқинларини учратамиз. Зеро, ҳозирги ўзбек насрининг барча жанрларида мифологиянинг турли-туман поэтик талқинлари мавжуд бўлиб, улар орасида қадимий асотирий образларнинг бадиий тафаккурда муқим ўрнашиб қолган архетипик деталларидан рамз сифатида фойдаланиш орқали бадиий ниятни ифода қилиш усули устуворлик қилиши кузатилади.

Ёзувчи Нодир Норматов асарларининг моҳияти масаласига тўхталганда, унинг ижодига нисбатан жаҳон, шу жумладан, рус адабиётида ўзига хос йўналиш сифатида шаклланган “кишлоқ прозаси” атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. “Қишлоқ прозаси” деганда аҳоли истиқомат қиладиган олис кишлоқларда яшовчи кишиларнинг ўзига хос турмуш тарзи ҳамда миллий этномаданиятнинг асосини ташкил этувчи кадрятлари тасвирланган бадиий асарлар назарда тутилади. Шарқий Сибирь

кишлоқларининг ҳаётини ажойиб тарзда тасвирлаган В.Распутин, приморьеликларнинг қадимий удумлари асосида адабий этнографизмнинг беназир талкинларини яратган В.Личутин, Тоғли Олтой ўлкаси кишиларининг оддий ҳаётини ўзининг ҳикоялари ва киносценарийларида қайта жонлантган В.Шукшин асарлари XX аср рус кишлоқ прозасининг бебаҳо намуналари сифатида эътироф этилган.

Адабиётшуносликда “кишлоқ прозаси”нинг ўзига хос хусусиятлари, адабий ҳодиса сифатида юзага келиш тарихи ва бу йўналишда ижод қилган адибларнинг маҳорати масаласи К.Партэ, М.Разувалова каби олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган [1]. Хусусан, С.Ю.Королеванинг номзодлик диссертациясида бу типдаги бадиий асарлардаги мифологизмларнинг этномаданий характери, рус адабиётида яратилган кишлоқ ҳақидаги насрий асарлардаги мифологик образ, мотив ва сюжетлар генезиси тадқиқ этилган [2]. И.Н.Иванова ўзининг XXI аср рус адабиётидаги кишлоқ кишилари ҳаёти тасвирига бағишланган прозаик асарлар таҳлиliga доир ишида бу адабий йўналиш ўзининг ўтган асрдаги асосий муаммолари, образлари, конфликт характери ва сюжет типларини муайян трансформацион шаклда бўлса-да асосан сақлаб қолгани ҳолда мифопоэтик архетипларнинг “перезагрузка”си, яъни қайта жонланишининг ўзига хос кўзгуси эканлиги билан характерланади, деб ёзади [3].

Сурхон воҳасидаги қадимий этномаданий ҳудуд ҳисобланган Бойсун туманининг гўзал табиати, у ерда яшовчи кишиларнинг кўрган-кечирганлари, ўй-хаёллари, ўзаро муносабатлари, наботот ва ҳайвонот билан боғлиқ ишонч-қарашлари, асрлар давомида унутилмасдан келаётган афсонаю асотирлари, урф-одат ва маросимларининг такрорланмас бадиий манзарасини яратган Нодир Норматов ҳикояларида мифологик образ, мифологик архетип ва мифопоэтик контекстнинг ўзига хос талкинлари ифодаланган. Биз куйида адибнинг “Кўктошлар” ҳикоясини таҳлил қилиш орқали асардаги мифологик образ ва архетипик тимсолларнинг қаҳрамон характери очиқ беришдаги бадиий вазифасини ёритишга ҳаракат қиламиз.

“Кўктошлар” ҳикояси адибнинг онаси вафоти билан боғлиқ хотираларини эслаши асносида юзага келган. Асарнинг бошидан охиригача қизил ип бўлиб ўтадиган “кўк тош” тимсоли бир томондан, авлодларни аждоқларнинг қадриятлари билан боғлаб турадиган рамзий восита бўлса, иккинчидан, тош билан боғлиқ қадимий тасаввурларнинг ёзувчи онг ости ҳисларида қайта бўй кўрсатган талқини ҳисобланади. Пошхўртсойликлар удумига кўра, бирор киши вафот этса уни қабрга қўйиб келингандан кейин эртаси куни энг яқин қавму қариндошлар тонг саҳарлаб мазор бошига чиқишаркан. Ана шу одат бўйича қабр бошига чиқишганида майитнинг опаси – эл орасида Апалар хола номи билан машҳур бўлган Курбонсара момо ҳикоя қаҳрамонини Курбон, Рўзибой исмли акалари билан бирга мазор ёнидаги сойга олиб тушади-да: “Шу ердаги кўк тошларни олиб онанинг қабри устига элтиб қўйинглар, бу тошлар белги бўлиб туради, йиллар ўтса ҳам онангизнинг қабрини ўзингиз келтирган тош туфайли топиб оласизлар”, дейди [4].

Ҳикояда қўлланилган “кўк тош” детали қадимги туркийларнинг тоғ-тош культига сиғиниш анъаналари, табиатдаги нарса-ҳодисаларни жонлантириб тасаввур қилишга асосланган анимистик қарашлари ҳамда ранглар символикасига доир эътиқодларини ўзида ифода этган архетипик тимсолдир.

Маълумки, жаҳоннинг турли ҳудудларида яшовчи халқларда тоғу тошларни илоҳийлаштириш, айниқса, кўк рангли тошларни мўътабар деб билиш одати мавжуд бўлган. Хусусан, славянларда кўк тош самовий мавжудликнинг боқийлигини англатувчи мифологик тимсол сифатида тасаввур қилинган [5]. Қадимги туркийларда тош культига сиғиниш ўзига хос анъана тусини олган [6]. Аждоқларимиз тасаввурида кўк рангли тошлар юқори олам, осмон билан боғлиқ, деб қаралган. Осмоннинг кўк рангда эканлиги руҳлар ва маъбудлар макони деб тасаввур қилинган юқори оламни ана шу ранг белгиси билан ифодаланиши натижасида Кўк тангри тўғрисидаги ишонувлар шаклланган. Шунинг учун ҳам туркий халқлар мифологиясида марҳумлар руҳи жойлашадиган юқоридаги олам, яъни осмон кўк ранг билан ассоциацияланади. Ўзбек мотам маросимларида азадорлик белгиси сифатида кўк кийиш, қабрга кўк тош қўйиш анъанаси, шунингдек, бевосита ўлим тилаш маъносида айтиладиган “кўкчангни кияй”, “кўкингни кияй” сингари қарғиш иборалари ҳам ана шу мифик қарашлар таъсирида келиб чиққан.

Интернет маълумотларига қараганда, мамлакатимизда Кўктош ота, Кўктош бува каби номлар билан аталадиган қабристон ва зиёратгоҳлар жуда кўп. Хусусан, Қизилтепа туманида Кўктош ота, Самарқанд шаҳри яқинида Кўктошбоботепа, Тошкент вилоятида Кўктош бува, Чироқчи туманида Кўктош ота, Термиз яқинида Кўктош вали, Кўктош ота, Шеробод туманида Кўкгумбаз ота, Андижон вилоятида Кўктўнли ота, Тошкентда Кўк ота, Нарпай туманида Ҳазрати Кўк ота сингари мазор номлари борлиги қайд этилган. Халқ орасидаги анъанага кўра, ана шу зиёратгоҳ ва мазорларнинг аксариятида кўк тош мавжуд бўлиб, кўкйўтал касалига дучор бўлган болаларга ана шу кўк тош устига қўйилган сувдан ичирилса тузалиб кетади, деган ишонч бўлган. Бу жой номларида “кўк” эпитети ишлатилиши ҳам ушбу ранг тимсолининг осмонда жойлашган деб тушунилган руҳлар олами билан алоқадор мифик қарашларга дахлдордир.

Халқимизнинг мифологик қарашлари, урф-одат ва маросимлари, жумладан, мотам маросимларида кўк рангнинг тимсолий моҳият касб этишининг тарихий асослари қадимги туркий мифологияга бориб боғланади. Адабиётшунос олим Н.Раҳмонов таъкидлаганидек, “қадимги туркийлар кўк Тангрига сиғинганлар. Кўк Тангри – Кўк Осмон деганидир, қадимги туркийларнинг тасаввурига кўра, туркий қавмлар Кўк Тангри ва кўнғир ердан бино бўлган фарзандлардир” [7]. Шунинг учун ҳам туркий халқлар мифологияси ва фольклорида муқаддас кўк бўри тўғрисидаги афсоналар, осмон руҳлари билан алоқадор кўк тош ҳақидаги тасаввурлар келиб чиққан.

Фольклоршунос олима Д.Ўраеванинг ёзишича, “кўк ранг сув ва осмон рангидир. Сув ва осмон эса марҳумлар руҳи қўним топадиган манзиллардан ҳисобланади. Шу сабаб кўк ранг мотам маросимида ва унга алоқадор йиғи ва йўқловларда аздорлик рамзини ифодалаб келади” [8]. Халқ қўшиқларида ранг символикаси масаласини ўрганган М.Рўзиевнинг фикрича ҳам “сув ва осмон марҳумлар руҳи қўним топадиган манзиллардан деб қаралиши туфайли уларнинг тусини белгиловчи кўк ранг ҳам мотам маросимида аздорлик рамзини ифодаловчи ранглардан саналади” [9].

Нодир Норматовнинг “Кўктошлар” ҳикоясида она қабрининг устига кўк рангли тошларнинг қўйилиши ҳам кўк рангли тош култи билан боғлиқ қадимий этноқадларнинг архетипик тимсол сифатида бадий матнга киритилган талқинидир.

Майит қабрига қўйилган кўк тош рамзий маънода ўлган киши руҳининг юқори олам – Кўкка ўтиши учун ўзига хос восита вазифасини ўтайди деб қаралган бўлиши керак. Бу мифик қараш халқ орасида кенг тарқалган “Кўкрагинга кўк тош қўйилсин” қарғишида ҳам ўз ифодасини топган. Бу иборанинг келиб чиқиши хусусида фикр юритган Ф.Эшбоева қуйидагиларни ёзади: “Бу қарғишнинг моҳияти қадимги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ... Кўк тош – ўлим ва жудолик рамзи. Қадим замонлардан бошлаб қабр устига ишлов берилмаган табиий кўк тошни қўйиш расм бўлган. Анимистик тасаввурга кўра, кўк тош ўлим чақирувчи, ўзи билан ажални олиб юрувчи нарса. «Кўкрагинга кўк тош қўйилсин» деган қарғиш мазмунида соппа-соғ юрган қарғалувчининг тезроқ ўлим топишига бўлган истак акс этган. Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги «Кўк орол» фермерлар уюшмасининг тўртинчи бўлимида яшовчи 74 ёшли Тўхтажон ая Жарқинбоевнинг ҳикоя қилишларича, уларнинг ёшлигида бир бойнинг Мелибувиш деган хотини бўлган экан. У аёл жуда танглик бўлиб, қўни-қўшни аёлларни менсимай, бепсандлик билан қарар, қўшни аёллар эса уни доимо «Кўкрагинга кўк тош қўйилгур» деб қарғашар экан. Мелибувиш чоли ўлиб, бойлиги пароканда бўлиб, ўзи қари кампирга айланибди. Қазо вақти етганида бир неча ҳафта жон таслим қилолмай, фарзандлари ва қариндошларини кийнабди. Шунда ўғиллари қўшни кампирларнинг маслаҳати билан Мелибувишнинг кўкрагига олмадек кўк тошни қўйишган экан, у осонгина жон берибди” [10].

“Кўктошлар” ҳикоясида ранглар билан боғлиқ архетипик тимсолларнинг яна бир талқини – қора илон мифологемаси ҳам мавжуд. Қаҳрамон онасининг қабрини зиёрат қилгани борганида мазорга қўйилган кўк рангли тошларни қандай қилиб сойдан олиб келганини эслайди: “Кўктошларга синчиклаб қараб турарканман, уни пастиқдаги сойдан қандай олиб чиққан кунни эслаб кетдим. Холам ва акаларим мендан анча олдинда эди. Мен ҳандалақдай келадиган тошни кўтариб борарканман, тез-тез оғирлигидан энгашиб, тўхтаб дам олардим. Нима бўлдию, шу орада бир юлгун панасида ўтириб дам олдим. Кейин ёнбошлаб бирпас ухлаб олмоқчи бўлдим. Кўзимни очганимда тепамда Гулистон момо турарди. “Девларим айтдики, бир қора илон сенинг кўктошингни тортиб олмоқчи дейишди. Мана қара, мен уни ўлдирдим”, – деди у тантанавор. Мен анқайиб атрофимга қарадим, кўрқиб кетдим. Ёнимда мажақланган қора илон ётарди. “Тошингни ол, – буюрди кампир, – Эсингда бўсин, бу тошдан ҳаммиша хабар олиб юр. У энангнинг руҳини кўриқлаб туради. Бу тош бир пайтлар Кўк тангри отанинг хизматини қилган осмон фариштаси эди. У онанг қазо қилгунча шу ерда ётди, мана энди олдига бораёпти. Унинг боришига мана бу қора илон қарши эди”. У шундай дедю, бир зумда кўзимдан ғойиб бўлди” [4].

Юқорида келтирилган парчада бир неча мифологема мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси кўк тошнинг мўътабарлиги сабабини изоҳловчи мифнинг поэтик интерпретацияси замирига сингдириб юборилган. Кўк тош қачонлардир Кўк тангрининг хизматини адо этган осмон фариштаси бўлиб кейин оддий тошга айланиши қадимги мифологиядаги эврилиш, яъни бир шаклдан бошқа кўринишга ўтиш мотиви воситасида баён этилган. Мифологиядаги эврилиш ҳодисаси ўзининг моҳияти ва талқинига кўра асосан икки хил бўлиб, бир жонли мавжудотдан бошқа жониворга айланиш ёки муайян нарса-ҳодисанинг ўз ҳолатини ўзгартириб яна бирор нарса-ҳодисага айланиши “чала эврилиш” ёки “нотугал эврилиш” деб қаралса, жонли мавжудотнинг муайян нарса-ҳодисага айланиши ёки бирор нарса, буюмнинг жонли мавжудот кўринишини касб этиши “тугал” ёки “тўла эврилиш” ҳисобланади [11]. Кўк тангрига хизмат қилган самовий мавжудот – илоҳий ҳилқатнинг кўк рангли тошга айланиши тугал эврилиш намунаси.

Қадимий мифларда юқори оламни ўзига макон қилган деб тасаввур қилинган Кўк тангрининг хизматкорлари, унинг атрофидаги нарса-ҳодисалар ва мавжудотлар ҳам кўк ранг белгиси билан талқин қилинганлиги, шунингдек, кўк тошга айланган самовий мавжудотнинг мифологик функцияси, яъни кўриқчилик қилиш вазифаси Нодир Норматов ҳикоясида янгича моҳият касб этгани ҳолда ифодаланган. Яъни Гулистон момо тилидан баён қилинган каби, қаҳрамоннинг онаси “қазо қилгунча сойда ётган кўк тош энди ўз вазифасини адо этиш учун бораёпти”. Кўк тош тимсолига юкланган ана шу функционал-семантик вазифа ҳам бу мифопоэтик деталнинг руҳлар олами ҳисобланган осмон ҳамда Кўк тангри култига дахлдорлигидан далолат беради.

Ҳикоячи-қаҳрамоннинг нутқи орқали баён этилган сойдаги кўктошнинг келтирилиши жараёнидаги туш мотиви орқали баён этилган ушбу мифнинг бадий ифодасида аждоқларимизнинг эзгулик ва ёвузликнинг абадий кураши ҳақидаги дуалистик мифологиясига алоқадор бир неча архетипик образлардан фойдаланилган. Шулардан бири “дев” образи бўлиб, келиб чиқишига кўра “Авесто”га бориб боғланадиган бу мифик персонаж эртақ, афсона ва дostonларда кўпинча ёвузлик оламига алоқадор, деб тасвирланса-да, баъзида девларнинг ёрдами-ҳомийлигида беморларни даволаш билан шуғулланадиган бахши-қушночлар тўғрисидаги тасаввурлар ҳам мавжуд. Одатда девларни ўзига бўйсундириб олган бундай кишилар “деви бор одам”, “девбанд”, “демона” деб юритилган. Агар бундай кишилар девлар кўмагида даволаш

амалиётини бажаришмаса девлар унинг ўзига шикаст етказишади. Бундай ҳодиса халқ тилида “фалончини девлари босибди” ибораси билан ифодаланади [12]. “Кўктошлар” ҳикоясида тасвирланган Гулистон момо ҳам ана шундай “деви бор” одамлардан. Турмуш ўртоғи қатағон йиллари Сибирда ўлиб кетган бу аёлнинг якка-ёлғиз бир қизи бор бўлиб, у ҳам тоғ орти қишлоқларидан бирига турмушга чиқиб кетгани боис у бир ўзи туради. Шунинг учун ҳам айримлар ундан чўчиб “Деви бор бу аёлнинг. Ундан кўрқинглар. Уйга келиб қолса, дарҳол нон чиқариб беринглар” дейдилар.

Дарҳақиқат, Гулистон момонинг ғайритабиий хусусияти борлиги, айрим воқеа-ҳодисаларни аввалдан билиши ва буни “девларим айтди”, “девларим хабар берди” деб баён этиши (масалан, ҳикоячи-қахрамоннинг қабр бошига келгани, Бойкулнинг ўғли – мактаб директори Мамарайимнинг ўғил фарзандли бўлгани каби) одамларнинг ундан сал-пал чўчишига сабаб бўлган. Асарнинг ҳикоячи-қахрамони онасининг мазори ёнида хаёл суриб ўтирганида орқасидан эшитилган “Яхши келдингизми, болам. Девларим айтишди келганингизми”, деган овоз уни ўтирилишга мажбур қилади. Қараса, ортида Гулистон момо турибди. Орадан йигирма йил ўтган бўлса ҳамки, унинг юз-кўзи, қадду қомаги деярли ўзгармаганлиги, ўша илондан қутқарган пайтдаги қора жиякли, шокилалли, бодомнусха солинган жигар-қизғиш рангли кўйлақда эканлиги қахрамонни ажаблантиради. Кампир худди қахрамоннинг хаёлидан кетган ўйларни ўқиган каби: “Ҳа, ўша куйлагим. Ўшанда бу қора илонни ўлдиришни менга онангнинг руҳи айтган эди” [4].

Ҳикояда тасвирланган қора илон – эзгулик кучларига қарши курашувчи ёвузликнинг зооморф, яъни жонивор кўринишидаги мифологик тимсолидир. Чунки қадимги туркий мифологияда қора ранг кўпинча ер ости олами, зулмат, қоронғулик, ёвуз кучларнинг рамзий ифодаси сифатида талқин қилинган. “Қадимда яна оқ ранг кундузнинг, ёруғ куннинг, сутнинг, бугдойнинг, сувнинг, самонинг, қора ранг эса туннинг, ер ости дунёсининг мифологик эквиваленти, деб қабул қилинган” [13]. Ўрта Осиё туркий халқлари эътиқодича, агар киши тушида қора илонни кўрса – душман; оқ тусли илонни кўрса – бойлик, бахт, омад; агар одамнинг йўлидан қора илон чиқиб қолса, душманидан захмат кўради, агар оқ илон чиқса – бойлик келади, деб тасаввур қилинган [14]. Ўзбек халқ эртакларида ҳам қора илон қахрамонга зиён етказадиган ёвуз куч тимсоли сифатида тасвирланади. Масалан, «Бекмирза ва Шавкатмирза» эртагида сафарга чиққан қахрамон бир йўлбарсни қора бўғма илоннинг ўрвида бўғилиб ётганини кўриб қолади-да, илонни қилич билан чопиб ўлдиради [15]. Бу эртақда тасвирланган йўлбарс яхшилик, эзгулик оламига дахлдор жонзот бўлса, қора илон унинг тескараси – ёвуз кучлар ифодаси ҳисобланади.

Сойдаги кўктошлар тошга эврилган самовий ҳилқатлар бўлгани учун уларга қора илоннинг ҳужум қилиши борлиқ мавжудликни йўқликка айлантirmoқчи бўлган ёвуз кучлар хуружининг мифопоэтик талқини деб баҳолаш мумкин. Қора илонни мажақлаб ташлаб, қахрамоннинг қўлидаги кўктош ўз азалий вазифасини адо этишига йўл очиб берган Гулистон момо образи одамлар дунёси билан руҳлар олами ўртасида воситачилик қилиб, инсониятни борлиқ дунёсини асраб қолишдек улуг мақсадга етаклайдиган эзгу куч тимсоли ҳисобланади.

“Кўктошлар” ҳикоясида илон деталли билан боғлиқ яна бир мифологема мавжуд бўлиб, унда халқимизнинг “уй илонлари” тўғрисидаги мифологик қарашлари ўз ифодасини топган. Асарнинг ҳикоячи-қахрамони Пошхўрт қишлоғидаги мактаб директори Мамарайим ака билан Гулистон момони кўргани борганида кўзи тушган бир манзарани шундай баён қилади: “Нимқоронғи уй тутунга тўлган, шифтларда, деворларда калтакесак, яна аллақандай нарсалар ғимирлаб юрарди. “Қаранг, бурчақда уй илони ҳам бор экан”, деб шивирлади Мамарайим ака” [4].

Бу ўринда тилимизда “оқ илон”, “уй илони”, “қоқилдор илон” каби номлар билан юритиладиган илон культига доир халқ эътиқодлари ўз ифодасини топган. Мамлакатимизнинг кўпгина жойларида уйда оқ илон кўринса уни арвоҳ деб ҳисоблаб дарҳол устидан ун сепганлар ёки бирорта кичикроқ идишда сут солиб қўйишган. Шундай қилса илон ҳеч қандай зарар етказмайди деб ишонишган. Бундай илонлар хонадон аҳлини ҳар хил ёмонликлардан асровчи мўътабар жонивор, деб тасаввур қилингани сабабли уларни ўлдириш, уриш мумкин бўлмаган. Хоразмликлар тасаввурича, уйда яшайдиган оқ илон Хизрнинг жонивор кўринишида намоён бўлишидир [16]. Гулистон момонинг уйи бурчақда илон кўриниши шу хонадон эгаси ҳомий кучлар тарафидан муҳофаза этилишини англатади. Бу ўринда ҳам дуалистик миф, яъни оламнинг мавжудлигини асраб-авайловчи эзгулик кучлари билан уни барбод қилишга уринадиган қора ниятли ёвуз кучлар ўртасидаги абадий кураш ҳақидаги архетипик мотивнинг мифопоэтик интерпретациясини кўрамиз. Сойдан кўктош олиб чиқаётган ҳикоячи-қахрамонга ҳужум қилмоқчи бўлган қора илон ёвузликка дахлдор куч рамзи бўлса, Гулистон момонинг уйини кўриқлайдиган оқ илон эзгу куч тимсоли ҳисобланади.

Бинобарин, “қора илон” мифологемаси ёзувчи бадиий талқинида ўзининг архетипик маъносини сақлагани ҳолда асарда тасвирланган давр воқелигини ўзида мужассамлаштирган янги ижтимоий мазмун билан бойитилган. Ҳикоячи-қахрамон ўз онасининг қабрини зиёрат қилгани борганида Гулистон момо унга шундай дейди: “Энди гапимга қулоқ сол. Вақти келиб, бу дунёдан кетсам сен гўримга мана шу сойдан учта кўк тош олиб қўй. Менинг девлариму жинларимдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Қизим ҳам касал бўлиб ўлиб кетди. Гапларимга қулоқ солмади. Онам девона деб мендан юз ўтириб кетди” [4].

Бу ўзининг ғайриоддий турмуш тарзи туфайли ҳатто яқинлари томонидан ҳам инкор этилиб, ёлғизликка маҳкум этилгани боис жину девларни ўзига ҳамнишин қилган масъума аёлнинг армон ва ўкинч билан айтган васияти эди. Ҳикоя қахрамони момонинг гапини тинглар экан “Нима десангиз шу” деб қабрга кўк тошларни қўйишга ваъда беради. Орадан кўп ўтмай ёз кунларининг бирида ўзининг туғилиб-ўсган

кишлогига таътилга келган қахрамон Гулистон момонинг вафот этганлигини эшитиб, ўша васият ёдига тушади. Аммо сойдан кўктош олиб момонинг қабрига қўйиш учун борганида у ерларни аллақандай фосик ва фитнакор бир киши эгаллаб олганлиги, сойнинг тошини қурилиш материали сифатида одамларга пуллаётганини билгач, момонинг сўнгли илтимосини бажаролмаслигини англаб етади. Ёзувчи ўз ҳикоясини “Бу васиятни бажармагунимча эсимга мени чакмоқчи бўлган қора илон тушаверади. Бу сойни келгусида “қатта бир қора илон” эгаллаб олишини кампирга девлари олдиндан айтмаган экан-да”, деган жумлалар билан яқунлаган. Бу билан адиб эзгулик билан ёвузликнинг курашидан иборат дуалистик карама-қаршилик ҳаётнинг боқий ҳақиқатларидан бири эканлиги тўғрисидаги асрий ҳикматни китобхонга яна бир бора эслаётгандай бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ўзбек адабиётида “қишлоқ прозаси” йўналишига оид ажойиб асарлар муаллифи, ёзувчи Нодир Норматов қадимги туркий мифология элементлари билан бир қаторда халқимизнинг турли-туман мифик қарашлари, асотирий мотив ва ишонч-этикодаларидан фойдаланган ҳолда мифопоэтик стилизация орқали қишлоқ одамлари руҳий олами, турмуш тарзи ва этномаданий кадриятлари тизимининг ўзига хос бадиий талқинини ярата олган. Адибнинг “Кўктош” ҳикоясидаги мифологемалар халқ хотираси ва онг ости ҳисларида сақланиб қолган қадимги архетипик образларнинг ўзига хос тарздаги ифодаси бўлса-да, моҳиятан янгича функционал-семантик мазмун билан бойитилгани ҳолда қайта идрок этилган мифопоэтик интерпретацияси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Партэ К. Русская деревенская проза: светлое прошлое. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 2004. – 204 с.; Разуvalова А. Писатели-«деревенщики»: литература и консервативная идеология 1970-х годов. – М.: Новое литературное обозрение, 2015. – 616 с.
2. Королева С.Ю. Художественный мифологизм в прозе о деревне 1970 – 90-х годов: АКД. – Перм, 2006. – 26 с.
3. Иванова И.Н. Деревенская проза в современной отечественной литературе: конец мифа или перезагрузка? // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2013. – № 6 (24). – Ч.1. – С.88-94.
4. Нодир Норматов. Бисот. Қиссалар ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б.338.
5. Агеева Р.А. Синие камни в традиционной культуре восточных славян / Балто-славянские исследования–XX: Сб. науч. трудов.— М., 2019. –С.207-240.
6. Қаранг: Потапов Л.П. Культ гор на Алтае // Советская этнография. – М., 1946. – №2. – С.34-41; Токарев С.А. О культе гор и его месте в истории религии // Токарев С.А. Ранние формы религии. – М., 1990. – С.602-609; Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б.6-19.
7. Н.Раҳмонов. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий –рун ёзувлари. Т., “Фан”, 2006, 35-б.
8. Ураева Д. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2005. – Б.156-157.
9. Рўзиева М. Кўк рангнинг эпик қахрамон, макон ва жой номлари сифатида келиши / Ёш тилшунослар ва адабиётшуносларининг анъанавий республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2016. Б.282-286.
10. Эшбосева Ф.Х. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2008. – Б.56.
11. Гезалов Ф. Структура азербайджанских волшебных сказок. АКД. – Ташкент, 1990. – С.14.
12. Тайджанов К., Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов / Древние обряды верования и культы народов Средней Азии Историко-этнографические очерки. – М., 1986. – С.117-119.
13. Рўзиева М. Ўзбек фольклорида ранг символикаси. – Тошкент: Фан, 2016. – Б.112.
14. Андреев М.С. Вещие сны, несколько примет и детская игра "Сорока-Ворона" среди некоторых народов, главным образом Средней Азии // Известия главного среднеазиатского музея. Вып.2. – Т.: 1923. - С.8-11.
15. Гулпар (Наманган эртақлари). Ўзбек халқ ижоди. Тўпловчи Т.Ғозибоев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б.133.
16. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.114-115.

УДК 181.161.1

ЭМОЦИОНАЛЬНО-ОЦЕНОЧНАЯ ЛЕКСИКА СОЧИНЕНИЙ ИВАНА ГРОЗНОГО

Д.В. Попов, PhD, доц., Андижанский государственный университет, Андижан

Annotatsiya. Maqola o‘z asarlarida yorqin va ifodali so‘zlardan foydalanishga intilgan Ivan Grozniyning lisoniy shaxsi tahliliga bag‘ishlangan. Ivan Grozniyning hissiyligi, uning lisoniy shaxsi ko‘p qirrali odam sifatida tavsiflaydi, hatto ish xabarlarida ham his-tuyg‘ularini ifoda etishda cheklanmaydi. Ivan Grozniy o‘z asarlarida o‘sha davrning aniq adabiy modellariga amal qilgan.

Kalit so‘zlar: maktub, lisoniy shaxs, hissiylik, hissiy baho, hissiyot, leksik vositalar

Аннотация. Статья посвящена анализу языковой личности Ивана Грозного, который стремился в своих произведениях использовать яркие и выразительные слова. Эмоциональность Ивана Грозного характеризует его языковую личность как разностороннего человека, не ограничивающего себя в проявлении чувств даже в деловых посланиях. Иван Грозный в своих сочинениях следовал вполне определенным литературным образцам того времени.

Ключевые слова: послание, языковая личность, эмоциональность, эмоциональная оценка, чувство, лексические средства

Abstract. The article is devoted to the analysis of the linguistic personality of Ivan the Terrible, who sought to use bright and expressive words in his works. The emotionality of Ivan the Terrible characterizes his linguistic

personality as a versatile person who does not limit himself in the manifestation of feelings even in business messages. Ivan the Terrible in his writings followed quite definite literary models of that time.

Keywords: *message, linguistic personality, emotionality, emotional assessment, feeling, lexical means*

Основная черта языковой личности Ивана Грозного – стремление сказать (написать) так, чтобы ярче и конкретнее выразить субъективное отношение в каждом высказывании. Следовательно, нельзя обойти вниманием отразившиеся в его речи результаты сугубо человеческого вида деятельности – оценивания, одного из аспектов процесса познания окружающего мира, взаимодействия с ним. Как известно, структура оценочного высказывания содержит реально (или подразумевает) три обязательных компонента: субъект, объект и основание оценки. Именно субъект – «активное начало» в процессе оценки. От его взглядов, позиций зависит выбор оцениваемого объекта. Субъективные представления оценивающего лица наряду с объективными свойствами оцениваемого объекта играют роль при выборе основания оценки. Таким образом, анализ оценочного высказывания, безусловно, позволяет дополнить характеристику самой говорящей личности: оценить кругозор, широту взглядов, позицию, качество речи и прочее. Следовательно, такой анализ необходим, поскольку характеризует Ивана Грозного как эмоциональный тип личности. Итоги оценивания, отраженные в высказываниях о конкретных лицах, о поведении, о поступках, обстоятельствах, событиях и др. в целом составляют ценностный фрагмент языковой картины мира Ивана Грозного.

По отношению к оцениваемому лицу все объекты окружающей действительности находятся в оппозиции, определяемой признаком «ценностно-значимое/ценностно-нейтральное». Первые, привлекая внимание говорящего, получают аксиологические характеристики (в самом общем виде: «хороший/плохой», «нужный/ненужный», «приятный/неприятный», «одобряемый/неодобряемый» и пр.). Они и составляют ценностный фрагмент индивидуальной картины мира.

Анализ классификации объектов оценки может идти в двух направлениях: либо исходя из объективных свойств, своего рода «глубинной природы» объекта, либо отталкиваясь от отношений объекта с человеком как источником и оценочных, и познавательных процессов, центральной точкой картины мира.

В первом случае закономерно выделить вещественные (или материальные) и невещественные (идеальные) объекты. В терминологии Н.Д.Арутюновой соответствующие типы объектов именуется как предметные и не предметные.

Среди не предметных объектов можно выделить своеобразные классы: свойства, качества, поступки, действия, процессы, изменения, события, факты и др. Несмотря на широту и разнообразие предметного окружения человека, не предметные объекты, представляющие событийную и ментальную стороны жизни, количественно превосходят объекты первого типа. С определенной долей условности можно предположить, что обнаруженные в пространственно-временном промежутке предметные объекты рано или поздно будут описаны, тогда как не предметные, обладающие высоким потенциалом появления, трансформации, взаимодействия, останутся неисчислены.

Второй путь исследования объектов оценки предполагает выяснение их тематической отнесенности. При этом все и предметные, и не предметные объекты укладываются в три тематических ряда: «Человек», «Артефакты» и «Внешний мир», внутри которых выделяются отдельные группы по денотативной отнесенности с учетом лексико-семантических особенностей. Чаще других аксиологическую интерпретацию получают лица, их качества, свойства личности, поступки, деятельность и т.д., а реже – элементы «внешнего мира» [10, 16].

Анализ оценочных высказываний позволил нам выявить систему лексико-грамматических и словообразовательных (формообразовательных) средств, служащих для передачи ценностного отношения субъекта.

Оценочные значения, по нашим данным, наиболее часто выражаются лексическими средствами. Лексические средства с точки зрения частеречной соотнесенности представлены спектром всех знаменательных частей речи и некоторыми служебными.

Аффективы, то есть слова с эмотивным значением, объединены тем, что в них выражается в отчетливой эксплицитной форме отношение говорящего к высказыванию, дается эмоциональная оценка. Как известно, в русском языке существует особый класс слов-сигналов для выражения эмоций – междометия. Эти слова, не имея назывной функции, могут выражать самые различные эмоции: гнев, ярость, радость, возмущение, раздражение, испуг, презрение, горе, тоску и другие.

Круг междометий, употребляемых Иваном Грозным, по нашим данным, незначителен: *увы, ох, о*. Они встречаются в «Послании в Кирилло-Белозерский монастырь», где выражают сожаление: «*Увы мне грешному!.. Ох мне скверному*»; «... *увы мне! не могу отринуть тяжкое се бремя греховное! Увы мне, скверны не отмывишу!*»; «*уввы мне, яко видюша воды соблазньга до душа моя!*» [6].

Иван Грозный сожалеет об отрицательных чертах своей личности: греховности (многочисленные грехи), соблазнах, слабостях, которые не позволяют избавиться от грехов.

С помощью междометия «*о*» в следующем примере: «*Почто, о княже, аще мнишия благочестие имети, едиnorodную свою душу отвергл еси?*» [3], – Иван Грозный подчеркивает почтительность обращения к Андрею Курбскому, хотя смысл всего предложения противоречит почтительности (Иван

Грозный иронизирует над оппонентом, провозглашающим себя благочестивым, а на самом деле совершающим богопротивные поступки). Междометие «о» в другом высказывании из Первого послания Андрею Курбскому: «Сего ради реку: о, иудино окаянство сие хотение!» [3], – призвано подчеркнуть возмущение Ивана Грозного желанием его оппонента быть «судьей» царю.

Аннотация. Мақолада Хоразмда тарқалган қисса – достонлар шеърляри ва насрининг ёзма адабиётга алоқадор томонларига эътибор қаратилади. Достонларда қўлланилган мураббаъ, мухаммас, мусаддас, газал ва бошқа турдаги мумтоз адабиётга тегишли жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилди. Улардаги халқ ижодиёти ва ёзма адабиётга хос қоришиқ хусусиятлар таҳлил этилади.

Калим сўзлар: Хоразм, аруз, қисса-достон, жанр, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, газал

Аннотация. В статье рассматриваются аспекты поэзии и прозы кисса –дастанов, связанные с письменной литературой. Выявляются особенности жанров мурабба, мухаммас, мусаддас, газели и других видов классической литературы, используемые в эпосах. Анализируются гибридные особенности, присущие фольклору и письменной литературе.

Ключевые слова: Хорезм, аруз, дастан жанр, мурабба, мухаммас, мусаддас, газель

Abstract. The article deals with aspects of kisser-dastan poetry and prose related to written literature. The features of the genres of murabba, muhammas, musaddas, gazelles and other types of classical literature used in epics are revealed. The hybrid features inherent in folklore and written literature are analyzed.

Key words: Khorezm, aruz, dastan genre, murabba, muhammas, musaddas, gazelle

Бадий тафаккур тарихида оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ёзма адабиёт оғзаки адабиёт негизида пайдо бўлиб, узоқ йиллар илк манбасидан озик олиб ривожланишда давом этди. Ўша юксалиш жараёнида у оғзаки адабиётдан тобора узоқлаша борди. Янги жанрлар пайдо бўлди, лексик жиҳатдан бойиди, бадий нутқ такомиллашди. Ноёб адабий обидалар

пайдо бўла бошлади, профессионал адиблар сони ошди, саводхонлик ривож топди, бинобарин ёзма адабиёт улкан ютуқларга эга бўлди.

“Шуни айтиш керакки, фольклордан баҳрамад бўлиб ривожланаётган ёзма адабиёт ҳам, ўз навбатида, фольклорга ўз таъсирини ўтказиб келган.... Ўзбек халқ эпоси сирасида китобий асосларга бориб тақаладиган бир туркум дostonлар борки, улар бир томондан қиссахонлик анъаналари, иккинчи томондан, муайян даврлар ёзма адабиётда юзага келган анъаналар асосида классик адабиётимиз хазинасига келиб қўшилди” [1].

Ушбу сирага кирувчи асарлар ўзбек фольклоршунослигида халқ романлари, халқ китоблари, китобий дostonлар, тошбосма-қўлёзма дostonлар тарзида айтилиб келмоқда. Т.Мирзаев ушбу асарларни “қиссалар деб юритиш лозим” [2] деб ёзади.

Адабиётшунос олим Р.Жуманиёзов эса “халқ китобларини сўз санъатининг –фольклор ва ёзма адабиётнинг оралиқ нави, цикл асарлар атамаси, деб тушуниш ҳақиқатга яқинроқдир” [3] деб ҳисоблайди.

Халқ китоблари тарихан турли халқлар адабиётида кўплаб учрайди. Уларни араблар “сират”, тожиклар “Адабиёти омиёна” деб юритишади.

Халқ китоблари Ғарб мамлакатларида ҳам мавжуд бўлиб, немис халқ китоблари ҳақида маълумотлар учрайди.

Рус адабиётшуноси В.Базанов асарларида бу хил дostonларни XVIII асрда “ряженная литература” (рангли адабиёт) тарзида қўлланилганлиги айтилади. Ўша даврларда айрим рус адиблари халқ орасидаги былиналар асосида махсус асарлар яратилган, уларни қайта ишлашган [4]. (Стремление эстетически “улучшить”).

Қиссахонлик, китобий дostonларни ўқиш, тарғиб қилиш анъаналари ўзбек халқи орасида ҳам анча қадимдан бери давом этиб келмоқда. Бу ҳақда Т.Мирзаев шундай ёзади: “Умуман олганда, XVII- XIX асрлар мобайнида халқ эпоси ёзма эпик анъаналарга ҳам таяндики, бу нарса халқ эпосидаги анъаналарнинг яна янги шаклларда гуриллаб ривожланишига сабаб бўлди. Халқ эпоси таркибидаги китобий дostonларнинг вужудга келиши фикримизнинг ёрқин далилидир. “Вомиқ ва Узро”, “Санобар”, “Варқа билан Гулшоҳ”, “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби дostonлар ана шулар жумласидандир. Ўзбекистон шароитида қисса тузиш ва қиссачилик қанчалик ривожланган бўлмасин, улар гуркираб давом этаётган дostonчилик анъаналарини тўхтата олмади, балки бахши репертуарига ўтганда, жонли эпик анъаналарга батамом мослашди” [5].

Б.Мамедовнинг таъкидлашича, халқ китобларининг пайдо бўлиши Ўрта асрларда бошланган бўлиб, XVIII аср охири, XIX аср бошларида қайтадан шаклланди. Халқ китобларининг генетик асослари фольклорга бориб тақалса ҳам, бироқ уларнинг асосий тарқалиш шакли ёзма манбалар билан боғлиқдир. Шунинг учун уларнинг аксариятида ёзма адабиётга хос тасвир усуллари, айрим шеърый мисраларнинг арузда берилиши, мураккаб оборотлар етакчилик қилади [6].

Дарҳақиқат, “Халқ қиссаларида мумтоз адабиёт анъаналари ҳам, халқ оғзаки ижодига хос бўлган ифода усуллари ҳам намоён бўлади, хоҳ сўфиёна, хоҳ қахрамонлик, хоҳ муҳаббат ҳақидаги қисса ва дostonлар бўлишидан қатъий назар уларда пайғамбарлар, азиз авлиёлар, ботир саркардалар ёки ҳақиқий ошиқлар тимсолида халқнинг иймон-этиқоди, орзу армонлари, ва эзгуликка бўлган муносабатлари акс этади. Яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва қабоҳат ўртасидаги зиддиятлар очиб берилади. Қисса ва дostonларда халқ тили, халқона ифода ва тасвир усуллари, айниқса муболаға, ташбеҳ ва сифатлашларнинг ўзига хос ёрқин намуналарини кўрамыз. Баъзан тарихийлик билан бадийлик, тўқима образлар билан ҳаққонийлик бир-бирини тўлдириб, шу даражада чатишиб кетганки, уларни ажратолмай қоласан” [7].

Ушбу ҳодисани Хоразм дostonлари мисолида яққол кўриш мумкин. Шу сабабли устоз фольклоршунос Ҳоди Зариф Хоразм дostonлари ҳақида сўзлар экан, “Хоразм дostonлари ёзма адабиёт ва шаҳар маданиятидан хабардор бўлган номаълум саводли бахшилар томонидан қайта ишланган нисбатан мунтазам матнга эга” [8] деб таъкидлайди.

Хоразмда кўчирилган қисса –дostonларнинг энг қадимгиси XIX асрнинг бошларига тўғри келади. Шу сабабдан бўлса керак. XIX аср ўрталарида Хоразмга келган Ҳ.Вамбери, кўплаб қисса-дostonларни ўзи билан олиб кетиб 1867 йилда Лейпцигда нашр қилдирган. Унга ёрдам берган ва Европага бирга кетган кўнғиротлик Мулла Исҳоқ шундай ёзади:

Сафарда йўлдошим бул Рашид хожи,
Анинг Кўнғиротда битди муҳтожи,
Пайтонга юк бўлди китоблар, важи,
Қисса дoston совға қилганлар хўш энди [9].

Мулла Исҳоқнинг шеърига қараганда Ҳ.Вамбери бир аравага яқин қисса –дostonларни олиб кетган.

Хоразм дostonларида мураббаъ, мухаммас, мусаддас, ғазал, туюқ, 12 мисралик бандлардан иборат воқеабанд шеърлар учрайди. “Тўрўғли” эпосининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 9590-рақамли қўлёзма вариантыда бир мухаммас, 4 ғазал ва ҳар бири 12 мисрадан иборат олти бандлик шеър борки, бу типдаги шеърый шаклни биз мумтоз адабиётда ҳам учрата олмадик [10]. Бу шеър арузнинг рамали мусаммани маҳзуф баҳрида яратилган:

Эй худоё, | бир қарам қил | ёри м алдин | кетмасун.
-V - - | - | V - - | - V - - | - V -
Сочи сунбул зулфлари ҳам торим алдин кетмасун,

Тоза ғунча очилан гулзорим алдин кетмасун.

Қоши питна кўзлари хунхорим алдин кетмасун,

Сарвиқомат шевахўш рафторим алдин кетмасун.

Хўш тақаллуму, ширингуфторим алдин кетмасун,

Кўк ичинда чун моҳи анварим алдин кетмасун.

Чекдигум оху фиғоним, зорим алдин кетмасун,

Гуссаи андуху ғам озорим алдин кетмасун.

Гавҳарим, ганжим, хазинам, борим алдин кетмасун,

Бу ёлончи дунёда даркорим алдин кетмасун.

Кўз қувончи севгилим дилдорим алдин кетмасун (9590, 7-8).

Кўлёмзада берилган тўртта ғазалнинг иккитаси рамали мусаммани маҳзуф, биттаси ҳазажи мусаммани солим, яна биттаси сарёи мусаммани солим бахрларида битилган:

Раҳ м қил ё раб манго О дам Атонинг хурмати,

-V - - | - V - - | - V - - | - V -

Барчага пушти паноҳдур Мустафонинг хурмати (9590, 200-бет).

Мухаммас эса рамали мусаммани маҳзуф баҳрида битилган:

Эй пари о шуфта бўлма, дўнма бир ён баригал,

- V - - | - V - - | - V - - | - V -

Хоразмда тарқалган “Ошиқ” туркуми дostonларида ушбу хусусият янада устуворлик касб этади. Масалан “Тоҳир ва Зуҳра” дostonида 14 та мухаммас, учта ғазал, 10 мисралик банддан иборат битта, 12 мисралик банддан иборат яна битта шеър берилган. Дoston шеърый парчаларининг қолган барчаси мураббаълардан иборат. “Саъд ва Ҳамро” дostonида эса иккита туюқ ҳам берилган.

Ёрим кийинибди кизил, оқлари,

Арзирумдан келан қизил-оқлари,

Кийганинг қирмизи, чиқар оқлари,

Нозик баданлари дўлишон каби.

Соқий, пиёлани қондир оёғи,

Мажлизда соқийнинг қондир оёғи,

Сўзинг надур, сақла қондир оёғи,

Кошки ёлғон сўзлар бўлса чин каби [11].

Биринчи намунадаги илк мисрада берилган «қизил оқлар» ранг баранг кийим маъносини, иккинчи мисрада кийимларнинг ўзини билдирса, учинчи мисрада, қирмизи кийим ичидан балқиб кўринадиган оқ тана кўзда тutilган.

Иккинчи намунадаги сўзларнинг маъносини англаш янада оғирроқ. Шеърнинг биринчи мисрасидаги «оёқ»-ниҳоя, охири маъносига эга бўлса иккинчи мисрада инсоннинг оёғини билдиради. Учинчи мисрадаги шакли идишни, пиёлани англатади. Кейинги намунанинг мазмуни тубандагича бўлади: «Соқий пиёлани охиригача тўлдир, соқийнинг оёғи мажлизда тик тура бериб қон бўлиб кетади, ўз аҳдинда туриб, май идишини тўлдир».

Ушбу тўртликлар шаклан, тўғрироғи қофиявий тартиби бўйича мумтоз адабиётдаги туюқ жанрига айнан тўғри келмаса-да, унинг бошқача бир муқобилидир. Бундай шаклларни яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу тўртликларни ижод қилиш учун мумтоз адабиётни мукамал билишдан ташқари, юксак истеъдод эгаси бўлиш ҳам зарур.

“Ошиқ” туркуми дostonларида ишлатилган ғазаллар 11 ҳижодан 16 ҳижогача бўлган вазнларда яратилган. Улардан айримларини кўриб ўтамиз.

11 ҳижоли ғазал:

Қошинг меҳроби урди жона чопди,

Кўзинг кофирмудир имона чопди [12].

V - - - V - - - V - -

Ғазал жуда самимий, енгил ўқилади, чуқур маъноли ташбеҳларга бой бўлганлиги сабабли уни тўлалигича келтиришни маъқул топдик. Мисралар мафойилун, мафойилун, фаулун рукнига мос келади. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф баҳрида битилган. Ушбу баҳрда ёзилган ғазаллар шўх-шодон куйларга ҳамоханг келади. Ғазалда маъшуқа гўзаллигини тараннум қилиш асосий ўринни эгаллайди.

Бизнинг кузатишимиз бўйича 12-13 ҳижоли ғазаллар учрамади. Дostonларда кўпроқ 11,14,15,16 ҳижоли ғазалларга мурожаат қилинган.

14 ҳижоли ғазал:

Эй сарви саҳи раъно кўйингда фиғоним бор,

Ханжар мужғони зебо ул қоши камоним бор.

-- VV - - - - VV - - - (Ошиқнома, I – китоб, 144-бет).

Ғазал байтлари мафъулу мафойилун, мафъулу мафойилун рукнида тузилган. Бундай жипслашиш арузнинг ҳазажи мусаммани ахраб баҳрига мос тушади. Мисралардаги оханг енгил ва оҳиста ўқилиб майин муסיқийликка эга.

15 ҳижодан тузилган ғазал:

Не келтурдинг манго эй номехрибоним Даस्ताгул,
Тезроқ бергил жавоб сен жонажоним Даस्ताгул.
- V - - V - - - V - - - V - (Ожиза, 104-бет).

Ғазал мисралари фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун рукнига мос равишда битилган бўлиб, аруз вазнининг рамали мусаммани махзуф баҳрига тўғри келади. Рамал баҳри ҳам ҳазаж, ражаз баҳрлари каби мусикавийликка жуда мос тушади. Ғазал мисраларидаги ҳижола сони ошган сайин образларга тааллуқли монологларда сокинлик, батафсиллик оҳанглари кучая боради. Илгариги 11, 14 ҳижодан тузилган иккала ғазалда ёр гўзаллигини мадҳ этиш асосий ўринни эгаллайди. Ўн беш ҳижоли ғазалда эса ошиқнинг ички изтироблари баёни ўз ифодасини топган. Ўн олти ҳижоли ғазалда ҳам образнинг ички рухий кечинмалари қайғули оҳангда баён этилган:

Эшитил Даस्ताгул эмди, манинг ҳам охузорим бор,
V - - - V - - - V - - - V - - - ~

Кеча-кундуз фироқинда на сабру на қарорим бор. (Ожиза, 100-бет).

Ғазал байтлари мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилон рукнлари асосида тузилган. Арузнинг ҳазажи мусаммани мусаббағ рукнида ёзилган бўлиб, мунгли оҳангдаги мусика куйи билан ижро этилади. Ўн олти ҳижоли ғазаллар вазний миқдори бир хил бўлса-да арузнинг турли баҳрларида битилган.

Юқорида келтирилган мисоллардан аён бўладики, қисса дostonларнинг жанрий таркиби ёзма адабиёт билан ўзаро қоришиқ тарзда давом этди. Мумтоз адабиётга хос жанрлар, сўзлашув нутқидан фарқ қилувчи ўша давр адабий тилига хос бадий нутқ халқ ижодиёти асарларига хусусан, эпосга жадал кириб кела бошлади. Шу билан бирга қисса-dostonлар ўзига хослик касб этиб, унда арузнинг енгил баҳрларига эҳтиёж кўпайди, чунки дostonлар куй билан ижро қилинган сабабли, энг мусиқий баҳрларни ўз таркибига қамраб олди. Рубойига ўхшаш мураккаб баҳрлар асосида шаклланадиган жанрлар эса бизнинг кузатишимизча, дostonларда учрамайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Саримсоқов Б. Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги акс жараённинг ҳозирги аҳволи. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, №6. –Б.21-22. (21-27)
2. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. –Т.: Фан, 1979. –Б.14. (152)
3. Жуманиёзов Р. Халқ китобларини ўрганишнинг муҳим масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, №5. – Б.37. (35-39)
4. Базанов В. От фольклора к народной книге. –Л.: Художественная литература, 1973. –С.66-68. (356)
5. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти. // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Т.: Фан, 1981. –Б. 53-94. (9-61.)
6. Мамедов Б. Ўзбек халқ китоблари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, №4. –Б. 45. (44-48)
7. Сайфуллоҳ Сайфиддин. Халқ севган қиссалар. / “Иброҳим Адҳам”, “Амири Аҳтам” ва “Бобо Равшан” қиссалари. –Т.: “Мовароуннахр”, 2005. –Б.4. (208)
8. Зарифов Ҳ.Т. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан. // Ўзбек совет фольклори масалалари. – Т.: 1970. – Б.240.
9. Рўзимбоев С. Мулла Исҳоқ. Урганч. УрДУ нашриёти. 2005. –Б.8. (22)
10. Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма вариантлари. НДА. Тошкент. 2007. –Б.19. (26)
11. “Ошиқнома” I китоб. Урганч, “Хоразм”. 2006. –Б. 49. (348)
12. Ожиза. –Т.: “Golden peges”, 2003. 114-бет.

УЎК 808.5

ОЙДИН ҲОЖИЕВА ШЕЪРИЯТИ БАДИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИ Д.А. Салимова, PhD, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек шоираси Ойдин Ҳожиеванинг шеърятининг бадий жозибадорлигини талкин қилинади.

Калим сўзлар: Ойдин Ҳожиева, шеър, шеърят, тасаввур, поэтик тадқиқот

Аннотация. В статье рассматриваются художественные особенности поэзии узбекской поэтессы Айдын Ходжиевой.

Ключевые слова: Айдын Ходжиева, стихотворение, поэзия, воображение, поэтические исследования

Abstract. This article discusses the artistic features of the poetry of the Uzbek poetess Aydin Khojeva.

Key words: Aydin Hojieva, poetry, poetry, imagination, poetic research

Иждокорнинг ҳаёт ҳодисалари асосида шахсий табиатини намоён эта олиши, оламни тафаккур ва идрок қилишдаги ўзига хос ёндашуви ва тасаввур бадий асарни яратишидаги асосий омиллардан саналади. Чунки таъсирчанлик, кузатувчанлик, тасаввур ҳамда идрок иждокор тасаввурини юзага келтирибгина қолмасдан, шунингдек, маълум даражада бойитиб боради ва шу аснода асар муаллифи ҳақидаги китобхон тасаввурини ҳам уйғотади. Китобхон наздида шоир ёки адиб қиёфасини инкишоф этади. Ҳақиқий лирика “самимият билан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам ҳар бир лирик шоирнинг ўз қалбини самимий ифодалаш қобилиятини ҳар қанча ардоқласа ва қўллаб-қувватласа арзийди” [5]. Ўзбек шоирларининг (хусусан, ўтган аср ва ҳозирги замон) ижодига мансуб бўлган мавзулар турфалиги шоирларимиз шеърятининг умумийлик ҳамда ўзаро муштараклик

хусусиятидан гувоҳлик берса-да, бироқ ҳар бир ижод соҳибаларининг бир-биридан ажратувчи ўзига хослик – индивидуаллик қирралари намоён этилади. Ушбу алоҳида кўзга ташланиш қалам соҳибалари тафаккур оламининг қай йўсинда бадиий намоён бўлгани боис ўзига хосликни юзага келтиради. Чунончи, шеърят бўстонида кўплаб шоирларга ибрат ва маҳорат мактабини ўтаган Зулфияхоним ижодининг гултожиси саналган муҳаббат, вафо-садоқат руҳидаги манзумалар Ҳалимахоним, Зулфия Мўминова, Қутлибека Раҳимбоева, Фарида Афрўз, Сайёра Тўйчиева, Шахло Аҳророва каби нозик қалб эгаларининг кўнгили мулкида бетакрор тараннум қилиниб, янги қиёфа ва мушоҳада касб этади. Айтиш жоизки, ўзбек шоирлари бадиий олами умумий поэтик полотнода кўнгили изҳорлари бир юртнинг, бир даврнинг фарзандлари экани ўлароқ муштарак жиҳатлари шоирлар тазкирасини ташкил этади, бироқ, уларнинг тафаккурий оламлари ҳар бири алоҳида бир бадиий ҳодиса сифатида бири иккинчисини такрорламайдиган шеърини тадқиқот вазифасини ҳам ўтайди. Гўё ушбу поэтик тафаккур меваси турли рангларда омукталанган, камалакни эслатади. Дарҳақиқат, шоир қалбидаги тафаккурий олам у эгаллаган ҳаёт материалнинг поэтик мушоҳадаси ва бадиий тадқиқи, деб ўйлаймиз. Фикрларимиз асоси сифатида Ойдин Ҳожиёвнинг шеърларига мурожаат қиламиз. Ўзбек шоираси Ойдин Ҳожиёва шеърятига баҳо бераркан, адабиётшунос В.Зоҳидов: "...Ойдин ижтимоий воқеликдаги деярли барча муҳим соҳаларнинг тегишли поэтик тадқиқоти - ифода ва акс-садоси бор" [2, 338-б.], дея таърифлайди. Сир эмаски, лирик қаҳрамони – дунё аҳволидан хабардор, юз бераётган ижтимоий воқеалар моҳиятини англаган, ўзгарган шароитда яшаш ва раванқ топиш шароитларини билладиган, миллатнинг ҳолига бефарқ қарамайдиган юрт ташвиши учун қайғурадиган инсон тараннуми Ойдин Ҳожиёва шеърятига хосдир. Шоиранинг ишқий шеърларини оламизми, ёки ижтимоий поэзия намуналариними, анъанавий, бироқ ўз услубида ёзилган шеърлари ёки янгилашган изланишларими - поэтик талқинларида "лирик мен"нинг қалби суратланиб туради. "Назокат" шеърини тўплами муқаддимасида Ойдин Ҳожиёвнинг тафаккурий идроки бадиий-эстетик ифода этилган сатрлари биз таҳмин қилган шоира поэтик тадқиқотига гўё эпиграф вазифасини ўтаётгандек таассурот қолдиради:

Ўзин ўтга урган парвонадурман,
 Парвона феълимдан афсонадурман.
 Найқамиш дилимни агар ошиқлар
 Чалсалар бир дардли таронадурман.
 Эл меҳрин айладим жонга кўзмунчоқ,
 Юртимда бир Ойдин нишонадурман [4,8-б.].

Биз юқорида санъаткор учун муҳим саналган кузатувчанлик ва таъсирчанликнинг ўта муҳим омиллардан эканини таъкидлаб ўтган эдикки, ҳар қандай назм навоси санъаткор кузатуви ва ҳаёт ҳақиқатидан таъсирланиш асносида юзага келади. Ана шу таъсир оний лаҳзаларда осмон чакмоғидек бир ярқ этади-ю, ўзининг борлигини кўрсатади. Ушбу кўзга кўринмас, аммо оний лаҳзада барчани эътиборини тортган табиат ҳодисаси наздимизда санъаткор илҳомида ҳам шундай содир этилади. Жумла шоир қалбида яратганининг инъом этган ушбу ноёб ҳодисаси илҳом деб аталади. Эътиборга молик масала – ана шу илҳомнинг ҳам муҳаббат, вафо-садоқат мавзулари сингари шоирлар ижодида албатта тилга олинмасдан қолмайди. Илҳом – образ, ҳар кўнгилда ҳар ифода тарзида намоён бўлгувчи, назм саройига олиб кириб, фақат эзгулик сари чорлайдиган сирли ҳолат Ойдин Ҳожиёва шеърисида ҳам акс этади:

Қайлардасан, камнамо илҳом,
 Қийик бўлиб чўлларга қочдинг?
 Ё мен билмай қолдим: намозшом
 Марваридинг кўлларга сочдинг?
 Дўсту душман орасин очиб,
 Ҳабиб айла, дўст айла бир йўл.
 Тандан жондай юрмагил қочиб,
 Кел, Ҳизрай, чўзгил менга қўл!

Мазкур сатрларни ўқиганимизда мумтоз шоирларимиз Ойбекнинг илҳомни *соз* образида тонг юлдузига, Ҳамид Олимжон илҳом парисини хуррак оҳуга менгзагани ёдимизга тушади:

Ойбек: Уйғонгач, умрнинг илк баҳори,
 Соз бўлди кўнглим самимий ёри.
 Ҳамшира каби қин ва дилбар,
 Тонг юлдузидек умидга ундар [3,234-б.].

Ҳамид Олимжон: Ишим бордир ўша оҳуда,
 У менга кўринур ҳар замон,
 Фикримни чулғайди беомон,
 Ишим бордир ўша оҳуда [6,189-б.].

Фарида Афрўз тасбеҳларида илҳомнинг ноанъанавий шаклидаги қиска, бироқ аниқ ифодасини учратамиз:

Туннинг танобини тортиб,
 Тонгнинг шаробин ичиб –
 Шеър ёздим! [1, 89-б.]

Панд-насихат руҳидаги назм намуналари Ойдин Ҳожиёва ижодининг маънавий мукамаллик даражасини белгилаши билан ҳам эътиборимизни тортади. Чунончи, “Танбех”, “Теша бобо айтар ривоят”, “Бу сахар, бу сахар мунаввар” сингари шеърларида шоира тафаккурий дунёсининг ҳикматларга мойил анъанавий бадий чизгилар замона руҳида қайта тикланади:

Шоирлар ўлса, Ватан деб ўлгандир,
Ватан ҳажрида паймонаси тўлгандир.
Муқаддас дарахтдир аслида Ватан,
Яшил баргидай шоир ўз шоҳида сўлгандир...

Шоиранинг панднома туркумига монанд шеърлар шодасида диний маънавиятга дохил мавзу-моҳият китобхонни умр қадр-қиммати ҳусусида теранроқ фикр юритишга ундайди, яъни “Қадр кечаси”нинг савоб олиш фурсати-имконияти эканининг ўзи бир улкан қадр эканлиги яратган бир инъомидир дея идрок қилинади:

Юрагинг тубига қарагил:
Аллоҳдан мўъжиза бу манзил
Айт, хою ҳавасми ё ҳасад,
Инсофми, меҳрми, диёнат,
Озорми, эҳсонми ё хислат,
Не бор бу мулкатда омонат?
Эй ғафлат бандаси кўзни оч
Ўзингга ўзингсан тилмоч:
Иймонни маҳак тош қилурсан,
Мисмисан, кумушсан – билурсан...

Фикр ҳаққонийлиги, ҳаётийлиги, мазмундорлиги, кўтаринки руҳни ва албатта таъсирчанликни ошириб юборувчи шеърлари, шунингдек, “Алмисокдан қолган бу дунё”, “Эътиқодимсан, халқим”, “Топган ноним она сутим каби ҳалолдур” деб номланувчи ва бошқа шеърлари лирик қаҳрамони эл-юртига меҳр-муҳаббати билан боғланган Ойдин Ҳожиёванинг - ўзининг қиёфасида гавдаланади. Чунки, Ойдин Ҳожиёва тафаккурий оламида шоиранинг кучли, қудратли иродаси ва одамларга нечоғли керак эканлигини ҳис қиламиз. Шоира ўзи эътироф этганидек: “Шеърят – одамларнинг юрагидан кимё излашга ўргатди” [4].

Фикрларимиз хулосасида айтмоқчимизки, шеърятга хос устувор жиҳатлар фикр ва туйғу бирдамлиги ўлароқ китобхон юрагига бориб қуйиларкан, санъаткорларнинг туйғу тажассумида нафосат, назокат, ҳайрат торларини чертишга бел боғлайди, фикрий ифода эса ҳикмат, дунёқараш сарҳадларини кенгайтириш кучига эга бўлади. Шу боис, шоира тафаккурий оламини туйғу билан қоришиқ бадий тадқиқот дейишга арзийди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бўтаева Фарида Афрўз. 7 тасбех ёхуд 1001 кеча. – Т.: Pravo-press., 2020. – 336 б.
2. Зоҳидов В. Ойдин “Наво”си./Адабиёт ва замон.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. 360 б.
3. Ойбек. Танланган асарлар. Шеърлар, поэмалар. –Т.: Бадий адабиёт., 1957. – 376 б.
4. Ойдин Ҳожиёва. Назокат. Шеърлар, дoston, қасида, бадиалар, ўйлар. – Т.: Шарк, 2007. – 160 б.
5. Шарафиддинов О.Г ўзалик излаб.-Т.:Адабиёт ва санъат, 1985. 226 б.
6. Ҳамид Олимжон. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Шеърлар. 1925-1944.–Т.:Фан, 1979.-404 б.

УЎК 81-13

ФРАЗЕМАЛАРДА ИНСОН ВА ТАБИАТ МУНОСАБАТЛАРИ ИНЪИКОСИ

Р.Б. Сапаева, катта ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада ўзбек тилидаги инсон ва табиат муносабатларини акс эттурувчи иборалар бир неча қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар материаллари билан қиёсланган ҳолда очиб берилган.

Калим сўзлар: фразема, парема, инсон ва табиат, антропоцентрик таҳлил, қариндош тиллар, қариндош бўлмаган тиллар

Аннотация. В статье выявляются фразы на узбекском языке, отражающие взаимоотношения человека и природы, в сравнении с материалами нескольких родственных и не родственных языков.

Ключевые слова: фразема, парема, человек и природа, антропоцентрический анализ, родственные языки, неродственные языки

Abstract. The article reveals the phrases reflecting the relationship between man and nature in the Uzbek language in comparison with the materials of several related and unrelated languages.

Keywords: phraseme, pareme, man and nature, anthropocentric analysis, related languages, non-related languages

Инсон табиатини шакллантирувчи асосий омиллардан бири, албатта, табиатнинг ўзидир. Тилнинг қайси бир сатҳи бўлмасин, унда маълум маънода табиатнинг таъсири сезилиб туради. Луғавий бирликларда ҳам худди шу ҳолатни кўришимиз мумкин. Луғавий бирликлар асосида вужудга келадиган фраземаларда эса ушбу таъсир янада яққолроқ намоён бўлади. Хориж филологиясида бу масалага эътибор қаратилиб, қатор тадқиқотлар амалга оширилганига анча бўлди [12,10]. Худди шу тарзда инсон ва табиат муносабатлари акси сифатида юзага келган фразелогик бирликлар айрим тиллар мисолида қиёсий

ўрганилган ишлар миқдори ҳам бир талай. Жумладан, О.В.Балонкина рус ва инглиз тилларида “сув” таркибли фраземаларнинг лингвокультурологик маъноси [7], О.С.Красильникова ва И.М.Подгайскаялар қариндош бўлмаган тилларда “сув” таркибли фраземалар семантикаси [13], Д.Д.Хайруллина рус, инглиз ва татар тилларидаги “сув” таркибли фраземалар [25], Е.Линева, Е.Савельева, О.Поддубская, Т.Юсупова, Э.Яковлевалар рус, инглиз ва француз тилларидаги “олов” таркибли фразелогизмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари [1], Шаҳноз Ҳамид Муҳаммадзода рус тилидаги “сув” таркибли иборалар ҳамда уларни форс тилига таржимаси масалалари [17] ҳақида мақолалар эълон қилганлар. Шунингдек, бу борада О.В.Доновна [9], Е.Н.Богатирева, А.Мусап [8,18] каби олимлар томонидан бажарилган ишларда фраземаларнинг шаклланиши ва таракқиётида инсон ва табиат муносабатлари масаласига турли даражада ёндашилган.

Ўзбек тилшунослигида масалага замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашишни М.Алланазарова ишларида кузатамиз [5]. Ижтимоий-сиёсий, жуғрофий, ақидавий, маиший-маданий жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи халқлар тилларидаги ибораларни солиштиришда, хусусан, табиат тушунчалари билан боғлиқ фраземалар таҳлили муҳим натижалар бера олади. Сабаби сув, ҳаво, осмон, олов, ер каби тушунчалар инсоният учун умумий бўлишига қарамай, уларга нисбатан қарашлар турли ижтимоий, иқтисодий, табиий ва бошқа омиллар боис асрлар давомида муайян ўзгаришларга учраган.

Тадқиқотлар дунё тилларида “сув” таркибли иборалар миқдори ва салмоғи катта эканини кўрсатади. Масалан, Цзян Ин хитой тилида 水 (shuǐ) – сув таркибли уч юздан ортиқ ибора мавжудлигини айтади [19]. Шулардан бири хитой тилидаги “ҳамма нарсани вақт кўрсатади” маъносидаги 水到渠成 (shuǐ dào qú chéng) ибораси айнан “сув анҳор //сой бор жойга оқади” деган маънони англатадики, бу жиҳатдан ўзбек ва хитой тиллари паремалари ўртасида ҳам умумийлик мавжудлигига амин бўламиз. Ўзбек тилида ҳам “сув” таркибли иборалар миқдори анча катта, қўлланиш доираси бир қадар кенг. М.Алланазарова ‘Water’ концептининг ядровий концептуал маънолари таъмсиз, рангсиз ва хидсиз суюқлик; водород ва кислороддан ташкил топган; ичимлик суви ва сув таъминотини амалга оширувчи система; индустриядан қўлланувчи модда эканини таъкидлар экан, унинг фразеологик бирликларда 1) ҳаётдаги турли вазиятларни ифодаловчи хосса; 2) бошқа суюқликларга нисбатан фойдасиз ва арзон; 3) муқаддас суюқлик сифатида изоҳлайди [5]. Албатта, қайд этилган бу муҳим фикрларни инкор қилмаган ҳолда ўзбек ибораларида сув концепти маънолари бундан ҳам кенгрок эканлигини кўраимиз.

Шунингдек, сувнинг табиий хоссаси нутқани назаридан келиб чиққан иборалар ҳам бор. Масалан, “унутмоқ” маъносидаги *сувга ёзмоқ* ибораси инглиз тилида айни шу маънони берувчи *write in water* ибораси билан ифодаланади. Бу ибора тарихан “муваққат”, “ўткинчи” маъносини англатади ва бу маъноси билан *тошга ўйилган* ибораси билан зидланади. Форс тилида эса худди шу маъно *нақш бар об* – “сувдаги нақш” ибораси луғавий бирликка айланган [20]. Тожик тилидаги *нақши бар об* ибораси ҳам “ўткинчи”, “муваққат” маъносида ишлатилади. Бу ибора *нақши дар об* шаклида Маҳмудхўжа Бехбудий асарлари тилида учрайди: “Фақат баним талабим *нақши дар об* ўлан Бухоро ҳукуматидан, у эшитмас, Бухоронинг бугунги танпарвар уламосидан, у эшитмас, шариат ила омил ҳар ким вор эса, ондин рижо эдарамки,..” [16]. Бунда *нақш сўзининг толе, бахт, тақдир* маъноларини касб этганини ҳам эътиборга олиш керак.

Шунингдек, ўзбек тилида “ишончсиз нарсага ишонмоқ”, “беҳуда умид қилмоқ” маъносидаги *сувга суйнмоқ* ибораси ҳам сувнинг табиий хоссаси эътибори билан юзага келган иборалардан саналади. “Сув” таркибли паремаларнинг кўпчилиги *олов* концепти билан боғланади. Бунда ҳам *ўт* ва сувнинг табиий хоссаларидан келиб чиққан маънолари етакчилик қилади. Масалан, бир-бирига буткул қарши ёки бутунлай ўхшамаган маъносидаги *ўт билан сув* иборасида бу икки тушунча табиий хоссалари асосида ўзаро зидлик касб этган бўлса, *ўзини ўтга, сувга урмоқ, ўт балоси, сув балоси* ибораларида эса умумийликка эга бўлиши ҳам мазкур тушунчаларнинг табиий хусусиятларига асосланади.

“Сув”нинг ўзбек фраземалари таркибидаги энг фаол маъноларидан бири “қадрли, эъзозли нарса”дир. Бу маъно *сувдай сероб, сувдай азиз* каби ибораларда яққол кўринади.

Шунингдек, сувнинг ҳаётбахшлик хусусияти тириклик суви, оби ҳаёт бирикмаларида, русчадаги *живая вода*, инглиз тилидаги *water of life*, немис тилида *das Lebenswasser*, форсчада *оби ҳаёт, оби зиндагоний* бирикмаларида ўз аксини топган.

Сувнинг ҳаётбахшлик маъносига асосланган иборалардан бири “кучини олмоқ”, “аёвсиз ишлатмоқ”, “борини тортиб олмоқ” каби маъноларга эга *сувини чиқармоқ* фраземасидир.

Фраземалар таркибида *сув* концепти семантикаси ҳам, албатта, унинг бирор хусусиятига асосланади. Унинг бошқа суюқликларга нисбатан кўп учрашиши, дарёлар, қўллар қадим давлатчилик давриданок трансчегаравий худудлар саналгани кабилар эътибори билан сув сотиш урф бўлмаган ёки маълум худудларда сотилган сувлар ниҳоятда арзонлиги *сув текин* иборасининг шаклланишига асос бўлган.

Ўзбек халқининг сувга алоҳида эътибори, ҳурмати баландлиги қадимдан шаклланган. Бу ҳақда махсус сўз юритилган илмий ишлар мавжуд [10,11]. Сувнинг илоҳийлаштирилиши, ҳаёт моҳияти саналашини туркий тиллардаги *юз суви* ибораси ҳам кўрсатади. Ушбу ибора билан боғлиқ тафсилот ва миқдор Э.Умаров томонидан бир қадар таҳлил қилинган [24]. Унинг маъноси *обрў, эътибор, ҳурмат* бўлиб, бугунги кундаги *обрў* сўзи форс тилидан таржима қилганда айнан “юз суви” деган маънони беради. *Юз суви* ибораси “Қутадғу билги”, “Тулистон бит-туркий”, “Қисаси Рабғузий” каби асарларда ишлатилган. Масалан, “Қисаси Рабғузий”да ўқиймиз: “Айдилар: “Ё Расуллоҳ, бизга ўгут бергил, ул сенинг ўгутунг бирла ўзга фаришталар орасинда бизга юз суви ҳурмат бўлсун”, тедилар” [21].

Алишер Навоий асарларида эса *юз суйи* – *юз суви* ибораси ҳам *обрў* сўзи ҳам ишлатилган:

Ёшимдин *обрўюм* борди, билдим
Ки, равнақсиз қилур олтунни сиймоб [3:37].
Ё улус ичра *юзи суйин* сочиб,
Ё олибон бошини бир ён қочиб [4:179].

“Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да *обрў* таркибли қатор иборалар келтирилган [22]. *Обрў* таркибли фраземалар таркибий таҳлили турғун бирликлардаги ҳар бир компонент шаклланиши тасодифий эмаслиги, ўзининг маълум тарихи ҳамда тараққиётига, асосига эга эканлигини кўрсатувчи фактлар тақдим қилади.

Форс тилида *обрў* сўзининг “юз суви” маъносини бериши эътибори билан “Обрў обжў набояд кард” (айнан: “Обрўни ариқ суви қилмаслик керак”), “Обрў баҳри нон набоят рихт” (айнан: “Бир бурда нон деб обрў тўқилмасин”), “Обрўятро дар дасти хўд нигоҳдор” (айнан: “Обрўнингни ўз қўлингда сақла”) [2] каби бирликлар шаклланган. Демак, *тўқ*- феъли *обрў* сўзи валентлик ҳосил қилган биринчи феъл деб баҳолашимиз мумкин бўлади. Эски туркий ва эски ўзбек ёзма манбаларида *юз суви* // *юз суйин* *тўқмак* феъли ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Тил соҳиблари тасаввурларида *юз суви* – *обрў* тушунчаси бир қадар реаллашгач, яъни тил эгалари онгида унинг муайян образи ҳосил бўлгач, бу сўз *йўқотмоқ*, *ошмоқ*, *оширмақ*, *кўтармоқ*, *сақламоқ* феъллари; *баланд*, *паст* каби сифатлар билан боғланиб янги иборалар ҳосил бўлган.

Шунингдек, қариндош тиллар ўртасида маълум бир компонентли фраземаларни солиштириш, уларнинг семантик тараққиётига оид муҳим хулосалар учун асос бўлиши “сув” таркибли паремалар мисолида ҳам кўрамаиз. Масалан, бутунга келиб ўзбек тилида *эшаги сувдан*//*лойдан ўтгунча* иборасининг асл маъноси унутилган. Аслида бу ибора “жуда узок”, “анча вақт” маъносини билдириб, турк тилидаги *esek sudan gehnceye kadar dovtek* [18]-“эшак сувдан ўткунча тепмоқ” иборасида мавжуд.

Кўринадики, ибораларнинг антропоцентрик таққиқида табиат ва жамият муносабатларини акс эттирувчи сув, ҳаво, олов, ер, осмон тушунчалари таркибли фраземалар алоҳида ўрин тутлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Lineva E., Savelieva E., Poddubskaya O., Yusupova T., Yakovleva E. Comparative analysis of phraseological units with lexical unit воздух/air/l'air in Russian, English and French // Russian Linguistic Bulletin. 1 (9) 2017. Yekaterinburg, 2017.
- Али Акбар Деххудо. Амсол ва ҳикам. Жилди аввал. – Техрон: Амири кабир, 1379 х.к.
- Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 5-том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 37.
- Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 7-жилд. – Тошкент, 1991. – Б. 179.
- Алланазарова М. Миллий маданий концепт тушунчаси // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special issue -1, №01 (2020).
- Арутюнова Н. Д. Язык и мир человека. М., 1999. 895 с.
- Балонкина О.В. Лингвокультурная значимость имени первостихии вода в составе русских и английских фразеологизмов // Вестник Томского государственного университета. 2017. № 423.
- Богатырева Е.Н. Семантическая структура и структурно-семантическая моделированность фразеологических единиц с компонентами-наименованиями воды и водоёмов в современном русском языке. Дисс... канд... фил... наук. – Кострома, 2015. 222 с.
- Доновна О.В. Фразеологизмы в системно-структурном и антропоцентрическом аспектах (на материале русского и китайского языков) Автореф. дисс... канд... фил... наук. – Кемерово, 2011. 25 с.
- Жуманазаров У. Сувга сиғиниш ҳақида айрим қайдлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990.-№4.
- Эшмуродов М. // “Авесто”да сув култи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №5.
- Ковшова М.Л. Семантика и прагматика фразеологизмов (лингвокультурологический аспект) : автореф. дис. ... д-ра филол. наук. М., 2009. 49 с.
- Красильникова О. С. Подгайская И. М Семантика фразеологических единиц с компонентом «вода» в разноструктурных языках // Материалы Международной научной конференции студентов и молодых ученых (Донецк, 17-20 октября 2017 г.). – Том 4: Филологические науки. Ч. 1: Иностранная филология. – Донецк: Изд-во ДонНУ, 2017.
- Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. М., 1995. 320 с.
- Лотман Ю.М. Символ в системе культуры // Труды по знаковым системам. Тарту, 1987. Вып. 21.
- Махмудхўжа Бехбудий. Амир Дониёлнинг қабрдан ёзмиш хати // Шўро. 1912. №23.
- Мохаммад-заде Ш.Г. Фразеологические единицы с компонентом «вода» в русском языке и способы их перевода на персидский язык /Филологические науки в России и за рубежом: материалы II междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, ноябрь 2013 г.). – Санкт-Петербург: Реноме, 2013.
- Мусап А. Репрезентация концепта вода во фразеологической картине мира (на материале русского, турецкого и английского языков). Автореф... дисс...канд... филол...наук. Уфа, 2012.
- Отражение этнокультурного своеобразия во фразеологических оборотах русского и китайского языка (фразеологизмы с компонентом «вода») / Актуальные проблемы гуманитарных наук. IV Всероссийская научно-практическая конференция «Научная инициатива иностранных студентов и аспирантов российских вузов»
- Персидско-русский словарь. – Том 2. – М.: Русский язык, 1985. .
- Рабғузий Носириддин Бурхониддин. Қисаси Рабғузий. 2-том. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
- Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М., 1996. 284 с.
- Умаров Э. К истории одного фразеологизма из словаря В.В.Радлова // Советская тюркология. 1970. №1.
- Хайруллина Д. Д. Фразеологические единицы с компонентом «вода» в английском, русском и татарском языках // Вестник ВГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2011. – № 1.

МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ РЕЧИ СТУДЕНТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ РУССКО-УЗБЕКСКОГО СЛОВАРЯ ГЛАГОЛЬНОЙ СОЧЕТАЕМОСТИ

А.Б. Сапиев, к.п.н., доц., Бухарский филиал Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара

Annotatsiya. Ushbu maqolada talaba auditoriyasida mos yozuvlar adabiyoti bilan ishlashda usul va metodlardan foydalanish muhokama qilinadi. Vazifalar va mashqlar asosida ma'lumotnomalarda yo'naltirish ko'nikmalari va qobiliyatlari shakllantirildi va fe'llarni birlashtirishning rivojlangan ikki tilli o'quv lug'ati yordamida mashg'ulotlar ketma-ketligi o'rnatildi.

Kalit so'zlar: usul, texnika, lug'at, ma'lumotnoma, mahorat, muvofiqlik, so'z, vazifa, mashq, ma'no, nazorat, tahlil

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы использования методов и приёмов в работе со справочной литературой в студенческой аудитории. На основе заданий и упражнений сформированы навыки и умения ориентации в справочниках, а также установлена последовательность обучения с использованием разработанного двуязычного учебного словаря глагольной сочетаемости.

Ключевые слова: метод, приём, словарь, справочник, навык, сочетаемость, слово, задание, упражнение, значение, контроль, анализ

Abstract. This article discusses the use of methods and techniques in working with reference literature in the student audience. Based on the tasks and exercises, the skills and abilities of orientation in reference books were formed, and the sequence of training was established using the developed bilingual educational vocabulary of verb collocation.

Key words: method, technique, dictionary, reference book, skill, compatibility, word, task, exercise, meaning, control, analysis

На современном этапе развития методики происходит интеграция методов. Можно сказать, что началось образование комплексного метода, который вбирает в себя лучшие элементы разных методов и не исключает традиционные методы обучения, а гармонично сочетается с ними на всех этапах обучения: ознакомление, тренировка, контроль.

В нашей статье не ставится проблема использования словаря непосредственно в словарной работе. Нас интересует, в первую очередь, использование словаря в качестве пособия по лексике и в связи с этим очень важно целенаправленно формировать навыки ориентации в словаре. С этой целью необходимо в аудиторных занятиях уделять время для проведения комплекса заданий и упражнений по словарю.

Создание речевой компетенции в узбекскоязычной аудитории при обучении русскому языку включает работу над русской глагольной лексикой. Это объясняется, прежде всего «стремлением современного языкознания найти объективные методы анализа языкового материала» [4]. Поэтому пристальное внимание к русскому глаголу и его значению, отраженному в лексических минимумах, формирование семантических умений и навыков работы с русским глаголом входит как в общую цель обучения русскому языку, так и в силу своей сложности: лингвистической, психолингвистической, лингводидактической интерпретации русского глагола в учебных целях может быть определен как конкретная цель лингводидактической работы при создании конкретных методик обучения семантике русского глагола на занятиях русского языка.

Нами было проведено небольшое экспериментальное обучение для студентов первых курсов БФ ТИИИМСХ. Для определения программы, методов, приемов, форм, видов и средств работы при обучении было проделано следующее:

1. На основе теоретического описания принципов составленного и разработанного нами учебного двуязычного (русско-узбекского) словаря глагольной сочетаемости, на основе анализа программы по русскому языку были отобраны наиболее частотные русские глаголы, составлены ситуативно-речевые минимумы русских глаголов.

2. Описана группа лексико-семантических, грамматико-семантических и речевых навыков употребления русских глаголов, определены функции каждого из умений и навыков, определяющие сформированность навыков-правильно сочетать русские глаголы в тексте.

3. На основе отобранного учебного, определения скорректированных целей и задач обучения русскому языку, установлена последовательность обучения в пределах ситуативно-речевого минимума; изучение лексического значения русского глагола как основного элемента двусоставного русского предложения, как динамического текстообразующего элемента описания, повествования, рассуждения, предложена система заданий.

Таким образом, в обучении рассматривалось относительно самостоятельная, но весьма разветвленная, взаимосвязанная в силу природы русского глагола система-русской глагольной лексики. (Содержание её представлено разработанным двуязычным русско-узбекским словарем глагольной сочетаемости).

В обучении были предложены учебные материалы, которые реализовывались как дополнительные в организации индивидуальной и самостоятельной работы до и после прохождения темы. В отборе учебных

материалов мы руководствовались следующими положениями: в акте коммуникации на неродном языке необходимо добиться полноты передачи мыслей, чувств, настроений, полноты передачи впечатлений об окружающем мире, вселенной, т.е. добиться того, чтобы студент правильно и точно использовал русский глагол для выражения своих мыслей в русском высказывании.

Для лексической работы на занятиях учитывалось, что смысл складывается из определенного набора семантических признаков. Это качественная характеристика лексического значения глагола лежит, например, в формулировках отдельных заданий и упражнений. В частности, широко использовался логический метод операций: какими признаками обладает глагол?

Определите, какой глагол будет иметь данные признаки: указывать на конец или начало действия, выражать эмоциональное состояние - страха, веселья, грусти, любви, сострадания, неудовольствия и т.д. При этом методически можно было использовать минимальный словарь толкований, например, в противопоставлении грустить- не грустить, радоваться и т.д.

В обучении широко были привлечены и другие приемы и методы работы над лексическими значениями глагольного слова: определение глагола дано широко, развернуто, с конкретным анализом глагольной сочетаемости.

Данное положение изучения значения глагольного слова важно для преподавателя, т.к. представляет в действующей методике большие сложности. Поскольку большинство глаголов полисеманлично, в учебных целях необходимо не только познакомить с новым словом, но и остановить свое внимание на частотных употреблении русского глагола, типа "идти". Поэтому работа с глаголом в "малом окружении" - словосочетании - является необходимым методическим требованием.

Второй путь определения значения многозначного глагола-это его употребление в пределах синонимических и антонимических рядов.

В учебных материалах была заложена идея - учить понимать значение глагольного слова в анализе и устанавливать в речи смысловые и грамматические связи русского глагола, в первую очередь, с именем существительным, а даже с другими частями речи (наречием, прилагательным, с местоимением, числительным).

При работе над лексическим значением глагольного слова учитывалась представленность всех грамматических форм, узнавание которых лексикализовано в изъявительном, сослагательном, повелительном наклонениях; временные формы глагола; глагола совершенного и несовершенного вида; возвратные глаголы; глаголы определенных лексико - семантических групп, указывающих на начало, продолжение, конец действия, возможность, желательность, глаголы эмоционального действия, употребляющиеся в составе составного глагольного сказуемого.

Лексический анализ глагола должен включать его разные виды, типы и формы, при этом изучение лексических свойств слова не могло рассматриваться без учёта его грамматических свойств.

Особое место в изучении лексического значения русского глагола отводится такому приему как противопоставление.

Выражение и восприятие смысла глагольного слова студентом обеспечивает их коммуникативную функцию, понимание глаголов в лексической структуре, позволяет работать со словарем, используя информацию на синхронном и диахронном уровне, возможность учесть парадигматические связи, толковать слово на основе антонимических отношений.

Обогащая словарный запас студента, мы добиваемся семантической определенности значения на основе знаний о характерных парадигматических и синтагматических связях. "Значения в слове есть минимум признаков понятия, который необходим, делает слово понятным и позволяет ему функционировать в речи, с учётом этих ограничений можно определить как категорию однородную с понятием" [5].

Особое место занимает лексическая работа по усвоению семантики производных глаголов, когда понимание значения глагола строится на ассоциативных признаках с производящим словом, т.е. когда лексическая работа синтезируется со словообразовательной, поскольку она начинается со значения производящего слова: имени существительного, прилагательного, наречия, числительного, местоимения. Поэтому такая последовательность очень важна, начало работы заключается в том, что прослеживается связь с мотивационной основой. Сравним: человек краснеет, человек с краснотой лица, человек с красным лицом.

Лексическая работа - этап в процессе изучения глагольного слова и его форм, учёт данного теоретического положения обогащает избранную нами методику работы над лексическим значением слов без новых дополнительных затрат времени, но с углублением материала, расширением и соответственно обогащением речи студента.

Поскольку лексические и грамматические значения представляют собой единство, а грамматическое значение формируется на основе лексического значения, изучение лексического значения глагола продолжается на основе всех глагольных тем как на уровне морфологии так и на уровне синтаксиса, учитывая связи лексем (лексическое значение) и связи грамматики (грамматическое значение).

В учебных материалах глагол не изучается изолированно, он дан в контексте. При этом выбирается минимальный контекст - словосочетание, оно широко используется как минимальный контекст для конкретизации значения глагола, затем используют двусоставное нераспространённое предложение.

Работая над лексическими значениями глагола преподаватель ведёт студента к толкованию глагола в словосочетаниях, предложенных к дефиниции словаря, отсекая другие значения многозначного глагола.

Таким образом, глагол получает семантическую определенность, так как в словосочетаниях включаются его характерные связи, ограничиваются сферы употребления. Выделение объёма содержания, обучения на основе составленного учебного двуязычного словаря глагольной сочетаемости даёт представление о типах значений слов - глаголов, их содержательных компонентов во взаимосвязи с грамматическим значением.

В экспериментальных заданиях учитывались резервы речевого развития студентов узбекскоязычной аудитории в пределах учебного времени действующей программы. Объём содержания был выделен для форм проведения индивидуальной и самостоятельной работы. Он включал работу над созданием представлений о способах семантизации русского глагола, конкретных и обобщающих приемах умственной работы над смыслом глагольного слова, пристальном внимании к поэтапному формированию лексико-семантических, лексико-грамматических и речевых навыков употребления глагольного слова.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Барсук Р. Ю. Основы обучения иностранному языку в условиях двуязычия. М.: Высшая школа, 1970.-176 с.
2. Бархударов С.Г., Новиков Л.А. Каким должен быть учебный словарь?// Русский язык за рубежом. 3.-1971. с. 46-50
3. Городилова Г.Г., Изаренков Д.И., Ходекова Л.А. Программа: Практический курс русского языка. Для специальности № 2116 "Русский язык для национальной школы". - Л.: Просвещение, 1988.- 102 с.
4. Сариев А.Б. Сопоставительная характеристика особенностей сочетаемости глаголов в русском и узбекском языках.// Научный вестник Бухарского Государственного Университета, Бухара, 2011. №2 с.64-65
5. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.2-е изд. - М.: Наука, 1978.-341 с.

УДК 81-13

АНАЛИЗ ТВОРЧЕСТВА ПОЭТОВ РУССКОГО «АНДЕГРАУНДА» ВТОРОЙ ПОЛОВИНЫ XX СТОЛЕТИЯ

Е.Ю. Тиблов, преподаватель, Термезский государственный университет, Термез

Annotatsiya. *Ushbu maqolada yigirmanchi asr oxiridagi adabiy jarayon, xususan, she'riy "andegraund roki" ning shakllanish tarixi yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *adabiyot, adabiy jarayon, modernizm, she'riyat, ijod*

Аннотация. *В данной статье охарактеризован литературный процесс конца XX века, в частности, история становления поэтического «рок андеграунда».*

Ключевые слова: *литература, литературный процесс, модернизм, поэзия, творчество*

Abstract. *This article describes the literary process of the late twentieth century, in particular, the history of the formation of the poetic "rock underground".*

Key words: *literature, literary process, modernism, poetry, creativity*

*«Перемен! — требуют наши сердца.
Перемен! — требуют наши глаза.
В нашем смехе и в наших слезах,
И в пульсации вен: Перемен!
Мы ждем перемен!..»*

В. Цой.

Развитие литературного процесса в 80-е годы прошлого столетия, ознаменовано переосмыслением правящей партийной элитой основополагающих принципов социального развития и культурных отношений в обществе того времени.

Определяя политическую обстановку указанного периода, необходимо отметить, что заключительный этап «эпохи Социализма», который был определен реализацией социального курса «Обновления страны», под эгидой «Перестройки» и «Гласности», значимо повлиял на развитие новых форм культурных и творческих отношений.

Частичная отмена запретов, расширение определенных рамок творческой дозволенности и послабление идеологической цензуры, послужили активным толчком для развития различных творческих направлений так называемой «Субкультуры» социального подполья.

Касаясь истории становления поэтического «рок андеграунда», (который в последующем гармонично вольется в общее культурное поле современной русской поэзии, как массовый общественный феномен второй половины XX столетия), по истечении более 35 лет, можно определить его как один из видов позднего поэтического «модернизма», который был принят молодежными массами страны на гребне волны популярности рок движения второй половины 80-х.

Необходимо отметить и то, что рождение поэтики «рок андеграунда» датировано началом 70-х и 80-х годов прошлого столетия. Это творческое направление было официально легализовано и признано идеологической цензурой как «новый вид неформального творческого самовыражения молодежи».

Для более глубокого и детального понимания студенческой аудиторией принципов становления указанного поэтического направления, необходимо произвести ознакомление с творчеством литературного

движения «Красной волны» Советского рока. Кроме этого, необходимо отразить основные принципы, касающиеся открытого социально-политического противостояния и нетерпимость поэтов-неформалов к консервативной системе государственных устоев с позиции творчества русского литературного диссидентства второй половины XX столетия.

Анализируя творческую проблематику поэтов-неформалов указанного периода, необходимо отметить, что социальный статус представителей данной творческой направленности в Советской, а в последующем и Русской поэзии конца XX столетия, составляла, как правило, «активная студенческая молодежь из так называемых «городов-миллионников», с абсолютно новой для того времени формацией общественного мышления, которое было диаметрально противоположным идеологической гегемонии унитарного общества».

Их эпатаж по новому определял правила общественных и социальных норм, а также продвигал новое понимание основ присущей им морали, духовных ценностей, таких, как творческая честность, молодежная солидарность, подлинная личностная свобода, любовь и ненасилие - как основные формы человеческого бытия, идейный пацифизм и социальная справедливость.

Основой творческой деятельности поэтов «Красной волны», являлась так называемая открытая протестная форма «провокационного диссидентства», которая определяла и требовала демократических преобразований в стране и политическое реформирование консервативных устоев в обществе.

Литературная подача критики (как способ политической борьбы за гражданские права), в поэзии неформальных авторов «Красной волны» в отличие от писателей-диссидентов творческой интеллигенции, была решительнее, глубже и тверже, и имела конкретику конечной цели, граничащую с проявлениями форм социально-молодежного нигилизма и политического радикализма.

На наш взгляд, это обусловлено тем, что поэты, представляющие данную формацию «субкультурного развития», к началу 80-х., уже были консолидированы в творческие сообщества и позиционировали вид своего протестного самовыражения, как общественную солидарность с общим мнением гражданских масс. То есть, вид протестной подачи своего креативного поэтического материала осуществлялся ими, как правило, в форме публичной концертной деятельности в аранжировке тяжелого музыкального сопровождения, от лица целого поколения страны, например:

Мы хотим видеть дальше, чем окна дома напротив!

Мы хотим жить, мы живучи, как кошки.

И вот Мы пришли заявить о своих правах!

Слышишь шелест плащей, это Мы!

Мы родились в тесных квартирах новых районов.

Мы потеряли невинность в боях за любовь.

Нам уже стали тесны одежды.

Сшитые Вами для нас одежды!

И вот мы пришли сказать Вам о том, что дальше!

Или: Мы хотели пить, не было воды.
Мы хотели света, не было звезды.
Мы выходили под дождь.
И пили воду из луж.
Мы хотели песен, не было слов.
Мы хотели спать, не было снов.
Мы носили траур, оркестр играл туш...

В наших глазах крики "Вперед!"

В наших глазах окрики "Стой!"

В наших глазах рождение дня.

И смерть огня.

В наших глазах звездная ночь.

В наших глазах потерянный рай.

В наших глазах закрытая дверь.

Что тебе нужно? Выбирай! (В.Цой)

Касаясь изучения творческого феномена поэзии Виктора Цоя (1962-1990 г.г.), на примере вышеуказанных двух отрывков из его произведений: «Дальше действовать будем Мы!» и «В наших глазах!», написанных еще в первой половине 80-х, им уже конкретно озвучен социальный призыв к смене руководства и политического курса в стране.

В ходе изучения личности В. Цоя, как одного из ярких представителей поэтов «Красной волны», необходимо отметить его талантливую многогранность, как актера, художника и музыканта, но в данном контексте нужно произвести непосредственный анализ его поэтического дарования, на основании того, что поэзия указанного автора прочно ассоциируется с временем «Перестройки» и «Гласности», и не случайно

его произведение «*Мы ждем перемен!*» (отрывок из которого был приведен в качестве эпиграфа к данной работе) является социальным гимном позднего Советского поколения.

Осуществляя анализ становления и развития поэзии «*Красной волны*», необходимо отметить и то, что творческий расцвет указанного направления пришелся на середину 80-х годов прошлого столетия, что и определило целую плеяду талантливых поэтов указанного неформального творчества таких, как: Борис Гребенщиков, Вячеслав Бутусов, Константин Кинчев, Юрий Шевчук и мн. др.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <https://lyricsworld.ru/lyrics/Kino-Viktor-Coy/Dalshe-deystvovat-budem-myi-11441.html>
2. www.ziyounet.uz
3. www.literature.com

УЎК 808.3

НУТҚИЙ ПРАГМАТИКАНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Д.С. Турдалиева, PhD, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Ушбу мақолада бир хил қолипдаги паремик шаклларнинг халқ маданий тараққиётига таъсири, бугунги кунда паремик шакллар ва уни тадқиқ этишига бўлган қизиқишни тобора ортиб бораётгани, нутқий прагматиканинг хусусиятлари мисоллар асосида келтириб ўтилган. Тилишуносларнинг паремиялар ва уларнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари ҳам мақоладан ўрин олган.

Калим сўзлар: паремиялар, фразеологизмлар, қадриятлар, мақоллар, маталлар, миллий менталитет, лингвистик прагматика, фольклор ҳосилалари

Аннотация. В данной статье на примерах показано влияние паремических форм одного и того же паттерна на культурное развитие людей, растущий интерес к паремическим формам и их изучению сегодня, особенности речевой прагматики. Взгляды лингвистов на паремии и их значение также включены в статью.

Ключевые слова: паремии, фразеология, ценности, пословицы, поговорки, национальный менталитет, лингвистическая прагматика, фольклорные произведения

Abstract. This article discusses the impact of paremic forms of the same pattern on the cultural development of the people, the increasing interest in paremic forms and their study today, the features of speech pragmatism based on examples. Linguists' views on paremia and their significance are also included in the article.

Keywords: parems, phraseology, values, proverbs, sayings, national mentality, linguistic pragmatics, folklore products

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф – одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Маълум бир халқнинг маънавияти деганда табиий муҳит таъсири ва буюк аждодларнинг таълимотини ёдда тутган ҳолда тарихий воқеаларидан зарурий хулоса чиқариш, ўз она тилиси орқали дунёни англаш даражаси тушунилади. Бир миллатнинг асосий белгиси – бу дунёни ўзига хос идрок этиш, тил имконияти чегарасида ўз тарихий тажрибасига таянишдир. Маънавият ҳар қандай давлат ёки миллат кучининг кўрсаткичидир. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бир хил қолипдаги сўзлашув иборалари, фразеологизмлар, фольклор ҳосилалари ва шу каби паремик забоний шаклларга нисбатан мисли кўрилмаган қизиқиш кузатилмоқда. Бу қизиқишлар замонавий босқичдаги маданият тараққиётининг фундаментал мойилликлари билан шартланади, шу билан бирга бу ходиса филологик фанларга таалуқли бўлади. Масалан, маданиятшунослар ва файласуф олимлар паремик шаклларда қадимий фольклор ҳосилаларида ҳам, реклама ҳамда мафкуравий матнларда ва бошқа кўринишларда фойдаланилган оммавий онгнинг замонавий қолипларида ҳам намоён бўладиган киши онгининг теранлигидаги мифологемалар ва архетипларнинг инъикосини кўришга интиладилар. Мақоллар барча паремиялар сингари “керак”, “лозим”, “яхши”, “ёмон” сингари категориялар орқали реаллашувчи қадриятли муносабатни ифодалаш учун тилда мавжуд бўлган ўзига хос номинатив бирликлардир. Халқ ҳикматлари инсонга, унинг танловига, қадриятларига, инсон ўзи учун меъёр деб билган нарсаларга тўлиқ боғлиқ бўлган тизимнинг бир қисмидир”. Табиийки, инсоннинг ҳаётий вазиятларга ва объектив борлиққа нисбатан қадриятли муносабати жамият қадриятлари тизими таъсири остида яхлит ҳолда шаклланади. Айрим семиологлар ва этнограф мутахассислар эса паремик материал ёрдамида у ёки бу этносни, яъни Штейнталь, Гумбольдт ёки Уорф издошлари каби (гарчи улар оддий тил воситаларини кўриб чиқсалар ҳам) олам томонидан идрок қилинишининг ўзига хос эканлигини кўрсатмоқчи бўладилар. Бошқа тадқиқотчилар турли тилларнинг паремик фондига мурожаат қилган ҳолда, батамом қарама-қарши масалани ҳал қилдилар, яъни: паремик иборалар орқали қайд этиладиган алоҳида мазмундор шаклларнинг ҳар хил халқлар томонидан аниқланишининг мазмун-моҳияти ягоналигини исботлашга уринадилар. Тилишунослар ва филологларни ўзларининг қолипланган забоний шаклларга сўнмаётган қизиқишлари ҳам муайяндр. Бунинг кўпчилики сабабларини кўрсатиш мумкин, лекин асосий сабаб, бизнинг назаримизда шундай ҳосилаларнинг барчага маълум ғайримантиклигидадир: улар бир вақтнинг ўзида ҳам тилга, ҳам нутққа (системага ва матнга) тегишлидир. Шу билан бирга, уларнинг ҳар хил тоифалари у ёки бу кутбга тортилади, яъни: фразеологизмларнинг ўзлари (ягоналиклар, қўшмалар, қолиплар тоифасидаги) сўзга ёки гап аъзосига, синтактик эквивалент бирликлар сифатида тилга (системага) тортилади; масаллар, эртақлар,

ашулалар ва шу каби тоифа паремиялар матнлардир (гарчи қайта баён этиладиган бўлса ҳам). Улар ўртасидаги ўринни мақолли-маталли ҳикматли гаплар эгаллайди, улар коммуникатив жиҳатдан энг паст даражани намоён қилган ҳолда энди матнлар (мулоҳазалар) сифатида чиқиши мумкин, бироқ уларнинг қайта баён этилувчи хусуси ва (кам ахборотлиги боис) контекстдан узилган ҳолда фойдаланилмаслиги уларни тил бирликларига яқинлаштиради. Хусусан, мана шу кўрсатилган амбивалентлик, тадқиқотчилар учун мақоллар ва маталларни шеърӣ асарлар сифатида, миллий менталитетнинг мақсадли кўрсатмаларидек, турмуш амалиялари тўғрисидаги маълумотларнинг манбалари жамланмасидек ўзига хос нуқтаи назардан кўриб чиқиш имконини яратади. В.Г.Борботьконинг фикрича, биринчи галда мазкур фольклор шакллари шунингдек, лексика даражасида деярли кам кўринишли, лекин таркибий жиҳатдан мулоҳазалардек (кенгроқ олганда дискурса, яъни тилнинг паремик воситаларига) расмийлаштирилган намунавий бирликларга ўтишда кескин кўтариладиган йирикроқ тилни ўйинли регистрининг намоёнлари бўлишидек кизиқарлидир. Олиб борилган жуда кўп сонли тадқиқотларга қарамай, инсоният коммуникацияси моҳиятининг релевант ўзгарувчан қийматларини моделлаштиришга ҳозирча эришиш имконияти деярли йўқ. Фаоллик тамойилига таянадиган лингвистик прагматика, лингвистик изланишларга зарурий яхлитликни ва фанда парадигма билан уйғунлашган алоқани беришга қодир йўналиш бўлиб чиқмоқда. Яқин вақтгача тилшунослик тилнинг моҳияти ахборотни узатишдан иборат деган бир томонлама тушунчадан келиб чиқарди. Прагматингвистика забонли мулоқот – бу энг аввал ахборот олувчининг онгига ва хулқига таъсир кўрсатиш мазмунидаги ҳаракат эканлигини аниқлади. Паремиялар ва тилнинг бошқа қолипчи воситалари таъсир кўрсатишни стандартлаштиришнинг воситалари сифатида майдонга чиқади ва ихчам дискурслардан иборат бўлиб, тадқиқотчиларга тилдаги ҳаракатларни таркибловчи қисмларини аниқлаш ва тадқиқ этиш учун кўргазмали ва қулай материални тақдим этади. Нутқий прагматика соҳасидаги биринчи классик тадқиқотлар вақтидан бошлаб шунга ўхшаш функциялар рўйхати жиддий даражада кўпайди. Масалан, фақат оилавий суҳбат жанри соҳасининг ўзида қуйидаги этикетли (одоб-ахлоқий) тактикалар ажратилади: (ташаккур билдиришлар, таклифлар, узр сўрашлар), кайғуриш ва кўмаклашиш тактикалари (мақтовлар, маслаҳатлар ва таклиф билдиришлар),

-оилавий бирлашув тактикалари (оилавий мулоқот кадрияти тўғрисидаги иборалар, хушомадли мақтовлар, табиий гедонизм (жинслар тенглиги)ни намоён этиш ҳоллари,

-кизиққонлик тактикалари,

-нутқий қўллаб-қувватлашлар,

-қабул қилмаслик тактикалари,

-этикет (одоб-ахлоқий) муносабат билдиришлар каби.

Фикр билдириш, буйруқ, контрфактик (далилга қарши) фикр билдириш, талаб, фаҳмлаш ва раддия, илтимос, эътироз билдириш, башорат қилиш, ваъда, даъват, мулоҳаза, тушунтириш, ҳақорат, хулоса, ақлий хотима, тахмин, умумлаштириш, жавоб ва алдаш – буларнинг барчаси нутқий актларнинг ижтимоий ҳаракатлар сифатидаги тоифаларидир.

Турли тоифа нутқий актларнинг эҳтимолий сони масаласида энг ташқаридаги йўлнинг тарафдори Л.Витгенштейндир, унинг фикри бўйича тилдан фойдаланиш ҳолатларининг (унингча “тил ўйинлари”нинг) сон-саноксиз хилма-хиллиги мавжуддир. Шулар қаторига у хусусан, қуйидаги ҳаракатларни аниқлаштиради, чунончи:

- буйруқларни бериш ёки уларни бажариш,

-объектнинг ташқи кўринишини ёки ўлчамларини таърифлаш, таърифи (чизмаси) бўйича объектни ясаш,

-ходиса тўғрисида ахборот бериш,

-ходиса тўғрисида мулоҳаза юритиш,

-гипотезани суриш ва текшириш,

-маълум тажрибанинг натижаларини жадвалларда ва диаграммаларда тақдим этиш,

-ҳикояни ёзиш ва уни ўқиб бериш,

-театрда ўйнаш,

-хор билан айтиладиган ашулаларни айтиш,

-топишмоқларни топиш,

-аския қилиш,

-кулгили ҳикояларни айтиб бериш,

-арифметик масалаларни ечиш,

- бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш,

-илтимос қилиш,

-миннатдорчилик билдириш,

-қарғаш,

-қутлаш,

-ўтиниш.

Шундай қилиб, Л.Витгенштейнга мувофиқ, фикр билдиришлар прагматик функцияларининг амалдаги сони тилдан фойдаланиш ҳолларини барча эҳтимолий аниқ вазиятларининг сонига нисбатан тенгдир (булар ҳар қайси ҳолатда бир-биридан нима биландир фарқланади). Албатта, тилдан фойдаланиш ҳолларида, масалан математика масаласини ечишда ва топишмоқни топиш вазиятида пировардда бир хил

эмаслигига ҳеч ким эътироз билдирмайди; лекин шу билан бир вақтда кўриниб турибдики, мазкур ҳолатлар ўртасидаги фарқланиш нисбатан камроқ кўзга ташланади (ва шу фарқланиш, айтилик тилдан фойдаланишнинг ахборот бериш ёки саломлашиш мақсадларидагига нисбатан жиддий даражада бошқа йўсинларга тааллуқлидир).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008, 30-бет.
2. Мажидова Р.У. Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (Ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида) Филология фанлари доктори (DSC) диссертацияси автореферати
3. Витгенштейн Л. Философские работы (часть I). М., 1994.
4. Рытникова Я.Т. Семейная беседа: обоснование и риторическая интерпретация жанра. АКД, Екатеринбург, 1996.
5. Потебня А.А. Слово и миф. М., 1989.
6. Борботько В.Г. Принципы формирования дискурса. Сочи, 1999.
7. Пермяков Г.Л. Избранные пословицы и поговорки народов Востока. М., 1969.
8. Пермяков Г.Л. О смысловой структуре и соответствующей классификации пословичных изречений // Паремнологический сборник. Пословица, загадка (структура, смысл, текст). М., 1978.
9. Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки (заметки по общей теории клише). М., 1970.
10. Пропп В.Я. Морфология сказки. М., 1969.

УЎК 808.3

БАЁНДА ОВОЗЛИ (ТАШҚИ) ВА ОВОЗСИЗ (ИЧКИ) МОНОЛОГДАН ФОЙДАЛАНИШ (Абдулла Қодирий ҳажвиялари мисолида)

Ф.Ф. Турсунова, катта ўқитувчи, Фарғона Политехника Институтини, Фарғона

Аннотация. Мақолада Абдулла Қодирий ҳажвий асарларида монологик нутқнинг овозли (ташқи) ва овозсиз (ички) шаклларида фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр билдирилган. Ҳажвий қаҳрамоннинг ўз-ўзини фош қилиши мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Калим сўзлар: монологик нутқ, бадиий нутқ, овозли (ташқи), овозсиз (ички), характер қирралари, сатира қамчиси, киноя-кесатиқ, фельетон, портрет, ҳажвий персонаж

Аннотация. В статье обсуждается мастерство Абдуллы Кадири использования голосовой (внешней) и глухой (внутренней) форм монолога в его комиксах. Самораскрытие комического главного героя раскрывается на примерах.

Ключевые слова: монолог, художественная речь, голос (внешний), глухой (внутренний), края персонажа, сатирический кнут, сатира, фельетон, портрет, комический персонаж

Abstract. The article discusses Abdullah Qadiri's skill in using the vocal (external) and voiceless (internal) forms of monologue in his comics. The self-disclosure of the comic protagonist is revealed through examples.

Key words: monologue, artistic speech, voice (external), deaf (internal), character edges, satyr whip, satire, feuilletton, portrait, comic character

Ўзбекистон мустақил республика сифатида таркиб тошгач, барча соҳаларда бўлгани каби адабиётшуносликда ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди. Маданият, санъат, адабиёт, халқ ижодига бўлган муносабат давлат мақоми даражасига кўтарилди. Айниқса, ёшларимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда адабиётнинг қудрати беқиёс эканлиги алоҳида эътироф этилди. Шу маънода Президентимиз Ш.Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ».

XX аср ўзбек адабиётининг ривожини ва бойишига жиддий хисса қўшган Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш барчани бирдек қизиқтирадиган масаладир. Бу даврга қадар адиб фаолиятини холис баҳолаш, ижодий меросини тадқиқ ва нашр этиш муаммосига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилди. 20-30-йилларда танқидга учраган, нотўғри талқин қилинган асарлар қайта кўриб чиқилиб, кўплаб олимлар томонидан илмий асосланди. Бу ишларда адиб ҳажвий асарлари юзасидан йўл-йўлакай фикрлар билдирилган бўлса-да, ҳажвий асарларида монологик нутқ типларидан фойдаланиш маҳорати ёритилмаган. Мақолада Абдулла Қодирийнинг кичик хангома, фельетон ва "Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида", "Тошпўлат тажанг нима дейди?", "Шарвон хола нима дейди?" номли ҳажвияларида монологик нутқ типларидан фойдаланиш маҳорати ҳақида баҳс юритилади. Ҳажвияларда оддий халқ оммасининг фикр-гуйғулари, орзу-умидлари, кўнгил кечинмаларини бадиий-эстетик тарзда баён этиш ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи ижтимоий иллатларни қоралаш орқали ўша давр руҳини очиб беришда қаҳрамоннинг овозли(ташқи) ва овозсиз(ички) монологи мурожаат этилади. Чунки муаллиф фикрини ўзига олган қаҳрамон нутқи аслида ўз йўналишини йўқотмайди ва ўзига хос оҳанг ҳамда интонацияларни сақлаб қолади. Биз ҳажвияларни ўрганар эканмиз, улардаги қаҳрамон овозли(ташқи) монологининг кимга ёки нимага қаратилганлигига кўра қуйидагича таснифлашни мақсадга мувофиқ деб билдик:

Оммага қаратилган нутқ. “Калвак махзумнинг хотира дафтарида” асари бошдан-оёқ Калвак махзум кундаликлари асосида ёзилган бўлиб, овозсиз(ички) монолог кўринишида қаҳрамон тилидан таржимаи хол саргузашт тарзида ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамоннинг оммага, халққа қаратилган овозли(ташки) монологи билан бошланади:

“Эй боши бўш донолар, эй қовоқ кийган диндошлар, вой мумулмони комиллар!

Замона охир бўлди, кўб беҳуда ишлар чиқди. Шарорат пешаларнинг ишлари авж олиб бизнингдек фақирлар хор бўлди. Кийимлар қисқариб, сочлар узайди; эркаклар хотун, хотунлар эркак қиёфасига кирдилар. Барчадан ақл кетди; уламоға ҳурмат, ёшларға шафқат, ўғлонларға муҳаббат йўқ!

Бас, буларнинг барчаси охир замон аломати бўлмай нима бўлсун?!» (238-бет)

Махзумнинг “Эй, боши бўш донолар”, “эй, қовоқ кийган диндошлар”, “вой, мусулмони комиллар!” дея ҳис-ҳаяжон билан гап бошлаши, куйиниб гапиришига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқий ҳаётдан алоқаси узилиб қолган қаҳрамоннинг жамиятдаги бир қатор янгиликлар, ўзгаришлар, таркиб топиб бораётган янгича таомилларни қабул қилолмай, ноқулай аҳволга тушиб қолиши билан боғлиқ кулгили ўринлар санъаткорона берилганлигини кўрамиз. Унинг чиркин дунёсини очиб ташловчи бундай сўзлар китобхонда кулги уйғотади. У инқилобий ўзгаришларни ўз ақли, тушунчаси, ўз идеали доирасида таҳлил этади, инқилобдан сўнг ўз теварагида бўлаётган кўп янгиликларга, ўзгаришларга ҳайрон қолади, ақли етмай ёқасини ушлайди. Дин-шариат ишларининг сусайиб бораётганлигидан, ўзидек “олимплар” эътиборсиз қолаётганлигидан “замона охир” бўлганлигидан кўз ёш қилади. Баъзан эса амалдор, савдогар ва баъзи бошқа тоифа киши уларнинг нолойиқ ишларини соддадиллик билан “фалончилар бағоят савоб ва пухта иш қилмоқдалар”,-деб холисона мақтайди ва бу билан уларнинг сир-асрорларини очиб, ўқувчини кулдиради. Асарда Калвак жазавага тушиб қанча куйиниб гапирса, ўқувчи унинг устидан қаттиқ заҳархандалик билан кулади. Шу ўринда савол туғилади: Нима учун Калвак “Эй, боши бўш донолар”, “эй, қовоқ кийган диндошлар”, “вой, мусулмони комиллар!”-деб куйиняпти? Кийимлар қисқариб, сочлар узайди; эркаклар хотун, хотунлар эркак қиёфасига кирдилар,- деганида миллийлик унутилиб бораётганлигидан ташвишга тушмаяптими?!

Якка шахсга қаратилган нутқ. Шарвон холанинг қўшниси Норпошшахонникига меҳмон келади, унга ёрдамга чақирилган хола ўз кўрганлари ҳақида шундай ёзғиради: “Сизга ёлғон худога чин, жоним ўргулсин Бувхамфа: теразадан мўраласам бир уй хотун, эркак аралаш!” Жоним ҳик эйтию халқумимга келди-турди. Илоё, дедим, ҳаммангни азиз авлиёлар тенг-теппангдан урсинла. Сан шариатни хор тутсанг санларни худо хор қилсин, дедим.

–Бир вақт ош-судан(судан) қутилиб Норпошшахониминан бир пиёла заҳарни ичиб ўлтурсам, эшиқдан нортуюдек бўртиб иккита яллачи ўлгур келвотти. Бош яланг, оғзи ўлгурда папириска. Ҳар бало бўлсаям мусулмон фарзанди-ку, туриб кўришай дедим. Ўрнимдан туриб кўришишга кўтарган кўлим кўтарилганча қолаверди. Мачаларинг мен ўлгурминан кўришига йирганди. Жувармакнинг биттаси: “Биз кўришишни барҳам берганмиз, хола!” дейди. Шу вақтда ер ёрилмадики, ерга кирсам... оғзи ўлгурдан алламбало гуркийди”. Тўва денг, айланай Бухамфа!”

Қаҳрамон нутқидаги шевага хос сўзлар унинг жонли қиёфасини яратишга хизмат қилган. Масалан, - вотти қўшимчали сўзнинг борлиги Шарвон холанинг тошкентлик эканлигини англатади. Нутқдаги “нортуюдек” ўхшатишнинг ишлатилиши унинг дунёқарашини ва яллачиларга бўлган муносабатини очиб беради. Унинг нутқидаги қасам маъносини ифодаловчи бирлик эса қаҳрамоннинг кучли ҳаяжонини очиб беришга хизмат қилган бўлса, эмоционал ҳолатни ифодалаш учун нутқдаги қарғиш сўзлар Шарвон холанинг нутқи орқали қўлланиш доираси чегараланган сўзларнинг матнга киритилиши асар тилини жонли сўзлашув услубига яқинлаштирган. Ўз ўрнида бундай бирликлар нафақат асарнинг таъсирчанлигини оширган, балки қаҳрамонлар қиёфасини ёрқинроқ тасвирлашга, халқимиз орасида унутилиб бораётган урф-одатларимиз, миллийлигимиз ҳақида қайғураётган қаҳрамонни ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришга хизмат қилган.

Предметга қаратилган нутқ. Адиб ҳажвияларида қаҳрамон монологи нафақат шахсга, балки предметга қаратилганлигини ҳам учратиш мумкин. У “Думбаси тушиб қолган эмиш” номли асарида гўштнинг нархи осмонда бўлганидан Рамазон ойи мобайнида қозони гўшт кўрмаган кишиларнинг аянчли руҳий ҳолатини шундай тасвирлайди: “Гўшт...Отингдан ўргулай, ўргулай гўшт!.. Нега мунча ўзингни биздан азиз тутдинг? Биз сенинг кадрингга етмадикми?... (53-бет)

Асарда озик кўмита томонидан нақ ўттиз биринчи куни бериладиган гўштнинг ҳисоб-китобини қилган бир оиланинг аянчли аҳволи, гўштнинг номини эшитиб, ўйинга тушиб кетган боланинг уйдагилар билан берилажак гўштнинг қай тарзда истеъмол қилиниши ҳақида тузган режалари ҳақидаги воқеа ҳам кулгили, ҳам ачинарли тарзда баён этилади. Одамларнинг гўшт илинжида куннинг тигида, жазирама офтобда соатлаб навбатда туриб, “эвазига киши бошига ярим қадоқдан чақир-чукур суяк” олганлиги, “қип-қизил ўпкага ўхшаган гўштни сиқсанг, чигитдек мойи чиқмайдиган” ҳолда уйига олиб кетишларини адиб пичинг ва кесатиклар билан қаҳрамон монологи орқали очиб беради. Шунини айтиш керакки, бу ўринда муаллиф қаҳрамонлари устидан кулишнигина ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, балки муайян бир халқнинг ўзига хос менталитетини ҳисобга олган ҳолда, эҳтиёткорона ёндашиб, ўша даврда ижтимоий ҳаётда содир бўлган воқеликни, ҳукумат томонидан мусулмонларнинг камситилиши, таҳқирланиши, диннинг оёқ ости қилинишини заҳарханда кулги йўли билан фош этган. Фельетонларда қаҳрамон монологи якка шахсга ва предметга қаратилган бўлиб, улар нутқи орқали давр, замон руҳи акс эттирилиб, унга холис

баҳо берганлигини кўришимиз мумкин. Ҳажвияларда қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиш, сюжет, композиция ва воқеликни овозсиз(ички) монолог ёрдамида ёритиш усулидан ўринли фойдаланган. Бундай монологик нутқда қаҳрамон ўй-хаёллари ҳамда атроф муҳитни идрок қилиши ўзига хос ва мос, яъни ёши, тажрибаси, касби, савияси, лаёқати даражасида бўлади. Унда характер яратишни муаллиф беминнат овозсиз(ички) монологга топширади. Овозсиз(ички) монолог шундай қудратга эгаки, қаҳрамон ички дардларини бировга гапирмаётганини беихтиёр англаб туради, деярли ўзи билан ўзи гаплашади, унинг ички ҳаёти, сир-асрори даҳлсизлиги ўзининг тўлиқ мусбат ва манфий томонларини юзага чиқаришга имконият яратади.

“Калвак махзумнинг хотира дафтарида” ҳажвиясидаги қаҳрамон монологи Калвак махзумга тегишлидир, улар орқали қаҳрамоннинг қалб дафтари очилади, ҳали ўқувчига аниқ бўлмаган ҳодисаларнинг кичик бир саҳифаси ёритилади. Масалан: “...ҳалиги бадбахтнинг оғзидан “Ассалому алайкум” чиқиб қолмасунми? – бошда “Мазак килдиёв бу кофир!” деб ўйладимда, менга қараб келаётгани учун “кофирнинг саломига алик жойизми, йўқми?” деган шубҳада қолдим”.(239-бет)

Кўринадики, Калвак миясида чарх ураётган нотинч ўйлар, фикрлар муаллиф томонидан унга хос сўзлар орқали ифодалаб бериляпти. Махзумнинг тирикчилик важида милицияга ишга кирган куйи маҳаллалик Абжал сариқ билан бўлган суҳбатидан унинг руслардан нафратланиши, уларга хизмат қилганларни кофир деб билиши, ҳаттоки, у билан саломлашиш ҳам гуноҳ деган шубҳага бориши ачинарли ҳолдир. Қаҳрамон овозсиз(ички) монологда Калвак характерига хос бир қанча фазилат ва иллатлар ўз ифодасини топган. Унинг маънавий дунёқараши қашшоқ эканлиги билан бирга динимизнинг таҳқирланганлиги очиб берилган. “Персонажнинг руҳий ҳолатини унинг ўйлари орқали изҳор этган яқка нутқ, одатда, ички монолог деб аталади”,-деб ёзади академик И. Султон. Овозсиз(ички) монолог кўринишлари кенг қамровли эмас, фақат қаҳрамоннинг суҳбатдошига муносабати, унинг ҳақидаги ўй-фикрлари, хулосалари тарзида берилади. Овозсиз(ички) монолог характер ривожини қаҳрамон кўлига топширар экан, ҳажвияда ёзувчи учун кенг истиқбол йўли очилади, асар давомида қаҳрамон ўзининг мавжуд барча руҳий-маънавий имкониятларини кўрсата олади.

Калвак махзумнинг: “...Ҳа, энди ўзимиздан ҳам булохтир, десатнай, анжирнай, сакратар ва кофиралилар етушуб қолди-да, деб ўйласам ҳам, кўнглимга: “Она тилини маҳкамаларда ишлатиш жойизмикин, йўқмикин” (241-бет)– деган шубҳа келишидан собиқ иттифоқ даврида тилимизнинг камситилганлиги, ҳукумат идораларида ўз она тилисида гапириш, ҳаттоки, ўз исмини ўзбек тилида айтиш ҳам маданиятсизлик саналганлигини кўриш мумкин. Парчадан бухгалтер, инженер, секретарь сўзларни нотўғри талаффуз қилиш билан кулгили ҳолга тушса-да, иккинчи томондан, она тилида гапириш мушкул бўлган вазиятда маҳкамаларда ишлайдиган ёшлардан қаҳрамон ташвишга тушади ва ўз тилида сўзлаб бўлармикан дея кўркув аралаш шубҳага бориши унинг ички монологидир.

Абдулла Қодирий ҳажвий асарларидаги монологик нутқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ёзувчи ҳар бир ижтимоий муаммони ҳажв йўли билан қаҳрамон “мен”и орқали муаммони ўртага ташлаб, унинг ечимига ҳам айнан ҳажв ва юмор билан ишора қилиб ўтади. Ёзувчи овозли(ташки) ва овозсиз (ички) баён орқали асар қаҳрамонининг савияси, дунёқараши, ички кечинмаларини рўйи рост очиб, персонажнинг индивидуал хусусиятини очишга муваффақ бўлади. Адибнинг фельетон ва ҳажвияларида илгари сурилган миллий маданиятга хос фикр ва мулоҳазалари, қарашлари ниҳоятда бой, ранг-баранг ва кенг кўламли эканлиги билан характерланиб, истиқлол маънавияти ва мафқураси ривожига хизмат этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.
2. Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Т: Фан, 1977. – 150 б. Абдурахмонова М. Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати. филол. фан. номз. ...дисс. –Т., 1977. – 141 б. Қўшқонов М. Қодирий – эркисизлик қурбони. –Т.: Фан, 1992. – 96 б. Боқий Н. Қатлнома: Хужжатли қисса. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – 208 б. Абдусаматов Ҳ. Ҳажвия назариячиси. (А. Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланади) “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1994 йил 16 сентябрь. Норматов У. Сержило кулги // Шарқ юлдузи. – 1991. – № 3.–Б. 191-198. Солижонов Й. Адабиёт хиёбони. Фарғона, 2020. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. (Қодирийшунослик тимсоли) ф.ф. д. диссер. Т., 2002.
3. Султонов И. Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида // Қизил Ўзбекистон. 1956 йил 26 октябрь.
4. Мисоллар: Қодирий А. Диёри бакр. V жиллик. III жилд. “Info Capital Group” нашриёти, Т. 2018.–568 б.

УДК 81-13

СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГЛАГОЛЬНОЙ ЛЕКСИКИ В ПОЭТИЧЕСКОМ ТЕКСТЕ

О. О. СУЛЕЙМЕНОВА

Н.Ж. Умбетова, преподаватель, Термезский государственный университет, Термез

Annotatsiya. Imiy ishda qozoq shoiri O. O. Sulaymenov she'riyati materiallari bo'yicha semantik tahlil o'tkaziladi. Asardagi semantik tahlilning maqsadi muallif bilan to'ldirilgan so'zning asosiy ma'nosini to'liq aniqlashdir. Ushbu tahlilning vazifasi so'zlarning o'ziga xos xususiyatlarini batafsil tavsiflash, ularning so'zlar bilan o'zaro ta'siri, aloqasi va h.k. Muallif shunga o'xshash etimologiyaga ega so'zlar mavjud bo'lgan misollarni keltiradi, ammo belgilashda ular butunlay boshqacha tushunchalarga ega.

Muallif shoirning she'riy matnidagi fe'llarning ifoda etilishi semantik xususiyatlar bilan bog'liqligini ta'kidlaydi. Bu fe'l shakllarining ko'p qirrali va subtextual ma'nolarni ifodalash qobiliyatini asosiy moment sifatida ko'rib chiqishga imkon beradi. Chunki fe'l nutqning ham, matnning lisoniy ekspresivligining asosi hisoblanadi.

Kalit so'zlar: semantika, so'z boyligi, ma'no, estetik funktsiya, semantik tahlil, tushuncha, she'riy matn

Аннотация. В научной работе, производится семантический анализ на материале поэзии казахского поэта О. О. Сулейменова. Цель семантического анализа в работе, состоит в полном выявлении основного смысла слова, наполненного автором. Задачей данного анализа является подробное описание специфических особенностей слов, их взаимодействия со словами, родство и т.д. Автор приводит примеры, в которых встречаются слова, со сходной этимологией, но в обозначении имеют совершенно разные понятия.

Автор отмечает, что выразительность глаголов в поэтическом тексте поэта, связана с семантическими особенностями. Это позволяет считать способность глагольных форм выражать многоплановое и подтекстовое значение опорным моментом. Так как глагол является основой как речевой, так и языковой выразительности текста.

Ключевые слова: семантика, лексика, значение, эстетическая функция, семантический анализ, понятие, поэтический текст

Abstract. In scientific work, a semantic analysis is carried out on the material of the poetry of the Kazakh poet O. O. Suleimenov. The purpose of semantic analysis in the work is to fully identify the main meaning of the word, filled with the author. The task of this analysis is a detailed description of the specific features of words, their interaction with words, relationship, etc. The author gives examples in which there are words with a similar etymology, but in the designation they have completely different concepts.

The author notes that the expressiveness of verbs in the poet's poetic text is associated with semantic features. This allows us to consider the ability of verb forms to express multifaceted and subtext meaning as a pivotal moment. Since the verb is the basis of both speech and linguistic expressiveness of the text.

Key words: semantics, vocabulary, meaning, aesthetic function, semantic analysis, concept, poetic text

Семантический анализ глагольной лексики в поэтическом тексте имеет свои характерные особенности, что является важным для восприятия языковой картины мира художественной литературы. Это объясняется подвижностью семантики слова, когда лексические единицы вне контекста поэтического текста теряют своё лексическое значение. «... Слова и выражения в их эстетической функции (в образном, переносном смысле, т.е. как реализация вторичных семантических функций; как элементы «словесной ткани» произведения, художественного целого) как бы «надстраиваются» над обычным употреблением языковых единиц, образуя второй «ярус» системы и вместе с первым – своеобразный эстетический по своему характеру «билингвизм» («двуязычие») ... Семантика языковых единиц в их поэтической функции, в художественном тексте характеризуется часто не постоянными, а подвижными, «колеблющимися» признаками, которые дают некоторый слитный групповой «смысл» [5].

«Колеблущий» признак семантики слова, мы можем рассмотреть в следующем примере: «Серый айран / В чашах цветных уснул...» [6]. Из контекста мы понимаем, что имеется в виду, айран уснул. В семантическом плане данное словосочетание неотделимо друг от друга, т.к. при анализе понятия айран, никак нельзя открыть в нём значение «сна». Понятие уснул, в данном словосочетании, выражается в значении прекращения каких-либо звуков. И тут открывается второй «ярус» - поэтический. «... Каждый ярус языка обладает свойствами, которые отсутствуют или иначе выражаются в другом языке» [2]. Колебание значений происходит при вхождении слова в текст и далее уже в сочетании с семантикой соседних слов.

Глагольная лексика в поэзии готова к самым необычным осмыслениям, а именно, осуществляет эстетическое воздействие на читателя, обретает образно-переносное значение – в чём и заключается одна из центральных функций поэтического языка - эстетическая. Эстетическая или поэтическая функция в тесной связи с другими функциями определяет основное содержание поэтической речи.

Целью семантического анализа поэтического текста состоит в полном выявлении основного смысла слова, наполненного автором. Задачей данного анализа является подробное описание специфических особенностей слов, их взаимодействия со словами, родство и т.д. Часто в поэтическом тексте встречаются слова, в которых этимологическое происхождение совпадает, но в обозначении имеют совершенно разные понятия. В данном случае, необходимо, выявить произошедшие изменения в семантике слова за исторический период. Перед исследователем стоит огромная задача: установить основное содержание исходного значения того или иного слова.

Семантический процесс расширения наиболее ярко выражается в звукоподражательных глаголах, у которых в развитии наблюдается одна общая характерная особенность – максимальное раскрытие семантики, а также открытие новых значений на основе исходных звукоподражательных слов. Приведём некоторые примеры: «пил носом, и губами, и лицом, глазами, всхлипывал,... / Я хохотал от счастья, хлопотал, ... / а он роптал... / в песках, где воют на луну / бараны...» [6].

В данном примере, представлены следующие звукоподражательные глаголы: всхлипывал, хохотал, хлопотал, роптал, воют. Которые в данном случае обозначают не столько речевой процесс, сколько выражает эмоциональное состояние лирического героя. Глагол всхлипывал образован от

звукотрагическое существительное «всхлип», что означает «Всхлип, звук, издаваемый при плаче», значение глагола: «Всхлипать, плача, судорожно вздыхать» [4]. Глагол *хохотал* образован от звукотрагического «хохот», что означает «Хохот, громкий смех», значение глагола «Хохотать, громко смеяться...» [4]. Глагол *хлопотал*, относится к одной группе родственных слов: *хлопотать, хлопок, хлопнуть*. Что означает «Хлопок, 1. Удар в ладоши, 2. Вообще – отрывистый, резкий звук» [4]. Следующий глагол *ропотал*, образован от звукотрагического «ропот», что означает «Ропот, недовольство выражаемое, негромкой речью, в неясной форме», значение глагола: «Роптать, ропотом выражать недовольство, обиду» [4]. Глагол *воюет* образован от звукотрагического «выть», что означает «Выть, издавать вой...» [4].

Нередко, в поэтическом тексте происходят семантические переносы звукотрагических слов, издаваемых одними животными на особенности других: «О конь! / Он *гогочет*, как гусь, / Он бушует бурой. / Бурлящий горный поток / Не сравнится с его дыханьем. / Я печень врага / увидел в своих руках...» [6]; переносы звуков птиц, на особенности человеческого поведения: «... Я из автобуса, как из ножен, / Вышел в расцветенную толпу. / Кто-то *кудахчет*, / Кто-то судачит. / Чья-то толстая мама плачет. / Привалившись спиной к столбу...» [6]: глагол *кудахтать* означает: «О курице: кричать, издавать характерные звуки» [4], о человеке: шум или издавать невнятную речь; переносы звуков животных, на особенности человеческого поведения: «...Они *ржуют*, собаки, до икоты, / Это же не люди, это – кони!..» [6]. Глагол *ржать* означает «Ржать, 1. О лошади: издавать крик. 2. Слишком громко смеяться (прост)...» [4].

Семантические переносы в поэтическом тексте создаются при помощи сравнений. Художник слова использует приём сравнений для выражения образной системы, наполненной метафорами, эпитетами, олицетворениями и т.д. «Процесс познания человеком окружающей действительности, – пишет Е.В. Брыкина, тесно связан с постоянным сопоставлением самого себя и предметов внешнего мира с уже познанным» [1].

Особое внимание заслуживает группа глаголов, отражающих максимально-исходное значение при учёте утраты или отрыва производящей основы. Это глаголы, которые ещё сохранили мотивирующую основу, существующую в языке как самостоятельное слово, даже при утрате семантической связи между основой и производным глаголом. Например: «...мы откровеньем *ослепим* умы!..» [6]. По происхождению глагол *ослепить* связан с мотивирующим *слепой*, имеющее значение «лишённый зрения, способности видеть, незрячий...». В данном примере, означает «лишить способности здраво, спокойно рассуждать» [4].

Глагол *грохочет*: «...В моих жилах *грохочет* холод...» [6], связано с мотивирующим *грохот* и определяется как «сильный шум с раскатами» [4], но в данном случае глагол передаёт взволнованное состояние лирического героя.

Вышеприведённые примеры и высказывания позволяют, считать опорным моментом способность глагольной лексики, выражать многоплановое и подтекстовое значение. То есть глагол может быть основой как речевой, так и языковой выразительности текста.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Брыкина Е.В. Народный мир в зеркале сравнения // Русский язык в школе. 2004. № 1.
2. Джусупов М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Ташкент: Фан, 1991
3. Миятбекова З.У. Способы обозначения терминатива в казахском и русском языках. – Шымкент, 2001. – 124 с
4. Ожегов С.И. Словарь русского языка: Ок. 57 000 слов / Под ред. докт. фил. наук. проф. Н.Ю. Шведовой. – 15-е изд., стереотип. – М.: Рус. яз., 1984. – 816 с.
5. Семантика русского языка: Учеб. Пособие. – М.: Высш. Школа, 1982, 272 с.
6. Сулейменов О.О. Определение берега. Стихи и поэмы. Алма-Ата, «Жазушы», 1976. – 456 с.

УЎК 81-13

ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ю.Д. Хамидова, ўқитувчи, Тошкент Давлат Стоматология институти, Тошкент

Аннотация. Биз биламизки интернет хозирги кунда глобал мулоқотнинг энг оммалашган шакли хисобланади. Бу мақолада маълумотлар макони хисобланган интернетнинг хусусиятлари тахлил қилинган. Бу қадар мураккаб объектни тегишлича таърифлаш учун уни янада кенгроқ тизим доирасида кўриб чиқиш керак.

Калим сўзлар: интернет, глобал мулоқот, хусусият, макон, мураккаб объект

Аннотация. Мы знаем, что в наши дни интернет стал самым распространённым средством общения. В этой статье приведены примеры про интернет, который стал местом концентрации глобальной информации. Чтобы описать такой глобальный объект нужно просматривать его как обширную систему.

Ключевые слова: интернет, глобальная коммуникация, объект, пространство, сложный объект

Abstract. We know that nowadays the Internet has become the most common means of communication. In this article are examples of the Internet, which has become a place of concentration of global information. To describe such a global object needs to view it is an extensive system.

Keywords: internet, global communication, feature, space, complex object

Интернетнинг 60-йиллар охирида маълумотлар узатишнинг яна бир канали сифатида пайдо бўлиши, сўнг эса оммавий коммуникация воситасига айланиши XXI асрда нафақат глобал ахборот маконнинг, балки ижтимоий воқеъликнинг бу сегментига хизмат кўрсатувчи алоҳида виртуал дунёлар, тармоқдаги ҳамжамиятлар, тармоқ маданияти ва тармоқ тилининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Ўз аҳамияти ва дунё тамаддуни ривожига ҳамда илмий-техникавий тараққиётга таъсири борасида Интернет давримиз – ахборий жамият ва постмодерн даври тимсолига айланди.

Ҳозирги пайтда Интернет географик чегараларга эга бўлмаган мураккаб социотехник тизимдан иборат деб ҳисобланади. Бу тизимда ахборот катта миқдордаги веб-маълумотлар, мультимедиа, уч ўлчамли тасвирлар ва бошқалар кўринишида мавжуд.

Глобал коммуникациялар даври ҳисобланган бугунги кунда интернетдаги мулоқот энг оммабоп мулоқот турига айланмоқда. У ўзида турли туман тил амалиётлари, коммуникация услублари ва шакллари мужассам этади.

Шунингдек ҳозирги пайтда алоҳида электрон хат (оғзаки ва ёзма нутқ билан бир қаторда нутқнинг учинчи шакли) [1] нинг пайдо бўлиши ва у хизмат кўрсатадиган муайян коммуникатив муҳитнинг пайдо бўлганлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Айрим лингвистлар, шунингдек виртуал тил шахсининг пайдо бўлиши ҳақида ҳам сўз юритмоқдалар.

Бироқ Интернетнинг унга хизмат кўрсатувчи тилларга, пировардида XXI аср коммуникация назарияси ва лингвистикасига таъсирини таърифлаш ва баҳолаш олимларнинг кейинги авлоди вазифасига киради, эҳтимол [2].

Тилнинг асосий функцияси нафақат ахборот етказиш ва ундан мустақил равишда мавжуд бўлган воқеъликка нисбатан тавсиф беришдангина иборат эмас, балки шахсининг ўзига хос ўрганиш ва фаолият соҳасида мўлжал олишига кўмаклашишдан иборатлиги аён бўлди, яъни тил кўпроқ йўналтирувчи хулқ тизими сифатида кўриб чиқила бошланди.

Ушбу йўналишнинг асосий мақсади тилнинг Интернетда қўлланилишининг ўзига хос хусусиятларини таърифлаш ва тушунтиришдан иборат бўлиши лозим. Бунда инсоннинг тармоқдаги мулоқотнинг ижтимоий-маданий жиҳатларига жалб этилганлиги шароитларда турли омилларнинг таъсири мавжудлигини инобатга олиш керак.

Инглиз тилидаги илмий парадигмада ушбу янги электрон тилни таърифлаш учун турли терминлар ишлатилади: e-language, netlingo, e-talk, geekspeak, netspeak, weblish ва ҳ.к. ва Интернет-коммуникация ёки компьютер ё электрон дискурс [3] сифатида белгиланади.

Интернет воситасидаги мулоқотдан ташқари бошқа коммуникацион платформалар ёрдамида, масалан, мобил телефония воситалари ёрдамида амалга ошириладиган мулоқотларни қамраб олади.

Бир қатор россиялик лингвистлар, юқори технологиялар вужудга келиши билан тилнинг ўзига хос алоҳида бир функционал тури – электрон коммуникация воситаларига хизмат кўрсатувчи тил тури ҳақида таъкидлашади. Улар, “Интернет ва бошқа глобал электрон тармоқлар тили, шунингдек бошқа коммуникация платформалари орқали етказиладиган матнли хабарлар тили: мобил телефонларнинг хабарлар хизмати... телекс орқали юборилган хабарлар тили ва махсус қўлланиладиган бир қатор бошқа техник тизимлар асосидаги хабарлар тили киради”- дея таъкидлайдилар [4]. Л. Ю. Иванов “... электрон коммуникация воситалари тилини ҳозирги пайтда тилнинг функционал тури” - деб ҳисоблайди ва бунга “услуг”, тушунчасини “тил ости тил” ёки тилнинг “тури” тушунчасидан фақловчи бир қатор хусусиятлар сабаблиги, ушбу хусусиятларга адабий тилнинг нейтрал воситаларининг мавжудлиги, улар ҳам периферия, ҳам марказда таъсир кўрсатиши, шунингдек тилнинг номеъёрий воситалари ҳам киради [5].

Е. Н. Галичкина компьютер дискурсининг куйидаги конститутив белгиларини ажратиб кўрсатади: 1) электрон сигнал мулоқот канали сифатида; 2) виртуаллик; 3) дистантлик, яъни макон ва замонда ажратилганлик; 4) билвоситалик (техник восита ёрдамида амалга оширилади); 5) юқори даражадаги шаффофлик; 6) гиперматннинг мавжудлиги; 7) компьютер мантларининг креолизацияланганлиги, яъни икки тил таъсирида вужудга келганлиги; 8) иштирокчиларнинг асосан мақоми жиҳатидан тенг ҳуқуқли бўлиши; 9) ҳиссиётлар, мимика, эҳтиросларнинг «смайлик» лар ёрдамида акс эттирилиши; 10) дискурсининг турли кўринишларининг комбинацияланиши; 11) махсус компьютер этикаси [6].

О.А. Леонтовичнинг фикрича, Интернетдаги мулоқот аввалдан айтиб бўлмайдиган ва бошқариб бўлмайдиган вазиятга олиб келади: ҳозирда ОАВ, Интернет ҳам уларга мансуб бир тузилма сифатида инсонлардан мустақил ҳаёт билан яшай бошлайди ва мустақил бошқариб бўлмайдиган кучга айланмоқда. Инсон ушбу воситаларнинг муаллифидан уларнинг кўшимчасига, қандайдир бир ахборий давомига айланади. Бунда ушбу воситаларнинг аҳамиятига баҳо берганда маънавий-ахлоқий жиҳатдан ёндошиш керак [7].

Интернетдаги мулоқотнинг имкон қадар соддалашуви тил, кейин эса жисмоний (реал) шахсининг соддалашувига олиб келади ва руҳиятдаги тўхтатиб бўлмас ўзгаришларга сабаб бўлади. Мулоқотнинг визуаллашуви вербал ифода ва қабул қилиш қобилиятининг пасайишига олиб келади, бу эса турли ёшдаги инсонларнинг мулоқотида акс этади, унинг самараси ва ўзаро англашувни пасайтиради, масалан, турли авлодлар ўртасида.

Тармоқда инглиз тилининг ҳукмронлиги шунга олиб келдики, «...Интернет ҳам бир миллат, ҳам турли давлат ва тил тизимлари ўртасида лингвистик кўникмалар ва ресурсларнинг иерархик тақсимоли воситасига айланди. Натижада лингвистик тизимларнинг нотенглиги ва бир тилнинг бошқаси билан ютиб юборилиши содир бўлди» [8].

Интернет шундай бир мулоқот муҳити, тилни амалга оширишнинг алоҳида бир жойи ҳисобланадики, бунинг ўтмишда ўхшаши бўлмаган. Интернетнинг виртуал воқелиги ривожлангани сайин янги дунё ва турмуш тарзи кифоасини касб этади, қайсики янги коммуникация воситаларининг пайдо бўлишини рағбатлантиради.

А.А. Атабекованинг фикрича, «...Интернет муҳитида мулоқот жараёнида табиий тилдан фойдаланиш лингвистик тизимли таҳлилининг объектига айланиши керак» [9], бу таҳлил тизимли-функционал ёндашув доирасида амалга оширилиши лозим, Интернетдаги веб-саҳифанинг фаолияти эса мураккаб семиотик жараёндан иборат. Бунда тил воситаларидан фойдаланиш семантика, синтактика ва прагматика нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Агар Интернет функцияларини тил функциялари ҳақидаги таълимотга таянган ҳолда тасаввур қилишга ҳаракат қилсак, унда тилнинг анъанавий равишда ажратилиб кўрсатиладиган функциялари **глобал тармоқнинг** [10] функцияларини ҳам ғоятда аниқ тавсифлаши аён бўлади.

Жумладан, глобал тармоқнинг муҳим функцияси албатта коммуникатив функциядан иборат. Глобал тармоқ учун коммуникатив функциянинг хусусий турлари – фатик (алоқаларни ўрнатувчи) тури ҳам хосдир. Чиндан ҳам, глобал тармоқ ҳам коммуникация, ҳам худуд жиҳатидан бир биридан узоқ бўлган шахслар ўртасида бирламчи алоқани йўлга қўйиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Глобал тармоқ таъсирида тил билан рўй бераётган ҳодиса мисолида кам деганда иккита тенденцияни кўриш мумкин.

Тил соҳасида кузатилаётган глобал тармоқ ҳодисаларини аниқ таърифлаш учун умуман интернет тили эмас, балки интернет жанрлари тилидан келиб чиқиш лозим.

Шундай қилиб, Интернет мураккаб социотехник тизим бўлиб, узлуксиз ишлаб, доимий равишда ўзгариб туради. Тизимли ёндашувга кўра бу қадар мураккаб объектни тегишлича таърифлаш учун уни янада кенгрок тизим доирасида кўриб чиқиш керак ва парадигмал оператор ёки тадқиқот парадигмасининг функционал имкониятларини кенгайтириш лозим, шу мақсадда бошқа фанлардан қўшимча ахборотларни жалб этиш лозим. Шунини таъкидлашимиз керакки, бунда ҳар бир фан ўзининг ички тузилиши ва асосий постулатларини сақлаб қолиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атабекова А.А. Лингвистический дизайн WEB-страниц (сопоставительный анализ языкового оформления англо- и русскоязычных WEB-страниц). – М.: Изд-во РУДН, 2003.
2. Галичкина Е. Н. Специфика компьютерного дискурса на английском и русском языках. Дис. ... канд. филол. наук. – Астрахань, 2001.
3. Кондрашов П.Е. Компьютерный дискурс: социолингвистический аспект: Дисс...канд. филол. наук. - Краснодар, 2004.
4. Леонтович О. А. Компьютерный дискурс: языковая личность в виртуальном мире // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс. – Волгоград: Перемена, 2000.
5. Иванов Л.Ю. Язык в электронных средствах коммуникации // Культура русской речи. – М.: Флинта – Наука, 2003.
6. Слюсарева Н.А. Функции языка//Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1990. - С. 564-565.
7. Danet, B., Herring S. The Multilingual Internet: Language, Culture, and Communication Online (Eds.) - New York: Oxford University Press, 2007.
8. Collot, M., Belmore, N., Electronic Language: A New Variety of English // Communication: Linguistic, Social and Cross-Cultural Perspective. - Amsterdam: John Benjamins Publishing, 1996.
9. Yates, S. T., Oral and Written Linguistics Aspects of Computer Conferencing: A Corpus Based Study // Communication: Linguistic, Social and Cross-Cultural Perspective. - Amsterdam: John Benjamins Publishing, - 1996.

УЎК 82-62

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР

М.Н. Хикматова, кафедра мудири, Бухоро Давлат Университети, Бухоро
Р.И. Зарипова, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мақол халқ орасида кун сайин тугилиб турганидек, ота-боболар сўзи сифатида авлодлардан –авлодларга мерос бўлиб ўтади. Бу меросни халқ кўз қорачигидай асрайди.

Мақол халқнинг панд-насихати, маънавий ахлоқий хулосаси, халқ миллий руҳининг аксидир. Мақол халқ идрокининг маҳсули, унинг ҳукми, кўп асрлик мажмуи, турмушдаги турли воқеа –ҳодисаларга муносабатининг ифодасидир. Мақол кундалик ҳаётда кишиларнинг бир-бирлари билан муомаласида бўлиш жараёнида тугилади. Мақоллар борки, “ширин” панд-насихат қилади, ақл ўргатади, мард ва ботир бўлишга даъват этади. Мақоллар борки, “аччиқ” –айбингизни дангал юзингизга айтади.

Ҳамма халқ мақолларида, қандайдир умумийлик бор, маъноси бир хил, аммо сўзлари ҳар хил, ўз муҳитига мосланган.

Мақолларда шакл иччамлиги, сўзларнинг келиши ва аллитерация, қарама-қарши сўзларнинг бирикиши ҳам мақолларнинг шакл хусусиятига хос белгилардандир.

Калим сўзлар: матал, мақол, идиома, бирикма, маъно, грамматик шакл, мажозий маъно, образ, таржима методлари, таржима, фразеология

Аннотация. Поскольку пословица рождается среди людей, она передаётся из поколения в поколение как слово предков. Пословица – это наставление народа, духовно-нравственный вывод, отражение национального духа народа.

Каждая пословица имеет свои особенности с точки зрения смысла, формы и стилистической функции. В пословицах лаконичность формы, возникновение и аллитерация слов, сочетание противоположных слов также являются характерными чертами формы пословиц.

Ключевые слова: поговорка, пословица, идиома, составное, значение, грамматическая форма, переносное значение, образ, перевод

Abstract. As the proverb is born among the people, it is passed down from generation to generation as the word of the ancestors. The people cherish this heritage like the apple of their eye.

The proverb is the admonition of the people, the spiritual and the people, the spirit of the people. The proverb is a product of the people's perception, its judgment, a cents in life. Proverbs are born in the process of their attitude to various events in life. Each proverb has its own characteristics in terms of meaning, from and stylistic function. In proverbs, the conciseness of the form, the occurrence and alliteration of words that are no longer used, whose meanings are not known to the public, that are already obsolete, or that have lost their old grammatical forms, the content of religious content of many idioms reflect historical events

Key words: byword, proverb, idiom, compound, meaning, grammatical form, figurative meaning, image, translation techniques, translation

Маталларни мақоллардан фарқлаш керак. Матал айтилмоқчи бўлган фикрни бирор восита орқали ифодаловчи кўчма маъноли содда жумла бўлиб, унда хулоса бўлмайди, балки унинг ўзи билан хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён қилмай, балки унга ишора қилади.

Матал “у ақли паст” дейиш ўрнига “унинг бир қайнови паст” дейди. “Улар бир-бирига жуда ўхшайди” дейиш ўрнига –“улар бир олманинг икки палласи” деб атайди. Буларни эса мақол деб бўлмайди.

“Идиома” (юнонча *idioma* –ўзига хос ибора). У муайян тилга хос, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган ўзига хос ибораси сифатида таърифланади.

Идиомаларнинг белгилари қуйидагича:

1. Бирикманинг барқарорлиги.

Идиомалар таркибидаги ҳозир ишлатилмайдиган, маъноси кўпчиликка маълум бўлмаган, аллақачонлар истеъмолдан чиқиб кетган сўзларнинг ёхуд эски грамматик шакллари сақланиб қолганлиги, жуда қадим замонларда машҳур бўлган афсоналарнинг мазмунан келиб чиққанлиги, кўпгина идиомаларнинг диний мазмунда бўлиши тарихий воқеаларни акс эттириш ҳамда яхлит ва иччам шаклда бўлиш уларнинг барқарорлигини исботлайди.

2. Бирикманинг мажозий маъноли эканлиги. Масалан, “оёқ узатмоқ” бирикмаси кишининг вафот қилганлигини билдирар экан, демак, бу маънонинг таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқаётганлигидан эмас, балки шу бирикманинг кўчма маънода ишлатилаётганидан деб билмоқ керак. Зотан, у тўғри маънода ҳам қўлланиши мумкин. Бу идиома инглиз, рус ва ўзбек тилларида бир неча хил бирикмалар билан берилди, биз фақат инглизчасини бериш билан кифояланамиз.

1. breathe one's last

2. go west

3. drop dead

4. go the way of all fresh

Демак “ўлмоқ” маъноси еттита бирикмада берилди, бошқа тилларда ҳам бу ибора кўп бўлиши, кўп синоними бўлиши мумкин. Идиоматик ибораларни мақол билан қилинса, унинг ўзига хос томонлари очикроқ кўринади:

1. мақол –образли мазмунга эга бўлган гапдир, уни синтактик жиҳатдан бўлақларга ажратиб бўлмайди. Масалан, “тиғ яраси тузалар, тил яраси тузалмас” мақолини синтактик таҳлил қилайлик. Бунда эга ва кесим мавжуд бўлган икки гап бор: 1-тиғ яраси тузалар –тиғ яраси –эга, тузалар –кесим. 2 –тил яраси тузалмас. Тил яраси –эга, тузалмас –кесим. Аммо “қўлтиғидан тарвузи тушди” идиомасини бундай таҳлил қилиб бўлмайди. Юзаки қараганда: тарвузи –эга, тушди –кесим, қўлтиғидан –тўлдирувчи. Бу нотўғри таҳлил саволнинг ўзи ноўриндир. –Қўлтиғидан нимаси тушди? –деган саволга “тарвузи тушди” деб жавоб беришга тўғри келади. Холбуки бу шундай идиомаларки, унда одамнинг қўлтиғидан фақат тарвузи (қовуни ёки ошқовоғи эмас) тушади. Бошқача айтганда, идиома бўлақларга ажралмайдиган яхлит бирикмадир.

2. Мақол ва идиома мазмуни бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, мақол турмушда синалган, маълум эзгу тугал, умумий маъно англатувчи, иччам бир шаклга кириб қолган халқ ҳикмати бўлса, идиома фақат кўчма маънода ишлатилмайдиган барқарор сўз бирикмасидир.

Масалан:

Мақоллар:

Every country has its customs
An Englishman's home is his castle

Идиомалар:

to burn with silver spoon in one's mouth
to be fed to the teeth

Жонли тилда мақол, матал ва идиомалар бир-биридан фарқ қилинмай қисқача “мақол” деб юритилади. Илмий тилда уларни бирлаштириб, бирикмалардан тортиб мақол, матал ва идиомаларни, фразеология деб атайдилар, яъни бир сўздан ташқари бошқа элемент бирикмада бўлса, фраза ясаसा –улар ҳаммаси фразеология деб юритилади.

Дарҳақиқат, олимларнинг кўрсатишича тиллардан тилларга фақат айрим сўз ва терминларгина эмас, балки кўпгина мақол, матал ва идиоматик иборалар ҳам таржима туфайли аста-секин кириб келар экан.

Ўзбек тилига ҳам рус тилидан ва у орқали дунёдаги бошқа тиллардан аниқ таржима натижасида “Пир ғалабаси”, “Ахил товони”, “Прометей олови”, “Америка очмоқ”, “Хитой девори”, “Бўридан эшаги”, “хусумат олмаси”, “ғалвир билан сув ташимок”, “ховончада сув янчмоқ”, “бармоқ орасидан қарамок”, “қизил ип бўлиб ўтмоқ” каби ўнлаб идиоматик иборалар аста-секин кириб келди ва кириб келмоқда [1].

Инглиз ва ўзбек тилларидаги мақол, матал, хикматли сўз ва идиомаларни (умумий қилиб “мақол” деб атадик) қиёслашда шу нарсалар аниқ бўлдики, ҳар бир халқ ўз муҳити, ўз халқи, психологияси, тириклиги кабилар асосида ўз маъноларини яратганлар. Уларнинг баъзи бирикмалари (фразеологияда энг кичик фраза) сўзма-сўз ҳам ўзбек тилидаги ибора ёки эркин сўз бирикмаларига тўғри келар экан:

To have a rest –дам олмоқ

To have a shave –соқол олмоқ

To make friends –дўстлашмоқ

Лекин баъзи бирикмаларни сўзма-сўз тушунсак, маъноси бошқача бўлади, тушунарли бўлмайди:

1. to turn over a new leaf –сўзма-сўз “янги варақ ағдармоқ”, унинг асл маъноси эса “янги турмуш бошламоқ”.

2. to take the bull by the horn –он взял быка за рога –сўзма-сўз –“хўкиз шохидан ушлади”, асл маъноси эса –“энг зарур ишни бажаради”.

3. to show the white heather –показать белое перо, сўзма-сўз “оқ парни кўрсатмоқ”, асл маъноси “кўркмоқ”

Демак, инглиз тилидаги мақоллар ўзбек тилидаги мақоллар билан сўзма-сўз тўғри келадиганлари ва сўзма-сўз тўғри келмайдиганлари мавжуд. Уларни тушуниш учун (бошқа тилда) ўз тилидан табиий жаранглайдиган, асосан маъноси тўғри келадиган эквивалентлар топиш керак.

Бунинг учун тадқиқотчи ҳар икки тилни яхши билиши ва ҳаёт тажрибасига ҳам эга бўлиши керак экан. Мақолларни таржима қилишда таржима назарияси асосчиларидан бири машҳур олим А.В. Федоров “Таржима назариясига кириш” номли асарида мақол ва маталларни рус тилига таржима қилишнинг қуйидаги усулларини кўрсатади:

1. Мақол ва маталларни таркибидаги сўзларнинг моддий маъносини айнан сақлаган ҳолда –аниқ таржима қилиш.

2. Асл нусхадаги мақол, матал ва фразеологик оборотлар таркибидаги сўзларнинг моддий мазмунини ёки шаклини бир мунча ўзгартириб таржима қилиш.

Ўзбекча –русча луғатда “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади” маталига “Сапер ошибается один раз” матали муқобил қилиб кўрсатилган (233-бет).

Ваҳоланки, тузилиши жуда ўхшаш бўлган бу икки бирикманинг маъноси бир-бирига зид, “ҳассасини бир марта йўқотган шундан кейин эҳтиёткор бўлади, аммо бир марта хатога йўл қўйган сапернинг ўз хатосини тузатиб, эҳтиёткор бўлиши мумкин эмас-унинг хатоси ўлим билан баробар. Шунинг учун бу икки бирикма бир-бирига сохта эквивалентдир.

Шунингдек, ўзбекча “онасини учқўргондан кўрсатмоқ” идиомаси русча “показать кузькину мать” идиомасининг сохта эквивалентидир.

Нутқимизда бадий асарлардан кириб келган қисқа цитаталар, образли иборалар афсоналарда ва бадий асарларда тасвирланган, сўнг халқ тилида кўчма маънода ўзлашиб кетган образларнинг номлари масалан, Афанди, Алдарқўса, Рустами Достон, Ёсуман кампир, Хлестаков ва бошқалар тарихий шахслар номидан айтилган қисқа, ихчам таърифлар “қанотли сўзлар” деб аталади. Манбалардан олинмай, турмушда тилда сингиб кетган ҳар хил образли иборалар, турли касб-хунар атамалари ҳам “қанотли сўзлар” деб юритилади.

Ҳикматли сўзлар

Масалан, Art is long life is short - Век живи, век учись - Бешиқдан қабргача илм изла. A tree is known by its fruit - От яблони яблоко, от ели шишка - Дарахт меваси ўз остига тушади. A good name is better than a gold -Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми.

Буларда халқимизнинг дунёқараши жамиятга бўлган муносабати ва ахлоқий нормаси ўз ифодасини топган.

1. Curses like chickens come home to roost - Бировга чоқ қазима, ўзинг йиқиласан.

2. Good health is above wealth - Саломатлик туман бойлик.

3. It is an ill wind that blows nobody good - Яхшилиқ курбонсиз бўлмайди.

4. A friend in need is a friend in deed - Дўст бошга кулфат тушганда билинади каби мақолларда халқ оммасининг маънавий қиёфаси, идеали, орзу-умиди, интилишлари ҳақида юритган мулоҳазаларини синтез, ҳаёт тажрибаларининг умумлашма ифодасигина бўлмай ҳақиқатнинг образли ифодасидир.

Мақол мантикий мулоҳаза намунаси бўлиб, одоб ва ахлоқ қоидаларини жамулжам этган доно гап.

Мақол доно халқ ифодалаган қисқа ҳикматли сўздир ёки чуқур маъноли иборадир. Мақол нутқда кенг қўлланувчи барқарор шаклга эга бўлган фольклор исботидир. Мақолда ортиқча сўз ва жумла бўлмайди. Мақоллар тўғри ва кўчма маънога эга бўлади. Масалан, “Темирни қизиғида бос” – “strike while iron is hot” мақоли тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам қўлланади. Тўғри маънода – чўзиш ёки юпқа қилиш, умуман турли шаклга солиш учун темирни чўгдек қизариб турган вақтда уриш (босиш) керак деган маънода ишлатилади.

Кўчма маънода эса ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш керак деган маънони ифодалайди.

1. First think then speak - Аввал ўйла кейин сўйла.

2. Many a true word is spoken in jest - Ҳазилнинг таги зил, ҳазилда ҳам ҳақиқат бор.

3. Look before you leap - Етти ўлчаб бир кес.

Юқоридаги ва шунга ўхшаш мақоллар нутқ жараёнида у ёки бу вазият муносабати билан фикрни лўнда, образли тарзда ифодалашда жуда ҳам қўл келади. Шунинг учун ҳам мақол бадий асарда кўп ишлатилади.

Мақолларда ҳаётий воқеаларнинг моҳияти, ибратли фикр ихчам аниқ тарзда ифодаланганлиги учун бу хусусият уларни поэтик тузилишида яққол акс эттиради. Мақоллар шаклан икки хил бўлади:

а) насрий мақоллар.

Better late than never.

Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши.

A good book is a good friend

Китоб – яхши дўст.

б) шеърий мақоллар:

Every time I come to town.

The boys keep kicking my dog around.

Makes no difference if he is a hound.

The got to quit kicking my dog around.

Элга берсанг ошингни.

Эрлар силар бошингни

Итга берсанг ошингни

Итлар ғажир бошингни.

Мақоллар икки хил йўл билан юзага келади:

а) халқнинг кўп асрлик ижтимоий – иқтисодий, ижтимоий – сиёсий тажрибалари, кузатишлари асосида масалан, 1. Lost time never found - Вақтинг кетди, бахтинг кетди.

2. Better a glorious death than a shameful life – номус ўлимдан қаттиқ ёки жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма.

3. Catch the bear before you sell his skin - Жўжани кузда сананг.

4. Cut your coat according to your cloth - Кўрпанга қараб оёқ узат.

б) у ёки бу шоир ёки ёзувчилар ижодидаги ибратли фикрларнинг халқ орасида тарқалиши ва оммалашуви асосида:

1. Empty vessels make the greatest noise.

Аравани қуруқ олиб қочади.

2. Enough is as good as a feast.

Оз бўлсину, соз бўлсин.

3. Diamond out diamond.

Аччиқни аччиқ кесади.

Ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши, сиёсий тузумнинг характери мақолларнинг юзага келиши ва қўлланишига ҳам таъсир этади. Шунинг учун асрлар давомида яратилган мақолларнинг кўпчилиги асл маъносини сақлаган ҳолда инсонни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ахлоқ ва одобларини камол топтириш учун хизмат қилмоқда.

Масалан:

1. No pains, no gains - Меҳнатсиз роҳат бўлмас.

2. Calamity is man's true touchstone - Дўст кулфатда синалади.

3. Don't make a mountain out of a molehill - Пашшадан фил ясама.

Демак, мақоллар таълим-тарбия жиҳатдан катта аҳамиятга эга. У кишиларни огоҳлантиради, маслаҳат беради.

Танбех бериб, танқид қилади, меҳнатни улуғлайди, ҳажвий кулги остига олиб, фош этади. Шунинг учун мақоллар узок умрли бўлади. Мақоллар кўп жиҳатдан маталларга ўхшаса ҳам, уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятга эга. Мақоллар том маъноли бўлиб, уларнинг мазмунида тугал фикр, умумий хулоса бор.

Халқимиз шундай дейди:

Матал –гул, мақол –мева.

1. Saying is flower, proverb is berry. Proverbs have no previous conviction. Мақол юзасидан баҳс этилмайди.

Матал халқ мақоли билан баъзи ўхшашликларга эга бўлса-да лекин ўзига хос жиҳатлари билан ундан фарқлаиб туради.

Маталларнинг пайдо бўлиши нутқда турғун образли ибораларнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Маталлар сўзнинг кўп маънолигига таянганлиги учун нутқий фразеологик ибораларга қарама-қарши ҳолда ифодага ўхшатиш ва қиёслашларни кучайтиради. Шунинг учун ҳам уларда қиёсланувчи элементларнинг тафовути яхши сақланади. Маталлар ҳамма вақт таркиби қандай бўлишидан қатъий назар, грамматик жиҳатдан гапнинг бир бўлаги бўлиб келади. Демак, маталлар жузъий белги англатувчи таъсирчан нутқ безгидир.

Мақолларда эса ҳар бир сўз аниқ ўз ўрнида ишлатилган ва аҳамиятли бўлиб, ўзига хос ритм, оҳанг донишмандлиги мақолларда турмуш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, илм-ҳунар, вафодорлик каби идеал ахлоқ намуналари маъқулланиб, нодонлик, кўрслик, эгрилик, ёмонлик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик каби ярамас иллатлар қораланади. Бу нарса ўзбек мақолларининг ғоявий тематик жиҳатдан бой ва ранг-баранглигини кўрсатади.

1. East or west, home is best - Ўз уйинг, ўлан тўшагинг.
2. Every bird likes its own nest - Булбул чаманни севар, одам ватанни.
3. There is no place like home - Туғилган жойинг кўзингга ўтдек кўринади.
4. Strange land is as step mother - Ватан гадо бўлгунча, кафан гадо бўл.
5. I like no fears for my peaceful home - Ватанинг тинч, сен тинч.
6. Motherland is a gold gradle - Она юртинг, олтин бешигинг.

Ватанпарварлик тарбияси дастлаб оилада, сўнг мактабда ташкил этилади. Бу ҳис –туйғулар, ишонч ва эътиқодлар ёшлиқдан пайдо бўлади. Уни амалга оширишда халқ мақолларининг роли беҳисоб. Ўзбек халқида ижобий ҳислатларни улугловчи мақол ва маталлар мавжудки, у шарқ маънавият бешиги бўлиб келган.

Халқимиз орасида шундай матал мавжуд: **Ўтмиш ойнасида келажак кўринади.** Бу ҳикмат замирида асл ҳақиқат яна бир бор намоён бўлади. Ватан ўтимиши, унинг орзу-умидлари, қувонч ва изтироблари билан боғлиқдир. Инсонни, она –Ватанни севиш, ардоқлаш, унинг фаровонлиги, гуллаб – яшнаши, тараққиёти учун садоқат билан хизмат қилиш, она диёрнинг ҳар бир қарич ерини, тупроғини, бойликларини, табиати ва ҳайвонот дунёсини авайлаб асраш, келгуси авлодларга қолдириш, уларни мукаддас, табаррук деб билиш, аждодлар тарихи, маданияти билан ғурурланиши ҳиссини тарбиялаш, миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва удумларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш жуда муҳим. Бу миллий истиқлол, миллий мустақиллик мафқураси учун асос бўлади.

Инсон Ватан сўзини қанча чуқур англаса, шунга уни чуқур тушунади. Ватанни нечоғли севсанг, ўшанча қудратли ва энгилмас бўласан. Ватан ҳақидаги фикрларимизни юқорида келтирилган мақоллар маъно жиҳатдан бойитади.

Better a glorious death than a shameful life - Қул бўлиб яшагандан кўра ўлган афзал.

Ватан иборасини доимо, “она” сўзи билан бирга талаффуз этамиз. Чунки Ватан она каби яғонадир. *My country is as alone as my mother* - Ватанинг онанг каби яғонадир. Онага бўлган ҳурмат ва садоқат ватанга бўлган меҳрни мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.:1998.
2. Каримов И.А. Буёқ мақсад йўлидан оғишмайлик. Тошкент., 1993.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни Т., 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Миллий дастури. Тошкент. 1997.
5. Аракин В.Ф. Очерки по истории английского языка. М., 1955
6. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов М., «Сов. энцикл.».
7. Ахманова О.С. Микаэлян Г.Б. Современные синтаксические теории. М.: Изд. МГУ, 1963. Афана́сьева Н.А ва бошқалар. Oral speech practice. Proverbs and sayings. М., 1976
8. Абдурахимов И. Ўзбекча –русча афоризмлар луғати. Т., “Ўқитувчи” 1986.
9. Бенович Л.О. Многозначность идиом //Иностранные языки в школе, 1952 №5
10. Бархударов Л.С., Штепинг Д.А. Грамматика английского языка. М., 1958
11. Бегматов Э. Ўзбек тилининг лексик қатламлари Т., 1985.
12. Беллева М.Т. Попова Н.А. Английский язык за пределами Англии, М., 1961.
13. Бўронов Д.Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков М., «Высш.шк» 1983.
14. Бўронов Д.Ж., Мўминов А. A practical course in english lexicology. Т.: 1990.

МАВЛОНО РУМИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕК МУМТОЗ
ТАСАВВУФИЙ АДАБИЁТИДАГИ ЎРНИ

Д.А. Холматов, ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Мазкур мақолада маънавий-ахлоқий тараққиётнинг зоявий асосларини ўрганишида Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуф таълимоти ва унинг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамияти, тасаввуф фалсафасининг буюк намояндаси Жалолиддин Румийнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари ҳамда мавлоно Румий ва унинг ўзбек мумтоз тасаввуфий адабиётига қўйган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: тасаввуф, мумтоз адабиёт, комил инсон ғояси, тариқат, концепция, газал, маънавий-маърифий тараққиёт, тасаввуф таълимоти

Аннотация. В статье рассматривается мистическое учение Средней Азии в изучении идеологических основ духовно-нравственного развития и его роли в воспитании совершенного человека, взгляды великого представителя мистической философии Джалалиддина Руми на совершенного человека и его вклад в мистическую литературу.

Ключевые слова: мистицизм, классическая литература, идея совершенного человека, учение, концепция, газель, духовно-просветительское развитие, мистическое учение

Abstract. This article deals with the mystical doctrine of Central Asia in the study of the ideological foundations of spiritual and moral development and its role in the education of the perfect man, the views of the great representative of mystical philosophy Jalaliddin Rumi on the perfect man and his contribution to mystical literature.

Key words: mysticism, classical literature, the idea of the perfect man, concept, ghazal, spiritual and enlightenment development, mystical doctrine

Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг, ажодларимиз меросини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта, ҳаққоний баҳолаш жараёни бошланди. Айни ана шу ботиний куч ажодларимиз, хусусан, тасаввуф вақиллари томонидан юксак даражага етказилганлиги тарихдан маълум. Жумладан, маънавий-ахлоқий тараққиётнинг ғоявий асосларини ўрганишида Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуф таълимотининг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини тадқиқ этиш муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда тасаввуф фалсафасининг буюк намояндаси Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Хожа Ахрор, Баҳоуддин Нақшбанд, Жалолиддин Румий ва бошқа мутасаввуфларнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари муҳим манбалар қаторига қиради. Румий ижодида инсон эрки, маънавий комиллик, ўзликни англаш, таваккул, оллоҳ ишқи, маърифат, шариат, тариқат, шукр қилиб яшаш, нафси энгиш, қаноат, ҳақиқат, адолат, ҳайру саховат каби ўндан ортиқ ғоялар етакчилик қилади. Мазкур тушунчаларни ифодалашда гўзал бадийий ифодалардан фойдаланади. Масалан, Румийнинг асарларида Ҳақ таърифи жуда кўп келтирилган. Оллоҳнинг буюклиги, унинг меҳрибонлиги ва барчага тенглиги гўзал мисраларда тасвирланади:

Ҳақ ўзи жонларга деб нур ёғдурур,

Бахтиёрлар унга доман тўлдирур. [1,37]

Умуман, Ҳақ ва ҳақиқатдан олис, на олам, на одам ҳикматини англамайдиган кимсаларга оддий ҳаёт ҳақиқатлари мисолида борлиқни, Оллоҳни англаш йўли кўрсатилади. «Таом билан тўлган меъдада хикмат бўлмас», дейди З.Мисрий. Бу - нафс, хирс, таъма бандалари хикматдан узоклиги билдиради. Чунки, хикмат покиза кўнгил ва таскин топган руҳларга Оллоҳ томонидан тухфа юбориладиган илоҳий сўз ҳамда маънолардир. Ҳикмат нурлари чин фақир, ориф, дийдор талаб ошиқларга фойдалироқ бўлмай, улар бу нурлардан кўпроқ баҳра оладилар ва шукрона қиладилар. Уларнинг илми ҳақиқий илм, онглари, вужудлари маърифат нури билан жилоланган бўлади. Бу каби тоза қалб соҳиблари Шарқ тарихида кўплаб учрайди. Уларнинг асарларида ҳам румийёна фалсафа етакчилик қилади. Бошқачароқ айтганда, улар қалбининг покзаланишида Румий ижодиётининг ўрни бекиёсдир. Жумладан, Машраб асарларида ҳам Румий фикрларига ҳамоҳанглик кузатилади:

Ҳам Аввалдур, ҳам Охирдур ва ҳам Зоҳиру ҳам Ботин,

Муҳаққақ бандалар ҳозир билур бир зоти Аллоҳни. [2,45]

Бу оламнинг аввали ҳам охири ҳам яратганнинг изми билан амалга ошади. Инсоннинг ташқи олами ва ички дунёси гўзал бўлган инсонлар барчаси Оллоҳнинг қароати эканлигини билишлари назарда тутилади.

Ҳикмат эгаларининг дунёни англашларида таваққур ва сукут алоҳида ўрин тутганлиги учун табиатларида шошқинлик, кўполлик, кибр сингари нуқсонлардан тозаланган. Румийга кўра, «Ҳикматлар - Аллоҳ лашқаридур, улар Ҳақ, ҳақиқат байроғини кўтариб, кўнгулларни забт қилур». Бу эътироф Мавлоно хикматларига ҳам тўла тегишли:

Маълум эрмасму магар ибрат сенга,

Сўзни сўз очгай, деган хикмат сенга? [1,23]

Оллоҳ хикматларининг инсон қалбини турли зарарли одатлардан, нуқсонлардан тозалашини англаш учун инсон ҳаётдан ибрат олиб яшамоғи лозим. Турмушда учрайдиган жохил, нопок кимсаларнинг

камчиликлари, ёмонликлари ва уларнинг Оллоҳ томонидан жазоланиши, ҳаётлари доим қоронғу зулмат бўлиши, қалблари мудом қийналиб яшаши кабилардан хулоса чиқариш лозим. Румий бундай ҳолатни асосли исбот қилиш учун «Сўзни сўз очгай» деган ҳикматни келтиради ва ирсоли масал санъати орқали ўз ғояларини ёрқинроқ ифодалашга ҳаракат қилади. Жалолiddин Румий ижодида комил инсон талқини ҳам етакчи ғоялардандир. Инсоннинг комиллиги бу ташқи белгилардан эмас, энг муҳими маънавий комилликдир. Маънавий комиллик инсоннинг моҳиятини белгилайди ва бу нарса Румий ижодида турли ташбеҳлар асосида тасвирланади. Жумладан,

Моҳият ул гарчи денгиз ичра дур,

Ахли комил наздида равшан эрур. [1,17]

Румий бойликка меҳр қўйган кишиларни ҳам танқид қилади. Моддий бойлик инсон учун ҳеч қандай қимматга эга эмаслигини таъкидлайди. Шу билан бирга дунё бойликларини кераксиз матоҳга – ахлатга қиёслайди:

Улки дер, мен молу давлат тўпладим,

Деса бўлгай, мунча ахлат тўпладим. [1,23]

Молу дунёга хирс қўйган кишилар маънавий бойликнинг қадрига етишлари лозимлиги мазкур мисраларда уқтирилади ва бундай қарашларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мазкур ғояларга ҳамоҳанг қарашлар Машраб ғазалларида ҳам учрайди. Машраб бойликка бино қўйиш, унга ачиниш борасида фарзанд ва моддий бойликларни ҳам уйғунлаштириб юборади ва бойлик дардидан кўра маънавий бойлик, ўлгандан сўнги жавобгарликларни ўйлашга даъват руҳи устунлик қилади:

Ёқангни йиртма кам ҳиммат ғами фарзанду молингга,

Кўмилган сўнгра вақтида улғурок дардлар бордур. [2,68]

Шарқ мутафаккирлари ҳамма даврларда ўзининг чуқур маънавий салоҳияти билан ажралиб турган. Улар инсонни ахлоқий камол топтириш, маънавий қиёфасини шакллантириш, жамият ижтимоий-сиёсий тараққиётининг муҳим омилларидан бири деб қарашган. Ҳозирда эътибор берилётган комил инсонни тарбиялашдаги замонавий концепциялар биринчидан, комиллик қиёфасини замонга нисбатан давр ва муҳит ичида, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилишга асосланади. Иккинчидан, комил инсон қиёфасини нисбатан, ҳаётини тажрибалар кўлами ва одамийлик сифатларининг умумлашган ёки хусусийлашган шаклларида кўришимиз мумкин. Румийнинг комил инсон тарбиясига оид қарашларига ҳамоҳанг тасвирлар Машраб асарларида кўплаб учрайди. Хусусан, қуйидаги мисраларда биз кўтарган муаммо ёшларнинг тарбиясига оид фикрлар бугунги кун кишилари учун ҳам долзарбдир:

На насиҳат англадук, на сидқ билан солдук қулоқ,

Марди комилмиз дедук, ҳаргиз мусулмон бўлмадук. [2, 23]

Машрабнинг Румий ижодиёти таъсирида ифодаланган мазкур қарашлари барча даврлар учун бирдек хизмат қилиш табиий. Ёш авлодни комиллик руҳи, замон талаблари ва жаҳон илғор тажрибаси асосида тарбиялаш жамиятимизнинг асосий омилига айланган. Шу маънода тасаввуф тарихини хусусан мавлавия тариқатини кенг миқёсда ўрганиш ва аҳолини мумкин қадар тўлароқ у билан таништириш, умуминсоний, ижтимоий, иқтисодий-сиёсий ва миллий қадриятларимизни янада чуқурроқ уйғунлаштиришга ёрдам беради. Румий ғояларидан чуқур илҳомланган Ҳазрат Навоий ижодида ҳам комил инсоннинг хусусиятларига таъриф берилади. Адиб ахлоқида камчиликлари мавжуд бўлган кимсаларнинг ўзига қандай баҳо бериши ва айни пайтда, комил инсоннинг доим ўзини тарбиялашга интилишига урғу беради.

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,

Комил улким нуқсон исбот айлагай. [3, 118]

Ҳозирги кунда комил инсон тарбиясига эришиш учун турли усул ва воситалар ишлаб чиқилмоқда. Бизнингча, замонавий илмий тадқиқотларда комил инсон тарбияси етакчи муаммо бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам комил инсон масаласи жамиятни ривожлантиришнинг ажралмас қисми сифатида тавсифланади. Инсон табиатан эркинликка, эзуликка интилиб яшайди. Аслида ҳаётнинг мазмуни ахлоқий қадриятлар билан барҳаётдир. Мана шундай эҳтиёж маърифий ва маданий таълимотлар ҳосиласи сифатида Румийнинг комил инсон ғояси ва унинг мезонлари давр руҳига монанд шакллантирилиб, ривожлантирилиб келинган. Румийнинг издошлари, унинг асарларидан таъсирланган кўплаб адиблар дунёнинг ўткинчилиги, бу ўткинчи дунёда фақат яхшиликлар қилиб яшаш лозимлиги, дилнинг, иймоннинг пок бўлиши фақат яхшиликлар учун хизмат қилиши тўғрисидаги фикрларни давом эттирдилар. Мисол учун, Абдурахмон Жомий ижодида ҳам бундай қарашларнинг Румий фикрларига ҳамоҳанглиги кузатилади:

Бўлайлик дил ҳаста ҳам сийналар чок

Ҳаётда доимо пок бўлайлик, пок,

Хокистар бўлайлик ишнинг бошидан,

Чунки охири ҳам хок бўлурмиз, хок. [3,27]

Бундай ғояларнинг заминида ўзликни англаш, ҳақиқатни таниш ва шу орқали дилнинг муолажасига эришиш каби муаммоларнинг фалсафий ечимлари берилган. Шунинг учун ҳам Жалолiddин Румий «Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилининг сўнгсиз орзуларидир», - дейди. Румий тасаввуфий таълимотининг асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, инсоф, иймон, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи бир қанча диний-маърифий ғоялар ётади. Мумтоз адабиёт

намоёндалари бевосита Румий ғояларидан таъсирланиб асарлар яратган. Биз буни айниқса Машраб ижодида учратамиз. Бунга «Мабдайи нур» асари мисол бўла олади. Бу асар Румийнинг «Маснавий» асарининг таржимаси ҳисобланади.

Румий ижоди Шарқ илму ҳикматлари, маънолар дунёсининг янги синтези, уйғунлашуви ва айни вақтда юқори босқичга олиб чиқилган, ривожлантирилган кўринишидир. Шу боис мутасаввуф томонидан илгари сурилган илғор ғоялар тафаккур аҳлини жунбушга келтириб, қалбларни забт этди. Шунинг учун файласуф-шоир асарлари ҳозир ҳам ўз мўъжизакор кудратини сақлаган ҳолда ҳамон ўта долзарб ва эътиборлидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Румий Жалолиддин. Ҳикматлар /Жамол Камол тарж. –Т.: Академнашр, 2007.
2. Бобораҳим Машраб. Мабдайи нур. –Т.: Фан, 1994.
3. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
4. Жомий А., Рисолаи мусикий. –Т., 1989.

УЎК 808.3

ПРОЗАДА РИТМ

Н.Х. Шарафиддинова, ўқитувчи, Фарғона давлат университети академик лицейи, Фарғона

Аннотация. Мақолада ритмо-фонетик, ритмо-морфологик, ритмо-синтактик система структурасидаги компонентларнинг сочма нутқдаги ўрни, ўзига хосликлари ҳақида баҳс юритилади. Жумла, ундалма, ажратилган бўлак, илова-ҳавола типидagi ритм элементлари ритмик бутунлик сифатида талқин этилади.

Калит сўзлар: ритмо-фонетик, ритмо-морфологик, ритмо-синтактик, ундов сўз, модал сўз, ритмик бўлак

Аннотация. В статье рассматриваются роль и особенности компонентов структуры ритмо-фонетической, ритмо-морфологической, ритмо- синтаксической системы в речи. Ритмические элементы предложения, импульса, отдельной части, типа приложения-ссылки трактуются как ритмическая целостность.

Ключевые слова: ритмико-фонетический, ритмико-морфологический, ритмико-синтаксический, модальное слово, ритмический кусок

Abstract. The article discusses the role and peculiarities of the components of the structure of the rhythm-phonetic, rhythm-morphological, rhythm-syntactic system in the speech. Rhythm elements of the sentence, impulse, separated part, appendix-type are interpreted as rhythmic integrity.

Key words: rhythm-phonetic, rhythm-morphological, rhythm-syntactic, exhortation, modal word rhythmic piece

Прозада ритмо-фонетик системанинг структурал компонентлари, бутундан қисмга қараб ажратилса, фраза (жумла), такт, сўз, бўғин ва товушдан иборатдир. Товуш ва бўғин ритмик бутунлик сифатида сўз доирасида, такт, сўз ва сўз бирикмаси жумла доираси, жумла эса нутқ доирасида ажралувчи бўлақлардир. Товуш ва бўғин стилистик вазифа бажариш билан боғлиқ ҳолда, асосан, сўзловчи (персонаж)нинг турли эмоционал ҳолатларини юзага чиқариш, максимал ифодалаш учун хизмат қилади ва бир сўз доирасида ритмик жиҳатдан бўлинади. “Ўзича қойил, қо-о-йил”, деб қўяди” [3]. “Энди шаҳар узокда-да, дадаси... – деди хотиним”. Бечоранинг гапи “ да-да-да-да” бўлиб эшитилди. Сезиб, ўзи ҳам уялди” [1].

Ритмо-фонетик система структурасида такт нисбатан катта бутунликдир. У метрик шеърятдаги туроқ (рукн) каби стандарт шаклга, яъни бир-бирига мос шаклга эга бўлмайди – такт турли катта-кичикликдаги бутунликлардир. Шунинг учун ҳам у тизма нутққа эмас, сочма нутққа хосдир. Агар синтагма нутқнинг грамматик жиҳатдан шаклланган лексик-семантик боғлиқликдаги синтактик бирлиги бўлса, такт фонетик жиҳатдан бир бутун ҳолда талаффуз этиладиган ритмик бирлиги. Бу ритмо-фонетик яхлитланишидир. “Дафтарни ёпиб, ёнғоқзор оралаб секин-секин юриб кетдим... Хаёл билан юриб кетаётган эканман, Алвасти кўприк томондан ғалати, ёввойи товуш эшитилди” [4].

Бу жумлаларда грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган сўзларнинг тактларга бўлиниши қуйидагича: дафтарни ёпиб // ёнғоқзор оралаб // секин-секин // юриб кетдим // хаёл билан кетаётган эканман // Алвасти кўприк томондан // ғалати // ёввойи // товуш эшитилди. Кўринадикки, ритм асосидаги тактик бўлақлар бир хил бутунликлардан иборат бўлақлар эмас, улар бир, икки ва уч сўздан иборат бўлақлардир.

Ритмо-фонетик системадаги структурал компонентлар сирасида туроқ (рукн) тизма нутқ элементлари бўлиб, улар прозага хос эмас, такт эса прозадаги ритмик компонент бўлиб, поэзияга хос эмас. Шунинг учун ҳам насрий ва назмий нутқ ритмик бўлинишлари бир-бирига мос бўлавермайди. “Деразамнинг тагида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади” жумласининг ритмо-фонетик бўлиниши такт тарзида қуйидагича: деразамнинг тагида// бир туп ўрик// гуллади. Бу жумлада ҳеч бир ўзгаришсиз ритмик жиҳатдан назм потенцияси ҳам мавжуд:

Деразамнинг тагида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Кўринадикки, “ўрик” сўзи насрий нутқда “бир туп ўрик” тарзида жумланинг иккинчи такти бўлиб келган, назмий нутқда эса “ўрик оппоқ” тарзида иккиликнинг биринчи туруғини ташкил этган.

Ритмо-морфологик система структурасида ритмик жиҳатдан ажралиб турувчи компонентлар ундов, модал сўз ва айрим юкламалардир. Ундов ва модал сўзлар ўзи мансуб бўлган жумла доирасида, юкламалар эса сўз таркибида ритмик жиҳатдан ажралиб туради. Булар сегмент – материал сифатида ритм яралиши учун хизмат қилувчи морфологик элементлардир. Ундовлар шеърийда ажратилган алоҳида талаффузи билан ўзи мансуб бўлган сўзлар ўрамидан жумла доирасида ритмик жиҳатдан алоҳида бўлакни ташкил этади.

Ундовлар драматик асарларда персонаж руҳий-психологик ҳолатини ифодалашда кўп қўлланади.

“Ҳаммаси – Тошмуродбой бойбаччани саломатлигига, ура! Ура! Ура!”.

“Бойбуча – ... Эримни мозорга, боламни Сибирга юборарлар. Вой, вой, вой-й-й” [2].

Келтирилган жумлаларда ритмик жиҳатдан алоҳида ажралиб турувчи ундовлар бир ўринда катта бир ичга сиғмас қувонч ифодаси учун, бошқа бир ўринда кескин драматик вазиятга тушиб қолган персонажнинг руҳий-фожиавий ҳолатини алоҳида ажратиш ифодалаш учун хизмат қилган.

Модал сўзлар мазмунга алоқадор муносабатни ифодалайди ва нутқ оқидамида ритмик жиҳатдан ажралиб турганидек, модал маъно англатувчи юкламалар ҳам ўзига хос талаффуз билан, яъни пауза ва миқдорий урғу воситасида ажралиб туради. Масалан, “Ичаман, деган одам ўғирлик қилиб бўлсаям пул топади... Азиз деганларингам париштамас. Кечаям ҳамхонаси билан алламаҳал чиқиб кетувди. Баданида бор эдиёв...”. Асарда шу гапни айтган персонаж – қоровул кейин шундай дейди: “Аммо-лекин Худойлигимни айтаман: кечаям бор эди, Азизнинг баданида” [5].

Модаллик олдинги парчада “эди” тўлиқсиз феълига қўшилган “ёв” юкламаси, кейинги жумлада “худойлигимни айтаман” сўз бирикмасида ифодаланган. Шу жумладаги “эди” тўлиқсиз феълидан олдинги парчадаги каби гумон англатувчи юклама йўқ. Айни шу юклама пауза орқали “эди” тўлиқсиз феълидан ритмик планда ажралиб туради. Миқдорий урғу бу ажралишни тўлиқ шакллантиради ва таъкидлайди. Натижада тўлиқсиз феъл эди-ёв тарзидаги нутқ шаклига эга бўлади. Юкламада гумон маъноси ифодаланганда, юклама доимо урғули бўлади. Демак, сўз урғуси, фраза урғуси тушунчалари каби юклама урғуси тушунчаси ҳам, бундай урғунинг барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда, урғу турлари сирасида кўрсатилиши ва луғатларда изоҳланиши лозим.

Ритмо-морфологик фигура компонентлари сифатида ундов, модал сўз ва юкламалар ритмнинг сегмент элементлари бўлиб, улар доимо нутқ оқидамида ажралиб туради. Ритмо-синтактик системага кирувчи ритмик компонентлар сирасида ундалма ўзи мансуб бўлган гап доирасида алоҳида ажралиб туради. Бундай ажралиш лексик-грамматик алоқанинг йўқлигида ҳам кўринади. Лекин алоқа мутлақо йўқ бўлмайди, аксинча мазмуний боғланиш ва ритмик жиҳатдан умумийлик мавжуд бўлади. Тугал ритмик бўлиниш жумлалараро бўлиб, ундалманинг ритмик бўлиниши гап ичидаги нисбий ритмик бўлакранишидир. Ундалма ритмик жиҳатдан белгиланса, гапнинг ритмик жиҳатдан нисбий бир бутун тарзда шаклланган аъзоси, ритмик бирлигидир, у гапдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Ундалма синтактик бутунликнинг ритм асосида бўлинган компоненти. “Ота, томошага бораман... Ўғлим, ким ила борасан?”

Ундалма икки ва ундан ортқ бўлганда, санаш оҳанги орқали ритмик бўлак сифатида ажралиб туради. “Оҳ Лизажон, воҳ Лизажон, қайдасан?” жумла фақат ундалмадан ташкил топганда ва такрорланиб келганда, ҳис-ҳаяжон янада юқори бўлади, ритмик ажралиш ёзувда ундов белгиси орқали ифодаланади. “Ортук! Ортук ҳо-оой! Ҳо-о-ой Ортук-у-ук! “Домла! Домла! Домла дейман!”

Ритмо-синтактик системада ҳар бир кириш ва киритмалар ҳам ритмик бутунлик сифатида ажралиб туради. “Ҳатто мен ўзим ҳам, қишлоқда эканимизда, Абдужаббор бизни нохуш кутиб олганида, ноумид қилганида, айни ўйни ўйлаган эдим” [1]. Келтирилган жумла таркибида киритма сўз бирикмаси ва киритма гап бор: қишлоқда эканимизда – киритма сўз бирикмаси; Абдужаббор бизни нохуш кутиб олганида, ноумид қилганида – киритма гап. Киритма гапнинг ўзи икки предикатив марказдан иборат – кутиб олмоқ, ноумид қилмоқ. Кўринадики, жумланинг ўзи ҳам мураккаб структура, киритма тузилма ҳам мураккаб структура. “Мен ўзим ҳам айни ўйни ўйлаган эдим” жумласи таркибида келган киритма тузилма ритмик жиҳатдан сўз бирикмаси тарзидаги бир ритмик бўлакни ташкил этади, гап тарзидаги киритма эса уч ритмик бўлакни ташкил этади: қишлоқда эканимизда // Абдужаббор бизни // нохуш кутиб олганида // ноумид қилганида. “Мен, гапнинг рост, ҳеч қуллолмадим” жумласи таркибидаги “гапнинг рост” [1] кириш бирикмаси ҳам ажралиб турувчи ритмик бўлақдир.

“Устозига ҳурмати ошди, шу баробар, тақдир ўзига ато этган ноёб бахтдан масрур бўлиб – у Назар Яхшибоев ҳақида китоб ёзишни орзу қиларди – тўкин дастурхонга юз бурди” [1]. Жумла таркибидаги киритма гап ёйиқ тузилма бўлиб, у бир бутун ҳолда гап таркибида ажралиб турувчи катта ритмик бўлак, ўз ичида эса тўрт ритмик бўлақдан иборатдир: у // Назар Яхшибоев ҳақида // китоб ёзишни // орзу қиларди.

Ритмо-синтактик системада ажратилган бўлақлар ҳам алоҳида ритмик компонентлардир. Кечкурун, ҳамма дастурхон атрофида тўпланган пайти, арзанда неварам билан гаплашиб ўтириб, яна ўша гап эсимга тушди [1].

Ўзбек тили нутқ қурилишида шундай тузилмалар борки, улар мустақил жумла сифатида шаклланган бўлса ҳам, ўзидан олдинги жумлани мазмунан тўлдириб келиш учун хизмат қилади. Илова-ҳавола конструкциялар номи билан юритилувчи бундай жумлалар мустақил жумла сифатида тўлиқ шаклланади, яъни ўзидан олдинги жумладан нуқта билан ажралади, шунингдек, вергул билан ҳам ажратилади. Масалан, “Оллоёр ўша ерда қолди, отасининг етгисини ўтказгали” [1]. “Ҳар ҳолда, Яхшибоев кўрган манзара кейинчалик сурбет салафи тасвирлайдиган манзарадан ғоят кўҳли эди, айниқса, мезонлари”. “Ҳавасим

келади сенга, ростини айтсам” [1]. “Ёнғоқзордан ўтиб кетаётсам, олдимдан Олимжон чиқиб қолди. Комил табибнинг ўғли” [4].

Моҳият эътибори билан қаралса, “айниқса мезонлари”, “ростини айтсам”, “отасининг еттигини ўтказгани” ҳамда “Комил табибнинг ўғли” ўзидан олдинги жумланинг мазмуний давомидир. Булар вергул ёки нуқта билан ажратилса ҳам жумлани мазмунан тўлдирувчи ҳавола конструкциялар бўлиб, улар ўзларининг алоҳида ритмига эгадир.

Ритмо синтактик системада ундалма сўз ёки сўзларнинг бирикмаси сифатидаги компонент саналса, кириш ва киритмалар, ажратилган бўлак ва ҳавола конструкциялар сўз, сўз бирикмаси ҳамда гап кўринишидаги барқарор моделга эга бўлган компонентлардир. Улар доимо ритмик пауза орқали ажралган ҳолда талаффуз этилади. Бу ритмик компонентлар ўзлари мансуб бўлган бутунлик таркибида, шу таркибнинг ичида яшайди ва ритмик жиҳатдан ажралиб туради. Ритмик фигура компонентлари дистрибутив жиҳатдан, албатта, ўзининг муайян ўрнига эга бўлади, яъни бирликлари ичида ажралиб туриши билан бир қаторда, уларнинг қуршовида ва улар билан ўзаро алоқадорликда бўлади.

Прозада товуш ва бўғин сўз таркибида, сўз алоҳидалиқда такт бўлиб ҳам келади, такт таркибида ҳам бўлади, такт жумла таркибида, жумла эса нутқ таркибида келади.

Юқоридагилардан маълум бўладикки, нутқнинг сочма шаклида ритмо-фонетик, ритмо-морфологик, ритмо-синтактик фигуралари мавжуд бўлиб, улар ўзларининг турли кўринишидаги компонентларига эгадир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Дўст М.М. Лолазор. – Тошкент: “O'zbekiston”, 2016.
2. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: “Шарқ”, 1997.
3. Саид Аҳмад. Уфқ. – Тошкент: “Сано-стандарт”, 2008.
4. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: “MERIYUS”, 2015.
5. Ҳошимов А. Танланган асарлар. VI. – Тошкент: “Шарқ”, 2012.

УЎК 808.5

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ “ЖАННАТГА ЙЎЛ” ДОСТОНИ ҚОФИЯ СИСТЕМАСИДА ДИНИЙ-МИФОЛОГИК ЛЕКСИКА

Н.Х. Шарафутдинова, ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Мақолада А.Ориповнинг “Жаннатга йўл” достонининг умумий лексикаси эмас, фақат қофиядошлик системасига тортилган теонимик ва мифологик маъно англатувчи сўзлар ҳақида гап боради. Узуал теонимик маъно англатувчи сўзларнинг ўз контекстида дoston мазмунига боғланиши кўрсатилади, бу сўзларнинг кўчма маъноларида келишлари ҳам дoston сюжетида мазмунан боғланиши далилланади. Қўлланилган теонимларнинг Яратувчи сифатлари билан боғланиши кўрсатиб ўтилади.

Калит сўзлар: теоним, мифоним, қофия, диний-мифологик образ

Аннотация. В статье рассматриваются слова, относящиеся мифонимам и теонимам, которые втягиваются в систему рифмы. Показано, слова, обозначающие богословную лексику связаны с содержанием поэмы в своем контексте, свидетельствует о том, что эти слова приходя и в переносном смысле связываются с содержанием поэмы. Показано, что использованные теонимы связаны с качествами Творца.

Ключевые слова: теоним, мифоним, рифма, сюжет, религиозно-мифологический образ

Abstract. The article discusses the words relating to the mythonyms and theondims that are drawn into the rhyme system. It is shown, words denoting the theological vocabulary are associated with the content of the poem in their context, indicates that these words coming and in the figurative sense are associated with the maintenance of the poem. It is shown that the used theonimes are associated with the qualities of the Creator.

Keywords: teony, mythonym, rhyme, plot, religious and mythological image

Маълумки, қофия шеърӣ асар структурасида архитектоник, эвфоник, эстетик, ассоциатив каби қатор вазифаларни бажаради. Шу вазифалар қаторида яна бир муҳим вазифаси бўлиб, бу унинг лексик-семантик функциясидир. Бу вазифа бадий асарнинг маъно ва ғояси билан зич боғлиқдир. Қофия системасида турувчи сўз, яъни қофиянинг материали – қофиякомпонент шеър ғоясини очиши билан аҳамиятлидир. Фақат оҳангдорлик, фақат товуш уйғунлиги қанчалик эътиборни тортмасин, у мазмун ва ғоя билан боғланмаса, асар қимматини белгилай олмайди. Қофия – компонент шеърӣ асар мавзуси билан боғлиқ бўлиб, асосий ғояни очиш учун йўналтирилганда, ўзининг лексик-семантик вазифасини тўла қонли бажарган бўлади. Бу хусусда В.Маяковский ўз фикрини қуйидагича баён қилади: “Мен энг зарур бўлган сўзни мисра охирига қўяман ва қандай қилиб бўлмасин, унга қофия топаман” [1].

Қофиядошлик системасида турувчи сўзлар ўз автологик, яъни узуал маъноларида ҳам қўлланади, шунингдек, кўчма, яъни окказионал маъноларда ҳам қўлланади. Мана шундай қўллаш туфайли қофия арсенали яна ҳам кенгайди. Қофиякомпонент кўчма маънода қўлланганда, сўз маъносида силжиш бўлади ва қофиянинг семантик жиҳатдан ранг-баранг турлари яратилади. Бу эса мазмун жиҳатдан ҳам киши эътиборини тартади. А.Ориповнинг “Жаннага йўл” драматик достонидида кўплаб сўзлар қофиядошлик сирасига тортилар экан, бу сўзлар асар мавзуси, мазмуни ва ғояси билан зич боғлиқ ҳолда қўлланади. Бу

Яратувчи сўзи англатадиган тушунча майдонида доир худо, оллох, парвардигор, рабб, эгам, тангри, ҳаллоқ каби сўзлар қофиядошлик системасига тортилишида ҳам кузатилади.

Достонда Эгам, Гаффор сўзлари бир мартадан қофиядошлик тизимида келади.

Савоб керак барчага ҳам ҳалол, бефириб,
Мана, менинг савобларим учма-уч экан.
Лекин уни кўрсайдим гар, савобим бериб,
Дўзахга ҳам кетар эдим, кечирсин Эгам. [2]

Шоир йигит ота-она васли учун ўз савобини беришга ҳам тайёр, ҳатто дўзахга кетишга ҳам рози. Бу йўлдаги ҳатти-ҳаракатларида яратувчидан кечирини сўрайди. Яратувчи кечирувчидир. Бу унинг хос сифатларидан бири. Демак, бу тўртликдаги унинг кечирувчилик сифатига урғу берилади.

Яратувчининг яна бир сифати – фармон берувчилиги, у Қодири Қудрат. Ёлғиз унинг Ўзи қудратдир. Тўртликнинг бир мисрасида ана шу маъно, ана шу сифат ифодаланган.

Қодир сўзи бу ўринда Оллоҳ сўзи билан бир бутунликда қофиякомпонент сифатида қўлланган бўлса, қуйидаги тўртликда Гаффор сўзи билан бир бутунликда қофиякомпонент вазифасида келади.

Ҳамма бало ана шунда, Қодири Гаффор,
Ўша нўноқ бандаларни кечирмас ҳеч бир.
Парво қилманг, дадажоним, баҳона бисёр,
Қисматдир бу, кабрда ҳам тузалмас букр. [2]

Тангри сўзи қўшимчаларсиз – Тангри тарзида ҳам қофиякомпонент сифатида қўлланади, Тангридан шаклида ҳам икки марта қофиякомпонент бўлиб келади. Шунингдек, Тангри Таоло бутунлигида ҳам қофиякомпонент бўлиб келади.

Кимларнидир йўлдан урган “Ҳазрати”и шайтон,
Кимларнидир бандам деган Тангри Таоло.
Шайтон гапин муридлари бажарган обдон,
Худо йўлин бандалари унутган гоҳо. [2]

Бу тўртликда қофиякомпонентнинг Таоло қисми қофиядошлик константаси сифатида вазифа бажарган.

Парвардигор сўзи бир ўринда жўналиш келишигини олган ҳолда, бир ўринда биринчи шахс эгалик қўшимчаси билан шаклланган ҳолда қофиякомпонент бўлиб келади.

Минг мартаба шукр бўлсин Парвардигорга,
Мендан рози кетган экан қиблагоҳларим.
Эс билмаган гўдакликни йўйсак бекорга,
Сенсиреган эмасман мен, йўқ гуноҳларим. [2]

Шу тўртликда “қиблагоҳ” сўзи ҳам қофиякомпонент сифатида қўлланади. Маълумки, қибла ислом таълимотида намоз ибодати жараёнида мусулмонлар юз бурадиган маконий объект. Бу сўз кўчма маънода ҳам кенг истеъмолда бўлиб, унда томонлар тушунчаси ҳам ифодаланади. Жой ва томон маъноси ифодаланар экан, унда, ибодат маъноси билан боғлиқ ҳолда, муқаддаслик, табарруклик каби тушунчалар ҳам англаштилади. Бу маъно достонда ота-онага нисбат берилган: ота-она азиз ва муқаддас, табаррук зотлардир, шундай экан, улар қиблагоҳ қаторида туради. Бу сўз қофиядошликда “гуноҳ” сўзи билан бир тизимга тушади: қиблагоҳ – гуноҳ. Кўринадики, “қиблагоҳ” сўзи ўзининг қофиядошлик чизиғида турган сўз билан нуткий антонимик маънода қўлланган. Сўзни ҳам қофиядошлик, ҳам маъно қарама-қаршилигида қўллаш мазмуннинг янада ёрқинроқ ифодаланишини таъмин этган.

Достонда Тангри, Парвардигор каби теонимлар қўшимчалар олган ҳолда қўлланиши туфайли қофиядошликнинг бўғин қўлами янада кенгайган. Бу билан оҳангдорлик, жарангдорлик янада қуюқлашган.

Теонимик майдонга кирувчи Рабб сўзи икки марта қўлланган бўлса, ҳар икки ҳолатда ҳам қўшимчаларсиз, бошқа сўзлар билан грамматик алоқага киришмаган ҳолда – ундалма сифатида қофиякомпонент бўлиб, ҳар икки ўринда ҳам қараб сўзига қофиядошлик тизимига тушади.

Ҳали дўзах қопқасидан ичкари кирмай,
Остонада шунча савдо бўлса-я, ё Рабб!
Умрим ўтиб кетибди-да, ҳеч нени кўрмай,
Тарозибон айтганидай, кўрмабман қараб. [2]

“Жаннатга йўл” драматик достонида Яратувчи тушунчасини англатиш учун кўк сўзи ҳам қўлланади. И.В.Стеблеванинг кўрсатишича Тангри сўзи осмон ва худо тушунчаларини ҳам англатади [3].

Кўк сўзи эса ҳозирги ўзбек тилида осмон маъносида келиши луғатда кўрсатилади [4].

Ростин айтсам, бир сен эмас, ҳамманг ҳам пўкка,
Икки дунё ҳақиқатга ўзимман нозир.
Тарозибон устидан ҳам хат ёздим кўкка,
Олатасир, текшир-текшир у ерда ҳозир. [2]

У дунёга ёзилган хат албатта худога бўлади, чунки хат тарозибон устидан ёзилган. Тарозибон устидан эса фақат худога шикоят қилиш мумкин ҳолос. Шу маънода кўкка сўзи бош ҳарф билан ёзилиши керак эди.

Достонда “осмон” сўзи ҳам яратувчи маъносида қофия тизимига тортилган.

Бовар этинг сўзларимга, она, онажон,
 Жаннат руҳин туймоқдаман суҳбатингизда.
 Гар қоида кўтарса-ю, изн этса осмон,
 Бўлар эдим азал-абад хизматингизда. [2]

Маълумки, изн берувчи фақат Яратувчидир. Унинг изнидан ташқари ҳеч бир иш воқе бўлмайди. Юқоридаги тўртликда изн берувчи куч, қудрат маъноси “осмон” сўзи орқали ифодаланган. Бу ўринда ҳам, Яратувчи маъносида қўлланганини ҳисобга олиб, атоқли от сифатида берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунда дostonда тилга олинган бошқа теонимлар, бош ҳарфлар билан ёзилган Яратувчи номлари сирасига тушади.

“Жаннатга йўл” достонида у дунё ҳаёти тасвирларида ўша дунё қаҳрамонлари қатнашади. Булар аслида бу дунёнинг яралмишлари бўлиб, у дунё “фуқаро”ларига айланган. Лекин аслият бўйича ҳам у дунё вакили бўлган персонажлар иштироки ҳам қузатилади. Инсон танасида мавжуд бўлган руҳ унинг вафотидан арвоҳ сўзида ифодаланадиган тушунча орқали шу инсон ҳаётининг давоми бўлиб яшайди, бу дунё ҳаётига ҳам аралашади. Дostonда бирор аниқ персонаж арвоҳи ҳақида эмас, умуман, йигитлар арвоҳи ҳақида гап кетади.

Хур қиз
 Қутулмадим, кутулмадим шулардан, э воҳ,
 Ҳар қаерда бир гўр экан бу йигит зоти.
 Фаришта
 Илакишиб қолдимикан бирорта арвоҳ,
 Фақат, фақат нолиб ўтган бунинг ҳаёти. [2]

Дostonда диний-мифологик лексика майдонида мансуб бўлган жаннат, қуфр, иймон, кафан каби бир қатор сўзлар асарнинг умумий мазмуни билан боғлиқ ҳолда қофия тизимида келиб, ҳам архитектуроник, ҳам семантик вазифаларни бажаради.

Аҳволимни баён этсам кул бўлар куйиб,
 Бекор бўлиб қолажакдир топган жаннати.
 Дийдорига боқолмадим бир бора тўйиб,
 Ўзини ҳам ўртаётир ҳижрон қулфати [2]

Хуллас, А.Ориповнинг “Жаннатга йўл” драматик достонида Яратувчи маъносини ифодаловчи Эгам, Оллоҳи Қодир, Қодирӣ Фаффор, Оллоҳ, Таоло, Парвардигор, Рабб, Худо, Кўк, Осмон сўзлари қофия тизимда қўлланган бўлиб, дostonнинг умумий мазмуни билан, жаннат, дўзах сўзларида ифодаланадиган тушунчалар билан боғланади. Диний-мифологик маъноли сўзлар ҳам қофиядошлик тизимида келади ва булар ҳам семантик жиҳатдан дostonнинг умумий мазмунига мос тушади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маяковский В.В. Как делать стихи // ПСС в 13 томах. Т.12. – М.: 1959.
2. Орипов А. Жаннатга йўл. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. Стеблева И.В. К реконструкции древнетюрской религиозно-мифологической системы // Сборник: «Тюркологический сборник», М.: - «Наука», 1971.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 1 том. М.: “Рус тили”, 1981.

TEACHING SKILLS

N.N. Abduganiyev, teacher, Fergana Polytechnic Institute, Fergana

G.S. Abduganiyeva, teacher, Fergana Polytechnic Institute, Fergana

G.S. Mirzayeva, teacher, Fergana Polytechnic Institute, Fergana

Annotatsiya. *Ushbu maqolada talabalarga bilim berishda o'quv jarayonidagi o'qitish qobiliyati haqida so'z boradi.*

Kalit so'zlar: *pedagogik mahorat, pedagogik qobiliyat, ta'lim sifati*

Аннотация. *В этой статье рассказывается о способности обучения в учебном процессе студентов.*

Ключевые слова: *педагогическое мастерство, педагогические способности, качество образования*

Abstract. *This article will talk about the ability of teaching in the learning process in giving knowledge to students.*

Keywords: *pedagogical skill, pedagogical ability, quality of Education*

For scientifically based management of the educational process, the teacher must not only know the science that he teaches, its current state, its connection with other sciences, with life, with practice, but also be able to pass on their knowledge to children. Without this, you cannot become a good teacher.

Each school subject, each area of scientific knowledge has its own characteristics, its own difficulties, its own basic method of cognition. In this regard, for each school discipline, there should be a deeply thought-out teaching methodology. Knowledge of teaching methods helps the teacher to ensure a deep understanding and solid assimilation of the basics of science, the links between natural phenomena and the surrounding life, the skillful application of the acquired knowledge in practice and the use of the acquired knowledge for the development and formation of the student's personality. The effectiveness of teaching and educating students depends primarily on the internal unity of knowledge, purposeful mental actions and correctly formed relations of the child to the surrounding reality, to people, to business and to himself as a subject of activity. And if this is so, then it is quite obvious that in his pedagogical activity the teacher cannot be limited only to the function of communicating knowledge to students. He must be able to guide the mental activity of students, correct and direct it. Only in this case, the teacher is able to ensure the comprehensive development and upbringing of the child as a person.

